ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Н.Хўжаев, М.Хошимова, М.Хакимова, Г.Очилова, Г.Мусахонова

ПЕДАГОГИКА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан барча таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2009

Муаллифлар
Н.Хўжаев, М.Хошимова, М.Хакимова, Г.Очилова, Г.Мусахонова
Педагогика: Олий таълим талабалари учун дарслик//
Муаллифлар: Н.Хўжаев, М.Хошимова, М.Хакимова ва б.;
Н.Хўжаевнинг умумий тахрири остида.–Тошкент. Т.: «ТДИУ», 2009– 368 бет.

Сарлавҳа ости: Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Мазкур дарслик иқтисодий таълим йўналишидаги талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда педагогика фанининг методологик асослари, Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиёти, буюк мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид фикрлари талқин этилган. Ўзбек халқ педагогикасининг мазмуни, ўзига хос хусуситялари ҳақида фикр юритилган. Тарбиянинг моҳияти, мақсади, бугунги кундаги вазифалари ва бу борада юзага келаётган муаммолар таҳлил этилган. Таълим тизимининг хусусиятлари, тамоийллари, шакл, методлари, ўқув жараёнида педагогик технологияларни қўллаш масаласи, педагогик маҳоратни шакллантириш ва ривожлантириш усуллари атрофлича кўриб чиқилган.

Авторы
Н.Хужаев, М.Хошимова, М.Хакимова, Г.Очилова, Г.Мусахонова
Педагогика: Учебник для студентов высших учебных заведений// Авторы : Н.Хўжаев, М.Хошимова, М.Хакимова и др.;
Под.общей редакцией Н.Хужаева.– Ташкент. Т.: ТГЭУ», 2009– 368 стр.

Заглавие: Министерство Высшего и Среднего Специального Образования Республики Узбекистан, Ташкентский Государственный Экономический Университет

Данный учебник рассчитан для студентов по направлению экономического образования. Особое внемание обращено на расскрытие таких вопросов как теоретика-методологические основы педагогики, развитие педагогической мысли в Средней Азии. Рассматривается сущность и особенности Узбекской народной педагогики. Анализируется сущность, цель, задачи и проблемы возникающие в процессе воспитания на современном этапе развития. Рассмотрены методологические основы процесса обучения, принципы, формы и методы обучения, актуальные проблемы дидактики, использования педагогических технологий в учебном процессе, формирование и развитие педагогического мастерства.

The authors
N.Xojaev, M.Khoshimova, M.Xakimova, G.Ochilova, G.Musahanova
Pedagogics: the textbook for the students of higher educational institutions // the Authors: N.Xijaev, M.Khoshimova, M.Xakimova etc.;
Under.general edition N.Xojaev.- Tashkent. T.: "TSUE", 2009.- 368 page.

The title: The Ministry of Higher and Average Special Formation of Uzbekistan Republik, Tashkent State Economic University

The given textbook is calculated for the students on a direction of economic formation. The special attention conversions on расскрытьие of such questions as theorist - methodological fundamentalses of pedagogics, development of a pedagogical idea in Central Asia. The essence and features of the Uzbek national pedagogics is considered. The essence, purpose, task and problem originating is analyzed during education at the present stage developments. The methodological fundamentalses of process of tutoring, principles, shapes and methods of tutoring, actual problems of didactics, use of pedagogical techniques in educational process, shaping(forming) and development of pedagogical skill are considered.

МУНДАРИЖА

1	I БОБ. Педагогиканинг умумий асослари	5
2	Педагогика фанининг тармоқлари	5
3	Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари	9
4	I БОБ. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиёти	11
5	Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари	11
6	Абу Райҳон Берунийнинг педагогик қарашлари	13
7	Абу Али ибн Синонинг педагогик қарашлари	18
8	Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбия масалалари	25
9	Соҳибқирон Амир Темур	27
10	Муҳаммад Тарағай –Улуғбек	32
11	Жадидчилик ҳаракатини вужудга келиши ва таълим ислоҳоти	39
12	Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти	44
13	Туркистонда маориф ишларининг ривожланиши	52
14	Ўзбекистонда халқ маорифи соҳасидаги ислоҳотлар	54
15	Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар	56
16	III. БОБ. Ўзбек халқ педагогикаси фани ва унинг таълим-тарбияда тутган ўрни Ўзбек халқ педагогикаси ҳақида маълумот	64
17	Миллий қадриятларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли	69
18	Ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси	71
19	Ўзбек халқ педагогикасидан намуналар Фольклор ва ўзбек халқ педагогикаси	73
20	Шахс маънавий маданиятини шакллантиришга янгича ёндашув	85
21	Шарқ мутафаккирлари ижодида маънавий маданиятни шакллантириш	87
22	Маънавий қадриятлар. Уларнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришдаги роли	89

23	VII-VIII асрларда Мовароуннаҳрда маданият ва педагогиканинг яратилиши Халқ оғзаки ижодиётида таълим ва тарбия	92
24	«Қуръони Карим»да ифодаланган тарбиявий ғоялар	98
25	Ҳадис илми ва унинг тарбиявий аҳамияти	100
26	IV.БОБ. Тарбия назарияси	117
27	Тарбия усуллари ҳақида тушунча	123
28	Ахлоқ ва ахлоқий тарбия ҳақида тушунча	134
29	Маънавий сифатлар ва ахлоқий хулқлар	147
30	Меҳнат тарбияси ва ўқувчиларни касбга йўналтириш	154
31	Иқтисодий тарбия	159
32	Виждонни тарбиялаш ва ҳуқуқий тарбия	162
33	Экологик тарбия	167
34	Эстетик тарбия	172
35	Жисмоний тарбиянинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти	175
36	Ақлий тарбия	178
37	Жамоа ва тарбия	181
38	Маънавий- тарбиявий ишлар тизимининг мазмуни	191
39	V БОБ. Дидактика – таълим назарияси.	197
40	Таълим тамойиллари	215
41	Таълим методлари.	223
42	Таълимни ташкил этиш шакллари.	234
43	Дарс жараёнида таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш	245

44	Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёнда талабалар мустақил ишини ташкил қилиш.	254 259
45	Ўзбекистонда халк таълими тизими. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари	262
46	VI БОБ. Педагогик технологиялар Педагогик технологияларнинг мақсади ва мақсади	272
47	Ўқув мақсадларини белгилаш	286
48	Кичик модулли технологиялар	290
49	VII БОБ. Педагогик махорат асослари	297
50	Педагогик махоратнинг назарий асослари хамда унинг педагог фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти	297
51	Педагог махоратини ташкил этишнинг зарурий шарт-шароитлари	312
52	Педагогик қобилият.	337

I БОБ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари

Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг тафаккури, янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув юртларининг, ўқув муассасаси, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Буюк аллома А. Авлоний таъкидлаганларидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт. ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолиятга эришишида тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим.

Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шаклланитира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади.

Бунинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Демак, Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожида шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туғилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга уриниш кўртаклари бўлган. Масалан, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли одат ва маросимлар билан боғлиқ ўзини тутишнинг баъзи бир кўринишлари шакллана бошлаган.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Фаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Феодализм даврида тарбия асосан дин таъсирида бўлган. Шунинг учун ҳам таълим назариясининг асосий ғоялари диний илм орқали ифодаланган.

Тарбия назариясининг ғоялари анча олдиндан илгари сурилган бўлишига қарамай педагогик илмий билим-фан сифатида бир оз кейин шаклланган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян-Амос Коменский (1592-1670) номи билан боғлиқдир. Коменский томонидан таклиф этилган тамойиллар, таълим жараёнининг шакл ва услублари «Педагогика»нинг олтин фондига кирган. Унинг машҳур **«Буюк дидактика»** асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Ўқув муассасасидаги ўқув жараёнида таълим, тарбия ва маълумот ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида педагог тарбияланувчилар дунёқарашини шакллантиради, маданий хулқ-атворини тарбиялайди.

«Педагогика» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда қулдорлар фарзандларини ўқув муассасасига кўзатиб қўядиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланган шахслар «педагог» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Олдинига тарбия жараёни катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай қўйди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуғуллана бошлади. Машғулотлар тобора ташқилий шаклларга, кўринишларга эга бўлиб борди ва секин-аста ўқув муассасалари пайдо бўлди.

Педагогика ўзоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги вақтда илмий билимларнинг яхши шаклланган, катта назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган тармоғига айланди. Буларнинг барчаси педагогиканинг табақаланиши, яъни унинг алоҳида тармоқларга ажралишига сабаб бўлди.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методик асосига эга бўлгани каби Педагогика фани ҳам фан сифатида шаклланиб, ўз предметига эга бўлди. Барча ижтимоий фанлар каби жамиятдаги ўзгаришлар, инқироз, юксалишлар Педагогика фанининг методологияси, ўқитиш жараёни, ғоялар ривожига ҳам ўз навбатида таъсирини кўрсатади. Лекин инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш, ҳамда олдин тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, инсоният ҳаётидаги буюк ўзгаришларни, жамиятни ривожланишини, фаровон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот ишлар, педагогик ғоялар, илмийликка асосланган натижалар жамланмалари, илмий ишланмалар, тажрибалар, тавсиялар асосида бир қатор илмий педагогик қўлланмалар, дарсликлар чоп этилган.

Ҳозирги замон педагогика фани жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисми бўлиб, педагогика фани тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Педагогика фанининг тарихи эса, педагогиканинг қисмларидан бири, унинг махсус тармоғи ҳисобланади.

Педагогиканинг бош масаласи тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган холда баркамол инсонни вояга етказишдир.

Педагогика фанининг мақсади:

Республикамизда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун холатдаги муаммоларини хал килиш;

Таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва Дуне талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш;

Умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафкурани шакллантириб бориш имконини яратиш;

Педагогика-тарбияшунослик қоида, қонунларни илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва янги иш шаклларини излашга тадбирлар белгилаш;

Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлаштириш муаммоларини хал килиш;

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга ошириш.

Педагогика фанининг вазифалари:

Шарқ ва Ғарбда халқ яратган халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар, педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илғор гояларини урганиб, тахлил килиб, комил инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш;

Комил инсонни таркиб топтиришнинг қонуният, қоида ва зарурий сифатларини аниклаш;

Педагогикадаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги дарв хусусий методикаси билан ўзвийлик муаммоларини ишлаб чиқиш ва янги педагогик технология қонунларига амал килиш;

Таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларини мактаб амалий хаёти билан боглаб, булажак ўқитувчиларга ургатиш;

Халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур урганиб булажак ўқитувчиларни қандай тайёрлаш муаммоларини хал килиш.

Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, усул ва воситалари умуман, ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янгича асосга эга бўлиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов бу борада шундай деган эдилар:

“Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланиш йўли туртта асосий негизга асосланади:

Умумий қадриятларга содиклик;

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён килиш;

Ватанпарварлик.” [1]

Педагогика тарихи педагогик таълимотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиш масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга қарши кураши тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик ғоялар, ҳур фикрлар, таълим қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини таҳлил қилади, муҳим умумий хулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

Педагогика фанининг тармоқлари

Тарихийлик тамойили ҳар қандай фан ривожланишининг зарур тамойили ҳисобланади. Зеро ўтмишни ҳозирги давр билан қиёслаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кўзатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга, бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақлайди ва келажакка йўналтирилган амалий таклифлар, мақсадли изланишларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жамият ҳаётини қайта қуриш, ўсиб келаётган ёш авлодни шунингдек, ҳамма меҳнаткашлар табақаларини тарбиялашни кучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари доираси кенгаяди. Ҳозирги кунда педагогикани асосий тармоклари сифатида куйидагиларни келтириб ўтамиз.

Ёш даврлари педагогикаси мазкур гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий-ташқилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни тарбияланувчиларнинг ўқув муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Катта ёшдагилар педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий ўқув юрти педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан ҳ**арбий педагогика** соҳаси шуғулланади.

Булардан ташқари **оила педагогикаси** бугунги кундаги долзарб вазифалардан бирини ташқил этиб, оилаларда, оила марказларида, маҳаллаларда, жамоат ташқилотларида, оила-никоҳ муассасаларида амалга оширилаётган тадбирларда намоён бўлади.

Умумий педагогикада тарбияланувчилар орасида мафкуравий тарғибот ва маданий маърифий ишлар ҳам ўзига хос тармоқларига эгадир. Бу меҳнаткашларни тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшади ва белгиланган педагогик ғояларга суянади. Педагогика фанининг ҳамма

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. Тошкент. «Ўзбекистон” 65-бет

тармоқлари ўзининг турли ривожланиш, тараққиёт босқичларига эгадир: уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган бошқалари ўзининг шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда (масалан, олий ўқув юрти муассасаси педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси) баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажралиб чиқиши эндигина бошланмоқда. Умумтаълим ўқув юртларида эмас, балки ёрдамчи ўқув юртларида шуғулланишлари мумкин бўлган шахслар яъни, кўриш, эшитиш, сўзлаш аъзоларида камчиликлари бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этувчи фанлар педагогика фанининг махсус гуруҳини ташқил этади. Педагогиканинг бу махсус тармоқлари дефектология ёки махсус гуруҳга бирлаштирилган.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил бўлган тармоқларга бўлинади:

Сурдопедагогика - кар ва гунг тарбияланувчилар таълим-тарбияси масалалари билан;

Тифлопедагогика - кўзи ожиз тарбияланувчилар таълим-тарбияси билан;

Олигофренопедагогика - ақли ожизлар таълим- тарбияси билан шуғулланади.

Бундай илмий ишлар билан шуғулланадиган институтлар Республикамизда турли тавсиялар бериш, методикани ишлаб чиқиш билан бир қаторда илмий изланишлар, тажриба алмашиниш билан ҳам самарали тадбирларни олиб боришади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида махсус ташқил этилган Дефектология факультетида муносиб мутахассислар тайёрланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Асосий педагогик категориялар

Бизга юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, педагогика Фани таълим-тарбия мАқсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгаришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги бохланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради. Педагогиканинг асосий категорияларига тарбия, таълим, маълумот киради. Лекин, ҳозирги педагогикани тараққй этиб боришида, асосий педагогик категориялар қаторига ривожланиш ва шаклланишни хам киритса бўлади.

Тарбия-Ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди.Тарбия бола туқилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёндир.

Педагогикада «тарбия» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланиши мумкин.

Кенг маънода қўлланиши деганда – катта авлод вакиллари ўзлари тўплаган хаётий тажрибаларини ёш авлодга қолдиришларини тушуниш мумкин.

Тор маънода қўлланиши деганда – махсус таълим муассасалари орқали шахсда аниқ билим, дунёқараш, ички хиссиётларини,умуман хаётга тайёргарлигини ривожлантириш тушунилади. Шу ерда савол туқилади: қайси таълим муассасаси бошқасига нисбатан тарбия тақдирига кўпроқ таъсир кўрсатади? Шахс тарбиясини бўзилишига фақат тарбия муассасалари ва педагоглар кўпроқ сабабчими? Деган саволлар инсониятни доимо қизиқтириб келади.[2]

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки тамонлама характерга эгадир.Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижани беради. Таълим жараёнини мазмунини билим, кўникма ва малака ташқил қилади.

Билим – бу ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Билимни хаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиқиндисидир.

Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали **малакага** айланади.

Билим асосида кўникма ва малака пайдо бўлади. Билим бахсда керак бўлса, кўникма мехнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур.

Маълумот – таълим –тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика ўқув муассасаси тизимининг ташқилий жиҳатларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишга, шахсларни тарбиялашда ўқув муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришига ёрдам беради.

[2] 1.И.П.Подласий.Педагогика.Владос.2003.25-стр.

«Педагогика» тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишда жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқдир. «Фалсафа» фан сифатида инсоният жамияти, табиат ривожланишининг умумий қонуниятларини ташқил этадиган, яъни педагогиканинг тараққий этиб боришига имкон берадиган илмий манбаидир. Шу билан бирга, файласуфлар ва педагогика фанлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган бир қатор умумий масалалар фалсафада ҳам, педагогикада ҳам баробар мавжуддир.

Булар жумласига тарбия билан бошқа ижтимоий ходисалар орасидаги ўзаро алоқалар; дунёқарашни, аҳлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни шакллантириш масалалари; шахс ва жамоа муносабатлари; таълим жараёни моҳиятини тушуниш ҳамда билишнинг диалектик назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган гнесеологик масалалар ва бошқа муаммолар киради.

Педагогиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишда фалсафанинг социология, этика, эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эгадир.

Этика фалсафанинг аҳлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқдир. Уларни хал этишда педагогика аҳлоқнинг умуминсоний қадриятларига суянади.

Эстетика (нафосат тарбияси) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик муносабатлари умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қилади. Бу асосларни педагогика фани ишлаб чиқади, ёшларни гўзалликни хис қила олиш, тушунишга ўрганиш воситалари ва йўллари белгилаб беради.

Педагогиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлигини, ҳал этадиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти, унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогиканинг иқтисодиёт фанлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ижтимоий фанлардаги маълумотларга суяниб, педагогика жамиятнинг тарбияга бўлган объектив эҳтиёжини ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини ўрганади.

Инсоннинг ақлий ривожланиши қирраларини, жиҳатларини ўрганадиган бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, педагогика инсон шахси, унинг тараққиёт босқичлари билан шуғулланади.

Педагогика психология ва физиология билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир. Физиология педагогика ҳамда психологиянинг табиий илмий базаси ҳисобланади. Педагогика физиологиянинг олий асаб (нерв) фаолиятининг ривожланиши, асаб системасининг ўзига хослиги, биринчи ва иккинчи сигнал системалар ҳақидаги, шунингдек сезги органларининг, таянч ҳаракат аппаратларининг, юрак. кон-томир ҳамда

нафас олиш системаларининг фаолияти, ривожланиши ҳақидаги маълумотларга суянади.

Психологик ҳодисаларнинг физиологик асосларини билиш педагогика учун тарбия ва таълимнинг баъзи бир омилларини яққол, аниқ билиб олиш, тушуниш имкониятини яратади ҳамда таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишнинг кўпгина муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Психология педагогиканинг бошқа фанлар томонидан аниқланган билимлар, ўсиб келаётган инсоннинг шахсини шакллантириш, ички жараёнларини юз бериш омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги билимлар билан қуроллантиради.

Кейинги вақтларда педагогика бошқа янги ривожланаётган фанлар билан, жумладан, мураккаб динамик тизимларни режали бошқариш ҳақидаги фан бўлган кибернетика билан мустаҳкам алоқада ривожланмоқда. Буларнинг барчаси педагогика ўзининг предмети ва тадқиқот соҳасига эга бўлиб, бошқа бир қатор фанлар билан жуда мустаҳкам боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида умуминсоний қадриятларни, умуминсоний ижобий хислатларни ривожлантириш Ўзбекистон ҳукуматининг қарорларида мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, нутқларида ўз аксини, тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўз йўли, тамойиллари тарбия жараёнида ҳали аввалги кекса авлод олдида турмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар шакллантирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкураси аста-секин шаклланиб бораяпти. Педагогика илмидаги тушунчалар таърифлар миллий истиқлол мафкурасига мос умуминсонийлик руҳида тушунтирилмоғи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Яна бир томондан таълим назариясини, таълим - тарбия мазмунини, шаклини ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Оврупо орқали ўзгариб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини ҳисобга олинса, қуйида келтириладиган тушунчаларда хусусий миллийликдан кўра, умуминсонийлик жиҳатларининг кўплиги кўзга ташланиб туради.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари

Педагогика фани ўз мазмунини бойитишда янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий тадқиқот

методларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиторияси тарбияланувчилари ҳарактер-хусусиятларидан келиб чиққан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор методларни қўллаш мумкин.Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги педагогик илмий текшириш методларни келтириб ўтиш лозим бўлади.

1. Педагогик кўзатиш методи.
2. Суҳбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан)
3. Талабалар ижодини ўрганиш усули.
4. Тест усули
5. Маълумотларни таҳлил қилиш усули.
6. Эксперемент-тажриба-синов усули.
7. Статистика маълумотларини тахлил қилиш усули.
8. Математика ва кибернетика усули.

Таълим усулларини танлаш билан бир каторда ўқитувчи дарсдаги талабаларни ёш ва индивидуал ҳарактер хусусиятларини ўрганиши ҳамда тахлил килиши шарт.

Педагогик кўзатиш- одатда табиий кўзатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташқил этади. Бунда кўзатишлар тезлиги ва сони, кўзатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кўзатиш учун ажратиладиган ҳарактеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Суҳбат методи- сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўли швақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида- мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан,якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутади. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикаси интервью ташқил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синаш ва ҳ.к.

Педагогик сўраш методи - тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташқил қилади. Сўраш саволларнинг

мантиикИй ўйланган системасини,уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни («ҳа», «йўқ») ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест синовлар методи- бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини(анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тўзилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули – бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш га эътибор берилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули- Ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фара зёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули- халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Бу каби методлардан фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабхаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғилланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учун хам зарурий шарт бўлган усуллардан биридир. Зеро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.[3]

II БОБ. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиёти

Ўрта Осиёда педагогик фикрнинг шаклланишида буюк мутафаккирларининг алоҳида хизматлари бор. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар таълим-тарбия жараёнига жиддий қараганлар ва бу борадаги қимматли фикрларини дунёга танилган асарларида баён этганлар. Ушбу асарлар нафақат Ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг илмий қарашлари бугунги кунда ҳам инсоният учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари

[3] **Ниязов Ф. «Маъруза матнларини тайёрлаш ва укитиш услубиётини такомиллаштириш" Битирув малакавий иши. 2005 йил 78-бет.**

(873-950)

Абу Наср Форобий - машҳур олим, қадимги юнон илми ва фалсафасининг шарқдаги энг йирик тарғиботчиси. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига асос солган мутафаккир.

Абу Наср Форобий(милодий 873 йил)да Шош-Тошкентга яқин Фороб (Ўтрор) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган.Форобда бошланғич таълимни олгач, Шошда, Бухорода, Самарқандда таълим олган. Сўнгра Боғдодга бориб юнон тили, тиббиёт, мантиқ, мусиқа, тилшкнослик, ҳуқуқ масалалалрини ўраганади.

Форобий «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди[4]. Форобий бу асарларида давлат тузилиши ва уни бошқариш, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш ҳамда камолатга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби масалалар устида фикр юритади. Етук жамоани вужудга келтириш, комил инсонни тарбиялаш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини биринчи бор ўрта аср шароитида Форобий олға сурди. Унинг «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби машҳур асарлари шу масалаларга бағишланган. Форобий таълим-тарбияга бағишланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зурурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услубиятлари ҳақида фикр юритади. Унинг «Фозил одамлар шаҳри», «Ихсо-ал-илм», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим-деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўрнатишдир, дейди олим.

Фороб
ий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади. Абу Наср Форобийнинг бой ижоди билан танишар эканмиз, унинг ахлоқ ҳақидаги фикрларига алоҳида эътибор беришимиз керак. У ўн икки хислатни санаб ўтади ва шу хислатларга эга бўлган инсонни ахлоқли деб айтиш мумкин деган хулоса чиқаради. Бу хислатлар қуйидагилардир:

- одам жисмонан мукаммал шаклланган бўлиши керак;
- муҳокама ва мулоҳазани тез ва тўғри тушуна оладиган бўлсин;
- хотираси кучли бўлиши шарт;

[4] Абу Наср Форобий. Рисолалар. М.М.Хайруллаев. Тошкент. «Фан», 1975 – 71-72 бет.

- зеҳни ўткир бўлиши зарур;
- ўз мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;
- билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин;
- овқатланиш ва ичимлик ичишда меъёрини билувчи;
- ҳақиқатни севувчи бўлсин;
- руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин;
- дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига нисбатан жирканиш билан қарасин;
- адолат учун курашувчан бўлиши керак;
-қўрқмас, жасур бўлсин, лекин қайсар бўлмасин.

Ушбу хислатларда инсоннинг ўз шахсига, жамиятга, ҳаётга, моддий бойликларга нисбатан муносабати намоён бўлади.

Форобий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради.

Хулоса қилиб, Форобийнинг қуйидаги асосий фикрларини кўрсатиш мумкин:

-таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларидан фойдаланиш лозим;

-комил инсонни шакллантириш, инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида эришилади;

-инсоннинг камолотга етишида ҳам ақлий, ҳам ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади.

Абу Наср Форобийнинг тавсия этган таълим-тарбия усуллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Форобий ахлоқийликни тафаккурга асосланган ҳосилот сифатида қабул қилади. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда педагогик тадқиқотлар бу қарашни тўла тасдиқлайди. Бугунги кунда ахлоқийлик нафақат хулқнинг гўзаллигини, муомала маданиятини, балки инсоннинг ички муҳитида уйғунлик ўрнатилишини, ахлоқий меъёрлар асосида фикрлашни, ахлоқий ҳис-туйғуларни ривожлантиришни, эзгу ният ва ҳиссиётларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ахлоқийликнинг бу қирраларини инсон ўзида фақат англаган ҳолдагина ривожлантириши мумкин. Ахлоқий онглиликни ривожлантириш эса икки йўл билан – таълим ва тарбия орқали амалга оширилади. Ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, биз ҳанузгача ахлоқий онглиликка етарли эътибор қарата олмадик. Биз талабаларда ахлоқийликни ташқи элементларини тарбиялаш билан чегараланиб қолмоқдамиз. Биз интизомли бўлишга, ахлоқий меъёрларга амал қилишга, хулқ-одоб чегараларида хатти-ҳаракат қилишга талабаларни чорлаймизу, аммо талабаларнинг ички ахлоқий дунёсини тарбиялашга эътибор бермаймиз. Ахлоқий онглиликни тарбиялашга ҳам юзаки ёндашамиз, ахлоқий фикрлаш малакасини ҳосил этишга ҳаракат қилмаймиз. Буларнинг барчаси ахлоқийликни тарбиялаш жараёнида самарадорликнинг паст бўлишига олиб келади. Абу Наср Форобийнинг ахлоқийликка бўлган

қарашларига асосланган ҳолда биз ахлоқий тарбия жараёнида ахлоқий онглиликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда Форобий педагогик таълимотининг асосида комил инсонни шакллантириш, инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комилликка эришади, деган фалсафий қарашлари ётади.

Инсоннинг камолотга етишишида ҳам ақлий, ҳам ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда Форобий тавсия этган таълим ва тарбия усуллари ҳозирга даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан диққатга сазовордир.

Абу Наср Форобий инсонга яшаш учун жуда кўп нарса кераклигини ва буларни вужудга келтириш йўлида у бошқа шахсларга мурожат қилиши , яъни иқтисодий алоқани ўрнатиш зарурлигини эътироф этади. Дарҳақиқат иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун одамлар, давлатлар интеграциялашувга ҳаракат қиладилар.Бугунги кунда бу ҳаракатнинг аҳамиятини нечоғлик катта эканлигини европа мисолида кўриш мумкин. Иқтисодий интгерация бу давлатларнинг ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Форобий «Бахт саодатга эришув ҳақида» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз маблағларини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келса, режасиз ишлатиш инсонни бебошликка етаклайди».

Абу Райҳон Берунийнинг педагогик қарашлари (973-1048)

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний X асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Беруний (милодий 973 йил 4 сентябр) Хоразмнинг Қиёт (Кот) шаҳрида дунёга келди. Берун сўзининг маъноси «ташқари» деган маънони англатади. Саёҳатчи Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, ватанидан ташқарига кетган ҳар бир кишини хоразмликлар «Беруний» лақаби билан аташган. «Абу Райҳон» эса «марҳаматли », «раҳмдил» деган маънони англатади.[5]

Абу Райҳон Беруний бошланғич таълимни тугатгач, ўша даврда фан-маданият тараққий этган Хоразмнинг пешқадам олимларидан сабоқ олади.

Беруний Хоразм тили билан бирга сурёний, форсий, сўғдий юнон, қадимги яхудий тилларини, ҳатто қадимги ҳинд тили санскритни ҳам ўрганган. У юнон классик илми, астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих, этнография фалсафа ва филологиядан ҳам чукур билим олади.

Беруний йирик олим Абу Наср ибн Ироқдан Евклид геометрияси, Птолемейнинг астрономик таълимотларидан дарс олган.

[5] Аҳмедов А. Беруний ва унинг «Геодезияс»си ҳақида.Беруний. Танланган асарлар.3-том, «Фан», 1982,21 бет.

995 йилгача Беруний астрономия, география, геодезиянинг .амалий масалаларини ҳал этиш билан бирга, Шарқда биринчи бўлиб Ер ва Осмон глобусини ясади ва астрономияга оид бир неч,а китоб ёзди («Картография», «Глобус ясаш китоби», «Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгламаларини аниқлаш ҳақида мақола » ва бошқалар).

Беруний ҳали жуда ёш олим бўлишига қарамай, Кот шаҳрида 994—995 йилларда астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган.

994—995 йилларда Қорахоиийлар сомонийлар давлатига қарши хужум киладилар. Урганч амири Маъмун I томонидан Беруний ижод этаётган Кот шаҳри забт этилиб ягона Хоразм давлати ташкил топади. Амир Абу Абдулло Мухаммад хизматида бўлган Беруний ҳам бошқа олимлар каби Кот Қиётни тарк этиб, Жур-жонда, сунг Райда яшайди.

Ўша даврда Хоразмда ва Каспий олди вилоятларида Қобус ибн Вушмагир деган таниқли олим ёш олимга хайрихохлик кўрсатади. «Шамс ал-Маолий» («Олий мартабалар қуёши») лақаби билан машҳур бўлган бу подшоҳга бағишлаб Беруний «Қдимги халақлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзади ва унга тақдим этади. Бу асар Беруний номини Яқин ва Ўрта Шарққа машҳур қилди.

1004 йилда Беруний Маъмун II ибн Маъмун томонидан Хоразмга чақириб олинади ва унинг маслаҳатчиси бўлиб қолади.

Маъмун даврида Урганчда «Маъмун академияси» номли илмий марказ ташкил этилади ва у ерда мусулмон Шарқининг йирик олимлари фаолият кўрсатади.

1017—1018 йнлларда яна тахт ва ҳокимият учун кураш бошланиб, Мовароункаҳрда Қорахоннйлар давлати барпо этилади. Хуросон ва Афғонистонда Махмуд Ғазнавий (998—1030) ҳукмронлиги ўрнатилиб, қораҳоийлар бил.ан тузилган шартномага мувофиқ Хоразм Маҳмуд давлатига тобе бўлиб қолади.

Маъмун академиясидаги кўплаб олимлар қатори Беруний ҳам Ғазнага олиб кетилади ва у ерда кўп қийинчилклар бил.а.н ўз ижодини давом эттиради.

Беруний бу ерда ўзининг «Хоразмнинг машхур кишилари», «Геодеэия» асарини яратди. Бу асарда география ва астрономия фанлари билан бир қаорда палеонтологик кузатишларнинг натижалари ҳам баён қилинган.

Берунийнинг яна бир муҳим асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»дир. Бу асарда ҳам у бир қанча фанлар юзасидан дастлабки тушунча, маълумотлар берган. Маълумки, Маҳмуд Ғазнавий ҳиндистонга қарши босқинчилик урушларини олиб борган. Мана шу юришларнинг бирида Берунй ҳам Маҳмуд Ғазнавийга ҳамрох бўлиб борди. У сансрит (эски ҳинд тили) ни. билганлиги учун ҳинд халиқи маданияти, адабиёти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига зга бўлди ва бу меҳнатлари натижасида 1030 йилда ўзининг Шарқ ва Ғарбда кенг эътироф қилинган машҳур «Ҳиндистон» асарини яратади.

Китобнинг тулиқ номи «Китобу фи таҳқиқи молил Ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин», яъни «Ҳиндларнинг

ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» бўлиб, айтишга қулай б ўлиши учун қисқача – «Тахқиқу мо-мил ҳинд»— («Ҳиндистонга оид тадқиқлар» ёки , Ҳиндистон») деб юритилади.

Асарда Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги барча қарашлари ўз ифодасини топган.

Ўша йили (1030) Махмуд Ғазнавий вафот этади. Унинг кичик ўғли Муҳаммад ворис сифатида тахтга ўтирган булса-да, кўп ўтмай Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030—1041) укасини тахтдан ағдариб, ўзи ҳокимиятни қўлга олади, Билимдон ва зукко, илм аҳлини қадрловчи Масъуд Берунийни ўз ҳимоясига олиб, унинг шкод қилишига шароит яратиб беради.

Беруний астрономияга оид «ал-Қонун ал-Масъудий» («Масъуд (конуни») номли йирик асарини шаҳ Масъудга бағишлайдн. Олимдар бу асарни математика ва астрономняга оид унгача ёзилган барча .асарлардан юқори қўядилар.

Беруний яна «қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» («Минералогия»), «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Китоб ас-сайдона фи-т-тибб») каби асарларни ҳам ёзди. «Минералогия» Шарқдагина эмас, Европада ҳам қимматбаҳо тошларни ишлаш усуллари ва улар билан савдо қилиш, конларни ўрганиш, ер ости бойликларини текшириш ҳақида маълумот берса, «Сайдона» номи -билан машҳур бўлган кейинги асарда Шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган.

Беруний «Сайдона» китобида ўзининг 80 ёшдан ошганлигини

ёзади, шунга кўра уни 1050—1051 йилларда вафот этган деб тахмин этиш мумкин. Баъзи манбаларда эса унинг вафотининг санаси 1048 йил 13 декабрь деб кўрсатилади.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Уқувчига билим беришда:

— ўқувчини зериктирмаслик;

— билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўрга-тавермаслик;

— узвийлик, изчиллик;

— янги мавзуларни қиизикарли, асосан, кўргазм.али баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклигини уқтирилади.

Беруний фан соҳасидаги ёдгорликларни, илмий билимларга оид қолдприлган барча бойликларни қунт билан ўрганишга даъват этади.

Олим илм толибларига қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шуҳратда:н сақланиши зарурлигини уқтирган.

Шунингдек, ҳар бир халлқнинг ўзига хос таълим усулларн йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга, ҳар 'бир халқнинг хам ўқитиш тизими алифбодан бошланишини кўрсатади. Грамматика, математика фанларини ўқитишга оид қимматли фикрларни баён этади.

Беруний тил ва адабиёт, тарих, география, геодезия, геология, минералогия фанлари, тиббиёт ва доришунослик, физика, фалакиёт илмига оид тадқиқотларини ўзи харғиб этган назария ҳамда кузатишлар натижасида амалиётда синаб кўриб, фанда ҳақиқат устувор туришини таъкидлади.

У барча иллатларнинг .асосий сабаби илмсизликда деб билади. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш, муҳитини шакллантириш лозимлигини таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадциқотчининг покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради, жамиятнинг равнақи маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари суради.[6]

Абу Райҳон Берунийнинг дунёқараши жуда кўп қиррали деб бежиз айтилмайди. Унинг фаолиятини қуйидаги тармоқларга ажратиш мумкин:

1.Табиий фанларни ўрганиш.

2. Ижтимоий қонуниятларни ўрганиш.

3.Инсон руҳиятини ўрганиш.

Беруний ўзининг дастлабки асарларидан бўлмиш «Ёдгорликлар»да қуёш, қуёш нурлари, ернинг ҳаракати ҳақида фикр юритарди. Ер тоғлар, чўллар, уларнинг пайдо бўлиши, дарёлар, денгизлар, фойдали қазилмалар, маъданлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. Ушбу маълумотлар табиат бойликларидан, жумладан турли хил фойдали қазилмалардан фойдаланиш масаласига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда хом-ашё захираларини топиш, уларни қайта ишлаш иқтисодий масалалар доирасининг марказий ўрнидан жой олган.

Беруний биринчи бўлиб Ер юзидаги ҳамма жойлар, жисмлар Ер марказига тортилишини, табиат объектив бўлиб, ўз қонунлари бўйича ўзгариб туришини ва инсон ҳам табиатнинг бир қисми эканлиги ҳақидаги ғояни илгари суради ва ўз ғоялари учун курашади.

Беруний «Минерология» асарининг муқаддимасида инсон ва унинг аҳволи, унинг ердаги бурчи, олийжаноблиги, жамиятнинг пайдо бўлиши, иқтисод, ахлоқ ва одоб тўғрисида қимматли фикрларни баён этади.Беруний инсон талабларини ўзгариб бориши, савдо-сотиқ ишларига ўз навбатида таъсир этишини, бировни зўрлаб ёллаб ишлатиш доимий бўлмай, давр ўтиши билан йўқолиб боришини таъкидлайди. Бугунги кунда биз, талаб ва таклиф, инсон эҳтиёжлари қанчалик ўзгариб кетганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Абу Райҳон Беруний «руҳий жараёнларни барча ҳайвонларга ва одамларга хос деб билади. Ҳайвон руҳияти онгсиз характерда, инсонда эса онгли, инсон мантиқий фикрлаш, хулосалар чиқаришга қодир, одамда фаол асаб хизматлари мавжуд деб кўрсатади»[7]. Олимнинг фикрича, ақл ҳодисаларни англашга ёрдам беради. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг

[6] К.Ҳошимов ва б. Педагогика тарихи.Т.:«Ўқитувчи» 1996.–84-85 бетлар.

[7] Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Э.Тўрақулов, С.Раҳимов. Т.,1992.- 16-19 бетлар.

чеки йўқ ва ҳамма билимларни тез англаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон доимо янги билимларни ўрганишга интилади. Унинг фикрича инсон фикрлаш, тушуниш, билиш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш сингари истеъдодга эга. Беруний билиш жараёнида таҳлил қилиш методини илгари суради. Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир.

Олимнинг яна бир чуқур ва мантиқий фикрларидан бири – фаннинг фақат илмий текширишлар, тажрибалар асосида ривожланиши кераклигидир. У барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда деб билади. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш муҳитини алоҳида таъкидлайди. Билим олишда тушуниб ўрганишга, илмий тадқиқотчининг покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради. Абу Райҳон Беруний ахлоқий тарбияга мусулмон дини талабларидан келиб чққан ҳолда таъриф беради. У инсоний хислатлардан муҳими – озодалик, тарбиялилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзалликнинг уйғун бўлишини талаб этган. Яъни инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин, деган ғояни илгари сурган. Шу ўринда кейинги йилларда инсоннинг ички дунёсининг шаклланиши, мукаммаллашуви масаласи педагогика ва психологиянинг энг муҳим, долзарб масалаларидан бири бўлиб қолганлигини эътироф этиш лозим. Ҳозирги кунда бу ҳақда бутун дунёда, шу жумладан ривожланган давлатларда жуда кўп фикр-мулоҳазалар юритилмоқда.

Абу Райҳон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «ал-Қонуни ал-Маъсудий», «Китоб ас-сайдона» каби асарларида ахлоқий тарбиянинг муҳимлиги таъкидланган. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит-жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади. Ахлоқийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва таркиб топади. А.Р.Беруний яхши хислатларга тўғрилик, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни киритади. Беруний саховат (ўзаро ёрдам, бир-бирига фойда келтириш учун ҳамкорлик), мурувват (одамларга хайрихох бўлиш, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, ўз меҳнати билан кун кўриш)ни инсоннинг ахлоқий камолотини кўрсатувчи хислатлр деб билди. Абу Райҳон Беруний эзгу тилакка етишишга тўсқинлик қилувчи зиқналик, ёлғончилик, мунофиқлик, манманлик, такаббурлик каби нуқсонларни қоралайди, бойликка ружу қўйиш ва таъмагирлик, ғазаб ва жоҳиллик инсон учун энг ашаддий душман деб қарайди. Мутафаккир илгари сурган ахлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни

ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди.

А.Р.Беруний кундалик турмуш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини ҳам уйғун, гўзал эта олади. Уйғунлик гўзаллик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний «инсоний хислатлардан муҳими озодалик, тарбиялилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади».[8] У руҳнинг комиллиги яъни ички комиллик инсондаги хулқ-одоб даражасини белгилайди деган ғояни илгари суради. Бизнингча, Абу Райхон Берунийнинг инсон руҳиятига оид фикрлари айниқса диққатга сазовордир.

А.Р. Беруний ахлоқий хислатларни тариялаш жараёнида инсоннинг руҳий муҳитини ўрганиш зарурлигини, ички уйғунликка эришиш муҳим эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг ички уйғунликка интилиши бежиз эмас. Ички уйғунлик, хотиржамлик ҳаётий воқеликларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишга, муаммоли вазиятларда тўғри ечимни топишга ёрдам беради. Демак, ахлоқий хатти-ҳаракатларимизнинг асоси ҳам ички уйғунликка бориб тақалади. Аммо бугунги кунда биз педагоглар талабаларга ана шундай ички ҳолатга эришиш йўлларини етарли даражада кўрсатиб бера олмаяпмиз. Биз ахлоқий тарбиянинг ташқи элементларини тарбиялаш билан чагараланиб қоляпмиз. А.Р.Берунийнинг ахлоқий тарбияга оид ғоялари бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Чунки бугунги кунда жамиятимизда сифат ўзгаришлар содир бўлмоқдаки, бундай даврларда инсондан биринчи навбатда ички уйғунлик, ҳақиқий ахлоқийлик, виждонийлик, фидойилик талаб этилади. Бизнингча бугунги кунда биз А.Р.Берунийнинг ана шу ғояларига асосланган ҳолда ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Айтиб ўтиш жоизки, А.Р. Берунийнинг таълим-тарбияга оид ғояларидан ривожланган давлатлар ҳозирги кунда самарали фойдаланмоқдалар. Улар талаба шахси руҳиятини ўрганиш, қобилиятини ва ички имкониятларини аниқлаш ва шу имкониятлардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишларини режалаштиришни яхши йўлга қўйишга муваффақ бўлганлар.

Абу Али ибн Синонинг педагогик қарашлари (980–1037)

Шарқда «Шайх ар-Райис» номи билан машҳур бўлган алломалардан бири, ўрта асрнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино Ўрта Осиё маданияти ва илм-фанининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Абу Али ибн Оино 980 йилда Бухоро яқянидаги Афшона қишлоғида кичик амалдор оиласида туғилади. Кейинроқ унинг оиласи .Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. Ибн Синонинг отаси

[8] К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 81-88 бетлар.

Абдуллоҳ ҳамда уншгг дўстлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозаралари ўтадиган оилавий муҳит ёш ибн Синога хам таъсир этади,. Шу билан бирга унинг болалик ва ўсмирлик йиллари ўтган Бухоро шаҳри самонийлар даврининг йирик маданий маркази бўлиб ҳисобланар эди. Бухорода кўплаб мактаб, мадраса, касалхона ва нодир китоблар сақланадиган кутубхона бўлган.

Устозларидан ҳинд ҳисоби, фиқҳдан билм олган. Кейин эса файласуф Абу Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафа, мантиқ, ҳандаса ва бошқа фанлардан таълим олади. Шундан сўнг ибн Сино ўзи мустақил ҳолда барча фанлар билан шуғуллана бошлайди. У айниқса тиб илмини чуқур эгаллаб олади, бу соҳада унга таълим берган киши бухоролик Абу Ман-Камарий бўлди.

«Тиб илми, - деб ёзади Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида, қийин илмлардан эмас, шунинг учун мен қисқа бир муддатда бу фанда жуда илғорлаб кетдим, энди, ҳатто; билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан дарс ола бошладилар. Касалларни ҳам кўра бошладим ва орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдики, уни тасвирлашдан ожизман»-дейди.

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқаради. Ўша кезларда Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нуҳ ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибнинг овозаси саройга етиб боргач, уни амирни даволашга таклиф қилганлар ва у бошқа табиблар билан биргаликда тез фурсатда беморни оёққа турғизган. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, бу кутубхона ўша вақтда Ўрта ва Яқин Шарқда энг катта, бой кутубхоналардан саналган. Бир неча йил давомида кеча-кундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирганки, ўша пайтда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бирон кишини топиш мушкул бўлган.

Абу Али ибн Синонинг фан ва маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси учун ҳам Шарқда унга «Шайх-Урайс» (Олимлар бошлиғи), Европада «Олимлар подшоси» деган ҳурматли унвон бердилар.

IX аср охири — X аср бошларига келиб, ўлкада сиёсий-ижтимоий вазият мураккаблашди. Шу туфайли ибн Сино Хоразмга —Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган «Маъмун академияси»да илмий иш билан шуғуллана бо:шлайди. Хоразмда ўзининг йирик асарлари —«Тиб қонунлари», «Аш-Шифо» китоби устида иш олиб боради.

Маҳмуд Ғазнавий 1017 йилда Хоразмни ўзига қарам қилиб олгач, нуфузли олимларни ҳам ўз саройига чақириб ола бошлайди. Ибн Сино Маҳмуд Ғазнавий саройига бормай, бошқа юртларга кетишга мажбур бўлади. Гурганжда, Райда, кейин эса Ҳамадонда ва умрининг сўнгги йиллари Исфахонда яшайди. Ибн Сино 1037 йилда вафот зтди.

Алломадан кейинги авлодларга 250 дан ортиик илмий асар бой мерос бўлиб қолди. Абу Али ибн Свнонинг «Ал-Қонун», «Ҳайй ибн Якзон», «Рисолат ат-тайр», «Рисолат фи-л-ишқ» , «Ишқ ҳақида рисола», «Рисолат фи моҳият ас-салот» («Номознинг моҳияти ҳақида рисола»), «Китоб фи м;аъно зиёрат» («Зиёрат қиилишнинг маъноси ҳақида»), «Рисолат фи-даф ал-ғам мин ал мивт» («Ўлимдан келадиган ғамни даф қилиш ҳақида рисола»), «Рисолат ал-қадр», «Нажот», «Аш-Шифо», «Донишнома», «Китоб аш-ишорат» ва « Ат танбиҳот» асарлари шулар жумласидандир. Маълумки, ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисолалар-талқин этган. Шунингдек, фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга , яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласа, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади дейди. У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу Али ибн Сино билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била ол-.майдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигинл таъкидлайди.

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимннинг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Иби Сиионинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак деган ғоя ётади.

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарур-лигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

— болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўйм.аслик;

— таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;

— олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;

— ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;

— билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қоби-лиятини ҳисобга олиш;

— ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш[9].

Бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг «Тадбири .манзил»

[99] К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 90-91 бетлар.

асарида махсус бўлим бағишлайди. «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида таълим ва тарбия жараёнини очиб беради. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни енгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим олишига ёрдам беради.

Талабага билим бериш уўқитувчининг масъулиятли бурчидир Шунта кўра ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йул-йуриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборатдир:

|– болалар билан муомалада босиик, жиддий бўлиш;

–берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштирганига эътибор бериши;

– таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиши;

— талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;

— фанга қизиқтира олиши;

– берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

— билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;

– ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши за.рур, дейди олим[10].

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойданилмасин — у оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Абу Али ибн Сино иқтисодий тарбия юзасидан фикр юритар экан, болада дастлабки иқтисодий тушунчалар ва муносабатлар шаклланиши оилада бошланишини таъкидлайди. «Оила аъзолари- деб ёзади у, – кунлик озиқ-овқатлар учун етарли махсулотларни олдиндан тежамкорлик билан сарф қилади. Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни сақлаш йўлларини билишўи керак. Эхтиёжга яроқли нрасаларга тежамкорлик муносабатида бўлиши лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигидан насиҳат йўли билан ўргатади».

Болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга хунар ўргатиш керак деб уқтиради. Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки хунар унга келажакда рўзғор тебратиш учун ас қотади. Иқтисодий тарбия заминида меҳнатсеварлик ётади. У шундай олиб борилиши керакки, бола ўз меҳнати натижаларидан ғурурлансин. Меҳнат жараёнида бола ҳисоб-китоб қилишга ўрганади, ишбилармонлик, ташаббускорлик ҳусусиятларини ривожлантиради. Ибн Сино оилада болага юкланадиган меҳнат боланинг ёшига ва имкониятларига тўғри келиши лозим эканлиги ҳақида ҳам фикр юритади. Меҳнат ва жисмоний машқларнинг меъёрларини топа билиш масаласини илгари суради.

[10] Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида.Т.,«Ўқитувчи»,1967,–75 бет

Ибн Сино жисмоний тарбияни инсон камолотидаги ўрнини назарий - амалий жиҳатдан таҳлил этади ва нимжон болалар учун, соғлом болалар учун жисмоний ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқади. У инсонни руҳиятини жисмоний танасини яхши булганилиги сабабли ҳар бир инсон олдига қўйиладиган тўрт талабни ишлаб чиқади. Ушбу талабни қуйидаги схемада кўриш уммкин(1-расм).

Биринчи талаб овқатланиш маданиятини ўз ичига олади. Маълумки инсон очиқ тизим бўлиб, озиқ моддаларни қабул қилиб туриши лозим. Аммо озиқ моддалар кимёвий таркибига кўра инсон организмидаги кимёвий моддалардан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва организм бу моддаларни ўзига мос моддаларга айлантириши керак. Бу жараённи ўрганар экан ибн Сино овқатланишда мўтадилликка риоя қилиш лозим деган фикрни илгари суради ва овқатланишни мижозларга хос турларини ишлаб чиқади.

Ибн Сино ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни алмаштириб туришни тавсия этади. Жисмоний ҳаракатлар организмда қонни юриштиради ва кераксиз моддалардан тозаланишга ёрдам беради.



1-расм . Абу Али ибн Синонинг тўрт талаби.

Ахлоқий тарбия масаласини ибн Сино инсон руҳияти ва соғлиғи билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Бу масала ибн Синонинг энг йирик шоҳ асари «Китоб ал-Қонун фит-тибб» (Тиб қонунлари китоби) баён этилади. Бу асарда инсон соғлиғи ва касалликларга оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Ибн Синонинг бу асари кўп ўтмай Европага ҳам етиб келган. XII асрдаёқ бу асар лотин тилига таржима қилинди. Унда соғлиқни сақлаш маданияти, бир неча тизим талабларига риоя қилиш, ҳаётий воқеликларга бўлган муносабат масалалари, руҳият масалалари таҳлил этилади. Айтиш жоизки, ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлар яратган: «Рисолаи фи илм ал-ахлоқ» (Ахлоққа оид рисола), «Рисола фи ал-аҳд» (Бурч ҳақида рисола), «Рисола фи таҳкият аннафс» (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола). Ибн Синонинг «Ахлоққа оид рисола» асари 1908 йили Мисрда «Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи» китоби ичида нашр қилинган. Ушбу ахлоққа бағишланган рисоласида ибн Сино ахлоқий хислатлардан иффат,

қаноат, саҳийлик, шижоат, сабр-тоқат, мулойимлик, сирни сақлай билиш, илмли маърифатли бўлиш, очиқлик фаросатлилик, дўстлик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради. У ахлоқий тарбия инсоннинг камол топишида жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди.

Ибн Синонинг яна бир ахлоққа бағишланган рисоласи – «Бурч рисоласи» деб аталади. Бу асарда ибн Сино киши ўзини қандай тарзда покиза тутиши лозимлиги, нималарга амал қилиш кераклиги, одамлар билан қандай муомалада бўлиш каби масалаларни таҳлил қилади. Унинг фикрича – Ер юзида барча мадрасалару, масжидлар Оллоҳнинг ўчоғи бўлса, инсон танаси инсон руҳининг ўчоғидир. Шунинг учун ҳам танани, ҳам руҳни покиза тутмоқ энг олий бурчдир. Ҳар бир инсоннинг соғлиғи ҳам энг олий мукофот бўлиб, унинг қадрига етиш ва асраш бурч қаторига киради. Бу фикр инсон танаси ва унинг руҳи ўртасида мураккаб боғлиқлик борлигини эътироф этади. У ўз тажрибаларида инсон руҳиятини ўрганар экан, руҳиятдаги бузилишлар ўз аксини жисмоний танада топишини аниқлайди. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида инсонинг ахлоқий фазилатлари ва ақлий ривожи унинг соғлиғи ва тақдирига таъсир этувчи омил эканлигини айтиб ўтади[11]. Унинг фикрича, ижодий фикрлаш, инсон миясининг фаол ишлаши руҳиятга ижобий таъсир этади ва руҳиятни янгиланишига ёрдам беради. Руҳиятнинг янгиланиши эса жисмоний танани соғломлаштиради. XX асрнинг 80-йилларида олиб борилган психологик текширишлар шуни тасдиқладики, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи аёллар жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи аёлларга нисбатан нафақат ташқи кўринишларидан, балки физиологик жиҳатдан ҳам ўртача беш йилга ёшроқ кўринишга эга эканлар. Бу тадқиқотлар ибн Синонинг юқорида келтирилган фикрини тўла исботлайди. Ҳақиқатдан ҳам инсон онги ва унинг қариши орасида маълум боғлиқлик борлиги бошқа фанлар ўтказаётган тажрибаларда ҳам тасдиқланмоқда (физиология, биология, генетика, геронтология). Ибн Синонинг таъкидлашича, инсонларда бор бўлган эзгу ният, ҳиммат, саховат, шижоат, адолат, покизалик, билимдонлик хислатлари билан бирга хасислик, ўғрилик, алдамчилик, қўрқоқлик, иғвогарлик, ялқовлик, мунофиқлик каби салбий хислатлар ҳам хосдир. Ахлоқий тарбия жараёнида мумкин қадар салбий хислатларнинг салмоғини камайтириш ва ахлоқий хислатларни тарбиялашга ҳаракат қилиш лозим. Ҳиссий ахлоқий фазилатлардан бири қаноатдир, агар инсон очкўзликдан ўзини тийса, овқатланишда мўътадилликка риоя қилса, ўзидаги хирсни енгади. Шу йўл билан ахлоқий фазилат салбий фазилат устидан ғалаба қозонади. Умуман ибн Синонинг фикрича, инсон барча салбий хислатларни енгиш кучига эга, фақат у ўз имкониятларини онгли сарфлаши керак бўлади.

[11] С.Р.Ражабов, К.Ҳ.Ҳошимов. Атология педагогической мысли Узбекской ССР.М. : «Педагогика», 1986. – С. 74 – 76.

Ибн Сино бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини, таъсирини таҳлил қилар экан, уларнинг ҳам руҳий жиҳатдан, жисмоний жиҳатдан мукаммал инсон бўлишга чақиради. Ота-она фарзанд кўришдан олдин ўз руҳиятини поклаши, ўз маънавияти устида ишлаши лозимлигини таъкидлайди.Ибн Синонинг тарбияга оид фикрлари бугунги кунда ҳам долзарб тусга эга. Айниқса, унинг тарбия жараёнида меъёрни топа билиш ҳақидаги ғоялари муҳим. Ибн Синонинг фикрича, ҳар бир инсоннинг соғлиғи маълум даражада шу шахснинг ахлоқий тарбия даражаси билан боғлиқ. Чунки инсоннинг маънавияти, ички дунёси унинг руҳиятига таъсир этади, руҳият эса инсоннинг соғлиғига тўғридан-тўғри таъсир қилиш кучига эга. Шунинг учун ҳам соғлом ҳаёт кечириш фақат овқатланиш ва жисмоний тарбия талабларига риоя қилишгина эмас, балки ахлоқий етукликка интилиш, доимо ўз ички дунёси устида ишлашни ҳам ўз ичига олади [12].Олимнинг фикрича, киши ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан қанчалик етук бўлмасин, агар ундаги билим ва куч ахлоқ меъёрларига мос тушмаса, бундай киши жамиятнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланмайди ва у жамиятга фойда келтира олмайди. Ўзи учунгина яшамасдан халқ учун, умум манфаати учун яшашга интилувчи кишиларни ибн Сино яхши ахлоқли инсонлар деб ҳисоблайди. Ибн Сино тана билан инсоннинг руҳий дунёсини ўзаро мураккаб боғлиқлигини таъкидлаб, мукаммалликка эришиш учун иккаласига ҳам баробар эътибор бериш зарур деган фикрларни илгари сурган биринчи олим, у хулқнинг мувозанатда бўлиши саломатликни сақлашини уқтиради. Қизиқарлиси шундаки, кейинги вақтда кўпгина психологлар, шифокорлар ва физиологлар инсоннинг ички дунёсини ташқи дунё билан боғланиш хусусиятларини ўрганар эканлар ибн Синонинг юқорида айтилган фикрларини тўғри эканлигини тан олмоқдалар.

Уйқу жараёнини ҳам инсон организмига таъсирини ўрганиб, ибн Сино ухлаш тартибига амал қилиш соғлиқни сақлашга хизмат қилишини такидлаб ўтади. У узоқ муддатли ва қисқа муддатли уйқунинг зарарини таҳлил этади ва бу борада ҳам маълум меъёрларни таклиф этади. Инсон умрининг учдан бир қисми уйқуда ўтиши, яъни 60 ёшдан 20 йил уйқуга сарфланиши аниқланган.

Ўрта асрда марказий Осиёда педагогик фикрларнинг шаклланиши билан танишар эканмиз, албатта уларнинг филогенезига, яъни аста-секин узвийликда ва ўзаро боғлиқликда ривожланганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар бир янги ғоя ўзидан олдинги илмий базага асосланган . Агар Форобийнинг илмий ишлари Абу Райҳон Беруний учун асос бўлган ва кейинчалик олим томонидан янада кенгайтирилган бўлса, Абу Райҳон Берунийнинг илмий ижоди Абу Али ибн Сино томонидан қувватланган ҳамда илмий асосда исботланган.

[12] Раҳимов С.Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида .Т.,Ўқитувчи. 1967. – 10 – 34 бетлар.

Агар Абу Наср Форобий таълим-тарбиянинг жамият тараққиётидаги роли ҳақида гапирган бўлса, Абу Райҳон Беруний шу таълим-тарбияни қандай қилиб амалга ошириш ҳақида фикр юритиб, тавсиялар беради. Худди шу фикрларни Абу Али ибн Сино илмий асосда, яъни анатомик физиологик жиҳатдан тушунтириб бериб, янада кенгайтиради.

Олимларнинг фикрига кўра, ибн Сино хаммаси бўлиб фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асар яратган, лекин бизнинг давримизгача улардан 240 таси етиб келган. Бу асарларнинг элликдан ортиқ қўлёзмалари Шарқшунослик институтининг китоб фондида сақланиб келинмоқда. Ибн Сино биринчи навбатда машҳур табиб сифатида танилди. Бу борадаги унинг бебаҳо меҳнатини бутун дунё олимлари тан олган.

Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбия масалалари

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси ва қилган ёвузликлари натижасида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида талофат юз берди: шаҳарлар, суғориш иншоотлари вайрон бўлди, олимлар қувғин қилинди. Халқ Чингизхон зулмига қарши қўзғалди, унга нисбатан нафратини ифодаловчи «Гулдурсун» каби афсоналарни яратди. Бадиий адабиётда Рабғузийнинг «қиссаи Рабғузий» сингари ислом дини тарғиботига бағишланган асарлар ёзилди.

XIV аср ўрталарида Ўрта Осиёда майда феодал ҳокимлар ўртасида низо кучайди, иқтисодий қийинчиликлар юз берди, сиёсатда қатъиятсизлик авж олди. Ана шундай пайтда Амир Темур сиёсат майдонига чиқди. У 1370-1405 йиллар давомида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилди, хонлар ўртасидаги низоларга чек қўйди, Хуросонда марказлашган мустақил, қудратли давлат барпо этди. У ўз фаолиятида давлатни мустаҳкамлаш, уни бошқаришни мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш ишларига, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларини кенгайтиришга катта эътибор берди. Унинг даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди: шаҳарда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар барпо этилди.

Кўҳак — Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди, Тошкент атрофида каналлар қазилди, Ўрта Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли — бадиий буюмлар ишлаш юқори даражага кўтарилди.

Самарқанд, Ҳирот, Балхда яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий каби шоирлар турк-ўзбек ва форс-тожик тилида шеърий асарлар ёзиб, ўзбек адабиётининг буюк намояндалари бўлиб танилдилар.

Атоий ўз шеърларида инсоний фазилатларни — самимий севги ва вафодорликни, инсоний гўзалликни тасвирлаш орқали инсонларни шу хислатларнинг эгаси бўлишга даъват этди, табиат гўзаллигини, инсон эркини улуғлади.

Саккокий ўз ғазалларида инсон — ёр фақат ташқи эмас, балки маънавий чиройга эга бўлиши кераклиги ҳақида фикр баён этади. У инсоннинг раҳм-шафқатли, лутф-карамли, вафодор ва садоқатли бўлмоғини истайди, кибр-ҳаво, мутакаббирлик инсон учун ва ҳақиқий ёр учун ёмон хислатлигини айтади. Саккокий Улуғбекка атаб ёзган қасидасида уни маърифатпарвар шоҳ ва буюк олим сифатида улуғлайди.

Лутфий ўз асарларида инсонларни ҳаёт ва севги, баҳор ва шодлик лаззатидан бахраманд бўлишга чорлади, вафодорлик ва садоқатликни, мардлик ва баҳодирликни улуғлади, маърифат ва осойишталикни тарғиб қилди. Лутфий «Гул ва Наврўз» асарида соф севги, самимият, вафо ва садоқат, мардлик ва жасорат, эзгулик ва адолат ҳар қандай ёвузлик ҳатто ўлимдан кучли эканини ифодалади ва бу фазилатлар барча инсонларда бўлишини истади.

Амир Темур замонида тарихшунослик соҳасида муҳим ишлар қилинди. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матлаъ саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофиз Абдунинг (1361 — 1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар сараси»), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари юзага келди. Бу асарларда Амир Темур ва темурийлар фаолияти, мамлакатда содир бўлган иқтисодий, маданий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар баён этилди.

Журжоний, Тафтазоний, Улуғбек, Давоний, Кошифий каби файласуф олимлар мантиқ, ахлоқ, математика, астрономия, нафосат, тилшунослик, мусиқашуносликка доир асарлар ёзиб, бу фанларни ривожлантирдилар.

Мир Шариф Журжоний (1319—1413) ўз даврининг таниқли шоири, файласуфи, астрономи бўлиб, Самарқандда мантиқ, луғатшунослик, шеър назарияси бўйича «Усул-мантиқия», «Таржимон ул-куран фани ул-муаммо» каби асарлар ёзди.

Эрондан Темур саройига келган қомусий олим Садриддин ат-Тафтазоний (1322—1390) мантиқ, ҳуқуқ, математика, астрономияга доир асарлар ёзди.

Ғиёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбекнинг илмий ишларини амалга оширишда фаол хизмат қилади, йирик математик ва астроном сифатида «Сулам ас-само» («Осмон нарвони»), «Нусхат ул-хадоиқ» («Боғлар сайри»), «Рисола ал-муҳитийя» («Айлана ҳақида рисола») каби асарларини ёзиб, Ўрта Шарқ математика илмини юқори босқичга кўтарди.

Умуман олганда, XIV-XV асрларда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишишда шу нарса маълум бўладики, Амир Темур барпо этган мустақил, марказлашган давлатда у қўллаган сиёсат ўлкада илм-фан, санъат, адабиёт, ҳунармандчиликни ривожида муҳим ащамият касб этди. Шоир ва илм аҳллари ҳамда давлат арбоблари ўз асарларида, инсоний фазилатлар ҳақида билдирган фикрлари, мактаб ва мадрасаларда ислом таълимотини ўрганиш, ахлоқ, мантиқ илмини ўқитиш — буларнинг барчаси, яъни XIV-XV аср мевалари келгуси авлод

тарбиясида муҳим омил бўлди. Улуғ мутафаккирлар Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Кошифий, Давоний каби шоир ва олимларнинг асарларида олға сурилган ғоялар, қарашлар педагогик фикр ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур
(1336-1405)

Биз тарихдан биламизки, Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннаҳр тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланиб борди. Шундай марказлашган, буюк давлатга асос солган Амир Темур Кўрогон ибн амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтдаги Кеш (Шахрисабз) га қарашли Хўжа илғор қишлоғида таваллуд топди. Отаси амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Онаси Тегина бегим Бухоролик бўлган.

Соҳибқирон (Бу унвон бўлғуси жаҳонгирга у туғилмасдан турибоқ дин аҳллари томонидан башорат тариқасида берилган). “Соҳибқирон” атамасининг луғавий маъноси “юлдуз буржларининг бахтли келиши (Курон) да туғилган фарзанд демакдир. “Темурнома” муаллифининг таъкидлашича, “қурон” яъни юлдуз буржларининг бахтли келиши ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлади. Инсоният тарихида “Аввал Искандар Зулқарнай ҳазратлари, иккинчи Муҳаммад Расулу акрам саллоллоҳу алайҳивассаллом саидимиз, учинчи Амир Темур хонимиз” шу сонияда дунёга келганлар. Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга берди. Амир Темур ёшлик чоғиданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавондозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш каби машғулотларни пухта эгаллади.

Амир Темур Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва улардан Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда «Ипак йўли» деб аталмиш халқаро йўлни эгаллаб олгач, бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўради, яъни Шарқ ва ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор беради. Бу масалада Амир Темур ўзини таниқли дипломат сифатида намоён қилади. У Византия, Венеция, Гения, Испания — Кастилия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида улкан ишларни амалга оширади. Бу албатта Ўрта Осиёнинг иқтисодий ривожига ўз даврида катта таъсир кўрсатган.

Амир Темур ҳукмронлик қилган ва ундан кейинги даврда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи билан Эрон, Арабистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой халқлари ўртасида маданий, адабий алоқалар ривож топганини Рудакий, Фирдавсий, Бедил, Фариддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳақоний, Абдураҳмон Жомий, Низомий, Ҳисрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фузулий, Камол Хўжандий ва Шарқнинг бошқа буюк алломаларининг ижодий алоқалари мисолида равшан кўриш

мумкин. Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам бунга ёрқин далилдир.

Амир Темур давлатни бошқариш ишларида муайян даражада ислом дини аҳкомларига таяниб иш кўради, дин пешволарининг маслаҳатларига амал қилади, уларни эъзозлаб, ҳурматлайди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари бениҳоядир.

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқлигига барҳам бериб, эл-юртни ўз тиғи остига бирлаштирди, марказлашган йирик феодал давлатига асос солади. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдиримни (1389—1402 й.) тор-мор қилиб (1402 й.) туркларнинг истибдодига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларни озодликка чиқаради.

Учинчидан, Туркистон заминини зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўрнатилган тинчлик мамлакатда маданият, илм-фан, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъатнинг ривожида, мадрасаларда таълим-тарбиянинг юқори савияда бўлишида муҳим омил бўлди.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шохруҳ, Улуғбек, Мирза Абу Саид, Султон Аҳмад, Щусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳ Ўрта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисод ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши анъаналарни давом эттирдилар.

Умуман олганда, Амир Темур замонида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳада амалга оширилган тадбирлар, қўллаган иш усуллари, унинг фаолияти ва фазилатлари инсонийлик, маърифатпарварлик, тарбиявий хусусиятга эга бўлган. Буни қуйидаги мисолларда — Амир Темурнинг ўгитларида ҳам кўриш мумкин.

Амир Темур давлатни бошқаришда одамларнинг ишбилармон, тадбиркор, ҳушёр, қатъий, шижоатли бўлишига жиддий эътибор қаратди. Бундай фазилат эгаси бўлганларни лоқайд кишилардан юқори қўйган.

Соҳибқирон бу ҳақда қуйидагиларни битган эди: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир»'.

Амир Темурнинг таъкидлашича, тадбиркорлик мушкул ишларни амалга оширишда муҳим омилдир. У: «Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин»лигини айтиб, кишиларни шундай хислатга эга бўлишга даъват этди (Ўша китоб, 13-бет).

Соҳибқирон шижоатлиликни юқори баҳолайди ва кишиларни, ёшларни шижоатли бўлишга, шижоатлилар билан дўст бўлишга ундайди.

«Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди»—дейди Амир Темур.

У фикрини давом эттириб: яхшилик ҳақида сўзлар экан, яхшиликка яхшилик билан жавоб беришни, дўстлик қадрини унутмасликни маслаҳат беради, ўз фаолиятида бу соҳада тутган йўлини мисол тариқасида баён этади: «Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим».

Темур таржимаи Холида қуйидаги сатрларни учратиш мумкин: « Етти ёшимдан етмиш ёшимгача ва умр бўйи мен камбағалларга эҳсон қилар эдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи қайта киймас эдим ва уни йўқсилларга ҳадя қилардим. Мен қудратга эришганимда болаликдаги ёру дўстларимнинг ҳаммасини катта мансабларга кўтардим. Ҳар куни қўй сўйиб ва ҳар бир қўй танасини еттига бўлиб, камбағолларга улашдим».[13]

Амир Темур ўз фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалалар билан бирга маданият, илм-фаннинг ривожига алоҳида эътибор беради, мамлакатни бошқаришда олимлар, дин уламолари билан мулоқотда бўлади, ўзига ёрдам беришни улардан илтимос қилади. Масалан, бир кенгашда уларга мурожаат қилиб шундай дейди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар, сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак... Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан» (Али Яздий. «Зафарнома», 288-бет.).

Амир Темурнинг маърифий қарашларида содиқ ва вафодор дўстлик алоҳида ўринда туради. Амир Темур ранжитмаслик, керак бўлса жонни аямаслик, дўстларга хос сифат бўлиши кераклигини таъкидлайди: «Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди».

Буюк жаҳонгир адолатни қудратли куч деб билади, бир кунлик адолатни юз кунлик тоат-ибодатдан афзал ҳисоблайди. У адлу эҳсон ҳақида сўзлар экан; «Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади» деб, унинг фойдасини айтиб, кишиларни бу фазилатга эга бўлишига даъват этади.

Кечиримли бўлиш Амир Темур шахсиятига хос энг яхши хусусиятлардан бўлган. У кечира олишни мардлик деб билган. Шу сабабли у бошқаларни ҳам шундай фазилатли бўлишга чақиради. Улуғ саркарда дейди: «Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади».

[13] А.Аҳмедоа.«Амур Темур ҳақида ҳақиқат», «Самон йўли». Адабий-тарихий мажмуа. (Масъул муҳаррир Ҳ.Даврон.) Т., «Камалак», 1992.– 27–28 бетлар.

Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мутафаккирликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-аҳлоққа оид дастурлар, ўгитлар, панд-насиҳатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. “Тузуки Темурий” (“Темур тузуклари”), “Марфузаота Темурий” (“Темурнинг айтганлари”) ва “Вакиоти Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўгитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида қурилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарларни қадрли хазина одоб-аҳлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Бу асарлар Соҳибқироннинг жуда машаққатли ва серташвиш: гоҳ муваффаққиятли, гоҳо қувончли, гоҳо серташвиш умрининг ижодий мевасидир. Асарлардаги барча ўгитлар халқларни бир мақсад сари бирлаштирган, жипслаштирган, муваффақиятларга эриштирган, сеҳрли тарбиявий кучга эга бўлган дурдона-педагогикадир. Бу педагогика буюк Соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш, ғолибона ҳарбий юришлар қилиш, мамлакатда осойишталик ўрнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик, меҳр-шафқат, одамийлик ва аҳлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишлангандир.

XIV—XV асрларда ёзилган «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул мақдур фи ахбори Темур» («Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») ва бошқа асарларда соҳибқироннинг тўғрилик, мурувватлилик, эл-юртга меҳр-муҳаббатлилик, адолатлилик, мардлик ва қаҳрамонлик каби инсоний фазилатлари баён этилади. Шунингдек, бу асарларда Амир Темурнинг давлатнинг обрўси, шарафи манфаати учун ғоят қаттиққўл бўлганлиги ёзилади: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва набираларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларини ҳам аямаганлиги баён этилган. Темурнинг шахсиятидаги бу хусусиятлар ҳақида «Темур тузукларида» батафсил маълумот берилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад Темурнинг ўзи амал қилган қуйидаги сифатларни юксак баҳолайди.

Биринчи сифат: « Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймадим».

Иккинчи сифат: « Мен ҳар доим Исломга қатъий риоя қилдим ва Аллоҳ Таоллонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим».

Учинчи сифат: « Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можоро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим».

Тўртинчи сифат: «Халойиққа рахм қилдим, барчага нафъ етказдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвар-дигорнинг Аллоҳнинг амрига бўйсуниш ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим».

Бешинчи сифат: «Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим. Аввал танг-рига итоатни адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим».

Олтинчи сифат: «Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни елғондан ажрата билдим».

Еттинчи сифат: «Мен ҳар кимгаки, ваъда берсам, унга вафо қилдим. ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим».

Саккизинчи сифат: «Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбонн деб билдим ва парвардигорнинг изнисиз уии сарф этмадим. Тангрининг иродасисиз унинг бандаларининг ҳеч бирига зарар етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрия қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунингдек, ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилмадим. Ҳеч қачон бировга хасад билан қарамадим. Бу борада Амир, Хусайн билан бўлган воқеа менга ибратли бўлди. Ўз фуқароларининг мол-мулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди».

Тўқизинчи сифат: «Мен ҳар доим тангрининг амрини на унинг пайғамбар Мухаммад алайхиссаломнинг ҳадисларини тўла адо этишга интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсунларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбар ва унинг сахобаларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим».

Ўнинчи сифат: «Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли за-мини деб билдим. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонган-ман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат, буюк бу-лади».

Ўн биринчи сифат: «Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим. Уларни дин масаласи юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва унга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўгитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид, давлатни бошқаришга оид дастурлар дея оламиз.Тадқиқотчининг фикрига кўра Соҳибқирон Амир Темур ўгитларини унинг моҳияти ва вазифасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Дин ва шариат;
2.Давлат ва уни идора этиш;
3. Кенгаш ўтказиш;
4.Подшо ва вазирлар орасидаги муносабат.

Ахлоқ ва одобга ҳақидаги қарашлари:

1.Адолат ва адолатсизлик;
2.Сўз ва ишнинг бирлиги;
3.Дўст ва душманлик;
4.Ботирлик ва душманлик;
5.Сўз ва ширинсуханлик[14]

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, “Амир Темур” номи абадийлаштирилди. Кўплаб шаҳарлар ва қишлоқлардаги шоҳ кўчалар, майдонлар, ўқув муассасалари унинг номи билан атала бошланди. Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг марказий майдонларида, Амир Темур хиёбонида 1996 йилда “Темурийлар даври” музейи барпо этилди, 1996 йилда “Амир Темур” ордени таъсис этилди. (“Амир Темур” ордени-Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан бири саналади). Бу орден билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар. Ушбу орден билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшганлик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин, 1996 йил 26 апрелда таъсис этилди. Орден тилла қопланган 925 даражали кумуш қотишмадан тайёрланиб, 8 қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Муаллифи – Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов.

1996 йилда Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида ҳазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди).

---

[14] К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 164-165 бетлар.

Муҳаммад Тарағай –Улуғбек
(1394–1449)

Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида таваллуд топди. У Шоҳруҳ мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан «Улуғбек» деб атайвергани учун унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва жаҳонга ана шу ном билан шуҳрат қозонади.

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. Гарчи Улуғбек туғилганда бир оз заиф бўлган бўлсада, ҳарбий юришлар даврида чиниқди. Амир Темур набираси Улуғбекнинг ўткир зеҳнли, ақлу-фаросатли бўлганлиги учун жуда севарди. «Кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркалатарди. Бироқ, Улуғбек Мирзо нозик бўлиб ўсди, бунинг устига кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, давлат ишларига рағбати йўқ кўринар эди.

Улуғбекнинг тарбияси билан бувиси Сарой Мулк хоним шуғулланиб, севимли набирасига ўқув-ёзувни ўргатгани, тарихий мавзуларда ҳикоя ва эртакларни сўйлаб бергани унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди.

Отаси Шоҳруҳ Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, Хуросон ҳукмдори, маърифатли, илм-фанга қизиқан шоҳ эди. Шу туфайли у дунёнинг турли бурчакларидан кўпдан-кўп фанларга доир китоб ва қўлёзмаларни олдириб келиб тўплайди ва Самарқандда катта кутубхона ташкил этади. Ёшларнинг билим эгаллашлари учун кенг имконият яратади. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим ҳам ўз даврининг оқила, билимдон, тадбиркор аёлларидан ҳисобланар эди.

Маърифатпарвар ота ва оналар ўз фарзанди Улуғбекнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, жисмонан соғлом, ақл-заковат, ахлоқ-одоб ва илмда баркамол бўлиб етишувига ҳаракат қиладилар. Улуғбекни ўз даврининг билимдон ва тажрибали мураббийлари тарбиялаб, саводини чиқарадилар, уни диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан таништирадилар. Улуғбек араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади, чунки у кўп вақтини кутубхонада мутолаа қилиш билан ўтказарди.

Мирзо Улуғбек ёшлигиданоқ аниқ фанларга, шунингдек, тарих ва адабиётга қизиқади. Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём ва бошқа олим ва шоирлар фаолиятини, шунингдек ислом илмини ўрганади, ўз даврининг таниқли олиму фозили сифатида шуҳрат қозонади.

Улуғбек 17 ёшида Мовароуннаҳр ҳукмронлигини эгаллайди. Унинг ташаббуси билан ўлкада илм-фан, адабиёт, санъат аҳллари фанларнинг янги-янги қирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан фалакиёт фанини ривожлантиришга катта аҳамият беради, бу билан бирга, кўплаб истеъдодли шоирлар, ижодкорларни тўплаб, улар фаолият кўрсатишлари учун шароит яратади, уларни маънавий ва моддий

жиҳатдан рағбатлантириб туради. Масалан, унинг раҳнамолигида меъморчилик ривож топади: Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда мадрасалар, Марвда хайрия муассасалари ҳамда «Чиҳл устун», «Боғи майдон» каби боғлар барпо этилади.

1405—1411 йилларда, ўша даврнинг қонун-қоидаларига биноан амир шоҳ Малик ёш мирзога отабеги бўлиб тайинланган. Отабеги Улуғбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатган.

Ўрта асрлардан сақланиб қолган китоблардан маълум бўлишича, салтанатга ворислар давлатни бошқаришда муайян тартиб-қоидалар баён қилинган қўлланмалар асосида тайёрланган. Шулардан бири Шаҳзодалар ва Хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулк» (Подшоҳларга қўлланма) китобидир. Ана шу тоифадаги китобларда келтирилган маълумотларга қараганда, подшоҳлар, хонлар ва йирик феодалларнинг саройида амалдаги расм-русмларга биноан шаҳзода ва бекзодалар тарбияси ёшлигиданоқ «Уларни муҳофаза қилиш, аҳволини кузатиб бориш юқори остоналик ва давлат нишонлик» амирларнинг қўлига топширилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Улуғбекка оталик қилиб туркларнинг, билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланган.

Улуғбек мактабда «Сулук ул-мулук»ларда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати — турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-коидалар бўйича кўникма эгаллаган.

Улуғбек ёшлигидан кўп китобларни мутолаа қилган бўлиб, у айниқса, математика, астрономия ишларига қизиқди.У бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан кўп вақтини ўтказар, ундан ҳисоб ва тақвимдан дарс олар, баъзи кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларида юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлар эди.

Таниқли олим Бўрибой Аҳмедовнинг маълумотларига кўра мавлоно Бадриддин Самарқандда бўлган вақтда Улуғбекни Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб бориб, кутубхонага янги келиб тушган Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини кўрсатади. Шу ерда мавлоно Бадриддин Улуғбекка аллома ал-Фарғоний тарафидан битилган «Китоб фи жавомеъ илм ан-ну-жум ва усул ал ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёриткичлари ҳаракатининг асосини (бир-бирига), қўшувчи китоб»)ни кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Улуғбек болалик йилларидаёқ мавлоно Бадриддин Тусий ёрдамида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Насриддин Тусий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём китоблари билан ҳамда Оқсулот ва Ўтрорда «Зижи Маликшоҳи» билан танишди.

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фан ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир.

Улуғбек 1424 йилда Самарқандда Обираҳмат суви ёнида Ғиёсиддин Жамшид, Абдуали Биржандий, Мансур Коший, Марям Чалабий ва бошқа олимлар билан биргаликда қурган расадхонасида сайёралар сирини ўрганади. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб бориб, фалакиёт ва математика соҳасида катта кашфиётлар қилиб жаҳонга машҳур бўладилар. Бу тадқиқотлар жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонасида амалга оширилади. Натижада, Улуғбек 1018 юлдузнинг ҳолати ва ҳаракатини аниқлайди, фалакиётга доир бир неча асарлар ёзади. Бу асарларнинг асосий мазмунини «Зижи Кўрагоний» деб аталмиш фалакиёт жадвали ташкил этади. Жадвал жаҳон фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Расадхона негизида Самарқандда астрономия мактаби вужудга келади. Бу мактабда Муҳаммад Ҳавоний, Салоҳиддин Мусо Ибн Маҳмуд каби таниқли олимлар дарс берадилар.

Улуғбекнинг фалакиёт мактаби ўз даврининг академияси («Дорул-илм») бўлган ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалакиёти ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу мактаб даставвал бундан 225 йил муқаддам машҳур француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Вольтер (1669—1778) томонидан эътироф этилган: «Улуғбек Самарқандда академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди».

Мирзо Улуғбек, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди. Ҳар қандай жоҳиллик ва билимсизликка қарши курашди. Улуғбек ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашга ишонади. У инсоннинг имкониятлари чексиз эканлигига ишора қилиб, ёшларни илм эгаллашга, инсофли ва ҳамиятли бўлишга, халоллик ва ростгўйликка даъват этади. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларининг аҳамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларни такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур ҳунарларни эгаллаб олишлари лозим. Шу боис Улуғбек билимларни нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади.

Улуғбек янги-янги илмий кашфиётлар қилишни инсон учун олий фазилат деб билди. Аввало, у Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму-маърифат даргоҳига айлантиради. Улуғбек: «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» (яъни: «Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлнинг бурчидир») деган шиорни илгари сурди ва уни мадрасанинг пештоҳига ёздириб қўяди. Мадрасада эса илмнинг турли соҳалари ўқитилишига жиддий эътибор берилади. Масалан, Самарқанд мадрасасида илоҳиёт илмлари: Қуръон, Ҳадис, тафсир, фиқҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бирга, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия) илми, ҳайъат (фалакиёт), тиббиёт, тарих, география, илми аруз, илми қофия, араб тили каби дунёвий илмлар шулар жумласидандир. Мирзо Улуғбекнинг бундай илмпарвар ва

маърифатпарварлик фазилатларини унининг замондош кўплаб шоир ва олимлар эътироф этганлар.

Улуғбекнинг илм-фанни тарғиб этувчилик ва илм соҳибларига ҳомийлик фазилатларини кўрсатувчи яна. бир ибратли мисол шуки, олим таваллудининг 600 йиллик тыйи арафасида Американинг Мичиган университети кутубхонасидан топилган «Фунун-балоға» («Етуклик фанлари») асаридир. Бу асар Улуғбек замондоши - адабиёт бўйича қомусий билимга эга бўлган аллома олим Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб бўлиб, 1436—1437 йилларда ёзилган ва Улуғбекка бағишланган. Чунончи, буюк аллома бу асарида Мирзо Улуғбекни шундай тавсиф этади: “... салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саҳоват бўронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сибҳеринининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шаҳон-шоҳи аъзами шаҳриёри аълам, соҳибулсайфул-қалам, маъдани лутфи карам, малики риқоби умом, фармондеҳи турк, араб ва ажам, вад-даврон Амир Улуғбек Кўрагон”. Бу тавсифномадан Мирзо Улуғбекнинг шижоатли шоҳ, жонкуяр ва мурувватли маърифатчи, илм-фан равнақи йўлида саҳоватли раҳнамо, ширинсухан ва фаросатли инсон эканлиги яққол кўзга ташланади. Улуғбек ўзидаги шу инсоний фазилатларни илм-фанни равнақ топишига, ёшларни тарбиялашга бағишлаган, ёшлар тақдири ҳақида қайғурган, мактаблар очиб, болаларни ўқитган, уларга билим берган, таълим-тарбияни ривожлантиришга интилган, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромда бўлган, уларни моддий, маънавий томондан қўллаб турган. Шу сайъи ҳаракатлари билан таълим сифатини кўтаришга, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш тизимини жонлантиришга катта ҳисса қўшган. Чунончи, мадрасадаги ўқув тизимини ислоҳ қилиб, унда фалакиёт, математика, география каби аниқ фанларнн ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15-20 йилдан 8 йилга туширди.

Улуғбек ёш авлоднинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, мударрисларни етукликка, фаол, билимдон ва юқори савияли инсонларни тарбиялашга ундади. Улуғбекнинг фикрича, шогирдлар ўзидан катталарни ва ўқитувчиларни ҳурмат қилишлари, кичик ёшдаги ўқувчиларга ўрнак бўлишлари, интизомли бўлишлари, ножўя гаплар ва хатти-ҳаракатлар билан мадраса номига доғ туширмасликлари керак.

Улуғбек халқнинг билимли бўлишини орзу қилади, уни дунё сирларидан, бойликларидан баҳраманд қилишни истайди. У дунёни билиш, англаш учун унинг сир-асрорларини топиш, шунинг натижасида топган бойликларини халққа хизмат қилдириш, бунинг учун эса биринчи навбатда, билим олиш, уни ҳаётга тадбиқ этишни ўрганиш зарурлигини айтади. Улуғбек инсон қобилияти ва заковатига ишонади.

Улуғбекнинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарсликлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун у дарсликларнинг мазмунига алоҳида эътибор беради ва муаллифлар олдига жиддий талаблар қўяди. Унинг

фикрича, мадраса учун ёзилган дарсликлар янги мазмун билан бойитилиши керак. Уларда қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъий назар, ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлмаслиги даркор. Дарсликлар содда ва тушунарли, араб тилининг мураккабликларидан ҳоли тарзда ёзилиши керак. Бироқ Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши кераклигини, ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва айни чоқда маърифатпарвар инсон ҳам бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасалари талабалари кўз ўнгида ана шундай фазилатли устоз сифатида фаолият кўрсатади.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Али қушчининг гувоҳлик беришича, Улуғбек жисмоний жиҳатдан баркамол инсонларга чуқур ҳурмат назари билан қараган. Ўзи ҳам ҳарбий қуроллардан фойдаланиш сирларини эгаллаган. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғлариданоқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, айниқса отда юриш, кураш тушиш, найзабозлик маҳоратини ўрганиш билан мунтазам шуғулланишлари ва уларни бажариш санъатини эгаллаши керак. Улуғбек ана шундай чиниққан одамнинг ўз юртини, ватанини ташқи душмандан ҳимоя қила олишига, ҳар қандай шароитда ўзини ва бошқаларни асрай олишга ишонган.

Улуғбек ахлоқий тарбия хусусида гапирар экан, бу масалада инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиши кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата билиш лозим, ғаразли киши ҳеч вақт дўст бўлмайди, кишиларни у тўғри йўлдан оздиради. Дўст танлашга эътибор берилмаса, сохта дўстларнинг кўпайишига, бу эса одамлар ўртасида нопок манфаатларга хизмат қилишга олиб келишига ишонади. Шу боис ғаразли кишилардан ҳар қандай йўл билан бўлсада, йироқ бўлиш, касби ва хулқ-атвори яхши, ҳамма ҳурмат қиладиган, хушфеъл киши билан дўстлашиш лозимлигини уқтиради.

Улуғбек ихлосмандларидан Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Оллога ва унинг неъматларига шукроналар бўлсинким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи Улуғбек донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у кишим фиқҳдан хабардорлар мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар».

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қуриб битказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларга қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасиннинг мулки Хуросоннинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртирди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетди. Улар орасида адиблар, муаррихлар, ҳаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин юлдузшунослик ва риёзиёт соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлди. Манбаларда қайд этилишича, «мадраса биноси битишига яқинлашганда, бу ерга тўпланган адабиёт, санъат ва фан намояндалари Улуғбекдан мадрасага кимни мударрис этиб тайинламоқчисиз, деб сўрашганда, Улуғбек, барча фанлардан хабардор бўлган бирор одамни қидириб топаман, деб жавоб берган. Шу ерда ғиштлар орасида ифлос кийимда ўтирган мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг бу гапини эшитиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб, бу вазифага мен лойиқман, деган. Шундан кейин Улуғбек уни имтиҳон қила бошлаб, унинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил қилган ва уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтириш тўғрисида буйруқ берган. Мадрасанинг очилиш кунида мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида маъруза ўқиган; мавлоно Муҳаммаднинг олимлардан 90 киши иштирокида қилган маърузасини Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушуна олмаган». Чунки бу маъруза ҳаддан ташқари илмий жиҳатдан кучли ва мураккаб масалаларни ўз ичига олган эди.

Улуғбек бошчилик қилган астрономларнинг муваффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқроқ асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Тарихий манбалар ана шундан далолат берадики, Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин орадан тўрт йил ўтгач, Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва мавлоно Муйниддин Коший билан маслаҳатлашиб, Кўҳак этагида, Обираҳмат сойининг бўйида расадхона биносини қурдирди. Расадхона қурилишига қарийб 5 йил вақт кетди. Расадхона битгач, расадхона кутубхонаси кўплаб илмий асарлар, жаҳондаги машҳур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилди ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан зиёд бўлди.

Улуғбек мадраса толиблари билан тез-тез баҳслашиб, имтиҳон қилиб турган. Бир куни Улуғбек мадраса толибларини риёзат билан тақвимдан бир имтиҳон қилмоқчи бўлибди. У ўртага мана бу саволни ташлабди: “Қани, толиби илм, айтингчи, ҳижрий 818 йил, ражаб ойининг ўн иккинчи

бирлал ўн бешинчи ўртаси, 918 йил ражаб ойининг ўн иккинчи бирлан ўн бешинчи ораси қайси айёмга тўғри келадур? Бунинг учун жуда кўп рақамларни ёдда тута билиши зарур экан. Талабалардан бирортаси ҳам бу масалани ечолмабди. Шунда Улуғбек буни уйга вазифа қилиб топширибди ва устозларга хос ҳусну одоб билан меҳрибонлик кўрсатиб, ўртага қўйилган масалани тушунтирган ва ечиб берган". Сўнг Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» китобини очиб, олтинчи мақоласининг еттинчи бобидан парча ўқиб берган. Сўнг китобни ёпиб талабаларга бир неча саволлар берган. Жавоблардан қисман қониқиш ҳосил қилгач устоз толибу илмларга бу асарни чуқурроқ таҳлил қилиб унинг моҳиятини англаб етишни уйга яна бир бор вазифа қилиб бериши, у қадар талабчан олим эканлигидан далолат беради.

Ҳар бир киши дўстона ҳамкорлик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиши мумкин, киши ёлғиз ўзи, дўстларсиз ҳеч нарса қила олмайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ахлоқий шаклланиши олимлар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир, улар ўртасидаги яхши ҳамкорлик талабаларнинг ахлоқий тарбиясида ғоят муҳимдир. Бундай дўстона ва беғараз ҳамкорлик моҳиятини биз Улуғбек фаолияти мисолида кўрамиз: жадвални тузишда унга олимлар дўстона ёрдам беришади. Дўсти ва шогирди Али қушчи умрининг охиригача унга - ўз устозига содиқ бўлиб қолади. Улуғбек ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси бўлган «Зижи Кўрағоний» асарини Али қушчига ишониб топширади. Чунки у ўз шогирдининг садоқатига, бу асарни халқ орасида ёйишига ишонади. Ҳақиқатан ҳам Али қушчи унинг бу ишончини оқлайди.

Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 56 ёшида ёвузларча ўлдирилади.

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиёда педагогик фикр ва маърифат иётида ўзига хос салмоқли ўринни эгаллади, умуминсоният томонидан кашф этилган илмлардан баҳраманд бўлиб, жаҳон фанига мислсиз ҳисса қўшди. Унинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ғоялари ҳозирги даврда ёш авлод тарбияси учун ҳам қимматлидир.

Жадидчилик ҳаракатини вужудга келиши ва таълим ислоҳоти

Халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳамда маънавий ислоҳотлар ўтказиш, яъни қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, ота-боболаримиз қадриятларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш каби вазифаларни амалга ошириш йўлида республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, И.А.Каримовнинг "Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш" ҳақидаги фикрлари биз тарбиячи-муаллимларнинг ҳам ҳаракат дастуримиздир.

Ҳақиқатан, республикамизни тараққиёт даражасига кўтарадиган чинакам комил инсонни шакллантириш - бу унинг маънавиятини шакллантиришдир.

Маънавият эса халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи бўлиб, халқнинг таълим-тарбияга оид қадриятлари ана шу улкан тараққиётнинг узвий қисми бўлиб ҳисобланади. Унда ёш авлодни ҳаётга

тайёрлашда қўлланган усуллар, миллий урф-одатлар, анъаналар, тарбияга оид ғоялар мужассамланган. Бу ғоялар эса алломаларимизнинг бой ижодий меросларида ўз аксини топган.

Савол туғилиши мумкин, Туркистонда жадидчилик ҳаракати қачон келиб чиққан ва у нимага асосланган зди. Масалан, XIX асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳонийлари ва зиёлилари орасида мадраса ва мактаблар тизимига ҳамда ислом динига кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислоҳот тарафдорларини жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошлайдилар. Ўша даврлардан бошлаб бунга қарама-қарши турган оқим, яъни феодал-ўрта асрчилик, диний фанатизм руҳида бўлган кишиларни эса қадимистлар, деб атай бошладилар. XIX асрбошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғояси билан чиқдилар. Бу ҳаракат бошида мадраса мударриси Абу Наср Ал Курсавий турган эди. Қадимистлар эса уларни кофирлик ва худосизликда айбладилар. Бухоро амири Ҳайдар зса Курсавийни зиндонга ташлатиб, ўлим жазосига ҳукм қилади. Аммо унинг тарафдорлари уни зиндондан қочирадилар. Курсавий Қозонда ўз фаолиятини давом эттириб, 1813 йилда вафот зтади. XIX асрнинг 50-60- йилларида диний ислоҳотчилик ҳаракати янада кенгая бошлайди. Энди бу ҳаракат бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889), ғиждувонлик домла Фозил, Мўминжон Вобкандий, мулла Худойберди Бойсуний ва бошқа мударрислар турар эдилар. Улар мадраса ва мактабларни ислоҳ қилишни эмас, балки ортиқча дарсларни олиб ташлаш тарафдори эканликларини ёзадилар. Ислоҳотчилар раҳнамоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олти асосий масалаларни қўяди:

1. Қуръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

2. Бировнинг бировга кўр-кўрона эргашиши қатъий ман қилинсин.

3. Мадрасаларда ўқитиладиган ҳошия ва шрқ каби қуруқ мазмунга эга бўлган ва мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8-10 дақиқа вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.

4. Мадрасаларда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

5. Арифметика, тарих, жўғрофия, табобат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқишга қаршилик кўрсатилмасин.

6. Ҳар бир ишда мусулмончиликни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилсин.

Маржоний ва унинг тарафдорлари бўлган ўша даврнинг жадидлари мусулмон тараққийпарварларидан эдилар, улар мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни шарт қилиб қўйдилар. Бироқ, қадимистлар ва амирнинг реакцион сиёсати натижасида таъқибга учраган Маржоний

Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Унинг маслакдошларидан кўпчилиги зиндонга ташланиб, орқаларига 75 дарра урилгач, улар тавба қилиб, қайтиб бундай ишларни қилмасликка ваъда бердилар..

XIX аср охири XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жадидчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилгани сабабли зски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари қадим ё қадимчилар деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб келишга уринган кишилар эса *жадид* ёки *жадидчилар* деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жадидлар ва жадидчилик ҳаракати юзага келди. Янги асрнинг бошланиши билан аввалгидек ижтимоий хорлик, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаш мумкин эмаслиги улар учун ойдек равшан эди. Нафақат Марказий Осиё, балки Россияда яшовчи халқлар ҳам ўз тақдирларини ўзгарти-рибгина, феодал тузумнинг негизларини парчалабгина янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эди. Оқ подшо идора қилган мамлакатдаги ана шу оғир вазият туфайли 1905 йил тўнтариши содир бўлди. Бу тўнтаришдан мақсад жамиятни демократлаштири.ш, саккиз ооатлик иш кунини жорий этиш, дворянлар ихтиёридаги катта ер-мулкни олиб, деҳқонларга бўлиб бериш ва ҳоказолар эди. Биринчи рус тўнтаришининг бу дастури билан танишган Марказий Осиёлик тараққийпарвар зиёлилар татар қардошлари ортидан бориб, жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилдилар. 1907 йил Эрон буржуа тўнтариши, 1908 йил Туркия буржуа тўнтариши, Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг расмийлашуви ва кучга киришида катта аҳамият касб этди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар йўли билан халқ ва жамият ҳаётини яхшилашга, маданий юксакликка олиб чиқишга қаратилган дастурни бажаришга киришдилар. Улар таъсирида ўзбек тупроғининг бошқа гўшаларида ҳам жадидчилик ҳаракати авж олди.

Жадидчилик жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. У ўзининг бу вазифасини адо этишда, фақат бир синфга - пролетариатгагина таянмади. Умуман жадидчилик инсониятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас. Жадидлар ҳатто қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бақамти ишлаш, бугунги ифода билан айтганимизда турли сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшаши ва ишлаши ғоясини кўтариб чиқдилар. Беҳбудий ана шу «муттаҳид» фронт тузиш ғоясини баён қилар экан, «уламо ёки зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожи учун хизмат этсак», деб ёзган. (Жадид» сўзи арабча сўз бўлиб, «янги», жадидизм эса янгилик тарафдорлари деган маънони билдиради).

Жадидлар 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр эттириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шуҳрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг

турли шаҳарларида жадид мактаблари бодрокдек очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам кенг тарғиб қилинди. «Жадидлар нима ҳақида гапиришмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди, пролетар мафкураси ҳам, ишчилар синфи ҳам йўқ эди, табиат бирламчи дегувчиларнинг мафкурасини деярли ҳеч ким тушунмас, биладиганлар эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун жадидчиликнинг янги ғоялар билан пайдо бўлиб, руҳонийларга, ҳукмрон синфларга қарши туриши, маданиятни яратиши, бир сўз билан айтганда, янгилик эди, «жадид» жумласининг маъноси ҳам «янги» демакдир».

Агар лўнда қилиб айтсак, жадидларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга каратилган:

1. Диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.

2. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига Оврўпо қабилидаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш.

3. Жадидчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот ҳурлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театрни яратиш.

4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадид мактабларига қатнашларини таъминлаш йўли билан улар тақдириннг ўзгартириш ва оилада ислоҳот ўтказиш.

5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқукда бўлиши маҳаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талаблари ана шундан иборат бўлган жадидлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу курол ёрдами билан ўлкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёг учун курашмоқчи бўлдилар.

*Биринчи марта жадидчилик Кримда пайдо бўлди***.** Унинг.асосчиси асримиз бошларида туркий қавмларининг чинакам жафокаши ва ифтихори Исмоилбек Ғаспирали ҳисобланади. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан мактаблари ва маорифида чинакам инқилоб ясаб, «усули жадид» номи билан тарихга кирган «Усули савтия»ни у бошлаб берди. У барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқукда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг кўрмоқни орзу қилди. Бутун ақли-вужудини мана шу муқаддас ишга - миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига сарф этди.

Ғаспирали «усули жадид» билан ўқитишнинг қоидаларини шундай тушунтиради:

1. Бутун алифбони бирдан ўргатиш оғирдир. Ибтидо (бошда) уч, беш ҳарф ўргатиб бориш (енгил) дур.

2. Биринчи дарсдан шогирдлари ёзишни бошламасликлари даркор.

3. Дарслар муайян соатларга, қисмларга ажратилиб ўргатилиши лозим.

4. Ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмагунча иккинчисига ўтилмаслиги керак.

5. Ҳарфлар билан таништирганда, улар ҳақида кенгроқ маълумот берилгани маъқул.

Болаларни ҳар олти ойда имтиҳон қилиш, йил охирида синфдан синфга ўтказиш, ўзлаштирмаганларни синфда қолдириш кўзда тутилади. Дарслар ҳар хил ва ҳар бири ярим соатдан бир соатгача бўлиши мумкин. Дарслар орасида танаффуслар бўлмоғи керак.

Бу мактаблар учун «Хўжаи сибён» асосий дарслик бўлиб хизмат қилар эди. 1910 йилгача у 27 маротаба нашр қилинган. Лекин гап шундаки, «жадидчиликда биргина мактаб билан чекланмасди, у Русиядаги мусулмонлар маънавий оламининг барча жиҳатларини-мадрасани ҳам, матбуотни ҳам, илм-фанни ҳам ўз ичига олар ва энг муҳими, уларнинг ҳаммаси турмушга нечоғлиқ даҳлдорлиги, замонга хизмат қила олиши асосий меъзон қилиб .кўзда тутилар эди».

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятлардан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Ғаспирали 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳидий тил (тил бирлиги) ва тавҳидий дин (дин бирлиги) деган эди: Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс: «Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шу-нингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир». Бу билан Ғаспирали, миллатни йўқ қилиш учун юқоридагилардан биттасининг бузилиши кифоя - дейди.

Исмоилбек Ғаспиралининг номи Марказий Осиёда ҳам маълум ва машҳур эди. Хусусан, XX аср бошларидаги Туркистон, Бухоро ва Хиванинг саккиз миллионли халқи миллий онгида юз берган ўзгаришларда унинг буюк хизмати бор дейишга тўла ҳаклимиз. Ғаспиралининг ғоялари Марказий Осиёга кенг тарқалди:

Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қўқон, Тошкент каби ўнлаб шаҳарлардаги зиёлилар гуруҳи жадидчилик ҳаракатига бош-қош бўлдилар. Жумладан:

Файзулла Хўжаев (1896-1938 й..)
Исҳоқхон Ибрат (1862-1937 й.) ,
Сиддиқий Азизий (1864-1924 й.)
Саидрасул Азизий (1864-1933 й.)
Муҳаммад Шариф Сўфизода (1869-1937 й.)
Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874-1919 й.)
Абдулқодир Шакурий (1875-1943 й.)
Абдулла Авлоний (1878-1934 й.)
Садриддин Айний (1878-1954 й.)
Мунаввар Қори Абдурашидов (1878-1931 й.)
Исматулла Раҳматуллаев (1883-1962 й.)
Абдурауф Фитрат (1884-1939 й.)
Ҳ. Ҳ. Ниёзий (1889-1929 й.)
ва бошқа ўнлаб зиёлиларни фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Жадидчилар 1910 йиллар давомида мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борганлари учун чор Россияси амалдорларидан жабрландилар. Янги усулдаги мактаб ва маориф таълим-тарбия муаммоларини кўтариб чиққанликлари учун хурофотчилар иғвоси билан Бухоро амирлиги тазйиқига, 1917 йил тўнтарилишидан сўнг эса «Буржуа демократик эркинликларини тарғиб этувчилар ва миллатчилар» тамғаси остида шўро ҳукумати таъқибига учрайдилар.

Жадидчилар харакатининг дарғалари мактаб, маориф соҳа-сида жуда катта тарғибот ишлари олиб бордилар. Савод чиқариш услубининг янгича шаклларини ижод қилдилар. Улар томонидан хандаса (математика), жўғрофия (география), тарих, табиёт каби фанларнинг дарслик дастури ишлаб чиқилди.

Булардан ташқари ян;а ўнлаб янги усул м.актаби асосчилари ва жадидчилик ҳаракатининг намояндалари томонидан кўплаб дарслик, дастур, қўллаима, газета ва журналлар нашр этилди.

Марказий Осиё жадидчилиги ҳақида гап кетганда буни Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Садриддин Айний, Исҳоқхон Ибрат, Шакурий ка-би ўнлаб маърифатпарвар илм дарғаларининг фаолиятисиз тасавввур қили6 бўлмайди, аксинча улар ҳақида гап кетганда жадидчиликни четлаб ўтиб бўлмайди.

XX аор бошла.ридан 30- йилла.р ўрталаригача Туркистон ва бутун Россия ижтимоий ҳаётида юз берган кўплаб воқеа ва ҳодиоалар улар қайси соҳага дахлдорлигидан қатъи назар жадидчилик оқими ҳаракати билан боғлиқ бўлди.

Жадидлар 1917 йил тўнтаришидан кейин ўз қарашларини турли шаклларда давом эттирдилар. Улар ғоят мустаҳкам иймон эътиқодли бўлганликларидан ўз йўлларидан қаймадилар.

Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти

Таниқли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда ҳунарманд-тўқувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлар. Абдулла Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан сўнг, 12 ёшида мадрасага ўқишга кирди. У ёзда ишлаб ота-онасига ёрдам қилар, бошқа вақтларда ўқир эди. Ўта иқтидорли бўлган Абдулла авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади. Дастлабки шеърлари “Таржимон” газетасида босилади. У ўзининг дастлабки шеърларида ва “Ҳижрон” деган мақоласида халқни янги усул ўқув муассасаларида ўқиб-ўрганишга тарғиб қилди. Абдулла Авлоний 1907 йилда “Шуҳрат” ва “Осиё” номли янги газеталар чиқара бошлади, лекин чор амалдорлари тез орада газеталарни ёптириб қўяди. А.Авлоний кейинроқ “Садойи Туркистон” (1914-1915), “Турон” (1917), “Иштирокиюн” (1918) газеталарида, “Касабачилик ҳаракати” (1921) журналларида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шундан сўнг, у ўзбек матбуотининг забардаст вакили, ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида танилади.

А.Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. У 1907 йили “Шуҳрат”, “Осиё” номли газеталар чиқариб, унга муҳаррирлик қилади.

Газетанинг биринчи сонида матбуотнинг роли, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, “Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол - оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифоқ, ҳиммат ғояларини ёювчидир” деб, айтади.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва педагогик фикрларнинг ривожида Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний ўзбек халқининг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир.

А.Авлоний ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда “Турон” номи билан театр труппасини ташкил қилади. Бироқ бу труппанинг профессионал театрга айланиши учун катта тўсиқлар бор эди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати халқнинг ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам кўрсатувчи театрларнинг барча шаклларига қарши эди. Театрга ана шундай салбий муносабат бўлган бир пайтда Авлонийнинг театр труппасини ташкил қилиши ва ижтимоий мазмундаги пьесаларни саҳналаштириши унинг халқ маърифати йўлидаги зўр жасорати эди. М. Раҳмонов Авлонийнинг театрчилик фаолияти ҳақида қуйидагиларни келтиради:

Авлоний труппа учун “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Икки муҳаббат”, “Португолия инқилоби” каби драмалар ёзди, “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилади”.[1] Аммо бу асарлари нашр қилинмади.

1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Руҳилло Тошкентга келиб, “Турон” труппаси билан бирга “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Труппа аъзолари билан Авлоний 1014-1916 йилларда Фарғона водийсида гастролларда бўлади.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаларидан эди. А.Авлоний илғор зиёли кишилар билан ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган “Усули жадид”, яъни янгича илғор усулдаги ўқув муассасалари очдилар ва бу ўқув муассасаларда оддий халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан

[1] Р.Мавлонова ва бош=алар. Педагогика 2001 йил.

етук олимлар, билимдон мутахассислар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва бу йўлда фидоийлик кўрсатдилар.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги ўқув муассасалар очди. Ўқув муассасалардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартирди, ўз қўли билан доска ва парталар ясади. Ўқув муассасасига қабул қилинган тарбияланувчиларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг болалари бўлганлиги учун кийим-кечак, озиқ-овқат, дафтар-қалам билан таъминлаш мақсадида, дўстларининг кўмагида "Жамияти хайрия" ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. "Нашриёт" ширкати тузиб, Хадрада "мактаб кутубхонаси" номли китоб дўконини очди. Авлонийнинг мактаби ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра машғулотларни синф-дарс тизими асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабидан фарқ қилади. У ўз ўқув муассасасида тарбияланувчиларга география, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат каби фанлардан муайян маълумотлар беради. А.Авлонийнинг илк толиб-ларидан бири, Тошкент Давлат университетида узоқ йиллар дарс берган таниқли педагог, марҳум Юсуф Тоҳирий Авлоний Мирободда ташкил қилган ўқув муассасаси ҳақидаги хотираларида шундай деб ёзган эди:

"Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги ўқув муассасаси очилганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу ўқув муассасасининг фазилатлари ҳақида шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг довруғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида: "Мироботдаги мактаб 6 ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш", - деган гап юрарди. Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ошиқардик. Ниҳоят бир куни уч-тўрттамиз боришга жазм қилдик.

Ўқув муассасаси пастаккина, ним қоронғу бўлиб, масжид йўлагига жойлашган эди. Хонанинг тепасидаги ёруғлик учун қолдирилган туйнукдан қиш ва баҳорда қор билан ёмғир тушиб турарди. Лекин хонада ўқувчилар ва домланинг шогирдлари кўп эди. Хаёлимизда домланинг аллақандай бир сирли томони бор эди. Бизни қотмагина, кичик жуссали, қорачадан келган, истараси иссиқ, чўққи соқол бир киши кутиб олди. Бу номи тилга тушган муаллим Авлоний эди. Ўқишга кабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дунё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Болаларимизнинг олди бир неча йилдан бери ўқув муассасасига қатнаб юрган бўлсалар ҳам мирободликлар олдида уялиб қолдик. Улар ўқиш-ёзишда, ҳисоб масалаларини ҳал этишда, табиат ҳодисаларидан хабарлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда бизнинг эски ўқув муассасамиз бўшаб, Мироботдаги Абдулла Авлоний ўқув муассасаси биздан борган тарбияланувчилар билан лиқ тўлди. Шу тариқа бу ўқув муассасаси тобора шуҳрат топиб борди"[1].

[1] К.Хошимов. ва бош=алар. Педагогика тарихи. – Т.,»Ы=итувчи», 1996.

А.Авлоний “Усули жадид” ўқув мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим” (1912), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913), “Иккинчи муаллим” (1915), “Мактаб гулистони”(1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида ҳамда публицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, ўз халқини илмли, маданиятли бўлишга чақиради.

Асримиз бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида “Биринчи муаллим”и ҳам ўзига хос ўрнига эга; “Биринчи муаллим” 1917 йил тынтаришига қадар 4 марта нашр этилган. Авлоний уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг “Устоз аввал”ига суянади (дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланади).

Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим” китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобни хрестоматия деб атасак жоиз булар, десак хато бўлмас. Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

Мактаб сизни инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий ҳаёл,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Бу шеърда Авлоний ўқув муассасасини инсоннинг нажот йыли, ҳаётнинг гулшани, кишиларни камолот сари сафарбар қилувчи куч, деб мақтайди.

Китобдаги берилган дастлабки икки ҳикоя “Сахийлик” ва “Бахиллик” деб номланган. Биринчи ҳикояда ўша давр турмушига хос бўлган воқеа тасвирланади. Саид исмли тарбияланувчининг отаси ҳар куни ўғли ўқув муассасасига кетиши олдидан унга 10 тийин овқат пули берарди. Бир куни Саид ўқув муассасаси йўлида фақир кишини учратади.

“Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чопондан бошқа ҳеч нарсам йўқ”,- дейди у. Саид қўлидаги 10 тийинини беради ва ўша кунни овқатланмасдан ўтказади. Отаси ўғлонининг олижаноблигидан мамнун бўлади, “Сахий Саидим” деб олқишлайди. Эртаси 20 тийин бериб юборади.

“Бахиллик” ҳикоясида бир бадавлат киши мисолида унинг бахиллиги, хасислиги, зиқналиги ва пасткашлиги кўрсатилади.

“Бир бахил кишининг уйига бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келди. Бахил меҳмонларни зиёфат қилиш ўрнига беҳуда сўзларни сўзлаб ўлтирди. Орадан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чақириб: “Бор таом пишган бўлса, олиб кел”-деди. Шул вақт хизматчи бир тобоқда пишган хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчисига боқиб: “Бошини нима

қилдинг?”-деди. Хизматчи:- Афандим! Нима қилур эдим, ташладим, - деди. Бахил:- Ҳе нодон, киши хўрозни бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товуқнинг оёғини ташласа, мен бориб олур эдим. Бош аъзоларнинг хўжасидир. Хўроз ул бош ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошида эди. Энг ширин аъзоларидан саналган тили, энг улуғ аъзоларидан мияси, икки шаҳло кўзи, барчаси бошида эди. Бор, топиб кел, биз емасак меҳмонларга едирурмиз, деди”[1]

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ахлоқий ва таълимий - тарбиявий асардир. Асарда инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Ахмад Донишнинг “Фарзандларга васият” асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

А.Авлоний педагог сифатида тарбияланувчи тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб “Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидур”,- дейди. Унинг фикрича, тарбияланувчиларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва тарбияланувчининг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида А.Авлоний биринчи марта педагогикага “Педагогия”, яъни тарбияланувчи тарбиясининг фани демакдир, деб таъриф берди. Табиий, бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради. Абдулла Авлоний тарбияланувчи тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. “Тарбиянинг замони”. 2. “Бадан тарбияси”. 3.“Фикр тарбияси”. 4.“Ахлоқ тарбияси” ва бу ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

“Тарбиянинг замони” бўлимида тарбияни ёшликдан бериш зурурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

“Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидур” деб уқтиради Авлоний. Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб.

Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрининг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан - уй, боғча ўқув муассасаси ва

[1] Абдулла Авлоний.” Иккинчи муаллим”, 7- бет

жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда тарбияланувчининг соғлиги ҳақида ғамхырлик қилиш лозимлигини уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. “Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир”.

А.Авлоний бадан тарбияси масаласида тарбияланувчини соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, тарбияланувчини фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятига алоҳида эътибор беради[2].

Тарбияланувчиларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиши бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суянган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур... Негаки фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур”.[3] Айни замонда муаллиф таълим ва тарбия узвий боғлиқ эканини ҳам таъкидлайди: “Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан ажралмайдурган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидур”[4] - дейди.

А.Авлонийнинг фикрича, инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча маҳлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг ақли бор. У шу ақл туфайли илм эгаллайди, илм орқали дунёни бошқаради: “Ақл, - дейди Авлоний,- инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур, руҳ ишловчи, ақл бошқарувчидур. ...инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, буйнидан бойлаб, ипларнинг учини қўлларга берган инсонларнинг ақлидур”. Авлоний инсонга ва унинг ақлига ана шундай юксак баҳо беради. “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Агар ақлингнинг қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга киримоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп былса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур”[1].

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. А.Авлоний китобда илм тўғрисида бундай дейди: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий

[1] Абдулла Авлоний. “Иккинчи китоб”, 14- бет.
[2] М.Баракаев. Жадидчиларнинг таълим-тарбияга =ышган щиссаси. БМИ. – Т., ТДИУ, 2003.
[3] ·Абдулла Авлоний. “Иккинчи китоб”, 17- бет.
[4] Абдулла Авлоний. «Иккинчи китоб», 18-бет.
[1] А.Авлоний «Иккинчи китоб», 20-бет.

муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур.... Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, "Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан кутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм ила боғликдур"[2].

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак.

Абдулла Авлоний илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. А.Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атайди.

Абдулла Авлоний ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-ҳунар эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан қувувчиларни, уларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланаётганини кўриб, улардан нафратланади. Авлоний ёшларни бойликка ружу қўймасликка ундайди. Бойликни ўткинчи булутга ўхшатади.

Авлоний меҳнатсиз кун кечиришни барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу жиҳатдан унинг "Ақлли боғбон" ҳикояси характерлидир.

Ҳикояда айтилишича: "Бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишёқмас бўлганлар. Одатда уларга мерос қоладиган танга, тилло йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдиридан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутади. Ҳар учала ўғлини ёнига чорлайди. Кўзим очиқ экан сизларга васиятимни айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни мана шу боққа, токларнинг бирини тагига кўмганман. У – сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар, дейди. Бир кўза тилла дарагини эшитган уч ишёқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини ковлаб чиқишади. Сирли кўза чиқмайди. Яна эринмай ковлашга тушадилар. Кутилган натижа ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдар -тўнтар қилинади. Ерлар қазилавериб тупроғи упага айланиб кетади ҳамки, олтинли кўза топилмайди. Бу орада узумзордаги токларнинг энг чуқур илдизларигача очиб кўрилади. Боғда ўша йили чунонам ҳосил

[2] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=, 22-23- бетлар.

бўладики, ундан бир неча кўзани тўлдиргулик олтин оладилар. Уч дангаса ўғиллар ота гапларининг маъносини, олтин - меҳнатда эканини тушуниб етадилар”[1].

Адиб ушбу ҳикоячаси билан меҳнатни улуғлайди, ўқувчи қалбида меҳнатга муҳаббат уйғотади. Киши бахт ва саодатга фақат меҳнат орқалигина эришишини уқтиради.

А.Авлоний ўз асарида сабр-тоқат, сабот ва матонат масалаларига тўхтаб, “Ҳар бир ишда сабр ила ҳаракат қилмоқ лозимдур. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдир, мақсадга етиш йўлидир. Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни илмга, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликка айлантурмоққа қуввати етар... Сабр шодлиғнинг калитидур...”[2].

Авлоний интизомни инсон характерини тарбияловчи, мукаммалаштирувчи манба, деб билади ҳамда унга доим риоя қилиш кераклигини таъкидлайди: “Интизом қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмоқни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмас эдилар. Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва толийси ишларини вақтида, низомдан чиқмай тартибла юритилмоғига боғликдур...Чунки тартиб ва интизомга риоя қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтказурлар”[1] .

Ватан туйғуси энг инсоний ва мўтаъбар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас, унинг дарди билан фахрланмоқ керак. Авлоний Ватан ва унинг олдидаги бурчни шундай тушунади:

“Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси - туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан - юртидан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскумулар шимол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суядурлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эди”[2],-дейди Авлоний.

Авлоний идрок деб очиқ фикрни, хушгабиат, зийрак бўлмоқни тушунади. У идрокни маърифатпарварлик билан боғлаб, “ёшликдан бошлаб зехн ва идрокимизни қувватлантурмоқ учун азиз умримизни ўйин-кулгу, сафсата, малол каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газета ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни

[1] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=.226- бет.
[2] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=.228-229- бет.
[1] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 229-бет
[2] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 229-бет

қувватландурмоқ лозимдур”[3].

Бу эса Авлоний халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат беради. Хусусан, шоирнинг қуйидаги шеъри фикримизнинг далили бўла олади:

Идрок ила ақлинг-ла, яхши-ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни[4]

Авлонийнинг фикрича, ахлоқ - бу хулқлар мажмуидир. Хулқ эса, кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади.

Авлоний яхшиликни улуғ фазилат ҳисоблайди, инсонларни бир-бирларига яхшилик қилишга даъват этади. У дейди:

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Ёмон сўзга, пичоқ қиндан чиқар.

Шундай қилиб, Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳозирги кунда ҳам янги инсонни камол топтириш йўлида, кишиларни чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу-ғоялар руҳида, виждонийлик руҳида тарбиялаш борасида қимматли тарихий материал сифатида эътиборни ўзига жалб қилади.

Биз Абдулла Авлонийни меросини қандай ўрганишимиз керак? Аввало, ҳар бир миллат вакили ўзи мустақил равишда Авлоний ижодини ўрганиши лозим.

Дарсликларда берилган материаллар мазмунини бойитиш мақсадида Авлоиийнинг шеър, ҳикояларидан ижодий фойдаланиш керак.

«Аждодларимиз меросига ихлос» туркумидаги «Чўлпон» нашриёти чиқараётган «Боболардан болаларга» китобчаларини ўрганиб болаларни ўқиш ва ёд олишга руҳлантириш. Авлоний ижодига бағишлаб суҳбат, ўткир зеҳнлилар мушоираси, шеърхонлик кўриги ташкил қилиш талабга мувофиқдир.

Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ҳар бир хонадонга қут-барака келтирувчи, инсонларни яхши йўлга бошловчи асар бўлганлиги сабабли, биз зиёлилар уни тартибли равишда ташвиқот қилишимиз зарур (мактаб ота-оналар мажлисида, маҳалла-кўйда, радио, телевидение орқали).

Авлоний шуҳрат ва юксакликка машаққатли меҳнати, эътиқоди орқали эришди. Оқибатда аждодларга жуда катта меросини барҳаёт қолдирди.

[3] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 230-бет
[4] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахло=. 230бет

Туркистонда маориф ишларининг ривожланиши

1917 йил тўнтаришидан кейин Марказий Осиё халқлариниг ҳаётида — ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий, жумладан халқ маорифи соҳаларида кескин ўзгариш юз берди. 1918—1920 йилларда шаҳар ва туман маориф бўлимларида янги сиёсат асосида ўқув режалари ва дастурлар тузилди, мактабларда дарс ўтилди, синфдан ташқари машғулотлар уюштирилди.

1921-1925 йилларда Туркистон маориф комиссарлиги тузган дастур ва методик қўлланмаларда асосий эътибор ҳар бир ўқув фани курсини назарий жиҳатдан асослашга қаратилди. Дастур ва қўлланмаларни яратишда маҳаллий зиёлилардан Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Хамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Т. Н. Қори Ниёзий, Усмон Дадамуҳамедов, Халил Қаюмов, Шорасул Зуннун, Рамазон Қайюм, Мажид Қодирий ва бошқалар фаол иштирок этиб, Туркистонда бошланган маданий қурилишни амалга оширишга, маориф тизимини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Туркистон республикасида ерли миллатлардан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида қилинган ишлардан муҳими шу булдики, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда қисқа муддатли курслар, педагогика билим юртлари ва техникумлар, юқори турдаги ўқув юртлари, халқ маорифи институти ташкил этилди; бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар сони ортди, уларда таълим мазмуни ҳам ўзгарди, тарбия ишлари янги тартибда олиб борилди.

Мактабда таълим-тарбия ишларининг асосий шакли дарс ҳисобланади.

Аммо, таълим-тарбия масалаларига бағишлаб уюштирилган қурултой ва кенгашлар, амалий ишлар ўлкада давом этаётган синфий кураш билан бевосита боғлиқ ҳолда ўтказилди. Матбуотда мактаб таълимини, умумий бошланғич таълимни амалга ошириш муаммоларини, педагогика фанининг мазмуни, унинг вазифаларини, халқ маорифи ва илмий тадқиқот институти вазифаларини ёритишда ҳам, икки йил давомида (1928 йил март ойидан 1930 йил апрель ойига қадар) ўрта мактаб тури, ўқув режа ва дастурлари ҳақида, мактабларда политехник таълим ва меҳнат, умумий ва махсус мутахассис-лик таълими, байналмилал, эстетик тарбия ва бошқа масалалар юзасидан ўтказилган мунозаралар ҳам синфийлик руҳида ўтади.

Маориф соҳасидаги ишларни бу сиёсат асосида ташкил қилиниши туфайли ўзбек халқи ўз тарихи, миллий урф-одати, анъана, умуминсоний қадриятларни ўрганиш имкониятларидан маҳрум бўлди, миллат тақдири, маориф равнақи учун жон фидо қилган, эркин, ҳур фикрли аллома маърифатпарварлар — Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Элбек, Отажон Ҳошимов, Шокир Сулаймон, Абдулла Қодирий қатл этилди. Шорасул Зуннун, Чўлпон, Усмон Носир, Боту ва бошқалар Сибирга сургун қилинди. 1940-50- йилларда собиқ тузумнинг тоталитар сиёсати тўла ҳукмрон кучга айланиши билан идеологик кураш кучайди. Имомхон

Хусанхўжаев, Халил Қаюмов, Ҳамид Сулаймонов, Мақсуд Шайхзода каби олим ва шоирлар ана шу мафкуравий йиллар қурбони бўлиб, қамоқ ва сургунларда азоб чекдилар. Лекин сиёсатдаги ҳар қандай монеликка қарамай, мавжуд имкониятлар доирасида Марказий Осиё, жумладан ўзбек зиёлилари улуғ мутафаккир шоир ва олимларимизнинг педагогик фикрларини тадқиқ этиш тўхтамади. Масалан, 60-70 йилларда ўзбек маърифатпарвар шоир ва адибларидан Алишер Навоий, Жомий, Давоний, Фурқат, Садриддин Айний ва Абдулла Авлоний каби шоир ва педагогларнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари тадқиқ этилди. «Калила ва Димна», «Қобуснома» нашр қилинди. Таниқли педагог олим З.Миртурсунов «Ўзбек халқ педагогикаси ва унинг халқ оғзаки ижодида акс эттирилиши» (1967) асарида халқ педагогикасини республикада биринчи бор таҳлил қилди.

Халқ Маорифи вазирлигини бошқарган Эминжон Қодиров, Саид Шермуҳамедов республикада ўқув-тарбия ишларини давр тал.аби даражасига кўтариш, кечки ишчи-ёшлар ва қишлоқ ёшлари мактаблари тармоғини кенгайтириш, педагог кадрлар тайёрлаш каби ишларга раҳбарлик қилдилар.

Таниқли олим Сидиқ Ражабов педагогик муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатди, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожини таҳлил қилиш соҳаларида иш олиб борди. Ўзбекистон мактаблари тарихига, педагогика фани тараққиётига доир асарлар яратди.

1960-1980 йиллар давомида педагогика фанининг таркибий қисми бўлган фанларни ўқитиш, жумладан адабиёт ва она тилини ўқитиш усулларида ҳам муайян изланишлар амалга оширилди. Бу соҳада Субутой Долимов, Асқар Зуннунов, Қудрат Аҳмедов, Ҳасан Зуннунов, Карим Жўраев, Карима Қосимова, Мазлума Асқарова, Н. М. Маллаев, Воҳид Абдуллаев, Ғулом Каримов ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар, педагогик фикр равнақи, миллий педагогик фикр ривожи давом этди, Ўзбекистон мустақил бўлиши билан эса миллий онг, миллий миллий кадрият ва маданиятимизни тиклаш ва уни янада тараққий эттиришга кенг имкониятлар очилди.

Ўзбекистонда халқ маорифи соҳасидаги ислоҳотлар

Мактаб таълимини фан-техниканинг замонавий ривожланиш суръатларига мувофиқлаштириш, миллий мактабни таркиб топтириш ҳозирги кундаги жуда мураккаб, серқирра, мазмуни чуқур бўлган масаладир.

Ёшларни анъаналар асосида табиат, жамият, руҳият, қадриятга муҳаббатини, қизиқиш ва ихлосини тарбияламай миллий киёфани шакллантириб бўлмайди. Бу эса яна дарслар, дарсликлар, синфдан ташқари тадбирлар савияси, ўқитувчи билими, маҳорати, обрўси масаласи билан боғланади. Бусиз миллий мактаб бўлмайди.

Миллий мактаб ташкил этиш учун энг аввало педагогик ходимлар масаласини ҳал этиш, ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни қайта

кўриб чиқиш, тузатиш ва миллийлаштириш жараёнида такомиллаштириш зарур.

Чинакам миллий мактаб бўлиши учун унга миллий руҳ сингдирилиши керак. Бу нарса мактабдаги тарбиявий тадбирлар аниқ ва табиий фанлар, ҳатто чет тиллар ҳам миллий заминга асосланиб ўргатилгандагина вужудга келади.

Мақсад ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш экан, бу вазифани бажаришга диний муассасаларни ҳам жалб этиш, диний манбаларга таяниш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, диний афсона ва ривоятлар, авлиёлар, валийлар билан боғлиқ нақлларда бой руҳий-маънавий, руҳий-ахлоқий мерос мужассам. Чунки руҳий тарбия поклик, ҳалоллик, диёнатлилик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатни шакллантиради. Руҳий тарбия олган одам ўғирлик, сотқинлик, хиёнат, ахлоқий тубанлик қилишдан, инсонга озор етказишдан ўзини тияди, фойдали ишлар билан шуғулланади.

Миллий мактабларда Ат-Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Абдулқодир Гилоний, Хўжа Аҳрор, Дукчи Эшон каби алломалар таълимотини, Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, машҳур тарихчи Ибн Мискавайҳ, Абулқосим Фирдавсий, Абу Мансур ас-Саолибий, Ал-Киндий, Ар-Розий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Ҳаммор, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Бурҳониддин Зарнуджий, Ал-Марвазий, Имом Ал-Ғаззолий, Ал-Ахсикатий, Ёқут Ҳамавий, Кайковус, Умар Ҳайём, Ахмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоийлар фаолиятини, меросини ўрганиш максадга мувофиқдир. Шундагина биз Ватанимиз тарихи, унинг маданий мероси нақадар бой эканлигини, жаҳон фани маданиятини ривожлантиришда Шарқ алломаларининг хизмати беқиёс эканлигини, миллий урф-одатларимизнинг улуғлигини, тарбиямиздаги миллий ғурур-ифтихор халқпарварликка, инсонпарварликка, ҳалолликка, меҳр-шафқатга, ахлоқийликка, инсоний фазилатларга чексиз муҳаббат, кишиларни софдил, меҳнатсевар, илм-маърифатни улуғловчи туйғулар билан бойитилишига эришамиз.

Ўзбек халқининг миллий қиёфаси, миллий руҳи ва миллий ғурурини тиклаш учун халқнинг қадимдан шаклланган урф-одатларини, маданиятини, тарихини, санъатини, муомала-муносабатларини, ахлоқий қарашларини ўрганиш, ёш авлодга сингдириш керак. Руҳий мерос, миллий ифтихор, инсон кадрияти, буларнинг ҳаммаси ўқиш билан, таълим-тарбия билан боғлиқ экан, барча дарсликларда, қўлланмаларда, бадиий асарларда имкон даражасида унга эътибор бериш керак.

Табиатни авайлаб-асраш, ноз-неъматларга, хусусан, нонга ва сувга эътиқод, ерга муҳаббат, маънавиятга - китобга ҳурмат, руҳий меросни-авлодларнинг эзгу ишини кўрсата олувчи миллий қиёфани шакллантириш

асосларидир. Мактабда ўзбек полвонлари, баҳодирлари, курашчилари, саркардаларининг ҳаёти билан (жумладан, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темурмалик, Спитамен, Намоз, Маматкарим, Аҳмадполвонлар) таништириш зарур.

Бизга маълумки, ўтмишдаги мактабларимиз ёмон дейилишига қарамай, мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир мунча демократик асосга қурилган эди. Мактаблар бир хил ўқув режалари, бир хилдаги ўқув йўриқномалари ва қолипдан чиққандай бир хил дарсликлар сиқувида эмасди. Ота-она ва талаба мактабни, ўқитувчини танлаш имкониятига эга эдилар. Қадимги мактабларда чет тили ўқитилишига катта эътибор берилганди. Мактабни битирувчилар камида уч тилни биларди. Ана шу анъанани тиклаш ва уни амалда янада ривожлантириш фарзандларимиз камолотини юксалтириш имкониятини беради.

Бугунги кунда мактабдаги таълимнинг мазмуни анча такомиллашган бўлса-да, миллий мактаб талабларига тўлиқ жавоб беролмайди. Масалан, ҳозирги ҳаракатдаги умумий таълим мактабларининг ўқув режаларида кўрсатилган ҳафталик соатлар миқдори анча кўпдир. Бу хол ўқувчиларни анча толиқтириб қўймоқда. Бизнингча, бу масалани қайта кўриб чиқиш лозим. Мактабда ўқитилаётган фанлар ортиқча бўлмаса-да, аммо барча дарсликлар жиддий таҳрирга муҳтождир. Жумладан, химия, физика, математика, биология, география, тарих, астрономия, бошланғич ҳарбий таълим каби фанлар Шарқ замини, Шарқ илмидан узоқ бўлган рус ва Оврўпо тадқиқотларига асосланган. Бунда миллий руҳни, қадриятларни, ўтмишдаги буюк авлод-аждодларимиз илмини кўрмаймиз. Шундай экан, биз умид қи-лаётган мактабнинг таълим мазмунига муқаддас китоблар, пандномалар, ёхуд юзлаб достонлар, минглаб кўшиқлар, ривоятлар ва афсоналарда, топишмоқ ва маталларда келтирилган, ахлоқий фазилатга ундовчи, жасурликка чорловчи, аклий камолотга дахлдор манбаларни, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган бобокалонларимиз-у, жадидчилик ҳаракатининг йирик дарғалари: Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, А. Шакурий, Беҳбудий, Ҳамза, Мунаввар Қори, Саидрасул Азизий, Саидаҳмад Сиддиқий, Садриддин Айний, Рисматулла Раҳматуллаев, Файзулла Хўжаев ва бошқа ўнлаб маърифат фидоийларининг асарларини ўрганиш ва шулар асосида миллий мактаб учун миллий мактаб дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар яратилиши давр талабидир.

Шуни таъкидлаш керакки, миллий мактабни яратиш хусусидаги дастлабки ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. Мазкур эзгу ишга кўпгина иқтидорли олим ва ўқитувчилар, халқ таълимининг ташкилотчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида, жумладан халқ таълими тизимида сўнгги ўн йилликларда катта ўзгаришлар юз берди. Республикада мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар тармоғи ривожланди,

ўқитувчилар ҳамда илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш жараёни такомиллашди.

Аммо кўп йиллар давомида собиқ совет республикаларида ва ўлкаларида ягона педагогик тизим ҳукмронлик қилиб, таълим жараёни Марказдан юборилган дарслик ва тавсиялар, ўқув режалари, дастурлар асосида ташкил этилди.

Она тили, ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, болалар ота-боболар ўтмишидан бехабар ўқитилди. Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси тарихида узоқ давр таъқиқланган, эътибордан четда колган маданий меросга қизиқиш кучайди. Улардаги илғор фикрлар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этила бошланди Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, ўлка материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Зеро, кечмишга боқиб келгуси кунни режалаштириш ибратлидир, ўтган кун тажрибаси ишончли манбадир.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 август Ўзбекистон йилномасига олтин харфлар билан ёзилди. Ўзбекистонда собиқ Иттифоқдаги республикалар орасида биринчи бўлиб Президентлик бошқаруви амалда жорий этилди.

1992 йил 8 декабрь куни Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши халқимизнинг асрий орзу-армонларини рўёбга чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

Мазкур дастуруламалда республикада таълимнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилган, шунингдек, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиби, таълим-тарбия ходимларининг хақ-ҳуқуқлари, вазифалари, масъулиятлари, мақсадлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда тасдиқланган умумий ўрта таълим мактаби тўғрисидаги муваққат Низоми ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган Қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 й.) фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишининг қуйидаги янги тамойиллари жорий этилди:

- таълим.-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устуворлиги;

- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъи назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;

- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;

- таълим муассасаларида чет тилларни жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданияти тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;

- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан холилиги;

- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклидаги таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлиги;

- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;

- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва б.

Таълимнинг истиқболлари республикамиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Конституцияда республика ҳар бир фуқаросининг бепул умумий таълим олиш хуқуқи, таълимнинг давлат назоратида эканлиги кафолатланган.

Ўзбекистонда шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган таълим, касб ўрганиш давлат томонидан кафолатланган.

Ҳозирда таълимни қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

- умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш ва такомиллаштириш;

- таълим самарадорлигини тинмай ошира бориб, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;

- вариатив ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;

- билимдонлик ва истеъдодларни қўллаб-кувватлаш;

- илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;

- синов ишлари олиб бориш, таълим-тарбияда илм-фан, техника ютуқларига суяниш;

- таълим-тарбияда бош ислоҳотчи бўлган ўқитувчи, тарбиячиларнинг янги авлодини тайёрлашга киришиш;

- таълим муассасаларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;

- таълим тизимини, бошқарув фаолиятиии такомиллаштириш;

- ислоҳ ғояларини иложи борича вилоят, туман, мактаб педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш;

- ислоҳни босқичма-босқич, мавжуд, ўзини оқлаган услублардан воз кечмаган ҳолда амалга ошириб бориш.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан буён республикада таълим тизими 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун қуйидаги стратегияга мувофиқ ишлаб чиқилди:

-таълимнинг узлуксиз бўлиши;

- таълимни комплекс равишда уюштириш;

- таълимни демократиялаштириш ва инсонпарвар-лаштириш;

- таълим тизимини фан соҳалари билан интегра-циялаштириш;

-умумий ўрта таълим негизида ёшларни махсус билим юртларида ўқишга, мутахассисликка тайёрлаш. Республикада амалга оширилган узлуксиз таълим тизими барча таълим босқичлари — мактабгача тарбия ва бошланғич, таянч босқичлари, ўрта ва ҳунар мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, малака ошириш институтлари ўртасида узвийлик бўлишида, таълимни илм-фан ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим омил бўлди. Болаларни оилада боғчага, боғчадан мактабга ўқишга тайёрлаш, умумий ўрта таълим негизида ўқувчиларни махсус билим юртларида мутахассисликка тайёрлашда жиддий ютуқларга эришилди. Узлуксиз таълим тизими барча таълим босқичларининг истиқболли бўлишига, таълимни демократиялаштириш ва инсонпарварлашти-ришга, таълимни меҳнат тарбияси билан боғлиқ ҳолда олиб боришга, ўқув фанларни интеграциялаштиришга ёрдам берди.

Тарбияга комплекс ёндашиш билан ақлий, меҳнат, ахлоқий, нафосат ва жисмоний тарбиялая ўртасидаги узвийлик мустаҳкамланди, ўқувчилар ҳаётни кенгроқ тасаввур эта бошладилар. Комплекс принципи тарбиянинг, ўқувчилар фаолиятининг мазмунли бўлишини, таълим вазифаларини ҳам комплекс равишда амалга оширишни таъминлади. Бу принцип мактаб, оила, жа-моатчилик ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бу алоқанинг педагогик жиҳатини касб этишида, ёшларни англаш, мустақил фикрлаш фаолияти ва ахлоқ-одобли бўлиб ўсишида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Тарбияда комплекс принципни қўллаш ўқув юртлари, таълим муассасаларидаги барча тарбиявий ишлар ҳамда, тарбия жараёнида вазифа, мақсад, мазмун, усул, шакл, восита, натижаларнинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлади.

Таълим ва тарбия мазмуни, шакл ва усуллари бу соҳада эришилган илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқилди, бунда таълимнинг жаҳон стандарти даражасида бўлиши назарда тутилди.

Давлат стандарти ва концепциялар асосида яратилган дастур ва дарсликларда, айниқса, ижтимоий фанларга доир барча дастур ва дарсликларда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топди.

Маълумки, истиқлол мафкурасининг асосларини яратиш, аввало, таълим-тарбия замини бўлган оила ва мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади. Уларда тарбияланаётган ва мактабда ўқиётган болалар Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг қалбида Ватан туйғуси, улуғ алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий мерослар билан фахрланиш ҳисси шаклланиши, ривож топиши керак.

V — IX синфларда маънавий қадриятларни шакллантиришга самарали таъсир кўрсатувчи санъат тури бўлган адабиётни ўқитишда СОҒЛОМ эътиқодли, миллий ва умумбашарий қадриятларини англайдиган, ахлоқан баркамол шахсни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Ўқувчиларда адабиётга ҳавас, меҳр уйғотиш, бадиий асарларни ўқиб, уни таҳлил қила оладиган, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда тўғри, эркин ифодалай оладиган қилиб тарбиялаш орқали амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда очилган лицей, гимназияларда ва айрим умумий мактабларда ташкил этилган педагогикадан ихтисослаштирилган курсларда Ватан тарихи ва маданиятини, ўрганиш ва тадқиқ этиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Шунга кўра, ҳозирги кунда педагогикадан миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида дарслик, қўлланмалар яратишга киришилди. Бу ишда ўқувчи ва талабалар ҳамда бўлғуси ўқитувчиларнинг умумий маданияти ва маъна-виятини, педагогик билим ва педагогик маданиятини, педагогик тафаккурини ўстириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бу мақсад педагогик фикрлашга доир билим ва диний-ахлоқий, тарбиявий ғоялар умумбашарий ва миллий-маданий қадриятларни пухта ўрганиш билан амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан она тилини чуқур ўрганиш —мактаб ва бошқа ўқув юртлари таълимининг асоси қилиб қўйилди. Она тилида бериладиган билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ўстириш; уларда она тилидан кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни ўзбек адабий тилининг ёзма ва оғзаки шаклини пухта ўзлаштирган маданиятли ва саводли қилиб етиштириш назарда тутилди.

Таълимда тест усули қўлланди, иқтидорли болаларни аниқлашга, ўқитишга алоҳида аҳамият берилмоқда.. Мингдан ортиқ иқтидорли болалар Америка, Англия, Швеция ва Туркияда таълим олиб, мустақил республикамиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган билим ва касбларни эгалламоқдалар.

Маълумки, педагогика тарихи ҳам бошқа халқлар, мамлакатлар педагогика тарихи билан алоқада ривожланди ва ривожланмоқда. Шу сабабдан ҳозир Марказий Осиё педагогика тарихини тадқиқ этишда Хорижий Шарқ ва Европа мамлакатлари таълим тизими ҳам ўрганилмоқда. Бу соҳада республика фан ва техника қўмитасининг «Миллий руҳ», «Қадрият» номидаги ва Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун илғор педагогик қўлланмалар ва ўқув дарсликларини ишлаб чиқиш бўйича уюштирган танловлари бу соҳада муҳим аҳамият касб этди.

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти олимларининг ана шу танлов асосида республикада таниқли файласуф, тарихчи ва адабиётшунос, педагог ва исломшунос олимлар ва шу соҳа тадқиқотчилари билан ҳамкорликда «Ўрта Осиёда педагогик фикр **тараққиётидан** лавҳалар» номли қўлланма ва «Педагогика тарихи» дарслигини яратдилар. Эндиликда ўқувчи ва талабалар Русия ва Ғарбий

Европа педагогика тарихидан иборат бўлган «Педагогика тарихи»ни эмас, балки Марказий Осиё улуғ мутафаккирларининг педагогик қарашлари ва назариялари тадқиқ этилган янги дарслик бўйича янгича педагогик билимни эгаллайдилар.

Ўзбекистон республика вазирлар маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссиясининг ташкил этилиши — мустақилликнинг муҳим тимсолидир. Бу Олий аттестация комиссияси ўз зиммасига юкланган улкан вазифаларни, яъни «юқори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш, уларни республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг устивор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш билан етук илмий-педагогик кадрлар етиштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Олий педагогика ўқув юртларида илмий даража берувчи ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилиши билан республикамизда педагогика тарихи ва назарияси, фанларни ўқитиш усуллари бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ўзбек тилида, турли миллат вакилларининг ўз она тилларида ҳимоя қилишга кенг имконият яратилди, бу кенгашлар миллий педагог олимлар сафининг ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Бу тадбир республикада сифатли, илмий-педагогик асарлар, ўқув-методик қўлланмаларнинг яратилишига, мактабгача тарбия муассасаларида, умумий ўрта мактабларда, ўрта ва махсус олий ўқув юртларида таълим-тарбиянинг юксак савияда бўлишига, таълим тизими мазмунининг такомиллашувига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Узлуксиз таълим барча фуқароларни тинимсиз ўқишини, изланишини, шахсни юқори малакали бўлишини талаб этади.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётга татбиқ этилиши республикада халқ таълими фаолиятини тубдан ўзгартиради хамда республиканинг юктимоий-иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшади. Узлуксиз педагогик таълим тизимида педагогик ходимлар тайёрлаш поғонали равишда амалга оширилади.

Ҳозир Узбекистон Республикасида ҳаммаси бўлиб 8963 та умумий таълим мактаблари ишлаб турибди. Мазкур мактабларда 429500 дан ортиқ ўқитувчи 4 млн 766600 дан ортиқ ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълимдаги янгича мазмунни ривожлантиришни астойдил рағбатлантирмоқда, янги педагогик технологияни барпо қилмоқ учун тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Республиканинг барча вилоятларида тажриба-синов майдончалари барпо этилган. Ҳозирда бундай майдонларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Уларда янги-янги педагогик ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Умумий таълим мактаблари республикамиз халқ таълими тизимида муҳим ва салмоқли ўринни эгаллаган ўқув масканидир. Мазкур маскан зиммасидаги вазифаларни ҳал этишда, уни ҳозирги куннинг талаблари даражасида, илмий асосда тўғри бошқариш ишларини амалга оширишда, олий маълумотли педа-гогларни тайёрлашда, узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланган олий ўқув юртлари муҳим аҳамият касб этади. Республикада олий таълим университетларда, институтларда ва бошқа олий таълимга дахлдор муассасаларда амалга оширилади.

Олий ўқув юртларига қабул Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ, педагогика олий ўқув юртларига қабул эса Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Қоида бўйича амалга оширилади. 1993 йилдан республиканинг барча олий ўқув юртларига тест синовлари орқали абитуриентлар қабул қилинмоқда.

Улар олий ўқув юртларида икки босқичли тахлил асосида «бакалавр» ва «магистр» даражаларини эгаллашлари мумкин.

1992-1993 ўқув йилида республика олий ўқув юртларига 44 минг абитуриент кабул этилган бўлса, 60 мингдан ортиқ мутахассис халқ хўжалигига тайёрлаб берилди.

Узлуксиз педагогика таълимнинг ажралмас қисмларидан бири - илмий, илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш, аспирантурада ва докторантурада ўқитиш - таълимнинг юқори (олий ўкув юртидан сўнг) босқичлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган узлуксиз педагогик таълимнинг устувор йўналишлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидалар асосида ҳаётга татбиқ этилди ва амалиётга кенг жорий қилинди.

Ўтказилган ислохотлар, самарали тажрибалар республикада таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш давр талаби эканлиги, бу ишни кечиктирмай амалга ошириш зарурлигини тақозо этади. Чунки таълим стандартлари шахс маълумотлилигининг давлат меъёрларини таъминлайди. Таълим стандартлари воситасида талабдаги маълумотлилик даражаси мувозанати сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиёти истиқболларига мувофиқлиги таъминланади.

Давлат таълим стандартлари ўқув жараёнини қатъий чегараланган қолипга солиб қўймайди, балки, аксинча педагогик ижодкорликка, таълим мазмунининг ягона негизи атрофида турли-туман табақалаштирилган дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятларига катта йўл очади.

Республикамизда таълим тизими ҳозирги вақтда тикланиш, такомиллашув, мустақиллик шароитида шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бунда маданий-маърифий меросимиздан, хорижий давлатлар илғор иш тажрибаларидан самарали фойдаланиш давом эттирилиб, таълим сифатини ошириш, уни босқичма-босқич жаҳондаги ривожланган давлатлар даражасига етказиш; ўқувчилар қобилият, эҳтиёжларини

ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ривожлантириш; ёшларни истиклол ғоялари асосида тарбиялаш; таълим муассасаларини янги мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишга қодир педагог ходимлар билан таъминлаш каби долзарб масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

Республикамизда лотин ёзуви асосидаги алифбонинг жорий этилиши таълими муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар қандай мамлакат ва халқ тақдири, унинг келажаги, тараққиётининг асоси элат ва миллатларнинг тили, ёзуви ва таълим-тарбия маскани бўлган мактаб билан боғлиқдир. Шу сабабли ўзбек миллий мактабини яратиш ва унинг асосида ҳозирги кунда халқ таълими тизимида тўпланиб колган муаммоларни ижобий ҳал этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Умуман, мустақиллик туфайли «... биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадамма-қадам баҳраманд бўлмоқдамиз» (И. А. Каримов). Шу баҳрамандлик туфайли ёш авлодда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, иймон-эътиқодлик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, билимлилик, онглилик, дўстлик, бай-налмилаллик каби инсоний фазилатлар шаклланиб, ривож топмоқда, ўз она тили, миллий урф-одатлари, диёримизнинг табиат бойликлари билан фахрланиш туйғуси камол топмоқда.

Хулоса

Ушбу бобда Шарқ Уйғониш даври ҳақида маълумот берилади. Шарқда илм—фан, маданият ва педагогик қарашларнинг ривожланиши, "Маъмун" академиясининг ташкил этилиши, бу академияда илм —фан ривожига, маънавий ҳаётнинг яхшиланишига олиб келиш учун хизмат қилган олимлар ижодиёти ҳақида маърузада тылиқ маълумотлар берилган. Бундан ташқари Ал-Хоразмий, ал-Фарғонийларнинг илмий фаолияти, Ибн Сино асарларида таълим- тарбия масалалари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти, Беруний ва Форобийларнинг педагогик қарашлари быйича маълумотлар берилган ва мутафаккирларнинг ёзган асарларидан ириш ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари Амир Темурнинг таълим — тарбияга қышган ҳиссаси, Темурийлар даврида илмнамуналар келтирилган.

Темур давлатининг барпо этилиши, Мовароуннаҳрда илм, фан, маданият ва маърифатни ривожлант-фан, маданият, санъатнинг ривожланиши, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ырни ва роли, унинг маърифий қарашлари, ёзган асарлари, ыгитлари ҳам тылиқ ёритилган.

Бундан ташқари Мирзо Улуғбекнинг илм-фанни ривожлантиришдаги ырни, у бошчилик қилган астрономларнинг муваффақиятли равишда олиб борган илмий ишлари, мадраса ва расадхонадаги фаолияти, “Зижи” асари, илм аҳлига раҳномалиги кабиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, чексиз ақл-идроки, одилона сиёсати билан Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб келганлиги, халқларнинг тинчлик, тотувлик ва ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат, матонат кўрсатганлиги бўйича қатор маълумотлар келтирилган.

Абдулла Авлонийнинг ҳаёти ва ижоди, таниқли педагогнинг ызбек халқ педагогикасига қышган ҳиссаси, ызбек матбуотининг забардаст вакили былиб ҳисобланиши, унинг ёзган асарлари, мактаб, тарбия, ҳақида фикрлари, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби, унда ёритилган маърифатпарварлик ғоялари быйича маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, Авлоний асарларида инсонпарварлик ғоялари ифодаланган былиб, у халқ манфаатини кызлади, халққа бажону дил хизмат қилишни ызининг муқаддас бурчи деб билган. «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» каби асарларидан намуналар ҳам берилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Абу Райҳон Берунийнинг қандай асарларини биласиз, мисоллар келтиринг?
2. Форобийнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беринг?
3. Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид қарашлари ҳақида нималар биласиз?
4. Ибн Синонинг қандай асарларини биласиз, мисоллар келтиринг?
5. Ибн Синонинг илм-фанга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беринг.
6. Амир Темурнинг таълим-тарбияга оид ўгитлари ҳақида нималар биласиз?
7. Темур ўгитидаги инсонийлик ғоялари ифодаланишининг педагогик асосларини тушунтириб беринг?
8. Темурийлар даврида илм-фан ва маданият қандай ривожланган?
9. Нима учун Мирзо Улуғбекни асрономия мактабининг асосчиси деймиз?
10. Мирзо Улуғбек даврида илм-фан, маданият ва санъат қандай ривожланган?
11. Авлонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида гапиринг?
12. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг тарбиявий аҳамияти Сизнингча нимада?
13. Авлоний асарларида инсонийлик, ахлоқ, одоб, таълим-тарбия масалалари қандай ифодаланган?
14. Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” каби асарларида нималар ёритиб берилади?
15. Авлоний тарбия масалаларини неча турга бўлади?
16. Абдулла Авлоний яратган илмий асарларининг ҳозирги кундаги аҳамияти қандай?
17. Авлоний педагог-муаллим сифатида қандай ишларни амалга оширди?
18. Авлоний ёзган асарларидан намуналар келтиринг?

19. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таълим-тарбия масалалари қандай талқин этилган?

III. БОБ. Ўзбек халқ педагогикаси фани ва унинг таълим-тарбияда тутган ўрни

Ўзбек халқ педагогикаси ҳақида маълумот

Халқ педагогикаси қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келди. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарин, Мустақиллик туфайли, кўҳна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайта тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар вужудга келди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим-тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Илк бор яратилаётган «Ўзбек халқ педагогикаси»да доно халқимизнинг таълим-тарбия, ахлоқ, одоб, инсон қадриятлари ва унинг маънавий устуворлиги, иймон-эътиқоди бутунлиги соҳасидаги дунёқараши, амалий фаолияти, усуллари, анъаналари табаррук исломнинг одоб-ахлоқ, илму-фан ҳақидаги таълимотига боғлиқ ҳолда, муқаддас +уръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳнинг муборак ҳадиси шарифларига суянган ҳолда ёритиш мўлжалланган. Тадқиқотларда Оллоҳнинг илоҳий мўъжизаси – ҳаёт сарвари Инсоннинг она қорнида пайдо бўлишидан тортиб, то туғилганига қадар, ёшини яшаб то омонатни топширгунгача бўлган ахлоқий, ақлий, эстетик, меҳнат, экологик тарбияси, шунингдек жисмоний чиниқиш билан боғлиқ ўйинлар, халқ педагогик анъаналарининг ҳозирги замон ёш авлод таълим-тарбиясида тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга ўзбек анъанавий, оммавий байрам-сайллари, расм-русумлари, одатлари ва удумларида акс этган ахлоқий қарашлар, уларнинг ўзига хос одобномаси, ибратномаси каби долзарб мавзуларни ёритишга ҳам ҳаракат қилинади.

«Ўзбек халқ педагогикасининг таркибий қисми қуйидаги чизмада кўрсатилган.

1-чизма. «Ўзбек халқ педагогикаси»нинг таркибий қисмлари



педагоги лар – ва кўз к айлаб, с нинг бо ома ва педагогикасидаги энг яхши намуналар, алломалару, адабиёт ва фольклор ижодкорлари – ижрочиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланганлиги, ривожланганлиги ва бойиб борганлигини эътироф этиш бирдан-бир тўғри йўлдир.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқ педагогикаси бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, мўъжизавий тарбия соҳасидир. Халқ бор экан, эл яшар экан, бу соҳа ҳам яшайверади, ўзининг авлод-аждодларига беминнат хизматини ўтайверади. Зеро, халқ орзу-умиди, қувонч-ташвишлари, ғам-ғуссаси-ю, армонлари, шодлик, бахтиёрлик онлари-ю, қадр-қимматлари, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик қарашлари, дунёқараши, таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида зуҳр этилади. Ўзбек халқ педагогикаси ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-мантиқ жиҳатдан мукаммаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

Мустақилликка эришиб, ўзимизнинг ёрқин миллий истиқлолимизга эга бўлгач, умуминсоний ва ўзбекона қадриятларни ҳар томонлама чуқурроқ англай бошладик. Мустақил Ватанга ҳар томонлама етук, мукаммал, ахлоқий пок, маънавий баркамол, иймон-эътиқоди бутун, ўз халқи, ўз она-Ватанига фидойи, жисмоний баркамол кишилар етказиш учун уларнинг ахлоқий-жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият бера бошладик.

Ҳар қандай бойликнинг ниҳояси бўлади, олтин, зар, зардобга ўралишнинг умри қисқа. Осмонўпар бинолар қулаши, сулолалар келиб-кетиши, авлодлар кетидан янгилари келиши табиий, аммо халқ педагогикаси ҳайқириб оқувчи дарёдай уйғоқ, мусаффо чашмадай бетиним, қуёш тафтидай иссиқ, ой нуридай нурафшон, ҳаётнинг ўзидай гўзалдир. Инсон одоби, хулқи, камолоти борасидаги хизматини ўтайверади, ҳеч қачон толиқмайди ва чарчамайди.

Халқ педагогикаси мазкур халқ пайдо бўлган кундан бошланиб, бу ниҳоятда кенг қамровли ва сержило, серқирра бўлади.

Маълумки, халқнинг педагогик қарашлари узоқ асрлар давомида шаклланган ва улар бизга асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарларда ва +уръони Карим ҳамда пайғамбаримизнинг ҳадисларида ўз ифодасини топган. Демак, Халқ педагогикаси ҳозиргача яшовчанлиги асосан оғзаки тарзда бўлиб, у ҳар бир авлод унга ўз тажрибасини, қарашларини, фазилатларини қўшган ҳолда бизгача етиб келган.

Ўзбек халқ педагогикасини ишонтириш, исботлаш, таъсир, ибрат намунаси, тажриба натижалари, тасдиқлаш кабилар тарбияда муҳим ўрин тутади. Масалан, дов-дарахт, тоғ-тош, парранда-даррандаларга бағишланган фольклор намуналари буларнинг заминида экологик тарбия ётади[1].

Шунингдек, халқ бисотидаги энг яхши табаррук сўзлар дуо олқишлар ҳам тарбияга қаратилган бўлиб, улардан асосан дуо-олқишларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устуворлиги, имон-эътиқод бутунлиги каби инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашнинг роли ва ўрнига эътибор қаратилган. Халқимизнинг халқ педагогикаси ғояларига таяниб, уни ўрганиб, тўла амал қилган барча фарзандлари доим эл-юрт назарига тушган ва олқишига сазовор бўлган.

Халқ педагогикасининг бунчалик даражада таъсир кучи унинг яшовчанлиги, бойиб бориши, ватан тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнашига асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

- Халқ педагогикасининг беқиёслиги, таъсирчанлиги серқирра, сермаънолигидир.
- Халқ педагогикасининг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт давомида жонли анъаналарида яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммоларини ўз ичига қамраб олишидир.
- Халқ педагогикаси умуминсоний, йўналишича ва умумбашарий ғоя-мақсадларга қаратилганлиги.

Шу боис Халқ педагогикаси тарих туфонлари-ю, ур-йиқитларига, тўс-тўполонларига бардош бериб, тажриба синовларидан муваффаққиятли ўтиб, тобланиб, сийқаллашиб, ҳеч бир пайт, ҳеч бир даврда у қанчалик оғир, мураккаб қийин бўлмасин барибир фаол хизмат қилиб, авлодлар камолоти борасида ҳал қилувчи роль ўйнаб келмоқда.

Ўзбек халқ педагогикаси фани ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни

Инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Маърифатли ва маънавий комил инсонни тарбиялаш "Ўзбек халқ педагогикаси" фанининг аосий мақсадидир

[1] О. Бырибоев. "И=тисодий тарбияни амалга оширишда Ызбек хал= педагогикасини ырни"Битирув малакавий иш. – Т., ТДИУ, 2005. 36-бет.

ҳамда унинг бош масаласи ва мавзуси тарбиядир. Тарбиядан кенг маъно таълим ривожланиши, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишдир. Бу ўз навбатида инсоният яратган илмий-маънавий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди. Президент И.А.Каримов айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг иштирокчиси, бажарувчисигина эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчиси ҳамдир”[17]. Бундай янгича ёндашишлар “Ўзбек халқ педагогикаси” фанининг объекти ва мавзуини кенгайтиради.

Халқ педагогикасининг ажралмас қисми бўлган “Ўзбек халқ педагогикаси” Ўзбек халқи пайдо бўлган ва яшаб келаётган бутун даврни ўз ичига олади. Жумладан, ижтимоий ва маиший-ахлоқни, ҳаётнинг барча томонларини, Халқ оғзаки ижоди, қадршунослик, удумшунослик ва маросимшуносликнинг етакчи йўналишларини, диний ахлоқий таълимотни ўз ичига олади. Демак, “Ўзбек халқ педагогикаси” - бу доно халқимизнинг таълим-тарбия, аҳлоқ, одоб, инсоний қадриятлар ва унинг маънавий устуворлиги, имон- эътиқоди, бутунлиги соҳасидаги дунёқараши, оммавий фаолияти, усуллари, анъаналари, тажриба хулосаларининг лўнда, бағоят теран, донишманднома тарзда ифодаланишидир.

2-чизма «Ўзбек халқ педагогикаси» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



[17] Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон щаёт пировард ма=садимиз. – Т., «Ызбекистон», 2000. 14-бет.

Педагогика тарихи	Тарбиявий иш-лар услубияти

Умуман, “Ўзбек халқ педагогикаси” халқимизнинг асрлар оша ўз ҳаётий тажрибалари, фарзандлар камолоти борасида тутган удумлари, саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари, ақл-заковатлари натижасида яратилган мерослар мажмуасидир.

3-чизма. «Ўзбек халқ педагогикаси» фанининг таълим-тарбияда тутган ўрни



Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири таълим тизимига “Ўзбек халқ педагогикаси” анъаналарини киритишдир. Чунки бу миллий истиқлол мафкурасини яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Бунга эришиш учун:

- Ёш авлодни миллий одоб-аҳлоқ тарбиясида фольклор, шунингдек, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий хислат, фазилатлар асосида тарбиялашга эришиш;
- Таълим тизимини мукаммаллаштириш;
- Халқ оғзаки ижодининг барча шаклларидан таълим тизимининг барча бўғинларидан унумли фойдаланиш;

• Ўзбек халқ педагогикасининг халқ анъанавий спорти, жисмоний тарбия ва фольклор ўйинларининг, жумладан байрам-сайлларининг, ёшлар жисмоний, ақлий, ахлоқий тарбияси, бақувватлиги, чаққонлиги, эпчиллигини таъминлаш учун хизмат қиладиган анъаналардан тўғри ва оқилона фойдалана билишдир.

Ҳозирги кунда таълим тизимида "Ўзбек халқ педагогикаси" намуналаридан кенг фойдаланиш инсонни ҳар томонлама камол топтириш, маънавиятимизнинг устуворлиги, иймон-эътиқодларимизнинг бутун бўлиши қадрли қадриятларимизнинг гаровидир.

Миллий қадриятларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли

"Ўзбек халқ педагогикаси» анъаналарида фарзандларнинг эстетик идроки, ҳиссиёти ва тасаввурларини ривожлантириш ҳамда мукаммаллаштириш; тарбияланувчиларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва камол топтириш, эстетик дид асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; эстетик тарбияда тарбияланувчилар ўйин фольклорининг ўрни ва аҳамияти, тарбияланувчилар фольклор-этнографик дасталари-эстетик тарбия маркази эканлиги, ворислик, устоз-шогирдлик анъаналарининг педагогик, ахлоқий-эстетик аҳамияти, ёшларни шахс сифатида шакллантириш ҳамда бадиий-эстетик тарбиялашда халқ оммавий томоша санъати-цирк, дорбозлик, аския, бахши-шоирчилик, достончилик, эртакчилик, қизиқчилик, тақлидгўйлик, маддоҳлик, қираотхонлик, қиссахонлик, отунлик, воизлик, бўзахўрлик алёрлари каби санъатларининг тутган ўрни ва педагогик-тарбиявий аҳамияти, халқ анъанавий спорти, физкультураси-фарзандлар жисмоний бақувватлиги ва етуклигининг гарови эканлиги, чаққонлик, эпчиллик ва ҳар томонлама гармоник ривожланишнинг синалган воситаси эканлиги, тарбияланувчилар ўйин фолклорининг педагогик тарбиявий аҳамияти, халқ педагогик тарбиясида туризм ва саёҳатнинг, савдо-сотиқ ва тижоратнинг ўрни, жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларида халқ қизиқарли томоша санъати, аҳлоқ-одоб ва таълимнинг уйғунлиги ва ўзига хослиги, халқ спорт ва жисмоний тарбиясида жинсий тафовутларга аҳамият беришнинг ахлоқий-ақлий аҳамияти; халқ анъанавий педагогикасида табиат ва инсон уйғунлашуви муаммолари, табиат ва тарихни эъзозлаш, сақлаш ва қадрлашнинг аҳамияти, ҳайвонлар дунёси, қушлар олами ҳамда дов-дарахтлар, ўсимликлар ва гиёҳларга; рухсат, сув, борлиқ-атрофга инсоний муносабат-халқ педагогикасининг экологик тарбияси асосларидан бири эканлиги, одатлар, удумлар, расм-русумлар, маросимлар, ирим-сиримлар, қарғиш ва олқиш-дуолар, табиат, диний байрамларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти, халқ оммавий байрам-сайллари "Наврўз", "Мехржон", "Ҳайит-рўза", "Ҳайит байрами" ва бошқаларнинг, тарбияланувчининг дунёга келиши, қулоғига азон айтиш, тиш чиқиши, илк қадами, бешикка солиш, биринчи кийим-бош кийдириш, беш, етти кун, ўн бир кунлиги, бир йиллиги, уч, тўрт, беш йиллигининг алоҳида байрам қилиниши, ўқув муассасасига бориши, суннат қилиниши, кокил

қўйиш, кокил олдириш, мўйлов оши, уйланиш-никоҳ тўйи, биринчи фарзанд кўриш, қирқ, эллик, олтмиш ёшлар тантаналари, пайғамбар ёши, етмиш, саксон, тўқсон йиллик юбилейлари, кумуш тўй, олтин тўй, марварид тўй ва бошқа байрам-сайллар, тўй-томошалар, одатлар, удумлар, маросимлар ва анъаналарнинг таълим-тарбиявий, педагогик йўналиши, аҳамияти ва шу кабилар.

+уръони карим, ҳадис ҳамда Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ-одобга оид қарашларига доир парчалар ҳам мазкур қўлланманинг саҳифаларини безаши табиийдир. “Ўзбек халқ педагогикаси”га оид материалларни бамисоли уммонга қиёс қилиш мумкин.

Биз ушбу қўлланмани фақат дебоча деб билиб, шу уммондан олинган қатралар орқали халқимизни, унинг айрим саҳифалари билан таништиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

4-чизма. Миллий қадриятлар.



таъ на
қорнидан яхши ё ёмон бўлиб туғилмайди – у бирдай туғилади. Яхши-ёмонга айланиши тарбиядан, даставвал ота-она, оила, маҳалла-куй, қишлоқ-овул, қолаверса, жамият, тузумдандир. Бунда аждодлар қолдирган ота мерос-оилавий педагогика, халқ педагогикаси, шунингдек удумшунослик, қадршунослик, элшунослик анъаналари, жамиятнинг бу

соҳадаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи ўрин тутади. Халқ таъкидлашича, бола бошдан тўғри, ҳаққоний тарбияланса – у келгусида яхши инсон бўлиб етишади, эгри йўлда тарбияланса – ёмон кишига айланади. Зеро, “кўчат бошдан, бола ёшдан” мақолига амал қилиш халқ анъанавий педагогикасининг бош йўналишидир.

Эл-юрт учун ҳар томонлама мукаммал инсонни тарбиялашга қаратилган “Ўзбек халқ педагогикаси” ҳам айрим шахслар ёхуд бир-икки жамоа – улар қанчалик иқтидорли-истеъдодли бўлишмасин, уни халқимиз асрлар билан ўлчанувчи ҳаётида ўзининг бой ҳаётий тажрибалари, фарзандлар камолоти борасида тутган тутимлари, саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари, ақл-заковатлари билан яратилган.

Ҳамиша сафарларда бўлиб, ўзга юрт кишилари билан мулоқотларда бўлиш, изланишлар олиб боришдан толиқмаслик каби хислатлар ўзбек халқи характерига хос фазилатлардандир. Инсонпарварлик, байналмилаллик, ҳушёрлик, зукколик, топқирлик, билимдонлик, уқувликни ўзига эътиқод қилиб олган ўзбек халқ педагогикаси айни чоқда Шарқ одобномаси, ибратномасидан доимий равишда баҳраманд бўлган, шарқона халқ педагогикаси бойликларидан озиқланган ва унинг энг гўзал намуналарини ўзига қабул қилиб олган.

Ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси

Ўзбек халқ педагогикасининг манбаларини асосан уч турга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилар:

- Халқимизнинг буюк мутафаккирлари томонидан мерос қилиб қолдирилган насрий ва назмий асарлар, одобнома ва пандномалар;
- Халқимиз томонидан яратилган халқ оғзаки ижоди ва фольклори намуналари, халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари ва турли хил маросимлари;
- Ислом динининг муқаддас китоби “+уръони карим”, Пайғамбаримиздан мерос қилиб қолдирилган ҳадис намуналари ва буюк исломий таълимотларнинг намуналари.

Энди биз шулар хусусида ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз. Халқимизнинг буюк мутафаккирлари бўлмиш Имом ал-Бухорий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Баҳоуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулла +одирий, Боту, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа шу каби кўплаб буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавият сарчашмалари ўзининг тарбиявий аҳамиятга, маърифатни тарғиб этиш хусусиятларига ва ибратлилик хусусиятларига эга эканлиги туфайли ҳозирги кунга қадар ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Булар жумласига Навоийнинг машҳур “Хамса” сини, Имом ал-Бухорийнинг “Ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламини, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби кўплаб юксак қадр-қимматга эга асарларни киритишимиз мумкин. Халқимиз томонидан яратилган қадриятлар ва урф-одатлар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари бевосита халқимиз руҳияти асосида шаклланган

бўлиб, улар маънавий баркамол инсонни тарбиялашда энг муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу қадриятлар ўз навбатида юқорида санаб ўтилган буюк мутафаккирларимизни ҳам тарбиялаб вояга етказгандир. Шундай экан биз буюк халқимиз томонидан яратилган миллий қадриятларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бизнинг бурчимиз бундай қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни изчил равишда такомиллаштириб боришдир.

Маълумки, халқимизнинг салкам минг йиллик тарихи Ислом дини билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун халқимиз томонидан яратилган миллий қадриятларнинг аксарияти ҳам ва мутафаккирларимиз томонидан яратилган маънавият сарчашмалари ҳам айнан ана шу дин асосида шаклланиб, ривож топиб келган. Шундай экан, биз бу диннинг урф-одатларига оқилона ёндашиб, уларни тўғри англаб олишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки, ислом дини юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, доимо миллатлар ўртасидаги тинчлик-тотувликни ва исониятга нисбатан қилинадиган ҳар қандай зўравонликка қарши ғояларни тарғиб этиб келган.

Халқ оғзаки ижодининг жанрлари

Халк оғзаки ижоди - бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва тарбия усуллари, инсоний қадриятлар ва юртсеварлик тарбияси бўлиб, дўст-биродарлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат; яхшилик ва ёмонликнинг оқибати; ҳалоллик, тўғрилик, олижаноблик тарбияси; адолат инсоф ва инсофсизлик, дўст-биродарлик, оға-иничилик ва қон-қардошчиликнинг аҳамияти; ботирлик ва қўрқоқлик, одоб ва одобсизлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, сахийлик, бахиллик ва камтарлик, сабр-қаноат ва сабрсизликнинг оқибати; қадр ва қадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, тажрибакорлик, калтабинлик ва ишончсизлик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик, андиша ва андишасизлик, фаросат ва фаросатсизлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, режа ва режасизлик, меъёр ва меъёрсизлик, маъсулият ва маъсулятсизлик, вақт ва фурсат, фойда ва зарар, табиатни эъзозлаш, деҳқончилик ва чорвачилик қадриятлари: каттага ҳурмат, ёшга меҳр шафқат, йўл ва йўлдош, севинч ва ғам, тўй ва мотам, фарзанд ва фарзандсизлик, кийиниш, сўзлаш, юриш-туриш, саломлашиш, кўча одоби, овқатланиш маданияти каби удумлар, расм-русмлар, одатлар, маросимлар, анъаналардан иборатдир.

Халқ педагогикасининг асосини ташкил этадиган Халқ оғзаки ижоди бир қанча жанрларни ўз ичига олади.

1. **Эпик ижод намунаси** - Бу қаҳрамонлик, ишқий-романтик, тарихий достонлар бўлиб, улар ишқ-муҳаббат вафо қандай бўлишлиги, ўзлигини таниш, ор-номус, бурчни англаш, иймон-эътиқодли бўлиш, инсон ва ҳайвонот дунёси, қийинчиликлар ва мушкул аҳволларни мардона енга олиш, қатъиятлик, ирода, матонат каби хислатлардан иборатдир.
2. **+ўшиқлар** - Лирик, маросим, мавсум қўшиқлари; “Ёр-ёрлар”; “Аллалар”, йиғи-йўқловлар; ўлим, янчиқ, байрам-сайллар қўшиқлари;

тарбияланувчилар фольклорлари намуналари ва бошқалардан иборат бўлиб, улар гўзаллик, самимият, меҳр-шавқат, орзу-умид, қувонч-шодлик, ғам-ғусса каби туйғуларини тараннум этиш орқали кишиларда чуқур инсоний туйғуларини ўстиради. Инсонларда ҳаётга, табиатга, инсонга чексиз муҳаббатни камол топтиради.

3. Эртак - Бу орқали кишилар сирли-сеҳрли олам билан танишади ҳамда унга оид билими, тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги яхши хислатлар, ёмонлардаги бадхулқлар билан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрати ортади.

4. Мақоллар, маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар, афористик иборалар- Булар Халқ донишмадчилигининг юксак бадиий тимсоли бўлиб, улар қисқа, содда аммо, хар бирининг маънолари жуда кенг бўлади.

5. Асотирлар, афсона ва ривоятлар- Булар донолар донолиги, ибратли, табиатни асраб-авайлаш, қадрига етиш, сақлаш, чиройига чирой қўшишга бўлган иштиёқни ўстириш, экологик тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва камол топтиришда муҳим роль ўйнайди.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДАН НАМУНАЛАР

Фольклор ва ўзбек халқ педагогикаси

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган даврда мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаб етиштириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада ўтган даврда жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим тизимини миллийлаштириш, уни инсонпарварлаштириш, халқчиллаштириш асосида республикамиз халқ таълими тизимини қайта кўриш, миллий ўқув муассасалар барпо қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда «Ўзбек халқ педагогикаси» етакчи ўрин тутади.

Маълумки, халқ педагогикаси деганда халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида акс эттирилган тарбия борасидаги қарашлар, ғоя, урф-одатлар, расм-русумлар ҳамда анъаналар йиғиндиси тушунилади. Демак, булардан кўринадики, халқ педагогикасининг асосий манбаи фольклор ҳисобланади.

Халқ педагогикасининг қамрови кенг бўлиб, у муайян халқ тарихи, фалсафаси, психологияси, этнографияси ва халқ табобатидан ташкил топган бўлади. Фольклор халқ педагогикасини, яъни халқ оммасининг - тарбия борасидаги қарашлар, ғоя, урф-одатлари, анъаналар йиғиндисидан иборатдир. Булардан ташқари фольклор тарбияни амалга оширишда қўлланилиб келган усул, восита, кўникма ва малакалар йиғиндисини ҳам ифодалайди.

Бироқ, афсуски, шу пайтгача халқ педагогикасини ўрганиш ва уни замонамиз нуқтаи назаридан қайта ишлаб улгурилмади ва амалий фаолиятда қўлланилмади. Ўзбек халқининг беқиёс даражадаги бой педагогик фикр ва қарашлари илдизи кароматли “+уръон” ҳамда Муҳаммад алайҳис-салом Ҳадисларига бориб тақалади.

Тарбияланувчилар тарбияси борасидаги анъаналар ўзбек классик адабиётида ўз аксини топган. Масалан, IX-XII аср алломаларидан Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшнома”, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “+утадғу билиг”, Маҳмуд +ошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад Югнакийнинг ”Ҳибатул хақойиқ”, Кайковуснинг “+обуснома” каби асарларида педагогик ғоялар кенг ўрин олган бўлиб, халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан буён жаҳон халқларининг, жумладан Ўзбек халқ педагогикасининг тарбия воситаси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Халқ педагогикасининг таркибий қисми қуйидагича; ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва нафосат тарбияси. Ўзбек халқ педагогикаси миллий тарбияни амалга ошириш усул ва воситалари, ёшларни дастлабки оилавий одоб қоидаларига одатлантириш ва уни амалга ошириш йўллари, ёшларни дастлабки оилавий дастёрлик меҳнатига одатлантириш, уни амалга оширишда фойдаланиладиган усул ва воситаларни ўз ичига қамраб олади. Юқоридагиларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида акс этган бўлиб, булар заминида илмий педагогика шаклланган дир[1].

Илмий педагогиканинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришга қаратилган бўлади. Ҳар томонлама баркамоллик ёшларни ақлий, жисмоний, ахлоқий, меҳнат ва нафосат жиҳатдан етуклигини ўз ичига олади. Шундай экан, халқ педагогикаси илмий педагогика билан чамбарчас боғлиқдир.

Энди Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тез айтишлар ва ўйинларнинг тарбиядаги ўрни

Тез айтиш тарбияланувчиларнинг нутқини ўстиришда муҳим ўрин тутади. Тез айтишлар орқали тарбияланувчилар гапдаги сўзлар маъносини тез англаб олиш, урғуларни тўғри ўз ўрнида ишлата олиш, нутқни туғри ва бурро талаффуз қила олиш малакаларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Тез айтишлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри ҳисобланади. Унда муайян товушлар, айниқса жарангли ундошлар такрорланади, сўзлар ритм, урғулар билан айтилади. Тез айтишда ҳар бир товуш ўз ўрнида тўғри ва равон талаффуз этилиши керак. Тез айтишлар болаларнинг фикрлаш қобилиятини, нутқи ва сўз бойлигини ўстиради.

Масалан, “Эшик олдида булоқ, булоқдан сув ичар улоқ, узун қулоқ”, “Тўп-тўп кўк копток, ҳар тўп кўк коптокда биттадан катта копток”, “/ани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди”, “Олим Олимадан олма олдими, Олима Олимдан олма олдими?” ва ҳоказо.

[1] З. Жумаев “ Ызбек хал= тарихий ривоятлари” номзодлик диссертацияси. - Т. 2005.

Тўғридан-тўғри ва бевосита тарбия билан боғлиқ ҳодисалардан табиатда энг яқини **ўйинлардир.** Ўйин – инсоннинг табиатга қараб кашф этган буюк мўъжизаларидан бири ҳисобланади. Тарбия жараёнида ўйиннинг аҳамияти ғоят катта. Уларда сўз, оҳанг ва ҳарорат бир-бири билан узвий алоқададир. Ўйинлар воситасида тарбияланувчиларга нарсаларнинг мавжуд тартибига, халқ урф-одатларига ҳурмат туйғуси сингдирилган, унда одоб қоидаларига нисбатан кўникма ҳосил қилинган. Ўйинлар – жиддий машғулот, меҳнатга, келажакка, ҳаётга тайёрловчи ўзига хос сабоқларни ўзида намоён қилади. Ижтимоий фаолиятдан олдин келувчи ўйин бамисоли унинг ҳал қилувчи машқи саналади, гоҳо меҳнат байрамлари билан қўшилиб кетади ва таркибий унсур каби меҳнатнинг ҳал қилувчи қисмига, ҳаттоки меҳнат жараёнининг ўзига киради.

Азалдан ҳар бир халқда ранг-баранг ўйинлар мавжуд бўлган. Марказий Осиё ҳудудларида ҳам кўплаб ўйин турлари кенг ёйилган. Таомилдаги ўйинлар билан бир қаторда у ёки бу минтақанинг, ҳаттоки қишлоқнинг ўзига хос ўйинлари ҳам мавжуд. Ўзбек халқ ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги, турли ёш, жинс, шаҳар ва қишлоққа мўлжалланган кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. +исқаси ўзбек халқ ўйинлари шу қадар хилма-хилки, гоҳо уларнинг туркуми, гуруҳи, турлари, шакллари, хиллари маъносини чуқур англамай туриб, уларнинг мазмунини тушуниш қийин кечади. Шунга қарамай, уларни таҳлил қилиш ва ўрганиш натижасида қуйидаги синфларга бўлиб чиқиш имкони туғилди:

- Турли ёшдагилар ўйинлари;
- Турли жинсдаги одамлар ўйинлари;
- Мавсумий ўйинлар (баҳорги, ёзги, кузги, қишки);
- Турли ифода воситаларидан фойдаланишга асосланган ўйинлар (сўз, куй-қўшиқ, рақс-пантомима, сюжетли саҳна, турли хусусиятли ва ҳоказо).

Ўйиннинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, унинг воситасида инсоннинг одатдаги ривожи учун ҳаётда етишмайдиган нарса рўёбга чиқади. Кам ҳаракатли ҳаёт тарзига чўпонлар кўпроқ қимирлашга мажбур қиладиган, аммо сурувидан узоқлашмайдиган ўйинларга эҳтиёж сезганлар. Яйлов ўйин учун қулай жой, доим қўлида ушлаб юрадиган таёқ эса, ўзига хос ‘‘дастак’’ бўлиб хизмат қилган. Тўп тайёрлаш учун қўй жуни хом ашё бўлиб хизмат қилган. ‘‘Подачи’’, ‘‘Жун тўп’’, ‘‘Чим тўп’’, ‘‘Чавғон’’ деган чўпон ўйинлари ана шу тариқа юзага келган. Чавғон аввалига отлиқ чўпонлар ўйини бўлган, кейин эса уни аҳолининг кенг қатлами ҳам ўзлаштириб олган. Бу ўрта аср ҳарбийларининг севимли ўйинларидан эди. Улар кўпгина Шарқ мамлакатларида ёйилган. Ҳиндистондан Англияга кўчиб ўтган, кейинчалик замонавий чим ҳоккейга асос бўлган.

Аждодлар ҳаёти ҳозирги кунга нисбатан бир зайлда кечган, ўйин эса унга завқ ва мазмун бағишлаган. Ўйинда инсон ҳаётда амалга ошира олмаган истакларини мужассамлаштирган. Ташвиш ва муаммолардан вақтинча чалғиб, инсон ҳаётида учрайдиган қийинчилик ва ташвишларни ўйин билан бартараф этишга муваффақ бўлган. Ҳатто уруш вақтида ҳам очлик ва

парокандаликдан қийналиб турганда одамлар ўйин учун вақт ва имкон топган, ўйин жараёнида улар кўнгилларини ёзиб эртанги кун меҳнат фаолияти учун “қувват” олганлар.

Шундай қилиб, ўйинлар инсон ҳаётида шу қадар муҳим аҳамият касб этганки, уларга қараб инсон шахсияти, феъл-атвори, манфаатлари, майллари, қобилиятлари ҳақида фикр юритиш мумкин ҳисобланган. Ўзбеклар фарзандларининг болалигиданоқ баҳодирлик, ҳарбий-жанговарлик малакаларини оширганлар. Халқ достони - “Алпомиш”даги севимли бош қаҳрамон Ҳакимбек ҳақидаги сатрлар шундан далолат беради.

Топишмоқлар ва мақолларнинг тарбиядаги ўрни

Топишмоқ қадимдан давом этиб келаётган ва халқлар орасида кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, тарбияланувчиларнинг топқирлигини тарбиялашда, зеҳнини ўткирлаштиришда, фикрлаш қобилиятларини устиришда муҳим аҳамият касб этади. Топишмоқлар ўз хусусиятига кўра икки ёки ундан ортиқ тарбияланувчилар ўртасида мустақил фикрлаш йўли билан, савол-жавоб, тортишувлар, баҳслар орқали олиб борилади. Улар тарбияланувчиларни кўпроқ нарса ва буюмларни, табиат ва унинг ҳодисаларини идрок қилишга ёрдам беради.

Топишмоқлар турли халқларда турлича аталади. ўзбек тилидаги топишмоқ» сўзининг луғавий маъноси «Топмоқ» феълидан олинганлиги маълум, яъни топишмоқ топ-топ ўйнамоқни билдиради. Болғорларда, масалан, топишмоқни «элбер» дейишади. “Э” қишлоқ ё шаҳарни, «бер» эса, бермоқ феълининг буйруқ майлини билдиради. Топишмоқ жавобини топган одам мукофотга шаҳар ё қишлоқ «олади». Ким кўпроқ шаҳар ёки қишлоққа эга бўлса, ўша ғолиб, деб топилади. Ўзбекларда эса, аксинча, тополмаган одам жаримага «шаҳар» беради. Чувашларда топишмоқни «тўшмалли юмах», «сўтмалли юмах» дейдилар, бу «жумбоқли эртак», «тополмаса сотиб юбориладиган сўз», деган маъноларни билдиради. Сотиш-бу энг ёқимсиз иш бўлиб, у кишилар орасида куёв ёки келин буюрган топишмоқни тополмагани учун белгиланган жазо ҳисобланади. Нима учун топишмоқни эртак дейишади? Гап шундаки, кўпгина топишмоқлар эртак мазмунига эга бўлиб, ўзига хос жанрдан иборат. Топишмоқни тополмаган одам жаримага эртак айтиб берган (қўшиқ айтган, ўйинга тушган ёки бошқа топишмоқни топган ва ҳоказо). Бундай звазлар “сотиладиган эртак” деб аталган.

Топишмоқлар оқилона, шоирона, ахлоқий ғоя билан суғорилган бўлади. Бинобарин, улар ақлий, эстетик ва ахлоқий тарбияга таъсир кўрсатади. +адим замонларда улар, эҳтимол бу вазифаларни озми-кўпми даражада адо этган. Бироқ, кейинчалик топишмоқларда ахлоқий тажриба устувор бўлган.

Топишмоқлар болаларнинг фикрлаш қобилиятини оширади, уларни атроф-муҳидаги турли воқеа-ҳодисалар ва нарсалар устида мушоҳада юритишга ўргатади, шу билан бирга бир хил нарса ҳақида кўплаб топишмоқларнинг бўлиши нарса (ҳодиса)га ҳар томонлама ёндошишга имкон

беради. Бироқ ақлий тарбиядаги топишмоқларнинг аҳамияги фақат фикрни ривожлантириш билан чекланиб қолмай, балки улар яна турли соҳаларга хос билимлар билан ақлни бойитади. Ақлий тарбияда топишмоқлардан фойдаланилганда, табиат ва кишилик жамияти ҳақидаги маълумотларни бола фаол фикрлаш жараёнида олади.

Топишмоқларда маълум тизим мавжуд бўлиб, инсон ҳақидаги маълумотлар ғоят ранг-барангдир. Чақалоқ, одамнинг алоҳида тана аъзолари масалан, қорин, бош, оёқ, қўл ва ҳоказолар ҳақида топишмоқлар кўп. Сўнгра улар яна ҳам майдалашади: мия, кўз, тиш, соч, тил, бармоқлар, юрак ва ҳоказолар бўйича ҳам топишмоқлар талайгина. Умуман топишмоқлар, болани мушоҳада қилишга ҳамда шуурига сингдиришга, бир бутунлик билан алоҳидаликни фарқлашга ўргатади.

Меҳнат, меҳнат қуроллари, қишлоқ хўжалиги экинлари, уй ҳайвонлари, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ҳоказолар ҳақидаги топишмоқларда меҳнат фаолиятининг ғоят ранг-баранг турлари тавсифланади. Ҳатто коинот ҳақидаги топишмоқларда ҳам меҳнат қуроллари ва меҳнат мавзусини учратиш мумкин. Масалан, қуёш нури ҳақидаги топишмоқларда ўлчов таёқ ва бошқа меҳнат қуролларидир.

Шуниси эътиборга моликки, кўпинча топишмоқларда у ёки бу буюм қисмларга бўлиб қаралади, бу қисмлар ўз навбатида меҳнат жараёнларининг изчиллиги тўғрисида ҳикоя қилади («Саксон аскар, икки зобит, бир хўжайин», деган топишмоқда том ёпиш жараёни тўғрисида гапирилади: устун қўйилиб, тахта қоқиш). Айнан меҳнат ва меҳнат қуролларига даҳлдор топишмоқларда зукколик ва ҳазил мавжуд. «+ирда тентак ўйинга тушар» (шамол тегирмони), «Кошона пастда: келин баландда» (қозиқ, тўқмоқ).

Одамлар, ҳаёт ва ўлим, ёшлик ва кексалик ҳақидаги топишмоқлар ёшларни шахсий камолот сари чорловчи мазмун билан йўғрилган:

Хоҳлайсан-у сотиб ололмайсан
Керакмасини сотолмайсан.

Топишмоқларнинг шеърий шакли гўзал, фикри -теран (ёшлик ва кексалик), ёшликнинг қадрига етишга чорлаш бола учун топишмоқ, катталар учун эса ибратли мақол. Яна бир топишмоқ:

Ёш эдим - кундай эдим, қаридим - тундай бўлдим.

Бу нафақат топишмоқ, шу билан бирга инсон ҳаёти ҳақидаги шоирона ҳикмат эмасми!

Масалан, “Икки ажиб қулоғи бор,
Бири тинглар, бири сўзлар,
Бир отаси, бир онаси,
Неча юз минг боласи” ва ҳоказо.

Топишмоқлар шакл жиҳатдан ғоят ранг-барангдир. Улар ичида ёдлаб олса бўладиганлари ҳам бор, ёдлаган савол-жавоб топишмоқлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, эътиқодни шакллантиради, улар ёрдамида болаларни ҳаётдаги турли ғоялар, ҳодисалар билан таништиришнинг муаммоли усули амалга оширилади.

Савол-жавоб топишмоқлар одамлар ҳаёти ва фаолиятининг кўп томонларига даҳл қилади. Уларда халқнинг одатдаги тасаввурлари акс этади. Ақлий тарбияда бу топишмоқларнинг аҳамияти ғоят юксак. Улар нафақат фаҳмлаш, фаол фикрий фаолиятни талаб этади, балки кўпроқ, хотирлашга ҳам ундайди. Болалар айрим савол-жавоб топишмоқларга жавобни мақоллар, қўшиқлар ва эртакларда учратадилар, Эртаклардаги жавоблар турли вариантлардан иборат. Мазмун жиҳатдан ишончли ва шакл жиҳатдан шоирона жавоб энг муваффақиятлисидир. Масалан, «Дунёда одам учун энг қимматли нарса нима?», деган топишмоққа «Ватандан қимматли нарса бўлмас», деган жавоб "Хўжайин ва унинг малайи", деган тарихий эртакда бор. +иёсдан иборат мақол ўзаро бир-бири билан боғлиқ савол-жавоб топишмоқ учун асос бўлиб хизмат қилади (+иёснинг қайси қисми номаълум деб қабул қилинишига қараб, албатта), «Олтин бешик нима?» ёки «Ота ва она уйи нима» деган топишмоққа "Ота ва она уйи - олтин бешик», деган мақол жавоб бўлади. Бу мақол кўпинча қўшиқларда ҳам учрайди.

Умуман олганда, болалар тарбиясида топишмоқларнинг ташҳис амалиёти алоҳида ўрин тутиб, у тарбиячига ҳар бир имтиҳон ва сўровларсиз боланинг кузатувчанлик, фаҳмлаш, ақлий ўсиш ҳамда ижодий фикрлаш даражасини аниқлаш имконини туғдиради.

Мақоллар одамларнинг ҳаёти ва турмуши жараёнида тўплаган тажрибалари, дунёқараши, ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, ўтмиш ҳаёти ва унинг ибратли сабоқлари, шахснинг руҳий ҳолати, умид ва орзуларини ифодалайди ҳамда тарбияланувчи тарбиясида аҳлоқ ва одобига ижодий таъсир этишда самарали таъсир кўрсатишга қодир. Мақолларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда асосан иккинчи шахс — тингловчига нисбатан ўгит-насиҳатлар йўсинида бадиий ўхшатишлар орқали айтилади.

Яхши бола ёғ келтирар,
Ёмон бола доғ келтирар.
Сўз кишининг ўзаги,
Одоб кишининг безаги.
Олтин олма, дуо ол.

Ҳар бир мақолда ҳамиша «Таълим улуши» - ибрат мавжуд: мақол маъноси ибрат тарзидаги аниқ рамзи тушунилади, ибрат ҳаётнинг турли кўринишларини умумлаштириб, тугал жумла ҳолига келган бўлади. Мақоллар меҳнаткашларнинг кўплаб маънавий эҳтиёжини қондиради, улар ақлий билим, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиши, одамийлик, ахлоқий фазилатлар ва ҳоказоларни англатиши мумкин. Мақоллар халқнинг жонли овозидир, халқ бугунги зарур ва эртага асқотадиган нарсани хотирасида сақлайди. Мақолда ўтмиш тўғрисида гап кетса, у ҳозир ва келажак нуқтаи назаридан баҳоланади, ҳикматларда акс этган ўтмишнинг халқ орзу-ниятлари, эзгу мақсадларига қай даражада мувофиқлигига боғлиқ равишда қораланади ёки маъқулланади.

Мақол халқ ижоди бўлиб, унда жамоатчилик фикри ўз ифодасини топади. Унда халқнинг ҳаётга берган баҳоси, халқ заковатининг кузатишлари жо этилган. Якка шахс яратган яхши ҳикмат, агар у кўпчиликнинг фикрини ифода эта олмаса, мақол бўла олмайди. Жуда бўлмаганда, умумхалқ фикри ва якка шахс фикри бир вақтнинг ўзида ёнма-ён қолиши мумкин, холос. Халқ мақоллари эслаб қолиш учун жуда қулай шаклга эга. Мақоллар хотирага маҳкам ўрнашади. Сўз ўйинлари, сўзларнинг турлича жаранги, қофиядошлиги, оҳангдорлиги гоҳо шу қадар жозибалики, натижада, киши уни осон эсда сақлаб қолади. Айни ҳолда у доноликни, тарбия ва унинг ҳосиласи – хулқни ифода этувчи билиш фаолияти тажрибасини асраш ва тарғиб қилиш вазифасини адо этади.

Мақолнинг асл мақсади тарбиядир, улар қадим замонлардан буён таълим воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бир томондан, улар таълим ғоясидан иборат, иккинчи томондан, тарбиявий таъсир кўрсатиб, таълим вазифасини бажаради. Халқ тасаввурларига мос келиб, тарбия таъсирининг воситалари, услублари тўғрисида ҳикоя қилади, шахснинг ижобий ёки салбий жиҳатларини баҳолайди, шахснинг шаклланиш мақсадларини у ёки бу тарзда аниқлаб, тарбиялашга чорлайди, ўзларининг тарбиячидек қутлуғ вазифаларини менсимайдиган катта ёшдаги одамларни қоралайди ва ҳ.к.

Мақолларнинг энг кенг тарқалган шакли ўгитдир. Таълим нуқтаи назаридан ўгитлар уч тоифага бўлинади:

- Болалар ва ёшларни яхши хулқли бўлишга, шу жумладан, мулойимликка ундайдиган ўгитлар.
- Катта ёшдаги одамларни ўзига ярашадиган хулқ-одобга ўргатадиган ўгитлар ва ниҳоят тарбия натижаларини акс этгирувчи, таълим маслаҳатларидан иборат ўзига хос насиҳатлар. Бу айниқса, таълим тажрибасини умумлаштиришнинг ўзига хос шаклидир.

Мақолларда болаларнинг туғилиши, уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни, тарбия мақсадлари, воситалари ва услубларига рағбатлантириш ва жазолаш, ўқиш мазмуни, меҳнат ва ахлоқ тарбиясига, болаларнинг ота-оналар феъл-атвори ва фазилатларни мерос қилиб олишига, атроф-муҳит ва жамоатчилик фикрларининг таъсирига даҳлдор таълим ғоялари ўз аксини топган ва ҳоказо.

Халқ ва авлодларнинг таълим мубоҳазасида катта-ю кичик барча халқлар беистисно иштирок этади. Боланинг дунёга келиши байрам, фарзандсиз икки жоннинг яшаши душвор. Ўзбек мақолларида болалар ҳақидаги яхши гаплар кўп такрорланади. «Ўғил билан қиз - бир жуфт қизил гул», «Ўғил билан қиз – уйнинг меҳмони», «Ўғил билан қиз - тун билан кун», “Ўғил- офтоб, қиз - моҳитоб», «Болалар - осмондаги юлдузлар, коронғи тунни ёруғ кундуз қилади». «Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг қадри йўқ».

Болани ҳар ким ҳам туғади, лекин тарбия ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. «Туғишга туғиб, тарбия қилолмайдиган» ҳам ота, ҳам онага тегишли бўлган танбеҳлар ҳар бир халқда учрайди.

Халқ тарбиянинг бошланиши ҳақида муайян фикрлар айтади: қанча эрта бошласа, шунча яхши. Тарбияни бола туғилишидан бошлаган яхши, чунки тарбия бола туғилишидан ҳам муҳимроқдир. «Дунёга келтирган ота ва она эмас, едириб ичирган. яхши тарбия берган ота ва она». Ота билан она фақат ота-онагина эмас, туғилиш - бу бошланиши, ота билан она энг аввали тарбиячилардир, фақат шундагина улар ўз вазифаларини тугаллаб, адо этган ҳисобланадилар. «Ота мактаби» отадан кўра муҳимроқдир: «Отаси яхшининг биттаси яхши, онаси яхшининг ҳаммаси яхши», «Онаси миясига қуйганини ота суғуриб ололмайди»,

Халқ тафаккурида меросхўрлик, мерос ва ота-оналар таълим фаолиятининг натижалари бир бутунликда намоён бўлади. “Яхши хотиннинг болалари ҳам яхши бўлади» (рус.), «Ақл, катта бўлганда киради, тарбия туғилгандан бошланади» (ўзб.), «Яхши ғарамда яхши пичан, яхши оилада яхши бола» (чув,), «Яхши гўштнинг шўрваси тотли, яхши одамнинг боласи тотли» (қир.) ва ҳ.к. Лекин боланинг ўз қилмишлари учун шахсан масъуллиги ҳам инкор этилмайди: «Ахмоқ ўғилга ота ҳам ақл бўлолмайди», «Ахмоқ ўғилни ота ҳам йўлга сололмайди». Мақолларда тарбиянинг қулай ва ноқулай шароитлари ўз аксини топган. Барча халқларда ёш авлодга тарбиячи (мураббий)ларни ҳурмат қилиш зарурлиги уқтирилади. Ота-она обрўсига, айниқса, катга эътибор берилади: «Ота пули билан эмас, ота ақли билан яшаш керак», «Эскичада ҳам, янгичада ҳам ота ўғилдан улуғ», «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи», Онани ҳам истеҳком деворига қиёс қилинади. Ота-оналарига қилган муомалаларига қараб болалар тақдири башорат қилинади: «Отангни хор қилгандинг, сенга ҳам ўғлингдан шу қайтади». Дарвоқе, бу мавзуда бир эртак ҳам бор, унда энг яхши тарбиячи-кексалар экани тўғрисида бир олам мақол айтилган: «+анча кекса бўлса, шунча ҳақ, қанча ёш бўлса, шунча қадрли», “+ари билганини пари билмайди». Ёшлар билан катталар ўртасидаги муносабатлар барча халқларда деярли бир хил ифода этилади: «Катталарга жой бер, кичикларга ёрдам», «Катталардан ўрган, кичикларга ўргат» (ўзб.), «Ёш келса ишга, қари келса ошга» (ўзб.).

Мақол - бу тайёр хулоса, лекин у ҳали сўнгги манзил, хаёлот сарҳади эмас. Мақол қандайдир муайян ҳолатда - хулоса, бошқа ҳолатда - фараз бўлиб, янги муаммоларни кўндаланг қўяди. Мақолнинг қиймати унинг туб-тубига кириб боришни талаб этувчи маъносини шарҳлаб берилганда маълум бўлади. Мулоҳазалар, суҳбатлар, баҳсларда мақолларни шарҳлаб бериш халқ ичида кенг ёйилган. Бундай шарҳлашлар кўпгина ҳолларда бир қарашда унчалик бўлмаган мақолларни ҳам таълимий мақоллар сирасига ўгказиб юборади. «Ҳаёт - дала айланиш эмас, уни яшаш керак», мақоли ёшларга қарата айтилган насиҳат, маслаҳат сифатида талқин қилинади.

Қўшиқлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти

Қўшиқларда халқнинг асрий орзу умидлари ва эзгу ниятлари акс этади. Тарбияда уининг аҳамияти беқиёсдир. Қўшиқлар этик, эстетик ва педагогик ғояларни мусиқий ҳамда шоирона безаши билан қимматли. Гўзаллик ва эзгулик қўшиқда яхлит идрок этади. Халқ тараннум этган раҳм-шафқатли азаматлар нафақат меҳрибон, балки улар гўзал ҳам. Халқ

қўшиқларига эзгуликни, инсон бахти-саодатини қутловчи миллий қадриятлар сингиб кетган.

Қўшиқлар топишмоқ ва мақолларга нисбатан халқ шеърий ижодининг бир мунча мураккаб шаклидир. Қўшиқларнинг бош мақсади гўзалликка нисбатан муҳаббат уйғотиш, эстетик қараш ва дидни чархлаш. Ёшларнинг қўшиқчиликдаги ижодини катталар муттасил қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиради.

Ёш авлодни тарбиялаш билан бирга ҳаётнинг барча жиҳатларини созга солиш, қўшиққа хос хусусиятдир. Қўшиқнинг таълимий қиммати шундаки, болаларни чиройли қўшиқ айтишга ўргатади, у эса ўз навбатида нафосат ҳамда эзгуликка етаклайди. Халқ ҳаётидаги барча воқеалар - меҳнат, байрамлар, тўйлар, азалар ва ҳоказолар доим қўшиқ билан ҳамоҳанг. Одамларнинг бутун ҳаёти қўшиқда кечиб, у гўзаллик ва ахлоқий моҳиятини ажойиб тарзда ифодалайди.

Қўшиқни ҳамма куйлайди ва тинглайди. Қўшиқдан бошқа ҳеч бир жанр ҳақида бундай деб бўлмайди. Мақоллар, эртаклар, топишмоқларни одам маълум ёшдан кейин тушуна бошлайди, у ёки бу тоифадаги шахслар улардан умрининг муайян даврида фойдаланади. Тўғри қўшиқнинг ҳам ўз "севимли ёши" йўқ эмас: Ўн беш-йигирма ёшдаги қизлар шунчалик кўп қўшиқ айтадики, шу дамгача ва умрининг охиригача айтганлари ҳам ўшанча ҳисобга етмас экан.

Қўшиқларда таълим ғояси ҳамиша бисёр, бу ғоя қўшиқларнинг маърифий-таълимий вазифасини белгилайди, айрим тоифа қўшиқлар гарчи уларнинг аксарияти ёшга қараб чекланган ва тақсимланган бўлмаса-да, маълум ёшли гуруҳларга мўлжалланган. Катталарнинг айрим қўшиқларини ёш болалар алоҳида иштиёқ билан куйлайдилар. Шу боис, гап у ёки бу қўшиқнинг ижро этилиши хусусидагина бориши мумкин.

Қўшиқ жанри ёшларнинг нафосат тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқ қўшиқлари асосан "Алла", "Ёр-ёр", "ўлан", "Азайиги" каби бир неча турда шаклланган. Бола даставвал она "Алла" сини эшитади. Бинобарин, бола кўриш бахтига муяссар бўлган оналарнинг қай даражада бўлмасин, "Алла"-айтолмасликларини тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳатто, қўғирчоқ ўйнашни уддалай олган жажжи қизлар ҳам "алла" айтиш билан гўё қўғирчоқларини овунтирадилар ва шу орқали қўшиқ оламига илк бор қадам қўядилар.

Инсоннинг бугун умри мукаммал қўшиқлар туркумини ташкил этади: бешикда ётган ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган чақалоққа ҳам, ҳис этиш ва англашдан тўхтаб, тобутда ётган марҳумга ҳам қўшиқ айтилади. Олимлар нафис қўшиқнинг она қорнидаги ҳомиланинг руҳий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини исботлаганлар. Алла қўшиқлари чақалоқни ухлатибгина қолмай, балки уни эркалайди, ҳатто қувонч ҳам бағишлайди. Чақалоқ кайфияти чоғ бўлиб уйғониши ва келаётган кунни қувонч билан қарши олиши учун махсус қўшиқлар куйлаш одати бор.

Она “алла” синиng тарбиявий роли муҳимдир. X аср Марказий Осиё халқларининг машҳур мутафаккири ва тиббиётнинг буюк сиймоси Абу Али Ибн Сино она “алла” синиng тарбиявий аҳамияти ҳақида тарбияланувчиларнинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ кераклиги, чунончи: бири - болани секин-секин тебратиш, иккинчиси - уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа-аллалашдир, деган фикрни илгари сурган.

Биз шунингдек эртак ва достонлар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. **Эртак ва достонлар** халқ оғзаки ижодидаги топишмоқ, мақол, қўшиқ каби жанрларда жамланган бўлиб, улар педагогик ғояларнинг мукаммалроқ, таъсирчан бўлишини таъминлайди. Эртак ва достонлар тарбияланувчи тарбиясининг ҳамма таркибий қисмларини жумладан, ақлий ва жисмоний камолот, илм ва хунарга муҳаббат, меҳнатсеварлик, маънавий сифат ҳамда нафис дидларнинг таркиб топишига доир кўпдан - кўп педагогик масалаларни ўз ичига олади. Булар жумласига “Зумрад ва Қиммат”, “Етти оға-ини ботирлар”,”Ерали ва Шерали”, “Сахий ва бахил” ва бошқа шу каби кўплаб эртакларни, шунингдек “Алпомиш”, “Чамбил достони” каби достонларни киритишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда фольклор намуналари тўғридан–тўғри тарбия воситаси сифатида хизмат қилади. Булар билан бир қаторда тарбияланувчи яшаб турган муҳит - шароитнинг воситачи роли мавжудки, улар ёшларнинг маънавий фазилатларини шакллантиришда катта ва самарали тарбия воситаси ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

Болалар ўйинлари, чойхўрлик (чойхона гурунги), тарбияланувчилар гапи (гап айтиш), тарбияланувчилар мажлиси, меҳмондорчилик, ҳашар ва ҳоказо.

Тарбияланувчилар тарбиясида халқ педагогикасининг намуналари ҳисобланган халқнинг миллий урф-одатлари, турли миллий маросимлари, анъаналари, миллий байрамлар муҳим рол ўйнайди. Улар қўйидагилардан иборат:

- Тўй маросимлари - бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи;
- Сайллар - дала сайли, гул сайли, қовун сайли;
- Йиғин (томоша, туғилган кунни нишонлаш), йигит базми, қиз базми, келин салом, улоқ, пойга, кураш, турли шаклдаги мусобақалар;
- Аза маросими, аза маъракаси;
- Сафарга чиқиш, овга бориш, кино, театр, истироҳат боғи, оммавий йиғину томошаларга бориш, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Наврўз байрамлари.

Маънавий маданият ва уни шаклланишининг педагогик хусусиятлари

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда маънавиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, жамиятимиз турмуш тарзида, мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни изга тушириб олиш йўлида кўзланган мақсад асосан амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий парокандалик даврига барҳам берилди. Президент Ислом Каримов "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" китобида таъкидлаганидек: "Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир"[1].

1-чизма. **Маънавий маданият шаклланишининг педагогик хусусияти**

Маънавий-маданият шаклланишининг педагогик хусусиятлари
Шахснинг маънавий маданиятини μозирги даврда инсоният эришган барча ютуғ³лар асосида ³уриш
Маънавий маданиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний ³адриятлар устивор б´лишига эришиш
Маънавий маданиятни шакллантиришда миллийликдан йироғ³ ва унга зид унсурлардан воз кечиш

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида жамият ва давлат ўзини устқурмаларига муносабати турли маърифий маданий ғоялар тушунчалар англаган ватанпарварлик туйғуси билан миллат, халқ манфаатлари, ижтимоий, иқтисодий, маданий равнақи учун маъсулиятли илмий билим, меҳнат ва касб ҳунар кўникмаларини ўзида мужассам этган маънавий маданиятли шахсни тарбиялаб етиштиришда манфаатдордир. Бундай шахсни шакллантиришда асрлар давомида халқимизнинг маънавий эҳтиёжи, талаби асосида яратилган қадриятлар муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, узлуксиз таълим олдига қўйилган энг муҳим

[1] Ислом Каримов. Ватан саждагощ каби му=аддасдир. 3-том. Т., «Ызбекистон», 1996, 274-бет.

мақсад - умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим тарбиянинг мазмунида инсонпарварлик ғоясини кучайтириш, халқ чиллаштириш ва шулар асосида ёшларда маънавий маданиятни шакллантиришдан иборат.

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик таълим тизимига асосланган бўлиб, унда олға сурилаётган ғоялар қуйидагилардан иборат:

- Шахснинг маънавий маданиятини ҳозирги даврда инсоният эришган барча ютуқлар асосида қуриш лозим;
- Маънавий маданиятни шаклантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар устувор бўлишига эришмоқ лозим;
- Маънавий маданиятни шакллантиришда миллийликдан йироқ ва унга зид унсурлардан вос кечмоқ зарурдир.

Маънавият тушунчаси фақат инсон зотига хос бўлиб, табиатнинг гултожи, такомили ҳисобланган инсон моҳиятининг ажралмас қисмидир.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, у биологик моҳият билан бир қаторда ижтимоий моҳиятга ҳам эга. Биологик моҳиятига унинг бошқа мавжудотлардан биологик тур сифатида ажралиб турувчи тик юриши, танаси юнг билан қопланамаганлиги, бош ва қўлларининг шакл-шамойили, фикрлай олиш қобилияти ҳамда бошқа бир қатор биологик кўрсаткичлари киради.

Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида, инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи сифатлар тўғрисида қуйидаги оятлар мавжуд: “Ва у зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: “Агар халифаликка биз ҳақдормиз деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!”

Улар айтдилар: “Эй пок парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан”. (Аллоҳ): Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир”, деди”.[1]

Бу оятларнинг бизга Одамзод Тангрининг Ердаги халифаси экани ва ҳатто бегуноҳ фаришталар ҳам унга таъзим қилишлари маълум бўлиб турибди.

Бинобарин, маънавиятга қуйидаги фалсафий таърифни берса бўлади. ***Маънавият*** – бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака даражаларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуидир.

Маънавиятга берилган ушбу таъриф объектив мавжуд бўлган мураккаб бир ижтимоий ҳодисани мушоҳада ва идрок қилиш, унинг энг муҳим хусусиятларини ҳис қилиш ҳамда маънавият мавзуида чоп этилган қатор адабиётларни таҳлил қилиш натижасида вужудга келган. Қуйида маънавият тушунчасига берилган бир қатор таърифлар орасидан

[1] +уръони карим. – Т., «Чылпон», 1992. «Ба=ара» сураси, 31-33 бетлар.

китоб саҳифаларида тез-тез учраб турадиганларидан бир нечтаси келтирилган.

1. “Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл – заковатининг маҳсули”[1].

2. “Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамият, табиат, ўз турмуш тарзлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар”[2].

3. “Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир”[3].

4. “Маънавият – миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва собит ҳиссий дунёсидир”[4].

Бу таърифлар умуман нотўғри бўлмай, улар мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган маънавиятнинг у ёки бу хусусиятларини ёки аҳамиятини ифодалайди, холос. Бу эса баҳолаш категорияси ҳисобланади.

Барча фикрларни бир четга суриб, энг жозибали учинчи рақамли “Ҳақиқат нури” деган таърифга эътиборимизни қаратайлик. Дарҳақиқат, маънавият – ҳақиқат нури. Бу мутлақо тўғри. Аммо нурнинг ўзи нима? Бизнингча, “нур” – билим. Билим, яъни нур эса, инсон қалбига ҳақиқатдан, ҳақ таоладан келганидан кейин, киши қалбида униб-ўсади ва бир неча босқичларни босиб ўтади. Шундан кейингина у шуъла тарқата бошлайди. Инсон руҳи ва тафаккуридаги ҳақиқат нури ҳаракатининг ана шу охирги босқичини, яъни нур шуъласини биз **“маънавият”** деб атадик.

Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб туриши маълум. Ижтимоий моҳият негизини ***билимлар*** ташкил қилиб, улар фойдали ва фойдасиз турларга ажралади. Дарҳақиқат, ёлғон гапириш, ўғирлик қилиш, бошқаларни ҳақоратлаш ва бўлак разил ишларни қилишни ҳам билиш керак. Ҳамма ҳам унинг уддасидан чиқавермайди. Аммо, улар фойдасиз, балки ижтимоий ҳаёт учун зарарли билимлардир. Жамият ривожи учун фақат фойдали билим (ҳикмат)лар керак. Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало ўзига, сўнг яқин кишиларига ва бутун жамиятга наф келтиришдир. Муайян бир фойдали ишни киши ҳаётида кўп маротаба бажараверишиши натижасида, бу фаолият унинг руҳига сингиб, маънавиятга айланади. Инсоннинг руҳига сингиб, маънавиятига айланган ҳаракатлар мажмуини унинг ҳаёт тарзи дейилади.

---

[1] Жалолов А. Муста=иллик масъулияти. Т., «Ызбекистон», 1996. 29-бет.
[2] Муло=от журнали. 1997, 5-сон, 15-бет.
[3] Иброщимов А. ва бош=алар. Ватан туй\уси. Т., «Ызбекистон», 1996. 11-бет.
[4] Эркаев А. Маънавият-устун йыналиш. «И=тисод ва щисобот» журнали. 1996, 2-сон, 20-22- бетлар.

Маданият арабча сўз бўлиб, у жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуидир. Маданият шахс камолатига икки хил жиҳатдан таъсир қилиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Моддий, яъни техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий бойликлар.
2. Маънавий, яъни фан, адабиёт маориф, санъат, дин, умуминсоний ва миллий руҳий қадриятлар.

Ана шу моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ўзаро таъсири натижасида ақлан етук, ахлоқан баркамол, жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, яхлит шаклланган, яъни комил инсон шаклланади.

Шахс маънавий маданиятини шакллантиришга янгича ёндашув

Маънавий маданият - бу шахснинг ташқи олам, ҳолат ички кайфиятлар таъминлаш, эркпарварлик орқали қабул қилиб олиш жараёнидир. Бунда умуминсоний ва миллий қадриятлар, шахснинг ижтимоий тузум туғрисидаги қарашлари маънавий маданиятнинг негизини ташкил этади ва унинг моҳиятини намоён этувчи объект шахс ҳисобланади. Шахс маънавий маданиятининг асосий манбаси бўлган маънавий руҳий қадриятлар, фан, адабиёт, санъат, маориф, дин комил инсоннинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Маънавий маданият ақлий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадиий, диний маданият кабилардан тузилгандир. Булар таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ёки талаба жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига сингдирилади. Ақлий маданият - жамият ва табиат қонун қоидаларига муносабат; Ҳодисалар ва уларнинг бир - бирлари билан боғлиқлиги; Инсоният ҳаёти, турмуш тарзи; жамият тараққиёти ҳақидаги илмий билимларни ўзлаштириш, яхлит идрок этиш, такрорлаш, тасаввур ва тафаккур этиш ҳолатлари жараёнида шаклланади. Ақлий маданият маънавий маданиятнинг бошқа таркибий қисмларини шаклантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий маданият – бу инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, эрксеварлик, фаоллик, ижодкорлик, хақиқатгўйлик, маъсулиятлилик, сахийлик, камтарлик, поклик каби тушунчалар мажмуаси бўлиб, инсоннинг кўп қиррали фаолияти давомида шаклланади ва такомиллашади. Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий маданият ахлоқий билимлар, малака ва кўникмалар, ахлоқ қоидалари ёрдамида шахснинг хулқ -атвори, ҳатти-ҳаракатларини бошқариш тизимидир. Ахлоқий маданиятнинг негизини аҳлоқий онг ташкил қилиб, у виждон, бурч, масъулият, ҳаё, ғурур каби инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади. Ахлоқий маданиятнинг асосий пойдевори ахлоқий одат бўлиб, у шахснинг аниқ мақсадни кўзлаб, доимий, изчил уюштирилган фаолияти, жамият аъзоларининг ўзаро маданий муносабатлари, ўзаро ишончлари, алоқалари замирида майдонга келади. Маънавий маданиятнинг яна бир мезони эстетик хис

бўлиб, у инсонни ўраб турган муҳитга муносабатидир. У ҳаёт хақиқатини ўзлаштиришнинг, ижодий фикрлаш қобилиятини таъминлашнинг асосий босқичидир: у инсонда ижобий мақсадлар пайдо бўлишга хизмат қилади. Масалан, бадиий китобларни ўқишни инсон ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқарашига таъсири.

Маънавий маданиятнинг яна бир таркибий қисми бўлган сиёсий маданиятсиз маънавий қадриятларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб, тўлиқ англаб бўлмайди.

Сиёсий маданият - бу ижтимоий фаолликнинг жамият олдидаги маъсулият, ижтимоий ва маънавий жавобгарликни ҳис этиш, хақиқат учун курашиш, бурчга садоқат, миллатлар, элатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, сўз ва фаолият ҳамкорлиги, тинчлик, тенглик, озодлик ва ўзлигини англаш каби мезонларини ўз ичига олади. Сиёсий маданият фақат эркинлик, озодлик ва мустақиллик шароитида ўзини тўла намоён қилади[1].

Жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланишида диний таълимот, яъни асрлар давомида тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келаётган диний маънавий қадриятлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Дин сиёсат бўлмасдан у маънавий ҳаётнинг таркибий қисмидир.

Биз юқорида санаб ўтган маънавий қадриятлар мезонларига амал қилиш яхлит тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Маънавий маданиятнинг шаклланишида асосий йўналишни берувчи методология қуйидаги муаммоларни ечишда хизмат қилмоғи лозим:

- Миллий ўқув муассасаси негизида таълим-тарбия тизимини миллийлаштириш;
- Ҳар бир жамият аъзоси ҳатти-ҳаракати, хулқ-атворида умуминсоний, миллий-маънавий қадриятларни таркиб топтиришда таянч бўлиш;
- Шахсни миллий, умумбашарий маданият манбаларининг моҳиятини чуқур англаб етишида дастурий йўлланма бериш;
- Шахсни маданий қадриятлар орқали жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларга интилишида тўғри йўлланма бериш.

Шарқ мутафаккирлари ижодида маънавий маданиятни шакллантириш

Миллий маънавият ютуқларига асосли равишда суяниш, араб Шарқи ва юнон маданияти ютуқларидан ижодий фойдаланиш натижасида Шарқ халқлари, шу жумдалан, Марказий Осиё халқларининг илмий, ижтимоий-фалсафий фикри кенг ривож топади. Бу нарса, айни вақтда Марказий Осиё халқлари маънавиятининг умуминсоний қадриятлар билан бойишига самарали таъсир кўрсатди. Табиатшунослик,

[1] О.Имомалиева. “Маънавият ва ахло=ий =адриятларни ривожлантириш услублари” БМИ –Т., ТДИУ, 2005..56-бет.

ахлоқшунослик соҳасида юзага келган янгича илмий таълимотлар, ўз-ўзидан равшанки, минтақа маънавиятига, унинг янада такомиллашишига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Шу нуқтаи назардан фикр юритадиган бўлсак, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк алломалар Марказий Осиё халқларининг кейинги асрлардаги маънавиятига асос солдилар, унинг илмий-фалсафий негизларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар, қомусий билимга эга бўлганликлари туфайли ўша замоннинг етук мутафаккирлари бўлиб танилдилар. Бинобарин, бир вақтнинг ўзида бир неча билимни эгаллаш, борлиқ сирларини ўрганишга даъват этиш бу даврнинг асосий белгиларидан саналади. Юсуф Хос Ҳожиб Марказий Осиё маънавиятидаги бу рационалистик йўналиш ҳақида гапириб шундай деган эди: “Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади. Билим кимда бўлса, буюклик бўлади”[1].

Кишилар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, маънавият турмушнинг ташқи кўриниши ҳисобланади. Инсон маънавий қадриятларни вужудга келтирар экан, айни вақтда ўзининг моҳиятли кучларини ҳам гавдалантиради. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Шарқда маънавий жонланиш даври маънавияти унинг йирик мутафаккирлари томонидан яратилган ва бойитилгандир.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва алломалари ўзлариннг бутун ижод фаолиятларини шахс маънавий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратганлар десак асло муболаға қилмаган бўлар эдик. Айнан ана шу хусусияти билан шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятлари ғарб мутафаккирлариники билан фарқланиб туради. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида мардлик, тўғрисўзлик, маърифат булоғидан баҳраманд бўлиш сари кучли даражадаги интилиш, меҳнатсеварлик, катта ёшдаги кишиларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, давлат ва халқ манфаатларини ўз манфаатидан устун кўриш, шунингдек садоқатли севги-муҳаббат каби инсоний фазилатлар ўз ифодасини топган бўлиб, шоир шу орқали шахс маънавий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Фарҳодга мамлакатни бошқариш имконияти берилганда, у ўзининг ҳали анча ёш эканлигини, бу борада ҳали тажрибага эга эмаслигини, бу ишни ундан ёши катта бўлган ва давлат бошқаруви бўйича анча тажрибага эга бўлган кишилар қўлга олса яхши бўлишини таъкидлаб бу таклифни қабул қилмайди. Ваҳоланки, Фарҳод бу борада яхши илм ва маҳоратга эга эканлиги билан сарой аёнлари ўртасида ҳам, оддий халқ орасида ҳам яхшигина шухрат топган эди.

Шоир Фарҳоднинг ушбу ҳатти-ҳаракати билан қуйидаги маънавий маданиятни ривожлантирувчи фазилатларни кўрсатиб

[1] Юсуф Хос Щожиб. +утад\у билик. Т., «Фан», 1972. 85-бет.

беришга ҳаракат қилган:

•Ўзини-ўзи баҳолай билиш ва бирор-бир юклатилаётган вазифа бўйича масъулиятни чуқур ҳис қила билиш.

•Бирор-бир иш юзасидан қарор қабул қилишда шошмасдан узоқни кўриб ҳаракат қилиш.

•Ёши катта ва тажрибаси кўп бўлган одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва улар тажрибасидан ўрнак олишга интилиш.

•Мансабпарастлик иллатидан ўзини йироқда тутиш.

Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз тузукларида жуда кўплаб тарбиявий аҳамиятга молик бўлган кўрсатмаларни бериб ўтган.

Айниқса, у кишининг давлат бошқариш фаолиятига фақат ва фақат адолат билан ендашиш кераклиги, илм-зиё аҳлига доимо адолатли муносабатда бўлиш кераклиги, камбағал фуқарога доимо меҳр-мурувват кўрсатиш кераклиги ва миллий қадриятларни барқарор тарзда ҳимоя қилиш кераклиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари бевосита маънавий маданиятни шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Амир Темур салтанати жуда бой маънавий заминга қурилган. Мана шу пойдевор Темурнинг шавкатли давлати, иқтисодий салоҳияти, жаҳонгирлик фаолияти, ватанпарварлик қудратининг таянчи эди.

Амир Темур фаолиятида унинг маънавий фазилатлари шаклланиши маълум тарихий жараённи ўз бошидан кечирган. Маънавият Амир Темур қалбида қарор топиши ва улкан кучга айланиши учун тарихий шарт-шароит, миллий анъаналар, исломий тамойилларнинг ўзига хос ўрни бор.

Биринчидан, бўлажак соҳибқирон маънавий сифатларининг шаклланиши унинг болаликдан бошлаб ватан тарихига, она тилига, халқ маънавиятига ёндошганлиги билан боғлиқ. Соҳибқирон маънавийликнинг ўзаги ҳисобланган ахлоқий сифатларни эгаллашга ёшлигидан астойдил киришади.

Иккинчидан, Амир Темурнинг ўз устозларига бўлган ҳурмати, муносабати, садоқати, эҳтироми унинг бундай фазилатларни, унинг инсонга, инсониятга бўлган ҳурмати ва илм-фан ҳамда маданиятни юқори қўйишининг ифодасидир. Унинг устозлари ўз замонасининг фузалолари бўлган. Буларга Хожа Шамсиддин Кулол, Саййид Мир Кулол, Мавлоно Абу Бакр Таободий, Мир Саид Барака каби пиру устозлар киради.

Амир Темур эътиқод қўйган ва маънавиятини шакллантирган пири комиллари ҳақида сўз борганда, бир муҳим масалани таъкидлаб ўтиш керак. У ҳам бўлса, Амир Темур яшаган даврдаги маънавий комилликнинг ёрқин ифодаси ҳисобланган тасаввуфга унинг муносабатидир. Амир Темурнинг, бир томондан, тасаввуф фалсафаси ва унинг таркибий қисмларидан бўлган футувват – мардлик, инсонпарварлик ғоялари билан ёшлик чоғларида яхши таниш бўлгани ва жўмардлик тамойилларининг унга таъсири кучли бўлгани унинг онгида юртининг мустақиллиги учун курашиш иштиёқини пайдо қилади. Иккинчи томондан, тасаввуфда ҳар бир инсоннинг маънавий камолотида устоз ва шогирд, яъни муршид ва мурид ўртасидаги юксак

муносабатлар муҳим ўрин тутган.

Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, миллатнинг куч-қудратидир, дейди Амир Темур. Бу фикрнинг тарихий ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги унинг бутун фаолиятида эришган тарихий оламшумул мақсадлари мисолида ўз ифодасини топган. Учинчидан, Амир Темур таржимаи ҳолида ўзининг инсон сифатидаги ахлоқий фазилатларини ёзиб қолдирган.

Маънавий қадриятлар. Уларнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришдаги роли

Миллатимиз, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин шундай ижтимоий ҳодисаларни бошидан кечирмоқдаки, бу ҳодисалар замирини ташкил этувчи жараёнларни таҳлил қилиш ва улардан хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида янги тузумга ўтиш кўпчилик ўйлагандан кўра мураккаб жараён эканлигини таъкидлаб, “Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак экан”, деди.

Юртбошимизнинг бу сўзларида теран маъно бор. Ўтмиш тарих сифатида асрлар қаърига яширинган ҳодисалар, тафаккур мевалари бирдан янги ижтимоий муҳит заминида ўсиб-униб қолиши, дунё ўйинлари гоҳ чархпалак бўлиб, гоҳ ўрнак-ибрат тарзида келгуси авлод қўлидаги хотира қуролига, тасдиқ, ё инкор қаламига айланиб қолиши мумкин.

Наинки, инсоният кеча ё бугун шаклланган эмас. У узоқ ўтмиш ва уммоний хотира заҳираси, даврлар, замонлар силсиласини ўзида ташувчи маънавий хазина сифатида амал қилади. Бу маънавий хазинада боши осмон янглиғ кўтарилган шахслар руҳи ҳам, зафарларни қучган баҳодирлар шаъни ҳам, парокандалик ва депсинишлар рутубатларини ифодаловчи қисмат ўйинлари ҳам ҳамма-ҳаммаси мерос бўлиб келаверади. Худди шу меросдан олинажак сабоқ ва савоблар бугун билан эртанги кунни ёритгувчи умид чироқларидир. Президентимиз “Куч – адолатда” деган Амир Темурнинг иборасини ҳозир ҳам биз учун меросий сабоқ ва савобли ўгит эканлигини уқтиради: “Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, - дейди юртбошимиз, - адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор”

Демак, адолат ва инсоф ҳар бир кишининг, ҳар бир жамиятнинг яшаш ва тафаккур мезонига айланмоғи лозим.

2-чизма. Маънавий қадриятларнинг шахс маънавий маданиятига таъсири



аълумки, миллий кўтарилиш, миллий ўзлигини англаш, қадриятлар кўламини кенгайтириш жараёни ҳам ахлоқий аримиз, анъаналаримиз ва эзгу фазилатларимизга бориб Ижтимоий кўтарилиш ҳеч қачон ахлоқни, инсонийликни олиб келмаган. Ижтимоий ҳаракат илғор ва олижаноб миллий фазилатларга қанот бағишласа, халқ оммаси руҳияти ва орзулари билан йўғрилган бўлса миллат ва миллий ўзига хосликлар гуллаб-яшнаши мумкин. Ҳеч қачон миллат ёки миллий қадриятлар номидан шахсий ғараз ёки шуҳратпарастликни кўзлаб айтилган сўз юракларга етиб бормаган, қилинган ишлар миллий қадриятлар кўркини оширмаган.

Хайриятки, мустақиллик туфайли миллий урф-одатларимиз, ахлоқу-одобимиз, эзгу фазилатларимиз орасида аста-секин содир бўлаётган касалланишнинг олди олинди.

Халқимизда шундай миллий одат, анъана ва фазилатлар борки, улар бошқа халқларда йўқлигидан ташқари, инсоният маънавиятининг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотишга имоним комил, - деб ёзган эди Тилаб Маҳмудов.[2] “Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил, - деган эди И.А.Каримов[1] – Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз” Жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий-ахлоқий расм-русумлар исбот қилиб

[1] И.А.Каримов. «Ызбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура». – Т., «Ызбекистон», 1998. 11-бет.

[2] Т.Мащмудов. Муста=иллик ва маънавият. – Т., «Шар=», 2001, 107-бет.

келмоқда.

Мамлакатимизда янги жамият барпо этилмоқда. Унинг бағрида шаклланиши лозим бўлган комилликнинг моҳияти, шартлари ва низомлари қандай бўлади? Қандай юртдошимизни комил инсон деб атаймиз? Энг аввало, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўли биз учун намунадир. Бинобарин, комиллик ғояси биз учун ёт нарса эмас. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон инсоний комилликнинг чуқур анъаналрига эга бўлган ўлка. Тадқиқотчилар қайд этишича, “бу анъана турли авлодлар ўртасида руҳий яқинликни мустаҳкамлайди, ёшлар қалбида ворислик туйғусини уйғотади. Демак, комиллик, энг аввало, инсонийлик шарти ва буюк аждодларимизга ворислик тақозоси”[1].

- Комилликнинг бош мезони инсоний ҳисобланади.
- Инсон камолотида жисмоний гўзаллик муҳим аҳамият касб этади.
- Комилликнинг яна бир жиҳати Ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир.
- Маънавий етуклик шартларидан бири инсоний сифатларнинг уйғун бўлиши масаласидир.

Баркамолликнинг қирралари кўп эканлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Ҳар бир шахсни илк ёшлигидан бошлаб мустақил фикрлашга ўргатиш ҳаёт талабидир. Шунга кўра унга ҳар доим мантиқий тафаккур юритиш тамойилларини сингдириб бориш лозим.

Мустақиллик шароитида тўғри маънодаги мустақил фикрлаш ҳар бир ёшнинг қобилиятини, оламга фаол муносабатини, малакасини таркиб топтиришда муҳим маънавий омил эканлиги таъкидланади. Президентимиз таъкидлаганидек: “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур инсон бўлиб яшайди”.[1]

Биз маънавий қадриятлар ва уларнинг шахс маънавий маданиятида тутган ўрни хусусида ушбу мавзунинг олдинги бўлимларида ҳам тўхталиб ўтган эдик. Умуман олганда, маънавий қадриятларнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришда тутган ўрнини қуйидагилар орқали ифодалашимиз мумкин:

- Маънавий қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўз она тилида яратилганлиги туфайли ушбу тилнинг нақадар жозибали эканлигини намоён этади. Бу эса шахсда ўз она тилига беписанд

[1] +.Йылдошев. Комилликнинг тырт жищати. – Т., «Тафаккур» журнали, 1997. 2-сон.
[1] И.А.Каримов. Адолатли жамият сари. – Т., «Ызбекистон», 21-23-бетлар.

бўлмаслик туйғусини ривожлантиради.

- Маънавий қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўзлигини намоён этади. Чунки, улар бевосита шу миллатнинг руҳияти асосида шакллангандир.
- Маънавий қадриятлар ҳар бир шахсни ўз халқи ва ватани тарихини севишга, ўз аждодлари билан ҳар лаҳзада фахрланишга ундайди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турганидек, маънавий қадриятларни қадрлаш, улуғлаш ва ривож топтириш, ўз халқига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўладиган маънавий баркамол инсоннинг муқаддас бурчидир.

VII-VIII асрларда Мовароуннахрда маданият ва педагогиканинг яратилиши

Халқ оғзаки ижодиётида таълим ва тарбия

Халқимиз ўз тарихий-ижтимоий тараққиёти мобайнида бой оғзаки ижодий мерос яратган. Халқ оғзаки ижодиётида таълим-тарбияга оид илғор педагогик фикрлар илгари сурилган.

Халқ оғзаки ижодиёти асрлар бўйи меҳнат жараёнида инсонни орзуси негизида шаклланиб борган, баркамол инсонга қаратилган халқ оғзаки ва ёзма ёдгорликларида, яъни эртак, достон, қўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, масал, матал, мақол, ривоят ва ҳикоятларда ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижодиёти аста-секин кенг тус олиб, ривожланиб борган. Натижада ҳар бир инсонда педагогик маданият ва меросга ихлос ва интилиш вужудга келган ва унга амал қилина бошланган. Халқ оғзаки ижодиётида аввало комил инсон учун илм ва ҳунар зарурлиги таъкидланади.

Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан яхшиликни ёмонликка, маърифатни жаҳолатга, нурни зулматга қарама-қарши қўйиб, ҳамиша маърифату зиёни, адолату эзгуликни олқишлаб келган. «Девону луғотит турк» китобидаги шеърларда бахиллик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, ўзи оч бўла туриб, сахийлик қиламан дейиш, ғирромлик ва ҳоказолар қаттиқ қораланган, ота-она, қўни-қўшниларнинг панду-насиҳатларига қулоқ солиш, оғиздан ёмон сўзлар чиқармаслик, доимо камтар, ғамгинларнинг дардига малҳам бўлишга ундалган:

Хуллас, Маҳмуд Қошғарийнинг девонида ота-боболаримизнинг инсон хулқи, одоби, хатти-ҳаракати, турмушдаги уринишларига доир жуда кўп панд-насиҳатлар, маърифий фикрлар мужассамланган.

Марказий Осиё халқларининг дастлабки ёзма ёдгорликларида, масалан, «Авесто»да аждодларимизнинг қадимги ахлоқий-дидактик қарашлари, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари у ёки бу даражада ўз аксини топган.

«Авесто» таълимотига кўра, икки куч: яхшилик (яхшилик кучларига Ахура Мазда) ва ёмонлик (ёмонлик кучлари Ангра Манью) мавжуд бўлиб, улар бир-бирларига абадий муросасиздирлар. Яхшилик кучларида инсонларни юксак фазилатларига асосланиб жисмоний, ахлоқий, ақлий, табиатни ҳимоя қилиш каби гўзалликка доир жуда кўп муаммолар мужассамлашган. Жумладан, зардушт муножотларида Яздондан ерда деҳқончилигу-чорвачиликни ривожлантириш учун кишиларнинг бақувват бўлишини таъминлаши илтижо қилинган, яхши иш, яхши хулқ, яхши одат уларда барқарор бўлиши тиланган.

«Авесто»да оила гигиенаси, атроф муҳитни, аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, кўча, ҳовли, сув ҳавзалари, ариқ ва чашмаларни ифлос қилмаслик ҳақида махсус боблар мавжуд. Чунончи, кўча эшиги ёнига ахлат тўплаб қўйган хонадон соҳибига жамоанинг ҳукми билан 25 дарра, ҳовуз ёки чашмадан нопок кўза ёки челакда сув олган шахсга 5 дарра урилган. Сувнинг устига уч марта ёмғир ёғиб ўтгач, у олдингидек одам ва ҳайвонлар ичадиган сувга айланади, деб ҳисобланган. Ерни ифлос қилган, уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 марта қамчи уриш» жазосига маҳкум этилган.

«Авесто»да беморларни даволашнинг турли усули кўрсатилган. Улардан оила, шахсий гигиена, ҳамда қиз ва ўғил болаларни парваришлаш, тарбиялаш қоидалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Туркий халқлар тарихи, маданияти, тили, ёзуви ва адабиётини ўрганиш учун энг нодир манба - Ўрхун-Энасой ёзуви ёдгорликлари қадимги аждодларимизнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида «Тўнюқуқ битиги» (712-716 йилларда ёзилган) ҳамда «Кул Тегин битиги» (732 йилда ёзилган) айниқса қимматлидир. Ҳар икки битик-тахта тошларга ўйиб ёзилган ва қабрлар устига ёдгорлик сифатида ўрнатилган.

Мазкур ёдгорликларда, бир томондан, бизга турк ҳоқонлигининг пайдо бўлиши, мустаҳкамланиши, атрофдаги элатлардан ҳимоя қилиниши, ҳудудини кенгайтириш учун олиб борилган курашлар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Ана шу жангу жадалларнинг тафсилотларида халқнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги, жўмардлик фазилатлари ёритилган бўлиб, кишиларни жасоратга, Ватан йўлида фидойилик кўрсатишга чақирилган. Тўнюқуқ фаолияти ҳушёрликка, тадбиркорликка, билимдонликка: эл-юрт учун, Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилишга чақирса, Кул Тегиннинг ҳаёти, мустақилликни, марказий ҳокимиятнинг бутунлигини сақлаб қолиш йўлидаги шижоати ва матонати ватанпарварлик ҳиссини тарбиялайди. Мазкур битиклардаги «Илмсиз кишининг сўзига ишониб, унга яқинлашиб кўп киши ўлди», «Эй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар», «Ундан кейин тангрим ёрлақасин, бахтим бор учун, насиба бор учун, ўлаётган халқни тирилтириб, тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой

қилдим» каби жумлалар ҳамон ўзининг тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Умуман, Ўрхун-Энасой ёзувларида туркий халқларнинг ўзига хос жасурлиги, матонати, ер юзида яхшилик уруғини кўпайтириш, юртининг осойишталиги йўлидаги фидойилиги сезилиб туради.

Ислом динида баркамоллик ғояси

VIII асрда Марказий Осиё араб халифалиги томонидан босиб олинди ва бу ердаги халқларга ислом динини зўрлик билан қабул қилдирди. Марказий Осиё ерларини эгаллаш ҳаракати 704 йилда Қутайба ибн Муслим Хуросон ноиби этиб тайинланганидан сўнг авж олди. У 705 йилдан бошлаб Марказий Осиё ҳудудига бостириб кириб, бирин-кетин Бухоро, Самарқанд, Сўғд, Фарғона, Сирдарё ва Еттисув вилоятларини эгаллади. Арабларнинг яшаши учун Афросиёб қисман бўшатиб берилди. Араб зодагонлари катта-катта ўлжалар талаб қилиб, халқни анчагина оғир аҳволга солди. Арабларнинг исломчилик сиёсати хусусан, халқ ўртасида ислом динини ёйиш ва унга итоат эттиришда кўпроқ намоён бўлди. Араб босқинчилари ислом динини тарқатиш учун халққа солиқларни жорий этдилар. Одамлар ўз даромадининг ўндан бир қисмини уларга солиқ сифатида тўлашга мажбур бўлдилар.

Араблар Марказий Осиёда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларни амалга оширдилар. Шулар ҳақида Беруний «Осорул боқия...» номли асарида жуда кўп ва аниқ маълумотларни ёзган. Араблар Марказий Осиё халқларини ислом динига бўйсундириш мақсадида уларни араб тилида ўқиш ва ёзишга мажбур этган, деярли ҳар бир хонадонда биттадан араб оиласини жойлаштирган. Бундай оилалар ўша хонадонда унинг эгаси ва фарзандлари араб тилини ва ислом дини ибодатларини тўла ўргангунича яшаган. Араблар ташкил этган масжид ва мадрасаларда асосан «Қуръони Карим», «Аш Шурут», «Ҳафтияк», «Ақоид» каби китоблар мутолаа қилинган.

«Ақоид» рисоласи Аҳмад Ибн Муҳаммад Абу Жаъфар Таҳовий (858-933) қаламига мансубдир.

Таҳовий фозил зотлардан бўлиб илму маърифатга доир жуда кўп асарлар яратган. Масалан, «Аҳкомул Қуръон», «Мухтасар» (ислом ҳуқуқшунослиги), «Аш Шурут», «Тарих», «Их-тилофул уламо», «Ақоид» ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Ақоид исломнинг асосларини ўргатувчи энг муҳим диний фанлардан биридир. Бу фан орқали Оллоҳнинг зоти ва сифатлари, таҳвид, дунё ва охират тўғрисидаги исломий таълимот ғоялари, гуноҳ ва савоб, жаннат ва дўзах, илоҳий китоблар ва пайғамбарларга қандай муносабатда бўлиш қоидалари, хуллас, ҳар бир мўмин-мусулмон учун энг зарур диний маълумотлар талқин этилади.

Зардуштийлик дини ҳақида

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»нинг алоҳида боблари ҳамда Гуштасп достонида Марказий Осиё ва Эрон халқларининг исломгача бўлган дини зардуштийлик ҳамда унинг асосчиси Зардўшт ҳақида меҳр билан ёзади, уни донишмандлар пешвоси, пайғамбар деб таърифлайди, у асос солган қомусий китоб - «Авесто»ни кўп тилга олади.

Чет эл ва ўзимизнинг шарқшунослардан Ян Рипка, К.В.Тревер, Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, И.С.Брагинский, Б./офуров, Ҳ.Мирзазодаларнинг тадқиқотларидаги мулоҳазаларга қараганда, Зардўшт эрамиздан олдинги 6 асрда яшаган. У Хоразм ҳокимлигига қарашли вилоятда чорвадорлик билан шуғулланган. Спитама уруғидан бўлган. Отасини Паурушаспа, онасини эса Дугдова деб аташган. Болалигиданоқ от ва туя боқиш билан шуғулланган. Зардўшт чорвадор қавмлар орасида юриб, уларнинг урф-одатлари, дину удумларини ўрганган, ҳар хил эътиқоддаги кишилар пешволарнинг суҳбатларида бўлган.

Маълумки, қадимги ота-боболаримиз турли-туман динларга эътиқод қилганлар, у билан боғлиқ кўплаб расм-русмларни бажарган. Ана шулардан бири ҳар бир қабиланинг ўз худосига қурбонлик қилиш одатидир. Чорвадорлар орасида кезиб юриб, мўйсафидлар гурунгида бўлган Зардўшт кўп қурбонлик натижасида борган сари молларнинг камайиб, қирилиб кетаётганини кўриб азият чекади, бунинг оқибатида хунук бўлишини кўра билади; қабилалар орасида тез-тез содир бўладиган низо, қирғин урушларнинг негизи ҳам мана шу одат билан боғлиқлигини ҳис этади.

Турфа дунёқарашдаги кексалар билан бўлган суҳбат, баҳслар натижасида Зардўшт кўпхудоликнинг зарарини тўла тушуниб етади ва йигирма ёшида ўзининг нор туясига миниб (Зардўшт-сариқ тўн эгаси демакдир) қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади, яккахудолик ғоясини тарғиб этади; уч ўғил, уч қизи билан оиласини хавф остида қолдириб, бўлса-да бу йўлда фидойилик кўрсатади. Натижада, ўн йилдан кейин ягона худо Ахурамаздани кашф этади ва қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши яккахудолик ғоясини тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Зардўшт илгари сурган ғоянинг негизини икки нарса ташкил қилади: мутлақ ғоя Хурмузднинг яккаю-ягоналигини тан олиш; яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот-борлиқни иккига бўлиб қараш-дуалистик қарашга содиқ қолишдир.

Зардўшт таълимоти тобора халққа таъсир ўтказаётганини сезган мухолифлари унга қарши қатъий курашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардўшт бир гуруҳ тарафдорлари билан Хоразмдан Эронга қочиб ўтади ва ўз таълимотини узил-кесил шакллантиради.

Зардўшт шоҳ Гуштаспнинг вазири Фрашаштранинг қизи Ҳавовига уйланган бўлиб, Иставатра, Урвататнара, Хваречитра исмли уч ўғил ҳамда Френи, Трити, Поуричиста исмли уч қизи бўлган. Доро 1 ҳукмронлиги

даврида (Эрамиздан олдинги 522-486 йиллар) хохомашинлар сулоласининг расмий дини зардуштийлик бўлган.

Фирдавсий ва Берунийларнинг тасвирича, Зардўшт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шоҳи Виштаспга асослаб кўрсатиб унинг эътирофини қозонади. «Шаҳристонҳои Эрон» китобида Виштасп фармонига кўра Зардўшт 1200 бобдан иборат панднома-«Авесто»ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширган», деб ёзилган. Шундан сўнг шоҳ пайғамбарнинг тарафдори сифатида янги диннинг ашаддий тарғиботчисига айланди. Бу орада Амунинг икки соҳилидаги юртларнинг ҳокими Аржасп акаси Виштаспни аждодлар эътиқодидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Тенгсиз муҳорабада Аржасп ўлдирилади. Натижада Эрону Туронда оташпарастлик-зардуштийлик дини тўла жорий этилади. Зардўштнинг хоҳиши ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳарларда отаашкадалар – ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадаларнинг бири- энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради.

Зардўшт 77 ёшида ўша олтин суви билан зарҳалланган бинода ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори Братарвахш томонидан чавақлаб ўлдирилади.

Марказий Осиё халқлари орасида турли маросимларда, баъзи удумлар юзасидан шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб, унинг атрофида базм уюштириш, келинни кўчага гулхан ёқиб, унинг атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозларни катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўргакланган чақалоқни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш ва бошқа анъаналар ҳам оташпарастликнинг ҳамон сақланиб келаётган удумларидандир.

«Авесто»нинг яратилиши

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардўшт томонидан 548-529 йиллар орасида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-қоҳинлари томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилган. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисига битилган.

Македониялик Александр Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, ўзига керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини эса ёқтирган.

Араблар VIII асрда Эронни забт этганда зардуштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг маҳаллий аҳоли Жанубий Ҳиндистонга қосиб ўтадилар. Улар қадимга маданият, адабиёт ва эътиқодга доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. Жумладан, «Авесто»нинг тўртдан бир қисмининг энг нодир нусхасини ҳам ўзлари билан сақлайдилар.

Бизга қадар «Авесто»нинг қуйидаги қисмлари етиб келган:

1. Ясна-ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмининг 17 боби Зардўшт қўшиқлари-Гот-мадҳиялардан иборат.

2. Яшт-оташпарастларнинг Аллоҳни тавсиф этадиган махсус оҳанглар асосига қурилган мадҳиялари.

3. Вендидод-девларга-зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар матни, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақланган, мифологик қаҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виспарад-бутун борлиқ Аллоҳники. Ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

«Яшт» ҳамда «Вендидод»да Зардўштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид далиллар, зардуштийликнинг тарқалиши йўлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто»да эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор.

«Авесто»даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш. «Авесто»да оташ покловчи ва офатни кетказувчи восита. У билан ҳатто кийим-кечакларни зарарсизлантирилган.

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар тутатиш йўли билан: буларнинг кўпи ҳозир ҳам микроқушдир.

«Авесто»да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик ва порахўрлик, руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозаликка риоя қилмаслик; Ахриман юборган қурт, пашша ва бошқа ҳашаротлар ёмон ҳаво касалликларнинг асосий манбаи дейилади. Унда 9999 касалликни Ахриман пайдо қилди дейилади.

Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар хазинасидир. Унда оламдага барча-диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд.

«Қуръони Карим»да ифодаланган тарбиявий ғоялар

“Қуръони Карим” — мавжуд динларнинг энг сўнггиси бўлган Ислом динининг асоси ва дастуруламалидир. “Қуръон” бундан қарийб 1500 йил бурун териларга, тахталарга, сопол парчаларига ёзилиб ёдда сақланган фикрлар мажмуасидир. Унда қадимий хилма-хил ривоятлар, (исломдан олдинги диний китоблар Забур, Таврот ва Инжилдан олинган ажойиб ҳодисалар), тарихий воқеалар, ислом динига амал қилувчилар учун қатъий кўрсатмалар, турли йўл-йўриқлар баён этилган.

Кўпчиликка маълумки, “Қуръони Карим” мусулмон мамлакатларидаги мўминлар ҳаётининг мазмунидир. Шунга кўра, “Қуръон”нинг таржимаси ҳам халқнинг маънавий бойлиги ҳисобланади.

“Қуръони Карим” - ислом динининг дунёда энг кўп тарқалган ва энг кўп ўқиладиган китобидир. Унинг ҳақида ҳозиргача, мингдан ортиқ китоблар, мақолалар, тафсир ва таржималар ёзилган, жаҳондаги тилларнинг деярли барчасига таржима қилинган.

“Қуръони Карим”, турли вақтларда туркий (уйғур, турк, татар) тилларига ва ниҳоят, 1990 йилда Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди.

“Қуръони Карим” мусулмонларнинг ҳаётидаги ягона инсонийликни шакллантирувчи йўлбошчига айланди. Оллоҳ таоло ўз хоҳиши билан тўғрини нотўғридан, ҳақни ноҳақдан ажратиб, одамларга тушунтириш учун пайғамбарлар юборди ва одамларга тўғри йўлдан юриш ихтиёрини берди. “Қуръони Карим”даги «Инсон» сурасида шундай дейилгаи: «Биз инсонга тўғри йўлни кўрсатиб қўйганмиз. Хоҳлагани шукр келтирувчи бўлсин ёки куфр келтирувчи бўлсин» (3-оят). “Қуръон”нинг кўпчилик оятларида инсонни ихтиёри ўзи билан бўлиб у қилган яхши ва ёмон ишларига ҳам ўзи жавобгардир. «Шўро» сурасида эса: «Сизларга бирор мусибат етса, унга ўз қўлингиз билан қилган гуноҳингиз сабабчидир», - дейилади (30-оят). «Фус-силат -]Муфассал баён қилинган сура» деб аталади. Ушбу сурада: «Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик килса, ўз зиёнига қилур» (46- оят) дейилади.

«Қуръони Карим»да келажак авлодни доимо яхши йўлга йўналишини, уни ўз ихтиёрига қўйиб бериш муҳимлигини кўриб турибмиз.

«Қуръон»да ҳар бир инсон борлигидан ғурурланмоғи лозим, лекин ўзидаги сифатларидан ғурурланмаслик керак, дейилади. «Ҳадид» сурасида шундай ёзилган: «Билки бу дунё ҳаёти ўйин-кулгу, зеб-зийнат ўзаро фахрланиш, кўп мол ва фарзанд билан мақтанишдан ўзга нарса эмас. Бу худди бир ёмғирга ўхшайдики, у ёғиб ўтгандан сўнг ўсган ўсимликлар, кофирларни ажаблантиради, сўнг ўсимликлар қурийди, сарғаяди. Охиратда эса қаттиқ азоб ёки Оллоҳнинг мағфирати ва розилиги бор. Бу дунё ҳаёти алдагувчи матодир (20-оят)». Лекин инсон ғурурини безатувчи, уни ахлоқий фазилатларга амал қилиши алоҳида таъкидланилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом инсон тарбияси ҳақида

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хешу-акраболарини, авлод-аждодларини мукаммал билмак, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг биринчи галдаги одамийлик вазифасидир. Чунончи, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг болалар таълим-тарбияси, ахлоқ-одоби ҳақида айтган хадиси шарифлари ҳар бир инсон учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.

У замондаги шаҳарлик (арабларнинг одати янги туғилган болаларни) саҳролик бадавлат қабилаларга эмизишга берар эдилар. Атрофдаги бадавийларга, ҳар йили кузда, кўкламда, эмизишга бола олиш учун Макка шаҳрига келиш одат эди. Шунинг учун Бани Саъдли уруғидан

Ҳалима исмли аёл ҳам шаҳарга келди. Эмизишга бола сўроқлаб юрганида пайғамбаримизнинг боболари - Абул-Мутоллиб уни кўриб қолиб Оминанинг уйига бошлаб келди. Ҳазрат Омина Ҳалимани кўриб айтдиким: - бизни камбағал, болани етим демасанглар, эмизишга берайин, деб оқ жун йўргакка ўролғон пайғамбаримизни Ҳалимага кўрсатдилар. Ҳалима хотун бу муборак ўғилни олиши билан уларнинг уйлари хайру баракага тўлди. Шундай қилиб, Ҳалима хотун пайғамбаримизни тўлиқ икки ёшга етгунча эмизди. Энди одоб бўйича сутдан чиқар вақти яқинлашди. Шундан кейин болани онасига қайтариш расми бор эди.

Болага чексиз меҳр қўйган Ҳалима хотун Оминадан пайғамбарни беш-ўн ёш бўлгунча тарбият қилишни сўради. Ҳазрати Омина Ҳалимага розилик бердилар. Ҳалиманинг қўлида яна икки йил туриб ёшлари тўртга тўлди, бешга қадам қўйғон эдилар оналари бағрига қайтдилар. Оналари ҳам вафот этдилар. Ота-онасиз қолган Муҳаммад Абу Толиб тарбиясида қоладилар.

Муҳаммад пайғамбар ўз умматларини яхшиликка, имон ва инсофга чорлагувчи исломия йўлига бошлади. Уларга, оллоҳ таоллодан етиб келган ваҳийларни одамларга сўзлаб ёддан айтиб бера бошладилар. Ҳар бир кимсага маълумдирки, оламда инсоннинг энг севган қадр қимматли тўрт нарсаси бор деган эдилар:

1. Ҳар бир одам ўз эрки ва ихтиёрига эга бўлиши.
2. Шаърий ва қонуний касблар орқали топган молу дунёси унинг ҳақиқий мулкидир.
3. Ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси, у миллатнинг туғилиб ўсган ота-бобосидан мерос қолган Ватани борлиги.
4. Ҳар бир инсонни эътиқодидаги дини мавжуддир.

Ислом динига мансуб бўлган мусулмонларни ақл-заковат билан иш кўриши, иродали, ўз сўзига қатъий бўлишликка, ҳалол меҳнат эвазига яшаш, ўз она Ватани ва авлод-аждодларини эъзозлашга чорлайди. Шунингдек, инсонда уч сифат борлигини кўрсатган эдилар: 1. Ҳайвонийлик. 2. Шайтонлик. 3. Фаришталик. Бу сифатларни энг юксаги фаришталикдир. Бу сифат эгасида илмлик, дўст-биродарини тушуна биладиганлик, тақводорлик, раҳмдиллик, олийжаноблик, кўркам ахлоқийлик мужассамланади. Агар инсонларда фаришталик сифатлари тарбия топса ҳақиқий мўмин инсонлар кўпаяди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ахлоқий тарбияни ҳам ёмон ва яхшилик тушунчалари орқали асослаб берган эдилар.

Яхшилик - адолатли бўлиш, савоб ишларга қўл уриш. Сабр, меҳнат ва ҳунар эгаси бўлиш, қаноат, иффат, ҳаё кабилардир.

Ёмонлик - инсонлар ўртасидаги ўзаро уруш-жанжаллар, беҳуда қон тўкишлар, дилозорлик, қаноатсизлик, миннат қилиш, бахилликда ўз аксини топади. Одамларни бундай иллатлардан қутқарувчи илмдир.

Илм одамларни нодонлик ва гуноҳкорликдан сақлагувчи жаҳолат ботқоғидан асрагувчи восита сифатида берилади. Илмга эътиборли бўлиш имондандир. Илмни ўрганиб бўлганидан сўнг уни

бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу-дунёни йиғиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баравардир. Илм ҳосил қилиш - бу энг олий фазилатдир. Илмни эгаллагандан кейин эса ўзи ва жамият кишилари фойдаланиши керак. Нафсиз илм ва амалсиз олимдан фойда йўқ, деб уқтирилади.

Пайғамбаримиз болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериб, бу соҳадаги ота-онанинг бурчи ва вазифасини белгилаб берганди.

Кун ботгандан кейин болаларнинг кўчаларда дайдиб юришидан кўпгина кўнгилсиз воқеалар юз беради. Махсус машғулотларга қатнашиш учун ота-онадан рухсат сўраб тайинли жойларга бориб келишлари мумкин. Ота-оналар болаларини кечаю кундуз назорат қилишлари шарт, деган эдилар.

Пайғамбаримиз вафотидан сўнг, мусулмонлар уларнинг ҳаётига ва фаолиятларига доир жуда кўп қимматли маълумотларни, мингдан ортиқ ҳадисни Ойша онамиздан эшитишга муваффақ бўлганлар.

Ҳадис илми ва унинг тарбиявий аҳамияти

Ислом дини таълимотида “Қуръони карим”дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шуғулланиш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўътабар шахсларгина таъриф берган. Маълумотларга қараганда, VIII-XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Биз бу манбаларнинг кўпи билан таниш эмасмиз. Кейинги йилларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад” асарлари таржима қилиниб нашр этилди. Ат-Термизийнинг “Аш-Шамоили ан-Набавия” асари ҳамда уларга ёзилган сўзбошилар, баъзи кичик рисола ва мақолалар чоп этилди. Биз ана шу манбаларга таянган ҳолда фикрларимизни баён этамиз.

“Ҳадис” ёки “сунна” сўзлари бир маънони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзиб боришларига рухсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивасаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай мўътабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахшида этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳиҳ) бўлган.

Лекин, ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста-секин улар унутилиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишнинг бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машғул бўлган муҳаддислар Рабеэ бин Сабеҳ, Саид бин Аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдураҳмон ал-Авзоий Шоший, Суфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади.

VIII-IX асрлар ҳадис илми учун “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ этила бошланади. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ***биринчидан,*** ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий билимдон, ўткир мулоҳазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги, ***иккинчидан,*** ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни саҳиҳларини сақлаб қолиш мақсадида ҳадислар текширилиб, асл ҳолига қайтарилиб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олтита ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта)ни яратган муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод этганлар. Булар Абуд Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810) - 256 (870), Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож 206 (819)-261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824)-279 (892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817)- 275 (880), Имом Аҳмад ан-Насоий 215 (830)-303 (915), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа 209 (824)-273 (886) каби алломалардир.

Ватан туйғуси – бу бутун ислом дунёси эътироф этган олти муҳаддиснинг тўрт нафари бўлмиш туронзаминлик имом ал-Бухорий, Абу Исо муҳаммад ат-Термизий, имом Аҳмад ан-Насоий, имом ад-Доримий, яна шайх ул-ислом Абу муҳаммад Абдулло ибн Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самарқандийлар номини ёдга олишдир.

Улар исломда «Қуръони Карим»дан кейин энг муқаддас ҳисобланувчи Ҳадиси шариф тўпламларини тузиб, юртимизга ва халқимизга то қиёмат сўнмас шон-шараф келтирдилар, такрорланмас хизмат ила икки дунёларини обод айладилар.

Олимлар “ал-кутуб ас-ситта” (олти китоб)ни қуйидагилардан иборат деб кўрсатадилар.

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган “Ас-Саҳиҳ”.
2. Имом Муслим ан-Нишопурий (Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож) томонидан ёзилган “Ас-Саҳиҳ”.
3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган “Суннан”.

4. Имом Абу Довуд Сулаймон-Сижистоний томонидан ёзилган “Суннат”.

5. Имом ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган “Аж-жами ал-кабир”.

6. Аҳмад ан-Насоий томонидан ёзилган “Суннан” каби тўпламлардир.[18]

Ҳадис таълиф этишда асосан, уч йўналиш пайдо бўлган

- “Муснад” йўналиши. Бунда турли мавзудаги ҳадислар, бир жойда келтирилиб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисларни ана шу йўналишда тўплаганлар.
- “Саҳиҳ” (ишончли) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солганлар. Буларга тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган.
- “Суннан” йўналишидаги ҳадислар. Мазкур йўналишдаги ҳадисларга тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда, “заиф” ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, ибн Можжалар шундай йўналишдаги ҳадисларни тўплаган муҳаддислар.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб, ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайҳ ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва бошқалардир.

Ҳадисшунослик ва таълим-тарбия

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-оқибат кўрсатиш, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат, фақир-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси «Қуръони Карим» кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади. Аввало, Ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. «Қуръони Карим»да таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи.

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шохлари бор деб, иймон белгилари санаб ўтиладики, буларнинг ҳар бири инсон маънавий қиёфасининг мукаммаллашувига таъсир этувчи хислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: “қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор

[18] Азимов А. Ислом ва щозирги замон. Т., «Ызбекистон», 1991, 13-бет.

бермаган киши мусулмондир”; “Ўзи яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз” (3-,4-, 6- боблар); “Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлгайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ”.

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади: Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “қуйидаги тўртта иллат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир иллати бор экан, дейиладир:

- омонатга хиёнат қилгайдир;
- сўзласа ёлғон сўзлагайдир;
- шартнома тузса, шартида турмагайдир;
- уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир”.

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи ва салламга оятлар тарзида нозил этилган — «Қуръони Карим»да баён этилган.

«Қуръони Карим» мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият-низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Исломда «Қуръони Карим»дан кейин мўътабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи ва салламнинг «Ҳадиси» Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-оқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо, садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

«Қуръони Карим»да энг аввал Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилиш, сўнгра бевосита ота-онани рози қилишга буюрилади.

«Қуръони Карим»да таъкидланишича, ота-она билан мулоқотда бўладиган фарзанд беш нарсани билиши керак. Мулоқот чоғида у:

- ота-оналари қаттиқ-қурум гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб «уфф» демасликлари;
- ота-онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;
- ота-оналарга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;
- ота-оналарга доимо раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзини уларнинг олдида камтар тутишлари;

- Аллоҳдан ота-оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Ота-оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовордирлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳивасаллам: «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди»[1] (735-ҳадис) дейдилар.

Ислом динида оналар мўътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Пайғамбаримиздан бир саҳоба: «Кимга яхшилик қилай? — деб сўраганда, у улуғ зот: уч марта «Онангга»—деб, тўртинчисида «отангга» деб (188-ҳадис) ва яна «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир»—дея қўшиб қўйган эканлар (378-ҳадис).

Она бўлиш — улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, ўзига иффат, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилат билан зийнатланган, қаноатли, одобли она — бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Пайғамбаримиз Расулоллоҳ: «Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш — ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади» (230-ҳадис), деб ҳам уқтирганлар.

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат — инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга бахт-саодат, фаровонлик бахш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан сақлайди.

«Қуръони Карим»да илмга катта эътибор берилган ва «илм» сўзи 765 ўринда тилга олиб ўтилади. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчни адо этишдир.

Ислом дини илмга талабни ибодат даражасига кўтаради. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир. Чунончи, «Қуръони Карим» Пайғамбаримиз Расуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳадиси Шарифларида илм инсон камолотининг негизи, эзгулик ва поклик инсонларни турли офатлардан сақловчи восита сифатида изоҳланади.

Муҳаммад алайҳивасаллам кишиларни: «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар» (126-ҳадис), деб даъват қиладилар.

Кенг қалбли ҳар бир илм аҳли инсонлар ҳурматига сазовор ва у қилган савобли ишлардан барча — каттаю кичик баҳраманд бўлади. Шу боис пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қуйидагиларни кўп марта таъкид этган эдилар:

«Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор

[1] Щадис. – Т.: +омуслар бош тащририяти, 1991. 121-бет.

айтади» (370-ҳадис). Расулуллоҳ толиби илмларга мурожаат этиб: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан» (141-ҳадис), деб насиҳат қиладилар.[1]

Умуман олганда, ислом таълимоти мусулмон олами тарихи ва илм-маданияти, ахлоқий ривожида жуда катта ўрин тутган таълимот, Қуръони Карим эса, муқаддас китобдир.

Ўтмишда яшаган Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Давоний, Кошифий каби буюк мутафаккир алломалар ва улардан кейинги ижод аҳллари ислом таълимотини, Қуръони Каримни, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларини яхши билганлар, уларнинг таъсирида ижод этиб, келгуси авлодлар учун беназир мерос қолдирганлар.

Ислом таълимоти, Қуръони Карим, пайғамбаримизнинг суннату сониялари ва Ҳадиси Шарифлари инсонларни лутф билан тўғри йўлга бошлади, юксак ахлоқли бўлишга чорлади.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги туфайли ва Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари ўлароқ динга кенг йўл очилганлиги боис бу табаррук маданий қадриятлар ҳозирги даврда ҳам кишиларни, ёшларни иймон ва эътиқодли, гўзал ахлоқ-одобли, инсоний фазилатли қилиб камол топтиришга асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳадис илмининг ривожланишида Имом-ал Бухорийнинг ўрни

“Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида “Амир ул-мўъминин” “Имом ал-муҳаддисийн” (“Барча муҳаддисларнинг пешвоси”) деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил 13 майда (баъзи манбаларда 810 йил 20 июлда) (ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Ўқув муассасасида савод чиқарган, 10 ёшиданоқ араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий ҳадис илмини катта қизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли ровийлардан эшитган ҳадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Вақиъ ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган ҳадисларни ёд олган, ҳадис ривоятчилари ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

Ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунаввара да бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Барса, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадинада бўлиб, сафар жараёнида

[1]К.Хошимов., С.Очил. Щзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ы=итувчи», 1995. 55-бет.

муҳаддислардан ҳадис ўқир эди. Олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан таълим олади. Шу билан бирга, Дамашқ, Қоҳира, Басра, Бағдод шаҳарларида машҳур олимлардан фиқҳ илмидан дарс олади, ўзи ҳам баҳс ва мунозараларда қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

Имом Бухорий истеъдодли, ўткир муҳофазали, зийрак олим бўлган. “Манбаларга кўра, Бағдодда истиқомат қилган пайтида кўпинча ойнинг нурида ижод қилиб, қоронғи кечалари шам ёруғида китоб ўқир экан. Агар тунда беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза келиб қолса, шамни ёқиб дарҳол фикрини қоғозга туширар, шу тахлитда баъзи кечалари шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан”.[1]

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра “У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутоала қилса, ҳаммаси ёд қолаверарди”. Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Ўз шогирдларидан Амир ибн Фаллос “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур”, - дейди. Устози Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазийнинг айтишича, “Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас”.

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳни ҳақида шундай ривоят келтирилади: “Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: “Имом Бухорий бизлар билан устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: “Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?” - деб таъна қилган вақтимизда: “Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман”, - деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик”.[2]

Имом Бухорий жуда кўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда унинг устозларини тўқсонга яқин деб кўрсатишади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-/артобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамидий, ибн Раҳавайх номи билан машҳур имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийнийлар унинг устозларидир.

Имом ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машҳур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий,

---

[1] Уватов У. Щадис илмнинг султони. Ызбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 29 октябр, № 43-44.

[2] Ал-Бухорий ща=ида замондошларининг хотиралари. Шамсиддин Бобохоновнинг Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” китоби таржимасининг му=аддимасидан олинди. =аранг: Имом Исмоит ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Таржима, му=аддима ва изощлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов. Тошкент, Ызбекистон, 1990, 6-8 бетлар.

Муҳаммад ибн Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн Ал-Ҳажжожларга ўз вақтида устозлик қилган.

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганган. Имом Бухорий бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитган. Ундан тўқсон минг киши ишонарли ҳадисни тўплаган, 100 минг "саҳиҳ" ва 200 минг "ғайри саҳиҳ" ҳадисларни ёд олган[1].

Имом ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зуҳалий уни саройига келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Бухорий бу таклифни қабул этмайди ва: "Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, тарбияланувчиларни (иккинчи ривоятда саройидагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин", - деб жавод беради.[2] Ал-Бухорий билан амир Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳаллий муносабатларига раҳна тушади. Бунга баъзи ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир буюк алломани шаҳардан чиқиб кетишига фармон беради. Уни Самарқанд уламолари ўз юртларига таклиф этадилар. Имом Бухорий йўлга чиқади. Аммо Самарқандга яқин Ҳафтанг қишлоғида (ҳозирги Челак тумани) бетоб бўлиб қолади ва шу ерда ҳижрий 256 йили рамазон ойининг охирги куни (милодий 870 йил 1 сентябрь) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

Имом-ал Бухорий ҳадислари, уларнинг таҳлили

Олимларнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолирган. Унинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам"), "Ал-адаб ал-муфрад", "Ат-Тарих ал-кибор" ("Катта тарих"), "Ат-Тарих ас-сағийр", ("Кичик тарих"), "Ал-қироату халфа-л-Имом" ("Имом ортида туриб ўқиш"), "Вафъул-йадини фи-с-Салоти" ("Намозда икки қўлни кўтариш") каби ишлари мавжуд бўлиб, қўлёзмалари бизгача етиб келган. Аммо "Ат-Тарих ал-авсат" ("Ўрта тарих"), "Ат-Тафсир ал-кабир" (Катта тафсир"), ("Ал-Жомеъ ал-кабир" ("Катта тўплам"), "Китоб-ул-ҳиба" ("Ҳадя китоби") номли асарлари ҳам бўлганлиги маълум, лекин булар бизгача етиб келмаган. Шубҳасиз, бу асарларидан энг етук, шоҳ асари "Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ"дир. Бу асар "Саҳиҳ ал-Бухорий" номи билан ҳам дунёда машҳур. 4 жилддан иборат мазкур китобда пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан ташқари, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам берилган. Унга 600 минг ҳадисдан 7275 та энг "саҳиҳ" ҳадислар киритилган бўлиб, такрорланмайдиган 4000 хадисдан иборатдир. Бу китоб ислом таълимотида «Қуръони Карим»дан кейинги манба

[1] Н. Ращимжонов "Ёшлар и=тисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли. " БМИ.- Т., ТДИУ, 2005. 35-бет.

[2] Мусурмонова О. Ызбек щал= педагогикаси.- Т.: 2000. 67-бет.

ҳисобланади.

Маълумки, Ислом дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли «Қуръони Карим»да ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кенг тарғиб этилган.

Инсоният маданиятига беназир ҳисса қўшган, замину замонларда барча авлодларга маънавий озуқа бахш этган Имом ал-Бухорий ахлоқ ва одобга оид ҳадислар мужассамланган, аҳамиятига кўра «Қуръони Карим»дан кейинги иккинчи диний манба деб эътироф этилган «Ал-Жомеъ ас-Сахиҳ» китобидан кейин яратган «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асарида ахлоқий қадриятларни баён этади.

Имом Исмоил ал-Бухорий ушбу асарларида ахлоқ, одоб ҳақида сўз юритар экан, одамларни ота-онага ҳурматда бўлишга, онани эъзозлашга, меҳр-оқибатли, пок ва иймонли бўлишга даъват этади, яхшилик қилиш инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлайди.

«Ал-адаб ал-муфраднинг 1-24-боблари фарзандларнинг ота-она ҳурматини жойига қўйишлари, уларни эъзозлаб, дилларига озор етказмай фарзандлик бурчларини мукаммал адо этишлари зарурлиги каби масалаларга бағишланган.

Асарда уқтирилишича, одам учун энг оғир гуноҳ, бу Аллоҳга ширк келтириш, фарзанднинг ота-онага оқ бўлишидир. Имом Исмоил ал-Бухорий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Халифа Абу Бакр Сиддиқ айтадилар: «Расулуллоҳ саҳобалардан: «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?»—деб уч марта сўрадилар: Улар: «Эй Расулуллоҳ, айтиб беринг», — дейишди. Шунда Расулуллоҳ: «У — Аллоҳга ширк келтиришлик ва ота-онага оқ бўлиш,— деб жавоб бердилар».

Исмоил ал-Бухорий болаларнинг солиҳ—қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарнинг вазифаси эканини айтади.

Исмоил ал-Бухорий қариндош-уруғларга яхшилик қилишни, уларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш ва улар билан муттасил борди-келди қилиб туришни таъкидлайди. «Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни ва ҳаёти узоққа боришни яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин»,— дедилар (ўша китоб, 33-бет). Исмоил ал-Бухорий раҳм-шафқат хусусида қилган насиҳатларида, айниқса, беморлар ҳолидан хабар олишни, етим болаларга отасидек марҳаматли бўлишни, ҳар бир одам ўз боласига қандай бўлса, қўлидаги етимга ҳам шундай қараши кераклигини уқтиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мусулмон кишининг ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай ва сўрашмай юриши дуруст эмасдур. Улардан қай бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхширокдир.

Шунингдек, Исмоил ал-Бухорий кимки фаровон ҳаёт кечириб, дунёда яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига силаи раҳм қилиши, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб юриши зарурлигини таъкидлайди. Исмоил ал-Бухорий одамларга тил билан, қўл билан озор

бермасликни юксак амал ҳисоблайди. У бу ҳақида шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳдан: Исломда қайси амал афзал ҳисобланади?»— деб сўрадилар. «Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқа мусулмонларга зарари етмайдиган амал — амалларнинг афзалидур»,— деб жавоб бердилар.

Улуғ олимнинг таъкидлашича, ҳар бир одам комил инсон бўлиши учун ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрадиган бўлиши керак.

Исмоил ал-Бухорий ҳаёли бўлишни жуда улуғлайди. Ҳаёни иймон белгиси деб билади. Бу хусусида шундай ривоят келтиради: «Расулуллоҳ ўз биродарига шарму-ҳаёдан панду-насиҳат қилаётган бир ансорийнинг ёнидан ўтатуриб: «Ҳаё ҳам иймон белгиларидандур»,— деб унинг гапига қўшимча қилдилар[1].

Улуғ олим одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси бўлишлигини кўрсатиб, улар ёлғон гапиришдан, ваъдага вафо қилмасликдан ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади.

Исмоил ал-Бухорий мусулмон кишини ҳақорат қилишни гуноҳ, у билан уришишни кофирлик деб билади. Ва яна шу фикрни давом эттириб, инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳл чиққан вақтда ўзини тия олишни паҳлавонлик ҳисоблайди.

У бу ҳақда шундай ривоят қилади:

«Расулуллоҳ саҳобаларидан: «Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?»—деб сўрайдилар. Улар: «Курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини биз паҳлавон деб биламиз», — дейишади. Расулуллоҳ: «Ундай эмас, Паҳлавон деб жаҳли чиққан вақтда ўз нафсига эга бўла оладиган кишини айтилади»,—-дедилар.

Исмоил ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлари муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислат. Бу фикр қуйидаги ривоятда таъкидланади:

Исмоил ал-Бухорий халққа ёқимли, доимо эҳтиромда, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлилик деб билади. Бу ҳақда олим шундай ривоят қилади:

«Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (разияллоҳу анху) Расулуллоҳдан қуйидаги ҳадисни эшитдилар: «Қиёмат куни менга энг яқин бўлувчиларингиз кимлигини айтиб берайми?»— деб сўраганларида, саҳобалар жим туришди. Расулуллоҳ бу саволларини икки ё уч маротаба қайтарганларидан кейин, улар: «Ё Расулуллоҳ! Айтиб беринг!»,— дейишди. Расулуллоҳ: «Улар — ахлоқда ёқимлироқ бўлганларингиздир»,— дедилар.

Исмоил ал-Бухорий одамларни ҳайвонларга ҳам марҳаматли бўлишга, келгуси авлодлар учун кўчат экиб, ўзидан ёдгорлик қолдиришга

[1] Ал-Бухорий. Щадис. Ал-Жомиъ ас-сащищ. – Т.: +омуслар бош тащририяти, 1996. 423-бет.

даъват этади. Олимнинг бу даъвати Расулуллоҳ қилган ривоятда ҳам муфассал ифодалангандир.

Ривоят қилинишича: «Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлда бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб, ҳўл тупроқни ялаётганини кўради-ю, бу бечора менга ўхшаш ташна экан, деди-да, қайта, қудуққа тушиб, маҳсисига сувдан тўлдириб чиқиб итга ичирди. У кишининг қилган иши Аллоҳ таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечди». Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! Ҳайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб бўладими?»— деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ҳар бир юмшоқ жигарга (тирик жониворга) қилинган яхшилик учун савоб бўлади»,— дедилар.

Умуман, улуғ юртдошимиз Имом Исмоил ал-Бухорий бутун умрини умуминсоний ахлоқий қадриятларни тиклаш, мустаҳкамлаш ва келгуси авлод учун туҳфа қилиб қолдириш, бутун дунё мусулмонларида ахлоқи карима ва одоби каби олижаноб ҳислатларни таркиб топтиришга бағишлади. Уларни покизаликка, иймонли, эътиқодли, соф виждонли ва инсофли бўлишга даъват этди. Улуғ мутафаккирнинг ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга оид панд-насиҳатлари ва ўгитлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёш авлодни иллатли ва қабиҳ йўллардан қайтаришда, шубҳасиз, ўз ижобий таъсирини кўрсатади, албатта.

Имом-ат Термизийнинг ҳадислари ва уларнинг аҳамияти

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизийдир. Ат-Термизийнинг тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (мелодийда 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида камбағал бир оилада таваллуд топган. Ўрта Осиёлик тарихчи Абу Саид Абдулкарим ас-Самоний (1113-1167) ат-Термизий Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий тахаллуси билан ҳам аталгани ҳақида ёзади. Олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлиги сабаб бўлса керак, уни аз-Зарийр (кўзи ожиз) деб ҳам аташган. Лекин халқ орасида ат-Термизий номи билан машҳур.

Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг «бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар» деган фикрини келтириш билан чегараланадилар.

Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва закий бўлиб, бу хусусиятлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта қизиқиши ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида намоён бўлди. У анча ёшлигидан Термиз, Самарқанд, Марв ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўргана бошлаган. Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқаларнинг ўрнатилишида ҳисса қўшган термизлик олимлардан биридир.

Ат-Термизий 950 йилдан қатор мамлакатларга сафар қилади. Ҳижозда бўлиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади, Ироқ, Хуросонда

ҳадис илми, фиқҳ, илми ал-қироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганади. Мана шу сафарда ат-Термизий ҳадисларни тўплай бошлайди. Ҳадис илмини ўрганишда машҳур муҳаддис ат-Термизий устози ал-Бухорийни алоҳида ҳурмат қилади. Ҳатто манбаларда ат-Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб қолган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм-ал-қироат, ал-баён, фиқҳ, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам кўплаб устозлардан сабоқ олиб ўз билимини оширади. Булар ҳаммаси ат-Термизийнинг ўз даврининг йирик олими даражасига етишида мустаҳкам замин тайёрлайди. Шу билан бир қаторда ат-Термизий ўзи ёшликдан қизиққан ҳадисларни тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, у ўзи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадиснинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлагач ва қайта-қайта текшириб тўғрилигига тўлиқ қаноат ҳосил қилгач, уларни алоҳида-алоҳида махсус қоғозларга қайд қилиб борган. Эшитган ҳадисларининг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганларини ҳам ажратиб батартиб ёзиб борган. Шу тариқа ҳадисларнинг тўғрилиги, исноди тадқиқ қилинганлари ёки шубҳалилари турли табақаларга бўлиниб улар саҳиҳ-тўғри, ишончли, ҳасан-яхши, маъқул, заиф-бўш, ишончсиз, ғарийб-ғалати каби хилларга ажратилган. Ат-Термизий ўз асарларида келтирган ҳадисларни, ушбу табақалар асосида кўрсатиб ўтган. Ҳадис илмини ўрганишда ва такомиллаштиришда имом-ат-Термизий ўз даврининг кўпгина машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдураҳмон, Муҳаммад ибн Башшод, Али ибн Ҳожар, Аҳмад ибн Мунийъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Бақийъ ва қатор таниқли муҳаддисларни унинг устозлари сифатида кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизийнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, хам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлар яратганлиги маълум. Булар “Ал-Жомъе ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамоил ан-Набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Ал-илал фи-л-ҳадийс” (“Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида”) асарлари машҳурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги ҳадислар ҳам ал-Бухорий ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик, меҳр-шафқат, катталарга, ота-она ва қариндошларга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Макҳул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафюн,

Ҳаммад ибн Шокир, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий, Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин. Юқорида кўриб ўтганимиздек ат-Термизийнинг устозлари ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элатларнинг вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтаи назардан қаралганда узоқ ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёт ва маърифат уруғларининг тарқатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари якдил бўлиб фаолият кўрсатиб самарали ҳамкорлик қилганликлари, умумбашарий қадриятлар равнақи йўлида ҳақиқат учун ҳам байналмилаллик руҳи мавжуд бўлганлиги ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Имом ат-Термизийнинг «Сунан» китобида келтирилган ҳадисларда унинг таълим-тарбияга, ахлоқ-одобга оид фикрлари кўп учрайди. Чунончи, олим инсонда яхшилик фазилатини такомиллаштириш учун қуйидаги ҳадисларни тавсия этади: «Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхшилик қилгувчисидир», «Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди»,

- «Одамларга хайрихоҳлигинг — бу сенинг садақанг».
- «Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг».
- «Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам — садақа». «Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам — сенинг садақанг»,
- «Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам — садақа»,
- «Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам садақанг ҳисобланади».

Соғ танда соғлом ақл деган халқ нақлига амал қилиб, аллома ёшликданоқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади: «Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт».

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ-одоб марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялашга даъват кучли: «Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлигига айтилади»; «Яқин кишиси вафот этганда жоҳилият давридаги одат бўлган ёқа йиртиш ортиқча навқа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмайди», «Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланглар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин», «Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».

Ҳадисларнинг кўпчилиги одамларни аҳил бўлишга, кўпчиликка, жамоага фойда, наф келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этади: «Кимда-ким бир кўчат ўтқазса, ё бўлмаса экин экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса — бу ҳам ўша

одам учун садақа саналади»; «Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарларига ёрдам қилса, охиратда аллоҳ унга ёрдам қилади. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, аллоҳ ҳам унга охиратини енгил қилади».

Имом ат-Термизий китобида қариндош-уруғларни ҳурмат қилишга, марҳум ота ёки оналарининг дўстлари, яқинлари билан мулоқотда бўлиб туришга, айниқса ота-онага юксак ҳурмат ва эътиқод билан қарашга чақирувчи кўплаб ҳадислар бор: «Кимда-ким мусулмон биродари айбини яширса, қиёмат куни аллоҳ ҳам унинг хато ва камчиликларини ошкора қилмайди».

Ат-Термизийнинг зеҳни ўткирлиги, хотираси ҳамда ёдлаш қобилиятининг кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабийнинг (1274- 1347) «Тазкират ул-ҳуффоз» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётиб, йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашади ва мулоқотда бўлади. Шундай олимлардан биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилган. У олим: — бўлмаса коғоз-қалам ол,— деган. Аксига олиб шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасига ўтириб, эшитган ҳадисларини ёзиб оладигандек қоғоз устида қўлини ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислар келтираверіб олтмишга яқинини ҳикоя килган. Шу орада олим қоғозга қараб унда ҳеч қандай ёзув кўрмаган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб: — Нима, сен менинг вақтимни бекорга йўқотмоқчимисан, деб койиган. Ат-Термизий бўлса бамайлихотир: Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми деган-у, ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини айтиб берган. Ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан олим ҳайратга тушиб, ёқа ушлаган экан[1].

Бу хусусда яна бир ҳикоя ат-Термизийнинг сўзига асосланиб келтирилади: Маккага кетаётганимда — у пайтда бир шайх тўплаган ҳадислардан икки қисмини ёзиб олган эдим — тасодифан ўша шайхнинг ўзи билан учрашишга тўғри келди. У ҳақда сўраб-суриштирганимда уни фалончи (шайх) деб тушунтирдилар. Кейин мен уни ҳузурига йўл олдим. Турли ровийлар воситасида унинг ҳадисларидан ўзим аввал ёзиб олган икки қисм ёнимда деб ўйлаган эдим — аслида менинг ёнимдаги ҳадислар уларга ўхшаш-у, лекин бошқа ҳадислар экан. Мен унинг ёнига бориб салом-аликдан кейин ундан ҳадисларни айнан унинг ўз оғзидан эшитишни илтимос қилдим. У бунга рози бўлиб, ёддан ҳадисларни ҳикоя қила бошлади. Кейин менга қараб кўлимдаги оқ қоғозни тоза, яъни ҳеч нарса ёзилмаган ҳолда кўргач: — бу қилиғинг учун мендан уялмайсанми,— деди. Мен маъзурона ҳолда бор ҳақиқатни айтиб: Сиз

[1] К.Хошимов., С.Очил Ызбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ы=итувчи», 1995. 91-бет.

ҳикоят қилган ҳадисларнинг ҳаммасини ёддан биламан дедим ва уларни сўзма-сўз айтиб бердим. Шайх эса сўзларимга ишонқирамасдан: Нима, менинг ҳузуримга келишдан олдин уларни махсус ёдлаган эдингми,— деди. «Йўқ,— деб жавоб қилиб яна унга: агар сўзларимга ишонмасангиз бошқа ҳадислардан айтинг,— дедим. Шунда у ўзининг ғаройиб ҳадисларидан қирқтасини ҳикоя қилди. Мен унга уларни ҳам бошдан охир бирма-бир айтиб бердим. Шунда у: — Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим,— деди. Ат-Термизийнинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узоқ йилларга чўзилиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, бу сафарлари чоғида у кўпдан-кўп олимлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлди. Шу билан бир қаторда мана шу сафарлари чоғида ҳадисларни тўплаб китоблар таълиф қилишга ҳам киришди. Чет эл сафарларидан ўз юртига қайтгач, ўз элидан чиққан олимлар билан илмий мунозараларда қатнашади, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Айниқса, машҳур муҳаддис олим имом ал-Бухорий билан кўплаб илмий баҳслар қиладики, бу ҳақда ат-Термизий ўзининг «ал-Илал» китобида ҳам ёзади. Ат-Термизийнинг кўпчилик асарлари жумладан, унинг машҳур асари «Ал Жомеъ» ҳам ўз Ватанига қайтганидан кейин яратилган[1].

Умуман олганда, Имом ат-Термизийнинг маънавий қадриятлар меросини, унинг ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга доир қарашларини, дунёқарашини ўрганишда ва улардан ҳозирги ёшлар таълим-тарбиясида фойдаланишда у тўплаган ҳадислару, аллома яратган «Сунан» китобининг аҳамияти ғоят катта.

Умрининг сўнгги йилларида ат-Термизийнинг кўзлари ожиз бўлиб қолади ва у 279—892 йили она шаҳри Термизда вафот этади.

Имом ат-Термизий ўзининг «Сунан» асаридан ташқари яна қуйидаги китобларни ёзганлиги маълум. Чунончи: «Китоб ал-илал» («Нуҳсоплар китоби»), «Китоб-ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аш-шамоил анна-бавийя» («Пайғамбарнинг ахлоқ ва одобларига оид китоб»), «Китоб аз-зуҳд» («Зоҳидлик ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо вал-куна» («Ровийларнинг исм ва лақаб-лари ҳақида китоб») ва бошқалар.

Имом ат-Термизий юксак ахлоқий ва инсоний фазилатларга эга, ўткир зеҳн ва заковат соҳиби эди. У зот тақвода алоҳида ажралиб турар, кам таом, аммо кўп ижод ва меҳнат қилар, ахлоқсизликни қаттиқ қоралар эди. Имом ат-Термизий доимо илм-фанни тарғиб қилар ва айни вақтда мулойимлик, хушфеъллик ва ҳалимлик каби гўзал фазилатлар ул кишида мужассам эди.

Имом ат-Термизийнинг Ислом равнақи йўлидаги, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати санийяларини мусулмонларга етказишдаги хизматлари беқиёсдир.

Боб бўйича хулосалар

Бугунги кунда узоқ асрлар давомида таълим-тарбия масаласи ва

[1] К.Хошимов ва бош=алар. Педагогика. – Т.: «Ы=итувчи», 1996. 45-бет.

воситаси бўлиб келган халқнинг педагогик қарашларини ўрганиш ва чоп этиш вазифаси турибдики, бу вазифани бажариш йўқолиш арафасига келиб қолган миллий қадриятларимиз, ахлоқимиз, урф-одат, расм-русумларимизни, удумларимизни, анъаналаримизни асраб қолиш ва тиклаш учун ниҳоятда зарурдир.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзуда ўзбек халқ педагогикаси фани ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни, баркамол инсонни тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси ҳамда халқ оғзаки ижодининг жанрлари хусусида атрофлича фикрлар баён қилинган.

Дунё маданиятининг бешиги Шарқда ижтимоий тузумнинг қайси босқичда эканлигидан қатъий назар, шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи ўринда бўлган. Ислом динининг ўз олдига қўйган мақсадларидан бири ҳам соф фикрли, комил, яратувчи, беозор инсонни тарбиялаш бўлган.

Ушбу бобда фольклор ва ўзбек халқ педагогикаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, Ўзбек халқ оғзаки ижодининг намуналари бўлмиш тез айтишлар, топишмоқлар, мақоллар, қўшиқлар, ўйинлар ҳамда эртаклар ва достонларнинг таълим-тарбияда тутган ўрни кўплаб мисоллар билан жуда тушунарли қилиб берилган.

Шунингдек, маънавий маданият ва унинг шаклланишининг педагогик хусусиятлари, шахс маънавий маданиятини шакллантиришга янгича ёндашув, шарқ мутафаккирлари ижодида маънавий маданиятни шакллантириш ҳамда маънавий қадриятлар ва уларнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришдаги роли хусусида ҳам ажойиб фикрлар берилган.

Айниқса, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан ва “Темур тузуклари” дан келтирилган мисоллар мавзуни тушунарли тарзда баён этилишига имкон яратган.

Халқ оғзаки ижодиётида таълим ва тарбия, ислом динида баркамоллик ғояси, Зардуштийлик дини ҳақида, «Авесто»нинг яратилиши, «Қуръони Карим»да ифодаланган тарбиявий ғоялар, Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом инсон тарбияси ҳақида билдирган фикрлари бўйича ҳам қатор маълумотлар келтирилган.

Айниқса, «Қуръони Карим»даги суралардан намуналар берилиши мавзу матнининг тушунарли бўлишига ва талабаларга осон етиб боришига имконият яратган.

Ҳадислар Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асосланган учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда луқмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уруғларининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асрашдан иборатдир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Ўзбек халқ педагогикаси қачон пайдо бўлган?

2. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий тарбияда тутган ўрнини таърифлаб беринг?

3. Ўзбек халқ педагогикаси манбаларига мисоллар келтиринг?

4. Ўзбек халқ педагогикасидан намуналар келтиринг?

5. Ўзбек халқ оғзаки ижодига нималар киради?

6. Миллий қадриятларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрнини кўрсатинг?

7. Халқ оғзаки ижодида ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари қандай ёритилган?

8. Халқ оммавий байрам-сайлларини санаб беринг?

9. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги пандномаларга мисоллар келтиринг?

10. Ўзбек халқ мутафаккирларининг тарбия борасидаги маърифий қарашларининг аҳамияти Сизнингча нимада?

11. Фольклор ва унинг ўзбек халқ педагогикасида тутган ўрни ҳақида фикр билдиринг?

12. Тез айтишлар ва унинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб беринг?

13. Топишмоқлар ва уларни таҳлил қилинг?

14. Мақоллар ва уларнинг таълим-тарбияда тутган ўрнига мисоллар келтиринг?

15. Миллий қўшиқларнинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб беринг?

16. “Алла”нинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти қандай?

17. Ўзбек халқ ўйинларини қайсиларни биласиз?

18. Топишмоқлар тарбияланувчиларнинг қандай хислатларини ривожлантиради?

19. Ўзбек халқ эртакларидаги яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик каби тушунчаларни таҳлил қилинг?

20. Миллий қаҳрамонларимиздан фахрланиш ҳисси Сизда қай даражада намоён бўлади?

21. Маънавий маданият деганда нимани тушунасиз?

22. Маънавий маданиятни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари нима?

23. Шахс маънавий маданиятини шакллантириш деганда нимани тушунасиз?

24. Шарқ мутафаккирлари ижодидаги маънавий маданиятни шакллантириш масаласини гапириб беринг?

25. Маънавий қадриятларга таъриф беринг?

26. Маънавий қадриятларнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришдаги ролини гапириб беринг?

27. Маънавий юксак шахс деганда кимни тушунасиз?

28. Давлатимиз томонидан маънавиятни ривожлантириш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

29. Ахлоқий маънавиятга таъриф беринг?

IV.БОБ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

Тарбия жараёнининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Тарбия қоидаси — педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади,.янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф — донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб бормокда.

Тарбия қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга каратилганлиги; тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси; тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғлиқлиги; шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш; тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги; тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик; изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги; тарбияда болаларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқалар.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришишни кўзда тутади.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса ўқувчилар жамоасининг ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Қуйида тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз.

1. Тарбиянинг маълум бир мақсадга қаратилганлиги қоидаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади — ҳар томонлама камол топган — мукаммал инсон шахсини тарбиялашдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ёш йигит-қизларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

2. Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси; Умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож. Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараққиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни эзгулик сари йўналтириши керак.

Мактабларда руҳий хизматдан фойдаланиб болалар кайфиятини, қизиқишини, интилишини ва қобилиятларини аниқлаш таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишга имкон беради.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан фойдаланиш жуда муҳим. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон ва Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Шундай экан, мактабларда ўқувчи ёшларга гуманитар-ижтимоий фанлардан таълим беришда тарбияга кўпроқ эътиборни қаратмоқ лозим. Айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, адабиётини ўқитиш жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга, миллий руҳ, урф-одат ва умумбашарий қадриятларга алоҳида урғу бериш зарур.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзини диққат билан тинглайди, уларга далда беради, тинчлантиради, тўғри баҳо қўяди, ҳаммани тенг кўради, болаларни севади.

Тарбияни демократиялаш — бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳияти ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутади, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

3. Тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғлиқлиги.

Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги қоидаси тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилаб туришни талаб этади. Ўқитувчи- тарбиячилар болалар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида имон-эътиқодни тарбиялаш имконини берадилар.

Ҳозирги шароитда ёшларни жамиятимиз ғояларининг кучига ишонтириш, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан таништириш, янги жамиятни барпо этишда ўз ҳиссаларини қўшишга ижтимоий-фойдали меҳнатда бевосита иштирок этишга рағбатлантириш жуда муҳимдир.

Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ жалб қилинади, бу эса ўқувчи-талабалар шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

4. Шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш; тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги. Илғор ўқитувчи-педагоглар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчи-талабалар аҳил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини амалга ошириш анча енгил бўлади ва муваффақияти таъминланади. Яхши уюшган, аҳил ва соғлом жамоада жамоатчиликнинг фикри жуда катта тарбиявий кучга эга бўлади ҳамда тарбияда ўқитувчиларнинг таянчига айланади.

Ўз манфаатини жамият манфаатлари билан қўша билиш, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш каби қимматли фазилатлар аввало жамоада шаклланади. Жамоаида ҳар бир шахснинг камолга етиши, ҳамда синф ва гуруҳда дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратилиши зарур. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзан тарбия жараёнида жамоа билан шахс ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилишга ҳам тўғри келади.

Устоз ўқитувчилар ўзларининг тарбиявий ишларида ҳамма вақт ёшлар жамоасига ва улар орасидаги фаол ёшларга таянмоғи, турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, ўқувчи-ёшларга жамоатчилик руҳини сингдириб бориши лозим.

5. Тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги.

Ўқувчиларни Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириб, тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш жуда муҳимдир.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилиши мақсадга мувофиқ. Кишилик жамиятига муҳаббат, табиат муҳофазаси маданий ёдгорликларни сақлаш ишларига жалб қилиш лозим.

Маънавий қадриятлар ва ғоялар турли миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради.

Халқ педагогикасини бола тарбиясидаги бой тажрибалари ҳаётга тўла тадбиқ этилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф-одатлар, бой анъаналари ҳаётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил-ал Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшликдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

6. Тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Болаларнинг ёши ривожланиш даражасига кўра уларга бериладиган тарбиянинг мазмуни, педагогик раҳбарликнинг характери ҳам ўзгариб боради. Болаларнинг ёши улғайган сари уларга талаб ҳам орта боради. Шу туфайли ўрта ва катта ёшдаги болаларни тарбиялашда уларнинг мустақиллигига суяниб иш кўриш яхши натижа беради. Тарбияда болаларнинг кучи ва имкониятларини тўла ишга солиш яхши, лекин уларнинг кучига ортиқча баҳо бериб юбориш ҳам ярамайди.

Болалар мактабда ривожланишнинг турли даврларини: болалик, ўсмирлик, ўспиринлик паллаларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичида улар ҳаёт, инсон ва табиат, умуман атрофимизни ўраб олган дунё ҳақида аниқ билимларга эга бўладилар. Уларнинг ахлоқи ҳам ўзгариб боради, уларнинг ахлоқий туйғулари ривожланади, онги билан хулқи ўртасида уйғунлик вужудга келади, характери таркиб топади, ўз хулқи ва хатти-ҳаракатларини эҳтиёжга ва шароитга мувофиқлаштиришга интилиш одатлари тарбияланади.

Тарбия бериш жараёнида ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан ташқари, ҳар қайси боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болаларнинг ёши, бўйи бир хил бўлса-да, уларнинг мижози, фазилатлари, қобилият ва майллари, қизиқишлари ҳар хил бўлади. Бу фарқлар болаларнинг хулқида, ўқиш ва меҳнатида акс этади.

Бир ўқувчига нисбатан мувофиқ бўлган тарбия услубини бошқа бир ўқувчига нисбатан қўлланганда у кутилган натижани бермаслиги мумкин. Синфдаги ўқувчиларнинг баъзиларига оддий танбеҳнинг ўзиёқ самарали таъсир кўрсатади, аммо бошқа ўқувчиларга танбеҳ беришнинг ўзи кифоя

қилмайди. Унга нисбатан жиддийроқ чоралар кўришга тўғри келади. Баъзан бир ўқувчи айрим ахлоқий фазилатларни тезда уқиб олади ва унга амал қилади, иккинчиси эса унга амал қилмайди, айрим болалар эса бу хил сифатларни ўзларига жуда секинлик билан сингдирадилар.

Умуман олганда, ҳар бир ўқувчининг қобилияти, қизиқиши, ҳис-туйруларини кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаб, тарбиявий ишларда уларни ҳисобга олиш тарбияни тўғри йўлга қўйиш имкониятини беради.

7. Тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас; болаларни хулқ ва юриш-туриш кўникмаларига ўргатган вақтда ҳам худди ўқув предметлари мазмунига кирадиган кўникмаларни ўргатишдаги тадрижийлик ва тизимлиликка риоя қилиш керак. Шундай қилинса, болалар хулқий кўникмаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштирадилар. Педагоглар иш тажрибаларининг кўрсатишича, қаерда ўқувчиларга юксак талабчанлик, ҳурмат, муҳаббат, ишонч кучли бўлса, ўша ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлади.

Ўқувчиларга меҳрибонлик, ҳурмат ва муҳаббат билан қараш унинг кучига куч қўшади, ўзига бўлган ишончни янада орттиради, бу айни чоғда ўқувчиларда ўз ўқитувчисига нисбатан ҳурмат, ишонч ва мехрибонлик уйғотади. Зотан, болалар ғамхўр, меҳрибон ва талабчан ўқитувчини севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга тўла ишонадилар. Мана шундай ўқитувчининг болаларга тарбиявий таъсири кучли бўлади, унинг обрўйи ортади. Агарда ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кучига ва имкониятига ишонч билан қараса, улар бу ишончни оқлашга интиладилар, ўз кучларига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўқитувчиларнинг ўқувчига нисбатан ҳаддан ташқари талабчан ва қаттиққўл бўлиши ҳам, ва аксинча, болаларга бўш муомала қилиши ҳам ярамайди. Ўқитувчилар ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлишлари ва қўйган талабларининг ўқувчилар томонидан сўзсиз бажарилишига эришмоқлари лозим. Бу эса болаларни катталар томонидан қўйилган оқилона талабларни ўз вақтида бажаришга одатлантиради. Шу билан бирга болалар ўзларига нисбатан ҳам талабчан бўладилар.

Демак, ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлиш, уларга самимий муҳаббат ва ҳурмат билан қараш қоидасини оқилона ҳамда моҳирлик билан тўғри қўлланиши, ўқувчиларнинг кучига, имкониятларига ишонч билан қараш — тарбиянинг муваффақиятли боришига ёрдам беради.

8. Тарбияда изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги.

Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг «Гулистон» асарида шундай деб ёзган эди: «Кимда ким ёшликдан тарбия олмаса, катта бўлгач бахтли бўла олмайди. Ҳўл новдани истаганча букиш мумкин. қуруқ новдани эса фақат оловда товлаб тўғрилаш мумкин». Тарбия ҳақидаги бу ғоя авлод-авлодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Тарбия туғилган кундан бошланмоғи лозим.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишда бош омил мактаб ўқувчиларида миллий ғурур, шарқона мулоқат одоби, маданий-диний ғояларга тўғри муносабатда бўлиш, ўзбек санъати, халқ ёдгорликларини тушуниш ва ардоқлаш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдир.

Тарбиявий ишларни тўғри ташкил қилишда бериладиган назарий билимларни ўқувчилар қалбига етказиш, уларни кундалик эҳтиёжига айлантириш учун ўқитувчи қуйидаги иш усулларига эътибор бериши лозим:

- Гуруҳ жамоасининг руҳий ҳолати, яъни ҳар бир ўқувчининг шахси, фаолияти, қизиқиш даражаси.
- Гуруҳ ўқувчиларининг тарбияланганлик даражаси. Синфда тартиб-интизом, синф мулкига бўлган муносабат.
- Гуруҳда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларга муносабат (ижобий ёки салбий)
- Гуруҳдаги ижтимоий фикрга бўйсунувчанлик.
- Гуруҳдаги ўзаро ахлоқий муомала ва муносабатлар.
- Мактабда ташкил қилинган қонун-оидаларга муносабат ва унга амал қилиш.

Юқоридагиларга амал қилган ўқитувчи ўз фаолиятини ташкил қилишда нималарга эътибор беришни тезда англаб олади.

Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар: оиласи, ота-онаси, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Ўқувчи ёшларнинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш керак. Инсоннинг биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, унинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши шарт.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки ўзи бу талабга хилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади. Ўқитувчи субутли; ўз лафзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага кундаликларингизни текшираман», «Оёқ кийимларингизни мойланганлигини кўраман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг. Педагог бирор тарбиявий тадбир уюштиришни болаларга ваъда қилиб, сал орада ваъдасини эсдан чиқариб қўйса, ўкувчилар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. Ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Тарбия беришда тизимлилик қоидаси тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг — оила ва мактаб, болалар ва ёшлар ташкилоти, жамоатчилик, маҳалла фаоллари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлик ва бамаслаҳат иш кўришини назарда тутади.

Тарбия ишидаги бу ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъмин этишда мактаб асосий роль ўйнайди. Мактаб юқорида айтилган муассасалар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, тарбия соҳасида баҳамжиҳатликда ишлашга эришади.

Тарбия жараёнида тизимлилик ва изчилликни таъмин этадиган муҳим шартлардан бири тарбия соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва мустаҳкамлашда уйғунликка риоя этишдир. Тарбиявий ишларнинг ҳаммасида болаларда мавжуд бўлган билим, кўникма, малака ва одатларга ҳамда уларнинг турмуш тажрибаларига суяниш лозим.

Ҳамма ўқитувчи ва тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчиликка риоя этиш жуда хам муҳимдир. Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишда изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалгича давом эттириш ва бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-қувватламайдигина эмас, балки ўқувчига тескари таъсир кўрсатади. Тарбия узоқ муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шаклларини ўз вақтида аниклаб олиш жуда муҳимдир.

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Бола ўқишни, тарбия олишни истайди, улғайиб жамият ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай усулда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнда тарбиялаши лозимлигини билиши керак. Шу билан бирга бола ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи эканлигини ҳам унутмаслиги лозим. Ўқувчилар яқин кишиларининг (ота-онаси, ўқитувчилари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса, бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир ўтказишга очиқ ва мойил бўлади. Ўқитувчи — дўст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Юқорида айтганимиздек, тарбия—тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар — билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар — билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар, тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия усули — тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усулларидир. Илмий адабиётларда тарбия усулларини тарбия методлари деб ҳам ишлатилади.

«Метод» сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради.

Тарбия методлари (усуллари) — ўқитувчи-педагогнинг ўқувчи-талабаларга таъсир кўрсатиш усуллари, уларга ижобий хулқ-атвор кўникмалари ва малакаларини сингдириш мақсадида уларнинг ҳаёти ва фаолиятини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил этиш йўлларидир. Аниқроғи, тарбия усули деб ўқитувчининг болаларда ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш мақсадида уларнинг онги ва иродасига таъсир этиш йўлларига айтилади. Тарбия усуллари тарбиянинг мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб, комил инсон шахсини тарбиялашга қаратилгандир.

Аждодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситаларини яратганлар, шу асосда ёшларни ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Болаларда инсоний ҳис-туйғуларни тарбиялашнинг асоси— кишиларга мехр-муҳаббат қўйиш, иззат-ҳурмат билан муомала қилиш, инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, қадрлаш кишилар олдидаги ўз бурчини англаш, одамларга нисбатан самимий, ҳалол ва ростгўй бўлиш каби одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади.

Тарбия воситалари бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қўлланмалар, китоблар, радио, телевидение). Бундан ташқари ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари — кинофильмлар, санъат асарлари, ўқувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, спорт, бадиий хаваскорлик тўгараклари ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин.

Тарбия воситалари тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи-тарбиячининг тарбия тизимига киритилиши лозим. Масалан, мактаб кутубхонаси тарбия воситаси бўлиши учун ўқитувчи ва кутубхоначи ёзувчилар билан учрашув, ўқилган китобларни муҳокамасини уюштиришлари лозим.

Тарбия натижаси тарбиявий жараённинг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга боғлиқ. Тарбиячилар таъсир этишнинг бола шахсиятига мос усулини, энг мақбул усулни танлаб олишлари, унинг шахсини ўзгартириш учун керакли шароит яратишлари даркор.

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборатдир. Масалан, тарбияланувчининг одоблилиги, етуклиги билан унга

қўйиладиган талаб ўртасидаги фарқ тарбиячи ва жамоа таъсирига шахснинг ўз позицияси, яъни муносабати тарбия жараёнининг ички қарама-қаршилиги бўлса, тарбиячининг талаблари билан шахс микро муҳит таъсири ўртасидаги узилиш ташқи қарама–қаршиликдир. Яна шуни эътиборга олиш керакки, тарбияда тарбияланувчининг тарбияланганлик дажаражасини ҳам эътироф этиш лозим. Борди-ю, бу масала унутилиб қўйилса, тарбия жараёнида яна қарама-қаршиликлар вужудга келади. Масалан, тарбияланувчиларнинг фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун шу фаолият нима учун, қайси мақсадда, қанча муддатда бажарилишини уларнинг онгига етказиш, бажариш усули ва натижасини ҳисобга олишда эса ўзларига ҳавола қилиш маъқулроқдир. Борди-ю, яхши фаолият тури тавсия қилинганда уларнинг онглилик ва ишни бажаришга тайёргарлик даражаси ҳисобга олинмаса, уни бажариш истаги уйғотилмаса, тарбиячининг уринишлари бефойда бўлади, талабалар пассив, беҳафсала бўлиб қолаверадилар.

Тарбия усулларида ҳар томонлама шахсни шакллантириш мақсадида шахс онги, ҳис туйғулари, иродаси ва муносабатлар системасига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак.[19]

Талабаларнинг тарбиявий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун буни муайян шароитга қўйиш, унинг фаол фаолиятини ташкил этиш лозим. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб юритилади. Талабалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган воситалар бунда телевидение, радио, китоблар шахслар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади.

Педагогнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик, ҳаваскорлик тўгараклари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий педагог ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ.

Ўқитувчи қўллаётган усул ва воситалар таъсирида боланинг онгида ва хулқида ҳам ўз шахсини ўзгартириш истаги вужудга келади. Бола ўзини-ўзи тарбияламаса, ақл-фаросатини ишга солмаса, тарбиядан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ҳар бир бола ўзининг хулқ-атворига талабчан бўлиши ва ўзида энг яхши инсоний фазилатларнинг таркиб топиши учун астойдил тиришмоғи лозим. Ўқитувчилар болаларни кичик ёшдан бошлаб ўзини ўзи эплаш, тута билиш, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиш, рост сўзлаш, катталарга ҳурматда бўлиш, ўзидан кичикларга мехрибонлик кўрсатиш кабиларга ўргатиб, одатлантириб боришлари лозим. Умуман, ўзини ўзи тарбиялаш ахлоқий баркамолликка иштиёқ туғдиришдир.

---

[19] Р.Абдурахмонов “Талабаларни ахлоқий тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни” Битирув малакавий иши. 2005 йил. 67-бет.

Ўз-ўзини тарбиялаш боланинг доимий иши бўлмоғи ва узлуксиз давом этмоғи зарур. Чунки ҳақиқий тарбия болани ўз кучи, лаёқатлари ва қобилиятини ишга солишга ундайди, унинг идеалларини, шахсий мулоҳазаларини, эътиқодини таркиб топтиради. Натижада бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарбиявий жараён ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади.

Усуллар тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг бир тури иккинчиси билан қўшилиб кетади. Ҳеч бир усулни алоҳида, якка ҳолда қўллаб бўлмайди. Масалан, ўқитувчи биринчи синф ўқувчилари билан ишлашда, улар учун янги бўлган ўқув меҳнатини ўргатиш ишини ўқувчиларнинг хулқ-атвор қоидаларини, мактабда ва уйда кун тартиби аниқ бўлиши муҳимлигини, қунт билан, зўр бериб меҳнат қилиш зарурлигини уқтиришда тушунтириш йўлини қўллайди. Тушунтириш билан бир қаторда ўқитувчи ўз ўқувчиларини ҳар куни ахлоқ-одоб қоидаларини машқ қилдиради, синфга тўғри кириб келишга, ўқитувчи ва болалар билан саломлашишга, парта қопқоғини тарақлатмай очиб-ёпишга, иш жойида тартиб сақлашга, ўқитувчига мурожаат қилиш ва ҳоказоларга одатлантириб боради.

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай усулдан фойдаланишига боғлиқ.

Усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидагиларга ажратилади:

1. Сўз орқали ифодалаш усули.
2. Кўргазмалилик усули.
3. Амалий, намуна усули.
4. Рағбатлантириш ва жазолаш усули.

Юқоридаги усуллар ўз навбатида қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқа усулларга;

Иккинчи гуруҳ - кинофилъмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқаларни кўриш орқали тарбиялаш усулларига;

Учинчи гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш. ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;

Тўртинчи гуруҳ - ўқувчи-талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилик билдириш, иқгисодий ёрдам, стипендияларини ошириш, мақтов ёрлиқлари топшириш, суратларини ҳурмат тахтачасига ёпиштириш ва бошқа оғзаки, "раҳмат", "баракалла" каби рағбатлантириш усулларини киритиш мумкин.

Ўқитувчининг рағбатлантириш усули иккига бўлинади:

1. Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганлини рағбатлантириш.

2. Сиз буюрган ишга қизиқишини ва уни уддалай олганлигини рағбатлантириш.

Жазо - бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини икрор қилдириш.

Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айтолмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода сизга қараяггги. Сиз унга яна бир марта имконият беринг.Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади:

Тушунтнриш, танбеҳ бериш, огоҳлантириш, қаттиқ огоҳлантнрнш, уялтириш.

Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллайди. Аммо ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтирса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқца. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллапшб боради. Мустақил жамиятимизнинг қисқа тарихий даври сабоқларини, ғояларини, тамойилларини ўқувчи-талабалар онгига сингдириш, уларни ақлан баркамол ва маънавий бой қилиб тарбиялаш ўқитувчи ва тарбиячилар ҳамда ота-оналарнинг вазифасидир.

Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Халқ педагогикасида турли хил тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланилади, бу усул, воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устунлик қилади. Чунки бу усуллар илмий педагогиканинг шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усулларини қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш).

2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).

3. Насиҳат бериш, ўгит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).

4. Қоралаш ва жазо (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

Агар синчиклаб қаралса, юқорида келтирилган тўрт хил усул умумий бир яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болалар нарса ва ҳодисаларга тушунмаганларида ўқитувчи намуна воситасини ўтайди, яъни ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Унда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насиҳати, ўгити орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига етадиган бўлишади. Борди-ю бунда ҳам болалар тушунишмаса ёки тушунишни исташмаса, унда қоралаш ва жазо усулларидан фойдаланишга тўғри келган. Лекин бу сўнгги чора эканлигини халқ яхши тушунган.

Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнгги чора, аниқроғи кам самара берадиган чора эканлигини исботлаган.

Тарбия усулларини ўрганиш, таҳлил қилиш, бу усуллардан педагогик жараёнда фойдаланиш, кўникма ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб оламиз: ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар; фаолият жараёнида ижтимоий хулқ ва тажрибаларни шакллантириш усуллари; ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳамда рағбатлантириш усуллари ва жазолаш усуллари.

Булар ёрдамида ўқувчида ахлоқий одатлар ҳосил бўлади. Ўқувчининг хулқида тарбиянинг мазмунига мувофиқ ахлоқий нафосат, меҳнат қилиш одатлари қарор топиб боради. Бундай одатлар асосан фаолият заминида таркиб топади. Демак, бола шахсини ифодалайдиган ижтимоий хулқ одатларини ҳосил қилиш учун уни фаолиятга жалб этиш йўли билан ижтимоий алоқалар шароитига қўямиз ва унинг шахсий хусусиятларини белгилайдиган одатлар ҳосил қиламиз. Бу гуруҳ усулларга вазифалари бир-биридан фарқ қиладиган жуда кўп йўл ва воситалар киради. Масалан, ўқувчига шарқона урф-одат, тарбияни ўргатиш, машқ қилдириш, ибрат намуна, талаб этиш, ишонтириш, ўйин, жамоатчилик фикридан фойдаланиш шулар жумласидандир. Ўқувчи эгаллаган ижобий тажрибаларни мустаҳкамлаш мақсадида мусобақа, топшириқлар бериш йўлларидан фойдаланиш мумкин.

Дарсни тўғри ташкил этиб, таълимнинг хилма-хил усулларини қўллаш, ўқув ишларида ўқувчиларнинг фаоллигига эришиш болаларда қимматли фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Уларда ташаббускорлик, қатъийлик, ҳар қандай қийинчиликларни енга билиш каби ижобий фазилатларни шакллантиради.

Ўргатиш усули ўқувчи-талабаларнинг ҳаётини, меҳнатини, дам олишларини батафсил ўйлаб чиқилган ҳолда ташкил этишни ҳамда дастлабки ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш мақсадида уларни муомала-муносабат, юриш-туриш одобига ўргатиб боришни назарда тутади. Хусусан, бошланғич синфларда ўқитувчининг бирор-бир хатти-ҳаракат намунасини сурат, диафильмларни намойиш қилиш, таъсирли, қизиқарли ҳикоят, ривоят ўқиб бериши ёрдамида ўзи қилиб кўрсатишдан бошланади.

Болаларда бирор хатти-ҳаракат шаклига ижобий муносабат уйғотишни ўргатишнинг муҳим шарти деб ҳисобламоқ керак. Бунга эса кўрсатмалилик, образлилик, ўқитувчининг ўзи болаларга ўргатаётган фазилатга ҳиссий, ижобий муносабатда бўлиши асосида эришилади.

Ўқувчилар жамоасида вужудга келадиган шароит (вазият) ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ўқувчилар ҳеч нарсадан чўчимай ўз ўртоқларининг хатти-ҳаракатини баҳолай олсалар, тортишсалар, ўқитувчига хоҳлаган саволларини берсалар, бундай вазият уларнинг ахлоқ қоидаларига бўлган муносабатларига ижобий таъсир этади. Катталарнинг ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчиликнинг болалар хулқ-атвори, юриш-туришини назорат қилиб туриши ҳам ишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу назоратнинг мунтазам, тизимли ва пухта бўлиши жуда муҳимдир. Ана шунда у ўқувчиларда ахлоқ-одоб фазилатларининг тарбияланишига олиб келади.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар. Бу гуруҳга ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислари ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари киради. Бу гуруҳ усулларининг моҳияти шундаки, улар орқали жамият ўқувчилар онгига қандай талаблар қўяётгани етказилади. Ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар ишлатилади.

Ўқувчиларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатни ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилишни тарбиялаш лозим.

Тушунтириш – ўқувчи-талабаларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган усулидир. Тушунтириш усулидан кўзланган мақсад шахсга ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга у ёки бу талабларнинг маънавий, эстетик, мазмунини очиб бериш, унга хулқ атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборатдир.

Тушунтиришда ўқувчи-талабаларга мамлакатимиз фуқаросининг ўз давлатига нисбатан ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланганлиги борасида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси, конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли ўқувчиларга байроқ, герб, мадҳия, конституция моҳияти тушунтирилади.

Суҳбат ва ҳикоя. Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли усул ҳисобланади. Суҳбат учун мавзу танлашда унинг мазкур гуруҳ учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

Суҳбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: этик мавзулар (кишиларнинг жамиятдаги ахлоқ мезонлари, ўзини тутиш қоидалари), эстетик мавзуларда (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги), сиёсий мавзуларда (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари), таълим ва билишга оид мавзуларда (коинот, ҳайвонот дунёси).

Суҳбат давомида ўқувчиларнинг дилидагини айтиш жасоратини уйғотиш, ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи саволлар бериш жуда муҳимдир. Бу борада баҳс-мунозараларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб, меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт, радио, телевидение, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли материал бўлади. Суҳбат ҳам, ҳикоя ҳам

ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида ўтказилиши керак. Энг яхшиси, суҳбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин, бунда суҳбатнинг завқи — шундан таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Болалар тарбиясида ибрат-намунанинг аҳамияти каттадир. Намуна ёки ибрат усули болалардаги тақлидчанликка асосланади. Тақлид бошқаларнинг хулқ-атворини, юриш-туришини онгли ёки ихтиёрсиз равишда такрорлаш демакдир.

Одатда болалар ўзларининг яқинлари,, теварак-атрофдаги кишиларнинг (ота-оналари, опа-акалари, муаллимлари, катталар, тенгқурлари) хулқ-атворини ва хатти-ҳаракатларини кузатиб борадилар, уларга тақлид қиладилар. Лекин кўпинча буларнинг нимаси яхши-ю, нимаси ёмон эканини фарқлай олмайдилар, улар ўзлари учун маъқул бўлганларига тақлид этадилар ва қабул қиладилар.

Болалардаги бу хусусиятлар шуни кўрсатадики, уларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини ўзлаштириши, ахлоқий тасаввурларни ҳосил қилиши ана шундан, яъни ибратдан бошланади. Дастлаб бола оила аъзоларидан ибрат ола бошлайди. Ота-она ва оиланинг катта ёшдаги аъзолари намунаси кичик ёшдаги болага тарбиявий таъсир кўрсатишда асосий манбадир.

Болаларга ҳаётдаги яхши одамлар, бадиий адабиётдаги ижобий образлар, меҳнат қахрамонлари, ота-боболаримизнинг ўлмас жасоратлари, эзгу ишлари тақлид қилиш учун яхши намуна бўлади.. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, болалар ҳамма вақт ҳам ижобий хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга тақлид қилавермайдилар.

Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворига тақлид қиладилар. Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриш ва хатти-ҳаракатларида тафовут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан олинган ёркин маълумотлар, адабий асарлардаги, кинофильмлардаги ва спектакллардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қилади.

Намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан: «Қуш уясида кўрганини қилади». Жуда оддий жўнгина хулоса. Шу оддий ибора остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмига боравермаймиз. Бу билан халқ, уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг кўчада тартибсиз бўлади. Бола олдида бировларнинг ғийбатини қилма, боланг ғийбатчи бўлади, демоқчи. Бунга ўхшаш фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишонтириш усуллари. Бу бўлимга ўқувчиларда илмий дунёқараш ва ишонч-эътиқодни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усуллари киради.

Юқорида бола шахсининг шаклланиш жараёни асосан, кундалик турмуш ва фаолиятда ҳосил қилинадиган тажриба, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларга боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган эди. Бироқ, аввал тажриба тўпланади, сўнгра эса тегишли тушунча шакллантирилади, ёхуд аксинча деб, қандайдир навбат белгилаб қўйиш нотўғри бўлур эди.

Таълим муассасаларида ишонтиришнинг тарбиявий жиҳатдан муҳим ва қимматли бўлган тушунтириб бериш ва ишонтириш, ҳикоя ва суҳбат, синфдан ташқари ўқиш, намуна кўрсатиб ишонтириш сингари шакл ва усулларидан кенг фойдаланилади.

Фаолият жараёнида ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари. Бола ривожланишининг, ўзлигини белгилашининг асосий омили — бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш қоидаси мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади.

Фаолият ўқувчиларни билимларни мустақил эгаллашга ундайди, уларни қайси ихтисосга мойилликларини аниқлашга, ижодий фаолият тажрибасини, ҳиссий қадрият муносабатларини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Машқ ва ўргатиш усуллари. Машқ болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил қилиш, уларни ахлоқ мезонлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болаликда таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчилар, ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар билан мунтазам мулоқотлари туфайли тақлид қилиш, тарбия орқали ҳосил қилади. Охир-оқибатда одат эҳтиёжга айланади.

Машқ - муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, ахлоқий тажрибаси кенгаяди. Одатсиз тарбия—пойдеворсиз бинога ўхшайди, одат эса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади.

Ўргатиш — ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш усули болаларнинг ёши ва тарбия шароитларига қараб ўзгариб туриши мумкин. Тарбияда машқлардан фақат ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш йўли сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ўргатиш ва одатлантириш усулларидан фойдаланишда болаларнинг

ахлоқ борасида эришилган натижаларидан қаноатланиш ва ўз шахсларини такомиллаштириб боришга интилиш ҳиссини сезишлари муҳимдир.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Кун тартиби машқлари мактабда, оилада ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Махсус машқлар маданий хулқ, малака ва кўникмаларни ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди.

Тушунтириш ва уқтириш. Тушунтиришнинг моҳияти жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар тўғрисида ахборот бериш асосида ўқувчилар диққатини теварак-атрофдаги воқеликка, ўз фуқаролик бурчларига онгли муносабатни шакллантиришга қаратишдан иборатдир. Кўпинча ўқувчиларнинг ўз бурчлари тўғрисидаги билимлари тасодифий, юзаки бўлади. Тушунтиришдан мақсад — бирон-бир воқеа, хатти-ҳаракат, ҳодисанинг ижтимоий, ахлоқий, эстетик мазмунини очишда, хулқ-атвор ва инсоний муносабатларни тўғри баҳолай олишда ўқувчиларга ёрдам беришдир.

Тарбиячи тегишли қоида ва талабларга қандай риоя қилиш зарурлигини болаларга кўрсатади ва тушунтиради. Болалар кўрсатилган намунали ахло-қий қоидаларга тақлид қиладилар. Қоида ва талаблар факт ва мисоллар билан тушунтирилса, уларни болалар равшан англаб оладилар ва онгларига чуқурроқ сингади. Натижада бу қоида ва талаблар боланинг кундалик ҳаёт тарзига айланади. Ахлоқий қоида ва талабларнинг бола ҳаётига сингиб кетиши кўп жиҳатдан унинг эътиқодининг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир.

Уқтириш - бирор ахлоқий фазилатни ўқувчилар онгига сингдириш ва улар томонида уқиб олинишини таъминлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчилар ва тарбиячилар ўқувчиларни тарбиялаганда ва уларга ахлоқий фазилатларни тушунтирганда унинг афзалликларини кўрсатувчи далиллар келтириши, исботлаши, ишонтириши лозим. «Ўқигандан уққан яхши» деган халқ мақоли бор. Уқиб олинган ахлоқий фазилат болада махкам сингиб қолади.

Уқтиришнинг натижали чиқиши ҳаммадан бурун тарбиячининг обрўсига боғлиқдир. Агар тарбияланувчи ўз тарбиячисини иззат-ҳурмат қилса, унга ишонса, унинг ўгит-насиҳатларига қулоқ солса, уқтириш натижаси самарали бўлади. Акс ҳолда уқгириш тегишли натижа бермайди. Шу билан бирга, ўқитувчи ва тарбиячилар ўз тарбияланувчиларини севишлари, ҳурмат қилишлари, уларнинг куч ва имкониятларига ишонишлари керак. Уқтириш жараёнида ўқитувчилар болаларнинг ўзларида ўз қобилиятларига, келажак истиқболларига ишонч туғдирмоғи лозим, бу эса болаларда ахлоқий фазилатларнинг пухта уқиб олинишини таъмин этади. Тарбиялаш жараёнида ишонтириш, тушунтириш ва уқтириш ҳамма вақт бирга, бир-бири билан мустаҳкам боғланган хрлда олиб борилади. Бунга тушунтириш ва уқтириш орқали эришилади.

Давлат, жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидалар, талабларга, нормаларга, оиладаги, мактабдаги, жамоат ўртасидаги юриш-

туриш қоидаларига ҳамиша ўқитувчиларнинг ўзлари амал қилишлари ва бошқаларни ҳам шунга ундашлари зарур.

Демак, ўқувчиларимиз бу талаб ва қоидаларнинг ҳаммасини етарлича англаб, уларни ишонч ва эътиқод билан бажаришлари айни муддаодир.

Педагогика фани ишонтириш усулларига муҳим ўрин бериш билан бирга, мажбур этиш усулини ҳам инкор этмайди. Агарда ўқувчи ўз олдига қўйил-ган талабнинг моҳиятини ва мазкур қоидага нима учун риоя этиш зарурлигини тушуниб тургани ҳолда итоатсизлик кўрсатса ва белгиланган тартиб-қоидани бузса, уни бу тартиб-қоидаларни бажаришга мажбур қилмоқ керак. Ахлоқий талабларни бузувчиларга индамаслик ва бепарволик билан қараш эса жамиятга зиён келтиради ва юриш-туриш қоидаларини бузган ўқувчининг ўзи учун ҳам зарарлидир. Агар тарбиячи ахлоқий талабларнинг бузилиш ҳолатларини кўриб, индамай кетаверса ўқувчилар ахлоқий талабларни ва юриш-туриш қоидаларини бузишда давом этаверадилар.

Топшириқ. Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис зтишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характерини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

Педагогик талаб. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларидан биридир. Талаб—бу ўқувчининг турли вазифаларни бажариши; ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаши; ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши; турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу ҳаракатда рағбатлантирувчи ёки уни тўхтатувчи бўлиши; оқилона ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўз устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса, ўрта ва катта ёшдагиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини-ўзи идора қилиш органлари фаолиятида қатнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқеини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланадилар, ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Ўз-ўзини тарбиялашда (ахлоқий, жисмоний, ҳиссий-иродавий ва интеллектуал) маслаҳат ва кўрсатмалар берилиши лозим. Бунда ўқувчиларни ўзларига, хатти-ҳаракатларига танқидий руҳда муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳимдир. Ўқувчилар муайян вақтга белгиланган вазифаларни бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб қўядилар.

Шундан кейин вақти-вақти билан ўзлари ва ота-оналари олдида олган мажбуриятларини бажарилиши ҳақида ҳисобот берадилар. Бу эса

уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга, масъулиятларини ҳис этишларига ёрдам беради.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўз шахсини, фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва, аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

Ўз-ўзини баҳолаш. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кишиларининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун ўзининг имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, баҳолаш, ўзига четдан туриб холисона баҳо бериш, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Уялтириш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-ҳаёдир. Одатда, одамда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтираверш ва қизартираверш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо яхши ўйлаб қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимсиз жазолаш ҳам мумкин эмас. Жазолар якка характерли, яъни битта бўлсин, ўқувчиларнинг айбига мос, мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланилмасин, жазоланувчи онгида жазони ҳаққоний эканлиги аниқ бўлсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жамоада муҳокама қилиш ва коллектив томондан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча ҳолларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқубатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини букмаслиги керак.

Юқоридагиларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкин: чинакам обрў болаларни ҳурмат қилиш билан бирга, уларга нисбатан талабчан бўлишга, болага чин кўнгилдан ғамхўрлик кўрсатишга, унга ёрдам қилабилишга, тарбиячининг болаларга намуна бўладиган ўз шахсий фазилатларига асосланади. Тарбиянинг умумий усуллари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларининг ҳаммасини қамраб олмайди. Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб боради, шунинг учун тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади. Тарбиянинг муваффақиятли қўлланишига, бу восита мазкур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўрин олганига, қўлланилаётган тарбия воситалари ва усуллари қўйилган тарбия вазифалари ва мақсадларига қанчалик жавоб беришига боғлиқдир.

Ахлоқ ва ахлоқий тарбия ҳақида тушунча

Ахлоқий тарбия мазмунининг шаклланишида ўзбек мутафаккирларининг алоҳида хизматлари бор. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тарбия жараёнига жиддий қараганлар ва бу борадаги қимматли фикрларини дунёга танилган асарларида баён этганлар. Ушбу асарлар нафақат Ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг илмий қарашлари бугунги кунда ҳам инсоният учун дастури амал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Абу Наср Форобий - машҳур мутафаккир, қадимги Юнон илми ва фалсафасининг шарқдаги энг йирик тарғиботчиси. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига асос солган мутафаккир. Форобий «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди[20]. Фаробий бу асарларида давлат тузилиши ва уни бошқариш, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш ҳамда камолатга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби масалалар устида фикр юритади. Етук жамоани вужудга келтириш, комил инсонни яратиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини биринчи бор ўрта аср шароитида Форобий олға сурди. Унинг «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби машҳур асарлари шу масалаларга бағишланган. Форобий таълим-тарбияга бағишланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зурурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услубиятлари ҳақида фикр юритади. Унинг «Фозил одамлар шаҳри», «Ихсо-ал-илм», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Абу Райҳон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «ал-Қонуни ал-Маъсудий», «Китоб ас-сайдона» каби асарларида ахлоқий тарбиянинг муҳимлиги таъкидланган. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит-жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади. Ахлоқийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва таркиб топади. Беруний яхши хислатларга тўғрилик, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширин-суханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни киритади. Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, «Ёдгорликлар» да шундай дейди: «Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда

[20] Абу Наср Фаробий. Рисолалар. М.М.Хайруллаев. Тошкент. «Фан», 1975 (71-72 бет).

олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади».[21]

Беруний саҳоват (ўзаро ёрдам, бир-бирига фойда келтириш учун ҳамкорлик), мурувват (одамларга ҳайрихоҳ бўлиш, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, ўз меҳнати билан кун кўриш)ни инсоннинг ахлоқий камолотини кўрсатувчи хислатлр деб билди.[22]

Шарқда «Шайх ар-Райис» номи билан машҳур бўлган алломалардан бири, ўрта асрнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино Ўрта Осиё маданияти ва илм-фанининг ривожига катта ҳисса қўшди. Олимларнинг фикрига кўра, ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид уч юздан ортиқ илмий асар яратган, лекин бизнинг давримизгача улардан 240 таси етиб келган. Бу асарларнинг элликдан ортиғининг қўлёзмалари Шарқшунослик институтининг китоб фондида сақланиб келинмоқда. Ибн Сино биринчи галда машҳур табиб сифатида танилди. Бу борадаги унинг бебаҳо меҳнатини бутун дунё олимлари тан олган. Албатта ибн Синонинг энг йирик шоҳ асари «Китоб ал -Қонун фит-тибб» (Тиб қонунлари китоби) ҳисобланади. Бу асарда инсон соғлиғи ва касалликларга оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Ибн Синонинг бу асари кўп ўтмай Европага ҳам етиб келган. XII асрдаёқ бу асар лотин тилига таржима қилинди. Унда соғлиқни сақлаш маданияти, бир неча тизим талабларига риоя қилиш, ҳаётий воқеликларга бўлган муносабат масалалари, руҳият масалалари таҳлил этилади. Айтиш жоизки, ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлар яратган: «Рисолаи фи илм ал-ахлоқ» (Ахлоққа оид рисола), «Рисола фи ал-аҳд» (Бурч ҳақида рисола), «Рисола фи тахкият аннафс» (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола). Ибн Синонинг «Ахлоққа оид рисола» асари 1908 йили Мисрда «Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи» китоби ичида нашр қилинган. Ушбу ахлоққа бағишланган рисоласида ибн Сино ахлоқий хислатлардан иффат, қаноат, саҳийлик, шижоат, сабр-тоқат, мулойимлик, сирни сақлай билиш, илмли маърифатли бўлиш, очиқлик фаросатлилик, дўстлик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради.У ахлоқий тарбия инсоннинг камол топишида жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди. Ибн Синонинг яна бир ахлоққа бағишланган рисоласи – «Бурч рисоласи» деб аталади. Бу асарда ибн Сино киши ўзини қандай тарзда покиза тутиши лозимлиги, нималарга амал қилиш кераклиги, одамлар билан қандай муомала қилиш лозимлиги каби масалаларни таҳлил қилади. Унинг фикрича – Ер юзида барча мадрасалару, масжидлар Оллоҳнинг ўчоғи бўлса, инсон танаси инсон руҳининг ўчоғидир. Шунинг учун ҳам танани, ҳам руҳни покиза тутмоқ энг олий бурчдир. Ҳар бир инсоннинг соғлиғи

[21] Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари мисолида) Т., «Ўқитувчи» 1997. - 214 - 217 бетлар.

[22] Абу Райҳон Беруний. Танл. Асарлар. 1 т. Т., 1968. - 151 -154 - бетлар.

ҳам энг олий мукофот бўлиб, унинг қадрига етиш ва асраш бурч қаторига киради. Ибн Синонинг ана шу фикрлари бугунги кунда шифокорларни, психологларни, файласуфларни, педагогларни қизиқтиради. Чунки бу фикр инсон танаси ва унинг руҳи ўртасида мураккаб боғлиқлик борлигини эътироф этади. Ахлоқ инсоният маънавий маданиятининг кўринишларидан, ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, у кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори ва юриш-туришини ифодалайдиган, уларнинг бир-бирларига ва жамиятга бўлган муносабатини акс эттирадиган муайян қоидалар йиғиндисидир. Шунинг учун ҳам ахлоқ жамиятнинг мураккаб, кўп қиррали ҳодисаси бўлиб, у ўз ичига инсоннинг жамият, жамоа ва бошқа кишилар билан ўзаро алоқаларини белгиловчи тамоийллар, меъёрлар, қоидалар ва талабларни қамраб олади. Аммо бизга маълумки, инсон, жамият – бу ривожланувчи, ўзгариб турувчи характерга эга бўлган объектдир.

Демак, жамиятнинг ижтимоий онги шу билан бирга, ахлоқий онги, ахлоқ меъёрлари, тамойиллари ва қоидалари ҳам ўзгаришга учрайди. Инсоният ривожи ахлоқий маданиятнинг ҳам ривожини тақозо этади. Ибтидоий жамоанинг дастлабки даврларидаёқ вужудга келган ахлоқий маданият ишлаб чиқариш кучларининг равнақи, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг бири иккинчиси билан алмашиши натижасида ўзгариб, ривожланиб келган. Ахлоқий маданиятнинг янада юқорироқ бир поғонага кўтарилиши ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларга бевосита таъсир этади ва уларнинг янада ривожланиши учун асос тайёрлайди. Шунинг учун ҳам ҳамма даврларда ахлоқий тарбияни ривожлантириш, ахлоқий маданиятни янада юқорироқ даражага кўтариш муаммоси энг муҳим масалалар қаторида қаралиб келинган.

Ахлоқий меъёрларнинг танланиши ва турғун тус олиши ижтимоий борлиқ ва унинг маҳсули ижтимоий онгнинг таъсирида содир бўлса, ахлоқий тарбияни амалга ошириш бевосита маърифатчилар, олимлар ва педагогларнинг фаолиятини талаб этади. Ахлоқий меъёрлар бутун бир халқлар, давлатлар, жамоалар орасидаги муносабатларда намоён бўлади. Булар инсон ҳатти-ҳаракатининг ички томонини, шахс томонидан англанган муайян мажбуриятларнинг амалдаги кўринишини ифодалайди. У ҳам жамоатчилик фикрига, ҳам инсоннинг индивидуал онгига асосланади.

Жамиятда мавжуд анъана ва урф-одатларда ҳам ахлоқ меъёрлари ва мазмуни ўз аксини топади. Ахлоқий тарбиянинг бир категорияси сифатида ахлоқий қадриятлар қабул қилинган ва бу ахлоқий қадриятлар ахлоқий тарбиянинг мазмунини ва меъёрларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.Умуман қадриятлар деганда миллий ва умуминсоний қадриятлар тушунилади. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект

фаоллигининг орта бориши натижасида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Ахлоқий мазмундаги қадриятлар боланинг онги ва фаолиятини фаоллаштиради, иш ва сўз бирилигини таъминлашга ёрдам беради. Бундай қадриятлар жумласига инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-муҳаббат, поклик, катталарга ҳурмат, муҳаббат, хушмуомалалик, дўстлик, сахийлик, саҳоват, ширинсўзлик ва бошқалар киради. Мазкур қадриятлар негизида жамиятда, оилада, мактабда болани юксак инсоний фазилатларга онгли равишда амал қилишга даъват этиш ғояси ётади. Демак, ахлоқий қадриятлар ахлоқий тарбия мазмунининг ўзагини ташкил этади.

Ахлоқий тарбия тушунчалари, қоидалари ва меъёрлари дастлабки жамоалар вужудга келиши биланоқ вужудга кела бошлаган ва ана шу куртаклар аста-секин авлоддан - авлодга ўтиб ривожланиб борган. Жамиятнинг ривожланиши ва бир ижтимоий тузум ўрнини иккинчи ижтимоий тузум эгаллаши, ҳаётий тажрибалар асосида инсониятнинг онгини ривожланиб, бойиб бориши ўз навбатида ахлоқий тарбия мазмунини ҳам бойиб боришига олиб келди. Янгидан-янги ахлоқий билимлар, ахлоқий қадриятлар, қоида ва меъёрлар вужудга кела бошлади. Уларнинг баъзилари давр ўтиши билан ўз қийматини йўқотган бўлса, бошқалари янада ривож топиб, янада кенг тарқала бошлади. Ахлоқий тарбия мазмунини кўринишига, унинг шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омил – бу инсоният онгининг ривожланиш даражасидир. Инсон онги қанчалик юқори даражада ривож топса, ахлоқий онг ҳам шунчалик мукаммалликка эга бўлади. Айнан онг ахлоқий тарбия мазмунини ахлоқ қоидаларини, меъёрларини ва тушунчаларини белгилайди.

Ахлоқий тарбиянинг уч категоряси ажратилади:

1. Ахлоқий қадриятлар.
2. Ахлоқий онг.
3. Ахлоқий ҳиссиётлар.

Асрлар давомида тўпланиб келинаётган ахлоқий қадриятлар ахлоқий онг орқали идрок этилади ва ахлоқий ҳиссиётлар билан мустаҳкамланиб ахлоқий эътиқодга айланади. Ушбу жараённи содир бўлишида ахлоқий тарбиянинг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда ахлоқий тарбия мазмунини ҳосил қилувчи элементлар сифатида қуйидагиларни белгилаб чиқиш мумкин:

1. Умуминсоний қадриятлар.
2. Миллий қадриятлар.
3. Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари ва халқ педагогикаси.
4. Бугунги куннинг ахлоқийликка бўлган ижтимоий талаблари.

Бу омилларнинг ҳар қайсиси ахлоқий тарбия жараёнида ўз ўрнига эга. Аммо ахлоқий тарбия жараёни доимий равишда ривожланиб, мукаммаллашиб ва ривожланиб борувчи жараёндир, чунки тафаккур ривожи билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бугунги кунда ахлоқий тарбия жараёнини ўрганар эканмиз ахлоқий тарбия мазмунини

янада бойитиш эҳтиёжи туғилган эканлигининг гувҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам биз ахлоқий тарбиянинг мазмунини биологик билимлар билан бойитишни ва ахлоқийликнинг биологик асосларини ҳам ўрганишни тавсия этмоқдамиз. Ахлоқийликнинг биологик асосларини ўрганиш талабаларга ахлоқийлик ҳар бир шахснинг биологик, физиологик эҳтиёжи эканлигини тушунишга ёрдам беради.

1-чизма

Ахлоқий тарбия мазмуни



Бугунги кунда ахлоқий тарбияни мақсади ва вазифалари

Ахлоқий тарбия жараёнининг дастлабки босқичида шахс ахлоқ меъёрларига маълум даражада тўғридан-тўғри бўйсунган ҳолда кўр-кўрона амал қилса, ахлоқийликнинг юқори даражасига етганда, тўғридан-тўғри кўр-кўрона бўйсунниш онгли идрок этишга якка шахснинг ахлоқ меъёрлари ва жамият ахлоқ меъёрлари ўртасида уйғунликнинг ҳосил бўлишига эришиш лозимдир. Ахлоқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳам худди ана шу шахс ва жамият орасидаги уйғун муносабатнинг, ахлоқий бирликнинг ҳосил бўлишидир. Ахлоқийликнинг юқори поғонасида шахс жамиятнинг ахлоқий меъёрларини онгли равишда қабул қилади ҳамда ўз хулқ-одоб йўналишини мустақил равишда танлайди. Ушбу меъёрларни бурч ва виждон мезони сифатида қабул қилади.

Ўз вақтида Гельвиций шундай деб ёзган: «Табиат бизга дунё ҳақидаги тасаввурларимизнинг манбаи бўлган турли хил ҳиссиётларни инъом этган, у яна бизга ақлни ҳам инъом этган. Аммо ақл ва ҳиссиёт барча одамларда ҳар хил ва унинг сифати кўпроқ тарбияга боғлиқ ».[23]

Ахлоқий тарбиянинг мақсади ҳар бир шахснинг ахлоқий даражасини умумбашарий, идеал ахлоқ даражасига кўтариш. Ҳозирги даврда ахлоқий тарбия жараёнидаги энг долзарб масала ижтимоий ахлоқ қонунларини ҳар бир шахснинг ички ахлоқий қонун эҳтиёжига айлантириш масаласидир. Ҳудди шу масалага ўз вақтида И.Кант эътибор қаратган эди. «Инсоннинг энг буюк ахлоқий такомиллашуви, - деб ёзган эди у, - ўз бурчини бажаришдир. Ўз бурчини бажараётган инсон учун ахлоқий қонун нафақат қонун сифатида балки ўз эҳтиёжи сифатида қабул қилиниши лозим ».[24] Демак И.Кант бурчни бажарилишида бурч ҳиссини ривожлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Умумий ахлоқий талаблар ёки ахлоқий тамойиллар инсонга аниқ вазиятда аниқ ахлоқий ҳатти - ҳаракат шаклларини кўрсатиб бера олмайди. У энг юқори тамойил сифатида мавжуд бўлади. Шахс эса ўзи муаммонинг ечимини топиши ва энг тўғри ахлоқий меъёрни топа билган ҳолда ҳаракат қилиши керак бўлади. Ахлоқийлик маданияти эзгулик қилишни беғараз истагидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиш, ҳаракатларни танлаш қобилиятида намоён бўлади. Беғаразлик ғояси ахлоқнинг классик концепциясининг асосини ташкил этади. Айнан беғаразлик ахлоқийликнинг туб моҳиятини белгилайди. Бу шундай ҳолатки, унда ахлоқий ҳаракатлар ва муносабатларнинг айнан шундай бўлиши лозим эканлигига қатъий ишонч ҳосил бўлади ва бу шахснинг ажралмас қисмига айланади. Бунда ахлоқий тушунчалар ва меъёрлар шу даражада инсоннинг ички ҳаётига кириб борадики, улардан четга чиқишлар виждон азобини вужудга келтиради.

Алоқий тарбияланганлик ахлоқий ҳис-туйғуларнинг қай даражада ривожланганлигида намоён бўлади. Ўзига хос ҳамдардлик, бировнинг ютуғуга чин дилдан хурсанд бўла олиш хусусиятлари ахлоқий ҳис-туйғуларнинг ривожланиш мезонлари бўла олади. Бу борада И.Кант ахлоқий тарбиянинг икки даражасини ажратганини эслаб ўтиш мумкин. У ахлоқ қоидаларини жамият талаб этгани учун расмий равишда бажарувчи одамни маданийлашган одам деб атайди. Ахлоқ қоидаларини моҳиятини англаган ва ахлоқий ички эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хатти- ҳаракат қилувчи одамларни эса ахлоқий маданиятга эга одамлар деб ҳисоблайди. Алоқий маданият бирор фильмни кўраётган ёки бадиий асарни ўқиётгандаги адабий қаҳрамонга ҳамдардлик билдириш, унинг ҳаёти учун қайғуриш каби ҳиссиётлардан бирмунча юқори турувчи доимий ҳис-туйғуларни тақозо қилади. Бунда ҳақиқий ҳаётдаги ҳодисалар ва субъектга қаратилган ахлоқий ҳис-туйғуларни ривожланишини таъминлаши муҳим, аммо кўпинча бадиий қаҳрамонга нисбатан ҳолис қилинган ахлоқий ҳис-

[23] Гельвиций.К.А. Сочинения. 1.Том. ред. Н.Х.Момджяна. М. Мысль, 1974 -78, 107 ст
[24] И.Кант. Сочинения. 5-том. Под. общ. ред. В.Ф.Асмуса. М. Мысль, 1966 . 55 - 77 ст.

туйғулар ҳақиқий ҳаётга олиб ўтилмайди. Қийин аҳволга тушиб қолган кучукча ёки мушукча тақдири кино кўраётган болада чуқур изтироб уйғотиши, у ҳатто йиғлаши ҳам мумкин, аммо у шу вақтнинг ўзида касал бувисига ёки онасига мутлақо бефарқлик билан қараши ҳам мумкин. Бу ҳолда ахлоқий маданият ҳақида гапириш ноўрин албатта.

Эстетик воситалар орқали уйғотилган ахлоқий ҳис-туйғулар кўпинча томоша, ёки китоб тугаши билан сўнади. Демак экрандаги адабий қаҳрамонга ҳамдарлик ҳақиқий ҳаётдаги тирик одамларга ўтказилмаслиги ҳам мумкин. Бу аҳлоқий ҳис-туйғуларининг кам ривожланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари ахлоқий ҳис-туйғулари ривожланган, ҳақиқий ҳаётдаги конкрет одамлар учун қайғурувчи одамлар ҳам доимо ўз кечинмаларига хос равишда ҳатти - ҳаракат қила олмаслиги мумкин. Агар инсон юқори ахлоқий тамойилларга содиқ бўлиш имкониятига эга бўлса-ю, ундан фойдаланмаса, агар ўзининг ахлоқий тамойиллари ва кўрсатмаларига содиқликни сақлай олмаса, уни ҳам етарли ахлоқий маданиятга эга деб айта олмаймиз. Чунки ахлоқий маданият инсоннинг ички асоси билан жуда чуқур боғланган. Демак, ички ахлоқий асосни вужудга келтириш ахлоқий тарбиянинг асосий вазифаларидан бири экан. Аммо шу ўринда биз бугунги кунда педагогика фани ахлоқий тарбия жараёнининг айнан шу томонига етарли аҳамият бермаяпти деб таъкидлаб ўтишни лозим топдик. Биз педагоглар ахлоқий тарбия жараёнининг кўпроқ кўзга ташланадиган томонлари билан, ҳатти - ҳаракатлар, хулқ, одоб, муомала, шахснинг ташқи қиёфаси каби категориялар билан шуғулланмоқдамиз. Ушбу ташқи ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилган ички дастакка эса кам эътибор бермоқдамиз.

Ахлоқий тарбия жараёнида алоқий тушунчалар, категориялар ва тегишли хулқнинг идеал моделлари ахлоқий бойликларни қайд этиш билангина шуғулланмаслик керак. Ҳақиқий ахлоқий маданият ахлоқий қадриятларнинг турмушдаги муносабатларга кўчишида ўз аксини топади. Инсон умри давомида ҳар хил ҳаётий вазиятларга дуч келади, турли одамлар билан ҳамкорлик қилади. Турли хил ҳаётий вазиятларда инсон ўзининг ахлоқий тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Шахснинг ахлоқийлик ва ахлоқсизлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик тушунчаларига нисбатан ҳосил бўлган муносабати ва тасаввури шахснинг хулқ - атворининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир шахс ўзидаги ҳосил бўлган ана шу ахлоқий тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда муаммолар ечимини қидиради ва фаолият юритади. Демак, ахлоқий тарбиянинг асосий вазифаси инсоннинг ички дунёсини хусусан ахлоқий билим, тушунча, тасаввурларни ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тўғри йўлга солиш, уларни бийитиш ва ривожлантиришдан иборат экан. Лекин биз тадқиқот давомида бугунги кун талабаларида ахлоқий ҳиссиётларнинг меъзони ҳисобланмуш ҳамдардлик ҳиссининг жуда суст ривожланганлигини кузатдик. Бундан ташқари талабаларнинг ахлоқий қонуниятлар ва меъёрлар ҳақидаги тасаввурлари ҳам жуда юзаки. Улар нима учун айнан шу ахлоқий қонуниятлар ва меъёрлар ўрнатилган

эканлигини таҳлил қила олмайдилар. Демак биз бугунги кунда ахлоқий тарбия жараёнида кўзланган мақсадга тўлиқ етишмоқдамиз деб айта олмаймиз.

Инсон ахлоқий маданиятнинг энг оддий меъёрларини илк ёшлигидан бошлабоқ аввал оилада, сўнг ўртоқлари билан бўладиган муносабатларида эгаллай бошлайди. Бу аҳлоқий меъёрларга амал қилишнинг мотивлари турлича бўлади. Ота-онага бўлган ҳурмат ва муҳаббат болани ахлоқий талабларга амал қилишга ва шу орқали ота-онанинг ҳайрихоҳлигига ва меҳрига сазовор бўлишга ундайди. Бундан ташқари меъёрларга амал қилмаслик ҳолатида жазолашдан фойдаланиш ҳам болани огоҳ бўлишга ундайди. Ўз тенгқурлари билан мулоқотга киришиш иштиёқи, ички эҳтиёж ҳам болада ахлоқий меъёрларга амал қилиш мотивациясини уйғотади. Буларнинг барчаси ҳар бир ёш болани ахлоқий меъёрлар билан тўқнашишига ва уларга амал қилишни ўрганишига ёрдам беради. Буларнинг барчаси инсонда ахлоқий меъёрларга амал қилиш малакасини ва кўникмасини ҳосил бўлишига олиб келади. Аммо бундай ахлоқий меъёрларга амал қилишни биз хали ахлоқий онглилик даражаси деб айта олмаймиз. Чунки бу ҳолда ахлоқий меъёрлар ички эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ташқи таъсирларнинг натижаси сифатида вужудга келади. Шунга қарамай ахлоқий даражанинг бу дастлабки поғонаси жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошланғич нуқта сифатида кейинги ривожланиш учун хизмат қилади. Ахлоқий ривожланишнинг бу босқичида атроф-муҳитдаги ахлоқий маданият даражаси энг муҳим ролни ўйнайди. Ахлоқсизланган, тубан муҳитда ахлоқий меъёрларни узлуксиз бузилиши рўй берувчи муҳитда ахлоқий малака ва кўникманинг ҳосил бўлиши амри маҳол. Чунки ахлоқий тарбиянинг дастлабки босқичида инсон намунага, ахлоқий идеалга, ахлоқий меъёрларга амал қилиш мотивациясига ўта муҳтож бўлади. Демак, бу юқоридаги фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса қиламиз:

- ахлоқий тарбияни дастлабки поғонасида ахлоқий муҳит, ахлоқий шарт-шароитлар энг асосий омил сифатида майдонга чиқади ва шунинг учун ҳам бизнинг биринчи вазифамиз бу поғонада ана шу қулай ахлоқий муҳитни яратишга ҳаракат қилишдир. Бу ахлоқий тарбиянинг дастлабки вазифаларидан бири. Аммо муҳит, хусусан ахлоқий муҳит қанчалик қулай бўлмасин, у ўз-ўзидан ахлоқни шакллантира олмайди. Ана шу ахлоқий муҳитда яшаётган шахснинг индивидуал хусусиятлари (темперамент, характер, қобилияти) муҳит таъсирига нисбатан ўзининг жавоб реакциясини вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир шахс ташқи таъсирга ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради.

Шунинг учун ҳам ҳатто бир оила, яъни бир хил ахлоқий муҳит ҳукм сураётган шароитда ҳам фарзандлар турлича даражадаги ахлоқий тарбияга эга бўладилар. Ҳар бир шахс ахлоқий муҳитни ўзига хос равишда қабул қилади ва шу тасаввурлари асосида ривожланади. Демак, ахлоқий тарбия жараёнида биз нафақат ижобий ахлоқий муҳит ҳосил қилишга

ҳаракат қилишимиз, балки бу жараёнда ҳар бир шахсни индивидуал хусусиятларини ўрганишга ва шу билимлардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишга ҳам эътиборни қаратишимиз жуда муҳим. Демак, ахлоқий тарбиянинг иккинчи вазифаси:

– тарбия жараёнида ҳар бир шахсни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш экан. Ахлоқийлик тушунчаси жуда мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлганлигидан баъзи ҳаётий вазиятларда кишилар нима яхши-ю, нима ёмон, ахлоқийликни чегараси қаерда тугайди?-деган саволга жавоб топа олмай қоладилар. Эзгулик ва ёвузлик орасидаги чегарани топишни ўзи ҳам маълум ахлоқий билимларга эга бўлишни талаб этади. Эзгулик ҳақидаги тасаввурларимиз, эҳтиёжларга баҳо бериш ахлоқий тасаввурларни ташкил этишига ўз таъсирини ўтказади. Чунки ҳаётда «фойда» ва «роҳат» категорияларини баъзан бир-биридан фарқлаш қийин. Л.Б.Волченко ўзининг «Гуманность, деликатность, вежливость и этикет» номли китобида: «Эмпирик билимлар ҳақиқатни сохталикдан устувор эканлигини фалсафий жиҳатдан англаб, назарий жиҳатдан асослаб, тўлдириб бориши керак » -деб ёзади.[25]

Клод Гельвиций қуйидагича фикр билдиради: « ахлоқ ҳақидаги фан ва ахлоқий тарбиянинг мақсади – одамларни бахтга етказишдир. Агар одамлар табиатан турли қусурлардан холи бўлган тақдирида ҳам маърифат уларга ўзларини бурч чегараларида ушлаб туришга ёрдам беради. Буюмларнинг ҳақиқий табиатини ва ҳақиқий тартибини англаш жамиятни яхшироқ ташкил қилишга ёрдам беради, яхши ташкил қилинган, адолатли жамият эса, мутафаккирнинг фикрига кўра, шахсий ахлоқийликнинг кафолати, муҳим шарти бўлади. Ахлоқий нодонлик – бу йўлни йўқотиш, номаълум йўналишда адашиб юриш, бахтсизликдир».[26]

Ривожланишнинг барча босқичларида жамиятда қарор топган ахлоқий билимлар янги ахлоқий билимлар билан тўлдирилиб бириши талаб этилган. Айтиш жоизки, бу қонуний жараёндир. Демак, ҳозирги вақтда ҳам ахлоқий билимларимиз қанчалик бой бўлмасин диалектик ривожланиш қонуни ушбу ахлоқий билимларни янада тўлдириб борилишини талаб этади. Айниқса Ўзбекистон республикасида рўй бераётган сифат ўзгаришлар бугунги кунда ахлоқий қарашларни қайтадан талқин этишни, фан ва техниканинг ривожи натижасида эришилаётган янги билимлардан ахлоқий тарбия жараёнида фойдаланишни тақозо этишини назарга олсак, бу вазифани қанчалик зарурлигини ҳис этамиз. Демак, биз ахлоқий тарбияни учинчи вазифасини ҳам аниқлаб олдик бу : - ахлоқий билимларни янада тўлдириб бориш, илм-фан эришган янги билимлардан ва ютуқлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

Ахлоқийлик тарбиянинг яна бир зарур вазифаларидан бири бу:

---

[25] Л.Б.Волченко. Гуманност, деликатность, вежливость и этикет. М.1998.

[26] К.Гельвиций. Сочинения. 1 том. Общ. Ред. Х.Н.Моможяна. М.Мысль 1974 (45-50)

- тарбияланувчиларнинг ахлоқийлик даражасини ўрганиш ва бу жараёнда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш. Ана шу камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг йўлларини қидириш лозим. Бугунги кун талабларини ўрганар эканмиз, уларнинг ахлоқий тарбияга нисбатан ҳам узлуксиз ошиб боришини гувоҳи бўламиз. Демак, ахлоқий тарбия жараёнини тобора мураккаблаштириб бориш, ахлоқий тарбия мазмунини бойитиш ва ахлоқий тарбиянинг янги самарали усулларни ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни бажариб бориш ҳамда бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини узлуксиз равишда амалга ошириб бориш талаб этилади.

2- чизма

Ахлоқий тарбиянинг
вазифалари



Ахлоқий тарбия жараёнида вужудга келаётган муаммолар

Замонавий инсон учун тафаккур унинг қудрати ва шу билан бир қаторда заифлигининг асосидир. Тафаккур бизга табиат ҳодисалари устидан ва янада буюк куч бўлмиш ўз «мен» имиз устидан ҳукмронлик қилиш имконини очиб беради. Аммо муаммо шундаки тафаккур онгимизнинг ривожланиш калити бўлишига қарамасдан унинг ўзи алданишга моликдир. Инсонни ҳеч нарса шахсий тафаккурчалик алдаб ва чигаллаштириб юбормайди. У тасаввур ва ассоциацияларнинг шунчалик мустаҳкам ва деструктив доираларини ҳосил қиладики, улардан қутилиш жуда мушкул бўлади.

Бундай рефлектор, автоматик ишловчи тафаккурни инстинктлар ва шартсиз рефлекслар билан таққослаш мумкин. Мисол учун, асалари уясини орқа томонидан кесиб қўйилса, у кўр-кўрона инстинктга амал

қилиб, асални яроқсиз катакка йиғаверади. Инсонлар ҳам баъзан худди шундай фикрларининг яроқсизлигини ва беъманилигини била туриб, маъносиз жумлаларни сўзлаб ижтимоий муҳитни ахборот шовқин ва чалкашликларга тўлдирадилар. Тартибсиз фикр юритаверадилар. Ана шу фикрлар ичида салбий, чегараловчи ёки емирувчи фикрлар борлигини тасаввур ҳам қилмайдилар. Бугунги фикр эртага кўрсатмага айланишини ва инсон ҳаётида маълум ўринни эгаллашини англамайдилар. Бугунги кунда фикрлаш ахлоқини ривожлантиришнинг энг катта муаммоси – бу талабаларни тўғри фикрлашга ўргатишдир. Уларда нафақат мантиқий, танқидий, конструктив фикрлашни ривожлантириш, балки талабаларда фикрларни бошқариш малакасини ҳам ҳосил қилишга ёрдам беришимиз лозим. Биз талабалар фикрларининг чексиз дунёсида адашмасликлари учун уларга фикрлаш механизми, турли хил фикрларнинг табиати ва таъсири ҳақидаги ахборотни етказишимиз айни муддаодир. Ҳозирда талабаларда тафаккурга нисбатан хусусан фикрга нисбатан ахлоқий муносабат шаклланмаган.Улар фикрлаш ахлоқи ҳақида тушунчага эга эмаслар. Бу эса ахлоқий онглиликни тарбиялашда кўпгина муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ахлоқий ҳиссиётларнинг мураккаблиги ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги маълум. Уларнинг асосида бошқа одамларга нисбатан ҳосил бўлган муносабатлар ва идрок билан боғлиқ бўлган кечинмалар ётади. Атроф муҳитга ўзига хос реакция сифатида ҳосил бўлувчи ахлоқий ҳиссиётлар маълум ҳаракатга ундовчи сифатида ёки маълум ҳаракатни баҳоловчи сифатида майдонга келиши мумкин. Бундай ҳиссиётлар мияда ишлов берилгач яна юракка қайтган (рационал) ақлли ҳиссиётлардир.

Адолат, бурч, виждон, номус, қадр-қиммат ва бошқа ҳиссиётларни психологлар ахлоқий ҳиссиётлар деб атайдилар. Аммо ҳар қандай бошқа инсоний ҳиссиёт, агар унда ахлоқий муносабат ёки ахлоқий баҳо ҳамда ахлоқий сабаб мавжуд бўлса ахлоқий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ахлоқийликда умуман мезон сифатида ташқидан ичкига айланиш ўлчамидан фойдаланиб ҳар хил даражаларни ажратишни В.А.Блюмкин таклиф этади. У ахлоқийликни учта даражасини ажратади.

Биринчи – «элементар ахлоқийлик» даражаси, яъни ахлоқий уқтириш ва тақлид этиш даражаси.

Иккинчи – «ташқи ахлоқий регуляторга асосланиш даражаси», бунда ички механизмларнинг таъсирида ҳам тартибга солиш ва баҳолаш қисман юз беради.

Учинчи – «ахлоқий ўз-ўзини тартибга солиш даражаси» . В.А.Блюмкин фикрича ана шу учинчи даражада ахлоқийлик виждонийлик билан тенглашади. Виждон ҳақиқатдан ҳам ахлоқий рефлексиянинг энг муҳим элементи ва ўз ўзини баҳолашда шахсий қобилиятнинг далолати бўла олади.

Аммо бугунги кунда биз ахлоқийликнинг ташқи элементларига (хулқ-атвор, муомала маданияти) асосий эътиборни қаратиб, ахлоқий

онглилик ва ахлоқий ҳиссиётларни тарбиялаш масаласига жиддий ёндошмаяпмиз. Биз бугунги кунда ахлоқий тарбия жараёнига ижтимоий талаб сифатида қарамоқдамиз, аммо ахлоқий тарбия на фақат ижтимоий талаб, балки биринчи галда ҳар бир шахс учун биологик заруратдир. Лекин ахлоқий тарбиянинг ана шу жиҳати педагоглар назаридан четда қолмоқда.

Ахлоқий тарбияни ривожлантириш услубиёти

Биз Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия хусусидаги фикрларини ўрганар эканмиз, уларни ахлоқийлик ҳақидаги замонавий билимларимиз ва тасаввурларимиз билан солиштиришга ва боғлашга ҳаракат қилдик. Буюк мутафаккирларимизнинг ахлоқий тарбия ҳақидаги фикрларини ўрганар эканмиз, бу ғоялар бугунги кунда ўз қадрини йўқотмаганлигини гувоҳи бўлдик. Биз А.Н.Форобийнинг ахлоқийлик тафаккурга асосланган ҳосилотдир – деган ғоясини, А. Берунийнинг ахлоқий тарбия жараёнида руҳиятнинг уйғунлигига эришиш лозим деган ғоясини, А. А. Синонинг инсон маънавияти, ахлоқи унинг саломатлигига ўз таъсирини ўтказади деган ғоясини ўз тадқиқотларимизга асос қилиб одик. Бугунги кунда олий таълим тизимида олиб борилаётган ахлоқий тарбия жараёнини ўрганар эканмиз, айнан ана шундай йўналишларнинг йўқлиги аниқланди. Биз ахлоқий тарбия жараёнида ахлоқийликнинг ташқи элементларини тарбиялашга ҳаракат қиламиз, аммо ахлоқий онгни тарбиялаш масаласига жиддий ёндошмаймиз. Биз ахлоқий тарбия жараёни тафаккурга асосланади деймиз-у, аммо илмий таҳлил методидан деярли фойдаланмаймиз. Биз ахлоқийлик меъёрларига амал қилмаслик инсон саломатлигига қандай таъсир ўтказишини ўрганмаймиз. Бу эса ахлоқий тарбия жараёнининг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Ахлоқий тарбия жараёнида уқтириш, одатлантириш, намуна кўрсатиш, рағбатлантириш ва жазолаш усулларидан фойдалангимз.

Аммо кейинги илмий тадқиқот натижалари ахлоқий тарбия жараёнида илмий таҳлил методидан фойдаланиш талабаларда ахлоқийликга нисбатан янгича муносабат уйғотишини кўрсатди. Илмий таҳлил методидан фойдаланиш жараёнида нима учун айнан шу ахлоқий қонуниятлар, ахлоқий меъёрлар ўрнатилганлигини илмий асосда таҳлил қилиш керак бўлади. Агар ўргатиш, уқтириш, намуна кўрсатиш методлари ахлоқий тарбияда ахлоқий хулқ-атворни, муомалани тарбиялашда қўл келса, илмий таҳлил методи ахлоқий эътиқодни, ахлоқий онгни ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялашда жуда қўл келади.

Жамият ривожланиши ахлоқий тарбия олдига янгидан-янги талабларни қўйиб борар экан, ахлоқийлик ҳақидаги бизнинг тушунчаларимиз ҳам шу талабларга хос равишда кенгайиб бориши лозим. Инсониятнинг ахлоқийлик ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурлари доимо янги билимлар ва қарашлар билан бойитиб борилган. Биз ахлоқий тарбия жараёнини янада самаралироқ бўлиши учун ахлоқийлик ҳақидаги билимларимизни янада кенгайтиришни таклиф этамиз. Бугунги кунда

ахлоқий тарбия мазмунини ахлоқийликнинг биологик жиҳатларини ўрганиш орқали бойитиш имкони туғилди. Чунки ахлоқий тарбиянинг биологик жиҳатларини ўрганиш ахлоқийлик нафақат ижтимоий талаб, балки ҳар бир шахсни соғлом ҳаёт кечиришининг зарурий шарти эканлигини англаб етиш учун замин тайёрлайди. Бу эса ахлоқий тарбия жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундай билимлар билан талабаларни қуроллантириш, уларда ахлоқий эътиқодни ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялашда яхши самарага эришишнинг асосий шарти сифатида майдонга чиқади. Маълумки, ҳар қандай тарбиянинг асоси инсон ўзлаштирган билимларга бориб тақалади. Албатта бу билимлар англаниши ва эътиқодга айланишигина инсон тарбиясига ўз таъсирини ўтказади. Бу жараёнда уқтириш, одатлантириш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш каби ҳатти-ҳаракатларнинг ҳам ўз ўрни бор. Аммо ахлоқий эътиқодни ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялашда бу метоларнинг ўзи етарли эмас. Демак биз нафақат ахлоқий тарбия мазмунини бойитиб боришимиз, балки ахлоқий тарбия методларини ҳам янгилаб, мукаммаллаштириб бориш лозим.

Ахлоқ, хулқ ва атвор сўзлари арабча бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Айрим адабиётларда ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи, дейилса, бошқаларида эса, ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири, социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради дейилади.

Ахлоқ бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти номидан яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоюгй муносабатлардаги мақбул ва номакбул, ман этшшайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белтилаб беради.

Ахлоқ нормалари хулқ-атворнинг регулятори сифатида одат нормаларига яқин туради. Ҳуқуқ нормаларига зид хатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса, ахлоқ ихтиёрийдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан бирга, профилактика ишларини ҳам олиб боради.

Шарқ мутафаккирлари ахлоқни иккига ажратиб тасниф этадилар. Чунончи атоқли педагог ва шоир Абдулла Авлоний одамларни ахлоқий жиҳатдан икки тоифага бўлади ва ҳар қайси тоифага хос бўлган сифатларни изоҳлайди. Унинг кўрсатишича, кишилар «яхши хулқли ва ёмон хулқли» бўладилар: «Ахлоқ илми — инсонларнинг хулқларини иккига бўлишдир. Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлиб «яхши хулқ», агар тартибсиз ўсиб, ёмон ишлар қиладурғон бўлиб кетса, ёмонликка тавсиф бўлиб «ёмон хулқ» деб аталур.

Демак, ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади.

Маънавий сифатлар ва ахлоқий хулқлар

Жамияг тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорликқаратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли бўлади. Бундай жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлада. Қайта қуриш ошкоралик ва миллий мафкура сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган Республикамиз халқи чуқур билим ва юксак тафаккурга асосланган ана шундай адолатли, ҳуқуқий жамият қуриш йулидан дадил олға бормоқда. Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат асарида бундай дейди: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиягдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқгисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингаб кетиши ижтимоий кўмаклапгув механизмида ўз аксини топиши керак. .

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат қариялар, ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликда, ёшларнинг билим олишлари учун доимий равишда кўрилаётган чора-тадбирларда ўз аксини топмоқда.

Қомусимизда, "ҳар бир фуқаро динидан, ирқидан, миллатидан, келиб чиқишидан, амалидан қатъий назар қонун олдида баробардир", дейилади.

Республикамизда амалга киритилган ва ишлаб чиқилаётган қонунларда қуйидаги кафолатлар таъминланган:

- аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлиши таъминланган;
- барчанинг тенглигини, фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратилган.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат[1].

Сифат - алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодоловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Ўқиб-уққан, чуқур маънавиятли, адолатли ва адолатсизликнинг фарқита тушунган инсон қайси йўулдан бораётганлигини тушуниб етади. Юртига

[1] **Н.Ғайбуллаев ва бошқ. Педагогика (маърузалар матни). - Т.: 2000. 49-бет.**

нисбатан меҳр, ғурур пайдо бўлади. Натижада у ҳам Ватанининг равнақига муносиб фарзанд сифатида ўз ҳиссасини қўшади.

Педагоглар ва ота-оналарнинг бурчи ўқувчи ва талабаларимизни Ватанга муҳаббатли, имонли, эътиқодли ва адолатпарвар қилиб тарбиялаш, шакллантиришдан иборатдир. Бундай фазилатларни ўзида касб этган ёшларимиз, қандай вазиятда бўлмасин, ҳамма вақт ўзига тўғри йўл танлай олади.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорршларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб - ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан мулоқотида ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Хулқ — одобнинг ички туйиқ кўникмага айланган кўриниши.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият - жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият — инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Мушоҳада қялиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Юқоридаги фикрлардан, чизгилардан кўриниб турибдики, инсон маънавиятли бўлиши учун жуда кўп инсонийлик билимлари сарчашмасидан баҳраманд бўлиши, ўз устида тинмай изланиши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чиқариб бориши лозим.

Ҳаётни кузатар эканмиз, ҳар бир инсоннинг жисмоний, интеллекгуал ва маънавий жиҳатдан ягона бўлишини, унга ҳар томонлама айнан бўлган иккинчи бир инсоннинг йўқлигини ва тарихда ҳам бўлмаганини кўрамиз, табиатнинг ҳассослигига, бетакрорлигига тасаннолар ўқиймиз. Инсонлар бир-бирларига айнан яқин бўлмасалар-да, улар бир жамиятда яшаб, ўзаро ҳамкорликда ҳамжиҳатлик билан бунёдкорлик, яратувчилик билан шуғулланмоқдалар, эзгулик уруғини сочмоқдалар, бу уруғларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиб яшамоқцалар. Бундай инсонлар ҳам ақлий, ҳам ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ҳар нарсага қодир, юзидан нур балқийдиган, тилидан бол томадиган хушфеъл инсонлардир. Улар жамиятнинг, халқнинг севимли фарзандларидир. Шу боис уларга ҳавас қилса, тақлид қилса, улардан намуна олса арзийди.

Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида ана шундай инсонлар ҳақида бундай дейди: "Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур".Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли,
билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни

кўзда тутса, "Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади", дейди. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсон бўлишга ундайди[1].

Меросий манбаларимизнинг яна бири Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асаридир. Аллома бу асарида қизларга шундай мурожаат қилади: қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга келин бўлиб тушмоқдасан. Эринг осмон бўлса, сен ер бўл, Осмон ўзининг шифоли ёмғири билан ерни кўкартирганидек эринг ҳам ўз меҳри билан сени асраб. авайлайди, Эрингнинг кўзига пала-партиш кўринма, ўзингга оро бер, сув ва сурма ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Эринг кучи етмаган нарсаларни олиб бер деб харҳаша қилаверишни ман қиламан.[2]

Абу Райҳон Беруний бу фикрларини худди бугун қизларимиз ва аёлларимизнинг қулоқларига шивирлаётгандек, назаримизда. Берунийнинг ижодига разм солсак, ул зоти шарифнинг ниҳоятда кўп мутолаа қилганини, изланганини, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Беруний фақат ҳайитлардагина дам олганлар. Улар ҳайитнинг биринчи куни хасталарни, кўнгил яқинларини, ёши улуғларни зиёрат қилганлар. Иккинчи куни марҳумлар хонадонига ташриф буюриб, уларни ёд айлаганлар. Учинчи куни эса кейинги ҳайитга етгулик озуқа ва кийим-бош, керакли уй-рўзгор буюмлари, асбобларини харид қилиш учун вақт ажратганлар.

Инсон комиллигининг мезони унинг ўқиб-уққанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси ва уларни ҳаётда қўллай билиш кўникмасини ҳосил қилганлиги билан белгиланади.

Онги билимлар уммонига айланган, ўқиб-уққан толиби илм аҳилларимизнинг тафаккури бой, тил-забони ширин, камтар бўлиб, тўплаган билим заҳираларидан ўзгаларни ҳам баҳраманд эта билмоқлари зарур. Шундай инсонлар борки, ақлий билими чуқур, аммо ахлоқий билими саёз. Аксинча ахлоқий билими етарли, лекин ақиий билими қониқарли эмас. Агар инсон ақлий ва ахлоқий билимларини пухта эгаллаб, уни чуқур тафаккур қилса ва тил дастурхонига солиб, уни харидорларига чиройли қилиб, меҳрли узата олса-айни муддао. Жамиятимизнинг равнақи шундан, ёшларимиз камолоти шундандир[2].

Республика Олий Мажлисининг XII-сессиясида Президентимиз томонидан "Куч-билим ва тафаккурда" деган теран бой фикр илгари сурилди. Тафаккур - инсоннинг бутун ҳаётий ижодий фаолиятини идора қилувчи онгий камолот ўлчовидир. Унга фақат билим олиш, ҳаётни кузатиш, уни ўқиш ва уқиш, яхши ва ёмонни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш орқали эришилади. Тафаккур ақл тарозиси бўлган тил орқали намоён бўлади.

---

[1] А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1996. 41-бет.
[2] А.Қаюмов. Абу Райҳон Беруний. – Т.: 1987. 154-бет.
[2] Н. Ғайбуллаев ва бошқ. Педагогика. (Маърузалар матни).-Т.: 2000. 54-бет.

Сизнинг сўзлаган сўзингиз, айгган фикрингиз тафаккурингизнинг, ақл-идрокингизнинг, онгингизнинг ойнасидир.

Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бундай ёзади: «Уруғни қара. Олдин унинг ҳамма ёғи лойга, чангга беланди. Сўнг у ерга қадалгандан кейин қаттиқ ерни ёриб, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидаб, юзага ерга чиқади.У забардаст дарахт бўлади, мева тугади, қанча-қанча одамларнинг ҳожатини чиқаради. Ҳар қандай ишнинг, ҳар қандай ютуқнинг қийинчилиги бўлади.Унга сабр-тоқат қилган инсон кейин роҳат-фароғатда яшайди»[1].

Бир инсоннинг иккинчи бир инсонга интилиши, уни дил қумсаб, соғиниши замирида муомала маданияти ётади. Жамиятнинг ривожланганлиги, унинг маданиятлилик даражаси, равнақи кўп жиҳатдан унда яшайдиган кишиларнинг муомала маданияти билан белгиланади. Ақли теран, фикри уммон, ҳақиқий маънавиятли инсон муомала жараёнида ўз фикрини тафаккур дошқозонида қайнатаб, сўнг тил дастурхонига узатадилар. Инсоннинг тил-забонидан унинг қанчалик фаҳм-фаросатга эга эканлигини билиб оласиз.

Халқимиз "Сўз - ақл тарозиси" деган мақоли билан минг карра ҳақиқатни айтган. Инсон мартабаси унинг сўзидан билинади, лекин сўзининг мартабаси киши билан белгиланмайди. Нодир манбалардан бири "Қобуснома"да Кайковус ўғли Гилоншоҳга бундай дейди: "Киши сухандон, суҳангўй (нотиқ) бўлиши керак. Суҳангўй шул киши бўлгайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай".[2]

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқгисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиш, умумий қилиб айгганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириб, сайқаллаб бормоғи керак. И.А.Каримов ўзининг "Баркамол авлод орзуси" китобида, “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори", "Куч билим ва тафаккурда" деган ғояларни илгари суриб, ёшларни шундай бўлишига ундаётганлиги бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар эртанги юрт эгаларидир. Шунингдек, юртбошимиз комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз", дейдилар. Демак, Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи

[1] **А.Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. – Т.: 1983. 24-бет.**
[2] **Кайковус. “Қобуснома”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. 134-бет.**

"Баркамол авлод" комилининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил фикрлай олиш ва ўрганган билим ва тажрибаларини амалиётда қўллай билишидир. Хўш, ёшларда мустақил фикрлай олиш ва ўзининг шахсий, хулосасини чиқара оладиган фазилатни қандай тарбиялаш мумкин?

Мустақил фикрлаш комилликиинг асосий белгисидир. Комиллик 3 босқичдан иборат[3]:

1. жисмоний саломатлик
2. ахлоқий поклик
3. ақлий етуклик.

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш етакчи устувор ўрин эгаллайди. Талаба ёшлар тарбияланишни қалбан хоҳлаб интилсалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик даражасига осонлик билан эришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга эришиш эса, асаб гизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатги-ҳаракатлар узлуксиз фаоллик, фидойилик, билимга чанқоқлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошади. Мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Англаш — бирор бир ғояни (фикрни) туб мазмунига тушуниб етиш.

Мушоҳада — шу ғоя (фикрни)ни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур — инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билим-лар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётга қўллаш.

Амалиётда (пракгикада) қўллаш — ҳаётда бир неча бор қўлланилган ўзининг ижобий ҳосиласини берган, ишончли муаммолар ечими билан солиштириб, хулоса қилиш, сўнг тафаккур савиясига таяниб, ягона ечимни танлаш ва ундан амалиётда фойдаланишдир.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо тади. Худди шу боисдан инсон ўзининг мустақил фикрлаши, муомаласи, нутқи ҳамда онгли хулқ-атвори туфайли борлиқцаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Инсон мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқелигига мос тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар) чиқарилган қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил фикрлаш орқали воқеликни умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс этгиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусият ҳамда механизмларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриб туриш имкониятига эгадирлар.

---

[3] **Н.Ғайбуллаев ва бошқ. . Педагогика (Маърузалар матни). - Т.: 2000. 59-бет..**

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсаткичига кўра бир неча турларга ажратилиб тадқиқ қилинади. Мустақил фикрлаш ақлий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириқпар ечиш назарда тутилади. Уларнинг шартлари, моҳияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англаш имкониятлари кузатилади.

Ижгимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъекгив) муносабатлар, алоқалар, ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала меъёри, мустақил фикрлаш мажмуаси тариқасида юзага келади. Жамоада танқид, ўзини-ўзи танқид қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи намоён қилиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, гуруҳий мулоҳаза мушоҳададан иборат мустақил фикр юритиш сифатлари шаклланади.

Мустақил фикр юритиш жараёни муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Лекин мазкур вазият туғилиши, ечими бу билан тугалланмайди. Инсонда билишга нисбатан мойиллик, ихтиёрсиз хатти-ҳаракат муаммоли вазиятгача ёркин бўлмаган, ноаниқликларни излаб топиш каби ҳолатлар юзага келади, сўнг туб маънодаги ечимга муҳтож муаммоли вазият яралади ва ниҳоят унинг ечими топилса-да, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом этаверади.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

Мустақил фикр юритиш жараёни қуйидаги босқичлардан таркиб топган[1]:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаб англаб (тушуниб) олиниши керак. Агарда инсон олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у ҳолда у бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Мушоҳада ҳам қилмайди. Инсон танбалликка мойилдир. Мабодо шахс ҳал қилиниши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўл ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, муҳим муносабатлар, урф-одатлар, боғланишларни яхши билиши ва уни тадбиқ қила олиши зарур. Бунинг учун шахсий тажрибада учраган ҳолатдан, усуллардан ҳолатларни хотирада сақлаш ва уни ўхшаш муаммоларни ечишда қўллаш жараёни амалга оширилади.

3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади. Турли вариантлар ҳақида фикр юритилади, улар ўзаро қиёсланади ва энг самарали вариантлар ажратилади.

---

[1] Э.Ғозиев. Педагогик психологая асослари. - Т.: “Университет”, 1997, 45-бет

4. Муаммо олдига қўйилган гипотезани муайян мезонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маъновий, ақлий, тузилмавий жиҳатдан таққосланади. Бу ўринда ижодий хаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини тадбиқ қилиб кўрилади ва айрим ўзгартиришлар киритиш мўлжали ойдинлаштирилади. Гипотеза мантиқий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, муҳим аломатлари ажратилади, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва хулосалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия қилинади. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техник масалаларни ҳал қилишда, кашфиётларни яратишда, ихтирочилик таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий қилишда турли-туман вариантлар, технологик карталар ва бошқа моделлар фикран таҳлил қилинади. Сўнгра улардан энг маъқули, омилкори, энг мақсадга мувофиқи танланади ва унинг устида бош қотирилади.

6. Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларни тўғрилигига ишонч, қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи шахс уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти-ҳаракатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳазалаш шаклларидан сўнг масала (топшириқ) батамом ҳал қилинади ва бу муаммо тўғрисида ўйлаш нисбий жиҳатдан вақгинча тўхтатилади. Эришилган муваффақият ҳаётга жорий қилинади: Бошқача айтганда бу муаммо ва унинг ечимини топиш учун қилинган ҳаракатлар ва ечимлар келгуси муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун керак бўлади. Бу тажрибалар онгнинг хотирасида сақлаб қўйилади ва навбатдаги ҳаётий муаммоларни ечишда чуқур ўйлаш, мушоҳада қилиш, тафаккур савиясига мос, ҳаётий тажрибага таяниб ечим излаш ва уни орттирган ҳаётий тажрибалар билан қиёслаш, ундан кейингина ягона охирги хулосата келиш ва уни ҳаётда қўллаш каби берк айланма тизим (система, механизм) ҳосил бўлади. Бу тизим чексиз давом этаверади.

Шундай қилиб, ҳар бир шахс ўз ақл-идроки, тафаккурнинг теранлиги, интеллектуал шаклланганлигига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Меҳнат тарбияси ва ўқувчиларни касбга йўналтириш

Президентимиз И.А.Каримовнинг 1997 йилдаги Олий Мажлиснинг IX-сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир» мавзусидаги маърузаси таълим тизими олдида турган улкан вазифаларни белгилаб берди. Ушбу сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўтказилаётган туб ислоҳатларнинг устивор йўналишини белгилаб беришда алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан ёшларнинг маънавий, ахлоқий, жисмоний, руҳий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама касб-ҳунар танлашга мустақил тайёрлаш долзарб муаммодир.

Ёшларни касб-ҳунар танлашга тайёрлашда ҳар бир ўғил-қиз шахсидаги индивидуал хусусиятлар мажмуасини назарда тутиб, уларнинг руҳидаги туғма имкониятлар, ҳаёт давомида таркиб топган ва мустаҳкамланиб характерига айланиб қолган маълум бир касб-ҳунарга нисбатан бўлган лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш ва ақл-заковат устунликларига қараб касб-ҳунар танлашга йўналтириш бугунги кунимизнинг характерли белгиларидир.

Ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасидаги инсоний фазилатлар билан таълимий характердаги хислатлар мажмуаси ўртасидаги ўзаро мосликнинг қай даражада танлаётган касб-ҳунарга тайёрлашда фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг шахсий намунаси ва ҳамкорликда амалга оширадиган тадбирлар касбга тайёрлашнинг ҳозирги кундаги долзарб масалаларидан биридир.

Мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга бўлган интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини мукаммалроқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарига, касб-ҳунар ҳақида маълумот берувчи ўқув марказларига, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган завод ва фабрикаларга экскурсиялар уюштириш, илғор касб-ҳунар вакиллари билан учрашув кечалари ташкил этиш, ўқувчилардаги касб-ҳунарга оид тасаввур ва тушунчаларини кенгайтиришга алоҳида имконият йўлларини очади.

Тажрибали педагоглар ҳар бир касб-ҳунарнинг ижтимоий моҳиятини ёшлар томонидан қандай тушуниб англашларини, улар касб-ҳунар эгаси сифатида кимларгадир керакли одам сифатида, Ватан, эл, юрт учун фидойи меҳнат қилиш уларнинг муқаддас бурчлари эканлигини қалбдан ҳис этувчи ҳушёр мураббий, баркамол педагог сифатида фаолият кўрсатиши зарур.

Педагог ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда илм-фан учун чанқоқ бўлган, янгиликларга интилиб яшайдиган, миллий ғурури юксак бўлган, кутилмаганда, фавқулодда ўзини намоён эта биладиган қобилиятли ёшларни аниқлашда психологик, педагогик тадқиқотларнинг илмий тавсияларини назарда тутиб, тадбиркорлик асосида ёндошадиган ижодкор, изланувчан, зукко, зийрак, ақл-заковат эгаси бўлиши лозим.

Қадимдан ота-боболаримиз бола тарбиясида меҳнатга ўргатишга, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор берганлар. Фарзандларининг лаёқати, қобилиятига қараб тарбиялаганлар. Шу ўринда ҳар бир ота-она оилада ўз фарзандларининг қайси касб эгаси бўлишларига жиддий эътибор беришлари зарур. Чунки болалар бирор касбга қизиқсин, уни эгаллашга ҳаракат қилишсин. Инсон касб-кори унинг ҳусни дейишади. Меҳнатсеварлик халқимизнинг асосий хислатларидан ҳисобланади. Меҳнат туфайли фарзандларимиз мустақил ҳаётга эркин инсон бўлиб қадам қўядилар. Ҳар бир нарсани ўзлари ҳал қилишга ўрганадилар.

Болада меҳнатга муносабат даставвал оиладан бошланади. Табиийки бунда ота-она ўз фарзандига намуна бўлмоғи лозим. Оила аъзоларининг мавқеи, обрў-эътибори, уларга нисбатан муносабат меҳнат натижалари асосида бўлади. Инсон меҳнати у эгаллаган касб-ҳунар воситасида амалга оширилади.

Ҳар бир инсон у ёки бу касбни ёки бир неча касб-ҳунарни эгаллаши мумкин, «Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз» деган мақолнинг мазмунида ҳам бир неча касбни эгаллаш ҳаётий эҳтиёж эканлигига ишора этилади. Ҳар бир касбнинг, ҳунарнинг ўзига хос машаққати ва лаззати бор. Унинг машаққатини матонат тинимсиз изланиш, сабр-тоқат билан енган инсонгина, унинг лаззатидан баҳра олади.

Меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунингдек, боланинг ҳар томонлама шаклланиш воситаси, унинг шахс сифатида улғайиши омили ҳамдир. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидагина бола ўз ақлини, иродасини, ҳиссиётини, характерини ривожлантириши, шахс сифатида шаклланиши мумкин.

Меҳнатга психологик, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ўқувчида меҳнатсеварлик, интизомлилик, шижоаткорлик каби ахлоқий, иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида таъкидланганидек, «Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир».

Меҳнат қилиш жараёнида, синфдан ва мактабдан ташқари меҳнат, ўз-ўзига хизмат қилиш меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат турида фаол иштирок этадилар ва чиниқадилар.

Касбни нисбатан қизиқишни вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик, ёш даврлари хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб-ҳунар шахсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит-қизларгина мазкур танлаган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Меҳнат

таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга.

Меҳнатсеварлик - инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятида амалга ошадиган жараёндир. Ҳалол меҳнат - киши ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш ва яшаш инсон ҳаётининг энг олий безагидир.

Шу боис донолар «Меҳнат кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир», «Инсон нима билан фахрланса ёки эъзозланса ҳаммаси меҳнатнинг натижасидир», «Меҳнат умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлар тараққиётининг негизидир» деб бежиз айтмаганлар. Буюк аллома Бахоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» деган машҳур ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зоти олийнинг ўзлари бунга амал қилиб келганлар. У киши талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида бирон касби борми деб сўрар эканлар. Ҳунарсиз одам ўқишга қабул қилинмаган. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлаган. «Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, бордию касби бўлмаса, билимини кун кечиришга сарфлайди, ҳалол меҳнатни унутади». Ҳазрати Бахоуддин Нақшбанднинг бу таълимоти XIV-XV асрда Ўрта Осиё ва Хуросонда кенг тарқалди. У ҳар бир кишининг деҳқончилик қилиши, савдо иши билан шуғулланиши, наққошлик, қурувчилик каби ҳунарларни эгаллаши ва унинг ҳалол меҳнатини улуғлади.

XV асрда яшаган Шарқнинг етук алломаси Жалолиддин Давоний ҳам Бахоуддин Нақшбанд таълимотига асосланган ҳолда ижод қилди.

Давоний инсоннинг ахлоқ-одобли бўлишида меҳнатнинг аҳамиятини юксак баҳолайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати ҳар бир босган қадами меҳнат туфайли эканлигини ва уни амалга оширишдан олдин пухта ўйлаб кўриши, ақл тарозиси билан ўлчаш лозимлигини таъкидлайди. Айниқса биргалашиб ишлашга алоҳида аҳамият берилади.

«Инсон бир ўзи меҳнат қилиб, яшаш учун ва ҳар куни зарур бўладиган нарсаларни қўлга киритиши қийин. Якка ҳолда ҳаёт кечириш учун у ўзи овқат пиширириши, кийим-кечак тикиши, меҳнат қуроллари ясаши ва шунга ўхшаш кўп ишларни бажариши керак бўлар, бир неча касб-ҳунарни эгаллашга мажбур эди. Бу эса ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. «Одамлар бирлашиб, бир-бирларига ёрдамлашганда бошқалар тўғрисида чинакам қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганда адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг аҳволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади»[1]

Давоний билан яшаш воситаларини бунёд этилиши учун, кишилар бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари натижасидагина керакли машғулотларни етиштириш мумкинлигини кўрсатади.

---

[1] Х. Аликулов. Жалолиддин Давоний.- Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 30-бет.

Халқимизда «Меҳнат - роҳат пойдевори», «Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат», «Меҳнатсиз роҳат йўқ», «Ёшликдаги меҳнат қариликда давлат келтирар», «Меҳнат билан қарисанг роҳат билан яшарсан» каби мақоллар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек халқи орасида меҳнат қилиш, уй қуриш, ҳовли-жой қилиш, иморат қуриш қадим-қадимдан ота мерос бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек оилаларида фарзандлар кўпайса ёки ўғилни уйлантириш олдидан ота меросга амал қилиш уни қадрлаш, бойитиш ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Қадимдан ота-боболаримиз бола тарбиясида меҳнатга ўргатишга, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор берганлар. Фарзандларини лаёқати, қобилиятига қараб тарбиялаганлар. Шу ўринда ҳар бир ота-она оилада ўз фарзандларининг қайси касб эгаси бўлишларига жиддий эътибор беришлари зарур. Чунки болалар бирор касбга қизиқсин, уни эгаллашга ҳаракат қилишсин. Инсон касб-кори унинг ҳусни дейишади. Деҳқончилик, боғдорчилик, тикувчилик, наққошлик, ганч-ўймакорлик, дурадгорлик каби касблар бир неча асрлардан буён халқимиз меҳнат фаолиятидан кенг ўрин олган. Меҳнатсеварлик халқимизнинг асосий хислатларидан ҳисобланади. Меҳнат туфайли фарзандларимиз мустақил ҳаётга қадам қўядилар, эркин инсон бўлиб, ҳар бир нарсани ўзлари ҳал қиладилар.[2]

Халқимиз «Ҳунар-ҳунардан унар» деганда, одамнинг ризқи-насибаси ҳунардан, меҳнатдан пайдо бўлишини назарда тутган. Бу ҳикматлар ёшларга ибратдир. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан ҳунарманд, ижодкору миришкор бўлишган. Уларнинг ҳунарлари орадан неча юз йиллар ўтса-да ҳали-ҳануз қадр-қимматини йўқотмай, кўрки тароватини намойиш этиб турибди. Дурадгорлик дейсизми, наққошлик дейсизми, заргарлик дейсизми, боғбонлигу соҳибкорлик, устачилик дейсизми — ҳаммани лолу ҳайрон қолдирадиган эзгу ишлар аждодларимиздан, бизларгача етиб келган.

Аждодларимиз ўз ҳунарларини, санъатларини келгуси авлодларга тўкис-тугал етказиш, уларни ўтмишимиз маданияти-ю, санъати билан ошно қилиш учун нечоғлик меҳр-ихлос, катта ғайрат-шижоат билан, кўз нурини, қалб қўрини сарфлаб, тинимсиз меҳнат қилганларининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда биламизки, бизлар кўрган-билган санъаткорлик, бунёдкорлик маҳсуллари ўз замонасида яратилган асарларнинг дарёдан бир томчиси, холос. Чунки собиқ шўро даврига келиб, ҳунармандчиликнинг қадру қиммати кескин пасайиб кетганидан боболардан қолган бойликлар ҳам талон-торож қилиб юборилди. Не-не ажойиб касблар, жумладан косибчилик, касаначилик, ҳунармандлик санъати ишлаб чиқариш рўйхатидан деярли ўчириб ташланди. Чинакам санъат асарлари ўрнини ўйинчоқ сифат буюмлар эталлаб олди.

«Ҳақ жойида қарор топади» деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Мана, вақти келиб, яна ўша ота-боболаримиздан қолган ҳунармандлик санъатига кенг йўл очилди. Ҳақ ҳақлигини исбот қилди. Лекин бу ишлар энг моҳир ва забардаст

[2] У.Маҳкамов. Одоб-ахлоқ сабоқлари. – Т.: “Фан”, 1995. 84-бет.

усталаримиз оламдан ўтиб кетгандан кейингина йўлга қўйилди. Эндиги гап ёшлар катта қизиқиш, зўр иштиёқ билан аждодларимиз ишини давом эттиришларида, қолди.

Қадим удумларимиздан яна бир ибратлиси, ота-оналар касб танлашда фарзандларининг ўзларига тўла эркинлик беришган. Улар қайси бир ҳунарни мукаммал ўрганишларига кўзлари етса, шунга рози бўлиб кўмакдошлик қилганлар. Ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги бу қоидага риоя қилмайдилар. Фарзандлари ўқигандан кўра ўзи истаган касб-ҳунарни эгалласа бахтли ҳаёт кечиришини ўйламайдилар, фарзандлари ўрта мактабни битириши билан уларнинг олий мактабда таҳсил олишлари учун қобилиятлари, билимлари, сабру бардошлари етарлими, йўқми, бу билан ҳеч ҳисоблашмасдан, бир амаллаб олийгохларга киритишга ҳаракат қиладилар. Кўплар бунга муваффақ ҳам бўладилар. Лекин кейинчалик бунинг оқибати нима бўлади? Фарзандлар ё ўқишнинг ўзига хос машаққатларига тоқат қила олмай, ёки ўқишни давом эттиришга билим даражалари етмай, ташлаб кетадилар. Ваҳоланки, орада зое кетган бир-икки йил вақт мобайнида улар ўзларига муносиб бирор ҳунарни эгаллашлари ва ҳаётда равон йўлни топиб олишлари мумкин эди.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин: отанинг давлату мансаби, ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмаган, бошга бир мушкул иш тушса бойлигу давлат бу мушкулотдан қутқариб қололмаган.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш умумтаълим мактаби ишининг таркибий қисмидир. Маълумки, агар касб тўғри танланган бўлса, инсон учун меҳнат қувонч, ижодий илҳом манбаига айланади, бу эса иноон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ижтимоий-педагогик масаладир. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва меҳнати жамият манфаатларига мос тарзда ҳисобга олиниши лозим. Инсоннинг ижтимоий ҳолати дастлаб унинг ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни билан белгиланади ва бу ҳолнинг асосий белгиси меҳнатнинг ўзига хос хусусияти ва ижтимоий моҳияти ҳисобланади. Касбга йўналтириш тизими — шахсга касбни ва унинг шахсий сифатларини ўрганишда ёрдам берувчи мақсадлар, моҳият ва принциплар, услуб ва воситалар бирлигидир. Касбга йўналтириш барча ўқув-тарбия ишлари билан боғлаб олиб борилади. Онгли касб танлаш ўсмирлар етарли даражадаги умумий ва политехник тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим. Бунинг учун уни кузатиш (бевосита, билвосита) ўқувчининг мактабдаги, жамоат жойларидаги, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатларини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, суҳбат, тест, интервью олиш мумкин. Касбга йўналтиришда турли касблар, уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қаерда эгаллашл.ари мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериш катта аҳамиятга эга. Бу эса ўқувчиларни бирор касбни танлашга онгли муносабатда бўлишга тайёрлайди. Ўқувчилар касблар тўғрисидаги

маълумотларни, билимларни фақат мактабда змас, балки оммавий ахборот воситаларидан, танишлари, қариндошларидан ҳам билиб оладилар.

Ёшлар ўз олдиларида ҳақиқий, кенг ҳаёт йўли очилиши учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак ва энг асосийси ўз кўнгилларига ёққан, жамиятга зарур ва фойдали ишни таялашлари лозим. Шу боисдан ҳам ўрта мактабни битираётган йигит ва қизлар қандай касб эгаси бўлиши тўғрисида кўп ўйлайдилар. Мамлакатимизда турли касбларни эгаллаш учун барча шароитлар яратилган.

Касб танлаш – жиддий ва масъулиятли ишдир. Ўз ҳаёт йўлини жиддий суръатда белгилаб олиш осон иш эмас. Бунинг учун узоқ вақт махсус тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ўқувчи ёшларнинг касб-ҳунарга лаёқатини ўрганиш учун уларнинг ақлий, жисмоний қобилиятларини билиш, малака ва кўникмаларини ўрганиш лозим.

Ўқувчиларга таъсир кўрсатиш, касбга йўналтириш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун мактаб психологи туман ташхис маркази билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Иқтисодий тарбия

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда бошланган ва олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий ҳал қилувчи вазифаси ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқий демократик давлатни қуриш шароитида инсон омили, унинг маданий, маърифий, ахлоқий қарашларини шакллантириш масаласи биринчи даражали вазифа сифатида қўйилди. Бу ислоҳатлар беш тамойилини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий негизларидан биридир.

Иқтисодий ислоҳатларни оғишмай амалга ошириш бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш республикада малакали мутахассис–ходимлар тайёрлашни тақоза этади. Зотан, бу иш давлатимизнинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тараққиёти даражасига етказишга имконият яратади. Бу ўринда халқ таълими тизимининг мукуммаллиги, ўқиш – ўқитиш ишларини мустақиллик талаблари асосида ислоҳ қилиш ва яхшилаш, янги авлод таълим-тарбиясининг маъно ва мазмунини кенгайтириш учун билимдон, мустақиллик ғояси, мафкураси ва маънавияти билан қуролланган ўқитувчи-ходимлар тайёрлаш зарурлигини ҳамиша эсда тутиш керак. Шу вазифа ва муаммоларни ҳал эташ тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Нафақат умумий маълумот ва тарбияни балки кадрларнинг касб-корга йўналиш олишини уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилмоқда»[1].

Бинобарин бу вазифа таълим тизимини мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мафкураси, шунингдек унинг ғояларига

[1] И.А.Каримов. «Ызбекистоннинг ыз исти=лол ва тара==иёт йыли» Т. Ызбекистон. 1992, 64-бет.

мос келадиган маънавият талаблари асосида амалга оширилади. Айниқса, ёшларнинг касб-корга йўналиш олишини тўғри ташкил қилиш асосан умумтаълим мактабларида ҳал қилинади.

Болаларга мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир.

Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмоқ даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятни камол топтиришдир. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб келинди. Чунончи, Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин[1].

Абу Наср Ал-Форобий инсонга яшаш учун жуда кўп нарсалар кераклигини ва буларни вужудга келтириш йўлида бошқа шахсларга мурожаат қилиш зарурлигини эътироф этади. Бу ўринда олим иқтисодий алоқа заруриятини кўрсатиб ўтган эди. Дарҳақиқат, иқтисодий алоқа ўрнатиш учун одамлар, давлатлар, жамиятлар интеграция йўлида ҳаракат қиладилар. Ҳозирги пайтда бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини Оврўпа амалиёти мисолида кўриб турибмиз. Иқтисодий интеграция давлатларга фақат бойлик келтиряпти.

Ал-Форобий «Бахт-саодатга эришув ҳақида» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди»[2]. Кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирлари мактаб ва оила шароитларида болаларнинг иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни тежамкорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратганлар.

Болага иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Бола .мактабга боргач бу борада пухта били.млар ола бошлайди. Абу Али Ибн Сино ўз асарларида шу хусусда алоҳида тўхталади. «Оила аъзолари — деб ёзади у,— кунлик озиқ-оақатлар учун етарли маҳсулотларни олдиндан тежамкорлик билан сарф қилади. Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни сақлаш йўлларини билиши керак. Эҳтиёжга яроқли нарсаларга

[1] К.Хошимов., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1995. 65 бет.
[2] К.Хошимов., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1995. 107 бет.

тежамкорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигидан насиҳат йўли билан ўргатади»[1].

Ибн Сино болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга ҳунар ўргатиш керак деб кўрсатади: «Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки ҳунар унга келажакда рўзғор тебратиши учун асқотади. Оилада иқтисодий тарбия замирида болада меҳнатсеварликни шакллантириш ётади. Бу шундай олиб борилиши керакки, бола ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англайди. Ҳунар эгаллаш ёшларни мустақилликка ўргатади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлади»[2].

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билим ва малака оладилар. Аввало, бу дарсларнинг мазмуни тўғри белгиланиб олиниши зарур. Яна бир муҳим қоидани назарда тутиш керак. Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим.

Ҳозирда 8—11 синф ўқувчиларига «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитилмоқда. Кейинги икки йил ичида иқтисодий тарбияда турли мавзулар ўрин олади. «Бозор», «Ишлаб чиқариш технологиясини ўстириш», «Маҳсулот таннархи», «Товарларни чет эллар билан турли йўллар орқали айрибошлаш» каби мавзулардаги машғулотлар, юқорида айтилганидек, ҳаётий тусда ўтказилгандагина ўқувчи онгида чуқур из қолдиради[3].

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш мақсадида биз кенг ва тўғри йўналтирилган вазифаларни ўз олдимизга қўйишимиз зарур:

1. Иқтисодий география дарсларида иқтисодий тарбияга оид мавзуларни чуқурроқ тушунтириш.
2. Ҳозирги кунда ўқувчилар нутқидан ўрин олаётган атамаларни касбларга боғлаб ўргатиш.

Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда иқтисодий тарбия бериш бу соҳада кенг имкониятларга эга. География фани тўгаракларида ўқувчиларга асосан иқтисодий билимлар берилади. Ўлка ва ўлканинг тараққиёти, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, маҳсулот сифати, табиатни муҳофаза килишга оид иқтисодий тушунчалар улар онгида шакллантирилади. Бу тушунча ва билимлар орқали республика, вилоят ва туман халқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари чуқурроқ ўрганилади. Бундай билимлар ўқувчилар келажакда қайси соҳада ишлаш ёки қаерда ўқиши мумкинлигини мўлжаллашига ҳам имкон беради.

---

[1] **С.Рахимов. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. – Т.: 1967. 54-бет.**
[2] **С.Рахимов. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. – Т.: 1967. 61-бет.**
[3] **А.Қ. Мунавваров. Педагогшка. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 162-бет.**

Бугунги кунда иқтисодий тарбия услублари хилма-хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шохобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб-китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларни қай даражада иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатиб борилиши керак.

Виждонни тарбиялаш ва ҳуқуқий тарбия

Фарзандлар илм олиб, оламни танишлари лозимлиги, ҳақиқатни англаш ва тафаккур қилиш учун илмнинг нақадар зарурлигини ҳамиша таъкидлаб келинган. Пайғамбаримиз ўз умматларини илм олишга даъват қилганлар, илм эгаллашга ҳаракат қилиш ҳар бир мўмин ва мўмина учун фарз эканини қайта-қайта эътироф этганлар. Ҳадислардан бирида «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм истанглар» деб таълим берилган.

Ҳадисда айтилишича, бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир. Ёки, бошқача қилиб айтганда, илмга асосланган ибодат тақлидий ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи устундир.

Аждодларимиздан бир уламо айтдилар: «Илм ўрган, у сенинг ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Катта бўлганингда буюк шахсга айланишингда асосий сабаблардан бўлади. Илм доим сенинг ҳамроҳинг бўлиб, адашишдан ва қоқилишингдан сақлайди, душманларингни мағлуб қилади.

Дунёвий ва руҳий-ҳиссий билимлар ривожи оламни ва инсонни ўзини билиш, англашни янги-янги қирраларини очмоқда. Инсон фақат моддий-биологик вужуддан эмас, унинг яна шу моддий-биологик танаси бошқариб, ривожлантириб турувчи биоэнергетик танаси бор эканлиги дунёвий фанлар ҳам тўла исботлаб бўлишди. Худди шу биоэнергетик тана инсонинг руҳий-ҳиссий сифатларидан таркиб топган бўлиб, уларнинг таркибий қисмини виждон ташкил этади. Руҳий-ҳиссий сифатлар мажмуаси инсоннинг маънавиятини ташкил қилганлиги учун демак, виждон - энг асосий, энг олий маънавий-инсоний сифат экан. Шунинг учун инсон тарбиясида виждонни тарбиялаш маънавий-инсоний тарбиянинг асосини ташкил этади. Виждон тушунчаси, инсоннинг виждоний сифати унинг онги, қалби, ақли ва иродасига боғлиқдир. Чунки инсоннинг ички руҳий кечинмаларида яхшилик ва ёмонлик доимо ички курашда бўлади. Агар инсон бирор маънавий вазиятда ўз қалбига қулоқ солиб, иродасини ишга солиб, ғаразгўйлик, мансабпарастлик, молпарастлик ва ҳоказо каби ғайри инсоний иллатлардан устун чиқиб оқилона иш кўрса унинг виждоний сифати юқорилигини кўрсатади. Бундай вазиятлар инсон ҳаётида жуда кўп бўлади.

Арасту ҳаким виждонни талқин қилиб шундай деган: "Руҳимизнинг маънавий қуввати билан виждонимиз, фикримизга қувват берувчи бир воситаю идрокиятдир".

Инсонни фақат тиббий-биологик эмас, балки уни руҳий-ҳиссий сиймо сифатида яхши ўрганган ватандошимиз Ибн Сино: "Виждон руҳ ва фикримизни туйғун қилмоққа биринчи воситадир",- деган эди.

Виждон тарбияси жуда ёшликдан бошланмоғи лозим. Унинг оддий инсоний муносабатларда намоён бўлиши, инсонпарварликда, иқтисодда виждоний муносабатларнинг устиворлигига эришиши лозим.

Абдулла Авлоний виждонни инсоннинг ойнаси деб билади. “Ал ҳосил виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракатини кўрсатадурғон мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилган киши ўз айби ва камчилигини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айби ва қусурини ахтармоғга вақти бўлмас”[1].

Арасту ҳаким: «Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, ҳиссиётимизнинг руҳимизга таъсир эттирувчи бир робитаи илктириқийясидур", демиш.

Бугунги кунда ёшлар тарбиясида виждон тарбиясининг роли юксак бўлмоғи лозим. Бунда кишининг ўз виждони олдида ҳисоб бермоғини, завқланиш, ҳузурланиш, ҳаловат, обрў, қадр-қимматининг виждон тарозуси ила қаралмоғини уқдирмоқ керак.

Ўқув-тарбия жараёнидаги виждоний муносабатлар ёшларни тарбиялашда муҳим жиҳат саналади. Баҳолаш жараёнидаги ноҳақликлар ҳар қандай ёшни ўйлантиради, виждон қийноғига олиб келади.

Виждон - иймон, қалб поклиги, онгли илму-амалий фаолликцан иборатдир. Шунинг учун диний илмларни асослашга иймонлиликнинг биринчи қисми илму-амалий фаоллик бўлса, иккинчи қисми шариат амалларини бажаришдир. Худди ана шу нарса, инсоннинг асл моҳиятидан иборат бўлиб, инсоннинг ҳақиқий ҳаёт маъносини ташкил қилмоғи керак. Ҳаёт маъноси, унинг мақсади билан аралаштирилмаслиги керак. Мақсад фойда олиш, пул топиш, агарда маънавий жавобгарсиз ҳаёт маъносига айланиб кетса, кишида маънавий инқироз бошланади[2].

Ҳар бир киши ўз-ўзига, касбига, давлатига, халқига, инсониятга, оламга виждоний муносабатда бўлиши керак. Инсонияг тарихида жуда йирик маънавий-маданий манбага айланган Авесто, Манас, Алпомиш, Махобҳорат, Маҳбуб ул-қулуб каби асарлар жуда узоқ йиллар давомида виждонийлик, инсонпарварлик, инсонийликда оламга сабоқ бериб келмокда.Бу ўринда илоҳий асар Қуръони Карим маънавий ҳаётий қомус ҳисобланади.

Оллоҳ таоло инсонни билим, ахлоқ ва фаолият бобида масъул қилиб яратган. Бу ҳақда Қуръони Карим Ал-Исро сурасининг 36-оятида шундай дейилган: "Эй инсон, ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил - буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур".

---

[1] А.Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

[2] Н.Ғайбуллаев ва бошқ. Педагогика (Маърузалар матни). – Т.: 2000. 66-бет.

Масъуллик эса мустақиллик, эркинлик, фаоллик ва маънавий жавобгарликдир. Бу илоҳий ҳақиқат дунёвий - замонавий инсоншунослик фанлари педагогика, психология, генетика, физиология, биология, микробиология ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан ҳам исботланди.

Инсоннинг бу масъуллиги ва маънавий жавобгарлиги, моддий оламни моддий-маънавий таомиллиги, гўзаллиги ҳамда моддий-маънавий таъминотида амалга оширилади.

Чунки илоҳий манбаларда тасдиқланишича, инсон Оллоҳ Таолонинг ердаги ҳалифаси, ўринбосаридир. Бу инсонларга берилган буюк инъом, ишонч ва ваколатдир. Бу инсоннинг эркин, озод, нодир, бетакрор улуғ сиймо қилиб яратилганлигининг илоҳий тасдиғидир. Бу улуғ вазифани бажариш учун ҳар бир инсонга ақл, онг, ўқув, қобилият ва бошқа маънавий-инсоний сифатлар ато қилинган.

Демак, инсонларнинг асл бош маънавий-инсоний моҳияти уларни оламни ҳар томонлама такомиллаштирувчи моддий-маънавий бунёдкорликларидадир.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин ислом оламида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиши жараёни тўхтади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида (Суннати набавийя — Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари ва қилган шплари) кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб ҳуқуқий тарбия бериладиган бўлди. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва суннати набавийя асосида шаклланди ва суннатнинг негизини ташкил этувчи ҳадисларни (Ҳадис-пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган гаплари) жамлаб келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш эҳтиёжи вужудга келди.

Дастлабки уринишлар натижасида Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмаъ ул-фиқх», Малик ибн Анаснинг «ал Муватга» ва Аҳмад ибн Ҳанбанинг «ал-Муснад» номли ҳадислар тўпламлари вужудга келди. Лекин ушбу ҳадисларнинг муаллифлари мавжуд ҳадисларни саралаб тўплашни ўзларига вазифа килиб қўймасдан, муайян ҳуқуқий тарбияга жавоб беришга асос бўладиган зарур ҳадисларни тўплаш билан чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом эттирилди. Улардан бутун ислом оламида эътироф этиладиган «Олти ишончли тўплам» («Кутуб ас-сахих ас-ситта») деб юритиладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутади. Булар имом ал-Бухорий ва имом Муслимларнинг «Жомеъ ас-сахих» (ишончли тўплам) ан Насоий, Абу Довуд, ат-Термизий ва Ибн Можжаларнинг «Ас-Сунан» номли ҳадислар тўпламларидир[1].

Буюк ислом олими, фақиқ Бурҳонуддин ал-Марғиноний (Марғинон — ўрта асрларда араблар Марғилон шаҳрини шундай аташган). Қуръони

[1] **А.Қ.Мунавваров. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 145-бет.**

Карим ва ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасида беқиёс дурдоналар яратган.

Ул зот таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша вақтдаги маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машхур «Ал-ҳидря» асарини 573 йили (1170 йил милодий) ёзган.

Бу асар оврупа халқлари тилларига таржима қилиниб, катта қизиқиш билан ўрганилганлигидан унинг кўпгина мамлакатларда ҳуқуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлигига шубҳа йўқ. Жумладан «Ал-Ҳидоя»нинг инглиз тилидан Вишнегорский таржима қилиб, Н. М. Гродаков таҳрири остида 1893 йили Тошкентда рус тилида нашр этилиши фикримизнинг далилидир. «Ал-Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир энг йирик асосий манбалардан бўлиб келди, 1917 йилги тўнтаришдан кейин ҳам, то 1930 йилларгача шариат қонун-қоидалари бекор қилиниб, шўро ҳуқуқ тизими жорий қилингунга қадар у амалда бўлди[27].

Ўзбекистон—мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат, Ўзбекистон инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаб борадиган давлатдир. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида кабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» ҳуқуқий тарбияда асосий дастур бўлиб хизмат қилади. Бунда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддаларни ўрганиш осонлаштирилади. Педагогларнинг мазкур бўлимдан фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради.

Таълим ва тарбия журналининг 1996 йил 1 сонида эълон қилинган «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси» тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртлари олимлари ва педагоглари гуруҳининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш, ҳар бир талабани кўп қиррали баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содиқ шахс сифатида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурда қуйидаги асосий тарбиявий йўналишлар ва мақсадлар келтирилган.

---

[2] **А.Қ.Мунавваров. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 146-бет.**

1. Фуқаро тарбияси. Энг юксак миллий қадриятлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш.

2. Касб эгаллашга, шахсий масъулиятни юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш.

3. Оилавий ҳаётга тайёрлаш. Ота-она ва қондош-қариндошлар оила олдида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Талабани шахс сифатида ривожлантириш. Бетакрор шахсий сифатлар ва ижтимоий қиёфани ҳар томонлама ижодий ривожига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимизда жуда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Таълим муассасаларида ҳар бир педагог таълим билан тарбия бирлигига жиддий эътибор қаратиши лозим. Хусусан, ўқувчи-ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқаролик ҳис-туйғуларини, сифат ва хислатларини таркиб топтиришда таълим-тарбия бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Ана шу имкониятлардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ғқитувчининг билим ва маҳоратига ҳамда ижодий изланишига боғлиқдир.

Машғулотларни ўтиш жараёнида давлат рамзларидан педагогик мақсадларда фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида уларнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш, уларнинг хулқ-атворига чуқур таъсир этади. Бугунги кунда давлат рамзидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Ҳуқуқий тарбияни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳар бир мактаб, билим юрти ўз ўқувчи ва талабаларига давлат рамзларининг туб моҳиятини очиб кўрсатишлари ва улар ҳақидаги Низомларни пухта ўрганишларини ташкил этишлари зарур. Давлат ҳокимиятининг рамзлари ўзининг моҳияти жиҳатидан ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, муҳим тарбиявий мазмунга эга. Ўзбекистон Давлати Герби, байроғи, мадҳияси мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар бирлиги ва қардошлигининг рамзлари ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, давлат рамзлари жуда бой сиёсий-маънавий давлаг тушунчаларига моликдир.

Давлат рамзларини ўрганиш педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилса, у ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий ҳис-туйғуларига, ватанпарварлик қарашларига яхши таъсир кўрсатади. Бу борада ўқувчилар билан олиб бориладиган жамоа тарбиявий ишларининг имкониятлари беқиёсдир. Давлат Герби, байроғи, мадҳияси ҳамда ўқувчилар ташкилотлари рамзларининг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий мазмуни ҳақида уюштирилган хилма-хил мунозара ва суҳбатлар шубҳасиз самарали натижалар беради.

Давлат рамзлари фақат таъсирчан тарбиявий восита бўлмай, балки таълимий жиҳатдан ҳам муҳим омиллардандир.Ўқувшилар Давлат Герби ва байроғининг тасвири, Давлаг мадҳиясининг матни билан танишадилар. Уларда давлат ҳоки-мияти рамзларига ҳурмат ҳис-туйғуси қарор топади. Умуман,, давлат рамзларини ўрганишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари албатта ҳисобга олиниши, мавжуд дарслик, услубий кўрсатма ва қўлланмаларига, қоида ва низомларга тўла амал қилиниши керак. Педагогик ишлар самарадорлиги ҳуқуқий тарбияга бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Ҳозирги даврда болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг янги шакллари қўлланила бошланди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш ва содир этиладиган ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги педагогик фаолиятни янада кучайтириш учун бизнингча қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Умумий таълим мактабларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қиладиган хоналар ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш;
2. Барча мактабларнинг суд, прокуратура, адвокатура, биринчи навбатда эса вояга етмаганлар инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар билан алоқаларини мустаҳкамлаш;
3. Доимий равишда яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш.

Умуман олганда, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, ўсмирларга давлатимиз қонунлари ва қоидаларига мунтазам риоя қилиш кўникмаларини сингдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

Экологик тарбия

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан тўғри фойдаланиш муаммоси ҳар бир инсонга маълум даражада тааллуқлидир. Табиат ҳақидаги билимларни оммалаштириш ва улардан амалда оқилона фойдаланиш йўлларини тушунтириш экологик тарбиянинг асосий мезонидир. Табиатга онгли муносабатда бўлишнинг илмий асосланган қоидаларини аҳоли ўртасида ташвиқ қилиш экологик таълимнинг муҳим омилидир.

Экология сўзи «том» ёки «уй» деган маънони англатиб, немис олими Эрнест Геккель томонидан биринчи бор фанга киритилган. «Экология»— юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

Экология фани ҳозирги бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқалар. Экология фани танлаб олинган бир ёки бир неча объектнинг яшаш шароитини ёки нормаларини ўрганади ва яшашнинг оптимал даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бу йўналишдаги ишлар бизга экологик билимларни етказади, аммо бу билан инсоният

чекланиб қолмайди. Давр талабига кўра, яна бошқа йўналишда ҳам иш олиб боришни талаб этмоқда. У ҳам бўлса **экологик тарбия масаласидир.**

Экологик тарбия албатта экологик билим асосида шаклланади, лекин у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантириш масаласи устида иш олиб боради ва ўз олдига талабаларда экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди. Экологик тарбиянинг мазмунига экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар) киради. Экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда, ватанда муҳим аҳамият касб қилади.

Экологик тарбиянинг шаклланишига экологик билимларни эгаллаш билан бир қаторда экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлади. Экологик муносабатларга:

1. Ҳаётга муносабат.
2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш.
3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.
4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш каби компонентларни киритиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида болаларга табиатдаги мўъжизалар, уларнинг вужудга келиши, кеча ва кундуз, йил фасллари, гўзалликлар ҳақида тушунчалар берилади. Масалан, ўқувчилар тупроқни экишга тайёрлаш, ўсимликларни вегетатив усулда кўпайтириш билан танишадилар, ўсимликларни парваришлашни ўрганадилар. Табиатда бажариладиган ижтимоий-фойдали меҳнат ўқувчиларни ахлоқий-маънавий тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Уларда камтарлик, зийраклик, заиф кишиларга кўмаклашиш истаги, дағаллик, худбинлик ва шафқатсизликка муросасизлик каби ижобий сифатлар, яъни чинакам инсоний фазилатлар шаклланади. Доимо табиат билан мулоқотда бўлиш, кишиларнинг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатиши педагогикада ва бадиий адабиётда якдиллик билан ифодаланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 18- моддасида ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши зарурлиги таъкидланган[1].

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси»нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир[2].

---

[1] **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Шарқ”, 1992.**

[2] **А.Қ.Мунавваров. Педагогика. - Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 151 – бет.**

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолганлиги ўқувчи онгига биринчи навбатда сингдирилади. Ҳақиқатдан ҳам табиий бойликлардан ҳаддан ташқари даражада кўп фойдаланиш, янги ерларни режасиз ўзлаштириш оқибатида экологик мувозанат кескин ўзгарди, атроф-муҳит ифлосланди. Айниқса, пахта яккаҳокимлиги, қишлоқ хўжалик ишларининг нотўғри режалаштирилиши, кимёвий ўғитларни меъёрдан ортиқ ишлатилиши табиат кушандаларининг кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳолат ҳайвонот оламига ҳам, ўсимликлар дунёсига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги 30 йил ичида табиий бойликлардан шунчалик кўп фойдаланилганки, бу бутун инсоният тарихи давомида фойдаланилган табиий бойликларга тенгдир. Демак, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир этиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ер, сув, энергетика, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё (глобал) муаммоларига айланиб бормоқда. Ер бағридан ҳар йили 120 млрд тоннадан ортиқ турли хилдаги хом ашё, қурилиш материаллари, ёқилғининг қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Табиатга зарар келтирадиган кўпгина заводларнинг оқар сувга яқин жойлашганлиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётир. Марказий Осиё ҳудудида яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Ер куррасида инсоннинг фаровон яшаши энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолди.

Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичида педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасида келиб чиқади.

Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади.

Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабларда ва олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбияда ёш авлодларни ўз ўқув юртини, яшайдиган муҳити — шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, хиёбонларни, сув ҳавзаларини озода сақлаш, уй

ҳайвонларига қараш каби ишларда кучи етганча қатнашишга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Сино ва бошқалар табиат фанларишшг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар.

Буюк аллома Мухаммад Мусо ал-Хоразмий (782—847) рисолаларидан бирида бундай деб ёзади: «Билингки, дарёнинг кўзлари ёшланса унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан мехрингизни дариғ тутманглар».[28] Дарёнинг ёшли кўзлари деганда Мухаммад Мусо ал-Хоразмий нималарни кўзда тутди экан? Эхтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бў-лишини назарда тутгандир? Вахоланки, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирини тушунншлари ва тил топишишлари, ўзаро мехр-мухаббат қўйишларини назарда тутган. 847 йилда Мухаммад ал-Хоразмий «Китоб сурат ал-арз» деган асарини ёзди. Унда дунё океанлари, қуруқликдаги қитьалар, қутблар, экваторлар, чўллар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар, ўрмонлар ва улардаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси, шунингдек бошқа табиий ресурслар — Ернинг асосий бойликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу рисолада математика, геология, астрономия, этнография, тиббиёт, шунингдек дунё халқларининг табиий кўникмалзри ва тарихий- ҳуқуқий билимлари умумлаштирилган. Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрининг энг йирик ва машхур вакилларидан бири Абу Наср Форобийнинг (870—910) илмий-фалсафий мероси нихоятда бой. Унинг асар-лари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Немис олими М. К. Броккельманнинг руйхатида Форобийнинг турли соҳаларга оид 180 та асарининг номи келтирилади. Бу асарлар бир неча гуруҳларга бўлинади. Шулардан11-гуруҳга Форобийнннг табиатшунослик илми, амалий фаолият ва хунармандчилик масалаларига оид асарлари киритилган.

Форобий табиатшуносларнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, «Китоб ал-хажм ва ал-миқдор», «Китоб ал-тлабодй ал-инсониа» («Иисониятнинг бошланиши ҳақида китоб»), «Китоб фиаъзо ал-хайвон» («Ҳайвон аъзолари тўғрисида китоб») номли асарлари бунга далил бўла олади.

Форобий ўзининг «Ихсоа ал-улум ва ал-таъриф» асарида замонасидаги илмларни хар томонлама ўрганиб, уларни маълум тизимга солиб, туркумларга ажратди, хар бир илм тармоғига таъриф беришга ҳаракат қилди, табиатшунослик илмига катта эътибор берди.[29]

[28] К.Ҳошимов ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Ўқитувчи - 71 б.
[29] К.Ҳошимов ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Ўқитувчи – 78-81 б.

Кўриб турганимиздек табиатни муҳофаза қилиш, табиатга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш масаласи энциклопедист олимларнинг диққат эътиборида бўлган.

Бугунги кунда экологик тарбия масаласи фан-техниканинг, иқтисодиётнинг ривожи сабабли янада долзарб масалалар қаторидан жой олмоқда. Чунки жамият ривожи табиатдаги мувозанатни бузилишига, атроф-оламни ифлосланишига ва натижада турли касалликларни келиб чиқишига олиб келмоқда. Саноат корхоналари ва бошқа хўжалик чиқиндилари узоқ йиллар давомида ташқи муҳитда айланиб юради. Саноати ниҳоятда ривожланган катта шаҳарлар ва саноат марказларининг атмосфера ҳавосидаги чанг, тутун, қурум ва туманлар баъзи вақтларда қуёш нурларини тўсиб қўйиб,ер юзига ультрабинафша нурларнинг ўтишига тўсқинлик қилади. Ультрабинафша нурларнинг ер юзига етарли миқдорда тушмаслиги, ўз навбатида, турли касалликларни, айниқса болаларда рахит касаллигини келтириб чиқаради. Заҳарли бўлмаган йирик диаметрли чанг заррачалари кўз ва бурунниг шиллиқ қабатларига тушиб, уларни жараоҳатлайди, ялиғланиш вужудга келади. Умуман табиат компонентларнинг ифлосланиши ва инсон соғлиғига таъсири барча олимларни ташвишга солмоқда . Экологик муаммоларни ечимини топиш жараёнида бир қанча йўналишларда иш олиб борилади: ишлаб чиқариш корхоналаридан, автомобильлардан ва бошқа табиатни ифлослантирувчи объектлардан чиқаётган зарали моддаларни ушлаб қолиш, тозалаш; чиқинди махсулотларни қайта ишлаш; табиат компонентларига зиён етказувчи омилларни йўқотиш; экологик онгни ва экологик маданиятни шакллантириш.

Экологик тарбиянинг моҳияти тарбияланувчиларда атроф-оламга нисбатан ижобий фазилатларни тарбиялашдан (табиатни эъзозлаш ва авайлаш, келажак авлодлар учун табиат бойликларини ва гўзаллигини асраш) , табиат ва инсон ўртасида уйғун муносабатларни ўрнатишдан иборат.

Экологик тарбия жараёнида экологик билимлар ва экологик қадриятлар асосида тарбияланувчиларда экологик онг ва маданият тарбияланади.

Экологик онг- тарбияланувчининг экологик билимлари тизимини, экологик дунёқарашини ўзида акс эттиради. Экологик онг табиатга нисбатан вужудга келган ва асрлар давомида тўпланиб келган миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳамда илмий-экологик билимларга асосланган ҳолда шакллантирилади.

Экологик маданият - экологик онгга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, тарбияланувчининг нафақат экологик билимлари ва дунёқарашини, балки унинг табиатга нисбтан бўлган ҳиссиётини ва муносабатини акс эттиради. Экологик маданият – эгалланган экологик билимлар асосида амалий фаолиятни ташкил этишни тақазо этади. оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, экологик ҳуқуқшунослик ҳақидаги билимларни тарбияланувчиларга етказиш, таълим жараёнида турли табиий фанларни ўрганиш жараёнида экологик тарбияга алоҳида эътибор

қаратиш талаб этилади. Экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш жараёнида энг муҳим бўғинлардан бири бу- таълим тизимидир. Чунки таълим тизимида экологик тарбияни юқори даражада ташкил этиш бўлажак кадрларнинг юксак экологик маданиятли бўлишига асос яратади. Юксак экологик маданиятга эга бўлган кадрлар эса иқтисодий фаолиятни экологик ҳуқуқ ва меёрлар асосида ташкил этади. Бу эса ўз навбатида келажакда иқтисодиётни экологик асосга қурилишида муҳим аҳамият касб этади. Демак экологик тарбия бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири экан.

Экологик тарбия жараёнида педагог ва тарбияланувчилар ўзаро мулоқотга киришар эканлар инсоннинг яшаш макони хисобланмуш табиатга нисбатан бўлган муносабатлар тизимини тарбиялаш асосий мақсад сифатида майдонга чиқади. Экологик тарбиянинг мақсади тарбияланувчиларда экологик онгни ва экологик маданиятни шакллантиришдир. Бундай мақсадга эришиш учун экологик тарбия жараёнида бир қанча вазифаларни бажариш талаб этилади:

1.Тарбияланувчиларнинг табиатга нисбатан муносабатини ўрганиш, яъни диагностика ишларини амалга ошириш.

2. Экологик тарбия жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни топиш ва уларни бартараф этиш йўлларини қидириш.

3.Экологик тарбия жараёнини тизимли ва изчил бўлишига эришиш.

4.Тарбиявий муҳитни вужудга келтириш.

5. Экологик тарбия усулларини бойитиб бориш.

6.Экологик таълим тизимини мукаммаллаштириш.

Шундай қилиб, юқоридаги келтирилган омиллар асосида экологик тарбиялаш ўқувчи ёшларда табиатни мунтазам кузатиб боришга қизиқишни уйғотади, табиатни ҳимоя қилиш учун курашишга, унинг гўзаллигини асраб-авайлашга олиб келади. Табиатга муҳаббатни ва унга эҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялаш шахсда ахлоқий белгиларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Эстетик тарбия

Ҳаётда табиат - гўзалликнинг манбасидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг кузатувчанлигини ва тасаввурини ривожлантириш учун жуда бой материал беради. Бундан ташқари, санъат ҳам эстетик тарбия воситаси ҳисобланади. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадиий тарбия деб аталади. У қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади:

1. Бадиий асарларни намойиш қилиш ва ижро этиш.

2. Бадиий асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

3. Санъатшунослик билимларидан хабардор қилиш, талабалар санъатнинг ҳар хил турларини ифода воситалари, тарихи ва назариясини характерловчи муайян маълумотлар жамғармасига эга бўлиши зарур.

4. Талабалар ижодий ва ижрочилик фаолиятини ташкил этиш, талабалар бадиий фаолиятининг хилма-хил шаклларида машқлар ўтказиб, ижодий қобилиятларини, воқелик предметларини ва ҳодисаларини санъат воситалари ёрдамида мустақил тасвирлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиради.

Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолиятга, воқеликни гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қобилиятли шахсни тарбиялайди.

Жамият ва айрим шахснинг эстетик маданияти тушунчалари мавжуд. Жамиятнинг эстетик маданияти деганда инсоният бутун ривожланиши тарихи жараёнида тўплаган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи тушунилади. Ўқувчи шахсининг эстетик маданияти унинг жамият маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида, ҳосил бўлади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати, шунингдек, шахснинг айрим сифатларини ўзаро таъсири натижасида эстетик маданияти доимо ўзгариб туради. Шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари бу эстетик онг, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолиятлардир. Эстетик маданиятнинг бу таркибий қисмлари ўзига хос мураккаб тузилишга эгадир. Эстетик онг эстетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, эстетик идеални қамраб олади. Эстетик эҳтиёжлар ва муносабатлар эса, энг аввало шахснинг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик ҳиссиётларида ифодаланади.[1]

Эстетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида — назариялар, қарашлар, бадиий таълим-тарбия натижасида шаклланади. Эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қилади. Эстетик идрок—бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттиришдир, яъни идрок этилган нарсаларни шахсда «мавжуд бўлган ҳиссий ва ақлий нарсаларга қиёслаш жараёнидир. Эстетик идрок гўзаллик би-лан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан тавсифланади. Тўлақонли эстетик идрок эстетик тушунчалар ва эстетик мулоҳазаларни шакллантириш билан биргаликда содир бўлади.

Эстетик мулоҳаза — шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг эстетик мулоҳазаси чуқурлиги, такомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажралиб туради. Эстетик мулоҳаза даражаси шахснинг хулқ-атвори ва билим савиясига, эстетик тажрибасига боғликдир. Шахснинг муайян ҳодиса ёки сиймога эстетик коидалар, ғоялар асосида берган баҳоси эстетик баҳо дейилади. Эстетик баҳо беришда шахснинг ижтимоий яшаш тузуми, ижтимоий келиб чиқиши яққол кўзга ташланади, чунки гўзаллик ва хунуклик, чиройлилик ёки бад-башаралик каби категориялар турли ижтимоий тузумда турлича баҳоланиб келинган.

[1] А.Қ.Мунавваров. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 164-бет.

Эстетик идеал — бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида идрок этадиган, такомиллашган гўзаллик борасидаги баҳосининг акс этишидир. Эстетик идеалнинг. муҳим белгиси шахснинг дунёқараш хусусиятига кўра аниқланади.

Эстетик эҳтиёж деб, шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омилларига айтилади. Эстетик эҳтиёжлар эстетик ахборотга қизиқишни кучайтиради. Эстетик қизиқиш — шахсни эстетик фаолиятига, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга киришишида ифодаланади.

Эстетик қизиқишнинг асосий белгиси ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб тўплаб бориши, такрор-такрор ўқиб идрок этиши, ўша асарлар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиши, муайян санъаткор, жанр, йўналиш кабиларни афзал кўришида намоён бўлувчи танлаш хусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Масалан, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган санъат устасининг расмларини, асарларини тўплайдилар, қайта-қайта ўқиб чиқадилар.

Эстетик дид — шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир. Дид ўз табиатига кўра фақат шахсга оид категориядир. Аммо шахс ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлганлиги учун, у эстетик баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳам субъектив, ҳам объектив нормаларни ўзида бирлаштиради. Эстетик дид — объектив эстетик ўлчовдир, гўзаллик ва хунукликка, кўтаринкилик ва тубанликка баҳо беришда субъектив эгаллаганликда ифодаланади. Баҳо — буюм ёки ҳодисанинг эстетик моҳиятини эгаллаш жараёнига тааллуқлидир. Дид эса шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан эстетик муносабат билдириш турида ифодаланади. Эстетик дид эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий нормалар йиғиндиси орқали шаклланади ва шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўлади[1].

«Эстетик тарбия» билан бир қаторда «бадиий тарбия» тушунчаси ҳам мавжуд. Бадиий тарбия деб шахс онгини санъат воситалари ёрдамида ривожлантиришига, шахснинг санъатни маълум турида қатнашиб ижодий фаолият учун зарур бўлган бадиий дид ҳамда қобилиятларни шакллантиришига айтилади. Санъатда турли эстетик категориялар шахсга ҳиссий-эстетик таъсир этади ва уни бадиий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан таништиради.

Эстетик тарбия ўқувчи ёшларда эстетик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳамда, эстетик ҳис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж, баҳо бериш каби хислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади. Ўқувчиларда гўзаллик ҳақидаги билимлар ҳаёт воқелиги, буюмлар, уларнинг ранг-баранглиги, турларини, ҳамда санъат асарларини эстетик

[1] А.Қ.Мунавваров. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 165-бет.

ўзлаштириши жараёнида таркиб топади. Ўқувчилар теварак-атроф, ҳаёт, табиат манзаралари ва ҳар хил жанрдаги санъат асарлари: графика, ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, адабиёт, мусиқа асарлари билан танишиб борадилар ва шу баробарида билимларни ўзлаштириб оладилар. Ўқувчилар гўзаллик ва хунуклик, кўтаринкилик ва тубанлик, фожиалилик ва кулгилиликнинг асосий мезонларини англаб етишлари, эстетик малака ва кўникмаларидан ҳаётда фойдалана олишга ўрганишлари лозим.

Ёшлар асосий эстетик категория — гўзаллик тўғрисидаги билимларини ўзларини ўраб турган теварак атрофдаги турмуш ашёлари: кийим-кечак, ўйинчоқлар, оила аъзоларининг ўзаро маданий самимий муносабатлари, саранжом ҳовли, гулзор, санъат асарлари: мусиқа, ашула, чиройли сурат воситасида эгаллайдилар. Гўзаллик тўғрисидаги билим ва тушунчаларидан ёшлар ўз хатти-ҳаракатларини, кишилар фаолиятини ва табиат ҳодисаларини баҳолашда фойдаланадилар.

Педагог ўқувчиларга санъат турлари ҳақидаги билимларни бериш билан бирга уларнинг эстетик ҳиссиётини бир жойга тўплайди ҳамда мазмунли эстетик мулоҳаза юритишга ўргатади. Ўқувчилар эстетик тарбия жараёнида эстетик малака ва кўникмаларни ҳам эгаллашлари лозим. Мусиқа фаолиятига доир ижрочилик, қўшиқ айтиш, мусиқа асбобларини чалиш кабиларни эгаллаб олишлари кўзда тутилади. Улар тасвирий фаолиятга доир тасвирий санъат асарларини диққат билан кузата билиш, уларнинг мазмуни ва ифода воситаларини, яъни композиция кабиларни таҳлил қилишни, жанрларни бир-биридан фарқлаш малакаларини эгаллайдилар.

Эстетик тарбия воситалари — ўқувчиларнинг эстетик ривожланишларини таъминлаш мақсадида теварак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадиий фаолияти, таълим жараёни ҳисобланади.

Умуман олганда, табиат — энг муҳим эстетик тарбия воситасидир. Табиат турлича эстетик кечинмаларнинг асоси бўлиб, бу асос табиатдан таъсирланишга, уни кўра билишга, эшита олиш қобилиятига боғлиқдир. Ўқувчиларнинг табиат қўйнига экскурсиялари улар диққатини табиат гўзаллигига қаратиш имконини беради. Улар йилиинг тўрт фаслидан табиат ўзига хос ранг олишини, ўзгаришини билиб оладилар, уларда табиат ҳодисаларига қизиқиш кучаяди ва улар табиатни асраб-авайлаш кераклигини чуқурроқ англаб етадилар. Ўқув даргоҳларини кўкаламзорлаштириш, гулзор яратиш, .кўчат ўткизиш ва шу каби тадбирлар болалар дидига кучли таъсир этади ва эстетик кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Жисмоний тарбиянинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти

Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тизимидаги ўз вазифасини бажариш билан бирга, у қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган: саломатликни мустаҳкамлаш, инсон оранизмини чиниқтириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига

ёрдам бериш; ҳаракат кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш; ўғил болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спортнинг моҳияти ҳамда ижтимоий роли ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш. Талабаларнинг соғлигини ҳимоя этиш ва бошқариш жисмоний тарбияга айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан буён давлат даражасида аҳамият бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилмоқда. Бунинг далили сифатида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва туманларда бунёд этилаётган спорт иншоотлари, спорт комплексларини келтириш мумкин.

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади — ўқувчи ёшлар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан мудофаасига тайёрлашдир. Бу ғоя азал-азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан халқ ижодида, "Алпомиш", "Гўрўғли" каби достонларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алпомиш» достонида Ҳакимбекнинг (Алпомишнинг) жисмоний машқ қилиши, табиат қўйнида вояга етгани қуйидагича тасвирланади: «Алпинбой бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйини қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб кетди, овозаси оламга ёйилди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: «Дунёда бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустам достон, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Шарқ Аристотели номини олган Абу Али Ибн Сино ҳам инсон фазилатларидан қуйидагиларни санаб кўрсатган, чунончи: жасурлик—бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги, чидамлилиги, инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Ақллилик—бирор ишини бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват. Зийраклик—сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват. Дарҳақиқат жасурликда ҳикмат кўпдир[1].

Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз вужуд лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчиликка йўл қўюрлар... Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига хам ёрдами бордир. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнгила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювиб овора бўлмак кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадир. Фикр тарбияси учун меҳнат ва соғлом бир вужуд керакдур»[2].

---

[1] **А.Қ.Мунавваров. Педагогика. – Т.: "Ўқитувчи", 1996. 169-бет.**

[2] **А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Ғ Т.: 1996. 26-бет.**

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний камолоти кишилик тарихи тараққиётининг барча жабҳаларида улуғланган, қадрланган.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлирини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ .умр кўришига ёрдам беради. Спорт — ҳар қандай ёшда ҳам қа,дди-қоматни тарбия қилиш, куч-қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш маибаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу сабабли ҳам кишилик жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги кунимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар камолотини таъминловчи восита деб ҳисобланган. Демак, ўсиб келаётган ёш авдоднинг жиомоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-она мактабининг ишигина бўлиб қолмасдан, балки давлат аҳамиятига молик иш ҳамдир.

Ўқувчи ёшларнинг жисмоний камолотлари учун шароит яратиш ва педагогик бошқариш жисмоний тарбиянинг вазифасидир. Жисмоний тарбия тизимида жараёний камолот диагностикаси муҳим ўрин тутади. Жисмоний камолот жисмоний тарбия савияси, фан тили билан айтилганда, жисмоний тарбия самарадорлиги кўрсаткичидир.

Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қуйидагилар киради:

1. Инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти. Ички аъзолар, нерв ва ҳаракат, суякн, мускул тизими, баданнинг уйғунлиги ва уларнинг фуккционал фаолиятини бошқариш.

2. Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш.

3. Гигиена қоидаларига кўникиш.

4. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.

5. Бўлажак ишчи—меҳнаткашларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб аҳамияти жиҳатидан шакллантириш, иш қобилиятларини ошириш.

6. Ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.

7. Ўқувчиларнинг ирода, чидамлилик, қатъиян интизом, дўстлик ҳиссини камол топтириш.

8. Шахсий жисмоний қобилиятларини тарбиялаш.

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни бениҳоя кенгдир. Бу восита ёшларимизнинг турмуш тарзини, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмунли шаклланишини таъминлайди. Илғор педагоглар тажрибаларининг кўрсатишича, жисмоний тарбия ўқувчи ва ўқувчилар жамоаларининг турмуш тарзи ва дастурига айлангандир. Айниқса жисмоний тарбия дарслари, спорт ва жисмоний тарбия тарғиботи, ишлаб чиқариш таълими технологияси ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги ютуқларни рағбатлантиришда, ўқувчиларнинг узоқ вақтгача иш қобилиятларини сақлаб туришда, ёшларимизнинг жисмоний ва физиологик

сифатларини касб мазмунига боғлаш борасидаги жараёнларда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Ақлий тарбия

Бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқаётган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал қила оладиган шахсни тарбиялаш бош масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ақлий қобилиятларни ривожлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданиятига ўргатиш зарур. Ақлий тарбияни шакллантиришда фақат тушунча ва фактлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, системалаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиб олиш каби жараёнларни ҳам фаол қўллаш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси дарс вақтида амалга ошириб бориши ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш малакасини шакллантириш керак. Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш, талабаларга мустақил билим олишда энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Ақлий тарбия ўқувчиларда ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, малакасини ҳосил бўлишига кўмаклашади. Ақлий тарбия талабаларда дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирасини мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш каби малакаларни ўстиради.

Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳнли, зукко ва заковатли инсонларни халқимиз донишманд кишилар деб атайдилар. Донишмандлик - бу донолик. Донолик - бу инсоннинг энг буюк ва олийжаноб фазилатидир. Донолик шундай бир ноёб неъматдирки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ донолигида «Ақл тожи олтиндан, олтин ҳар кимда ҳам бўлмас», - дейилади.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк алломаларимиз Аҳмад Яссавий, Нақшбандий, ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек каби ақл-заковатли, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ақл-идроки, миллий урф-одатлари, айниқса маънавиятимизнинг асоси бўлган инсоний фазилатлар қайта тикланмоқда. Янги адолатли жамият қуриш учун таълим-тарбия соҳаси ҳақидаги билимлар чуқурлаштирилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларига "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" мавзусидаги жавобларида: "Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади",- деган эдилар (июн, 2000).

Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни ақл-идрокли, одобли қилиб тарбиялаш, уларни камолотга етказиш соҳасида Республикамизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё, инсон, ақл заковат, маънавият- булар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзиии кўрибдики, ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти сифатида ақл-заковати билан таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир. Инсон дунёга маълум бир мақсад билан келмайди.У ўзлигини идрок этгандан сўнг ҳаётда яшашдан маъно излайди ва бу нарса унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Инсонлар бор, дунёга келадилару кетадилар, Улардан ном-нишон қолмайди, ҳаётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор - мана шу келиши билан ўртасидаги "умр" деб аталмиш вақтга чақмоқдай чақнаб, ўзларининг ёрқин изини қолдирадилар. Бу из ўчмасдир. Мана шундай ақл-заковати билан ўзидан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Маънавий комил инсонгина шундай юксакликка, авлод-аждодлар қалбида замонлар оша, асрлар оша яшашдай шарафга сазовордир.

Демак, инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақли ва унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиши, ақл-идрок туфайлигина инсон донолик, теран фикр, ростгўйлик, тўғрилик, узоқни кўра билиш, нафснинг куйига тушмаслик каби хусусиятларни амалга ошириши мумкин. Халқимизнинг "Ақл инсоннинг кўрки", “Ақл сувдан тиниқ, ойнадай равшан” каби нақллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам ақл инсон учун ғоят олий неъматдир. Ақл билан илм-маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади, дунё сирлари ўрганилади. "Ақл- юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади", "Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради", "Ақл - жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти, тан эса жасаднинг ҳаёти!", "Кишининг нафси ақлдан устун бўлса, ундай одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ".

Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир.

Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди, ягонасидир. Руҳ ишлови, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодни маҳкам қилади, шариат ҳукмларига бўйсунади. Инсонларнинг дўсти унинг ақлидир. Душмани эса унинг нодонлигидир. «Оллоҳ энг ғазаб қилган киши аҳмоқдир. Чунки у энг азиз нарсадан маҳрумдир». Инсон ақли туфайли яхшилик билан ёмонликни ажратади. Олимларнинг фикрича, ақл икки турли бўлади.. Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган туғма ақли табиий ва касбий бу табиийдир. Инсон табиатдаги ақлни ўткирлаш ва ўстириш фаолияти бу касбийдир. Бу эса ақлни ишлатиш, тажриба ва илм олиш билан ҳосил бўлади.У ақлни ривожлантириш учун ҳам ҳар бир киши ҳаётдан тажриба орттириши ва илм-маърифат ўрганиши зарур, ҳар кимки, ақлга ошно бўлса, у жамики айблардан покланади, ҳақиқатни англаб, камолотга етади.

Болаларнинг ақлли бўлишида оила, мактаб, кенг жамоатчиликнинг таъсири каттадир. Ақлли болалар қаерда бўлмасинлар доимо эҳтиёткорлик билан билим ва тарбияни эканлигини намойиш этадилар. Уларни кўрган,

суҳбатида бўлган кишилар ақлига таҳсин қилиб раҳмат айтадилар. Шу ўринда 1447 йили Тафт шаҳрида 5-6 ёшли Алишернинг машҳур олим, тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашувини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир.

Бола мўйсафиднинг саволларига бурро жавоб берар эди. Унинг ўзини тутиши, одоби мўйсафидга ёқиб тушди. - Мен чақирганимда ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг, сўроқларимга яхши жавоб бердинг. Шунинг учун сенга раҳмат, умринг узоқ бўлсин, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил, бўлиб, яхши обрўга эришгайсан, - мўйсафид уни дуо қилди.

Бундан кўриниб турибдики, ақлли болалар ҳамма жойда камолу-таъзим билан салом берадилар. Одоб билан муносабатда бўладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, ақлни ишлатган киши ҳаётида фақат эзгуликлар қилади ва эзгулик кўради.

Лекин шуни айтиш жоизки, ақл, заковат жиҳатдан етук бўлмаган инсон ҳеч қачон ўз Ватанини, ўз халқини, ўз динини, энг асосийси ўзлигини англай олмайди, ўзлигини англамаган инсон эса манқуртга айланиб қолади.Бу эса эртанги порлоқ келажагимизнинг ҳалокатидир. Бизнинг бу борадаги энг асосий вазифамиз ёшларни маънавий баркамол, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, юрт истиқболи учун қайғурадиган комил инсонларни тарбиялашимиз, уларни камол топтиришимиз зарур.

Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди.У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозусига солиб кўради, ўз фикри, ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади[1].

Бизга маълумки, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган илм ҳикматларини ўрганишда ота-боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари беқиёсдир.

Халқимиз орасидаги қуйидаги ўгитлар инсонларни илм-маърифатга даъват этувчи буюк кучдир.

Инсон учун ақл, эшик очувчи, ахлоқий йўл кўрсатувчидир, Етук ахлоқ ва одоб инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилатидир. Ақлли киши ахлоқли бўлсагина, халқига, мамлакатига, ёру дўстларига наф келтиради. Алишер Навоий ўзининг ақли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ, ақли ва ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп фойда келтирди, дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога давлатни адолат мезонлари асосида бошқаришга ёрдамлашишга интилди. Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли у кўп фалокатларни олдини олди, ҳалокатлардан қутулиб қолди.

Инсонда нима асосий роль ўйнайди, ақлми ёки одоб деган савол ҳам қўйилиши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам муҳим. Иккаласини ўзида жамул-жам қилган кишини баркамол инсон, деб айта оламиз. Ҳаётда билимли, ақли

[1] **Н.Ғайбуллаев ва бошқ. Педагогика (Маърузалар матни). – Т.: 2000. 76-бет.**

ҳам жойида азиз, ақлли ва одобли кишиларни қалбан бир-бири билан боғлайдиган руҳий замин десак ҳам хато бўлмайди. Донолар айтганидек: "Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши мумкин. Одоб ақлга боғлиқ нарса. дея устига одоб қўшилса, нур устига нур бўлади. Улуғлик-ақлу одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади".

Инсонларнинг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, шунчалик камтар бўлади. Камтарлик-доноликнинг белгисидир. Доно кишилар билганларидан кўра билмаганлари кўп эканини тасаввур эта оладилар. Буюк файласуф Суқротнинг: "Мен бир нарсани биламан, у ҳам бўлса ҳеч нарсани билмаслигимдир",-деган фикрларида ҳам шу маъно бор. Фақат нодон кишиларга-ўзлари билган билим ҳақиқатнинг сўнгги чегарасидек кўринади.

Маърифатпарвар аллома А.Авлоний инсон ақл-заковати ва маънавий камолотининг йўллари устида тўхталиб, шундай деб ёзадики: "Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқадддас бир фазилатдур, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз мевасиз дарахт кабидур"[1].

Авлоний илмнинг аҳамиятини назарий томонини кўрсатибгина қолмай, балки амалий фаолият учун ҳаётий зарурат эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади: "Илм бизни жаҳолат қаронғусидан қутқарар, маданият, инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур. Яхши хулқ одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сароватимиз, майишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғликдур".

Ақл-заковат, эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли ниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англаган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижгимоий, иқгисодий тараққиёти ҳам илмий тафаккури салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Жамоа ва тарбия

Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ, уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоа (таълим муассасаси, гуруҳ жамоаси, таълим муассасасидан ташқари талабалар бирлашмаси ва хоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантариш учун қўлланма ҳисобланади. Мазкур бобда гап гуруҳ жамоасини барпо этиш ва ривожлантириш, гурух раҳбарининг шу йўналишдаги иши ҳақида боради.

[1] **А.Авлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". – Т.: "Ўқитувчи", 1992. 76-бет.**

Тарбия методларини танлашда уларнинг жамоанинг ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир педагог тарбиявий ишни гуруҳдаги жамоа муносабатларининг ривожланиши даражаси (босқичи, даври)ни аниқлашдан бошлайди. Педагогнинг эса янги гуруҳ билан кўп марта иш бошлашига тўғри келади: ўз меҳнат фаолиятининг дастлабки йилида, гуруҳни навбатдаги битириб чиқиш мавсумидан кейин, баъзан эса таълим муассасасида вужудга келган вазият тақозоси билан. Гуруҳ раҳбари ўзининг методлари жамоанинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги учун шундай кейинги ишлари давомида вақти- вақти билан жамоанинг ривожланиш даражасини англаб туради.

Назарияда жамоа ривожланишининг уч ёки тўртта даражаси ажратиб кўрсатилади («Педагогика» дарслигининг тегишли бобига қаранг)**.** Бошланғич даража педагогнинг куч-ғайрати натижасида гуруҳда ўрнатилган муайян даражадаги тартиб, интизом билан, тарбияланувчиларнинг унча катта бўлмаган қисми гуруҳ раҳбарининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши билан изоҳланади. Тарбия жараёни ўз – ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим талабалар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қилади. Гуруҳ раҳбари ва талабалар жамоаси ўй-ниятлари ва ишларида биргадирлар.[1]

Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узоқ бўлиб, муайян қийинчиликларни бартараф этиш билан кечади. Айни пайтда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар жуда қизиқарлидир. Бу гуруҳ раҳбарининг асосий ишидир. Умуман таълим муассасаси тарбиячисининг асосий натижалари бу иш қ**ан**чалик муваффақиятли ўтишига борлиқ бўлади. Агар талабалар жамоаси барпо этилмаган бўлса, талаба таълим муассасасини ҳеч афсусланмай тарк этади, ҳатто кейинчалик ўқиган йилларини эсламайди хам. Талабалар жамоасини иноқ жамоага бирлаштнрган мохир гуруҳ рахбари қўлида тарбияланган одам бахтлидир. Улғаяётган киши, фуқаронинг ҳаётдаги мавқеини шакллантиришда, унинг хаёт йўлини белгилашда ўз вазифасини англаш гуруҳ раҳбарининг тарбияланувчилар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб борадиган фаол ва қатъий фаолиятининг зарур шарти ҳисобланади.

Жамоанинг шаклланиш босқичлари

Жамоанинг ривожлаиш даражасини белгилаш методикаси кўп. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги жамоа норматив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборатдир ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан талабаларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитқадам фаолиятининг, ўзаро

[1] Рувинский Л.И. Тарбиявий ишлар методикаси. Т.:Ўқитувчи.-1991.-187 б.

масъулиятли муносабатларнинг мавжудлиги; ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва ҳоказо.

Талабаларнинг жамоа турмуш нормалари ва қоидаларининг, интизомнинг бузилишига муносабатларини кузатиб, жамоанинг ташкилий тузилиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичида талабалар тарқоқ бўлиб, уларда якдил фикр ва гуруҳ раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ходисалар очик муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди ва ҳоказо. Агар жамоа ривожлашишнинг иккинчи босқичида бўлса, номигагина эмас, балки педагогнинг ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчн фаоллар бўлса, унинг айрим талабалар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири — талабаларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби таълим муассасалари тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Гуруҳ раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун талабаларда уларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари мавжудлигиии билиши муҳим, яъни жамоанинг ҳаётий фаолияти истиқболларини барча ёки айрим талабалар қабул қилишини ва бу истиқболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси талабалар учун фаолиятга ундовчи воқеа бўлса ва бу яқин истиқбол фақат айрим талабалар ва фаоллар учун аҳамиятли бўлса, жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи ҳақида гапириш мумкин.[1]

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда талабаларнинг фақат гуруҳдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Гуруҳ раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий талабалар жамоасини эмас, балки талабалар жамоасини шакллантиради. талабаларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун гуруҳ раҳбари даставвал талабаларнинг ўқишга қандай муносабатда эканликларини, ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва, ниҳоят, энг муҳими — уларнинг ўқишдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Жамоанинг тарбиявий таъсири

Педагог гуруҳ билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Гуруҳда ҳақиқий жамоа муносабатлари бўлмаслиги мумкин, бунда педагог ишни бошидан бошлашига тўғри

[1] Ражабова С. «Касб - ҳунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси.Т., 2004.

келади. Кўпинча бундай ҳолат янги шаклланган, «йиғма» гуруҳларда, янги қурилган таълим муассасаларида бўлиши мумкин. Тўғри, бошқа ҳолларда ҳам шундай бўлиши, аввалги гуруҳ рахбарининг куч-ғайрати муваффақият келтирмаган бўлиши, таркиби ўзгармаган жамоа юқори курсдаги гуруҳларда ҳам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан, гуруҳ раҳбари гуруҳ билан иш бошлар экан, хар доим жамоа ривожланишининг бошланғич даври билан иш кўради, деб мўлжаллаб бўлмайди. Бошланғич ўқиш дарвларида кўпинча яхши гуруҳ жамоалари шаклланади. Педагог бундай ҳолда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини таҳлил этади ва унинг анча юқори ривожланиш даражасига мос келадиган тарбия методларини қўллайди.

Қуйидагиларни таъкидлаш зарур. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашнинг энг ишончли усули — талабаларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида, таълим муассасаларида, таълим муассасаларидан ташқарида ўзаро фаол хамкорлик қилиш жараёнида кузатишдан иборатдир. Махсус диагностик усуллар, масалан, анкета тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин бу усуллар гуруҳини жуда эҳтиёткорлик билан, катта педагоглик одоби билан қўллаш лозим. Талабаларни ўрганишнинг хар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги педагоглар учун қонун бўлиб қолиши керак. Эҳтиётсизлик билан ўтказилган анкета тарқатиш, айниқса унинг натижаларини муҳокама қилиш талабаларни жипслаштириш ўрнига уларнинг ораси бузилиб кетишига олиб келиши мумкин. Келтирилган мисолда анкеталарни муҳокама қилиш педагог томонидан пухта тайёрланган, «портлаш» усули сифатида фойдаланилди ва бошқа чоралар билан мустаҳкамландики, улар ҳақида қуйирокда сўз юритилади. шахслар, айниқса катта ўсмирлар ўзларини «ўрганишларини» хуш кўрмайдилар. Шунинг учун турли хил анкеталарни ошкора ва самимий жавоблар олишга умид қилгандагина қўллаш тавсия этилади.

Педагог жамоанинг кучли ва заиф томонларини англаш учун педагогик вазиятлар вужудга келтиришни қўллайди. Лекин бунда шуни эсда тутиш керакки, талаба камчиликларини ҳамманинг ўртасида ёркин намойиш этиш уни маънавий халок этиши, қалбини жарохатлаши мумкин. Шундай вазиятларни вужудга келтириш керакки, улар салбий томонларни эмас, хар бир шахсда одатдаги шароитда бошқалардан яширинган ижобий томонларни ҳам очиб берсин.[30]

Гуруҳ рахбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда педагогларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Бу ҳақда гапирмаса ҳам бўларди, чунки бу шарт педагогик принциплардан биридир. Шу билан бирга, ишни энди бошлаган педагог, айниқса гуруҳ рахбари

[30] А.Б.Исимова “Дарсдан ташқари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари” номзодлик диссертацияси. Т., 2004.

тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда ўз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир хил усуллар — талаблар, топшириқлар ва хоказолар турлича изохланади. Қуйи гуруҳларда кўпгина талаблар, қоидаларни тушунтириш, хатто айрим «зерикарли» вазифаларни бажаришга ўргатиш кўпинча ўйин шаклида ўтказилади. Кичик гуруҳларда тарбия шакллари анча жиддий, амалий тус олади, лекин имкони борича уларга ўсмирларда иштиёқ уйғотишга қодир бўлган романтик тус бериладн. Юқори гуруҳларда чуқур тушунтириш ишлари олиб бориш, хатто маънавий талабларни фалсафий асослаб бериш талаб этилади.

Жамоани шакллантнришнинг дастлабки босқичида гуруҳ рахбаридан айииқса кўп шахсий куч-ғайрат сарф этиш талаб этилади. Бунда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, вазият шундай бўлиши ҳам мумкин, яъни гуруҳ янги эмас, талабалар бир неча йилдан буён бирга ўқишлари, жамоа эса таркиб топмаган ёки «сочилиб кетган» бўлиши мумкин. Педагог хар қандай ҳолда ҳам ўз ўтмишдошларининг хатоларини такрорламаслик учун вужудга келган вазиятни таҳлил этади ва бунинг педагогик сабабларини аниқлайди.

Қўйилган вазифаларни хал этиш истиқболларни олға суришдан бошланади. Жамоа қандай босқичда турмасин, унинг олдида бир вақтнинг ўзида яқин, ўрта ва узоқ истиқболлар бўлиши керак. Тажрибанинг кўрсатишича, талабаларнинг шахслараро муносабатлари жамоа тусини олмаган бошланғич босқичларда гуруҳ раҳбари талабаларнинг шахсий манфаатларига дахл қиладиган яқин истиқболларни ўртага қўйиш ва руёбга чиқариш тўғрисида ўйлашига тўғри келади. Яқин истиқбол сифатида одатда кўп тайёргарликни талаб қилмайдиган, лекин шу билан бирга қисқа муддатли амалий муомала: экскурсия, маданий юриш, шахар ташкарисига сайрдан хурсандчилик етказадиган қизикарли ишлар танланади. Бу кичик тадбирларни тайёрлаш талабаларнинг фаол педагогик ёрдам остида муайяи куч-ғайрат сарфлашларини ва ташкилотчилик фазилатларини намоён этишларини талаб қилади. Бундай жамоа тадбирларини ўтказиш чоғида фаол талабалар аниқланади.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, истиқболлар (яқин, ўрта, узоқ истиқболлар) жамоа ҳаёт фаолиятининг барча: ўқув, ижтнмоий-сиёсий, меҳнат ва оммавий-маданий сохаларини қамраб олган бўлиши керак. Бундай ёндашув фақат «кўнгилочар» истиқболларни олға суриш йўлидан бориш хавфидан халос бўлишга ёрдам беради.

Жамоада шахсни тарбиялаш шакл ва усуллари

Жамоа қандай босқичда турмасин, унинг олдида бир вақтнинг ўзида яқин, ўрта ва узоқ истиқболлар бўлиши керак. Тажрибанинг кўрсатишича, талабаларнинг шахслараро муносабатлари жамоа тусини олмаган бошланғич босқичларда гуруҳ рахбари талабаларнинг шахсий манфаатларига дахл қиладиган яқин истиқболларни ўртага қўйиш ва руёбга чиқариш тўғрисида ўйлашига тўғри келади.

Педагогикада ривожланиш ва тарбияиинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан бўлиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади шахснинг ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташки таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади. Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожааниб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади. Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлик; бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар тамонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишнинг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни шунингдск, шахс камолотида таълимм ва тарбия ҳмда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди ва таҳлил қилади. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғликдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабди шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули деб тушуншиимиз лозим.

Президент И. Каримовнинг 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилишда сўзлаган нутқида: "Бизнинг эзгу ниятимиз -келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёг, стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган", деб таъкидлайди.

Шахснинг ривожланиш жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади: ирсият, муҳит, таълим – тарбия, шахс фаоллиги.

Инсоннинг жисмоний ривожи асосан биологик омилга боғлиқ. Муҳит-бу шахсни ўраб турган шарт-шароитлар йиғиндисидир. Буларга табиий муҳит, экологик муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳитини киритиш мумкин. Буларнинг барчаси тарбиявий муҳитни ташкил этади. Шахснинг шаклланишида уни ўраб турган муҳитнинг таъсири жуда катта.

Тарбия энг асосий ривожлантирувчи омилдир. Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаш учун тарбияланувчидаги ривожланишнинг моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур.Тарбия ҳақиқатдан ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбияланувчи жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабаларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Демак шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этиш керак. Шахс, унинг характери, хулқ- атвори, умуман жисмоний ва маънавий тараққиётини ўрганиш шуни кўрастдики, бу жараён мураккаб ва зиддиятлидир. Шу сабабали ривожланиш жараёни бир текисда бормайди, балки бунда сакрашлар, нотекисликлар ҳам содир бўлади.

Жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш тарбиянинг энг муҳим принципларидан биридир. Соғлом жамоа ҳар бир шахснинг қизиқишлари ва талабларни, унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олади. Жамоанинг тарбиявий кучи ҳар бир кишида бўлган хислатлардан, ҳар бир шахс жамоага қўшадиган ҳиссасидан бошланади. Тарбиялаовчи

жамоалар таълим – тарбия муассасаларида (гуруҳ жамоалари), қизиқишлари бўйича жамоалар, ишлаб чиқариш бригадалари жамоаларида ўз аксини топади. [31]

Жамоа – бу одамларнинг бирор бир муайян ижтимоий аҳамияти бўлган фаолият асосида бирлашувларининг ташкилий формасидир. Тарбияловчи жамоада педагогик раҳбарлик ёрдамида ўзаро маъсулият (ишчанлик) муносабатлари вазиятигина эмас, билки инсонпарварлик муносабатлари ҳам вужудга келтирилади. Тарбияловчи жамоада инсонпарварлик муносабатлари ўртоқларча манфаатдорлик, бир – бирига эътибор билан муносабатда бўлиш, каби белгилар билан характерланади. жамоада инсонпарварлик муносабатларининг мавжудлиги жамоанинг маънавий етуклигини ифодалайди.

Тарбияловчи жамоа педагоглар учун тарбия объекти бўлиб, педагогик ишларнинг бутун моҳияти жамоаларнинг ташкилий жихатдан шакллантириш, тарбияланувчиларни тегишли интизом доирасида сақлашдан иборат бўлмай, балки талабаларнинг мазмунли ҳаётини ташкил этишдан, чинакам бой ижтимоий ва жамоа муносабатларини шакллантиришдан иборатдир. Ўзини – ўзи бошқариш органлари орқали жамоанинг пухта, бир мақсадга қаратилганлиги ва сермазмун ҳаёти тишкил этилиш керак.

Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро назорат, ўзаро маъсулиятдан иборат муайян муносабатлар таркиб топади. Педагогнинг вазифаси ўзини бошқара оладиган жамоани вужудга келтиришдир. Бундай жамоанинг ҳар бир аъзоси ижорчигина бўлиб қолмасдан, балки хилма – хил фаолиятнинг бунёдкори бўлиши лозимдир.

Жамоа ҳар бир шахсни шакллантиришга жидий таъсир кўрсатади. Ҳар бир шахс жамоанинг муайян талабларини, юриш – туриш нормаларини қабул қилибгина қолмасдан, балки ўзи томонидан ҳам турли талаблар қўйиши керак деб ўйлайман. Натижада шахснинг ривожланиши жамоанинг шаклланишига олиб келади.

Жамоанинг таъсири кўпроқ фаолият жараёнида амалга оширилади. Трабияловчи жамоанинг шахсга таъсир кўрсатиш шакллари хилма – хилдир: сборлар, талаблар йиғилишлари, деворий газета, мусобақа ва бошқалардир. Талаба шахси доимо такомиллашиб боргандек, жамоа ҳам такомиллашиб боради шунинг учун шахсга таъсир таъсир усуллари ҳам доимо ўзгариб туриши лозим.

Жамоада нолегал лидернинг таъсири ҳам беқиёс шунинг учун педагог доимо нолегал лидернинг таъсирини кузатиб бориши ва уни ижобий бўлса қўллаб – қувватлаш, агар салбий бўлса уни тўғирлашга ҳаракат қилиши керак. жамоада тарбия фронтал ва индивидуал шаклларда олиб борилади. Ижобий характерга эга бўлган чора тадбирлар оммавий олиб борилиш ва танқидий чора – тадбирлар индивидуал холда олиб борилиш олтин қоида ҳисобланади.

[31] Рувинский Л.И. Тарбиявий ишлар методикаси.Т.:Ўқитувчи.-1991.-189 б.

Жамоа фаолияти асосида муомала қилишга бўлган эҳтиёж ётади. Дарсларда бу эҳтиёж кам қондирилади. Педагоглар кўпгина ҳолларда талабаларнинг ўзаро ҳамкорликларида фақатгина кўчириб олиш, ўзи ўйламаслик каби салбий томонларини кўрадилар. Шунинг учун агар биргаликда ишлаш махсус режалаштирлмаган бўлса, тарбиячилар дарсда талабалар ўртасидаги алоқани асосан рағбатлантирмайдилар. натижада талабалар дарсда ҳам уйда ҳам биргаликда ишлашни ўрганмайдилар.

Агар дарсдаги муомалага бўлган эҳтиёж тўғри тушинилса, унинг негизида талабаларнинг ўзаро ёрдами, дарсларга биргаликда фойдали тайёргарлик кўриш, қизиқишлар бўйича машғулотлар ташкил этилади. Биргаликдаги меҳнати талабаларда катта қониқиш ҳосил қилади. Таълим жараёнидаги жамоатчилик туйғуси ана шу ижобий кечинмадан бошланади. Шу тариқа ўзаро ёрдам ташкил эитш гуруҳдаги жамоа муносабатларини шакллантиришнинг йўлларидан биридир. Ўзаро ёрдам кўрсатишнинг тўғри, энг мақсадга мувофиқ шаклларини топиш осон эмас. Педагог яна талабаларнинг ёш хусусиятларни, унинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олади, ўз талабаларида жамоа фикрининг қўллаб қувватланишига таянади.

Ўқув – билиш фаолияти билан боғлиқ истиқболлар жамоа ривожланишининг барча даражаларида муҳимдир. Ривожланишнинг юқори даражасида гуруҳда обрули фаоллар, соғлом ижтимоий фикр мавжуд бўлганида бундай истиқболлар талабаларнинг дарсдаги ва дарсдан ташқари фаолиятини қамраб олиши, хилма – хил, баъзан мураккаб шаклларга эга бўлиши мумкин. Бу истиқболларни амалга ошириш талабалар кўз ўнгида ҳам, бошқа гуруҳ талабалари, педагоглар, ота – оналар кўз ўнгида ҳам жамоа обрусини оширади. Кўпгина ўқув масканларида гуруҳ жамоалари ҳар йили билиш ва кўнгил очар дастурлари бўлган мавзули кечалари, фан ҳафталиклари тайёрлайдилар. Бу фақат бақувват жамоанигина қўлидан келади. Бу тадбирларни тайёрлашда одатда жамоанинг ҳар бир аъзоси банд бўлади. Бундай истиқболнинг тарбияловчи таъсири шундан иборатки, гуруҳ жамоаси унинг ёрдамида бошқа жамоалар билан ҳам боғланади.

Гуруҳ раҳбарининг шахсни шаклланишидаги ўрни

Гуруҳ раҳбари аввал бошданоқ шакллантирилаётган талабалар жамоаси фақат гуруҳ доирасида қолиб кетмасин. Ўй – ниятлари ва ишлари билан таълим муассасаси, шаҳар ҳаёти билан ҳам боғланиши учун чоралар кўради. У металл парчалари тўплаш, территорияларини йиғиштириш, дарахт кўчатлари ўтқазиш каби мусобақаларда талабалар шахсий қувончи ёки ўз мағлубияти аламини бошдан кечирмасдан, умумий хулосани ва умумий ишга ўзлари қўшган ҳиссани таҳлил этишлари тўғрисида ғамхўрлик қилади. Афсуски ҳамма педагоглар ҳам бу қоидага риоя этишмайди. Улар асосий эътиборни гуруҳнинг ички ишларига қаратадилар. Мусобақа, агар ундан жамоанинг ривожланиш даражаси ва

талабаларнинг ёш ҳисобга олинган тарзда фойдаланилса, жамоани шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Гуруҳ ўз навбатида умутаълим муассасаси мусобақасига қўшилиши мумкин. Бу анча маъсулияти иш. Унинг муваффақияти кўп жиҳатдан фаолларнинг уюшқоқлиги, ташаббускорлиги ва мустақиллигига боғлиқ бўлади.

Гуруҳ раҳбарлари талабаларнинг ота-оналари билан ҳам хилма-хил машғулотларни бирга кушиб олиб боришса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ўқиш мобайнида иккита умумтаълим машғулотини ва ҳар бир гуруҳ ота-оналари учун 6 тадан 9 тагача машғулот ўтказиш кўзда тутилган. Машғулотлар шундай тарзда кўриладики, ота-оналар педагогика, психология ва физиология асослари изчил курсини ўзлаштириб, фарзандлари билан курсдан -курсга ўтгандек бўлишади. Курс талабаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ва таълимнинг ҳар бир йилидаги таълим-тарбия вазифаларини ҳисобга олиб кўрилган.

Ота-оналарга педагогик билим беришни амалга оширишда фақат билим бериб қолмасдан, уларни тарбия сохасидаги амалий малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, уларнинг педагогик фикрини уйғотиш, мустақил шуғулланишга ундаш, мақсадга мувофиқ (тарбия нуктаи назаридан) оила ички муносабатларини йўлга қўйиш ғоят муҳимдир. [32]

Педагогик, маъруза — педагогик билим беришнинг энг машхур шаклларидан бири. Кейинги пайтларда ота-оналарга педагогик билим бериш кенг миқёс касб этиб, корхоналардаги, клублар, маданият уйлари ҳузуридаги, турар жойлардаги ва хоказолардаги ота-оналар педагогика университетлари ва лекторийлари орқали турли шаклларда амалга оширилмоқда.

Ота-оналар учун маърузаларни аниқ материал, ижобий намуналар асосида, адабий манбалар, диапозитивлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг оилавий тарбия тажрибалари ҳақидаги шикоялари ғоят қизиқарли ва тушунарли бўлади.

Ота-оналарга педагогик билимларни маълум қилибгина қолмасдан, уларни ўз фарзандлари шахсини мулжаллай олишларига, ота-оналар ундан нима чиқишини олдиндан билишлари ва уни тарбиялаш режасини туза олишларига ўргатиш яхши натижа беради.

Ота-оналаримизнинг юксак таълимий ва маданий даражаси педагогик ва психологик таъсир этиш сифатинн оширишни талаб этади. Хўш, буни каерда ўрганиш мумкин? Энг яхшиси — ота-оналар билан бевосита муомалада, педагогларнинг бу йўналишдаги ижодий жамоа ишида ўрганиш мумкин.

Ўқилаётган маъруза самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир маърузада камида уч мақсад: қизиқтириш, тушунтириш, ишонтириш

[32] Рахимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)

мақсадининг амалга оширилишига эришиш муҳимдир. Агар бу мақсадларнинг биронтаси бажарилмаса, маърузани муваффақиятли деб бўлмайди. Айтиб ўтилган ҳар бир мақсадга ўзига хос усуллар билан эришилади. Масалан, тингловчиларни сийқаси чикмаган муқаддима билан қизикарли ҳикоя, парча ва ҳоказо), маърузага янгилик жиҳатини киритиш бунда маълум бўлган ҳодисада тингловчилар эътибор бермаган қандайдир янги нарса очилади), тингловчиларнинг қизиқишларини қаноатлантириш ва ҳоказолар билан қизиқтириб олиш мумкин. Лекторнинг эҳтирослилиги, унинг ота-оналар кечинмаларига шерик бўлиши, уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиши, ёркин, ҳаётий мисоллар ва ҳоказолар тингловчини ишонтиришга ёрдам беради. Ота-оналарда педагогик билимларни тўлдириш, эгалланган билимларни фаол англаб етиш, улардан оилавий тарбияда фойдаланиш эҳтиёжининг кучайиши ўтказилган маъруза самарадорлигининг муҳим мезони бўлади.

Биринчи ҳолда конференция анча аниқ тусда булади, шундан кейинги ҳолларда умумий тусда бўлиб, кўпроқ ота-оналарни қамраб олади. Уларнинг қайсинисини танлашни гуруҳ раҳбарининг ўзи етилган муаммоларни, унинг бундай конференцияларни ўтказиш юзасидан шахсий тажрибасини, ўқув муассасасида қарор топган анъаналарни, ота-оналарнинг фаоллигини ва ҳоказоларни эътиборга олиб танлайди. Одатда конференция мавзуи гуруҳда, таълим муассасасида, микрорайонда, республикада, мамлакатда етилган муаммолар билан белгиланади. Шу муносабат билан конференция мавзуини ота-оналарнинг ўзлари, гуруҳ раҳбари, таълим муассасаси, туман раҳбарияти ва ҳоказолар таклиф этишлари мумкин.

Ҳам назарий жиҳатдан, ҳам оилавий тажрибани танлаш ва умумлаштириш жиҳатидан пухта тайёрлаш ҳар қандай конференцияни ўтказишнинг сўзсиз шартидир. Асосий тайёргарлик ишлари гуруҳ раҳбари раҳбарлигида амалга оширилади, у ота-оналар комитети билан биргаликда конференцияни тайёрлаш ва ташкил этиш режасини тузади.

Гуруҳ билан ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш

Гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабаларнинг бевосита таълим тарбия жараёни, яъни дарслар давомида ҳамда дарсдан кейинги фаолиятини назорат қилишга масъулдирлар. Гуруҳдаги барча талабаларни қобилиятига қараб тугаракларга жалб этиш керак. Гуруҳдаги талабаларнинг сони нечта бўлишидан қатъий назар уларга маънавият дафтарини туттириш керак. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган маънавият соатларини тўғри ташкил этиб, унга ҳаққоний ёндошиш шартдир. Тарбиячи қандай шароитда ишламасин, у қандай гуруҳда ишлашидан қатъий назар, талаба шахсини камол топтириши керак. Гуруҳ раҳбарлиги одатда гуруҳни ва алоҳида ҳар қайси талабани ўрганишда бошланади. Маънавияти бой бўлган гуруҳ раҳбари талабалар билан алоҳида – алоҳида ишлашни амалга ошириши, талабаларга ўз таъсири, методларини моҳирлик билан қўллаш керак.

Агар гуруҳ раҳбари талабалар фаоллигини янада оширишга ҳаракат қилса ота – оналар билан алоқани мустаҳкамлаши лозим бўлади. Қайсики гуруҳ раҳбари ота – она билан яқиндан алоқада бўлса, унинг гуруҳидаги талабаларининг фаоллиги ошади.

Ўзбекистонимизнинг «Таълим тўғрисида» ги Қонунини талабалар, ота – оналар ўртасида ўрганиб ишлаб чиқиши керак. Ўқув масканида таълим мазмунини такомиллаштириш, таълим методларини ягилаш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Трабиячи талабаларда билим олишга бўлган иштиёқ ва эҳтиёжини уйғотишга ҳаракат қилади. Агар гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабалар ўртасида ҳурмат қозона олса, талабани фикрлашга ўргатсин.

Ўқув масканида олиб бориладиган тарбиявий ишлар системасини тўғри ва бевосита гуруҳда ўзлаштиршни кўтаришга таъсир этади. Гуруҳ раҳбари талабалар билан ҳамкорликда тарбияланувчиларни ўқишга онгли муносабатда бўлишга ўргатади., талабаларнинг ўқишга назорат қилади.

Дарсларга киради, кузатади ва ўз гуруҳидаги талабалар билан биргаликда гуруҳда ўқув ишлари сифатини ошириш чора – тадбирларини белгилайди. Гуруҳ хонасининг жихози ва кўриниши талабаларнинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун талабаларга гуруҳ бурчагини қандай жихозлаш кераклигини айтиб бериш керак. Гуруҳ раҳбари кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларидан фойдаланиш тарбияланувчилар ижодий қобилиятларини ўстришда, уларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам беради. Дарсдан бўш вақтларида талабаларнинг жамоат топшириқларни, тугаракларда иштирок этишини назорат қилиш керак.

Тарбияланувчиларни севиш ва ҳурмат қилиш тарбиявий иш самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир. Агар педагог тарбияланувчиларни севмаса у тарбияланувчиларнинг ҳақиқий тарбиячиси, мураббийи бўла олмайди.

Ҳозирги кунда тарбиявий ишлар усулубиёти фанининг энг му ҳим вазифаси бу – келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлаш – маънавий кадриятларимизни ва умумбашарий қадриятларни узида мужассамлаштирган мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Бунинг учун эса замонавий ва жаҳоннинг илғор таълим технологиялари билан таъминланган ўқув – услубий адабиётлар мажмуаларини яратиш, таълим тизимини тубдан узгартириш унинг мазмунига миллий руҳ сингдириш, самарали анъанавий услубларни саклаб колган ҳолда илгор услубларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш лозим.

Шу мақсадда сўнгги йилларда педагогик олим ва амалиётчилар томонидан илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим – тарбия амалиётида қўллаш йўлга қўйилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Дарс жараёнида юқори самардорликка эришиш учун

қуйидаги метод ва услуллардан фойдаланиш мумкин: баҳслар, тадқиқот, музёрар, ишбилармонлик ўйинлари, лойиҳалаш, китоб билан ишлаш, суҳбатлар, пинборд, бошқаларни ўқитиш, давра суҳбатларидир. Ушбу методларни дарс жараёнига қўллаш учун эса таълимнинг кичик гуруҳлар билан ишлаш шаклидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида «Таълим берувчи – таълим олувчи” диалогидан воз кечишни ва “таълим берувчи – гуруҳ – таълим олувчи” кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни тақозо этади. Шу туфайли педагог билан талаба ўртасида мустаҳкам контакт ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

Маънавий- тарбиявий ишлар тизимининг мазмуни

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ, ёш авлодни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Ҳозирги замон мактаби тубдан янгиланмоқда. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қайтадан кўриб чиқилганлиги мактабнинг бугуни ва келажагига умид билан қарашга ундайди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли нутқида бошқа таълим турлари қатори умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти ҳам жиддий танқид остига олинган эди. Жумладан, нутқда бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараб келинаётганлиги, ўқувчиларда мустақил эркин фикр юритиш кўникмалари ҳосил қилинмаётганлиги 11 йиллик ўқув тизими илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ва бошқа камчиликлар айтилганди.

Ўзбекистон Республикаси XXI асрга қадам қўяр экан, асосий вазифаларимиздан бири мустақиллигимизни мустаҳкамлашдир. Бу эса мамлакатимиз ёшлари олидига каттадан-катта масъулият юклайди. Ҳозирги кунга келиб, ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, уларнинг сиёсий билимларини ошириш ҳамда жамият ҳаётида фаол бўлиши учун талай ишлар амалга ошириши лозим. Аввалом бор ёшларимиз эртанги истиқболини ўз қўллари ва ақл-идроклари билан яратишлари керак. Демак, ҳаммаси таълимга ёш авлоднинг нечоғли тафаккурига эга эканлигига боғлиқ. Шу маънода ҳозир республикамизда очилаётган янги коллежлар, лицейлар, махсус соҳага йўналтирилган мактаблар ҳамда талабаларнинг ривожланган давлатларга ўқишга юборилиши, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар ёшларимизнинг малакали мутахассислар бўлиб чиқишини таъминлайди.

Ёш авлодга тарбия беришдек мураккаб вазифани ҳал этишда мактаб жуда катта аҳамият касб этади. Айни шу жойда ёшларимиз ижтимоий жамият ва илмий техника тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган мукаммал маълумотларни оладилар. Мактаб ёшларнинг дунёқарашларига пойдевор ҳамда ғоявий эътиқодлари учун негиз яратади,

уларнинг иродаларини шакллантиради, халқимиз бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга тайёрлайди.

Ўқувчиларга тарбия бериш уларга таълим бериш билан мустаҳкам ва яхлит бирликда амалга оширилади. Аммо, тарбиянинг ўз вазифаси, мазмуни, шакл ҳамда услублари бор.

Ўқув-тарбиявий жараённинг узвийлиги мактаб олдига қўйилган энг муҳим педагогик қоидалардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бевосита ўқув жараёни билан боғлангандир. Дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларда асосий вазифалари бўлмиш илм олишга иштиёқ уйғотиш, қобилияти ва истеъдодларини рўёбга чиқаришга имконият яратишдан, мактабни муваффақиятли тугатиш, касб-корга интилиш ҳиссини тарбиялашдан иборатдир.

Бугунги кунда ёшларнинг кундалик эҳтиёжлари, интилишлари, талаб ва қизиқишларини фақат дарс жараёни билан қондириб бўлмайди. Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ўқувчилар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олмоғи лозим. Ҳар бир ўқувчи билан яккама якка ишлаш, уни ижтимоий – руҳий жиҳатдан ўрганиш ўқитувчи-мураббий фаолиятига янгича мазмун олиб киради.

Бугунги мактаб олдига шахснинг ҳар томонлама ривожланишини шакллантириш вазифаси қўйилган. Мазкур ишни амалга ошириш дарс жараёнида ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни қатъий бир мақсадли тизимга айлантиришни тақоза этади.

Сўнгги йилларда болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши ўзгаришлари кўзга ташланади. Бу ҳол ижтимоий ҳаётдаги улуғвор ўзгаришлар илмий-техника тараққиёти, оммавий-ахборот воситаларининг таъсир доираси ошганлиги билан изоҳланади.

«Кишилик жамияти эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади» - деган эди Президентимиз. Бу улуғвор бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир. Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказадиган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин.

Ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришда ўтмиш ахлоқий меросини, айниқса улуғ мутафаккирларнинг илғор фикрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари ахлоқий қарашлари бугунги тараққиёт учун ҳам, ёш авлод камолоти учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг ҳаёт маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, ахлоқ ҳақидаги пур-маъно фикрлари ҳар бир ўқувчининг маънавиятини шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ёш авлодни ахлоқий маданиятини шакллантиришга бағишланган асарларини ҳамда уларнинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ва кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ўрта Осиё

мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари – ўгитлари шундай кучга эгаки, улар ўқувчилар қалбида инсонийлик уруғларини униб чиқишига катта ҳаёт йўлига олиб чиқишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларида халқимизнинг миллий қадриятларини машҳур аллома ва мутафаккирларнинг ахлоқ-одобга доир ўгитларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари – бу халқимизнинг «маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик» кабиларни кўрсатиш билан бирга, унинг «куч-қудрати, манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир» – деб таъкидлаган эди[1]. Президентимиз И.А.Каримовнинг умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлари ҳақидаги кўрсатмалари халқимиз, мактаб ва маориф ҳаётидан кенг ўрин олмоқда. Ота-боболаримизнинг меросига, миллий урф-одатларига, ахлоқ-одоб қоидаларига бўлган қизиқиш кундан-кунга ўсиб бормоқда. Чунки миллий қадриятлар халқ ҳаёти кишиларнинг мақсадлари, орзу-истаклари, интилишлари, ҳаётий тажрибаларини ифода этишда, маънавий эҳтиёжларини қондиришда, ахлоқий онгини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шарқ мамлакатлари олимлари инсон камолотидаги асосий йўналишларида асрлар давомида вужудга келган ўтмиш бойликларидан, халқнинг ўз тарихини, унинг мустақиллик учун кураши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бутун ақл заковатини, шуурини ишга солган ал-Хоразмий, Беруний, Ибн-Сино, Форобий, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек каби буюк шахслар Мовароуннаҳрни оламга танитган. Шундай экан, бугунги кунда мактаб ва маориф, таълим-тарбия миллий негизга қурилиши ва мамлакат истиқлоли вазифаларидан келиб чиқиб белгиланиши, миллий маданий тараққиёт ва миллий тарбияда уйғунлик бўлиши, мактабларда ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий қадриятларни ўрганиш, ҳар бир ўқувчи шахсини ҳурматлаш, уларга ишониш, уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган шароитларни яратади. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларни демократик асосда тиклашга, бир-бирларини тўғри тушунишга имконият туғдиради. Чунки, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари ва унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида мактабларда таълим олаётган ўқувчининг маънавиятини шакллантириш бозор иқтисодиёти талаблари асосида амалга оширишни талаб этади. Шахс ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг мақсади,

[1] И.А.Каримов. Ызбекистоннинг ыз исти=лол ва тара==иёт йыли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. 65-бет.

мазмуни ҳам жамиятимизда рўй бераётган чуқур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга қараб ўзгариб боради.

Таълимининг асосий вазифаси жамиятимизда рўй бераётган моддий ва жиддий ўзгаришларни ўз вақтида ўқувчиларга етказиш ана шу асосда ўқувчи шахсининг ахлоқий маданиятини шакллантиришдир. Бу жараённи муваффақиятли амалга ошириш ўқувчи шахсини ахлоқий маданиятини шакллантиришда янги босқичга олиб чиқади. Натижада жамиятимиз учун иймон-эътиқодли собит-қадам ёшлар камолотга етади.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг мақсади ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларни идрок эта оладиган ва вояга етказишдан, ахлоқи-одобини ривожлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини шакллантириш ва уни такомиллаштиришда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. ***Биринчидан,*** таълим-тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминлашга эскириб, қотиб қолган дарс усулларидан воз кечишга, янгича усулларга кенг йўл очишга; ***иккинчидан,*** ўқитувчининг ўз устида ишлашга бўлган эътиборини кучайтиришга, таълим-тарбия жараёнини юксак савияга кўтаришга; ***учинчидан,*** дарслик ва қўлланмаларда миллий маданиятимизнинг ўзига хос хусусиятини, ўзбек халқининг фан ва маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшган алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, табиий шароити, тарих, ўзбек тилининг жозибаси ўз аксини топиш; ***тўртинчидан,*** жаҳон ва ҳамдўстлик мамлакатларининг ўқувчилар маънавиятини шакллантиришдаги илғор иш тажрибаларидан фойдаланиш; олтинчидан, ўқувчи ёшларни чет элларга ўқишга жўнатиш мақсадида Оврупа, Осиё мамлакатлари халқларининг миллий урф-одатларини ўрганишини кенг йўлга қўйиш зарур.

Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса - жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами таркиб топган бўлади. Оиланинг миллий руҳи - халқнинг миллий руҳиятини белгилайди. Шу маънода оила ҳар бир аъзосида миллий психологияни шакллантирувчи муқаддас ижтимоий институтдир. Бу институт неча минг йилликлар давомида жаҳон халқларининг бир-бирларига ўхшамайдиган турфа миллий-маънавий қиёфаларини тарбиялаб келаётир. Инсоният оламининг бойлиги ҳам аслида худди шу миллий-маънавий бетакрорлигида. Бинобарин, ўзбек оиласида маънавият асосларини ҳар томонлама мукаммал ўрганиш ҳам халқимизда миллий ўзлигини англаш ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

Боб бўйича қисқа хулоса

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шаклларини ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади.

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил-ал Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшликдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Шундай экан, таълим муассасаларида ўқувчи-талаба ёшларга таълим беришда тарбияга кўпроқ эътиборни қаратмоқ лозим. Айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, миллий истиқлол ғояси, педагогика ва психология, маънавият асослари каби фанларни ўқитиш жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга, миллий руҳ, урф-одат ва умумбашарий қадриятларга алоҳида урғу бериш зарур.

Назорат учун саволлар.

1.Тарбия жараёни нима?

2.Тарбия жараёниниг мураккаблиги нимада?

3.Тарбия тамойиллари.

4.Тарбия усуллари, турларини санаб беринг?

5. Шахс тушунчасига таъриф беринг?

6. Муҳит нима?

7. Ташқи муҳитнинг шахсга таъсири нималарда намоён бўлади?

8. Тарбия орқали инсонни тўлиқ ўзгартириш мумкинми?

9. Тафаккур, идрок, илмий дунёқараш деганда нимани тушунасиз?

10. Миллий қадриятларнинг аҳамияти ахлоқий тарбияда қай даражада намоён бўлади?

11.Ахлоқий тарбия тушунчасига изоҳ беринг.

12.Ахлоқий тарбиянинг мазмунини нималар ташкил этади?

13.Ахлоқий тарбиянинг қандай категорияларини биласиз?

14.Бугунги кунда ахлоқий тарбия жараёнида қандай муаммолар мавжуд?

15.Ахлоқийликни баҳолашда қандай меъзондан фойдаланиш мумкин?
16.Ахлоқий онг категориясига изоҳ беринг.

17.Ахлоқий қадриятларга нималар киради?

18.Эстетик тарбиянинг моҳиятига изох беринг.

19.Эстетик тарбия методларини санаб беринг.

20.Эстетик тарбиянинг шахс ривожланишида ўрни қандай?

21.Эстетик тарбия воситаларига нималар киради?

22.Экологик тарбиянинг мазмуни ва мақсади қандай?

23.Экологик тарбия жараёнида қандай вазифаларни бажариш талаб этилади?

24.Экологик тарбияни ривожлантириш шакллари ҳақида нима биласиз?

25.Экологик тарбия усулларини санаб Беринг.

26.Экологик маданият ва экологик тарбия тушунчаларига изоҳ беринг. 27.Меҳнатнинг мазмуни нималардан иборат?

28.Таълим муассасаларида меҳнат тарбияси қандай йўлга қўйилган?

29.Меҳнат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш учун рағбатлантиришнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

30.Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат тарбиясининг аҳамияти қандай?

31. Меҳнат тарбиясини ривожлантириш жараёнида қандай усуллар самарали натижа беради ?

Адабиётлар.

1.Подласўй И.П. Педагогика. М.: Вўс.образование.-2006.-540 с.
2.Педагогика. /под ред. П.И.Пидкасистого.М.: Вўс.образование.-2006.-432

3. А.Н.Романин. Гуманистическая психология и психиатрия. М.: КНОРУС.-2005.-208 с.

4. Ражабова С. «Касб - ҳунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси.Т., 2004.

4.Хошимова М.К. Ахлоқий тарбия асослари. Т.,2004.-107 б.

5.Шукин И.Экология. Ростов на Дону.-2004- 219 с.

6.Субанов Б.Д, Додобоев Ю.Т. Экология и безопастность жизнидеятельности. Т.,2003.-236 с.

7..Дьяконова К.Н, Дончева А.В. Экологияеское проектирование и экспертиза. М.: Аспект-Пресс.2002.-383 с

V БОБ. Дидактика – таълим назарияси.

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “Ўқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг

ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шаклларидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Педагогикада дидактиканинг умумий ва хусусий тамонларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Умумий дидактика педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро таъсири тўғрисидаги фан бўлиб, у барча ўқув предметларини — ижтимоий-гуманитар, табиий фанларни ўқитиш, маълумотнинг ҳамма даражаларини — Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларигача, бошланғич, ўрта, касб-ҳунар, олий таълимни амалга ошириш муаммоларини ўрганувчи фандир. У ўз тадқиқот предмети моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб излайди.

Нима учун ўқитилади? Бу савол маълумотнинг мақсади, вазифалари билан алоқадордир. Жамиятнинг, шунингдек, фан, техника, маданият тараққиёти асосида Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларининг мақсади, вазифалари белгиланади. Ўзбекистонда ривожланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Бундай давлатда ҳар томонлама ривожланган ижодкор ёшларни тарбиялаш асосий мақсад саналади.

Нега шундай ўқитилади? Бу саволга кўра таълим жараёни қонуниятлари, принциплари ўрганилади. Таълим жараёни қонуниятлари очилиб, принциплари асосланган сари, ўқув-тарбия ишларининг сифати, самарадорлиги ошади.

Нима ўқитилади? Бу савол асосида маълумот мазмуни, унинг таркибий элементлари аниқланади. Маълумот мазмуни кенг тушунча бўлиб, у ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларни ўзига қамраб олади. Маълумот мазмуни таркибида тўртта элемент ажратилади билимлар тизими (1); кўникма ва малакалар тизими (2); ижодий фаолият тажрибаси (3); муносабатлар тизими (4). Ҳозирги анъанавий Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларида асосий эътибор билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилади. Бу ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тажрибасининг энг заиф томонидир. Маълумот мазмунининг барча элементларига риоя қилиб, таълим жараёнини ташкил этиш йўли билангина ҳар томонлама ривожланган ёшларни етиштириб чиқариши мумкин.

Қандай ўқитилади? Бу савол таълим методлари, усуллари, воситаларини ўрганишга йўналган. Шу саволга кўра, таълим методлари, усуллари, воситаларининг самарадорлик даражаси таҳлил этилади.

Таълим қандай ташкилий шакллар воситасида амалга оширилади? Бу савол таълимнинг ташкилий шаклларини (дарс, уй иши, экскурсия ва ш.к.) турларини (изоҳли—кўрсатмали, дифференциал, муаммоли ва

бошқалар), талабалар миқдорига кўра таълим хилларини (индивидуал, гуруҳ, умумсинф) ўрганишга йўналган. Умумий дидактика — барча ўқув предметлари, маълумот даражалари асосида таълимнинг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, принциплари, методлари, ташкилий шакллари, натижаларини ўрганувчи фандир.

Талабаларнинг хусусиятлари, тайёргарлиги, маълумот даражалари ва ўқув юрти типларига қараб умумий дидактиканинг ушбу турлари фарқланади: Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларигача таълим дидактикаси; бошланғич синфлар дидактикаси; ўрта Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасалари дидактикаси; касб-ҳунар дидактикаси; махсус таълим дидактикаси; олий таълим дидактикаси.

Умумий дидактика, унинг турлари барча ўқув предметлари, маълумот даражаларига оид муаммоларнинг ҳаммасини ўрганса, хусусий дидактика (анъанавий терминга кўра, «ўқув предметлари методикаси») айнан бир ўқув предметини ўқитишнинг мақсади, қонуниятлари, принциплари, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шаклларини ўрганади. Хусусий дидактикалар сирасига математика методикаси, она тили методикаси, биология методикаси ва бошқалар киради.

Хусусий дидактикалар умумий дидактика бўйича ўрганилган билимларни, масалан, таълим-принциплари, маълумот мазмуни бўйича ҳосил қилинган тасаввурларни инкор этмайди. Аксинча, хусусий дидактика бўйича ўрганиладиган билимлар умумий дидактикадан ҳосил қилинган тушунчаларни тўлдиришга, уларни янада ойдинлаштиришга кўмаклашади. Бинобарин, умумий ва хусусий дидактикалар ўзаро узвий боғлиқ педагогик фанлардир.

Умумий ва хусусий дидактикаларнинг ўзаро алоқадорлигини қуйидаги мисол бўйича тасаввур этиш мумкин: она тили ўқитишда таълим принципларини барчаси амалга оширилади. Шу билан бирга, Олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларилари да она тили ўқитишнинг ўзига хос принциплари хам мавжуд. Бу принциплар сирасига тил материалларини ажратишга ўргатиш, нутқ органларини етарли машқ қилдириш, нутқдан тилга қараб бориш, ёзма нутқни оғзаки нутққа чоғиштириб ўрганиш кабилар киради.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва уни бошқаришни биз дидактик саккиз бурчак орқали кўриб чиқамиз (-расм): [33]

[33] Д.Тожибоева.И=тисодий назария фанини ы=итиш методикаси.ТМИ.Тошкент.2003йил.10-бет

- расм. ДИДАКТИК САККИЗ БУРЧАК

Албатта, авлоддан-авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожи ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характерига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

4. Зарур билимлар билан қуроллантирилади;
5. Керакли малакаларга эга бўлади;
1. Кўникмалар ҳосил қилади;

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги

фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган хақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожи учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажмини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлигига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши

керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.[34]

Таълим – тарбия ишини ташкил этишда педагог ва талаба орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг бир неча турлари (стиллари) мавжуд. Педагогнинг ўқувчилар жамоасига нисбатан муносабатини суст – ижобий, барқарор – ижобий ҳамда беқарор муносабат тарзида гуруҳларга ажратиш мумкин (- расм).



34 [illegible]инг [illegible]ш

- расм. Педагог ва ўқувчилар жамоаси ўртасидаги муносабат турлари.

Таълимнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий характерга эга эканлигидир. Ҳар қандай тарбия асосида билим мавжуд бўлганидек ҳар қандай таълим ўзида маълум тарбиявий таъсирни мужассамлаштиради. Билимларнинг талабанинг фақат фикрлаш қобилиятига эмас, балки ички кечинмаларига, ҳис-туйғуларига, фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Айниқса, гуманитар фанларни ўрганиш талабанинг маънавиятини шаклланишида аҳамиятлидир. Шунинг учун таълим муассасалари тарихан фақат илм масканларигина бўлиб қолмасдан, балки тарбия учоқлари сифатида ҳам қабул қилинган. Таълим ва тарбия бир жараённинг икки томони бўлиб, бири-бирини тўлдириб келади. Билим бу куч-қудрат, ана шу куч-қудрат маънавияти етук инсон қўлида ривожланишга хизмат қилади. Маънан қашшоқ инсон бу қудратдан ноўрин фойдаланиши ва жамиятга зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатлар тарихда жуда кўп маротаба такрорланган ва бу исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган. Демак, таълим албатта тарбиявий асосга эга бўлиши ва талабаларга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги, балки тарбиялашдек мураккаб жараёнини ҳам ўз зиммасига олиши лозим.[35]

Таълим жараёни таъсирида талабанинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантириш ва янги поғонага кўтариш асосий масалалардан биридир. Айнан таълимнинг ривожлантирувчи хусусиятини икки даражага ажратиб таҳлил қилади.

Зарурий ривожланиш. Бу òàёàáà тайёргарлигидаги мавжуд даража, бошқача қилиб айтганда, талабадаги бор даража, яъни талабанинг бугунги ўқув жараёнигача бўлган тайёргарлик даражасидир. Бу даража талабанинг ишни мустақил бажара олиши билан характерланади.

Юқори даражадаги ривожланиш. Бошқача қилиб айтганда, шу дарс давомида кўтарилиш керак бўлган даражадир. Бу талаба ҳозирча қила олмайдиган, лекин кўмак воситасида эплай оладиган ишдир. Талаба ана шу ўзи учун янги бўлган ва бажаришга кучи етадиган вазифани бажариш давомида иккинчи даражага кўтарилади. Лекин бу вазифа талабанинг тараққиёт зонасида жойлашган бўлиши шарт, акс ҳолда ривожланишга эришиш қийин. Яқинлашиб қолган тараққиёт зонасига кирган ҳар нарса таълим жараёнида зарур ривожланиш даражасига ўтади.

[35] И.П.Подласий.Педагогика.Учеб.для студ.высш.учеб. заведений.2 кн.Москва.Владос, 2003.305 стр.

Шундай қилиб, яқинлашиб қолган тараққиёт зонаси ривожланишдан илгарилаб кетадиган таълим воситасида яратилади. Таълимнинг ҳар бир босқичи тараққиётнинг эришилган босқичига таянади ва муайян босқични кўзлаган ҳолда навбатдаги босқични тайёрлаб беради.

Демак, таълимнинг яна бир зарурий хусусиятларидан бири унинг ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигидир.

Таълимнинг ана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва уларга амал қилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш шубҳасиз таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Òалабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

2. Талабаларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириш.

3. Талабаларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш.

4. Ёшларнинг ички имкониятларини, қобилиятларини ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда **дифференциялашган ёндашувнинг** аҳамияти беқиёсдир. Чунки, **дифференциация** (яъни якка ҳолдаги ёндошув) талаба шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Талаба шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча талабалар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўрона олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг самарасини жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциациялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топмоқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шаклларини мукаммал

билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

Таълим жараёнининг функциялари.

Таълим жараёни —ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос йўли бўлиб, у қуйидагича вазифаларнр бажаради: маълумотли қилиш, тарбиялаш, ривожлантириш. Таълим жараёнининг бу функциялари, яъни бажарадиган ишлари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Маълумот мазмуни ва фаолият усулларини эгаллаш талабалар тараққиётига олиб келсак, маълумот ва ривожлантириш тарбияланганликка сабаб бўлади. Шундай қилиб, маълумотли қилиш, ривожлантириш ва тарбиялаш таълим жараёнининг дахлдор функцияларидир.

Таълим жараёнининг маълумотли қилиш функция фан асосларини эгаллаш, кўникма ва малакалар шакллантириш, ижодий қобилиятларни ўстириш характерланади. Ўқув предметларига оид асосий ғоялар, назариялар, қонуниятлар, фактларни ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимлар асосида кўникма ҳамда малакаларни таркиб топтириш йўллари билан авлодлар ўртасидаги ворислик таъминланади. Авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлаш ота-оналардай фикрлаш, улар бажарган фаолият усулларини қўллаб, моддий неъматларни ишлаб чиқариш учун асос бўлади. Шу билан бирга, ёшлар ўз ўтмишдошлари доирасидан ташқарига чиқади, янгича фаолият кўрсатиш усулларини эгаллашади. Ўз ўтмишдошлари фикрлашлари доирасидан ташқарига чиқиш, янгича фаолият усулларини эгаллаш жамиятнинг янгича иқтисодий, маънавий ҳолатга — янги тараққиёт босқичига чиқишига замин тайёрлайди. Шундай қилиб, таълим жараёнининг маълумотли қилиш функцияси уч хил иш билан характерланади: фан асосларини ва фаолият усулларини эгаллаш; олдинги авлоддан мерос бўлиб қолган фаолият усулларини кўникма—малакалар шаклида асраш; ижодий фикрлашни таркиб топтириш ва янгича фаолият усулларини шакллантириш.

Таълим жараёнининг навбатдаги функцияси ёшларни тараққий эттиришдир. Таълим жараёнида ёшларни тараққий эттириш муаммоси дидактикада узоқ тарихга эга. Л.В.Занков, Д.Б.Эльконин, М. И. Махмутов каби қатор олимларнинг илмий тадқиқотларида таълимнинг олдинда бориши ва ўзига талабалар тараққиётини эргаштириши масаласи илмий асосланган.

Фикримизча, фан асосларини ўзлаштириш ва ёшларни ривожлантириш бир нуқтадан чиққан горизонтал ва вертикал чизиқ шаклида амал қилади. Шундай бўлгач, билим ва малакаларни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг тафаккури, ижодий қобилиятлари ҳам тараққий эттирилади. Демак, маълумотли қилиш билан параллел талаба шахси ҳам ривожлантирилади.

Фан асосларини ўзлаштириш ва бола шахсини ривожлантириш ўқувчиларни тарбиялашни ҳам тақозо этади. Таълимнинг тарбияловчанлик

функциясини даставвал немис педагоги И.Ф.Гербарт асослаган эди. Кейинчалик таълим жараёнининг тарбияловчанлик функцияси тўғрисидаги фикрларни машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский ривожлантирди. «Гарчанд, — деб ёзган эди К.Д.Ушинский, — тарбия воситалари қанча кўп бўлсада, улар орасида боланинг ёшига мос фан тарбиянинг етакчи омилидир».

Ҳақиқатан ҳам, таълим жараёнида болаларда аҳлоқий сифатлар таркиб топтирилади, дунёқараш шакллантирилади, талабанинг табиатга, жамиятга, маънавий оламга муносабатлари тарбияланади. Шундай бўлгач, педагог ҳар бир машғулотда маълум тарбиявий хулосани ҳам болаларга етказмоғи лозим.

Таълим жараёнининг маълумотга йўналганлик тараққий эттирувчанлик ва тарбияловчанлик функциялари ўзаро дахлдор бўлиб, бир-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо этади: маълумотга йўналтирилганлик талабалар шахсини ривожлантиришга, маълумотга йўналганлик ва тараққий эттирувчанлик биргаликда талаба шахсини тарбияланганлигига олиб келади. Педагог тарбия ишларини режалаштиришда, таълим воситаларини танлашда, машғулотларни ташкил этишда таълим жараёнининг шу функцияларини ҳисобга олиши, уларни амалга ошириши мутлақо зарур.

Таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари.

«Таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари» тушун-часи дидактикада ўтган асрнинг 60-йилларида рус педагоги М.А.Данилов томонидан асосланган эди. Таълимнинг ҳаракатлантирувчи кучлари муаммоси проф. Ю.К.Бабанский илмий тадқиқотларида алоҳида ўрин олган. Унинг таъкидлашича, таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг талабларига кўра ўқув юрти олдига қўйиладиган талаблар ва уларни амалга ошириш учун ўқув-тарбия жараёнини узлуксиз такомиллаштира бориш ўртасида амал қилади.

Билим, малака ва ижодий қобилиятларни ўзлаштириш эҳтиёжи ва болаларнинг реал билиш имкониятлари ўртасидаги позитив (ижобий) зиддиятлар таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари саналади. Бинобарин, таълим жараёнига хос зиддиятлар педагог томонидан болалар олдига қўйиладиган интеллектуал, амалий топшириқлар ва шу топширқларни бажариш учун кўрсатиладиган интилишлар, қизиқишлар, ҳаракатлар шаклида амал қилади. Таълим жараёнидаги зиддиятларни оқилона ҳал этиш энг мақбул таълим методлари, воситаларини танлашни тақозо этади.

Таълим жараёнида муносабат ва алоқа турлари.

Таълим жараёни турли-туман муносабатлар, ранг-баранг алоқаларга бой ҳодисадир. Муносабатлар, алоқалар таълим жараёни компонентлари ўртасидаги ўзаро таъсир шаклида юзага чиқади, амал қилади.

Таълим ўта мураккаб диалектик жараён бўлиб, таркибан доимий ва ўзгарувчан элементлардан ташкил топади. Таълим жараёнида қанча ўзгариш юз берсада, ўзини сақлаб қоладиган, барча ўзгаришлар таркибида иштирок

этадиган элементларга доимий компонентлар дейилади. Шундай собит компонентлар сирасига ўқитувчи ва талаба фаолияти киради. Ўқув материали, дарс типи, кўргазма қурол, ўқув топшириқлари таълим жараёни яқин дидактик мақсадларга кўра ўзгариб туради. Таълим жараёни яқин дидактик мақсадга кўра янгиланиб, турланиб турадиган таркибий қисмлар ўзгарувчан элементлар саналади. Таълим жараёнидаги муносабатлар, алоқалар доимий компонентларнинг — ўқитиш ва ўқишнинг ўзаро таъсири шаклида амал қилади.

Ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг ўзаро таъсири, уларнинг ягоналиги, В.В.Краевскийнинг таъкидлашича, таълимнинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий институт сифатида шаклланишидан тортиб то ҳозирги кунларга қадар инвариант хусусиятларга эга бош муносабатдир.

Ўзаро таъсир дидактик муносабатлар орасида энг қадимий, генетик жиҳатдан бирламчи муносабат бўлиб, таълимнинг яхлитлигини таъминлайди. У яъни ўқитиш ва ўқишнинг ўзаро таъсири, даставвал дидактиканинг тадқиқот предмети сифатида амал қилади. Ўқитиш ва ўқиш фаолиятларияинг бир-бирига киришуви ўз табиатига кўра бир қанча хусусиятларга эга: ўрганиш объекти ва қуриш объекти вазифасида иштирок этади; ўқув режалари, дастурлари, дарсликлари ўзаро таъсир нуқтаи назаридан ишлаб чиқилади; унда таълимнинг жараёний ва мазмуний хусусиятлари акс этади; таълим жараёнида амал қиладиган муносабат турлари ўзаро таъсир моҳияти асосида тасниф этилади.

Ўзаро таъсир ўрганиш объекти: илмий дидактик тадқиқотлар таълим жараёнида ташкил этилади, унинг натижаси ўзаро таъсир нуқтаи назаридан баҳоланади, ҳар қандай дидактик ҳодисанинг таркибида ўзаро таъсир иштирок этади, ўзаро таъсир табиатини ҳисобга олиш асосида илмий ишлар ўтказилади. Бинобарин, ўзаро таъсир илмий-дидактик тадқиқотга нисбатан ўрганиш объекти сифатида амал қилади.

Ўзаро таъсир қуриш объекти: таълим ўзаро таъсирнинг ҳосиласи; ўзаро таъсир моҳиятидан келиб чиқиб таълим ташкил этилади, бошқарилади; таълимнй тузиш, унинг босқичларини белгилашда ўзаро таъсир ўлчов вазифасини ўтайди.

Ўқитиш ва ўқишнинг ўзаро муносабати таркибан қуйидаги қисмлардан иборат: 1) ўқитиш ва ўқув материали; ўқитиш ва дарслик; ўқитиш ва кўргазма қурол; 2) ўқиш ва ўқув материали; ўқиш ва дарслик; ўқиш ва кўргазма қурол. Таълим жараёнидаги бош муносабат ва унинг турли кўринишларига қараб алоқа турлари ҳам аниқланади.

Ю.К.Бабанский ўз тадқиқотларида дидактик алоқаларнинг қуйидаги турларини қайд этган: сабаб-оқибат алоқаси - икки дидактик ҳодисанинг бир-бирига дахлдорлиги типидаги алоқа. Бунга талабалар фаолиятининг самарадорлиги (оқибат) педагог фаолиятининг унумдорлигига боғлиқлиги (сабаб) мисол бўла олади; функционал алоқа — бир дидактик ҳодиса бажарадиган иш иккинчи дидактик ҳодисанинг содир бўлишига олиб келади. Масалан, ижодий топшириқларнинг бола фаолиятида амал қилиши уларда ижодий қобилиятни ўстиради;

иерархия (бўйсуниш, эргашиш) типидаги алоқа. Масалан, таълим ва ўқитиш ўртасидаги, шунингдек, таълим ва ўқиш орасидаги алоқа хусусиятга эга. Таълим жараёнидаги муносабатлар ва уларга оид алоқа турлари таълим жараёни структурасини белгилайди.

Таълим жараёни маълумот мазмунини ўзлаштиришга йўналган. Маълумот мазмунини ўзлаштириш хусусиятлари асосида дидактик алоқанинг қуйидаги кўринишлари ажратилади.

- Мақсад алоқа—таълим жараёни дидактик вазифаларига кўра белгиланади. Таълим жамиятга нисбатан уч хил функция бажаради: маълумотга йўналганлик; талабаларни ривожлантириш; тарбиялаш. Таълимнинг ана шу уч хил функциясига кўра уч хил мақсадга ажратилади: маълумотга йўналганлик; тарбияловчанлик; ривожлантирувчанлик.
- Мазмуний алоқа — ўрганиладиган ўқув материалига нисбатан аниқланади. Шу алоқа турига кўра ўқувчи билан ўқув материали, педагог билан ўқув материали ўртасидаги боғланишлар ажратилади.
- Жараёний алоқа — дидактик алоқаларнинг бу тури таълим жараёни субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтиради, собитлаштиради, чегаралайди.
- Коммуникатив алоқалар — таълим субъектларининг бир-бирини тушунишларини таъминлайди. Таълим жараёнида педагог ва талабаларнинг ўзаро тушунишларига халақит берадиган тўсиқлар мавжуд эмас. Чунки у болалар тушунадиган тилда ташкил этилади. Шуларга қарамасдан, таълим жараёни субъектларининг бир-бирини тушунмаслиги ҳодисаси учраб туради. Бу ҳодисанинг сабаби таълим субъектлари нутқининг, шунингдек, уларда фикрлаш жараёнларининг турли даражада ривожланганлигидир. Кўргазма қуролларни таълимга татбиқ этиш, топшириқ ва муаммоларни оммабоп тушунтириш йўллари билан бундай тўсиқлар бартараф этилади.

Таълим жараёнидаги муносабатларни белгилаш, алоқа турларини аниқлаш уни тизим сифатида тасаввур этиш имкониятини беради. Таълим жараёни тўғрисидаги тасаввурлар ривожланган сари таълимни оптимал ташкил этиш, бошқариш, назорат этиш осонлашади.

Таълим жараёнининг самарадорлиги.

Таълим жараёни самарадорлиги — ўқув-тарбия жараёнида қўйилган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги фарқдир. Таълим жараёнида қўйилган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги тафовут қанча кам бўлса, таълим шунча самарадор саналади.

Мутахассислар самарадорлик ё маълум натижани олиш учун зарурий харажатлар миқдори билан ёки маълум харажатлар доирасида эришилган натижа билан ўлчанади, деб ҳисоблашади. Самарадорликни ўлчашнинг бу икки меъёри ҳам етарли даражада умумий эмас, шунингдек, уларни барча педагогик ҳодисаларга татбиқ этиш имконияти ҳам йўқ. Самарадорликни маълум харажатлар доирасида эришилган натижа билан ўлчаш моддий харажатларнинг ошиб кетишига, бинобарин, таълимнинг ўта қимматлашувига сабаб бўлади. Бу таълим ҳаражатларининг оптималлиги талабларита зиддир.

Таълим харажатларининг оптималлиги самарадорликни исталган

миқдорда моддий харажатлар билан эмас, аксинча, вақт ва харжларни давлат буюртмаси доирасида сарфлашни тақозо этади. Булардан кўринадики, таълим самарадорлигини оширишнинг асосий учта йўли бор: ортиқча вақт ва харажатлар эвазига таълимнинг самарадорлигини ошириш; давлат буюртмаси-доирасида таълимнинг самарадорлигини ошириш; таълим жараёни моҳиятини атрофлича ўрганиш ва шу асосда педагог ва талабалар фаолиятининг интенсивлигини ошириш. Ҳозирги кунда оз вақт ва кам маблағ сарфлаб таълимнинг самарадорлигини ошириш энг долзарб муаммо саналади.

Таълим самарадорлигини оширишнинг икки хил кўрсаткичи мавжуд: самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари; самарадорликнинг миқдор кўрсаткичлари.

Самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари маълум мазмуни ва фаолият усулларини эгаллаш шартларга кўра аниқланади. Самарадорликнинг сифат кўрсаткларига қуйидагилар киради: ўқув-тарбия ишларини энг юқори даражадаги тараққиётини мўлжаллаб ташкил этиш; таълим жараёни мақсади ва натижаси ўртасидаги тафовутни узлуксиз камайтириш; таълим воситаларининг таълим жараёнига мослигини таъминлаш; ўқув материали ва фаолият усулларини бир пайтда (параллель) ўзлаштириш.

Самарадорликнинг миқдор кўрсаткичлари таълим мақсади ҳамда болалар эришган ҳақиқий билим, малака ва тараққиёт ўртасидаги фарқларга кўра аниқланади,-самарадорликнинг миқдор кўрсаткичлари қуйидагилар: таълим сифатини (талабалар билимининг кўлами, умумлаштиришлар даражаси, билимларни ишлаб чиқаришга тадбиқ эта олиш, билим ва малакалардан зарурият туғилганда фойдалана билиш) яхшилаш; таълим жараёни натижасининг қўйилган мақсадга (билим, малака, ижодий қобилият тажрибасини давлат стандарти даражасига ва ундан юқори даражада ўзлаштириш) яқинлаштириш; таълим воситаларининг ўқув-тарбия жараёни моҳиятига мослигини таъминлаш; вақт бюджетини рационал тақсимлаш.

Таълим жараёнининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланиб таълим самарадорлигини оширишнинг тўртта ўлчови ва шу ўлчовларга оид принциплар ажратилади.

Таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг биринчи ўлчови таълимни болаларнинг энг юқори даражадаги тараққиётини мўлжаллаб ташкил этишдир. Классик дидактика қонун-қоидаларига кўра таълим олдида бориши ва у ўзига болалар тараққиётини эргаштириши лозим. Таълим жараёнини самарадор ташкил этиш маълумот мазмунини ўзлаштириш ва талабаларни тараққий эттиришни бир пайтда олиб боришни тақозо этди. Демак, таълимнинг самарадорлигини оширишнинг биринчи принципи—ёшларни маълумотли қилиш ва ривожлантиришни параллель ташкил этишдир.

Таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг иккинчи ўлчови

таълим мақсади билан унинг натижаси ўртасидаги фарқни имконият етгунча камайтиришдир. Хозирги пайтда таълим жараёнида қўйилган мақсад билан эришиладиган натижа ўртасида катта тафовут мавжуд. Бу номутаносиблик педагоглар фаолиятида формализмнинг борлиги, механик ёдлатишнинг ҳали ҳам мавжудлиги, ижодий ишларни ташкил этиш анъана тусини олмаганлиги билан изоҳланади. Бинобарин, таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг навбатдаги принципи таълим натижасини имконият етгунча қўйилган мақсадга яқинлаштиришдир.

Таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг навбатдаги ўлчови таълим воситаларининг таълим жараёни актлари, звенолари, цикларига мослигидир. Таълим воситалари таълим жараёни моҳиятига, айнан олинган акт ёки звенога қанча мос бўлса, самарадорлик шунча ошади. Таълим воситаларининг таълим жараёнига мослиги уларнинг кўплиги ёки танқислиги эмас, аксинча, уларнинг оптималлигидир. Ҳаражатларни давлат бюджети ва буюртмаси доирасида сарфлаб, энг юқори натижага эришиш самарадорликни оширишнииг яна бир принципидир.

Самарадорликни оширишнинг охирги ўлчови ўқув материали ва унга оид фаолият усулини бир пайтда ўзлаштиришдир. Ҳозирги педагогик тажрибада олдин ўқув материалларига оид информацияларни, сўнгра шу информацияларга доир фаолият усуллари ўзлаштирилади. Таълимни шу йўсинда ташкил этиш кўп вақт талаб этади. Ўқув материалини ва унга оид фаолият усулларини бир пайтда ўзлаштириш вақтни иқтисод қилишга олиб келади. Демак, вақт бюджетидан тежамкорлик билан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишнинг навбатдаги принципидир.

Таълим педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро киришуви асосида шаклланадиган ҳосила ва шу билан бирга, ташкилий жараёндир. Унинг марказида ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг бир-бирига таъсири ётади. Ўқитиш ва ўқиш фаолиятларини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан таълим жараёнининг моҳиятини тўғри тушуниш мумкин.

Билиш - таълим жараёнииг методологик асосидир.

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тоборо тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнидан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва абстракт тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Билиш икки паллага - назария ва амалиётга булинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария хар ҳил

шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график, рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади.



- *расм. Билимларни муайян фаолият кўникма ва малакаларга айланиш боқичлари.*

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба ўзгартириш, яратиш – булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Илмий билишнинг вазифаси ходисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очишдан иборат эмас, балки бирор бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини кўрсатиб беришдан иборат.

Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб кузатиш, тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун ахамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсадида омллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдадир.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак – атрофдаги воқелик, нарса ва ҳодисаларни сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларнинг онгимизда акс этишидир. Сезгилар – одам хақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда билишда, масалан олимнинг билиши билан ўқувчининг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам лекин, улар бир-биридан фарқ қилади.

Ўқитиш натижалари билим сифатида, ўқувчининг ривожланиш даражасида ўз аксини топади.

Билим олиш даражаларини биз қуйидаги босқичларда кўрсатиб ўтамиз.

Билим олиш даражаси.



Таълимнинг мазмуни.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1.Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эхтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.

2.Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалар.

3.Ўқитиш қоидаларидан келиб чикадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси - деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилини тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжатига айтилади.

Ўқув режаси – барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат хужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги тамонидан тасдиқланади.

Ўқув дастури – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури хар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим хажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат хужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида хар қайси синфда алохида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда хар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Дарслик – ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси хисобланар эди.

Хар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар хам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ваш у кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.[36]

Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан хам дарсда, хам уй шароитида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий ахамиятга эга. У билан ишлаш тарбияланувчиларнинг аҳлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ, одоб, тафаккурнинг, нутқнинг, ишдаги мустақиллигини ривожланишига ёрдам беради.

Таълим тамойиллари.

Инсон вужудга келибдики, ўз фарзандига билганларини ûргатиш, ўзи эга бўлган билим, малака ва кўникмаларини кейинги авлодга ўтказиш даставвал англанмаган ҳолда бўлсада мавжуд эди. Бу яшаш учун кураш

[36] Н.Хўжаев ва бошқалар. Таълим назарияси. Ўқув қўлланма. Тошкент ТДИУ.2003.28 бет.

êîíóíèääàí келиб чиқиб, яшашнинг зарурий шарти ҳисобланган. Жамият ривожланар экан авлоддан-авлодга ўтказиш лозим бўлган билимлар ҳажми ортиб борди. Билимлар, эгаллаш лозим бўлган малака ва кўникмалар мураккаблашиб борди. Бу жараён олимлар томонидан таҳлил қилиниб аста-секин маълум қоидалар ишлаб чиқилди.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) таълим жараёнини чуқур ўрганган олимлардан бири. У илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақида шундай фикрларни билдиради. Ўқув жараёнида педагог қуйидаги қонуниятларга:

-талабани зериктирмаслиги;

-билим беришда турлиликка асосланиши;

-узвийликка, изчилликка риоя қилиш керак.

Беруний янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этиш самарали натижалар беришини ҳам таъкидлайди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) билим олишда шахсларни укув муассасасида ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

-талабага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;

-ўқитишда жамоа бўлиб, укув муассасасида ўқитишга эътибор бериш;

-билим беришда талабаларнинг майлини, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

-ўқитишни жисмоний машклар билан қûшиб олиб бориш.

Ушбу ишлаб чиқилган қоидалар таълимда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Кейинчалик чех олими Ян Амос Коменский ҳам бу борада илмий изланишлар олиб боради ва ўзининг “Буюк дидактика” асарини ёзишга киришади. Ва у бу асарида таълим-тарбиянинг самарали тамойиллари, услублари, дарс жараёнларини тизимларини аниқ маълумотлар асосида кўрсатиб ўтади ва “Дидактиканинг отаси, асосчиси” номига сазовор булади.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза Хакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Шундай қилиб дидактика тамойиллари асрлар оша сайқал топиб борди. Албатта дидактика тамойиллари ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради. Чунки таълим тамойиллари жамият ва давлат олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда педагог ва талабалар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг

муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун қоидалари яъни таълимга қуйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши тегишли кўникма ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва йўл йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.[37]

Кейинги йилларда таълим қоидаларини ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмокда. Таълим қоидаларини системалаштириш масаласи ҳам доимо фаол масала бўлиб келган.

Бугунги кунда педагогика фани қуйидаги **таълим тамойилларини** ажратиб кўрсатмоқда:

1. **Таълимнинг илмий бўлиши;**
2. **Таълим ва тарбиянинг бирлиги;**
3. **Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;**
4. **Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;**
5. **Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш;**
6. **Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши;**
7. **Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш;**
8. **Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;**

1. Таълимда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.

Таълим тамойилларини гуруҳларга ажратиш ва уларга тавсиф бериш иши бутунлай якунланган дея олмаймиз. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек бу тамойиллар давр талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи таълим хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин. Бундан ташқари педагогика ва хусусан дидактиканинг фан сифатида мукаммаллашиб бориши янги билимларнинг хосил бўлиши ҳам ушбу тамойилларни гуруҳланишига ўз таъсирин кўрсатади. Шунинг учун баъзи адабиётларда

[37]И.П.Подласий. Педагогика.Учеб.для студ.высш.учеб. заведений.2 кн.Москва.Владос, 2003.439стр.

7та, баъзи адабиётларда 9та, баъзи адабиётларда эса 10та тамойилни санаб ўтилган. Ўозирча биз 9та тамойил гуруҳини ажратишни лозим топдик.

Таълим тамойиллари

Таълимнинг илмий бўлиши.

Илмий билимлар ҳаққоний воқеликни инсон онгида акс этишидир. Теварак-атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларини ва уларнинг ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билим илмий билимлар ҳисобланади. Илмий билимлар тажрибалар, текширишлар, таҳлил қилиш, исботлаш кабиларни талаб этади. Инсоният илмий билимларини кенгайтириб борган сари ҳақиқий воқеликка маълум даражада яқинлашиб боради. Илмий жиҳатдан исботланмаган билимлар ҳам мавжуд ва бу билимларни ҳали инсон таҳлил қилиши ва чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Таълим жараёнида биз талабаларга исботлаб бўлинган, аниқланган ва амалиётда текшириб кўрилган билимларни етказишимиз лозим.

Таълимнинг илмийлиги талабанинг ўқув материалларидаги қонуниятларини акс эттириш, тушуниш ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш-материалини илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у талабанинг фикрлаш фаолиятини хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеиликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида, ҳар бир синфда илмийлик қоидалари вазифаларидан бири назарий маълумотлар тизимини шу маълумотлар теварак–атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганлиги нуқтаи назаридан билиб олишдир.

Илмийлик қоидаси барча ёш гуруҳлардаги ва турли ўқув юртларидаги талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёқараш эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади. Етук миллий кадрларни тарбиялаш ва етиштириш учун ҳозирги замон фан-техникасининг ривожи даражасидаги илмий билимларни эгаллашга эришиш муҳим. Шу билан бир қаторда талабаларни илмий–тадқиқот усуллари билан ҳам таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси илмий асосда яратилиши лозим.

Таълим-тарбиянинг бирлиги.

Таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Ҳар қандай билим маълум тарбиявий таъсирга эга ва ҳар қандай тарбиявий тадбир ўзида билим асосини акс эттиради. Бу ҳаётий

қонуният бўлиб биз таълим жараёнида уни ҳисобга олишимиз лозим. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томониларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда қулай. Чунки тарбия ҳис-ҳаяжон ва амалий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса билимларни пухтароқ ўрганишга ёрдам беради. Билимлар эса ана шу тарбиявий жиҳатларни мустаҳкамланишига таъсир этади. Билимлар ҳаётни, ҳаётий қонуниятларни билишга хизмат қилса, тарбия ана шу ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни таркиб топишини таъминлайди. Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни содир бўлар экан.

Таълим–тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил метод ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўқитилаётган мавзунининг илмий ва тарбиявий моҳиятини очиб борилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиш;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараёнини вужудга келтириш, талабаларнинг қизиқишлари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборининг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида талабаларнинг уюшқоқлигини, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминлаш зарур.

Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши.

Ижтимоий тараққиётнинг бой тажрибаси таълимда системалилик ва изчиллик бўлиши шарт эканини тасдиқлади. Билимларнинг маълум системага солиниши ва изчил бўлиши таълим самарадорлиги белгиловчи энг етакчи омиллардан биридир. Ôозирги замон дидактикасидан бу тамойилга катта эътибор берилмоқда. Чунки таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш бугун ўрганилган билимларни мустаҳкамлашга ва эртага ўрганиладиган билимларга замин тайёрлашга ёрдам беради. Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган янги материалнинг талабаларнинг олдинги ўзлаштирилган илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан изчил ва ўзвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғликдир.

Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у талабаларнинг олдиндан ўзлаштирилган билим ва малакалари замирида янги билим кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро бошланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир. Демак тизимли ва изчиллик таълимда узлуксизликни вужудга келтиришда аҳамиятлидир. Бундан ташқари маълум системага солинган билимларни эгаллаш ўрганиш жараёнида қулайлик вужудга келтиради. Албатта тизимли ва изчилликни соддадан мураккабга қараб йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Билимларнинг аста-секин, изчиллик билан мураккаблашиб бориши тафаккурни ривожлантиради ва натижада таълимнинг ривожлантирувчи хусусияти келиб чиқади.

Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш. Таълимнинг асосий мақсади ёшларни мустақиллик ҳаётга тайёрлаш яъни турли хил ҳаётий шароитларда ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш даражасига етказишдир. Шунинг учун биз таълим жараёнида талабаларни фақат илмий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки ана шу билимларни амалиётда қуллай олишларини таъминлашимиз лозим. Демак, бу тамойил таълимнинг илмийлиги ҳақида тамойил билан ҳамоханг бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб келадилар. Таълимнинг илмийлиги билимларни назарий жиҳатдан ўрганишга, мантиқий боғлиқликларни тушунишга, фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилса, амалий ҳаракатлар ана шу билимларни амалда қўллаб кўриш янада тўлиқроқ ишонч ҳосил қилиш, малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Таълим тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидаси даставвал ўқув фанининг мазмунини ва ўзига хос хусусиятга боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараённи ташкил қилади.

Таълим жараёнида талабалар томонидан математика, физика, биология, химия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган назарий билим, кўникма ва малакалар тажриба хоналари ва лабораториялари, замонавий техника воситалари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида қўлланилади.

Бу машғулотлар уларни келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллана олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроллантиради. Талабалар ўқув материалини туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри,

чуқур тушуниб оладилар ва келажакда амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзунинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган янги билимларни мумкин қадар амалиёт боғлаш ўқув жараёнининг тамойили сифатида қабул қилинади.

Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш.

Маълумки, эски мусулмон талабалада ўқитиш жараёни, ёд олиш муҳим ўрин эгаллаган. Лекин тушунишга ва англаб олишга эътибор бир оз камроқ ажратилган. Айни вақтда моҳияти англаб олинган билимгина амалда самарали қўллаш мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнида хотираси кучли бўлган талабаларнинг мавзуни шунчаки юзаки ёдлаб олишларига йўл қўймаслик лозим. Онглилик талабаларни янги материалини идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиятдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ходисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мавзуни ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда билимларда юзакичилик авж олади, бунда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Бундай билимлар тез унитилади. Бундан ташқари билимларни онгли равишда ўзлаштириш талабаларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат хосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Биз яхши биламизки, таълим икки томонлилик хусусиятига эга. Таълим жараёни педагог йўналтирувчи бўлиб майдонга чиқади ва талабалар ўрганиш жараёнини ўз бошларидан кечирадилар. Ўрганиш жараёни мураккаб психик жараён бўлиб талабадан маълум фаолликни талаб этади. Педагог қанчалик таълим жараёнини сермазмун, қизиқарли ва маҳорат билан ташкил этмасин талаба томонидан маълум фаоллик билдирилмаса, ўқув жараёнида самарага эришиш мумкин бўлмайди. Демак ўқув жараёнида аввал талабаларда фаолликни уйғотиш зарур. Бу фаоллик билиш жараёнига таъсир этади, идрок қилиш, таҳлил қилиш, анализ ва синтез каби психик жараёнларни ишга туширади. Талабаларда фаоллик ҳолатини вужудга келишда мотивациялар аҳамиятлидир.

Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларидан бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйишдир. Айтиб ўтиш жоизки онглилик ва фаолликкина мустақил тафаккурни вужудга келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда таълим олдига қўйилаётган энг катта талаблардан бири ҳам мустақил фикрлаш, муаммолар ечимини мустақил топиш каби хусусиятларни талабаларда ривожлантиришдир. Умуман онглилик, фаолллик ва мустақиллик ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи психик ҳолатлар дейиш мумкин. Билимларни онгли ўзлаштириш, бир томондан, талабаларнинг мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан айнан шу жараён давомида талабаларнинг мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб

боришни назарда тутади. Талабалар фаоллигини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, талабалар онглилигини ўстириш ўқитишда юксак самарадорликка эришишга ёрдам беради.

Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши

Таълим жараёнида мумкин қадар сезги органлàрини кўпроқ жалб этиш ўрганишни осонлаштиради. Эшитиш жараёнида абстракт тафаккур маълум иш бажарса, кўриш орқали образли тафаккур ҳам ишга тушади. Кўрсатмалилик мавзуни ўрганишда енгиллик туғдириши билан бирга талабада қизиқиш ҳам уйғотади. Ўрганилган мавзуни узоқ муддат эсда сақланишига ва қайта эсга туширишга ёрдам беради.

Талабаларнинг схема, жадвал, диаграмма каби материаллар устида иш олиб боришлари ва материал хусусиятларини таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришлари мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Албатта кўрсатмалилик самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонларини ҳам эътиборга олиш керак. Биринчидан, ишлатиладиган кўрсатмали қуроллар у ёки талабаларининг ёши ва ўзига хос характер хусусиятлари, умумий тайёргарликка-савиясига мос келадиган бўлиши лозим. Иккинчидан, фойдаланиладиган кўрсатмали қуроллар ўтилаётган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришига ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, демак, унинг тўғри танланишига эътибор бермоқ лозим. Учинчидан, дарс жараёнида фойдаланиш учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши лозим. Умуман олганда, таълимни кўрсатмали бўлишини таъминлаш устида ҳозирда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва кўрсатмалиликни самарадорлигини оширишда фан-техниканинг кейинги йиллар ичида эришган ютуқларидан фойдаланиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш

Таълим жараёнида биз талабаларни билимларни мустаҳкам эсда сақланиб қолишини таъминлаш зарурий талаблардан биридир. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тизимли ва онгли ўзлаштиришга боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун пиллапоя, база бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам билимлар базасининг пухта бўлмаслиги кейинги ўрганиладиган янги билимларни ҳам заиф бўлишига олиб келади. Яхши ўзлаштирилган, мустаҳкамланган билимларда эса кейинги янги билимларни ўрганишда ва мустаҳкамлашда асос бўлиб хизмат қилади. Билимларни ўзлаштириш жараёнида уларнинг пухта англаб олинганлигини текшириш, баъзи тушунмовчиликларни йўқотиш, мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш дидактиканинг асосий масалаларидан

биридир. Таълим жараёнида такрорлашни уюштириш билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалинигина эсга туширмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади. Билимларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз ва маълум тизим асосида олиб борилиши таълим самарасини оширади. Билимларни доимий равишда текшириб бориш, такрорлаш тизимли ва узлуксиз равишда тўлдириб бориш муҳим дидактик талабдир.

Таълим жараёнида шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ҳар бир талаба ўзига яраша қизиқишлари ва шу билан бир қаторда миқдори мавжуд. Ҳар бир òàëàáàнинг ўзига хос бўлган ютуқлари ва шу билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Агар педагоглар ўқув жараёнида ана шу индивидуал хусусиятларни ҳисобга олмасалар ҳар қанча унумли методлардан фойдаланмасинлар ўқув жараёнида яхши натижаларга эриша олмайдилар. Чунки таълимнинг асосий вазифаларидан бири талабани умумий ривожини таъминлаш. Лекин талабанинг ҳақиқий ривожи фақат унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Талабаларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бусиз ўқув жараёнини муқобиллаштириш, уни бойитиш ақлга сиғмайди. Албатта шахсий хусусиятлар жуда хилма-хил ва уларни ўрганиш маълум вақт талаб этади. Кузатиш жараёнида талабанинг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига мос бўлган хусусиятларини билиб олиш мумкин. Талаба шахсининг муаммолари ва қийинчиликларини таҳлил қилиш ҳамда шу муаммоларнинг сабабларини аниқлаш кейинги педагогик чора-тадбирларни режалаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса ўзлаштириши бир оз пастроқ бўлган талабалар билан якка ҳолда ишлаш жараёнида педагог ўзи учун талабанинг янги қирраларини кашф этиши эътиборли. Кейинги даврларда “дифференциаллашган таълим” деган тушунчани кенг тарқалишининг асосий сабаби ҳам шахсий хусусиятлари, қобилияти, қизиқишлари, иқтидори кабиларни ҳисобга олган ҳолда талабаларни гуруҳларга ажратишни ва шу гуруҳлар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга қаратилган. Гуруҳлар учун тузилган дастурлар, қўлланиладиган методлар талабаларнинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда танланади. Дидактика бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва бу таълимнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Таълимда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ўрганилаётган билимлар, хосил қилинаётган малака ва кўникмалар талабаларни хаддан зиёд толиқтириб қўймаслиги лозим. Бошқача қилиб

айтганда, ўқув жараёни талабаларнинг соғлиги, психик ҳолатига салбий таъсир этишини олдини олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ёш хусусиятларини чуқурроқ ўрганиб имкониятлар даражасини белгилаб олиш керак. Таълимнинг мазмуни шахсларнинг куч-қувватига мос бўлишига эришиш лозим. Таълимни ҳаддан зиёд “енгиллаштириш”, “осонлаштириш” ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай таълим ривожлантирувчи бўла олмайди. Демак ҳар бир ёш даврида òàёàáàларнинг имкониятларини ўрганиш ва имкониятларга мос равишда таълимни ташкил этиш, ўрганиладиган билимлар ҳажмини белгилашда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳим бўлиб бу йўналишда ҳам тегишли илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда таълим тизимини янгилаш, мукаммаллаштириш борасида бир талай ишлар олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизимини яратиш, ўқув тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини мукаммаллаштириш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароит яратиш масалалари кўриб чиқилган. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланган. Булар таълимнинг устиворлиги, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилардир. Кўриб турганимиздек узлуксиз таълимни ривожлантириш тамойиллари дидактик тамойиллар билан ҳамоханг бўлиб, ана шу дидактик тамойилларни янада мукаммаллашувига туртки бўлиб хизмат қилмокда.

Демак, бугунги кун талабларини ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда педагогика ва унинг ажралмас қисми ҳисобланмиш дидактика ўқув жараёнини қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиши ҳамда таълим самарадорлигини ошириш устида илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Таълим тамойилларини белгилаш ўлчовлари.

У ёки бу дидактик ҳодисага оид қарашларни дидактик принциплар қаторига киритишнинг ўзига хос мезонлари мавжуд. Шундай ўлчовларга қуйидагилар киради.

Умумийлик. Таълим принциплари ўқув-тарбия жараёнининг барча компонентларига — таълимнинг мазмуни, воситалари, усуллари, ташкилий шакллари, натижалари учун муштаракдир. Бинобарин, талабаларнинг реал билиш имкониятларига мос келадиган таълим мазмунини белгилашда, таълимнинг турли норматив моделларини (ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмалари) яратишда, таълимнинг ташкилий шакллари, воситалари, усулларини танлашда таълим принципларига риоя қилинади.

Амалиёт учун яроқлилик. Таълим принциплари—педагогик амалиётга йўналган. Таълимни ҳозирги замои талаблари даражасида ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш эҳтиёжларига мос бўлмаган қарашларни, қоидаларни таълим принциплари қаторига киритиш мумкин эмас. Таълим принципларига кўра ўқув-тарбия ишлари таълим-тарбия бирлиги, назария билан амалиётнинг ягоналиги, таълим воситалари, усулларини оптимал танлаш, таълим мазмунининг бола шахсига йўналганлиги каби қатор ғоялар амалга оширилади.

Таълимнинг самарадорлигини оширишга йўналганлик. Таълим принципларининг барчасига риоя қилиш ва уларни амалга ошириш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги оширилади.

Таълим мазмуни, воситалари, усуллари, ташкилий шаклларини олий ўқув юртлари ёки таълим муассасалари олдига қўйилган ижтимоий талабларга мувофиқлаштириш, болаларнинг энг юқори даражадаги тараққиётини кўзлаб таълимни ташкил этиш, талабаларнинг маълумот мазмуни ва фаолият усулларини параллел эгаллашларига эришиш каби тадбирларни ўқув-тарбия жараёнига узлуксиз жорий этиш йўли билан таълимнинг натижаси, унинг сифати яхшиланади, таълим учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланишга шарт-шароит тайёрланади. Таълимнинг самарадорлигини оширишга оид тадбирлар ва уларни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўли билан қўлга киритиладиган ютуқлар таълим принциплари асосида олдиндан белгиланади.

Таълим принциплари мақоми. Ҳар бир принципнинг ўз ўрни бор. Уларнинг биронтасини бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлмаганидек, бирини иккинчиси ўрнида қўллаш ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, таълим принципларидан бири иккинчиси учун ўлчов саналади. Масалан, илмийлик принципини таълимнинг турли бўғинларида – бошланғич, ўрта – махсус, олий ўқув юртлари ёки таълим муассасаларида амалга ошириш учун тушунарлилик принципига риоя қилинади. Тушунарлилик принципи, бир томондан, ўқув-тарбия ишларини таълим даражаларига қараб аста-секин мураккаблаштириб ва қийинлаштириб боришни тақозо этса, иккинчи томондан, талабаларнинг ўз ички имкониятлари — фаоллик, онглилик каби қатор омилларни ҳисобга олишни талаб этади. Худди шундай, системалилик изчилликка, мустақиллик фаолликка, кўргазмалилик онглиликка олиб келади. Юқоридагиларга кўра таълим принциплари тизимини қуйидагича белгилашни маъқул, деб топдик:

илмийлик — тушунарлилик
системалилик — изчиллик
мустақиллик — фаоллик
кўргазмалилик — онглилик
ҳаёт билан — боғлиқлиги, алоқадорлиги — пухталик.

Таълим методлари.

Халқ таълими вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек укув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айни пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. Метод-юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги синфларга ажратилади:

Сўз орқали ифодаланадиган метод.

Кўргазмали метод.

Амалий метод.

Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуйидаги методларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи.

Ўқитишнинг амалий ишлар методи.

Лаборатория ишлари методи.

Мустақил ишлар методи.

Репродукцив-эвристик метод.

Илмий-тадқиқот методи.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.

Ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гуруҳ методларига: Ҳикоя, суҳбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларга нисбатан юқоридир. **Ҳикоя қилиш** - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишди, образларга характеристика беришди, табиат ҳдисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган объектга қаратибгина қолмай балки худди шу объект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

Ўқув материалини тушунтириш-педагог томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни уқтиришдир. Бу метод кўпроқ математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади. Педагогнинг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун, қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек масалалар, мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради.

Бу жараёнга талабаларнинг актив иштирок этишларини таъминламай туриб, кўтилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса баён қилинаётган материалларини умумлаштириш ва хулосалар чиқаришда талабаларнинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этишларини таъминлаш муҳим.

Маъруза методи. Бу метод ўқув материалини ҳажмини катталигини, мантиқий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла қамраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намойиш этиш, маъруза охирида умумий хулосалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади. Маъруза методи кенг қамровли ахборотни талабаларга етказишда жуда ҳам қўл келади.

Суҳбат. Бу метод асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Суҳбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характерини белгалайди. Суҳбат эвристик характерда, этик характерда, инструктив методик характерда бўлиши мумкин.

Суҳбат методи талабаларни фаол иштироки орқали ўтказилганлигидан мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни талабаларда шакллантиради. Машғулотларни ташкил қили шва уни олиб бориш жараёнида педагог суҳбат методидан фойдаланилганда қуйидаги шартларга амал қилиши керак.

Ўқитишнинг кўргазмали методлари.

Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик методидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга талабани ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилиш ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билишдадир.

Таълимда кўргазмалилик методи намойиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия тариқасида олиб борилиши мумкин. (-расм)



-расм. Таълимда кўргазмалилик методининг турлари

Таълимда намойиш этиш методидан фойдаланиш асосан материалларнинг характерига-мазмуни, шакли ҳам ҳажмига боғликдир. Намойишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: (- расм)



ш методи

Экскурсия методи синф шароитида дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методидан тубдан фарқ қилади. Бу метод билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, табиатни кузатишга) ёки махсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳоказоларга) ташкилий равишда борилади. Экскурсиялар қуйидаги тўрт йўналишда уюштирилади (- расм)





- расм. Экскурсия шла

Экскурсия жараёни қуйидаги таркибий тузилишга эга (- расм)



- расм. Экскурсиянинг таркибий тузилиши.

Экскурсия вақтида кузатиш, зарур материалларини ёзиб олиш, расмга тушириш, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини олиб бориш мумкин. Экскурсия давомида суҳбат ўтказиш, хулосалар ясаш, ўз фикрларини умумлаштириш ва якун ясаш лозим.

Ўқитишнинг амалий ишлар методи.

Амалий методларга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда қўллаб кўрилади. График жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари методи.

Лаборатория машқлари фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, практикумлар ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув қуроллари типидаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади. Лаборатория методининг бошқа ўқитиш методларидан фарқи, шундаки, бу

метод билан иш қўрилганда ҳар қайси талаба ниманидир мустақил, шахсан тажриба қилиб куради. Дарс педагог раҳбарлигида талабаларнинг мустақил тажриба ўтказишларига қаратилган бўлади. Лаборатория машғулотларида мустақиллик, активлик, ташаббускорлик ошади.

Мустақил ишлар методи.

Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу метод талабада ижодкорликни, мустакилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Òàëàáàларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширишган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талаба бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда òàëàáàга ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив, эвристик метод.

Репродуктив методлар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материалини тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимдаги типик камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив методлар айниқса ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик характери педагог ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини активроқ қилишини ва эслаб қолинишини назарда тутади. Хикоя, маъруза, кўргазмалилик ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосга қурилиш мумкин. Репродуктив характердаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиладики, бу ишларнинг давомида талабалар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида у кўпинча эвристик яъни қисман изланувчан метод билан қўйиб олиб борилиши мумкин. Янги мавзуни баёни давомида ўрганилаётган материалнинг баъзи элементлари устида талабаларга фикр юритиш имкони берилади. Педагог томонидан енгил қисқа саволлар тузилиб, талабаларнинг иштирокида уларга жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик метод талабаларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик метод янги мавзуни идрок қилишда талабаларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

Илмий тадқиқот методи.

Бу метод таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган метод бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Педагог раҳбарлигида талабалар ёки бир талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хулосаларни ясаши мана шу методни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу метод олийгоҳларда кўпроқ қўлланилади. Бу метод давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни хали номаълум бўлган

билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад белгиланади ва тадқиқот усуллари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ясалади.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.

Янги мавзуни ўрганиш жараёни ўрганилаётган материални тайёр ҳолда талабаларга баён этмасдан, балки муаммо сифатида тақдим этиш муаммо-изланиш методини келтириб чиқаради. Яъни дарс давомида ясаш керак бўлган хулосалар педагог томонидан эмас, балки талаба томонидан ясалишига ҳаракат қилинади. Ҳар бир талаба қўйилган муаммони ўзича ёндошиб ҳал этишга ҳаракат қилади ва ўз фикрларини баён этади. Ўртага ташланган фикрлар муҳокама қилинади ва педагог томонидан йўналтирилади. Педагог ва талабалар биргаликда хулосалар ясашади. Муаммоли-изланиш методи талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиради, мустақилликка, ижод қилишга ўргатади, ўқишга бўлган қизиқишларини оширади, шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради. Бу метод ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг пухта бўлишига ёрдам беради. Бу метод ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг тафаккур даражаси ҳисобга олиниши керак. Танланган мавзуни таҳлил этиш учун талабаларда маълум билимлар базаси мавжуд бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бу методни қўллаш учун талабалар алоҳида ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейинги даврларда муаммоли-изланиш методидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи.

Ўқитишнинг мантиқий методлари икки турда: Индуктив ва дедуктив методлар билан олиб борилиши мумкин.

Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби методларини танлаш зарурати ҳам туғилади. Кейинги даврларда дедуктив ўқитишга талаб ва эътибор кучайди. Аммо тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб фақат табиий-илмий эмас, балки умум меҳнат характеридаги тажрибалар амалий фаолиятида ҳам муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив методларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиқий-хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

Индуктив методлар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир кўпгина масалалар, айниқса педагог талабаларни айрим умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашларига олиб келиши зарур деб ҳисобланган ҳолларда, индуктив метод воситасида ечилади.

Дедуктив методдан фойдаланганда педагог ва талабанинг фаолиятида аввал умумий ҳолат, формула ва қонунини берилади, сўнгра аста-секин

айрим ҳолатларни чиқариб аниқроқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади.

Дедуктив метод ўқув материалини тезроқ ўтишга ёрдам беради, абстракт тафаккурни активроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумийроқ ҳолатлардан айрим оқибатларини аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив методни қўллаш айниқса фойдалидир.

Таълим воситалари: таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган методларни муваффақиятли натижага эришиши учун ишлатиладиган ўқув асбобларидир. Улар иссиқлик сиғимини ўлчаш асбоби, компютерлар, турли хил лабораторияда ишлатилувчи аппарат турлари, ўлчаш асбобларидан ташкил топиши мумкин. Таълим воситалари талабаларни амалий ишларни бажаришида ҳамда малака ҳосил қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Дастурлаштирилган таълим.

Дастурлаштириш деганда ўқув материалини ўрганишнинг ҳар қандай дастур эмас, балки дастурлаштиришнинг кибернетик ва математик қоидалари ёки шартларига мувофиқ дастургина тушунилади.

Маълумки, кибернетика мураккаб тизим ёки жараёнларни энг қўлай йўл билан маълум мақсадга мувофиқ ҳолда идора қилиш ҳақида бахс юритади. Талабаларга тегишли илмий маълумотларни қайта ҳисобга олишини таъминлаш, текшириб кўриш, ўз-ўзини текшириш каби вазифаларни кибернетика бошқаради.

Дастурлаштирилган таълим эса, юқоридаги каби кибернетика илми ва методларига боғлиқ ҳолда иш куради. Дастурлаштирилган таълимнинг бош вазифаси, талабалар мустақил ишининг унумдорлигини оширишга ёрдам беришдан иборатдир.

Дастурлаштирилган таълим икки йўналишда: машина воситасида ҳамда машина воситасисиз олиб борилади.

Дастурлаштирилган таълимнинг мазмуни давлат дастури асосида белгиланади. У маълум фан юзасидан дастур ҳажмида илмий билим бериш ва шу билимларга боғлиқ ҳолда тегишли кўникма ҳосил қилишга қаратилган машқлар, мисоллар ва масалалар ишлатиш, ишланган масала ёки саволларнинг жавобларини тўғри ёки нотўғрилигини талабалар томонидан текшириб кўра олиш имкониятларини яратади. Ўзлаштирилган билим ва малакаларни бир тартибга тушуришга ёрдам беради.

Дастурлаштирилган ўқитиш методлари ўқув материалини элемент бўйича назорат қилишни, ўқитишни имконияти борича индивидуаллаштиришни, билимларни эгаллашнинг индивидуал суръатини ҳисобга олишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Машинасиз дастурлаштирилган таълим махсус ишланган дарслик ва методик

қўлланмалар воситасида олиб борилади. Бунда дарсликларда айрим ўқув фанининг алоҳида қисмларидаги мавзу юзасидан маълумотлар берилган бўлади. Бунда ҳам машқ учун топшириқлар, ўзлаштирилган билимларни амалда масала ва мисоллар ечишда меҳнат жараёнида қўллана олишлари, ўзи бажарган вазифаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўра олишлари учун йўлланмалар берилган бўлади. Гарчи талаба топшириқни бажара олмаса ёки хато қилса, ўша жойдан, яъни ўрганилиши лозим бўлган материалнинг ўзлаштирилиши қийин бўлган ўрнидан бошлаб қай даражада иш кўриш лозимлиги кўрсатилган бўлади.

Бундай дарсликлар хусусан талабаларнинг мустақил ишлари учун жуда муҳимдир. Дарсликда материаллар шундай тақсимланадики, унда берилган материаллар қисмларга бўлиб кўрсатилади ва ҳар қайси талаба томонидан бажарилиши биланоқ ўзини-ўзи текшириб кўриш имконияти берилади. Шу йўсинда топшириқлар борган сари мураккаблашиб боради. Дастурлаштирилган матнлар билимларни ўзлаштиришни муайян мантиқий йўлини вужудга келтиради. Аммо бу йўл фақат маълум материал учун характерлидир, яъни таълим услуби материални мазмунига боғлиқдир. Мазмун ўзгарса, ахборот бериш ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари ҳам ўзгаради. Уни билимларнинг айрим таркибий қисмлари бўлиш мумкин бўлган мавзуларни ўрганишда, чунончи, грамматикага доир айрим масалаларни, математика теоремаларини, баъзи бир химиявий ва физикавий формулаларни фанда қарор топган тизимлар ҳақида маълумот берувчи тарихий, биологик ва географик материални ўрганиш вақтида қўллаш мумкин.

Педагог шуни назарда тутиш керакки, дастурлаштирилган матнларда ақлни ўстириш дастури эмас, балки ўқув материални ўрганиш дастури берилган. Шунинг учун бу методдан фойдаланишда ҳам унинг камчиликларини ҳисобга олиш лозим.

Таълим жараёнини лойиҳалаш ва унинг босқичлари.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида такълим жараёнини самарали ташкил қилиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат – эътиборини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим тарбиясини ташкил этишнинг Ушбу жиҳатларини ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ян Амос Коменский, Д.К.Ушинский, Абдулла Авлоний, Ҳамза Хакимзода Ниёзий ва бошқалар тамонидан ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг глобаллашуви, шунингдек, илм – фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликларнинг сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз – ўзидан ўқувчиларга улар борасида тезкор суръатда ва батафсил маълумотлар беришни кун тартибига қўймоқда. Ушбу талабнинг ижобий равишда қондирилиши, энг аввало илмий – назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг қулай шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил

этилиши ўқув манбалари (ўқув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўқув дастури мазмунининг мукаммаллиги, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганли, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий жиҳатларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт – шароитларнинг мавжудлиги, педагог ва талабалар ўртасида самимий, ижобий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1 – босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметинин мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларни моҳияти билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш педагог учун ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган мавзу хусусида уларга батафсил, мукаммал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини бера олади.

2 – босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, ўғувчилар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт – шароитлардан оқилонна фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предметининг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

3 – босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянган ҳолада ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва Амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, ўқувчилар тамонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларнинг хажми ҳам ўз ифодасини топа олиши керак. Зеро, таълим мазмунинг ғоявий жиҳатдан мукаммаллиги ўқувчилар тамонидан

муайян билим, кўникма ҳамда малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси ўқувчилар тамонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакалар шаклланишини таъминловчи шартларнин ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4 – босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи, тўртинчи босқичида машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулотнинг шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақиятини таминлашга олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар ўқувчиларга узатилади, ўқувчилар тамонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларининг белгиланиши таълим жараёнининг 90 фоизлик самарадорлигини таъминлайди. Янги педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан анна шу босқичда очиб берилади. Ўқувчиларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларини тўғри танланиши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс – мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки бўлади. Мана шу ҳолатдагина ўқувчилар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл – йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5 – босқич. Навбатдаги босқичда ўқувчилар тамонидан билим, малака, кўникмаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни ўқувчиларда муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6 – босқич. Бу босқичда топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимининг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шарти ҳисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимининг қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

А) машғулот жараёнида ўқувчилар тамонидан ечилиши лозим бўлган машқлар;

В) дарсдан ташқарии шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалар).

Ўқувчилар эътиборигаҳавола этилаётганмашқлар бир – бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7 – босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қили шва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши ўқувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир – бирлари билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш мувофиқдир.

8 – босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳа (андоза) нинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражасини ўрганиш билан ниҳояланади.

Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги Машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларни олдини олишга қаратилган чора – тадбирлар белгиланади

Таълимни ташкил этиш шакллари.

Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича булган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузумнинг манфаатларига мос холда шаклланган.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я.А. Коменский (1592 - 1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф – дарс тизимини яратди.

Я. А. Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш хақидаги қараши бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди.

Синф – дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбиқ бўлмади. Уларда октябр тўнтаришига қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими давом этиб келди.

Бир ўқиш хонасида 6 ёшдан 15 - 16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулот олиб бориларди. Шунингдек, бир ўқиш хонасидаги (20 - 30) ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича бўлар эди.

Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф – дарс тизимига ўтди.

Синф – ёши ва билими жихатдан бир хил бўлган маълум миқдоридаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг рахбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс – ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимни ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди. Хозир мактабларимизда қўлланилаётган синф – дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Хар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, каътий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг рахбарлигида жамоа, якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда, мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмокда.

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг кундалик ўқув материалини тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан хисобга олиб боришни, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва таржиба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида, ўқув устахонаси, тажриба ер участкаларида ишлаш, экскурсиялар ўтказиш йўли билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида тўпланган ўқитиш қоидалари, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида бойиб бормоқда дейишга асос бор. Аммо ўқув жараёнининг ҳамма қисмларини ўқитишни ташкил қилишнинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси дидактик қоидалардан амалда фойдаланишни қийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эхтиёжлар ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришни талаб қилади.

Ўқитувчи ўзининг аниқ шароитлари ва имкониятларига энг кўп мос келадиган ўқув жараёнини онгли равишда танлаб олиши фойдадан холи эмас. Бу иш дарснинг муҳим томонларини танлашга таваккалчиликка, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йўл қўймайди.

Дарсга бўлган талаблар.

Дарс, юқорида айтиб ўтилганидек, ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Бу соҳада турли хил кўрик-танловлар, жумхурият миқёсида ўтказилаётган педагогик ўқишларда ўртага қўйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазалари диққатга сазовордир.

Турли - туман фикр ва мулохазаларни хисобга олган холда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустахкам ғоявий - сиёсий йўналишга эга булмоги лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4.Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган холда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

2.Синф – дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Ўтилган материалларни мустахкамлаш дарси.

3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.

4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

5.Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиш).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришига, мустахкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, хатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири

– янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарс тури қуйидагича тузилади:

а) янги билимларни баён қилиш;

б) янги билимларни мустахкамлаш;

в) янги билимлар устида машқ қилиш;

г) янги билимларга боғлик холда уй вазифалари топшириш.

Демак, дарс бошдан – оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустахкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи – савол–жавоб ўтказиш), янги билимлар устида машқ ўтказиш (учинчи бир дарс тури элементи – масала ва мисоллар ечдириш, грамматик тахлил, график ишлар олиб бориш), уйга вазифа (бошка бир дарс элементи – тушунтириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва хоказо) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.

Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир дарс элементлари асосий дарс туридан ўрин олиши ва айни пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил қилиши мумкин.

Демак, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади.

Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни дарс тузилишининг ўзгариши биланоқ дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Демак, дарснинг шу қисмига келиб, дасрнинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади. Бу билан дарснинг янги босқичи бошланади.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усуларининг ўзгариши даср босқичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

- уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
- янги материалларни баён қилиш;
- янги материалларни мустаҳкамлаш;
- уй вазифалари топширишни ўз ичига олади. Бунда:

а) уй вазифаларини кўриш суҳбат (савол-жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг 1-қисми, дарснинг биринчи босқичи;

б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиши мумкин. Бу – дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи;

в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг учинчи қисми, дарснинг учинчи босқичи;

г) уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишини тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир.

Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Бошланғич ва V – IX синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билим, кўникма малакаларни текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, такрорий-умумлшатирувчи дарс турлари қўлланилади.

Такрорий – умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлганидан кейин ишлатилади. Бунда ўтилган материалларни такрорлаш – қайта эсга тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган материалларни қамраб олган ва бир – бирига боғлик бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

Одатда, такрорий – умумлаштирирувчи дарсни ўтишда, ўқувчиларнинг тайёрланишлари учун вақт берилиши, машғулотдан олдинги материал юзасидан саволлар бериб қўйилиши, фойдаланиш лозим бўлган адабиётларнинг руйхати берилган бўлиши лозим.

Юқори синфларда баъзан ўқув материалларининг маълум қисми ёки йирик мавзуни бошлаш олдидан кириш дарслари ҳам олиб борилиши мумкин. Бундай дасрлар, одатда, гуманитар фанлар бўйича ўтказилади. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг мустақил иш олиб боришлари назарда тутилади. Адабиёт дарсларида кўпинча ўқувчилардан ўқув дастурида белгиланган йирик бадий асарни ўқиб чиқишлари, мавзуга оид сахна асарлари, кинофильмларни кўрган бўлишлари талаб қилинади.

3.Синф – дарс шаклидаги машғулотларни ташкил этиш.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жихатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлик. Мактабларимизда дарснинг бошланиш даврини – дарснинг ташкилий дақиқалари деб юритилади. Тўғри, дарснинг шундай бир кичик ташкилий қисми ҳам бўлмоғи лозим. Бироқ, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқада синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш муҳимдир.

Тажрибали ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дархол иш бошлаб юборадилар.

Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа – бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб уқтириш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади.

Дарсда режада мўлжалланган материални ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад – таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир.

Бунинг учун:

а) ўтилаётган мавзудан кўзланган мақсадни уқтириш билан бир вақтда, ўқувчилар материални фаол идрок қилишга сафарбар этилган бўлишлари керак. Яъни ўқитувчи баён қилаётган материаллар ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоғи лозим.

б) ажратилган вақт ичида ўқитувчи материалларни тизимли ва изчил баён қилиш билан бир вақтда, ўқувчиларни ҳам, албатта, мавзуга оид мустақил иш олиб боришларини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ўқитувчи дарс материалларни тизимли ва изчил баён қилиш жараёнида ўқувчиларига муаммоли вазият туғдирадиган саволлар берсин ва ўқувчилар ахтариш, фикрлаш ва изланишлар йўли билан баён қилинаётган материалларни пухта ўзлаштириб оладиган бўлсинлар. Бунда умумсинф жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган бўлмоғи лозим;

в) эндиликда дарсда узоқдан – узоқ вақт сарфлаб ўқувчиларнинг билимини аниқлаш ва баҳолаш, билимларни баён қилиш ва мустаҳкамлашда ўқувчилар иштирокини чеклаб қўйиш каби холларга барҳам берилмокда. Билимларни баён қилиш жараёнида ўқувчилар фаоллиги (оғзаки ва ёзма машқлар, лаборатория – тажриба ишлари, мустақил ижодий ишлар) ишга солинмоғи лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билимларини ҳам ишга туширишга хизмат қилади ва тўғри баҳолаш учун катта имконият туғдиради;

г) ўқувчиларнинг мустақил мантиқий фикр қилишлари, қунт, иродаларини тарбиялаш ҳамда нутқ маданиятини ривожлантириш, тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда мустақил ишнинг ахамияти ҳамиша диққат марказида бўлиши, дарс жараёнини шу мақсадга мувофиқ қуриш назарда тутилмоғи лозим;

д) дарс жараёнида ўтилаётган ўқув материалларининг бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсатиш ҳам муҳим ахамиятга моликдир.

4. Семинар ва амалий – тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар.

Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб мухокама қилишини ташкил этиш шаклидир. Семинар машғулотининг қуйидаги турлари мавжуд:



-расм. Олий таълимда семинар машғулотининг турлари.

Семинар дарсларида мавзу ўрганилгунга қадар ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузиб чиқади. Кириш машғулотида у ўқувчиларни материалнинг мазмуни, қилинадиган ишнинг характери билан қисқача таништиради, уларга ҳар қайси семинар учун топшириқ

беради ва тайёрланиши учун адабиёт кўрсатади. Бир хил вазифалар ҳамма учун умумий бўлади, бошқа вазифалар айрим ўқувчиларга ёки 3 – 4 кишидан тузилган гуруҳга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материаллар минимумини ишлаб чиқишлари керак.

Семинарларга 2 – 3 хафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётни ўрганадилар, материал йиғадилар, ҳар хил кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборатлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинарлар ўқиш вақтида ўтказилади. Бундай машғулотлар миқдори мавзунинг мазмунига ва уни ўрганиш ажратилган вақтга боғлик. Ўқувчилар машғулотларда ахборот берадилар; уларга турли хил намойиш этиладиган нарсаларни илова қиладилар. Масалани мухокама қилишда ҳамма ўқувчилар иштирок этишади. Семинарга пухта тайёрланиш учун ўқитувчи айни бир вазифани ҳаммага ёки бир неча ўқувчига бериши мумкин.

Семинар машғулоти бир қанча функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин (- расм):

- расм**.** Семинар дарсининг функицялари.

Амалий тажриба машғулотлари синф – дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машғулот тури бўлиб, у махсус жихозланган хона ёки алохида ажратилган тажриба участкасида, шунингдек, бевосита таълим ишига алоқадор маълум объектни кузатиш, ўрганиш йўли билан олиб бориладиган машғулотдир.

Таълимнинг бундай машғулотларини ташкил қилиш икки хил йул билан олиб борилади:

1. Амалий тажриба машғулотлари.

2. Экскурсиялар.

Амалий тажриба машғулотлари. V – IX синфларда ўтиладиган амалий тажриба машғулотлари асосан мактаб устахонаси ва ўқув–тажриба ер участкаларида олиб борилади.

Амалий тажриба машғулотлари ҳам ўз характерига кўра икки турга эга:

1.Мактаб устахонасида олиб бориладиган машғулотлар.

2.Мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Амалий тажриба машғулотларининг синф – дарс шаклидаги машғулотдан фарқи шундаки, бу машғулот турида ҳар қайси ўқувчини ўзига хос ишлатиш, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш назарда тутилади. Бу машғулотлар асосий иш тури билан бирга ўқувчиларни материал, асбоб – ускуна билан таъминлаш, йиғиштириб олиш, иш ўрнини тоза тутиш каби ташкилий масалаларни ҳам ўз ичига олади.

V – IX синфларда амалий машғулотларни олиб боришда куйидагиларга риоя қилинади.

Ўқитувчи дастлаб машғулотнинг мазмунини тушунтиради, дастлабки иш намунасидан ўзи ишлаб кўрсатади. Ўқувчиларга материаллар ва асбобларни тарқатади. Яккама – якка ва ёппасига иш жараёнини бошлайди, йўлланмалар беради, бажарилаган ишларни йиғиштиради. Машғулотни якунлайди, иш ўрнини қайта тартибга келтиради.

Мактаб тажриба ер участкасидаги тажриба машғулотлари V – IX синфларда ўқув фанлари, айниқса ботаника, зоология фанлари билан боғлик холда олиб борилади. Унинг асосий мазмуни ўсимлик ва ҳайвонот хаёти, уларнинг яшаш ва ривожланишларини чуқурроқ ўрганиш ва ўзлаштириш, турли мавзулларда тажрибалар ўтказиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг оддий меҳнат қуролларидан фойдаланиб, амалий меҳнат қила олиш, кўникма ва малакалари ҳосил қилишни ўз ичига олади.

Амалий машғулотларнинг назарий асослари синфда ўтилиб, машғулотнинг ташкил қилинишига оид йўл – йўриқ ва кўргазмалар ер участкасида ёки машғулотнинг мазмунига оид жойда берилади.

V – IX синф ўқувчиларининг ижтимоий – фойдали меҳнатлари жамоа хўжаликларида, пахта майдонида, боғдорчилик ва чорвачилик сохасида олиб борилади, бригада асосида амалга оширилади. Аммо унинг мазмуни ва ташкилий шакллари анча мураккаб ва хилма – хилдир.

АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ МОДЕЛЛАРИ

Анъанавий ўқитиш моделлари

Ўнлаб йиллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустахкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс – кўп холларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Маълумки анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис, баъзида анъанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- Ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш
- Илгари эгаллаган билимларини ҳам инобатга олиш
- Ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш
- Ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш
- Амалиёт орқали ўрганиш
- Икки томонлама фикр – мулоҳазалар билан таъминлаш
- Ўқиш жараёнини тўғри йўлга қўйиш
- Ўқитувчи – ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгиллаштирувчи шахс
- Ўқув жараёнини баҳолаш.

Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу холларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган холда, унга турли-туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда бахс, мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот роли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларни келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Анъанавий дарс ўтишнинг асосий таркибий қисмлари.

Кириш

- ўтган материални такрорлаш;
- дарс мақсадини тушунтириш;

- дарс мазмуни ва режаси билан таништириш

2. Янги мавзуни ёритиш

- янги мавзуни кичик-кичик бўлакчаларга бўлиб бериш;
- ранг-баранг мисоллар имкони борича кўргазмали тақдим қилиш;
- мавзудан четлашмаслик;
- материалнинг мураккаб томонларини қайта тушунтириш;
- ўқувчиларнинг тушунганлик даражасини текшириб бориш;
- тескари алоқани таъминлаш.

3**. « Тета-поя » машқ**

Бирор мисол (ёки масалани) ўқувчилар билан қадамба-қадам ҳал қилиш ва таҳлил қилиш:

4. Йўналтириб турилувчи машқ

Ўқувчилар машқ (ёки масалани) мустақил бажаришади, ўқитувчи эса уларни назорат қилиб, тузатиш киритиб боради.

5. Мустақил бажариладиган машқ

Ўқувчилар машқни мустақил ҳолда ўқитувчи ёрдамисиз бажаришади.

6. Ўқувчилар тушинганлик даражасини текшириш

АНЪАНАВИЙ (ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ МАРКАЗИДА ЎҚИТУВЧИ БЎЛГАН) МЕТОДЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

- Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларини, фанни ўрганишда фойдали.
- Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши.
- Вақтдан унумли фойдаланиш.

Аниқ илмий билимларга таянади.

КАМЧИЛИКЛАРИ

Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қолади.

Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.

Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди.

Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин.

- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

Ноанъанавий ўқитиш моделлари

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив усуллари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш усуллари деб ҳам таърифланади. Бу усуллардан аввалари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги кунда бутун дунёда фаол интерактив услубларни қўллаш дарс ўтишни самарали услуби сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

НОАНЪАНАВИЙ (ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ МАРКАЗИДА ЎҚУВЧИ БЎЛГАН) ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРНИНГ

АФЗАЛЛИКЛАРИ

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши.
- Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши.
- Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши.
- Ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши.
- Мотивациянинг юкори даражада бўлиши.
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши .
- Мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши.
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши.
- Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунинг, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати.
- Мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шакалланишига ёрдам бериши.
- Нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши.
- Муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

КАМЧИЛИКЛАРИ

- Кўп вақт талаб этилиши.
- Ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги .
- Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.
- «Кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабли «кучли» ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши.

Ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Дарс жараёнида таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш

Таълим – тарбия жараёнини сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлик бўлади.

Таълим жараёнини амалга оширишда ёрдам берувчи воситаларга таълим воситалари дейилади.

Таълим воситалари 3 га бўлинади (- расм):



- расм. Таълим воситалари.

Реал таълим воситалари, техник воситалар ва чоп этилган ўқув материаллари. Реал таълим воситаларига ўқитишда қўлланиладиган барча реал ёрдамчи воситалар: машиналар, тракторлар, жиҳозлар, дастгохлар, тайёр махсулотлар ва ҳоказолар киради. Техник воситаларига, проектор, кино аппарат, ўқув телевидениями, видеомагнитафон, компьютер, видеофильмлар, мультимедиа ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари синф доскаси, доска-стенд, доска-блокнот, кодоскоплар ҳам техник воситаларга киради. Чоп этилган ўқув материалларига чоп этилган ўтказилган барча ўқув ва кўргазмали материаллар киради.

Юқоридаги таълим воситалари ўқитувчи учун, ўқувчи учун, ҳамда дарс ўтказиш учун алоҳида вариантларини туғри танлаш муҳим аҳамиятга эга.

1. Ўқитувчи учун воситалар: ўқув предметини ўқитиш методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, мураккаб масалалар буйича методик тавсиялар, ўқитувчилар томонидан тайёрланган методик ишланмалар, мантиқий структура.

2. Ўқувчи учун восита дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқитувчининг маъруза матнлар жадваллар йўл-йўриқ ҳариталар, топшириҳ карточкалар ва ҳоказолар.

3. Дарс ўтказиш учун плакатлар, диаграммалар, моделлар, макетлар, эталонлар, намойиш қилиш жиҳозлари лабаратория Амалий ишларни ўтказиш учун жиҳозлар, аудиовизуаль воситалар, диафильм, видеоёзувлар, диопозтивлар.

Танлаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши яъни уйғунлашуви керак.

Чоп этилган ўқув материалларга таълим олувчиларга мустақил ишларга ва уларнинг фаоллашувига кўмаклашади. Уларга: тарқатма материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) варақалари, матнлар, ўқув қўлланмалар ва шу кабилар киради.

Синф доскаси – ўқув материалини визуал намойиш қилишнинг анъанавий ва қулай воситасидир. Ундан ўқув материалининг асосий таянч нуқталарини белгилашда, ёки бирор нарсани тез ёзиш лозим бўлганда фойдаланиш жуда қулайдир. Бундан ташқари синф доскаси таълим муассасасининг ҳар бир ўқув хонасида мавжуддир.

Камчилиги: янги материални тушунтириш учун доскада ёзилганларни ўчиришга туғри келади ва аввал ёзилганларни кўрсатиш имкони бўлмайди. Бундан ташқари ўқитувчи доскага ёзаётганда таҳсил олувчиларга нисбатан тескари ҳолатда бўлади ва уни эшитиш қийин бўлади.

Доска-стенд – машғулотларда ўқув мунозаралари, ақлий хужум, гуруҳ ишлари ва бошқа муҳокамалар натижаларини хужжатлаштиришда фойдаланиладиган ўқитишнинг техника воситасидир.

Бунда стендга ўша катталикдаги қоғоз қўйилади ва унга турли рангдаги ҳамда шаклдаги карточкалар ёпиштирилади. Тренинг вақтида стендда мазкур карточкалар ёрдамида схемалар, тузилмалар, шархлар ва шу кабиларни тузиш мумкин.

Доска-стенднинг афзаллиги шундаки, унда карточкалар (схемалар, тузилмалар, шархлар ва х.к.) жойлашувини хохлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунингдек доска-стенд билан ишлаганда қисқа вақт ичида барча тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва ғояларини қамраб олиш ва қайд этиш имконига эга бўлинади.

Доска-блокнот – бу варақланадиган қоғозли доска бўлиб, унга маркер билан чизилади. У турли мухокамалар якунлари ва натижаларни яққол намойиш этишда ҳамда энг муҳим ахборотларни қайд этишда қўлланилади. Унинг афзаллиги шундаки, хохлаган вақтда олдинги ёзилган материалларга қайтиш мумкин ва хатто ўқув хонасига осиб қўйиш ҳам мумкин.

Кодоскоп-(графопроектор) – шаффоф пленкадаги тасвир (слайдлар) ни экранга проекциялаш учун қўлланиладиган жиҳоз ҳисобланади. Ундан маъруза вақтида материалларни намойиш этиш учун, шунингдек гуруҳ ишлари тақдимотида ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Кодоскоп фойдаланиш учун қулай, мослашувчан восита бўлиб, бир марта тайёрланган пленкадан кўп марта фойдаланиш мумкин, бундан ташқари доска бўлмаган холларда асосий тушунчалар, ғоялар ва натижаларни ўқитувчи пленкага фломастер ёрдамида тўғридан-тугри ёзиб кўрсатиш ҳам мумкин.

Юқорида санаб ўтилган таълим воситаларидан самарали фойдаланиш учун ўқитувчи қайси воситани қачон қўллашини машғулот мақсади ва мазмунидан келиб чиққан холда белгилаб олиши муҳимдир.

Тарқатма материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1-2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар тренинг ишини қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп холларда таълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади. Тарқатма материалларни тайёрлаш ва қўллашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

3.Таълим олувчиларга хаддан ташқари кўп тарқатма материаллар берманг

4.Сарлавхаларни бош ҳарфлар билан ёзинг, бир машғулот учун иккита материал бўлса, уларга код-ном бериб уларни ажратишни осонлаштиринг

5.Матн шрифти 12 дан кичик бўлмаслиги керак

6.Бир бетда 80 тадан кўп белги (Ҳарф, қавс, ундов белгиси ва х.к.) ишлатманг

7.Варақ дизайни эътиборни ўзига тортиши керак.

Ишчи варақалар – гуруҳларда, жуфт бўлиб ва индивидуал машқлар бажаришда қўлланилади. Улар турли жадваллар шаклида бўлиб, таълим олувчилар томонидан тўлдириш талаб қилинади.

Назорат варақалари – машғулот якунида таълим олувчиларнинг ўзлаштирган билимларини текширишда қўлланилади, улар тест саволлари, масалалари ва шу каби шаклларда бўлиши мумкин.

Матнлар – тенинг мавзуси бўйича машғулотларга тайёргарлик кўришда, машғулот давомида, шунингдек билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун таълим олувчиларга тақдим этилади.

Таълим жараёнида техник воситаларидан фойдаланиш.

Кўргазмали материаллар, жихозларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

7.Синф доскаси (хозирда у турли рангларда бўлиши мумкин). Доскага одатда дарс пайтида ёзилади, лекин зарур маълумотларни доскага олдиндан ёзса ҳам бўлади.

8.Махсус оқ тахта (доска). Уларга одатда махсус маркерлар билан ёзилади.

9.Магнит доскалар. Улар одатда ўртача қалинликдаги махсус металл ёки қора металл қопламларидан тайёрланади. Бунда кўргазма материаллар тахта ёки пластмассадан тайёрланиб, уларнинг орқа қисмига магнитлаштирилган дисклар қотирилади.

10.Флипчартлар. Уларга дарс давомида махсус қалам билан ёзиб борилади (зарур бўлган пайтда керакли ёзувлар флипчартларга олдиндан ёзилади).

11.Жадваллар, плакатлар, диаграммалар, хариталар ва катталаштирилган суратлар. Бу материаллар одатда етарли даражада йирик бўлиб, уларни кўрсатишда проекторлардан фойдаланиш зарурияти бўлмайди.

12.Проектор ва слайдлар. Одатда бундай слайдлар олдиндан тайёрланилади ёки бўш слайдларга машғулот давомида маркерлар ёрдамида ёзувлар ёзилади.

13.Ясси экранли компьютер проекторлари ва Microsoft Power Point компьютер дастури.

14.Тахталарга урнатилган нотўғри йиғилган дифектли қисмларнинг асл нусхаси.

15.Видео тасвир материаллари (тижорат мақсадида ишлаб чиқарилган, ҳамда ўқув юртлари томонидан ишлаб чиқилган).

10.Турли жихозлар, деталларнинг нусхалари ва моделлари, шу жумладан уларнинг ишлайдиган ва тахлил қилинадиган, ёйиқ нусхалари.

11.Кабель телевидениеси. Бунда бу телевидения орқали мураккаб бўлган баъзи иш жараёнларни ўқувчиларнинг кенг оммасига намойиш қилиш мумкин.

12.Махсус қўлланмалар, дарсликлар ва тарқатма материаллар.

Кўргазмали материалларнинг ишлатилиши заруриятини ва мақсадларини аниқлагандан сўнг, улардан фойдаланиш керак. Улардан фойдаланиш дарс режасига киритилиши зарур. Хаттоки тўсатдан берилган

саволга жавобан диаграмманинг ёки бошқа ёрдамчи материалнинг ишлатилишини, имкони борича, олидиндан пухта тахлил қилиш лозим.

Синф доскаларидан ва жадваллардан фойдаланиш

Синф қора доскаси (ёки оқ доскаси) энг кенг қўлланиладиган ёрдамчи воситадир. Шу билан бир қаторда у энг ёмон кулланиладиган ёрдамчи воситадир. Синф доскаси синф ўқувчилари учун урнатилган. Ўқувчилар синф доскасига ёзув ёзгандагина, ўқитувчи досага қарамоги зарур. Агарда сиз ўқувчилар диққатини бирор нарсага қаратмоқи бўлсангиз, имконият борича ўқувчилардан орқага ўгирилишни камайтиринг.

Флипчарталар фойдаланишда жуда қулай, ҳамда уларни турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Матн номини ва ундаги чизмаларни олдиндан ва зарур кетма-кетликда тайёрлаш мумкин. Флипчартлардаги бетлар орқасида тоза бетлар қолдириш мақсадга мувофиқдир. Бу бетлардан машғулот давомида фойдаланса бўлади ёки улар кейинги бет мазмунини беркитиб туради. Шу билан улар ўқувчиларнинг фикрини чалғимаслигини таъминлайди.

Кўргазмали материалларни тайёрлаш

Кўргазмали материалларни тайёрлашда асосан қуйидагилар талаб этилади: қувват (энергия), ҳаёл ва ташаббускорлик. Кўргазмали материалларни тайёрлашда зарур бўлган воситаларни, албатта, топиш қийин эмас, лекин уларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган вақт ва фикрлар ҳар доим ҳам етишмайди. Хаттоки, фақат битта машғулотда ишлатиладиган кўргазмали материалларнинг ишлаб чиқилиши муҳим ахамиятга эга. Машғулотларни ва дарсларни бир неча бор қайтариб ўтадиган ўқитувчиларга эса бундай материаллар уларнинг фаолият ва меҳнат самарадирлигини оширишда ёрдам беради. Компьютерда ишлаш имконияти бор ўқитувчилар Microsoft Power Point сингари компьютер дастурлари ёрдамида жуда самарали кўргазмали материаллар тайёрлашлари мумкин.

Дарсга кириш ва тахлил этиш техникаси.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилаётган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти (юқори синфлар мисолида 70 – 75 фоизи) ўқишга қизиқмай қўйишди. Бунинг сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида умуман мулоқотнинг йўқлигидадир. Шунингдек, мактабда, ўрта – махсус ўқув юртларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшунослиги ва педагогик руҳшунослар хизмати тўғри йўлга қўйилмаганлигидадир. Умуман олганда муаллим ўзининг кучли ва заиф тамонларини ҳар доим англаши керак. Айрим муаллимлар ўзларининг заиф тамонларини, Айниқса, билимсиз эканликларини ёпиш учун ўқувчига ортиқча талаблар қўядилар.

Ўқитувчининг бўш тамонини эса ўқувчи тез англайди. Шунинг учун у ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи ҳурматини жойига қўйиб муносабатга киришиши мумкин. Бундай руҳий кайфиятни баъзан ўқитувчи сезмайди.

Ҳозир фанда таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоси турибди. Шундай шароитда ўқувчининг ташқи қиёфаси ҳам баъзан тарбиявий ахамият касб этади. Лекин буларнинг ичида энг муҳими – энг зарури ва ўқувчи учун энг аҳамиятлиси – ўқитувчининг билимдонлиги, янгилик ва дунёвий билимларга чанқоқлиги ҳамда унинг сўзи билан ишининг мувофиқ келишидир. Кўп йиллик иш тажрибаси ва кузатишлар шуни тақазо этадики, ўқитувчи ҳамиша ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакасини такомиллаштириб бориши керак, унинг кундан – кунга педагогик маҳоратини ошиб бориши, янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олиши унинг фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчининг фаолияти, унинг маҳорати одатда кузатиш ёки дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали билиш мумкин. Ўқитувчи фаолияти ва унинг дарсларини кузатиш ҳамда таҳлил этишни кўпинча ўқув юрти раҳбарияти ёки методистлар, ўқитувчи ва методбирлашма бошлиқлари амалга оширадилар. Одатда ўқитувчининг дарсига кириш лозим деб топилса, Айниқса ташқаридан келган шахсларни дарсга киритишдан олдин ўқитувчилик касби одобига кўра, қайси синфга, қайси дарсга кириши хақида огоҳлантирилиши лозим. Аввало, методбирлашма раиси, имконият бўлмай қолганда маъмурият аъзоларидан бири, ташқаридан келган кузатувчини бирга олиб киришлари даркор. Шундай ҳолда баъзи бир англашилмовчиликлар ва психологик тўсиқларнинг олди олинган бўлади. Ўқитувчи билан бирга дарсга кириб келиб, орқа ўриндиқлардан бирига ўтиргач, дарс бошланади.Ўқитувчи дарсга кирганда қўлида ёки синф хонасида синф журнали, ўқув дастури, календар – мавзу режаси, дарснинг технологик харитаси бўлиши керак. Дарсни тахлил этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак.

Дарс тахлилининг асосий таркибий қисмлари:

1. Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлиги.

Ўқитувчида дарснинг ўқув режасини борлиги, мавзу бўйича турли ишланмаларни борлиги**,** шу билан бир қаторда турли дидактик тарқатма материалларни, кўргазмали қуролларни тайёрланганлигини, дарсни тахлил килувчи томонидан ўқичувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки танишиб чиқилмайди, сабаби унинг дарсга бўлган тайёргарлиги бутун дарс давомида кузатилади ва тахлил этилади.

2. Дарсга мақсад ва вазифаларни қўйилиши. Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ максад қўядими? Мақсадни қанчалик тўғри қўяди?

* Ташкилий тахлили, яъни дарс ўтиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги аввало болалар кайфияти соғлиги ва синф хонаси, досканинг тозалиги,бўр ва намланган латтанинг борлиги, синф хонасининг тозалиги, мабодо айрим ўқувчилар бирон сабабга кўра дарсда қатнашмаётган

бўлса, уларнинг номи ёзилган варрақчанинг ўқитувчи столига қўйилиши кабилардан ташқари ўқитувчиниг дарсга хозирлиги, унинг ташқи қиёфасига ҳам эътибор берилади.

* Дидактик тахлили. Тахлилнинг бу турида мавзунинг илмий лиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўрсатмалилик ва берилаётган билим, яиги ахборотларнинг хаётийлиги, жонли ва равон тилда очиб берилиши.

5. Методик (услубий) тахлил. Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони назарда тутилади.

Биринчидан, қуйидаги дастур асосида мавзу неча соатга мўлжалланган бўлса уни қандай усул асосида ўқувчининг ёши ва индивидуал-психоиогак хусусиятини ҳисобга олганда еткзиб бера олиши, ўқувчиларни ўйлашга, изланишга мажбур этшии *ва* унга шароит яратиши.

Иккинчидан, ўзининг ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намоиш этиш.

Мана шу иккинчи қисмида ўқитувчининг ижодкорлиги, методик махорати кўзга ташланиши лозим. Илғор педагогик ва новаторлик тажрибалари мана шу ердан бошланади.

6. Методологик тахлилда. Ҳалк таълими йўналишидаги қарорлар,

талаблар, давлат тили, миллий руҳ, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соха бўйича буюк олимлар алломаларнинг қилган ишлари, фикрлари, ўзгаришлар асос қилиб олиниши мумкин.

■ Психологик тахлилга. Авволо ўқувчининг кайфияти, унинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, ўқувчининг хушёрлиги, диққатнинг барқарорлиги ва кўлами, фанга бўлган қизиқиши, дарс бераётган ўқитувчисига муносабати, ўқувчининг хозиржавоблиги, сезгир ва топқирлиги, идроки, янги ва авиалги материалларни эсда сақлаши, образли ва мантиқий тафаккури, ўқувчи фантазияси, олдида турган маъсулиятга нисбатан ўқувчининг иродали ёки иродасизлиги, ўқувчидаги қобилият, билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулодда вужудга келган вазиятдан чиқа олиши, ўзини бошқара олиши.

■ Педагогик таҳлил: Тахлилнинг бу тури анча мураккаб, маъсулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси синф билан тил топа олиши маҳорати, унинг маданияти, одобидан ташқари қандай қилиб дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўқувчига бера олиши ҳамда у ўқитувчининг нутқ маданияти назарда тутилади. Хозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия экологик, иқтисодий, ахлоқий, жинсий, мехнат, нафосат ҳамда миллий истиқлол ғоясини сингдириш, тарбия элементлари қандай амалга оширилади?

Бу тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда эътибор берилди?

Дарснинг тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди? Бу масалалар педагогик тахлилнинг асосини ташкил этади. Яна шуни айтиб

ўтиш керакки, ўқитувчининг маъноли нутқини хеч қачон бошқа нарсага қиёслаб ёки алмаштириб бўлмайди.

9. Ўқитувчининг хамкорликдаги вазифаси тахлили:

- **Ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш**
- **Аниқ фикр ва материалларни ўрганиб, мулоҳаза юритиш, фикр билдириш**
- **Ўқувчиларни изланишга, қидириб топишга ўргатиш**

10. Якуний тахлил ёки хулоса қисмида ўзининг мутахасис сифатидаги таклиф ва йўл – йўриқларини баён этилади

Дарсни кузатувчилар анъанавий, ноанъанавий ва ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ва мазмунига қараб дарсни таҳлил қилишларига қуйидаги қўшимча материал ёрдам беради.

Дарсни тахлил қилиш бўйича ёрдамчи материал

Анъанавий таълим Ривожлантирувчи таълим

Бошланғич (асосий) мақсад



Аниқ,сўзсиз бажарувчи шахсни тайёрлаш.

жавоб

инсонга,

ва

муноса-

Шахсни ривожлантириш стандарти талабига

берадиган, ўзига, бошқа

жамиятга, давлатга, табиатга

мехнатга ўзининг тугри

батини билдира оладиган,

муста-

қил фаолият юрита оладиган ижодкор, тадбиркор шахсни тайёрлаш, мустақил

ишлашга,

ўз-ўзини тарбиялашга

шароит

яратиш.

Курсатма



Дастур асосида ўрганиш — Фан сохасида берилаётган саволларга жавоб беришда ўзи мустақил жавоб топа олиши, ёдлаш эмас,фан мазмунини ўзи тушуниб етиши, керакли билимни қидириб топа олиши.

Таълимий (дидактик) мақсадлар



Билим,куникма,малакани шакллантириш — Дарс жараёнида ўқувчиларга ўз фикрларини мустақил баён этишга дан усталик билан фойдаланиш, уларни излашга, топишга ўргатиш

Методлар



Информацион, изланишли — Муаммоли, қисман
репродуктив, — ахборот-репродуктив,
актив,
репродуктив-муаммоли — интерактив

Дарс вақтида ўқувчилар фаолиятини



Ноанъанавий дарслар.

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш.

Шахс тарбиясини ташкил этиш ва унга таълим беришга оид адабиётларда ёзилишича, қадимданоқ субъект томонидан назарий ва амалий билимларнинг ўзлаштирилиш даражаси вақти-вақти билан аниқланиб, таҳлил этиб борилган. Бу таҳлитда шахс ва унинг фаолиятини назоратдан ўтказиш (чунончи, устанинг ўз шогирдига оқ йўл тилаши, диний фаолият ходимини мустақил иш олиб боришга йўллаш, тиббий, иқтисодий, ҳарбий билимларни ўрганган ёшларни синовдан ўтказиш ва ҳоказо ҳолатлар) қабила бошлиқлари, оқсоқоллар, шунингдек, жамоадошлари иштрокида амалга оширилган. Муайян лавозим ёки вазифаларга номзодларини танлаш дастлаб кишиларнинг жисмоний куч-қуввати, унинг ҳаётий тажрибасини инобатга олиш асосида ташкил этилган бўлса, кейинчалик бу ҳолат уларнинг ақлий салоҳияти, атрофдагилар билан муносабатни ўрната олиш лаёқати, етарли даражадаги ҳаётий тажрибаси ҳамда жисмоний камолотини аниқлаш асосида йўлга қўйилган.

Эрамиздан аввалги 206 йиллар-эрамизнинг 220 йилларида Хань сулоласининг ҳукмронлиги даврида Хитой ижтимоий-иқтисодий бошқаруви тизимидаги лавозимларга амалдорларни танлаш ҳам муайян талабларни ўзида акс эттирувчи махсус синов асосида амалга оширилган. Ушбу жараён имтиҳон (лат, ехатет-синов, ўрганиш, аниқлаш) деб номланган. Ўрта асрларда имтиҳонлар Европа мамлакатлари университетлари фаолияти жараёнига ҳам олиб кирилган ва бакалавр, магистрлик даражаларини белгилашда қўлланилган.

Мусулмон мамлакатлари тарихини ўрганиш шундан далолат беради, қадимги ва ўрта асрлар даврида мазкур ҳудудларда ҳам таълим-тарбия йўлга қўйилувчи соҳаларда ўқувчи (шогирд) лар фаолиятини ўрганиш синовлар ёрдамида ташкил этилган. Ушбу жараён етук мударрислар, бой тажрибага эга оқсоқоллар ҳамда мурраббийлар томонидан олиб борилган. Бу даврларда шогирднинг билим ва малака даражаси унинг назарий билимларга аниқ, равшан жавоб бера олиши, юксак тафаккурга эга эканлигини намойиш эта олиши, юксак тафаккурга

эга эканлигини намойиш эта олиши, шунингдек, амалий хатти-ҳаракатларни тез ва равон бажара олишига кўра, энг муҳими имтиҳон жараёнида иштрок этувчи субъектларнинг шахсий мулоҳазаларини умумлаштириш, сўнгги хулосани баён этиш асосида баҳоланган. Илм – фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим – тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиқди. Шу тариқа баҳолар тизими шаклланиб, унинг асосий вазифаси ўқувчининг билим ва фаолият даражаси кўрсаткичини ифодалашдан иборат этиб белгиланди баҳолар тизимимга кирувчи ҳар бир баҳо ўзида муайян меёр ва мезонни акс эттирар эди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмалари даражаларини қисқа вақт ичида холис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини яратишни тақазо этди. Ана шу заруратнингсамараси сифатида ўқувчиларнинг билим даражасинианиқловчи рейтинг тизимиишлаб чиқилди.

«Рейтинг» сўзи инглизча (rating) бўлиб, «даражалаш», «туркумга киритиш», «баҳолаш» каби маъноларни англатади. Ушбу тушунча XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Европа мамлакатларида истеъмолга киритилган бўлиб, у асосан ишлаб чиқариш товарлари, маҳсулотларнинг муҳим хусусиятларини ўрганиш, аниқлаш учун хизмат қилган. Кейинчалик муайян фаолият, соҳа ҳамда мутахассилик борасида хизмат қилувчи мутахассислар ёки тармоқнинг етакчилигини аниқлаш мақсадида рейтинг тизими ижтимоий соҳа йўналишлари (хусусан, спорт, санъат, тиббиёт, техника ва ниҳоят, таълим соҳалари) га ҳам тадбиқ этилган.

Маълумки, билимларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилгунича қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўқув жараёни фақат ўқитувчининг маҳоратига асосланган бўлиб, билим олишни ўқувчининг фаоллиги, ижодий меҳнати асосида ташкил этишга имкон бермас эди, берилаётган билимлар миқёси ошиб бораётган бўлса ҳам, ўқувчининг бу билимларни ўзлаштириш даражаси талаб доирасида эмас эди. Бу ҳол таълим жараёнига ўқувчиларни бир ҳил узлуксиз билим олишга ундайдиган, улар олган билимларни жаҳон талаблари даражасига етказиш имконини берадиган янги педагогик технологиялар ва таълим услубларини жорий қилишни тақозо этди. Шу мақсадда олий таълимдан сўнг, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг амалиётига ўтади, унинг низоми қабул қилинди.

Таълим тизимига рейтинг тизимини тадбиқ этишдан кўзланган мақсад – ўқувчиларнинг билими, уларнинг маълум фаолият борасидаги кўникма ва малакалари даражасини ҳар тамонлама, чуқур ва холис назорат қилиш, баҳолашдан иборат.

- расм. Таълим тизимига рейтинг назоратини жорий этиш натижасида ҳал этилувчи вазифалар





- ра

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида рейтинг назоратини қўллаш қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

1) тизимлилик, узлуксизлик;

2) холислик, қулайлик;

3) талабларнинг аниқлиги;

4) вақтнинг тежалиши;

5) ўқувчиларнинг ёш, физиологик ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;

6) мустақил фаолият юритиш имконининг мавжудлиги;

7) мақсад ва фаолият бирлиги;

8) ДТСи талаблари асосида фаолият юритиш;

9) таълим, тарбия ва шахс камолоти бирлиги;

10) таълим жараёнида демократик ва инсонпарвар тамойилларнинг мавжудлиги.

Ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари даражасини аниқловчи рейтинг тизими қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- назорат турлари (жорий, оралиқ ва якуний);

- вақт ҳажми

-баҳолаш шкаласи

-назорат турларин ташкил этиш шакллари

-рейтинг назоратини ташкил этишнинг умумий қоидаси

-назорат усуллари (оғзаки, кўрсатмали, педагогик тестлар).

Жорий назорат – кундалик назорат усули бўлиб, у ўқитувчи тамонидан ўқувчиларнинг назарий билимлари ҳамда Амалий фаолиятлари даражасини доимий равишда назорат этиш имконини беради. Жорий назоратни ташкил этишда ўқувчиларнинг мустақил равишда билимларини ўзлаштириш қобилияти, фаоллик даражаси, фикр ҳамда тафаккур юритиш кўлами инобатга олинади. Жорий назорат савол – жавоб, суҳбат, амалий машқларни бажариш (ёзма иш, лаборатория машғулотлари) тест шакллари воситаларида ташкил этилади.

Оралиқ назорат муайян ўқув фанининг маълум боб ёки бўлимлариюзасидан назарий ва амалий билимларнинг ўқувчилар тамонидан ўзлаштирилганлик даражасини таҳлил этиш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. Оралиқ назорат ҳам турли шакллар (оғзаки, ёзма равишда ёки тест асосида) ёрдамида ташкил этилади ва уни ташкил этиш хусусида ўқувчилар аввалдан (камида бир ҳафта олдин) огоҳлантириладилар. Оралиқ назорат ўзлаштирилган назарий ҳамда амалий билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратади. Мазкур назоратни ташкил этиш чоғида ўқувчиларнинг ижодий ишлари, уларнинг мазмунини инобатга олиш муҳимддир. Бу эса уларда мустақил равишда ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини шакллантиради. Оралиқ назорат юзасидан тўпланадиган баллар кўрсаткичи ўқувчининг турли танлов, мусобақа ҳамда фан олимпиадаларидаги муваффақиятли иштироки ҳисобига ҳам ортиб боради.

Якуний назорат муайян фан (ёки курс), узлуксиз таълим босқичлари (бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб – ҳунар таълими, олий таълим) юзасидан синовлари (давлат аттестацияси) ни ташкил этиш мақсадида ўтказилади. Якуний назорат чораклик, йиллик ва битирувчиларнинг давлат аттестацияси каби турларга бўлинади. Якуний назорат ҳам таълим муассасасининг ички имкониятлари, таълим турининг хусусиятлари, ўқувчи ҳамда ўқитувчиларнинг ижодий ёндошуви асосида оғзаки, ёзма ва тест назорати шаклларида ўтказилади.

Оралиқ назорат ўтказиш жараёнида олдинги ёзма ва тест шаклдаги назорат ишлари таълим муассасаларининг ўқув бўлимида жорий ўқув йили давомида, якуний назорат ишлари эса 3-5 йил давомида сақланади.

Муайян фан (ёки курс) юзасидан рейтинг тизими кўрсаткичларининг умумий миқдори анна шу Фан (ёки курс) бўйича ўқувчиларга назарий ҳамда Амалий билимларни бериш учун белгиланган саотлар миқдорига пропорционал (мутаносиб) бўлиши лозим.

Муайян ўқув фани (ёки курс) бўйича тўпланадиган максимал балл ЖН, ОН, ЯН учун қўйилган баллар йиғиндиси миқдорига кўра ҳосил қилинади. Яъни:

Rжн Қ Rон Қ Rян Қ Rmax

Ўқувчиларнинг билим, малака, кўникмалари қуйидаги уч даражада белгиланади (умумий кўрсаткичга нисбатан):

1) қуйи даража – 56,0- 70,9 фоиз;
2) ўрта даража – 71, 0 – 85,9 фоиз;
3) юқори даража – 86,0 – 100 фоиз;

Ҳар уч даража бўйича белгиланувчи баллар якуний рейтинг кўрсаткичларининг 100 фоизига нисбатан белгиланади.

Рейтинг баллари – ўқувчиларнинг билимлари даражаси ҳамда фаолиятлари мазмуни (кўникма ва малака даражаси) нинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Рейтинг тизимини таълим жараёнига тадбиқ этишнинг афзалликлари нимадан иборат? Бизнинг назаримизда, рейтинг тизимини таълим жараёнига тадбиқ этишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Рейтинг назорати ўқувчи имкониятларининг тўлақонли намоён бўлишини таъминлайди.
2. Рейтинг назорати ўқувчини бир маромда, узлуксиз ишлашига йўллаб туради.
3. Рейтинг назорати ўқувчиларда таълим олиш борасидаги кўникма ва малакаларни шакллантиради.
4. Рейтинг назорати ўқувчиларда мустақил, эркин фикрлаш, тафаккур юритиш қобилиятини тарбиялайди.
5. Рейтинг назорати ўқувчиларни мавжуд шарт – шароит, омилларини аввалдан ҳисобга олиш, улардан унумли фойдаланиб иш юритишга ўргатади.
6. Рейтинг назорати ўқувчиларни вақтни тўғри тақсимлаш ҳамда ҳар бир вақт оралиғида самарали, унумли, сифатли фаолият юритишга ўргатади.
7. Рейтинг назорати ўқувчилар фаолиятини нохолис баҳолашнинг олдини олади.
8. Рейтинг назорати ўқувчиларга ўз – ўзини англаш, ўз – ўзини баҳолаш, шунингдек, уларнинг келгуси касбий фаолиятлари йўналишини белгилаш имкониятини беради.

Рейтинг назорати Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида қўлланилаётган янги усул бўлиб, айни вақтда ҳам ундан самарали фойдаланиш борасида етарли даражада тажриба тўпланмаган. Шу боис умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари рейтинг назоратини амалга ошириш жараёнида муаммоларга дуч келмоқдалар. Хусусан;

1) ўқитувчиларнинг аксарияти рейтинг назоратини таълим жараёнида самарали қўллаш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга эмаслар;

2) маҳаллий шарт – шароитларни инобатга олиш асосида рейтинг назоратларини амалга ошириш методикаси ишлаб чиқарилмаган, унинг мазмуни асосланмаган;

3) таълим муассасалари фаолиятида рейтинг тизимидан фойдаланиш эволюцион тарзда марказлашган компъютер бошқарувига асосланишини таъминлаш эҳтиёжи қондирилмаган;

4) таълим муассасаларида рейтинг тизимидан фойдаланишнинг расмиятчилик юзасидан йўлга қўйилишининг олдини олмаган ва бошқалар.

Ўқув жараёнда талабалар мустақил ишини ташкил қилиш.

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакиллари маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лабаратория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилинади. Уларни ташкил етиш мавзулар мураккаблиги даражасига,

бериладиган ахборот миқторига кўра аввалдан режалаштиради, ўқув саотлари ажратилинади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш практикаси аудиториядан ташқариида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар ажратилинади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабларини дунё қарашини шакиллантиришда аудиторияда ўтилаган дарслардан ташқарии талабалар томонидан бажарилган мустақил ишлар катта рўл ўйнайди. Айниқса ҳозирги ахборот асриа борган сари, бир томондан ахборот миқдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан, ахборот олиш манбалари рангбаранглашиб боради. Уларнинг ахамияти янада ортиб боради. Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув режасида кўзда тутилган бўлиб, уни ҳар бир талаба бажариши шарт бўлса, иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз ҳоҳиши билан бажаришлари мумкин.

Биринчи гуруҳга адабиётларни конспект қилиш, семинар дарсларига тайёрланиш, курс иши ёзиш ва бошқа шунга ўхшашлар киритилса, иккинчи гуруҳга эса, реферат ёзиш, илмий доклад ёзиш, илмий тўгаракларга қатнашиш кабиларни ўз ичига олади. Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага диққат қаратиш керак:

А) мустақил иш ўқишнинг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури.

В) мустақил иш бажариш ката ахамиятга эга. Келажакда унинг ахамияти яна ҳам ортиб боради. Сабаби у талабанинг келажакда малакали мутахассис сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади. айниқса интернетнинг кириб келиши Билан унинг доираси янада кенгаяди.

Мустақил ишни ташкил этишнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уни талабанинг ўзи мустақил равишда ташкил қилади. Шунинг учун талабага уни режалаштириш вақтини рационал тақсимлашга ёрдам бериш лозим.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан яна бири уни бажариш учун талаба ўзини – ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишини ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб умумий принциплари мавжуд. Мустақил ишни улар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда энг аввало, оддий нарсага ахамият бериш лозим. Бундай қараганда уни ҳамма билади, лекин кўпчилик унга амал қилмайди. Шунинг учун мустақил ишни ташкил етишни оддий елементар принципларин ўзлаштириш биринчи даражали ахамиятга эга ва анна шу мураккаб жараённи тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба ўзининг мустақил ишини ташкил этишини нимадан бошлаши керак? Қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай услублардан фойдаланилади, аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу

ишни ташкил этилди дегани эмас. Ўз мустақил ишини қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Мувафаққиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр – тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ўқув жараёнида қатъий изчиллик ва кетма – кетлик мавжуд. Аудиторияда семинар, амалий машғулот лабороторияда олган билимини пухта билиши учун доимо уларга тайёрланиши керак. Бугунги маърузани яхши тушуниши ва ўзлаштириш учун, аввалги мавзу устида ишлаш керак. Масалани назарий жихатдан чуқур ўзлаштирмай туриб масала ечиш, амалда уни қандай намоён бўлишини тушуниш қийин. Ҳар қандай предметни уни мунтазам равишда ўрганилса ўзлаштириш мумкин. Яхши ўқиш, мустақил ижодкор мутахассис бўлиш учун талаба ҳар куни мунтазам ўз устида ишлаши керак.

Ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишларни қандай, қай тартибда бажаришни ҳар қандай меҳнатни, вақтни режалаштиргандай режалаштириш керак.

Ҳар бир талаба индивидуал тарзда умумий вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Фанлар бўйича ажратилган вақт талабани дарсга тайёрланиши, ўқув режаси бўйича фанни мувафаққиятли ўзлаштиришга етарли бўлишини кўзда тутади. Ундан келиб чиқиб, ҳар бир талаба ўз хафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага хеч нарса бермаётгандай, хеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга харкат қиладилар.

Ўзлаштириш бўйича хатто бутун факультет муваффақиятни ҳам кўп жихатдан талабаларни ўз вақтларини тўғри режалаштириш, уни бажариш билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жихатдан хохлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17 – 25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Хаттан ташқарии узоқ ўтирадиган бўлса меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, хафталик мустақил иш бажариш вақти 22 – 24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат – эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолада белгиланади. Лекин реал хаётда турлича бўлиши мумкин. Бир талаба ўзини зўрлаб дарс

тайёрласа, иккинчиси қизиқиб вақтини қандай ўтканини хам унутиб, предметни ўрганишга илхом билан ижодий ёндошиб киришиб кетади. Учинчиси эса умуман дарс тайёрлагиси келмайди. Унга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

3. Мустақил ишни ташкил қилишнинг иш тартибини белгилаш ката ахамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, рационал ташкил қилишнинг муҳим принципм, қоидаси ҳисобланади. Гох умуман дарс тайёрламай, гох хаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига яқин семестр давомида қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиши ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигин, қилган ишидан қониқиш хисини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди, лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан: доклад, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланиш ҳар хафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса кутилган натижа бермайди.

Реферат ёки доклад ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиш керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, доклад нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклигини тушунтириш зарур.

Адабиётларни танлашда талабаларга фан юзасидан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Ундан ташқарии хозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг шу рўйхатидан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхоналардан, ўқув залида бўлса олиб ўқиш мумкин.

Реферат, курс иши, доклад, битирув малакавий ишини бирданига ёзиб бўлмайди. Матнни тайёрлаш учун аввало, адабиётларни ўқиб чиқиш, гўё ўйлаш, режа тузиш, сўнгра уни қоғозга тушуришни бошлаш керак. Бу кўп босқичли жараён. Талабалар анна шу босқичларни ўтиши натижасида ўз фикри, ғоясини ифодалашни ўрганади. Матн эса уларнингт фикри, хулосасини ифодаловчи воситага айланади.

Матн тайёрлашни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- Тайёргарлик кўриш.
- Дастлабки чизгилар.
- Хомаки вариантни ёзиш.
- Камчиликларни тўғрилаш ва матнни кўчириш.
- Тахрир қилиш.
- Матнни охирги вариантини тайёрлаш.

Ўзбекистонда халк таълими тизими. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари

Республикамизнинг истиқлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгиланиш даври бошланди.

Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий–илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир. Бундай янгича ёндашиш албатта педагогика фанини кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи эмас, комил инсонни шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига ола бошлади. Эндиликда педагогика фани ўз олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифаларини қўйди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси қабул қилинди ва унда кейинги ривожланишларнинг барча йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Кўп йиллар давомида педагогика сиёсатга хизмат қилиб келган ва маълум чегараланишларга амал қилишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда у сиёсатдан ҳоли бўлган ҳолда эркин фан сифатида ўз ривожланишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Ўзбек педагогикаси ўз миллий хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Она тили, Ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, шахслар ота-боболар ўтмишидан бехабар ўқитилар эди. Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси ижодий ва миллий йўналишда эътиборли ўзгаришлар касб этди. Бой миллий маданий мерос ва анъаналар эътибордан четда қолган илғор пелагогик фикрлар Ўзбек педагогикаси ўз ўрнини топди ҳамда ўз вазифасини бажара бошлади. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, материаллардан кенг фойдаланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 29 август қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кучга кирди. “Таълим тўғрисида”ги қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 йиллар) фарқли улароқ, халқ таълими тизимини тузилишининг қуйидаги **янги тамойиллардан** жорий этилди:

-таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;

-таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

-давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъий назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;

-давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

-таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;

-таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;

-таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;

-таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;

-таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;

-амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги;

-билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

-тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;

-педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва бошқалар.

Таълимни қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

-умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш ва такомиллаштириш;

-таълим самарадорлигини тинмай ошириш, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;

-вариатив ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;

-билимдонлик ва истеъдодни қўллаб-қувватлаш;

-илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;

-таълим-тарбияда бош ислоҳотчи бўлган педагог, тарбиячиларпнинг янги авлодни тайёрлашга киришиш;

-таълим муассасаларининг моддий-техника асосини мутаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;

-таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

-ислоҳ ғояларини иложи борича вилоят, туман, ўқув муассасаси педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш:

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилишига боғлиқ.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйида гилардан иборат:

-таълимнинг устуворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи:

-таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

-таълимнинг инсонпарварлиги - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъмин[38]ланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- **таълимнинг ижтимоийлашуви** - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш ;

- **таълимнинг миллий йўналтирилганлиги** - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ûзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

-таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

-иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-таълим тизимининг кадрлар салоòиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, педагог, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

-давлат ва нодавлат таълим муасассаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

-таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта куриш, таълим, фан, техника ва технологияларнинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

-мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

-махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

-илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув

---

[38] Саидазимова Д. “Булажак тарбиячиларнинг педагогик махоратларини ошириш услублари” Битирув малакавий иши. 2004 йил. 44-бет.

тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-миллий мустақиллик тамойилларини ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва аҳлоқий фазилатларини ривожлантириш;

-таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

-таълим олишда, шунингдек талабаларни маънавий аҳлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

-таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

-таълим тизимини молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

-узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

-туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

-таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хослиги мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таъминлайди.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълими, бошланғич касб кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Таълим ҳақидаги давлат сиёсатининг асосий моҳияти таянч таълимининг (тўққиз йиллик) мажбурийлигидир.

Ўрта махсус таълим (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) уч йиллик.

Олий таълим:

Биринчи босқич - бакалавриат;

Иккинчи босқич - магистратура.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим: Аспирантура, доктарантура, тадқиқотчи кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоғи.

Таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, у бошланғич ва таянч ўқув муассасасиларда 1995-1996 ўқув йилларгача, сўнгра олийгоҳлар учун стандартлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2.«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касбкор маданиятига, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мулжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва акредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларни ташкил этишни тақозо этди.

Янги типдаги ўқув муассасасилар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда 238 та лицей ва 136 та гимназия ишлаб турибди. “Иқтисодий таълим”, “Ривожланишида нуқсони бўлган шахсларни тиклаш” ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим ўқув муассасасиларида 435 мингдан ортиқ педагог ишламокда, уларнинг 73% олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган холда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан, 209 та касб-ҳунар ўқув муассасаси, 180 та касб-ҳунар лицейи ва 53 та бизнес-мактаблари ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида карийиб 20 минг педагог ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 та ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийиб 16 минг педагог ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий ўқув муассасаси тизими 58 та олий ўқув юртини, шу жумладан 16 та университет ва 42 та институтни ўз ичига олади. Уларда 164 минг талаба таълим олмоқда. 16 та университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий таълимни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими янги моделининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти унга аосий таркибий қисмлар сифатида қуйидаги компонентлар киртилганлигидадир:

шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълимга оид хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг яратувчиси;

узлуксиз таълим-кадрлар тайёрлашнинг пойдевори асоси;

фан-юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва уларнинг истеъмолчиси;

ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболини белгилашни, уларнинг тайёргарлик даражаси сифатини баҳолашни, шунингдек кадрлар тайёрлаш тизимини қисман молиявий ва моддий-техникавий таъминлашни амалга оширувчи асосий буюртмачи;

давлат ва жамият - кадрларнинг тайёргарлиги сифатини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширувчи, кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг бош кафиллари.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури умумий маданияти шакллантириш, жамиятдаги ҳаётга мослаштириш, касбкорга ва таълимга оид дастурларни онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик рўёбга чиқариш учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, оила, жамият, давлат олдидаги ўз масъулиятини англовчи баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогга қуйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ аосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. таълим бериш маҳорати;
2. тарбиялай олиш маҳорати;
3. ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари;
4. таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Умумлаштирилган модель доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «қиёфа»сини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омиллардан бири бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор

иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни ҳисобланади. Бу биринчи навбатда бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология (атроф-муҳит) компьютер техникаси ва илмбардош технологиялар, устивор бўлган ва ҳалқ хўжалигининг ривожланган тармоқларига, таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Янги кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими биринчи навбатда ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экологик маданияти, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага эга бўлган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрларни тайёрланиши билан боғликдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаб ўтганларидек: ***«Агар ўқитувчилар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устларида ишламасалар, агар чет элларга бориб ўз мутахассисларини ва ундаги янгиликларни ўрганмасалар, чет эллик коллегалари билан тажрибалар алмаштирмасалар, акс ҳолда бу нарса ўқув жараёнига ва унинг самарадорлигига салбий таъсир қилади»*** деб башорат қилган эдилар.

Олиб борилган кузатишлар ва АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа саноати ва интеллектуал билимлари ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш қуйидагиларга боғлиқ бўлар экан:

- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлигига;
- Таълим корхоналари ва профессионал таълим дастурлари турларининг (типларининг) хилма-хиллиги; уларнинг фан ва техниканинг энг охирги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланган ҳолда;
- Профессионал таълим тизимини устивор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоқни тармоққа айлантириш;
- Таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник асосини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш;
- Профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб этдириш;
- Ўқув жараёнини информатизациялаштириш ва компьютерлаш;
- Кадрларни тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини қўллаш;
- Шахснинг ривожланиши, ўлчови, сифат ва хулқини, қобилият интеллектини баҳолаш, ҳамда касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажариш;
- Ўқитувчиларни юқори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаб туриш.

Бу ҳолатларнинг барчаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ўрнини топган.

Ҳозирги мутахассис ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидоий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислиги, яъни иқтисодчиликдан ташқари, хорижий иқтисодчиликдан ташқари, хорижий тиллардан бирини ҳамда компьютер техникадан фойдалана олиши шарт.

Ҳозирги педагог юқори маданиятли, халқимиз тарихини чуқур биладиган ва унинг келажаги учун жон қайғурадиган инсонпарвар ва олийжаноб киши бўлиши керак.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

-Республиканинг демократик ҳуқукий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

-мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишдаги рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгаяёттганлиги;

-давлат ижтимоий сиёсатида шахс маданияти ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;

-миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

-Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрўсининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши ҳам кўзда тутилган:

-Биринчи босқич-(1997-2001 йиллар)-мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий жиҳатдан, илмий-услубий, моддий шарт шароитлар яратиш.

-Иккинчи босқич-(2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

-Учинчи босқич-(2005 ва ундан кейинги йиллар)-тўпланган тажриба таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Ўтказиладиган ислоҳотлар, самарали тажрибалар республикада таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш давр талаби эканлиги, бу ишни кечиктирмай амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Таълим стандартлари воситасида талабадаги маълумот даражаси мувозанати сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиёти

истиқболлари мувофиқлиги таъминланади. Давлат таълим стандартлари ўқув жараёнини қатъий чегараланган қолипга солиб қўймайди, балки аксинча педагогик ижодкорликка, таълим мазмунининг ягона негизи атрофида турли-туман табақалаштирилган дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятларига катта йўл очади.

Давлатимиз раҳбари узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши ҳамда у юксак маънавият заминида қурилишига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлар экан, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиш нақадар муҳимлигига эътиборни қаратади.

Стандарт - таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир. Стандартни ишлаб чиқишда талабани хаддан ташқари зериктириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у талаба ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Бунда албатта, таълим олувчини қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим.

Давлат ва жамият таълим муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериш табиийдир. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ёҳуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдоридаги илмий асосларда малака ёҳуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдоридаги илмий асосларда берилган расмий педагогик ҳужжат-давлат таълим стандарти ҳисобланади. Демак давлат таълим стандартлари назорат воситаси, айни вақтда таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир. Давлат таълим стандартларининг кўрсаткичлари амалдаги мавжуд таълим мазмунидан эмас, балки шакллантирилаётган талабага сингдирилиши лозим бўлган сифатларнинг жаҳон бўйича зарур деб ҳисобланган миқдоридан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

9. Талабаларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумларини белгилаш.

10.Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талаблар мажмуасини белгилаш, билим, кўникма ва малакаларнинг минимал миқдорини белгилаш.

1999 йил 16 август Вазирлар Маҳкамаси ўзининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисдиа”ги 390-сонли қарори билан синовдан ўтказилган ва такомиллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлади. Мазкур стандартлар асосида яратилган ва тажриба синов асосида такомиллаштирилган янги ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг 1999 йил 18 августдаги 13-сонли қарори билан тасдиқланди. Давлат таълим

стандартлари янги ўқув дастурлари билан биргаликда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим ўқув муассасасиларида босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Бугун ҳар бир фикрловчи инсон янги асрда ўзи, яқинлари, касбдошлари, тенгдошларининг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти қандай бўлишини ўйлаши табиий.

Ўтган асрнинг аҳамияти, қадр-қиммати, тарихийлиги яна шундаки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Мустақил давлат ўзининг асосий қонуни – Конститутцияси билан кафолатланган бир қанча муҳим тарихий хужжатларига эга бўлдики, улар орасида Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади. Ундаги ғоялар, аввало, XXI асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаххамловчи инсонларнинг манфаатини ифодалайди. Дастурда эътироф этилган кадрлдар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида шу нарса алоҳида белгиланадики, таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш таълим – тарбия дастурларининг интелектуаллашувини таъминлайди. Ўтган асрни сарҳисоб қилиб, янги юз йиллик ва минг йилликнинг қандай бўлишини тасаввур этарканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида янги таълим дастурларида назарда тутилаётган замонавий ахборот технологиялари, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишини назарда тутмоқдамиз. Зеро, миллий дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий ишларда эътироф этилганидек, «Таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш» малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезонларидандир. Демак, янги аср-информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро, иқтисодий корпорация – жаҳон миқёсидаги, ақл-заковатнинг бирлашуви асри бўлади.

Хўш, ахборот технологиялари нимаю, уларнинг инсон идроки, тафаккури ва онгига сингдиришда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникацияси технологиялар ҳамда масофали таълимни ривожлантиришга таъсир қандай бўлишини тасаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда «таълимнинг компьютер технология»лари ибораси «ахборот технология»лари ибораси «ахборот технологиялари» ибораси билан алмаштирилиб юборилади. Бу ўринда асосан анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармоқларига уланган,

дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу холат сўнгги йилларда жамият хаётида компьютерларнинг аҳамияти ортиб бориши, халқ хўжалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эхтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак? Мавжуд холат, ахборотлар оқимининг негизлашуви инсон хотирасига ортиқча юк, шахснинг тафаккури ва фикр юритиши жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайдими? Онгга етиб келаётган ахборотлар орқали шахснинг мавжуд маданий-маърифий мухитдаги мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларини ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда биз ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишни хохлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекомуникация воситаларининг қўлланилиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришни бахолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта - қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда кузатиладиган иймониш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди.

Учинчидан, ҳар бир профессор ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушинтириш услуби дидактик услуби мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситаларидан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни ўзатиш технологиялари, билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диограммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни ҳам маблағни тежайдики, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон бўлади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир ҳил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Ниҳоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан чучиш хиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг ё бу нарсага сарфланган маблағлари бехуда кетмаслиги эхтимолдан ҳоли эмас.

Агар бу ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Маълумки педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айни шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, таълим иқтисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар хақида тез-тез гапирилмоқда.

Адабиётларда “Янги тартиб қоида”, “Янгилик”, “Инновация” тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илғор янгиликни, бу тушинчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги бўлган ғоя фаолият ёки моддий объектни англатади. “Янги тартиб қоида”, “Инновацион жараён” атамалари айнан ўхшаш бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошлангандан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълим ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма-ён келмоқда. Янгилик – бу техник, технологик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўлланишга хосдир.

Француз олими Э.Брансуик педагогик инновацияларнинг уч турини ажратади:

1. Янгиликлар – тўла янги ва илгари номаълум бўлган таълимий ғоялар ҳамда ишлар бўлиб, унда бутунлай янги ва оригинал ғоялар жуда камдир.

2.Янгиликларни энг кўп миқдори мослаштирилган кенгайтирилган ҳамда қайта ишланган ғоялар, ишлар бўлиб, улар маълум муҳит ва вақт ичида долзарб бўлади.

3. Педагогик янгиликлар ушбу ҳолатда юзага келади: мақсадлар ўзгарган шароитларда такрорий қўйилиши муносабати билан баъзи илгари мавжуд бўлган ишлар қайта янгиланади. Бу уларнинг ва маълум ижобий ғояларнинг мувоффақиятли бўлишига кафолат беради.

Таълим ижтимоий тизимининг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида турган

вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуйидаги асосий янгиликлар хосдир.

молиялаштириш ва бошқариш соҳаларидаги ўзгаришлар;

таълим тизими тузилишидаги ўзгаришлар;

таълим технологиясидаги ўзгаришлар.

Шундай қилиб, янги техник воситалар янги технологиялар таълимда янги тартиб қоидаларга киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бироқ уларни қандай қилиб тадбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиш аслида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун махсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вақт сарфлаш лозим, яъни таълимда инновацион жараёнларига тадбиқ этилиш билан, ўқитувчининг роли пасаяди эмас, балки ўқув-тарбия жараёниниг бурчак босқичларида яна ҳам ортади. Бу эса педагогикадан ўз илмини янгидан, танқидий таҳлил этишини талаб этади. Чунки янги тартиб қоидалардан фойдаландими ёки ахборот манбаи сифатида келиб кетадими, бу нарса айни ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўқув технологиясининг бевосита тартиб қоидаларга жиддий тайёрланган, йўл-йўриқ олган, мосланган, рухланган бўлиши лозим.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик одобнинг намоён бўлиши, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, қуйилмаган, саволларни қўйиш ўқув, ўқувчи-талабаларни савол беришга жалб қилиш ўқув ва х.к. орқали амалга оширилиши мумкин.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларини ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчи иқтидорли ҳисобланади. Педагогик ижодиёт ўз мохиятига кўра одамнинг янги билимлари хосил қилиш ва такомиллаштириш бўйича ижодий ишининг касбий-махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижалари янгиликнинг асосий намоён бўлиши шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларни ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усулларини методик ва назарий ишлаб чиқиш, иҳтиро этиш, такомиллаштириш якунлари ва улардан самарали фойдаланиш усуллардан иборат бўлади.

Республикамиз мустаҳкамликка эришиш билан бой тарихий маданий меросимиз кенг кўламда ўрганилса бошланди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: Жамиятимиздаги янгиланиш ва иснoқлар туфайли дунё цивилизациясига муносиб хисса буюк аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган инсоний маънавий юксак ахлоқий маданият, чиройли миллат анъаналаримиздан фойдаланиш имконияти очилди.

Янги таълим тизими мазмунига ўтмишнинг қимматбаҳо маънавий қадриятларни киритиш ва унутилаёзган ёки тақиқланган баъзи бирларини қайта тиклашдан мақсад, ўтмиш олдида эгилиш эмас, балки унга таяниб,

ижодий фойдаланган ҳолда унга таяниб ижодий фойдаланган ҳолда ривожланишнинг янги поғонасига чиқиш демакдир.

Бугун биз янги кўринишдаги касб-ҳунар таълим тизимини ишлаб чиқишда Туркистон цивилизациясининг энг кўп гуллаб-яшнаган давридаги, яъни VII-XII асрлардаги меҳнат ва касб таълим тажрибаларига таянмоғимиз лозим: Ўша давр маданияти ва фанининг асосини таълим ташкил этиб, ривожланишнинг энг юқори чўққиларига эришиб, файласуф ва педагоглар ғоялари аниқ концептуал шакл эгаллаган эди. Ҳозирги замон атамаси билан айтганда, таълим ва тарбия илм – бу узлуксиз равишда маънавий, жисмоний ва ақлий салоҳиятини ривожлантириш жараёнидир. Бу давр файласуфлари инсоннинг маънавий, жисмоний ва ақлий хусусиятларини якка мужассамликда, деб белгиланган. Бундай фалсафий педагогик концепция таълим жараёни шахснинг маънавий ахлоқий хусусиятларининг бошланғич тизимининг ҳосил қилувчи омил деб эътироф этилади. Бу концепциялар мазмуни фақатгина файласуфлар ишларида эмас балки ҳунармандлар рисолаларида ҳам ўз аксини топган.

Рисола – бу ҳунармандлар ва уларнинг ўқувчилар учун мўлжалланган қўлланма бўлиб, урф-одат, расм-русум турли удумлар мажмуасидир, рисолалар кичик ҳажмдаги китобча шаклида бўлиб, уларнинг мазмуни ушбу соҳа ҳунармандчилиги бўйича машғулотлар ва баъзи бир панду насиҳатларни ўзида мужассамлаштирган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, деярли барча рисолалар бир хил қолипда тузилган бўлиб, одатда китобчанинг бошларида бутун олам эгаси бўлган Аллоҳ пайғамбарлар ва унинг барча чориёрларини кўкларга кўтариб мақташ, сўнг ушбу ҳунармандчиликнинг Аллоҳ неъмати эканлиги кейин ҳунарманд иши бошланадиган ва ҳар бир хатти-ҳаракати ёки лозим бўлган қуръон оятлари ёки жараёндан олдин айтиш лозим бўлган қуръон оятлари ёки бошқа дуолар, уста ҳунармандларнинг маънавий – ахлоқий сифатлари ёритилади.

Биз рисолаларни тадқиқ этиш натижасида, улар ўрта аср ҳунармандлигида ўзига хос педагогик қўлланма сифатида хизмат қилганлигига, рисолаларда замонавий тил билан айтганда ҳунарманд касбий фаолиятнинг мазмунини кўрамиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Чунки давлатнинг асосини маънавий ташкил этади: маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон келажагининг пойдеворидир» номли маърузасида таъкидлаганидек «Бизнинг мамлакатимизда ўзимизнинг маънавий қадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш, ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда» Миллий педагогика тажрибаларига мурожаат қилиш эса, бундай мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан биридир.

Ёшларни мустақил билим олишга ўргатиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида: “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон хамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиш мумкин”[7] , деган эди. Шу ўринда таъкидламоқ лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Маънавий интеллектуал шаклларини сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараёнга самарали ўзгартиришлар киритади. Ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларни рағбатлантириш тизими, тарбия мазмуни, усуллари ва ташкилий шаклларини яхшилашга мос кузатишлар киритиш лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Қисқача хулоса

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалининг мазмунини баён қилиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури-дарс типи деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс типлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.

3. Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш дарси.

4. Такрорий умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

Аралаш дарс типи.

Дарсларни ташкил этиш шакллари қуйидагилардан иборат:

2. Синф-дарс шаклидаги машғулотлар.

3. Семинар ва амлий тажриба шаклида олиб борилаётган машғулотлар.

1) Амалий ва тажриба ишлар шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. Методлар ҳар қандай ахборотни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги синфларга ажратилади:

[7] Хал= сызи газетаси 1998 йил 25 январ сони 1,2-батлар

Сўз орқали ифодаланувчи методлар.

Кўргазмали методлар.

Амалий методлар.

Таълим жараёнида таълим воситаларидан фойдаланилади. Таълим воситалари – таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган методларни муваффақиятли чиқишида ишлатиладиган ўқув асбобларидир.

Демак ўқув жараёнини ташкил этишда даврнинг шакли, мавзу характеридан келиб чиққан ҳолда энг қулай ўқитиш методи ва зарур бўлган таълим воситалари танлаб олинади. Шакл, метод ва воситаларни тўғри танланиши дарснинг юқори савияда борилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари

1.Қандай дарс типларини биласиз?

2.Дарснинг қандай шаклларини биласиз?

3.Ўқитиш методларига изоҳ беринг.

4.Дарснинг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?

5.Дастурлаштирилган таълимга изоҳ беринг.

6.Таълим тамойилларининг бир-бирига богликлигини тушунтиринг.

7.Таълим тамойилларини изохланг.

8.Муаммоли вазиятларни бартараф этиш услубларини тушунтириб беринг.

9.Билим олиш даражаларини изоҳланг.

10.Дидактика хақида нимани биласиз?

VI БОБ. Педагогик технологиялар

Педагогик технологияларнинг мақсади ва мақсади

Педагогика фанининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи методика ўқитиш усуллари ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш каби масалалар билан шуғулланар экан , у уч йўналишда иш олиб боради.

1. Ҳозирги давр талаблари, жамиятнинг ривожланиш босқичи ва давлатнинг ўз олдига қўйган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим максадини белгилашдир.Таълим максадларини белгилашда ёшларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиш даражаси ,моддий техника базасининг имкониятлари , ўқитувчи кадрларни малакавий тайёргарлик даражаси, фан-техниканинг ривожланганлик даражаси кабиларни ҳисобга олинади. Ана шу омилларни ўрганиб мавжуд ҳолатга баҳо берилади ва улардан келиб чиққан ҳолда таълим мақсадлари белгиланади.

2. Ўқитиш зарур бўлган билимларнинг хажмини белгилаш жараёнида биринчи галда белгиланган мақсадларга асосланган ҳолда қандай натижага эришмоқчимиз ва қандай билмлар зарур бўлиб ҳисобланади, янги

билимларнинг қайсиларини ўрганиш лозим?– деган саволларга жавоб топиш лозим. Билимлар ҳажмини белгилашда ёшларнинг жисмоний ва руҳий–маънавий ривожланиш даражаларини ҳисобга олиш, мия рефлексларини ишлаш имкониятларини хисобга олиш зарур.

Демак :

1.Максад омили

2.Фан –техниканинг ривожланиш даражаси

3.Инсон имкониятларини хисобга олиш.

Таълимнинг максади ва ўрганиш лозим бўлган билимлар хажмини аниқлаб олингач ана шу билимларни қандай йўллар ва усуллардан фойдаланган ҳолда эгаллаш масаласи майдонга чиқади. Белгилаб олинган билимларни кам куч ва кам вақт сарфлаб осонлик билан эгаллаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Методика фани мана шу вазифани бажаришга бел боғлайди. Аммо бугунги кунда методика фани умумий йўналишларни кўрсатишга хусусий хулосалар чиқаришга педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган бўлиб, ўз вазифасини тўла қонли равишда бажара олмаяпди. Шунинг учун методика бугунги кунда янги педагогик технологиялар билан бойитилиши талаб этилмоқда. Педагогик технологиялар методикадаги умумийликни аниқлик билан тўлдиришга қаратилган. Янги педагогик технологиялар ўқув жараёнини натижасини кафолатлаш юқори самарадорликка эришиш кам вақт сарфлаб катта хажмдаги билимларни эгаллаш имконини туғдиради.

Таълим тизимида таълим жараёни ташкил этиш тарихига назар ташласак таълимнинг ривожланш тенденциясини кўриш мумкин:

1. Хотира мактаби (диний мактаблар).

2.Репродуктив таълим.

3.Фикрлашга ўргатувчи муаммоли таълим.

4. Педагогик технологиялар

Демак таълим тизими ўзгарувчан тизим бўлиб доимий ривожланишда экан Бугунги кунда биз анъанвий талим репродуктив тизимдан педагогик технологиялар тизимига ўтишни мақсад қилиб қўйдик.

Педагогика фанида мавжуд бўлган анъанавий таълим қуйидаги характерли хусусиятларни ўз ичига олади:

1.Таълим мақсадлари аниқ белгиланмаган.(талабаларнинг билим, малака ва кўникмалари қўйиладиган талаблар дастурларда аниқ кўрсатилмаган).

2.Таълим жараёни илғор педагогларни тажрибаларини умулаштиришга асосланган.(Хар бир яхшироқ натижага эришган ўқитувчининг тажрибаси умулаштиришга ҳаракат қилинади.)

3.Таълим жараёни тажриба ва ҳатоларни ўрганиш натижасида ўқитувчининг хусусий хулоса чиқаришига асосланади.

4.Бу тизим асамарали натижага кафолат бермайди.

Анъанавий таълим шаклининг ижобий ва салбий томонлари.

Ижобий томонлари	Салбий томонлари

1.Системалилик характерга эга	1.бир хилликнинг устунлиги
2.Тартибга солинган ,мантиқий боғланишнинг мавжудлиги	2.Дарс вақтини тежамлм тақсимланганлиги
3.Ўқитувчининг эмоционал таъсири домий	3.Дарс вақтида янги мавзуни ўрганишда йўналиш берилади. Уй вазифага юклатилади
4.Умумий ўқитишда ялпи харкатларнинг устунлиги.	4.Талабалар ўзаро мулоқотдан махрум
	5.Мустақилликнинг йўқлиги
	6 Талабаларнинг пассив ҳолтни эгаллаши.
	7.Талабанинг нутқий фаолиятининг камлиги (уртача 2 минут)
	8.Ўрта меъёрий ёндашиш
	9.Индивидуал ёндашувнинг йўқлги 10.Кафолатланган натижага эга эмаслиги 11.Таълим мақсадлари аниқ белгиланмаган.

Педагогик технология 50 йилларда анъанавий хусусий йўналишга қарши, аниқроги бу йўналишдаги ноаниқлик ва юзакиликка қарши чиққан йўналишдир. Бу йўналиш ўз мақсади қилиб аниқ самарали натижага эришишни конкрет йўлларини ишлаб чиқишини қўяди.

Бундай таълим технологиясига эришиш бир қарашда осон бўлиб кўринсада катта педагогик ўзгартиришлар ва илмий тадқиқот ишларини талаб этди.50-60 йилларда бу масалани (программированнўе обучение)дастурлаштирилшан таълимга ўтиш орқали хал қилишга ҳаракат қилинади.

70 йилларда (теория проблемного обучения) муаммоли таълим назарияси вужудга келди. Муаммоларни босқичма-босқич ечиб бориш кафолатланган натижага олиб келиши керак эди.

90 йилларда (образавательнўе технологии) таълим технологияси вужудга келди.

Таълим технологияларини ишлаб чиқишда қуйидаги ўзига хос хусуиятларни хисобга олиш керак.

1.Ўқувчи субъектига алоҳида эътибор бериш .

2.Технологик хусусиятга эга бўлиши

3.Тизимлиликни таъминлаш.(мантикий боғланишлар ва яхлитликнинг мавжуд бўлиши).

4. Бошқарилувлик хусусияти (коррективлаш , мослаштириш).

5. Самаралилик хусусияти (самарали натижани кафотлалаш).

6.Конспектуаллик хусусияти .Ҳар бир педагок технология чуқур ғояга эга бўлиши , илмий асосланиши лозим.

Педагогик технологияларга утиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим.

1.Диагностика

2.Планлаштириш

3.Аниқлаштирилган мақсадни белгилаш.

4.Аниқлаштрилган мақсадларга мос келувчи назорат ишларни ишлаб чиқиш.

5.Технологиялар тизимини ишлаб чиқиш.

Белгиланган мақсадга эришишнинг аниқ усул, метод ва шаклларини қайта ишлаб чиқиш лозим. Пеадгогик технологиялар шахсга индивидуал ёндошув масаласини олдинга суради ва унга асосланади.

Шахснинг индивидуаллигига асосланиш бу шахсни фаоллигини ошириш, унинг янги хусусиятларни, қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантиришдир. Ҳар бир шахснинг ривожланиш учун имконият яратишдир. «Хотира мактабидан» фикрлаш мактабига ўтиш ва ундан кейин «ривожланиш мактабига» ўтиш мақсад қилиб қўйилади. Индивидуал таълимни ривожлвнтириш натижасида ўз-ўзидан таълим кўп профилли ,кўп даражали ёки дифференциаллшган бўлиб қолади. Бундай ҳолда узлуксиз мониторинг ишга туширилиши шарт.

Агар репродуктив таълимда битта танлаб олинган троекториядан четга чиққан ўқувчиларни троекторияга (шаблонга) солишга ҳаракат қилинган бўлса, эндиликда ҳар бир талаба учун ўз ривожланиш троректорияси ишлаб чиқилиши ва унинг ривожланиш қадамлари назарат қилиб борилиши лозим бўлади. .Яъни ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожланиш даражалари ўрганилиб, сўнг кейинги ривожланиш режалари тузилади.

Педагогик технология бу илмий техникавий тараққиёт меваси бўлиб «Педагогика», «Технология» тушунчаларининг қўшилишидан пайдо бўлади. Бугунги тараққиёт даражаси бу фаннинг пайдо бўлиши учун замин яратади.

«Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунлари асосида 12 йиллик мажбурий таълимга ўтилади.Таълим тизими олдига янги юксак вазифалар қўйилди .Бундай юксак вазифаларни бажариш учун методика педагогик технологиялар билан бойитилиши талаб этиляпди. Бугунги кунда ҳар бир педагокдан юқори самарадорлик талаб этилмокда. Илм – фаннинг тез ривожланиши билимлар хажмини ошиб бориши ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб этмокда. Бугунги кунда педагок эски методлардан фойдаланиб юқори самарадорликка эришиши қийин. Бугунги кунда педагогик

технологияларга жуда катта талаб қўйилмокда. Факат кафолатланган самарали натижага асосланган таълим тизимигина малакали кадрларни етказиш мумкин. Шунинг учун хам педагогик технологияларни янада мукаммаллаштириш. Янги технологияларни ишлаш чиқиш талаб этилмокда. Айниқса тарбия борасида педагогик технологиялар кам ишланган. Баъзи технологияларда аниқлик етишмайди, бу эса самарали натижани кафолатлашга имкон бермайди. Педагокнинг маҳоратига ҳам бугунги кунда талаблар ошиб бормоқда . Педагокдан нафақат ўз псхикасини ва нутк маданиятини бошқариш, балки ўқувчиларнинг психик ҳолатини бошқариш ва ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ва бошқариб бориш талаб этилмокда. Бу вазифани бажариш учун эса педагог ўқувчининг психикасини ўта нозик жиҳатларини ўрганиш ва ҳар бир ўқувчининг қалбига йул топа олиш лозим. Яъни педагог бугунги кунда нафақат янги билимларни етказувчи балки ўзлаштириш жараёнини ташкил этувчи ташкилотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Педагогик технологияларни мазмуни кенг масштабда қаратилган бўлса қуйидаги йўналишларни ажратиш мумкин:

А) Гуманлаштириш ва демакратлаштириш.

В) Индивидуаллаштириш

С) Ривожлантириш

Педагогик технологияни кўпинча педагогиканинг бир йўналиши сифатида қабул қилинади. Бу йўналишнинг мақсади таълим тизимининг самарасини ошириш, планлаштириб қўйилган натижага эришишда кафолат берувчи жараённи ташкил этишдир дейди Кларин. М.В.

«педагогик технология» термини инглиз тилидаги an aducational technology унчалик тўғри келмайди .У кўпрок (образавательная технолгия) таълим технологиялари деган тушунчага мос. Тъалим технологиялари тушунчасига бир қанча таърифлар берилган.

1.Олдиндан лоиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалаларни ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир.

2. Педагогннг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лоиҳалаштиридган педагогик ҳаракатдир.

3. Таълим жраёнини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методир. (ЮНЕСКО).

4.Таълим ва тарбия методларининг у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлар тизими.

Кўриб туганимиздек ҳозиргача педагогик технологияларга ягона бир мукаммал таъриф берилмаган. ЮНЕСКО берган таърф хам умумий хусусиятга эга бўлиб педвгогик

технологияларнинг асл моҳиятини очиб бермайди. Бизнингча берилган таърифлар ичида педагогик технологияларнинг мазмун –моҳиятини кўпрок иккинчи таъриф очиб бера олади.

Педагогик технологияларнинг классификацияси

Педагогика назарияси ва амалиётида таълим-тарбия жараёнига кўплаб ёндашувлар мавжуд. Педагогик технологияларни ҳарактери ана шу ёндашувдан келиб чиқади. Шунга қармасдан кўпгина педагогик технологиялар ўз мазмуни, мақсади, методлари ва воситаларига кўра бир-бирига ўхшаш. Педагогик технологияларни ана шу ўхшаш хусусиятларига қараб бир неча турга ажратиш мумкин.

Кулланилишига, камров хажмига (масштабига) кўра уларни уч гурухга ажратилади:

1. Умумий педагогик технологиялар.
2. Хусусий педагогик технологиялар.
3. Модульи кичик универсал технологиялар

Умумий педагогик технологиялар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли булган масалаларни қамраб олади.

Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларига ўтиш шулар жумласига киради.

Хусусий педагогик технологиялар эса маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва қулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. Масалан: иктисод фани учун қулай булган технологияларни ишлаб чиқиш.

Модулльи кичик универсал технологиялар бирор рефлексни ривожлантиришга қартилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. Масалан: дидактик ўйинлар, фикрлашга ўргатувчи технологиялар.Улар универсал ҳарактерда бўлиб, кўп вақт талаб этмайди.

Фалсафий дунёкараш ўз навбатида таълим – тарбия тизимига ёндошувда ҳам ўз аксини топади. Диний дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбия жараёнини талқин этади, идеалистик дунёкараш ўзига хос равишда таълим-тарбиянинг мазмун моҳиятини очиб беради. Материалистик дунёкараш таълим-тарбия ишини ташкил этишда материалистик нуқтаи назардан ёндошади.(у инсон шахсини моддийлик сифатида қабул қилса, идеалистик дунёқараш инсонни жон-тан, рух кабиларини тан олган холда ёндошади.) Илмий дунёкараш эса илмий кашфиётларга асосланган ҳолда таълим ва тарбия жараёнини таҳлил этишга қаратилади. Демак ҳар бир жамиятнинг қабул қилган дунёқараши ана шу жамиятда таълим- тарбия жараёнини ташкил этишга бевосита таъсир ўтказар экан.

Фалсафий жихатдан технологияларни қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Материалистик
2. Идеалистик
5. Гуманистик
6. Эркин

3. Илмий 7. Мажбурий
4. Диний

Ташкил этиш, бошкариш, шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича қуйидаги классификацияни тақдим этиш мумкин:

а. Суст бошқарилувчи / ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти суст бошқариди, стихиялилик устун туради.

б. Циклли текшириш – ўз-ўзини ва ўзаро текшириш устун туради.

в. Фронтал (ялпи),

г. Йўналтирилган (индивидуал),

д. Вербал –ўқитувчи иштирокида,

е. Автоматлашган – техник воситалардан фойдаланган холда.

Ушбу бошқариш турларининг комбинациялашуви натижасида қуйидаги дидактик тизим технологиялари вужудга келади:

1. Анъанавий лекцион таълим тизими (бошқариш суст, фронтал, вербал)
2. Аудивизуал техник воситалар ёрдамида таълимни ташкил этиш (бошқариш суст, фронтал, автоматлаштирилган).
3. Консультация технологияси (суст, йўналтирилган, вербал)
4. Кичик гурухлар технологияси (циклли, фронтал, вербал, дифференциал)
5. Компьютер таълими (циклли, йўналтирилган, вербал) – индивидуал таълим.
6. Репетитор тизими (циклли, йўналтирилган, вербал) – индивидуал таълим.
7. Программалаштирилган таълим (циклли, йўналтирилган, автоматлаштирилган-программалар асосида).
8. Дифференциал таълим (циклли актив бошқарилувчи, йуналтирилган, вебрал).
9. Муаммоли таълим (циклли, йўналтирилган, ўқувчи шахси актив).

Амалиётда бу таълим технологиялари комбинациялашган ҳолда кулланилади. Таълим технологиялар дарснинг мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Шахс хусусиятларини ривожлантиришига қараб қуйидаги технологиялар ажратилади:

1. Операцион технологиялар – фикрлаш малакасини фикрлаш рефлексини ривожлантирувчи технологиялар ҳисобланади. Улар ҳар хил фикрлаш турларини шакллантиришга мослашган бўлади.
2. Эстетик – ахлоқий хислатларни шакллантиришга каратилган технологиялар
3. Бошқарувчилик хусусиятини ривожлантирувчи технологиялар.

4. Эвристик – ижодий ёндошувни ривожлантирувчи технологиялар технологиялар , талабалрдан ижодий ёндошиб масалани ечимини топишни талаб этади.

5. Амалий технологиялар – амалий хатти- ҳаракатларни шакллантирувчи технологиялар.

Педагогик жараённи ташкил этишда ўқувчининг ва ўқитувчининг муносабати хам турлича бўлиши мумкин. Бу муносабатни қуйидаги турларини ажратиш мумкин: 1.Авторитар технологиялар. Ўқитувчи асосий субъект бошқарувчи, талаб қилувчи, етакловчи сифатида майдонга чиқади. Талаба шахси эса тобе бўлиб, барча талабларни бажариш керак. Бунда талабанинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари таълимни ташкил этиш жараёнида эътиборга олинмайди.У бажарувчи сифатида майдонга чиқади.

2. Дидактик марказлашган технология. Бу технология марказида таълим жараёни туради ва таълим жараёни тарбиядан устун қўйилади. Айнан дидактик восита ёрдамида шахсни шакллнтириш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқитувчи етакловчи сифатида майдонга чиқади. Икки томон хам (ўқитувчи ва ўқувчи) бир хил позицияни эгаллайди. Асосий мақсад таълим олиш ва томонлар ҳамкорликда иш олиб борадилар.

3. Шахсга йўналтирилган технологиялар. Таълим тизимининг марказида ўқувчи шахси туради. Талабанинг ривожланишига соғлом психологик муҳитни ташкил қилиш, низо ва инкирозлардан асраш, табиий имкониятларини ривожлантириш, қобилиятни ўстиришга қаратилган. Бу йўналишни уч гурухга бўлиш мумкин:

а) Инсоний технологиялар.(Гуманно- личностнўе технологии). Бу технология ўзининг инсонийлиги билан, психотерапевтик йўналиши билан ажралиб туради. Бу технологиянинг мазмуни ўқувчи шахсини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва талабани ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Болага нисбатан хурмат ва меҳр билан қараш ва мажбурийликдан воз кечиш.

б) Ҳамкорлик технологияси. Бу технология демократия, ҳамкорлик, тенглик каби ғоялар асосида қурилган. Ўқитувчи в талаба орасидаги муносабатлар субъект - субъект сифатида қаралади. Биргаликда таълим жараёни ташкил этилади ва биргаликда ижод этилади.

в) Эркин тарбия технологияси. Талабага танлаш, мустақиллик эркинлиги берилади. Талаба ўзи танлаган восита ва мазмунни тўлиқ қабул қилади, ҳамда бу фаолиятни хохиш билан бажаради. Ички эхтиёж билан уйғунлик ҳосил бўлади.

г) Эзотерик технология. Эзотерик билимлар (онгдан ташкари) қонуниятларни ўрганиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш назарда тутилади.

Илмий тажрибани ўрганиш бўйича: ассоциативно-рефлекторнўй, Гештальт технология, Бихеивористик, ривожлантирувчи каби технологияларни ажратиш мумкин. Бихеивиористик технология – (Э. Торондайк, Д. Уотсон, В.С. Диннер ва бошкалар) бу назариянинг умумий кўриниши қуйидагича: Стимул-реакция-мустахкамлаш. Стимул –

қўзғатувчи, реакция – фаолият, мустахкамлаш – бахолаш ва рағбатлантириш. Улар ўзлаштириш механизми мана шу кўринишда вужудга келади деган фикрни олдинга ташлайди. Бунда ўқувчининг муносабати ва ҳиссиётлари ҳисобга олинмайди ва талабанинг онглилик масаласига кам эътибор қаратилади.

Гештальт технология –(М. Ветмеймер, Г. Мюллер, В.Келер) талабанинг қабул қилишига , идрок килиш рефлексини ўрганишга асосланган, янги мавзуни ўзлаштириш ёрқин фрагментлардан ва якуний фикрлардан ташкил топиши назарда тутилади. Идрок ва диққатга қаратилган технологиялардир. Талабанинг қабул қилиш хусусиятларини ва диққатнинг психологик хусусиятларини хисобга олган ҳолда ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш зарур эканлигини таъкидлайди ва шу асосда ўзлаштириш технологияларини яратади.

3. Ривожлантирувчи технология. В.В. Давўдов, Д. Б. Эльконин гояси.

Асосий мазмуни – назариянинг амалиётдан устунлиги ва мазмуний умумлаштиришалрдан фойдаланиш, мантиқий боғликликлар, гуруҳлаш ва системалаштиришдир. Умумийдан яккага қараб ҳаракатланиш. Мавжуд билимлардан янги билимларга қараб ҳаракат қилиш, яъни бор бўлган ассоциациялар асосида янги ассоциацияларни вужудга келтиришни назарда тутади. Талабанинг тушуниши онсон бўлган билимлардан мураккаброк билимларга қараб ҳаракатланиш режасини ишлаб чиқишни тавсия этадилар (область ближайшего развития). Соддадан мураккабга қараб изчил ривожланиш ўзаро боғликликларга амал қилиш талаб этилади.

4. Суггестив технология. Эмоционал, ёрқин таасурот, ишонтириш, қизиқтиришга йўналтирилган. Талаффуз, мимика, жест, гипноз, авторитетдан фойдаланиш кабиларга асосланади. Ҳис – туйғуларни уйғотишга қаратилган. Ўзлаштириш жараёнида инсоннинг нафақат онги , балки ҳис-туйғулари ҳам иштирок этишини ва ўзлаштириш жараёнида ҳиссиётларни уйғотиш билимларни фақат онг билан эмас, балки қалб билан ҳам англаб етишига ёрдам беришини такидлайдилар. Фақат онг билан қабул қилинган билимлар қуруқ ва юзаки бўлади деган фикрлар асосида ўзларининг ўзлаштириш технологияларини яратадилар. Улар ҳар бир янги мавзуни ўзлаштиришда образлардан фойдаланиш, ҳиссиётларни уйғотиш ва ҳар бир ўқувчи ана шу ҳисларни сезишини таъминлашга эътибор берадилар.

Талабалар контингентига кўра қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:

- ялпи, анъанавий технологияси (урта талабага мослашган),
- чукурлаштирилган технология (баъзи предметларни чукурлаштирилган программа асосида ўқитувчи лицей, гимназия, коллеж).
- компенсацияли укитиш технологиялари (педагогик коррекция, яъни камчиликларни йўқотишга қаратилган технологиялар).
- виктимологик технологиялар (сурдо, орто, тифло, олигофреника).
- Тарбияси оғир болалар, ёки иқтидорли болалар билан ишлаш технологиялари.

Анъанавий таълим тизимини модернизациялаш асосан қуйидаги йуналишларда олиб борилмоқда:

1. Педагогик муносабатларни гуманлаштириш ва демократлаштириш
2. Талабалар фаолиятини активлаштириш, интенсификациялаш.
3. Таълим тизимини ташкил қилиш ва бошқаришни самарсини ошириш.
4. Таълим методикаларини такомиллаштириш.
5. Халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш.

Ўқув мақсадларини белгилаш

Анъанавий ўқув жараёнида биз кўпрок ўқитувчининг маҳоратига суяниб самарага эришишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса педагог маълум тажриба орттирган бўлиши талаб этилади. Педагог технологиянинг асоси эса проектлаштиришдир. Ана шу аниқ проектлаштирилган дастур педагогга самарали натижага эришиш имконини туғдиради. Бундай проект асосида иш олиб бораётган педагог катта педагогик тажрибага эга бўлмасада юқори самарага эриша олади. Биз биламизки педагогик технология бу аввалам бор аниқликка эга бўлган ва қатъий, илмий лоихалаштирилган жараёндир. Ўқув жараёнини ташкил этишдаги биринчи қадам бу ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда биз дарснинг мақсадини қандай белгилаймиз? –деган савол албатта ҳаммани қизиқтиради. Биз бугунги кунда дарснинг мақсадини умумий ҳолда белгилаймиз ва шунинг учун ҳам эришган натижамизни баҳолашда қийналамиз. Бундай умумий мақсадни белгилаш педагогик технологияни қониқтира олмайди. Педагогик технологиялар дарс мақсадини белглашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради ва бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам биз педагогик технологияларни қўллашдаги биринчи қадам бу аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишдир деган хулосага келдик. Педагогик технологияларнинг ишланишида асосий эътибор охирги натижага қаратилган бўлади ва қуйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни гуруҳларга ажратиш.
2. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш.
3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.
4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш(1-расм)



1-расм.Педагогик технологияларни тизимлаштириш

Демак, педагогик технологиялар анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилган ҳолда тузилади. У ўзаро ёпиқ циклни ва ўзаро изчил боғликликни тақозо этади. Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади . Барча этаплар бир мақсадга бўйсунади ва юқори натижани кафолатлайди.

Анъанавий таълим эса қуйидаги изчилликда ташкил этилади (2-расм)



2-расм. Анъанавий таълим жараёнидаги кетма–кетлик.

Анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида умумлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади. Масалан: экологик маданиятни шакллантириш , сув хавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўриниб турибдики бундай қўйилган мақсад мавхум характерга эга, чунки тушунча турли даражада ҳосил қилиниши мумкин. Бундай мақсадни текшириш ва баҳолаш ҳам муаммоли. Бундай мақсадни белгилаш ишда ноаниқликни вужудга келтиради. Натижада ўзлаштириш самарадорлиги ҳам пасаяди. Бундай тизим педагогик технологияларни қониқтира олмайди, чунки педагогик технологиялар аниқликни талаб этади / М. В . Кларин тизими /.

АҚШ да ва Англияда ўқитувчи ва талабалар учун алохида аниқлаштирилган мақсад режалари тузиш қабул қилинган. Ўқитувчилар учун тушунтириш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш : ўргатиш кабилар назарда тутилса, талабалар учун талаба дарс охирига бориб нимани билиши, ишлай олиши, қўлай олиш керак деган йўналишда тузилган. Дарсдан олдин билмаган ва дарс давомида ўрганиб, уни қўллай оладиган вазифалар белгиланган. Талабалар ушбу мавзуни ўрганишда улардан нималарни билиш ва бажара олиш талаб этилаётганини дарс бошланишдан олдин аниқ биладилар ва дарс давомида ана шу моментларга ўз диққатларини кўпроқ қаратадилар. Ҳар бир қўйилган мақсадни эришганлик даражасини меъёрларни ишлаб чиқиш шарт. Ҳар бир қўйилган мақсад алоҳида ўз мазманига хос равишда

текширилади ва натижалар таҳлил қилиниб хулосалар чиқарилади. Бунинг учун /идентификация учебнўх целей/ яъни аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқиш зарур. Умумий мақсадларни эса текшириш қийин ва бунда ҳар бир ўқитувчи ўз тушунчасидан келиб чиққан ҳолда текшириш ишларини ташкил этади. Умумий мақсад ўқитувчи нимага эришмоқчи эканлигини аниқ кўрсата олмайди, ўқувчида эса умумий тушунчалар ҳосил қилишгагина хизмат қилади.

Аниқлаштирилган мақсадли лойиҳада ўқитувчи аниқ тушунлардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавхум тушунчаларни ажрата олиши керак.

Мавхум тушунчалар:
1. Ўрганмок.
2. Танишиб чикмок.
3. Кўриб чикмок.
4. Тушунмок.

Аник тушунчалар:
1. Белгилаб чикмок.
2. Гурухларни ташкил килмок.
3. Ажратиб олмок.
4. Тузиш.
5.Ёддан айтиб бермок.
6. Масала ечмок.

Аниқ мақсадни белгилаш талабадан ва ўқитувчидан нима талаб этилаётганлигини аниқ англаб етишга ёрдам беради ва натижани бахолашда қулайлик вужудга келтиради.

Баъзан талабалар оғзаки эмас, балки ёзма ишлар бажарадилар бундай ҳолда ҳам аниқ мақсадларни белгилаш мумикин.

Агар ёзма текст билан ишлаш лозим бўлса қуйидаги аниқ мақсадларни белгилаш тавсия этилади.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари албатта биринчи галда қандай назорат иши орқали текширилиши аниқланиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан биринчи қўйилган мақсад учун алоҳида назорат ишини ишланади ва ана шу мақсадга эришилганлик даражаси текширилади. Иккинчи ва учинчи мақсадлар ҳам худди шундай алоҳида назорат орқали текширилади. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб охирги баҳолаш маълум қилинади.

Масалан: 1- мақсад таърифни ёддан билиш деб белгиланган бўлса, уни ёддан айтиб бериш талаб этилади. 2- мақсад формулани

амалда қўллашга ўргатиш бўлса, уни амалда масала ишлаб қўллаш талаб этилади. 3- максад формулани ноанъанавий ҳолатда қўллаш бўлса, унга мос мисол танланади ва уни ишлаш талаб этилади. Шундай қилиб нечта мақсад қўйилган бўлса, шунча назорат иши хам ишлаб чиқилиши керак бўлади .Шундай қилиб мақсад ва назорат иши ўртасида уйғунлик ҳосил қилинади ва мақсадлар назоратга ўтказилади. Назорат ишларини танлашда албатта мақсаднинг характери ҳисобга олинади. Аниқ белгиланган мақсадлар эса текширишни осонлаштиради. Назорат ишларида турли хил тест турларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда республикамизда тест вазифаларини ўртача ўтказиш нормативлари ишлаб чиқилган. Албатта бу тестлар ҳар бир ўқув даргоҳида мақсаддан келиб чиққан холда ўтказилиши хам назарда тутилган.

1. Жорий контроль:10-15 саволдан иборат бўлиб, унга 10-15 минут ажратилади.

2. Оралик контроль:25-30 савол , 30-40 минутни ўз ичига олади.

3. Якуний контроль: 50 савол , 1-1,5 соатни ўз ичига олади.

Бундан ташқари фаннинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда талабалар даражасидан келиб чиққан холда тест турлари шакллари танланиши лозим. Тест турларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларни боришини таъминловчи тестлар. Бу тестлар мустахкамлаш ва текшириш вазифасини бажаради.

2. Ўзлаштиришнинг репредуктив даражасини ўлчовчи тестлар. Бу тестда талаба ўз билимларини типовой яъни ўрганган холатида қўллай олиши талаб этилади. Бу тестларни ишлашда талаба тўрт хил психологик операцияни бажариши лозим:

а) формулани эслаш;

б) тенгликларни эслаш;

в) шунга ўхшаш мисолларни эслаш;

г) мисолни ечиш.

Бундай тест талабаларда билим, малака ва кўникмаларини бахолашга ёрдам беради. Аммо бу тестда кўпроқ қўллай олиш назарда тутилади. Бундай тестлар ижодий фикрлаш даражасига таъсир этмайди ва уларни репродуктив тестлар деб аташ ўринли бўлади.

3. Продуктив тест тури . Бундай тестни ечишда талабадан ижодий ёндошув талаб этилади . Бундай тестни ечиш учун талаба 5-6 та операцияни бажариши лозим. Бу тест мантиқий фикр юритишни ва изчилликни талаб этади . Бунинг ўқув жараёнида ечилган машқлардан бир оз бошқачарок (нетиповой) вазифалар танлаб олиниши керак бўлади.

4. Изланувчан – ижодий тест тури. / поисково – творческий уровень/ .

Маълумки ижод - бу қандайдир янги ечимни топишдир. Бунинг учун бу тестда стандарт бўлмаган вазифалар берилади. Бу мураккаб тест бўлиб, ижодни ривожлантиришда ва иқтидорли талабаларни танлаб олишда ишлатилади.

Тестларни шаклига кўра хам бир канча гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ёпик тестлар. Бу тест шарт ёки сўроқ ва бир қанча жавоблардан тузилган бўлиб, биттаси тўғри жавоб ҳисобланади. Унинг ёпиқ тест дейилишига сабаб талаба ўзининг тўгри жавобини бера олмайди. У фақат мавжуд жавоблардан биттасини танлаши мумкин. Бундай тестларни тузишда юзакиликдан эхтиёт бўлиш керак ва жавоблар тузаётганда мантиқийлик ва анализга асосланиши лозим.

2. Очик тестлар. Бу тестда шарт ва сўроқ берилади. Жавоб эса мустақил талаба томондан топилади. Бунда энг муҳим ўзак сўз тушириб қолдирилиши мумкин , ана шу ўзак сўз топилиши лозим.

3. Муттаносибликни танлашга қаратилган тестлар. Бу тестлар ажратиш ва жой – жойига қўйиш каби операцияларни бажаришда ишлатилади.

4. Изчилликни ўрнатишга бағишланган тест. Бунда тартибсиз берилган элементлар изчил кетма – кетликда жойлаштирилиб чиқилиши керак.

Кичик модулли технологиялар

Фикрлашга ўргатувчи психотехник ўйинлар:

а) (ПМИ) ижобий, салбий, қизиқарли.

Бунда талабалардан фикрлашнинг маълум тури талаб этилади. Талабалар диққатига бирор муаммонинг ечими таклиф этилади. Ана шу қарорнинг қай даражада тўғрилигини улар ижобий, салбий ва қизиқарли томонларини алоҳида ажратган ҳолда таҳлил этишлари талаб этилади. Талабалар учта устунни тўлдирадилар ва ўзларни фикрларини билдрадилар.Учта устунни тўлдириб бўлингач эса хулоса қиладилар. Бундай фикрлаш усули талабаларда синчковликни, ҳар бир воқеа ва ходисанинг ижобий ва салбий томонларини тўлароқ кўра олиш қобилиятини ривожлантиради. Бундан ташқари талабалар бошқа талабаларнинг ҳам масалага ёндошувлари билан танишадилар. Чунки ҳар бир талаба ўзининг фикрларини билдирар экан масалага янгича бир қараш юзага келади. Эдвард де Боно “Нестандартное мишление” китобида шундай мисол келтиради: талабаларга таклиф билан мурожат этилди – маъмурият ҳар бир талабага ҳар хафта келгани учун 5 доллардан пул беришга қарор қилса сиз бунга қандай қарайсиз? Бундай фикр талабаларнинг барчасига ёқади. Сўнгра уларга шу қарорни “ПМИ” технологиясига қўйиб ўйлаб кўриш таклиф этилади. Ўқувчилар қарорнинг ижобий , салбий ва қизиқарли бўлган томонларини алоҳида усутнларга бирин кетин жойлаштиришлари лозим.

ижобий	салбий	қизиқарли
1.Таклиф	1.Зўравонлар зўрлик	1.Турли хил

этилаётган 5 доллар ортиқчалик қил-майди. 2.Талабаларни нг иқтисодий имкониятлари ошади.	қилиб пулимизни олиб қўйишади. 2.Ота-оналар чунтак пули бермай қўядилар. 3. Бюджетда пул камайиб кетади. 4. Ошхонада нархлар ошиб кетиши мумкин.	ёшдаги болаларга қанча пул тўланиши лозим эканлигини ким хал этади? 2.Бу тўланадиган пуллар қайси манбадан олинади?

Агар 30 талабанинг барчаси бу қарорни ёқлаган бўлса, “ ПМИ ” технологияси асосида бу масала таҳлил қилингандан сўнг 30 талабадан 29 таси бу қарорни инкор этишини билдирган .

б) (АВВ) алтернативлар, вариантлар, имкониятлар.

Бундай дидактик вазифа талабаларни янада чуқурроқ фикрлашга мавжуд ҳолатни яхшироқ ўрганишга ундайди. Талабадан бирор муаммони хал этиш жараёнида алтернативаларни топиш, ана шу алтернативаларнинг бир неча вариантларини излаш ва ана шу вариантлардан қайси бири бугунги кун шарт –шароитлари ва талабларига кўпрок мос тушишини аниқлаш талаб этилади. Бундай вазифа талабалардан чуқур билимни, мантиқий фикрлашни, мавжуд шароит билан яхши таниш бўлишни талаб этади.

Мисол:

Алтернативалар	Вариантлар	Имкониятлар
1.Мулкни давлат тасар-уфида колдириш. 2.Давлат мулкини хусу-сийлаштириш	1.Давлат мулкичилиги. 1.Чек воситаси оркали хусуийлаштириш. 2.Давлат мол-мулкини сотиш.	1.1.мулкчилик шаклларини пайдо булишига олиб келмайди. -мулкка эгалик хисси булмайди -рақобатчилик муҳити бўлмайди. -бозор муносабатларини ривожлантириб бўлмай-ди. 2.1.Ҳар бир кишиниг ишлаб чиқариш сало-ҳиятини аниқ ҳисоблаш қийин мол-мулкни тенг тақсимлаш социалистик тенглаштиришга олиб келади, ахолини кўп қисми қимматли қоғозлар билан муомила қилишга кўникмаган. 2.2.Сотиб олинган

		мулкнинг қадри бўлади. -давлат харажатлари қоп-ланади.

Барча алтернатива вариантлар ва имкониятлар тарозига қўйилиб ягона хулоса чиқарилади. Бизнинг мисолимизда бу қуйидагича бўлди: Бугунги кунда давлат мулкини сотиш орқали хусусийлаштириш ишларини ташкил этиш энг оптимал вариант ҳисобланади.

в) (РОС) икки томоннинг фикрини ўйлаб кўр.

Кўп ҳолларда иқтисодий шароит икки томоннинг ҳамкорлигини талаб этади. Масалан ишлаб чиқарувчи ва истемолчи ёки сотувчи ва харидор. Иқтисодий ривожланишни таъминлаш жараёнида ана шу икки томоннинг хоҳишлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим. Ана шундай фикрлашга бизни РОС деб аталувчи технология ўргатади. Бунда талабдан икки томоннинг тутган ўрнига қараб истаклари, имкониятлари ва эҳтиёжларини аниқлаш талаб этилади. Бу вазифани бажариш вақтида талаба икки томонни ҳам қониқтирувчи ечимни топишга ҳаракат қилиши лозим.

г) СРН) розилик, норозилик, ноаниқлик.

Ишлаб чиқаришда ва умуман ҳаётда баъзан низо вазияти вужудга келади. Низо вазияти томонларнинг дунёқарашини турлича бўлганлигидан келиб чиқади. Ана шу низо вазиятини ечимини топиш жараёнида икки томоннинг фикрларини солиштириш ва розилик фикрларни, қарама- қарши фикрларни, ҳамда хали ноаник бўлган фикрларни аниқлаш лозим. Сўнгра қарама- қарши фикрларни оптимал вариантини топиш лозим. Шу йўл билан низо вазияти бартараф этилиши мумкин. Бундай дидактик вазифа талабаларда фикрларни таққослаш, уларнинг ўхшашларини ва қарама – қаршиларини ажратиш ҳамда томонларни келиштириш малакасини тарбиялайди[39].

Аклий хужум – бунда бир неча талабадан иборат гуруҳ олдига муаммо қўйилади ва ечиш вақти белгиланади. Ҳар бир иштирокчи ўз ғоясини таклиф этади ва ҳеч бир фикр танқид этилмай қабул қилинади. Ечимлар сони қанча кўп бўлса, шунча яхши, сўнгра уларнинг ичидан энг тўғриси танлаб олинади ва ечим сифатида таклиф этилади

Мазкур техника муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни хал этишда кенг қўлланилиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Унинг ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оргинал ечимларни топиш имконияти туғилади. «Аклий хужум» методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш, айни вақтда уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

[39] Эдвард де Боно.Нестандартное мишление. Минск Попури.2000.–С.15-25.

Машғулотлар жараёнида «Ақлий хужум» техникасидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Ушбу қоидалар қуйидагилардир;

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доираси, кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

2. Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундай ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги — янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

3. Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя)ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоя)ларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди.[40] Агарда уларнинг фикр (ғоя)лари баҳоланиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад талабаларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларниўг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир(3-расм).



[40] Толипов Ў,Усмонов М.Педагогик технология:назар

фикрлар билан бойитиш
Бошқалар томонидан билдирилган ғоялар устидан кулиш киноя қилишга йўл қўймаслик.
Муаммони ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик.

Чизма -2. Ақлий хужум методининг асосий қоидалари.

Кластер методи.

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чикилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан талабалар билан якка тартибда ёки гурух асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдала — ниш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гурух, аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган рояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади (4-чизма)[41].

Кластер методи.

[41] [41] Толипов Ў,Усмонов М.Педагогик технология:назария ва амалиёт.«Фан» 2005.– 119. бетлар.



Чизма – 4. Кластер методининг асосий шартлари.

Агар кластер тартибсиз тузилмани ҳосил қилган бўлса, ишини категориялар обзори билан тугатиш қулай. Бунинг учун барча кластер элементларини бир неча категорияларга ажратилади. Ушбу категориялар кластер учун олинган тушунчани маълум йўналишларини ёки хусусиятларини кўрсатади. Уларни категорияларга ажратишдан сўнг эса ана шу тушунчага мустақил равишда таъриф ёзишни таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Ёзилган барча таърифларни ва мавжуд илмий таърифни таққослаб энг қулай ва мукаммал таъриф аниқланади. Бундай вазифа нафақат фикр доирасини кенгайтиради, балки мустақил фикр юритишни ҳам ривожлантиради.

Хулоса

Педагогик технологияларнинг вужудга келиши давр талаби бўлиб, у таълим тизимини : 1.Гуманизациялаш ва демократлаштиришга.

2. Индивидуаллаштиришга.

3. Ривожлантириш, самарадорликни оширишга қаратилган.

Педагогик технологияларга хос бўлган хусуисиятлар:

1.Талаба субъектига алоҳида эътибор бериш.

2.Технологик хусусиятга эга бўлиш.

3. Тизимлилик.

4.Бошқарувчанлилик.

5.Самаралилик.

6.Концептуаллик.

Педагогик технологияларнинг мақсади кам вақт ва кам куч сарфлаб ўзлаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1.Диагностика.

2.Планлаштириш (аниқ лойихалар тузиш).

3. Аниқ мақсадли технологияларга ўтиш.

4.Таълим тизимини дифференциаллаштириш.

5.Инновацион технолгияларни ишлаб чиқиш.

Педагогик технологиялар қамровлик даражасига қараб уч турга бўлинади:

1.Умумий педагогик технологиялар

2.Хусусий технологиялар

3.Модулли кичик локал технологиялар.

Педагогик технологиялар фалсафий жиҳатдан қуйиаги гуруҳларга ажратилади:

Материалистик, идеалистик, илмий, диний, гуманистик-эркин, мажбурий

Таълимни ташкил этилишдаги ёндошув бўйича:

Биоген, социоген, психоген.

Ўзлаштириш жараёнини ташкил этишга кўра:

Ассоциация-рефлекс, Гештальт, Бихеиевристик, ривожлантирувчи, суггестив.

Шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича:

Ахборот технологиялари, операцион технологиялар, эстетик-ахлоқий, эвристик, бошқарувчилик, амалий.

Муносабат технологиялари бўйича :

Авторитар, дидактик марказлашган, шахсга йўналтирилган.

Анъанавий таълим тизимини модеринизациялаш асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

1.Педагогик муносабатларни гуманлаштириш ва демократлаштириш.

2.Талабалар фаолиятини фаоллаштириш.

3.Таълим тизимини ташкил қилиш ва бошқаришнинг самарадорлигини ошириш.

4.Таълим методларини ва технологияларини такомиллаштириш.

5.Халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш.

Аниқлаштирилган мақсадли проектлар янги педагогик технологияни жорий этишнинг энг биринчи шартларидан бири. Аниқлаштирилган мақсадли проектни технологияси беш босқичдан иборат ва ўқув жараёнини мақсади назорат иши ва тест вазифалари билан узвийлик , яъни мустаҳкам боғликда белгиланади. Назорат иши ва тест саволлари ўқув жараёнини самарасини аниқлашда ҳамда ўқув жараёнини коррекция қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Аниқлаштирилган мақсадли технология аниқ терминларни ишлатишни тақозо этади. Белгиланган мақсадни назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ишни бажариш учун талабалар тест турлари ва шакллари билан танишиб боришлари лозим. Тестлар асосан тўрт турга ва тўрт шаклга бўлинади. Албатта ҳар бир тест тури ёки шакли ўз ўрнида

ишлатилганда энг кўп самара беради. Тест вазифаларини қўллашда мавзунинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда белгиланган мақсадни ҳисобга олиш лозим. Аммо уни ўз ўрнида ва бошқа технологиялар билан уйғунликда ишлатиш талаб этилади.

Мустаҳкамлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар

1.Қандай омиллар педагогик технологияларни вужудга келишига таъсир этди?

2.Бугунги кунда таълим тизимига қандай янги талаблар қўйилмоқда?

3.Педагогик технологияларнинг моҳиятига изох беринг.

4. Педагогик технологияларнинг мақсади нимадан иборат?

5. Педагогик технологияларнинг вазифалари қандай?

6. Педагогик технологияларга берилган таърифларга изох беринг.

7.Фалсафий жиҳатдан педагогик технологияларнинг қандай турларга ажратилади.?

8.Педагогик технологияларни классифакациялашдан қандай мақсад кўзланади?

9.Педагогик технологияларнинг қандай турларини биласиз?

10.Қандай муносабат турларини биласиз?

11.Ташкил этиш ва бошқаришнинг қандай турларини биласиз?

12. Шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича қандай педагогик технологияларнинг турларини биласиз?

13. Илмий тажрибани ўрганиш бўйича қандай педагогик технология турларини биласиз?

14. Суггестив технологияга изох беринг.

15 . Ўқув жараёнини мақсадини белгилашнинг икки усулини қиёсланг.

16 . Қандай тест шакллари ва турларини биласиз.

17. Ўқув мақсадлари ва назорат ишлари орасидаги узвийликка изох .

18. Бирор мавзуга аниқлаштирилган мақсадли дастур тузинг.

VII БОБ. Педагогик маҳорат асослари

Педагогик махоратнинг назарий асослари хамда унинг педагог фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти

«...Педагог фарзандларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, Мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.»

И.А.Каримов

“Педагогик махорат” курси доирасида укитиладиган маърузалар талабаларни педагогик фаолият, унинг мазмуни, укитувчи одоби ва уларга

Давлат Таълим стандартлари ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари доирасида хукумат томонидан куйилаётган талаблар, меъёрлар педагогик фаолиятни ташкил этиш йуллари, услублари хусусидаги долзарб муаммолар билан таништиради. Шу билан бирга булажак педагогларга укитувчилик фаолиятини махоратини ташкил этиш, талабалар билан олиб бориладиган муносабатларнинг узига хос хусусиятлари, унда ахлокий, маънавий сифатларнинг шаклланиши борасидаги назарий ва амалий билимларни беради.

“Педагогик махорат» курсини укитиш жараёнида талабалар билан олиб бориладиган амалий машгулот ва семинар - тренинг дарсларида улар томонидан узлаштирилган назарий билимларга мувофик турли педагогик топшириклар, уйинлар, муаммоли вазиятларни хал килиш технологиялари ишлаб чикилади. Шу сабабдан хам амалий машгулотларда нутк маданияти асослари, педагогик усул ва воситалар ёрдамида шахсга ёндошиш вариантлари, педагог ва талабалар уртасида узаро самарали мулокот ва алокани йулга куйишга доир машкларни утказишга алохида эътибор берилади.

Педагогик махорат фанини ривожланишида бир қатор хориж ва Ўзбекистонлик педагог олимлар ва тадқиқотчилар ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, Россиялик педагог - олимлар Н.В.Бордовская, В.А.Сластенин, А.А. Радугина, Е.Н.Шиянов кабилар бўлса, Ўзбекистонлик олимлардан С.Ражабов, Р.Мавлонова, Р.Хасанов, У.Нишонбоев, П.М.Қуронов, У.Махкамов, М.Махмудов, О.Розиқов, С.Оғаев, Ў.Толипов, Н.Саидахмедов, Н.Азизхўжаева, Ж.Йўлдошев, Г.А. Султонова Н./айбуллаев, Н.Хўжаев, М.Хакимова, М. Хошимоваларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Педагоглик касби ўз мохиятига кўра ўта индивидуалдир. Хар бир педагогнинг мухим хаётий урни уз ишининг устаси булишдир. Мастер (уста) жуда илгор, билимдон, ёки уз ишини мохирлик билан бажарувчи деб ифодаланади. педагог махорати унинг фаолиятида куринади. Педагог аввало педагогик жараённинг конуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган булиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари. унинг педагогик техникаси катта ахамиятга молик булади.

Махорат-бу алохида кудрат. Юкори ва кичик даражада уста булиш мумкин эмас. Махоратга эришиш хам, эришмаслик хам мумкин. Хакикий уста мехнат фаолияти чогидагина гузалдир.

Педагогик махоратга етишиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади.

Педагогик махорат юксак даражада педагогик фаолиятнинг тараккий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фукаролик ва касбий мавкеини ифодалайди.

“Педагогик махорат” бир категория сифатида узининг илмий асосларига эга. Педагогик махорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёркин куриниши сифатида тушунилади.

Педагогик махорат категорияси касбий фаолият нуктаи назаридан кишининг индивидуаллигини характерлайди.

Хозирги тадкикотларда педагогик махоратнинг узига хослиги куйидаги категорияларда жамланади:

- Педагогик махорат;
- Педагогик ижод;
- Новаторлик;
- Касбий билимдонлик;
- Фаолият услуби;
- Инновацион фаолият;
- Педагогик технология;
- Махорат.

Ўқув тарбия ишлари жараёнида энг юксак натижаларга эришиб фаолиятнинг юксак даражада баҳоланиши ва ҳамма томондан тан олинишини истамайдиган педагогтопилмаса керак. Бунга эришишни, ана шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги мактабларда «Педагогик маҳорат» тушунчаси турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунчанинг моҳиятини бир мунча тўлароқ аниқроқ таърифини «Педагогик энциклопедия»да берилган Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмунини ва моҳиятини бир мунча тўғри ёритади. «Тарбия ва ўқитиш юқори даражага эришиши ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир педагогнингқиладиган иши. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог – бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишли соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукаммал эгаллаган мутахассисдир.»

Бу таърифни яхши тушуниб, унинг унинг маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, Ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунга кирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. умумий маданиятнинг юқори даражаси ва билимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсатгичи;
2. ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим соҳиби;
3. педагогика, умумий ва педагогик психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуролланганлик, уларда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш;
4. ўқув-тарбия ишлари методикасини мукаммал эгалланганлик.

Педагогик маҳоратнинг мазмунида қуйидаги ўзаро боғлик бўлган асосий қисмларни ажратиш мумкин:

1. педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. ихтисослик, мутахассисликка доир билимлар;
3. педагогик қобилият;

4. педагогик техника (кўникма-иқтидор).

Педагоглик дунёдаги энг қадимги касблардан биридир. Унинг ижтимой аҳамияти ҳеч қачон камаймайди, сўнмайди. Педагоглик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак

Ҳозирги даврда, биз мустақил демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган педагогқандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогининг шахси учун энг муҳими – бу инсонпарварлик йўналишидир. Педагог жуда юксак даражада умумий маданиятга эга шахс булиши лозим. У жуда кўп нарсани билиши керак, ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак, ўз ўқувчиларини ҳар куни ўқишга ўргатиб бориши учун ўзи мунтазам ўқиб ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, педагог педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши – мустақил ўқишдир.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жойга қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага аёндир. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза одоб-ахлоқли қалб эканини ёддан чиқармаслик лозим. Бу катта муаммода маҳоратли, билимли педагогларни ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли улкан. «Педагогик маҳорат» фанининг предмети – педагогнинг маҳорати, «Педагогик маҳорат» фанининг мақсади – маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарби янинг мақсади, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги

тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шаклларини кўрсатиб беради. Педагогнинг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Педагогик махоратнинг асосий таркибий кисмлари қуйидагилардан иборат:

- нутқ малакалари
- мимика. Пантомимика
- Маъноли караш

Педагогик техника

Педагогик техника педагогга укув фаолиятида хам зарур булган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

Аввало, педагогик -техниканинг таркибий кисми сифатида педагогнинг нутқ маданиятини, яъни саводли гапириш, уз нуткини чиройли ва тушунарли, таъсирчан килиб баён этиш, уз фикр ва хис-туйгуларини сузда аник ифодалаш малакаларини айтиб утиш мумкин.

Педагогик техниканинг бош таркибий кисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалигидир. Аник имо-ишора, маъноли караш, рагбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир курсатишда куп сузли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомила воситалари хисобланади.

Педагогик узаро таъсир курсатишда педагогнинг уз хиссий психик холатини бошкариш, узида энг кулай хиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умидбахшлик, хайрихохлик кайфиятини саклаш узининг хиссий дам олишини ташкил этиш махоратида мухим роль уйнайди. Бу махорат педагогнинг касбий жихатдан уз-узини назорат килишини таъминлайди. Куп йиллар давомида соглом асаб тизимини саклаб колиш, асабийлик, хиссий ва аклий зерикишдан узини тийишга ёрдам беради.

> **Педагогик техника** - укитувчига укув фаолиятида хам укишдан ташкари фаолиятда хам зарур булган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади. Педагогнинг педагогик техникаси – бу шундай бир малакалар йигиндисидирки, у тарбияланувчилар куриб эшитиб турган нарсалар оркали уларга уз фикрлари ва калбини етказиш имконини беради

Тарбиячи, педагог хар бир ишни ташкил этишни, юришни, хазиллашишни, кувнок, жахлдор булишини билиш лозим. У узини шундай тутиши керакки, унинг хар бир харакати тарбияланувчиларга намуна булсин. Педагогик техника педагог малакаларининг шундай йигиндисидирки, у педагогнинг энг яхши ижодий хулк атворига, бошкача килиб айтганда, хар кандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларда самарали таъсир курсатишга ёрдам беради. Мукаммал педагогик техника

педагогнинг вакти ва кунларини ижодий иш учун бушатиб беради. Педагогик узаро таъсир курсатиш жараёнида талабалар билан муомила килишда зарур сузни топиш ёки муваффакиятли чикмаган гап охангини тушунтиришга уз фикрини чалгитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган педагог овози бурилгандан ёки узининг иш билан боглик булмаган кандайдир кечинмаларини унутишни билмасликдан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш педагогнинг уз касб махоратидан каноатлантириш даражасини усишига олиб келиши мумкин.

Педагогик техниканинг асосий таркибий кисмлари
- нутў техникаси
- мимика, пантомимика
- Маъноли ўараш
- хиссий психик холат
- кайфият ва истехзоли табассум
- саводли гапириш
-Аник имо-ишора

Педагогик техниканинг хамма учун умумий булган малакаларини тадбик этиш сохасини педагогнинг талабалар билан бевосита муомиласини караб утамиз. Ривожланган педагогик техника педагогга талабалар билан муомила килганда зарур. Суз, гап, оханг, караш, имо-ишорани тез ва аник топиш, энг уткир ва кутилмаган вазиятларда осойишталикни ва аник фикр юритиш, тахлил килиш кобилиятини саклаб колиш имконини беради. Бундан ташкари хакикий педагог таъсир курсатишида педагогнинг педагогик техника сохасидаги барча малакалари бир вактда намоён булади. Нутк, имо-ишора, мимика, харакат билан бирга содир булади. Узликсиз узини тута билиш; таъсирчан воситаларга берилмаслик имконини беради.

Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, мижози, феъл атвори, сихат-саломатлиги, анатомик, физиологик хусусиятларига анча боглик булади.

Педагогик техниканинг шаклланиши шахснинг сифатларига хам таъсир курсатади. Чунончи, нуткни ифодали, соф, саводли булиши устида ишлаш, фикрлашнинг равон булишига таъсир килади. Психик фаолиятни мустакил тартибга солиш усулларини эгаллаш, феъл - атвор билан булган хиссий вазминликнинг ривожланишига олиб келади. Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражасида педагогнинг умумий маданияти, имкониятлари намоён булади.

Педагогларнинг талабалар билан бевосита мулокоти тарбияланувчиларга таъсир курсатади. Бу жараёндан икки томонлама ахборот алмашинади. Яъни, педагог бошкариш субъектидан объектга "талабалар"га боради. Ва аксинча объект субъектга боради.

Педагоглик фаолияти кишини узи дуч келадиган ходисаларни тахлил

этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитилади. Нихоят педагогнинг талабалар билан кундалик муомиласи шунга олиб келадики, у талабаларнинг хатти харакатларидаги чукур маъно ва хакикий сабабини турли вазиятларда пайкаб олади, бунинг учун намуна сифатида узи тез-тез кайд килган далиллардан ва талабаларниг хулк-атвор усуллардан фойдаланилади. Бу нарса педагоглик фаолиятида айникса сезилиб туради. Бу конуний бир холдир. Чунки биз кундалик хаётда одамлар билан муомилада булар эканмиз , уларнинг хулк-атворини билиб оламиз, чунки биз уни гуё укигандай буламиз, яъни хулк-атворнинг ташки куринишлари ахамиятини тушуниб оламиз ва шу тарика хосил булган узинииг ички психологик режасига эга булган текстни маъносини очиб берамиз.

Педагогнинг талабалар билан муомиласи улар уртасидаги узвийликни тулдирувчи вазифасини хам бажаради. Шу муносабат билан тарбия узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак. Талабаларга нисбатан тарбиявий вазифани бажарувчи катта ёшдаги кишилар, унга доимий таъсир этувчи тизимига эга эмас. Хар бир талабага хар хил таъсирлар окими етиб боради. Улар бир-бирлари билан унчалик мос келмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид келиши мумкин. Педагогнинг уз тарбияланувчиларига курсатадиган турли туман таъсирлари унга тузатиш киритишга интилишига боглик. Албатта бунга талабаларга муносабат унинг шахсий сифатларига караб бошкарилади. Муаммоларнинг куп ёки оз даражада булиши инобатга олинади. Педагогик кобилиятлар структурасида акл, идкоо, хозиржавоблик, танкид куз билан караш, собиткадамлик, нотиклик, суз бойлиги ва хоказолар мухим роль уйнайди.

Педагогик кобилиятлар факат педагогик фаолият самарали булиши шартигина эмас, балки куп жихатдан педагогнинг муваффакиятли ишлаши натижасидир. Шу муносабат билан педагогнинг узида педагогик кобилиятларининг аник максадни кузлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль уйнайди. Тажриба ва махсус тадкикотлар бунинг батамом хакикий нарса эканлигини курсатмокда. Масалан, шахс хусусиятларини кузатиш педагогнинг педагогик тажриба хосил килишга хам, унинг махсус маълумотлар туплашида мухим урин тутади. Педагог узининг социал психологик кузатувчанлиги билан талабаларнинг турли характер хусусиятлари ва майлларини пайкаб колиш кобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо булиш сабабларини билиб олиш, уларга бу сабабларнинг пайдо булиш вазиятига мувофик бахо бериш махоратини ва хоказоларини ривожлантиришга кодирдир. Агар педагогда талабалар билан муносабатларининг ишонч асосида курилишига йул-йурик булсагина, бундай мулокат руй беради. Тарбия жараёнида бундай йул-йурикни амалга ошириш кийин ишдир, лекин бунга бутунлай эришиш

шарт. Педагогда талабалар билан узаро ишонч ва дустлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин. [42]

Талабалар жамоаси билан муомила купинча сухбат, маъруза, ахборот ва хоказолар шаклида булади. Биринчи навбатда сухбатни кандай килиб ташкил этиш, педагогнинг гапларига талабаларнинг диккатини тортиш мухим ахамиятга эга. Бунинг учун бир неча усуллар бор. Педагогик жараёнда тахлил этилаётган масаланинг куйилишидан бошлаш лозим. Бу масалада булажак сухбатнинг маъноси мужассамлашган булади. Мавзуга диккатни.тортиш шарт. Бунда гапнинг эркин кизикарли фактни маълум килишдан бошласа булади. Кейин уни тушунтириш ва тахлил килиш эса муомиланинг мазмунини ташкил этади. Макола ёки бирон бир асардан парча келтириш хам муваффакиятли булиши мумкин. Бундан ташкари дархол талабаларга булажак сухбат уларнинг кизикишлари билан боклик эканлигини айтиб утса хам булади. Мана сухбатга талабаларнинг диккатини жалб килинди хам дейлик. Энди унинг мавзусини анча киска, лекин етарли даражада аник килиб очиб бериш даражаси туради, буни кандай амалга ошириш мумкин? Масалан, сухбатни тузишнинг бундай варианти булиши мумкин. Дастлаб педагог талабалар онги ва хиссиётига етказмокчи булган асосий фикр кискача баён этилади. Сунгра у очиб берилади. Бунинг учун фактлар, мисоллар ва иллюстрациялар тизими баён килинади. Бундан эркин таккослашлар, кутилмаган ухшатишлардан фойдаланиш жуда фойдали булади. Шундан кейин хулоса чикариш, яъни сухбатнинг асосий фикринн бошкача сузлар билан такрорлаш мумкин. Сухбат талабаларда доимий кизикиш уйготиш учун бир катор мураккаб булмаган усуллардан фойдаланиш зарур, энг мухим сузлар ва ибораларнинг интонация билан ажратиб курсатиш ва аксинча интонацияни (ургу) узгартириш унчалик мухим булмаган текстни баён килиш керак. Овоз ва нутк охангини узгартириш фойдалидир. Сухбатни кандай тугаллаш хам мухим ахамият касб этади. У турлича булиши мумкин. Асосий гояларни яна бир марта кискача баён килиб бериш мумкин. Уни шеърий сатрлар билан тугалласа хам булади. Агар талабаларнинг узлари эшитган нарсалари хакида фикр юритишларини хохласа жавобсиз савол билан тугаллаш мумкин. Сухбатнинг якуни барча курсатиб утилган таркибий кисмларини уз ичига оладиган вариант хам булади. Бу коидаларга риоя этиш педагогнинг сузлари талабаларга зарур таъсир курсатиш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташкари педагог эски фикр учун янги сузлар излаши ва топиши даркор, яъни айни бир фикрни турлича баён килишни билиши зарур.

Педагогик одоб-ахлок ва талаба хулк – маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари

[42] ***(Бекмуродов А.И. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари" Номзодлик диссертацияси. 2003 йил.)***

Узбекистон мустакилликка эришган дастлабки кунларданок талаба ёшларни маънавий кадриятлар рухида тарбиялаш энг мухим вазифалардан бири деб белгиланди. Чунки давлатнинг асосини маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги хам булмайди. Узбекитон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдеворидир" номли маърузасида таъкидлаганидек "Бизнинг Республикамизда узимизнинг маънавий кадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш хамда унинг миллий асосларини мустахкамлашга алохида эътибор берилмокда". [43]

Шуни айтиш керакки инсоннинг маънавияти унинг ахлоки, одоби. хулки, маданиятидан ташкил топади. Ахлок эса аклий, хукукий, диний, иктисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар уз навбатида инсон ахлокий сифатларининг камол топиб, бойиб боришида олиб келади. Демак ахлок инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидир. Одоб ва ахлок бир-бири билан узвий богликдир. Одоб алохида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлокий категориядир.

Одоб - бу хар бир инсоннинг жамоа билан булган мулокотига хамда юриш-туришида узини тута билишини курсатади.

Ахлок – жамиятда кабул килинган жамоатчилик фикри билан маъкулланган хулк-одоб нормалари.

Маданият – жамиятда яшовчи фукароларнинг фаолият жараёнида тупланган барча ижобий, аклий ютуклар мажмуаси.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий интеллектуал фазилатлар мажмуасидир.

Мустакил фикрлаш – бу фахмлаш, англаш, фикр юритишдан бошланади.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий-хаётий билимлар мажмуаларининг керагини саралаб олиш ва амалиётга куллаш.

Педагогик одоб-ахлок ва талаба хулк-маданиятини шакллантиришнинг асосий омиллари:

- билим савияси.

[43] И.А.Каримов «Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдеворидир" 7-бет

- касбий маҳорат
- нутк маданияти
- аудиторияни бошкариш
- одилона баҳолаш.
- информацияни тезда англаб етиш.
- касбий билимдонлик;
- бошкарувчилик;
- ташкилотчилик; - юксак маънавият;
- новаторлик;
- юксак маданият; - педагогик—одоб-ахлок;
- педагогик назокат

Ижодкор педагог талаба- ёшларнинг хулк маданиятини шакллантиришда маънавий кадриятларнинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Педагог ижодкорлиги натижасида талаба ёшлар аждодлар тарихи, адабиёти, санъати, анъаналари ва урф-одатлари хакида чукур билим олади. Талабаларнинг маънавий меросга булган кизикиши ошади. Дарс жараёнида самимий, соғлом маънавий мухит яратилади. Маънавий мерос манбааларидан самарали фойдаланиш натижасида талабаларнинг хулк маданияти камол топади. Талаба ёшларнинг хулк маданиятни шакллантириш, биринчидан, дарс жараёнининг муваффакиятли булишига, иккинчидан таълим мазмунига ва педагог - талаба хамкорлик фаолиятига бо-лик. Ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни талаб килади. Бундай хар бир дарсдан педагог максадни аник кура билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тугри белгилаб олиши лозим;

- дарс жараёнидаги билимлар мазмунининг илмийлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, кизикарлилиги талабаларда таълим ва тарбиявий томондан урганиладиган билимга булган кизикишни кучайтиради. Уларнинг билимини кенгайтириш юксак хулкли булиш каби куникма ва малакаларини шакллантиради.

Албатта, бунда дарс шаклларини танлашда мавзунинг мохиятига алохида эътибор берилади. Масалан, касб-хунар коллежларида адабиёт дарси анъанавий даре ёки мунозара тарзида уюштирилса; методика дарси семинар, ёки мунозара тарзида, чет тили дарслари уйин ёки савол жавоблар, сухбат дарслари тарзида уюштирилиши мумкин. Барча шаклдаги дарс жараёнларида талабалар хулк, маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун савол- жавоб килиш, мунозарали вазият пайдо килиш, мустакил ишлаш, турли уйинлардан, таълимнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш мухимдир.

Талабаларнинг маънавий сифатларини шакллантиришда уларга утмиш адабиёти, тарих, миллий урф-одатлар, анъаналар хакида билим бериш педагогдан доимо фаоллик билан муносабатда булишни талаб килади. Талабанинг маънавии эхтиёжини кондириш, кизикишини устириш мустакил ишлар, хар хил ижодий ишлар (иншо, реферат ва бошка) орқали амалга оширилади. Мустакил ишлар педагог ва талаба фаолиятининг

узвий боғланган томонларидир. Мустакил ва ижодий ишларда талаба уз устида мехнат қилади, ижодий изланади, уз нуктаи назари, карашларини шакллантириш билан бирга дунёкараши ва маьнавий савиясини намоён этади. Мустакил ишлаш купрок дарслик устида ишлаш, манбаларнинг у мазмунини тахлил этиш, маъруза, реферат, конспект тайёрлаш, ижодий иншо ёзиш (чет тилида хам) карточкаларга ёзма жавоб бериш, турли жадваллар, диаграммалар, схемалар тузишни такоза этади. Буларнинг барчаси талабадан изланувчанликни талаб килади. Мустакил ишлар, семинарларни ташкил этишда 4 хил манбаларга асосланади.

а) Дарслик материалларига;

б) Маънавий мерос, хисобланган халк орзаки ижоди, диний манбалар, мумтоз адабиёт ва бошкалар;

в) Оммавий ахборот воситалари материалларига (журнал, газеталар, радио, эшиттиришлар, ойнаи жахон курсатувлари);

г) Хаётий мисолларга (оилавий-маиший анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, маънавий кадриятлар ва х.к) Оғзаки мустакил иш турлари ва урганилаётган мавзунинг мохиятининг талабалар амалий фаолиятида мустахкамлаштиришга йуналтирилган баъзи бир ёзма шаклдаги мустакил ишлардан (иншо, саволларга ёзма жавоб топиш, жадвал, диаграмма, карточкаларни тулдириш) аралаш дарс шаклида кенг фойдаланиш яхши натижа беради. Дарс жараёнида педагог маънавий мерос манбаларидан усталик билан., фойдаланиши, уларнинг таълим ва тарбиявий таъсирини хисобга олиш дарсни "кандай тарзда ташкил этилишидан катъий назар (уйин дарси, мунозара дарси, синов дарси ва х.к.), уни уюштиришда фаол, ижодкор, катъий булиши, маънавий меросни яхши билиши ва уни амалиётга тадбик кила олиши зарур. Талабаларнинг огзаки мустакил тайёргарлиги асосида ноанъанавий дарс шаклларини уюштириш хам хулк маданиятини шакллантиришнинг самарали усулларидан хисобланади. Бунда турли мавзулардаги бахс - мунозара дарсларини утказиш мумкин. Бундай дарсларга тайёргарлик куриш жараёнида талаба кенг хажмдаги маънавий манбаларга, бадиий асарлар, халк орзаки ижоди намуналарига, пандномалар, диний манбалар, шарк алломалари хаётига багишланган илмий, оммабоп, автобиографик асарлар, матбуот ва оммавий ахборот материалларига мурожаат килади. Натижада муаммоли саволларга жавоб топади, аждодлар маънавий мероси билан танишишга муяссар булади. Бундай дарслар етарли тайёргарлик, махорат ва кенг куламли билим, тажриба, мустакилликка асосланган холла ташкил этилса, талабанинг хулк маданиятини шакллантирувчи куйидаги ижобий натижаларни беради:

- дарс давомида талабанинг эркинлиги, мустакиллиги, фаоллигига эришилади;

- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни хурмат килишга урганадилар, бу билан уларда узаро хурмат, мулокот маданияти тарбиялана боради; У - талабалар уз фикр - мулохазаларини, карашларини химоя килиш, уларни бошкаларга етказиш махоратини эгаллайдилар;

- талабаларда у ёки бу адибнинг карашларини, халк педагогикаси, хает , тажрибаси асосида кутариб чикилган муаммолар мохиятини давр билан боглаш атроф мухит талаби имконияти асосларни хакконий бахолаш малакаси шаклланади;

- талабаларда жахон цивилизацияси янгиликлари хакидаги билим даражаси ортади, ахлокий - маънавий сифатлари шаклланади;

- хар бир талабада уз-узига талабчанлик, уз-узини назорат килиш хисси ортади, уз устида ишлашга, узини англашга эътибор кучайди. Бундай муваффакиятли натижа синов дарслари, якуний дарсларда намоён булади. Талаба хулк маданиятини асосий мезонлари: инсонпарварлик, мехнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, мехр-мухаббат, иймон, ижодкорлик, фаоллик, ташабускорлик, уз-узини назорат килиш ва уз-узини бахолашни талаб эгади. Бу талаб талабанинг Ватан, ота-она, дустлари, жамоа олдидаги бурчи вазифаларига, таълим-тарбия жараёнида намоён буладиган фаоллик, ижодкорлик хусусиятларига муносабати оркали амалга оширилади. Уз билим, хатги-харакати, атроф-мухитга муносабатини назорат килиш, уз-узини бахолашни ташкил этиш талабанинг ёзма ижодий фаолияти оркали самарали намоён булади. Таълимнинг самарали шакллари анъананий ва ноанъанавий дарс турлари воситалари ва усулларидан жумладан, таълим жараёнида талабаларнинг турли ижодий ёзма ишлари: иншо, реферат, конспект, маъруза каби турларидан кенг фойдаланиш зарур. Дарс жараёнида талабаларнинг ёзма ижодий ишларидан самарали фойдаланиш учун катор у педагогик шартларга амал килиш зарур.

Бунда:

- мустакил ижодий ишларнинг турлари, мавзуси, характери ва унга куйиладиган талаблар аник белгилаб берилиши;

-педагог маънавий сифатларини, маънавий тарихи, кадриятлар мазмуни ва характери хакида етарлича билимга эга булиши, уларнинг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш йулларини билиши;

-педагог хам, талаба хам дарслик ва кушимча манбалар билан мустакил ишлаши;

-педагог таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари, уларнинг тарбиявий имкониятлари, иш натижалари хакида тулиқ педагогик билим билан куролланган булиши;

-Педагог хар бир дарс мавзуси, дарс шакли, усул ва воситаларини талаба хулқ маданиятининг шаклларига таъсирини олдиндан кура билиши;

-ёзма ижодий ишлар талабаларнинг ихтиёрийлиги, ижодкорлиги, кизикиши асосида амалга оширилиши лозим. Дарс жараёнида яратилган маънавий мухит талабларда ижодкорлик эркинлик, фаоллик, тасаввур бойлиги ва билимга булган кизикишни шакллантиради. Дарс жараёнида маънавий меросимиз: утмиш алломаларнинг фикр-карашлари, одоб-ахлок, тугрисидаги у турли хикоялар, халк огзаки ижодидан турли ривоятлар, маколлардан фойдаланиш талабага маънавиятимиз хазинаси хакида пухта билим: олиш, эгалланган билимни намунали намоён этиш, дастур ва

дарслик материалларини хаётий тажрибадан олинган мисоллар билан мазмунан тулдириш, рухий холатлар, тасавур идрок, хиссини баён этиш, хозиржавоблик, таъсирчанлиги билан фаркланади.

Талабаларнинг хулк маданиятини шакллантиришда ижобий таъсир этадиган воситалар.

а) инсон хиссиёти билан боглик, унинг идроки, тафаккури, тасаввури, махсули булган маданий эстетик манбалар, адабиётлар, тасвирий санъат, асарлари, мусика, илм-фан, диний манбалар ва х. к;

б) иллюстрация материаллари маданий мерос сифатида кадрланадиган жугрофик хариталар, халк амалий санъати намуналари, миллий кийимлар, ва х.к;

в) табиий улкашунослик материаллари: тарихий меъморчилик обидалари, азиз кадамжойлар, маърифий масканлар, уй-музейлар ва х.к;

г) образли- таъсирчан ифода воситалари (маънавии мерос хакида диафильм, кинофильм, сахна асарлари, радио эшитгиришлари, ойнаи-жахон курсатувлари, матбуот материаллари);

д) ўқув- тарбиявий, ижодий кургазмали воситалари талабалар ёки педагог томонидан тайёрланадиган жадваллар, хар хил ижодий ишлар, реферат, маъруза, конспект, кичик - кичик поэтик асарлар, манзаралар тасвири ва х.к.

Бу воситалардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш, ноанъанавий дарс шаклларининг амалиётга кенг жорий этиш имкониятини яратади, талабаларнинг дарсга кизикишни оширади, урганиладиган мавзуларнинг мохиятини чукур англаб етиш имконини беради, мустакил фикрлаш, огзаки ва нуткни бойитиш кабиларни шакллантиради.

Мустакил ишда талаба уз устида мехнат килади, ижодий изланади, уз нуктаи назари, карашларини шакллантиради, дунёкараши ва маънавий савиясини намоён этади.

Дарс жараёнида маънавий мерос манбаларидан фойдаланиш натижасида талабаларда маънавий меросга мухаббат, садокат, миллий узлигини англаш, миллий гурур шаклланиб боради. Бу эса уз навбатида талабаларда хулк маданиятини шакллантиришга замин булиб хизмат килади.

Шундай килиб дарс талабаларнинг хулк маданиятини шакллантиришнинг мухим шакли булиб, маънавий меросдан фойдаланишда таълим-тарбия тизимининг асосий бугини хисобланади. Таълим-тарбия жараёнида маънавий мерос манбаларидан фойдаланиш, дарсни самарали ва кизикарли ташкил этиш, турли кургазмали куроллардан, дарсда ноанъанавий воситалардан фойдаланиш талабаларда хулк маданиятини шакллантиришга таъсир этувчи мухим омиллар булиб хисобланади. Албатта бунда педагогнинг дарсни ташкил этиши хам мухим ахамиятга эгадир. Ушбу мавзуга хулоса килиб, шуни айтиш керакки, ўкиб-уккан, чукур одоб ахлокли, адолатли ва адолатсизликнинг фаркига тушунган инсон кайси йулдан бораётганлигига тушуниб етади.

Юртига нисбатан мехр гурур пайдо булади. Натижада у хам Ватаннинг равнакига муносиб фарзанд сифатида уз хиссасини кушади. Демак, хар бир талаба кайси мутахассис эгаси булишидан катьий назар Ватанга мухаббатли, иймонли, адолатпарвар булиши мухимдир.

Бундай фазилатларни узида касб этган ёшлар кандай вазиятда булмасин хамма вакт узига тугри йул танлай олади.

Мустакил жамиятимизнинг камол топишида узларининг чукур билимлари ва адолатли хатти-харакатларини куникмага айлантириши бундай нуфузли талаба ёшларнинг асосий вазифаларидир.

Педагогик одоб-ахлок ва талаба хулк – маданияти тушунчалари хакида асосий куникмаларни шакллантириш максадида талабаларни кичик гурухларга булинган холда куйидаги технологияни куллаш мумкин

1 – гуруҳга топшириқ.

Эксперт варағи №1

1. Хақиқий педагог деб, қандай педагогларни айтишимиз мумкин?
2. Сизнингча маҳоратли педагог қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

2 – гуруҳга топшириқ.

Эксперт варағи №1

1.Ўқитиш жараёнининг самарадор-лиги кимга боғлиқ? нима учун?
2.Сизнингча ҳақиқий педагог қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси
ФСМУ технологияси

(Ф) – Фикрингизни баён этинг.
(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.
(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя килишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда

тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.
«Педагогнинг уз рухий холатини кандай бошкариш лозим?»

F Фикрингизни баён этинг.
S Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
M Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
U Фикрингизни умумлаштиринг.

Педагогик назокат

Педагогик назокат меъёр туйгуси уз талабалари билан тугри муносабатда амал килишдир.

Педагогик назокатнинг асослари деб, бир колипдаги фикрлар (баркарор тасаввурлар) ижтимоий йул-йуриклар ва шахсий хислатлар жамини айтиш мумкин, улар Педагогнинг талабалар билан муомаласи соҳасидаги хулк-атворини белгилаб беради. Педагогнинг педагогик назоратини мазмуни ва уни намоён булиши шаклларини белгилаб берадиган айрим ижтимоий йул-йурикларини куриб чикамиз.

Педагогни уз талабалари билан муносабатларини мулокот тарзида булишини тушуниши лозим. Агарда педагоглар талабалар билан муносабатлари ишонч асосида курилган булса, бундай мулокот ижобий руй беради.

Педагогик назокатни вазифаси агар талабалалр билан Педагогуртасида ишонч муносабатлари урнатилган булса, улар ҳаётни оғир дамларида унинг хузурига ёрдам сураб келадилар, уз кувончлари билан бахам курадилар. Педагогик назокат меъёрда булгани яхши, чунки хар бир ишни уз меъёри бор, ана шу меъёр булганда у иш назокатли намоён булади. Агарда хаддан ташқари чегарадан чикиб кетса, чекинишлар пайдо булади, ишончсизлик юзага кела бошлайди.

Педагогика адолат булиши, талабани укитувчига булган ишонч мухаббатига олиб келади. Албатта педагогда виждон булиши керак. Педагог хеч качон уз фикрини талабаларга мажбуран ургатишига ва мажбуран жавоб олишга ҳаракат килмаслиги керак, акс ҳолда талаба педагог уртасидаги муносабатлар кескинлаша бошлайди, адолат бузила бошлайди. Иззат нафсни бой бермаслик керак. Педагог оралик булиши энг муҳимдир. Педагог талабалар билан буладиган барча муносабатлар адолатли виждонан ҳал килиниши лозим, тушунмовчиликлар содир этилган пайтда ижобий хал этишга харакат килмоги зарурдир.

Бир колипдаги фикрлар умуман педагогик фаолиятда ва хусусан талабалар билан муносабатлар сохасида ижобий роль уйнаши мумкин. Улар педагогнинг гайратини тежайди, анча тез педагогик таъсир этишга ёрдамлашади.

Лекин бир колипдаги фикрлар хам салбий холатларни юзага келтириши умкин. Масалан: дарс жараёнида кулгили ҳолат содир будса, бу холатга мос кулгили вазият килмасдан балки унга жиддий тус бериш, катъий жавоб берилса, вазият мураккаблашади, холос.

Ёки ҳамкасби талабалар билан назокатсиз муносабатда булганлигига карши туриш урнига Педагогни ҳимоя кила бошлайди ва хоказо.

Бундай мисолларни куплаб келтиришимиз мумкин. Булар ҳакида утмиш мутафаккирларимиз фикрларини келтирамиз:

Узга одамнинг даҳлсизлиги, нозиклиги, жамиятини эҳтиёт кил, одамларга ёмонлик килма, ранжитма, дилини оғритма, ташвиш ва нотинчликка йул куйма деган эди. (В.А. Сухомлинский).

Кимки инсонликни узида синаб курмаган экан, у ҳеч қачон одамларни чукур билмайди. (Н.Г. Чернишевский.)

Бировни ерга урсанг, у билан узинг ҳам ерга уринасан. (Б. Вашингтон).

Сенинг хар бир хулк-атворинг бошка кишиларга таъсир этади, ёнингда инсон борлигини унутма. (В.А. Сухомлинский.)

Кишини эркалаш ҳеч качон зиён келтирмайди.

Узгалар айбига тетик назар сол.

Уз айбинг кургандек ундан ибрат ол. (Низомий Ганжавий)

Яхши киши курмагай ёмонлик ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон булса, жазо топкусидир. (Бобур)

Педагогда педагогик нуфуз булиши талабаларнинг эстетик дидини устиришга сайкал беради. Педагогда назокат булиши, талабаларни бир-бирига садокатга, одобли булишга, ширинсуханликка бошлайди. Мутафаккирларнинг айтишича, педагог талабалар ва айниқса, катта ёшдаги усмирлар уртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашиши лозим. Шунингдек зиддиятларни шундай соҳаси борки, унда педагогларнинг аралашуви ниҳоятда чекланган булиши лозим. Шунингдек зиддиятларни шундай сохаси борки, унда педагогларнинг аралашуви нихоятда чекланган бўлиши лозим. Баъзи бир зиддиятлар хам бутун бир жамоада мухокама килиш ўз натижасини бермаслиги мумкин. Бундай вазиятларда йирик педагоглар фикри ва мулохазалари билан маслахатлашган холатда амалга оширилса фойдадан холи бўлмайди. Педагогларнинг мухим ижобий йўл-йўриқларидан бир дилкашликдир. Анъанавий дилкашлик ёки одамларга аралашмаслик шахсининг ўзига хос хусусиятлари деб каралади. бу бутунлай конуний холдир. Лекин бундай ёндашув бир томонламадир. У дилкашлик одамларга аралашмаслик шахсни ўзига хос хусусиятлари бўлибгина қолмай шу билан бирга одамни у ёки бу вазиятдаги муайян хулқ-атвори ҳамдир. Шахснинг хусусияти бўлган дилкашликни атрофдагилар билан баркарор, кучли ривожланган,

алоқаларга интилиш сифатида таърифлаш мумкин, бу интилиш одамлар билан тез алоқа ўрнатишни бирга қўшиб олиб боради.

Дилкашлик ва одамга аралашмаслик шахсни хусусиятлари сифатида караб чикиш эксира ва интраверсия тушунчалари билан боглик равишда самарали булади.

Эксираверт-шахсларга умумий фаоллик, осойишталик, таъсирларга мойиллик хосдир.

Интроверт-ички оламга берилган, одамларга аралашмайдиган, ўз-ўзини назорат қилишга, рефлексга ички хавотирликка мойил бўлади.

Дилкашлик-кўпроқ экстраверт типларига оиддир.

Интроверт типларига одамларга аралашмайдиганлар киради.

Педагогик вазиятлар тез-тез ўзгариб турадиган шароитда педагогнинг вазифаси руй берган вазиятда тез мулжал олиб, унга тугри бахо бера билиш, зарур тарбиявий ахамиятга эга булган тугри карорга келишдан иборатдир. Агар педагог талабаларининг хатти-харакатларини тугри идрок этиб, бахо бера билса, уларни вижудга келтирган сабабларини чукур кура олсагина, шу билан бирга узида сабот, узини тута билиш, сабр токат, сезгирлик каби феъл-атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина, юкоридаги вазифага эришиши мумкин.

Бу педагогик назокатга риоя килишнинг зарур шартидир. Назокат меъёр туйгуси ёки одоб коидаларига риоя килишни билдиради. Педагогик назокат меъёр туйгуси ва ўз талабалари тўғри муносабатга амал килишдир. Педагогик назокатнинг психологик асослари деб бир колипдаги фикрлар (баркарор тасаввурлар) ижтимоий йўл-йўриқлар ва шахсий хислатларнинг жамини айтиш мумкин. Улар педагогнинг талабалар билан муносабатлари диалог (мулокот) тарзида бўлиши лозимлигини тушуниши мухимдир. Агар педагогга талабалар билан муносабатларнинг ишонч асосига курилишига эришишга йўл-йўриқ бўлсагина бундай мулокот руй беради. Тарбия тажрибасида бундай йул-йурикни амалга ошириш кийин ишдир, лекин унга бутунлай эришиш мумкин, талабалардаги катта ёшдаги дустга эга булиш ва у билан муомала килишга катъий эхтиёж мавжуд бўлади.

Педагог махоратини ташкил этишнинг зарурий шарт-шароитлари.

Республикамиз хукумати олий ва халк таълими сохасида уртага куяётган вазифаларни бажариш куп жихатдан педагогга боглик. Янги иктисодий шароитда таълим-тарбиядан кузда тутилаётган максадларга етишиш, талаба-ёшларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътикодли, мехнатсевар, баркамол инсон килиб устириш педагог зиммасига юклатилган. Халкимизнинг келажаги, Мустакил Узбекистоннинг истиклоли куп жихатдан педагогга, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни укитиш ва тарбиялашига булган муносабатига боглик. Узлуксиз таълим тизими-амалга оширилмокда. Шу муносабат билан педагоглар махоратини

ошириш ташкил этиш кайта тайёрлаш иши давлат ва жамиятчининг диккат марказига куйилган. Педагогларни фалсафий жихатдан кенг фикрловчи, юксак махоратли, мулохазали булишларига эътибор берилмокда. Шуни айтиш керакки, педагоглик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши педагог булиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг узигина етарли эмас. Чунки, педагогик назарияда талабаларни укитиш ва тарбиялаш хакида умумий конун-коидалар, умумлаштирилган услубий гоялар баён этилади. Педагогларнинг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Лекин, урта махсус таълим хаёти, амалий жараёни эса хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагог махорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун хам Мустакил Узбекистон давлатининг умумий таълим муассасаларида ишлайдиган педагог, педагог фаолиятига кобилиятли, ижодкор, ишбилармон, миллий маданият ва умуминсоний кадриятларни, дунёвий, диний билимларни мукаммал эгаллаган, маънавий баркамол, Узбекистоннинг мустакил давлат сифатида тараккий этишига ишонадиган ватанпарварлик бурчини тугри англаган, эътикодли фукаро, ихтисослик, психологик, педагогик билимли ва махоратли, булиши мухимдир.

Бирор касбнинг хакикий устаси булиш учун табиий кобилият, маълум жисмоний ва рухий хислатлар жо булиши керак. Педагоглик фаолиятида ёшларни укитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва талабаларнинг иззат-хурматига сазовар булиши учун кишида бу ишга лаёкат, кобилият, махорат, кизикиш булмоғи лозим

Муваффакиятли ишлаш учун хар бир укитузчи педагогик махоратга эга булиши зарур. Педагогик махорат эгаси оз мехнат сарф килиб катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг хамиша хамкори булади. Педагогик ишга кобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик махорат булиши мумкин.

Юксак махоратли педагог учун энг аввало кобилиятли, малакали ва уддабурон булиши керак. Кобилият фаолият жараёнида пайдо булади ва ривожланади. Кобилият малака ва уддабуронликдан фарк қилади. Малака ва удлабуронлик машк, укиш натижаси хисобланса, кобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг урни бекиёсдир. Ана шундагина кобилият деб аталувчи рухий хусусияти тараккий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали булиши учун педагогда кобилиятнинг куйидаги турлари мавжуд булиши лозим. Билим кобилияти, тушунтира олиш кобилияти, кузатувчанлик кобилияти, нутк кобилияти, ташкилотчилик кобилияти, обру ортира олиш кобилияти, келажакни кура билиш кобилияти, диккатни таксимлай олиш кобилияти ва х.к.

Махоратли педагог талабалар рухиятини, билим ва даражасини хисобга олади. Баъзи педагогларга укув материали тушунарли ва кандайдир алохида изохни талаб этмайдигандек туюлади.

Бундай педагоглар талабаларни эмас, балки узларни назарда тутадилар.

Кобилиятли, тажрибали педагог узини талабанинг урнига куя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушинтириш максадида

иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алохида уйлаб чикади.

Махоратли педагог дарс материалини баён этиш жараёнида талабаларнинг кандай узлаштираетганларини талабаларнинг катор белгилар асосида пайкаб олади ва зарур холларда баён к.илиш усулини узгартиради. Шунингдек педагог талабаларни саводли узлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга утишлари, бушашини, ланжлик, лаёкатликларини бархам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вакт ажратиш зарурлигини хисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга кадар иш бошламайди.

Педагогнинг одоби, маданияти юксак булсагина, одамларга нисбатан мехрибон, саховатли була олади, уни хамма хурмат килади. Педагог умуминсоний кадриятларни ижодий урганиб, таълим тарбия жараёнига татбик этиши лозим. Шу билан бирга миллий узига хослигимизни, асрлар синовидан утган анъаналаримизни, хамиша иймон-эътикод билан яшаш каби хаётий тамойилларимизни хам саклаб, хам юксалтириб бориши ва уларни талабалар калбига сингдириш зарур. Педагог фаолияти уз мохиятига кура ижодий характерига эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эхтиёж тугилади. Педагог фаолияти ана шундай х,усусиятга эга. Педагогик ижодкорларнинг асосий мо^ияти фаолиятининг максади ва характери билан боглик. Педагогик сраолият киши шахсини, унинг дунёк.араши, эътикоди, онги, хулк-атворини шакллантиришдек умумии максадга буисунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Педагог фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни хал кила олиш йулларини кидириб топа олишида ифодаланади

Педагогик ижодкорлик манбаи - бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба - муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илгор педагогик тажриба деганда, биз педагогнинг уз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини талабаларнинг таълим-тарбиясига янги, самарали йул ва воситаларни кидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган педагог факат талабаларни муваффакиятли укитиш ва тарбия бериш, илгор иш тажрибаларини урганиш билангина чекланиб колмасдан тараккиётчилик куникма ва малакаларига хам эга булиш зарур. хозирги замон фан ва техника тараккиёти педагогнинг ижодкор булишини, фаннинг Мухим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютукларини талабаларга етказа олиши, тадкикот ишларига ургата олишини талаб киилади.

Тарбия жараёнида педагогик таъсир курсатиш талабага у ёки бу юксак ахлокий сифатларининг мохиятини англатиш жараёнида кулланиладиган педагогнинг иш усулларидан биридир.

Хар бир шахсга таъсир этиши тарбиячининг педагогик махорати ва обрусига богликдир. Бунда:

- талабанинг ижобий хатти-харакатларига тускинлик килмаслиги;
- талабларни аник ва тушунарли булиши;
- куйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чехра, самимий бир охангда берилиши, илтимос, маслахат, яхши ниятга чорлаш;
- талаб талабаларнинг ёши, билими савиясига мос булиши.
-талаблард|а кесатиш, лукма, миннат килиш булмаслиги ва бошкаларга эътибор бериш лозим.

Кишилик жамоаси пайдо булган даврдан бошлаб инсон хеч качон ёлгиз яшай олмаган. Жамоаларни ташкил килиш ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан урганилиб, v илмий тадкикот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг навбатдагн вазифаси талаба-ёшлар жамоасини ташкил килиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни узлаштириб, илгор тажрибаларга суяниб, уларни тарбиявий жараёнида уртоклик, дустлик, узаро хамкорлик, хамжихатлик, уз-узини тарбиялаш ва бошкариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш махоратини узлаштиришдан иборат. Улар:

- Хар бир талаба шахсида узаро муносабат алокаларини яратиш;
- талабалар кундалик фаолиятларининг хамма кирраларини жамоада жипслаштириш;
- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юкори куййшга ургатиш; жамоада бир-бирига мехр-окибатли, мурувват ва сахийлик дустона хамкорлик мавжуд булса, у катта тарбиявии кучга айланади.

Касб-хунар таълими коллежи талабалар жамоаларини, ташкил килишда педагогдан турли-туман усул ва воситалардан махорат билан фойдаланиш талаб килинади:

1. Педагог жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, хурмат, хушмуомалалик талабларни тутри куя билиш, шу билан бирга талабани тушуниш ва эшита билиш махоратига эга булиши керак.

2. талабалар жамоасидаги етакчи куч-таянч узагини танлаш.

3. Жамоа аъзоларининг хар бирининг кучига, кобилиятига караб топшириқлар бериш.

4. Жамоада янги анъана, конун-коидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал килиш.

5. Жамоа истикболини давр талаби билан мослашган холда белгилаш талаб қилинади.

Хар бир педагог педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали булиши учун уз устида муттасил ишлаши,

билимини, махоратини устириши, талабалар билан буладиган муносабатларни пухта уйлаб, уларнинг кунглига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, узини тута билишини назорат килиши керак. Хар бир тарбиячининг дунёкараши унинг муомаласида намоён булади. Муомаланинг асосий воситаси - тилдир. Халкимизда шундай накл бор "Талаба-ширин сузнинг гадоси". Шундай экан тарбиячи муомала жараёнида жуда эхтиёткор булиши максадга мувофикдир. Алишер Навоий муомала килувчи шахснинг махорати хакида шундай дейди: "Ширин суз кунгиллар учун бамисоли асалдир."

Шунинг учун хам педагог хар он нутк маданиятига каттик, эътибор бериши, узининг психологик, эстетик, жисмоний, ахлокий жихатларини намуна холатда намоён этиши мухим. Юксак туйгу маданиятига эга булган педагог талабаларнинг кайфияти, нохушлигини дарров фахмлайди.

Купол, одобсиз гапларга урин қолдирмаслик, талаба шахсига тегадиган купол муомала килиш педагогнинг фаолиятига путур етказади. Талаба ахволини тушуниш унга хамдард булиши, мадад бериш керак. Педагог узининг педагогик фаолиятида аввало турри суз булиши, ишларини адолат билан олиб бориши керак. Бу хислат тарбиячи билан талаба уртасида якинликни оширади, чунки адолат инсонлар хул^ини бахоловчи мухим мезондир.

Хазрат Алишер Навоий айтганидек: «Лоакал бир харф ургатган устознинг хаккини юз минг ганжу хазина билан хам узиб булмайди». Биз улардан умрбод карздормиз.

Педагог фаолиятида педагогик тажриба туплаш.

Бугунги кунда иктисодий ва сиёсий сохалардаги барча ислохатларнинг асосий максади юртимизда яшаётган барча фукаролар учун муносиб хает шароитларини ташкил килишдан -боришдан иборатдир. Шу жихатдан хам маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиклол гоясини узида мужассам этган янги авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йуналишларидан бири хисобланади.

Республикамиз хукумати халқ таълими сохасида уртага куяётган вазифаларни бажариш куп жихатдан педагогга боклик. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг хилма хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътикодли, мехнатсевар, баркамол инсон қилиб устириш педагог зиммасига юклатилган.

Дархақиқат, халқимизнинг келажаги, мустакил Узбекистонинг истикболи куп жихатдан педагогга, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш ишида булган муносабатига боглик. Келажак авлод хакида кайгуриш, соглом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис мамлакатимизнинг истиклол йулидаги биринчи кадамлариданок буюк маданиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий

заминини мустахкамлаш, замон талаблари билан уйгунлаштиришга катта ахамият бериб келинмокда.

Педагоглар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш ишларини амалга оширилиши педагогик махоратни такомиллаштиришда мухим омил булиб хизмат килмокда.

Замонавий педагогга биргина умумий маданиятнинг узи кифоя килмайди. Шунингдек махсус билимлар ва малакалар асосида талабаларини кузатиш, уларнинг усишидаги мухим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий гоялар билан таккослаш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йуллари ва усулларини аниклаш, турли воситалар билан тарбиявий таъсир курсатиш, тахлил килиш, педагогик изланишлар ва ютукларни илмий жихатдан бир тизимга солиш максадга мувофикдир.

Албатта бунда педагог талабчан, яхши мехрибон, сабрли, босиқ ва уз касбига нисбатан эътикодли булиши лозим. Талабани бутун калби билан севадиган педагог купрок табассум килади, камрок ковок солади. Талабаларга билим бериш билан биргаликда айни вактда уларга уз характерини утказа олади, уларга одамийлик намунаси булиб куринади.

Педагогнинг касбга оид махоратини шакллантиришда педагогик-психологик назарияларнинг ахамияти каттадир, чунки маънавиятимизнинг шаклланишида уз-узига эга булган улур инсонлар фаолияти тугрисида, уларга куйилаётган талаблар хакида замонавий педагогик технологиялар тугрисида назариялар педагогик махоратни шакллантиришнинг асосий манбаи булиб хизмат килади.

Педагогик тажрибаларни такомиллаштиришда илмий педагогик маълумотлардан фойдаланиш мухим ахамиятга эга.

Чунки, хозирги замон фан ва техника тараккиёти педагогнинг ижодкор булишини фаннинг мухим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютукларини талабаларга етказа олиши ва нихоят талабаларни хам ижобий фикрлаш, тадкикотчилик ишларини ургата олишини талаб килади. Шунинг учун педагог аввало тадкикодчилик ишларини олиб бориши ва бу сохадаги малакаларни эгаллаши зарур. Педагог илмий тадкикот ишларини олиб бориши давомида, тажрибаларни туплайди, тахлил килади, улар асосида хулосалар чикаради. У шу хулосалардан узининг амалий "фаолиятида фойдаланиш жараёнида хозирги замон педагог учун зарур булган жуда мухим билимларни эгалланди.

Педагогик махоратни такомиллаштиришда шахсий педагогик изланишнинг ахамияти каттадир. Педагог ишидаги муваффакиятни кунлик фаолиятида катталар ва талабалар, айрим гурух ва якка шахслар билан алокага кириша олиш кобилиятини таъминлайди

Алокалар фаолиятда дуч келадиган турли хил вокеаларга педагогик коидалар нуктаи назаридан эмас, балки шароитни хисобга олган холда ижобий хал этиш талаб этилади.

Кенг илмий савияга эга булиш, интелектуал кизикиш, янгиликни хис кила билиш, педагогик махоратни оширишга интилиш педагогга хос хусусиятлардан хисобланади.

Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувоффик булиши учун амалий ва назарий машрулотлар утказилади. Бу сохада илмий тадкикот ишлари амалга оширилади.

| Шахсий изланишлар ва илмий тадкикот ишларини олиб бориш педагогнинг педагогик махоратини такомиллаштиришнинг мухим омилибулиб хисобланади. Мустакил Узбекистон давлатининг касб-хунар таълими коллежларида ишлайдиган педагог ватанпарварлик бурчини турли англаган холда ихтисосга доир билимларни чукур билишлари лозимдир.

Шунингдек назарий, миллий маданият ва умуминсоний кадриятларни, дунёвий, диний илмлардан хам хабардор маънавий баркамол булмоги лозим.

Халкимизнинг келажаги мустакил Узбекистонниг истикболи куп жихатдан педагогга, унинг савиясига, ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш ишига булган муносабатига борлик.

Илмий педагогик изланишларни бахолаш мезонлари туррисида фикр юритилганда, аввало тадкикотнинг замонавийлиги, долзарблиги, ундан кузланган максад хамда натижалар назарида тутилади.

Педагог шахсининг касб сохасидаги хусусиятлари бу-талабаларни севиш, улар билан ишлашга кизикиш, уз касбига мухабатли булиш, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик кобилияти, хакконийлик, дилкашлик, талабчанлик, катъийлик ва максадга интилиш, вазминлик, узини тута билиш, касбий лаёкатлик ва бошкалар.

Самарали педагогик таъсир курсатишни тугри ташкил этиш талабалар билан муомила килишда, самимий муносабатда булишга ёрдам беради.

Амалий педагогик фаолиятда илмий гоялар ва педагогик тарбияни куллаш, педагог мехнатига куп жихатдан борлик. Лекин бу мехнат натижалари дархол куринмайди. Унинг махсулини куриш учун йиллаб мехнат килиш керак. Педагог фаолиятини урганиш шуни курсатадики, бу фаолият узининг сифат курсаткичлари буиича хам турлича булади. Хакикий фидоий педагоглар уз фаолиятида энг яхши натижаларга эришадилар. Тажрибали новатор педагоглар талабаларга самарали таълим тарбия бериш билан бир каторда педагогика фанидан янги йул хам очмокдалар.Педагогик мехнатни амалга ошириш жараёнида куйидаги хусусиятларни уз фаолиятида амалга оширишлари зарур.

1. Педагогнинг сиёсий карашлари ва эътикодининг аниклиги хамда баркарорлиги, талабалар олдида чинакам обру эътибор козониши.

2. Мамлакатнинг бутун ижтимоий хаётида фаол иштирок этиш ва эгаллаган тажрибаларни коллежга олиб кириш, бу фаолиятга уз талабаларини жалб килиш уларни ижтимоий, хаётда фаол иштирок этишини таъминлаш.

3. Хар бир талаба шахсига катта кизикиш билан караш ва барча жамоа ишларини ташкил этиш.

4. Педагоглар уз ишларига бугунги кун талаби билан эмас, балки келажакни уйлаб иш юритиш.

5. Талабаларга булган муносабатлари, уларнинг такдири хакида гамхурлик килиш, уз тарбияланувчиларининг келажаги билан кизикиш.

6. Талаба шахсига хар томонлама таъсир курсатиш.

7. Илгор педагогик тажрибани хамда таълим ва тарбиянинг назариясини чукур урганиш, хамма янгиликларни тушуниб олиш, уларни уз тажрибалари билан солиштириб куриш, баъзиларини "уз ишида тадбик килиш.

Педагогнинг ижодкорлиги талабанинг ижодкорлигини уйготади. Улар уз талабаларини ватанга садокат рухида тарбиялаш билан бирга уларнинг калбида олижаноб фазилатларни карор топтирадилар.

Шундай экан, педагогларнинг педагогик махоратида шахсий фаолият тизимини ишлаб чикиш мухимдир. Хаёт кашфиётлар олами. Тажриба, услуб, фикрлар ранг-баранг. У самарали мехнат натижасида исбот ва далиллар оркали талабалар калбига кучади. Уларнинг туйгуларига таъсир курсатади. Талабалар муаллимнинг фахри, келажагидир. Шу боис уларнинг нияти талабаларни мустакил юрт курувчилари, мухандислари, илму маърифат фидоийлари сафида куришдир. Педагогнинг энг биринчи максади талабасини тезрок саводли килишдан иборатдир. Лекин уни амалга ошириш жуда хам машаккатдир.

Хар бир педагогниг уз фаолият тизимини ишлаб чикиш ва унга каътий амал килиш унинг таълим сохасидаги муваффакиятлариниг мухим омилларидан биридир. педагог бир хил методларда дарс утиш билан чекланиб колмаслиги лозим. Аксинча у укитиш методларини такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаши зарур.

Педагогнинг талабалар билан муомиласи тарбия натижаларига катта таъсир курсатади. Талабага мухаббат хеч качон жавобсиз колмайди.

Касб-хунар таълимни стандартлаштириш. Касб-хунар таълимнинг давлат т'аълим стандарти талабалар билим савиясига куйиладиган мажбурии минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни шакллари вазифалари, усулларини, унинг сифатини бахолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг узаги хисобланган стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият курсатаётган турли муассасаларда давлат ва нодавлат таълимнинг баркарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилди. Давлат таълим стандарта уз мохиятига кура укув дастурлари, дарсликлар, кулланмалар, низомлар ва бошка меъёрий хужжатларни яратиш учун асос булиб хизмат килади.

Касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти узининг тузилиши ва мазмунига кура давлат, худуд, коллеж манфаатлари ва вазифаларини акс эттиради, хамда энг асосий талаба шахси, унинг интилишлари, кобилият ва кизикишлари устуворлигидан келиб

чикади. Давлат таълим стандартини бажариш Узбекистон Республикаси худудида курсатилаётган мулкчилик шарти ва иродавий буйсинишдан катъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир

Дарс жараёнида педагог махорати.

Ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳада ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади.

Дарс- педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Педагогнинг асосий педагогик эҳтиёжи-ўргатиш, етказиб бериш- айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри,янгича муносабат керак.

Дарс жараёнида педагог олдида муҳим бир масала туради. Талабаларни билим олишга жалб қилиш,уларни олға ҳаракатлантиришдир. Бу эса педагог ва талабаларни (ўзаро) биргаликдаги меҳнатга жалб қилади. Бунинг учун ўқитишга мажбур қилмаслик керак. Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири-дарсда талабадаги қўрқувни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиш, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш.

Дарсда аниқ мақсад ғояси. Бу-талабалар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориш, уларга аниқ бир мақсад қўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига ва буни амалга оширишга ишонтириш - уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкунлигини шакиллантириш.

Дарс ўтиш жараёнида қуруқ гап билан чнгараланмай, талаба ҳотирасини шакиллантириш, мантиқ, тасаввур, фикирлай олишини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, талабаларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш шахсий сифатларидаги нотекисликларни, нуқсонларини бартараф қилишга ёрдам беради. Уларда эркин фикир қилиш камол топади. Натижада талабалар ўтиладиган мавзуни оз бўлсада, муҳокама қилишда фаол, педагог қайси дарсни ўтишдан қатъий назар, ҳеч қандай кераксиз,ортиқча нарсаларга тўхталмай, ҳар бир мавзуни аниқ, равшан, лўнда тушунтириши ва шу билан бирга талабаларни индивидуал ва жамоа ўз-ўзига баҳо беришга ўргатиши лозим.

Дарс ўтиш давомида педагог шундай усуллардан фойдаланиш керакки, талабалар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу-ҳар бир талаба ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намаён бўлади. Ҳар ким ўз гуруҳида ҳимоя остида, ҳечким уни шубҳа билан ҳақорат қилмайди.

Педагогнинг педагогик маҳоратида дарснинг ўрни муҳим. Дарс-шундай марказки, педагогнинг ҳар бир тафаккури ва ҳаракатлари шу марказ атрофида айланиб, яна унга қайтиб келади. Ҳар бир дарс ўқитиш жараёнига ўзининг, фақат унга хос бўлган ҳиссасини қўшади.

Замонавий дарс фақат ўқитишнинг метод ва формалари билин чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини

амалга ошириш, педагог ва талаба фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Дарс педагогдан ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади.

Педагогнинг ўқитиш воситалари унинг ижрткорлигига, кўп қиррали билимга, талабаларни севиш, фаолиятига асосланади. Дарс беришда педагогнинг муваффақияти унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Дарс тайёрлаш жараёнида педагогшу предметга қарашли, психологик-педагогик, методик китобларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши, бадий адабиётдан, ҳар хил кинофилъмлардан фойдаланиши керак. Дарс бериш жараёнида воситалар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу педагогнинг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интиликтуал фаолиятига боғлиқ. Албатда бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта омиллардан иборат. Шуларнинг асосий давлат педагогикаси томонидан қабул қилинган материал. Педагогўқув программанинг асосий йўналишларини билиши керак. Ҳар бир дарсда 3 та масалага эътибор қаратиши керак. Булар;

1. Тарбиявий масалалар- педагогнинг бўлаётган масалаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакиллантиради. Уларда инсон парварлие, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илм оширадиган масалалар- ўз ичига талабаларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллаттиришини олади.

3. Билиш масалалари- талабаларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини,ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишни шакиллантириш.

Тажрибали педагоглар томонидан талабаларнинг дарсдаги мухим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчакий хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Педагог томонидан дарсни ишлаб чиқиш, яъни педагог-дарснинг муаллифи. Дарснинг қандай бўлиши унинг ижоткорлигига ва махоратига боғлиқ. Аввало дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуйидагиларни олади;

1. ўқув дарсидан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;

2. педагогнинг ҳаётий ва тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлишқ;

3. ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейинги ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;

4. ҳар бир мавзунинг талабалар психологиясига мослашиши мақсадга мувофивкдир.

Дарс жараёнини педагогташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, талабани таълимнинг субъектига айлантиришга, талабалар ҳам шу дарснинг ҳам муаллифлигига айлантиришга интилади.

Дарсни ишлаб чиқиш-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситаларни танлаш демакдир.

Шуни таъкидлаш керакки, дарсни ишлаб чиқишда ўрганилаётган материали ўзлаштиришнинг методик уусулларини танлаш-биринчи ўринда туриш керак, кейин эса унинг бошқа кампанентлари уй вазифани текшириш мустахкамлаш методларига амал қилиш керак.

Дарс режасини тузиш жуда муҳимдир. Ҳаттоки кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагоглар ҳам янги, энди ишга тушган педагоглар ҳам хар бир дарсликларни кўриб чиқишни канда қилмасликлари. Бу албатта. Талабаларнинг билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг маҳорати,аниқли фаолиятини бошқариш. Дарсда билиш фаолиятини бошқариш маҳорати кўпгина факторларга боғлиқ. Шуларнинг энг асосийси, педагогнинг ўз предметини талабаларга қизиқарли қилиб кўрсатаолиш қобилияти. Чунки қизиқиш кўпгина,масалан, англаш, ҳотира, диққат, фикирлаш, ирода каби психик жараён ва функцияларга брғлиқ.

Талаларнинг ўқишга қизиқишини вужудга кептириб, уни ривожлантиришда педагогқуйидаги асосий ҳолатларга эътибор бериши керак.

Талабаларда ўрганилаётган предметга қизиқиши,уни яхши кўришини шакиллантиришига, изланувчанликка, янги билимларни очишга, муаммоли характердан масалаларни ечишга жалб қилиш муҳимдир. Шундай экан, ўқитиш турли-туман бўлганда қизтқ бўлади. Бир ҳил ахборот ва фаолиятнинг бир хил усуллари тезгина зериктириб юборади.

Ўқитилаётган предметга қизиқишни орттириш учун, унинг умуман ёки алоҳида бўлимларда кераклиги, муҳумлиги, мақсадга мувофиқлигини англатиш керак. Янги материал қанчалик олдинги материал билан боғлиқ бўлса, у шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Унчалик осон ёки унчалик қийин бўлмаган материал қизиқиш уйғотмайди. Ўқитиш қийин, лекин уддалаш мумкин бўладиган бўлиши керак.

Талаба ишини қанчалик тез текширилиб ва баҳолаб турилса, ўқувчи учун ишлаш шунчалик қизиқарли бўлади.

Ўқув материалининг ёркин бўлиши талабаларда қизиқиш уйғотади.

Тажрибали педагоглар ўқитиш усулларини танлашда ижодий ва катта маъсулият билан ёндашадилар. Агар гуруҳ ёш группа билан ишлаш жараёнида бир хил методлардан фойдаланиаган бўлса, тарбиялаш жараёнида ижодкорликнинг асари ҳам қолмайди.

Педагог ўқитиш жараёнида ҳар хил қизиқарли воситалар, ўйинлардан, масалалардан, мисоллардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитишда ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлавермайди. Шунинг учун педагогўқувчилада ирода, қатъиятликни шакллантириши керак.

Дарсдаги иши формаларнинг турли-туманлиги.

Тажрибали педагоглар асосий эътиборни маъруза-дарслар, семенар мустақил иш дарслар, конкрус-дарсларни ўтишга қаратади. Педагогнинг маҳорати шундай турлардан дарсларни ўта олиш тнхникасида ҳам намаён бўлади.

Маъруза дарси талабалар онгига, фикрлашини фаоллаштиришда катта ёрдам беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, маъруза бошлашида ўқитилаётган материалнинг мақсадини, нимага ўқитилаётганини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Кейин эса керакли билим олишда асос бўладиган принциплар, фикирни исботлаш ва қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатади.

Шундан кейингина кўриб чиқилаётган масалани мағзи чақилади.

Маъруза дарсида педагог саволлар, диалог, такрорлаш, таққослашлардан фойдаланилади.

Семинар дарси- талабаларни юқори ақлий фаолиятини, янги билим ва кўникма олишга интилишини келиб чиқаради. Бундай педагог ностандарт усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мунозара дарси - талабаларни муаммоли масалалар билан тўқнаштириш ўзларининг фикирларини баён эттириш учун (ўқув) педагогдан катта маҳорат талаб этилади.

Конкурсли дарслар- ноанъавий ҳисобланади. Чунки уларни талабаларнинг ўзлари ўтказадилар. Улар ўзлари материал топишади, изланишади ва х.к.

Муаммоли ўқитиш- бу шундай методки, унда педагог ўртага бир муаммони ташлаб, бу муаммони ечишда вужудга келадиган қарамақарши-ликлар, эътирозларни кўрсатиб беради, эксперемент орқали ҳақлигини исботлайди, турли хил нуқтаи назарларни тушунтиради. Талабаларга формула, қонунлар, сана ва минг хил қоидаларни қуруқ ёдлатишдан фойда йўқ. Шунинг учун ижодий характердаги саволлар билан талабаларга мурожат этиш муҳим. Бунда тажрибали мутахассис талабалар билан педагогик жараённи ҳамкорликда амалга оширади.

Бундай дарсда талабаларнинг билим олишга қизиқиши, эҳтиёжи, талабчанлиги ошади. Улар савол бериб, шу саволга жавоб излашади.

Анъанавий дарсларда педагог савол беради. Талабалар эса шу саволга фақатгина дарсликка таяниб жавоб беради. Бундай пайтда, талабаларда шундай тасаввур пайдо бўладики, ҳамма нарса, хақиқат шу дарсликда намаён бўляпти, унда яна нимани излаш керак? Нимага? Бу охир оқибатда дарснинг зерикарли бўлишига олиб келади.

Педагог хар бир дарсни муаммоли, изланувчан, фаол бўлиши учун, талабаларга савол ва топшириқлар тизимини яратади. Бу саволлар қисқа ва лўнда бўлиши керак. Бундай саволлар талабаларнинг нафақат фикирлаш доираси, изланувчанлигини кенгайтиради, балки уларни ижодий қоблиятларини, ташкилотчилилигини, интизомлилигини, кучайтиради.

Шундай саволларни қўллаш керакки, уларда эътирозли, қарама-қаршилик томонлари бўлсин. Талаба мулоҳаза юритсин. Шуни айтиш

керакки, саволларнинг кўплиги ёки камлиги гурухдаги талабаларнинг ёшга интеллектуал қобилиятига мос келиш керак.

Педагог ўзининг дарсида талабаларнинг хатога йўл қўйиш мумкинлигини инобатга олиш керак. Ўзи эса саволларни тўлдириб, жавобларни хам тўла бериши керак.

Жавобларни юзаки, саёз бўлиши кейинги савол беришга бўлган ҳоҳишни сундириши мумкин, шу билан бирга талабаларни фаоллиги ҳам сўнади.

Дарсдаги мустақил иш. Тажрибали педагогнинг ёш педагогдан фарқи у кам куч сарф қилиб яхши натижага эришади, чунки у талабаларни мустақил билим олишга ўргатади. У шундай қоидага бўйсунади; агар материал осонроқ бўлса, у талабаларга мустақил иш қилиб беради, агар қийинроқ бўлса, ўзи тушунтиради. Мустақил ишнинг кўп турларини ўкитувчилар талабаларни янги билимни эгаллашга тайёрлаш учун қўллашади. Биринчи навбатта бу такрорлаш характеридаги ишлар. Уларга олдинги ўтилган мавзулар юзасидан масала, мисоллар, педагогнинг топшириғига асосан бирор дарсликни танлаб бериш, график ишлар, яъни схема, жадвал ва бошқалар.

Бундан ташқари мустақил ишни янги материални ўрганишда ҳам қўллаш мумкин. Биринчи ва иккинчи холатларда мустақил ишни ўқитиш жараёнига сингдириш педагог раҳбарлигида олиб борилади.

Тажрибали педагоглар талабаларни дарслик билан мустақил ишлашга, конспект қилиш техникасига, ижодий ишларнинг методикасига ўргатиб бориш керак.

Тажрибали педагог дарсда, талабаларнинг дарслик билан ишлаётган пайтида, тез ишлайдиган талабани тўхтатмайди, секин ишлайдиган ўқувчини шошилтирмайди.

Берилган саволга тўғри жавоб берган талабага кейинги саволни беради. Хатога йўл қўйган талабага тезгина қўшимча топшириқ беради.

Мустақил ишни ташкил қилишда ёш педагог ўзига камроқ мажбуриятни олади. Талабалар шунга ўрганиб қолишадики, педагог хамма нарсани тушунтириб, керакли жойини муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Ваҳоланки, шу материални мустақил ўрганиб чиқишга, уни қайта ишлашга талабалар ўрганмаган бўлади

Ҳар доим талабаларнинг индивидуал қобилиятларини ўрганиб, кузатиб, ҳисобга олиб юрадиган педагог уларнинг мустақил ишини ташкиллаштиришда педагогик маҳоратга эга бўлади.

Дарсда тескари алоқаларни амалга ошириш. Талабаларнинг билим эгаллаш жараёнини ташкил зтиш учун, педагог дарсдаги тескари илоқаларни амалга ошириши керак. Бундай маҳоратга педагог талабалар билан мулоқот қилган кузатувчанлиги, яхши ривожланган тасаввур ва чуқур мулохазали бўлгандагина эришилади.

Бунда тажрибали педагог билим олишда пассив талабаларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин;

-билиш доираси суст (диққатсиз, хотираси ёмон, фикрлаш, мулоҳаза юритиш доираси яхши ривожланмаган ва х.к.)

-эмоционал- иродалилигидаги камчиликлар (пассив, суст, ортиқча ҳаяжонли, қунти йўқлиги ва х.к.)

-шахсий сифатларнинг яхши шаклланганлиги (билим олишга қизиқиш, мустақил иш юритиш, жавобгарлик, маъсулият)

Педагог мутахасис бой тасаввурга эга бўлиши керак. Бу нарса ўзини талабалар ўрнига ҳаёлан қўлга олиш, ўқувчининг ролига кириб, шу нуқтаи назардан педагогик муаммоларни ҳал қилишда намоён бўлади. Бундай педагоглар тўғрисида талабалар; «Улар ҳамма нарсани кўрадилар, улардан хеч нарсани яшириб бўлмайди.” деб гапиришади, одатда. Шунинг учун, муносабатни амалга оширишнинг асосий талаби тарбияланувчи психологиясини англай олишдир.

Савол тугилади; қарама-қарши муносабатни қачон амалга оширса яхши бўлади? Илғор педагоглар кўпинча дарсни олдинги билимларни фаоллаштиришдан эмас, балки муаммоли вазиятни туғдириш ёки олдин қўйилган муаммони ечими тўғрисидаги тахминларни, ўртага ташланган таҳминни исботлаш вақтида, улар аввал эгаллаган билимларни долзарб эканлигини қўллашади. Бундан ташқари дарс бошида олдинги ўтилган мавзуга асосан назорат иши ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммони долзарб ғояси педагогга дарсни нимадан бошлаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Баъзида дарсни оғзаки сўроқ билан бошлаш, баъзида эса масала берувчи ёки мисолни ечиш билан бошлаш мақсадга мувофиқ .

Шуни айтиш керакки, дарснинг бошланиши унинг кейинги боришини ҳам, ўқитиш усулини ҳам танлашни белгилаб беради.Бу албатта педагогнинг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлигига боғлиқ.

Уй-мустақил иши. Етук педагог – мутахассислар талабаларнинг ўзлаштиришини ошириш самарадорлигини ҳар доим уй – мустақил ишини тўғри ташкил этиш билан боғлайдилар.

Яхши педагоглар уй вазифаларини қизиқарли бўлишига ҳаракат қиладилар.

Шу мақсадда улар вазифаларни ҳарактер ва формасига қараб:оғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз ҳоҳишидаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танланган топшириқ, индивидуал ва группали ва х.к.га ўзгартиришади.

Уй вазифасини аниқ ва тўғри бўлиши учун педагог дарс жараёнида самарали қилиб,тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам малакали педагоглар янги материални тушунтиришга кўпроқ вақт ажратадилар.Чунки билимларнинг оғзаки мағзини чақиш, англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги дарсда уй вазифалари текширишга шунчплик камроқ вақт кетади.

Ёш педагог биринчи кунларданоқ шунга эътибор бериши лозим. Янги материални тушунтиришга кўпинчи вақт етмасликнинг сабаби шундаки, уй вазифасини текширишга кўп вақт ажратилади, чунки материални ўзлаштирмаган бўлади. Шунинг учун, тажрибага эга бўлган педагоглар

янги мавзуни тушунтириш вақтида педагогни вазифасини бажаришда мунтазам равишда тайёрлаб борадилар. Улар асосий эътиборни талабаларни аниқ, бир хил тушунганлигига ва уларнинг қай даражада материални тушунганлиги текшириб борилади.

Шубҳасиз, уй вазифаларини бажаришининг фаоллаштириш сабабларидан бири, уларни тез – тез педагог томонидан текширилиб борилишидир. Акс ҳолда педагогларда уй вазифаларининг назоратсиз (тарзда) бўлиши вужудга келиши мумкин ва улар уй вазифаларни бажаришда суст бўлиб қолишади. “Топшириқ бердингми – текшир, текширмадингми топшириқ берма” – бу қоидага педагог доимо амал қилиши керак.

Педагог меҳнатининг маданияти. Педагогик маҳоратни эгаллаш учун педагогга фақат ўзининг фанини чуқур билиши етарли эмас, у бундан ташқари сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида одамларни нимаики қизиқтирса, ҳаммасидан хабардор бўлиши керак.Дарс ҳар доим таълим жараёнига ўхшаб, ўз ичига сиёсий йўналганлик элементини олади. Дарс бу ҳали кафедра, ҳали минбар, умуман – дунёга бўлган ўзига ва талабаларга педагогнинг муносабати акс эттириладиган вазият. Шунда фуқаролик қарашлари касбий қарашларни такомиллаштиради. Педагогик маҳоратнинг калити ҳам шу ерда.

Дарснинг психологик аспектларини ҳисобса олиш.

Педагог ҳар доим талабанинг ривожланиш даражасини, унинг хотираси, диққати, иродаси, қунтини синайди. Шунда нималарга амал қилиши лозим? Педагог ҳеч қачон ўзининг талабаси, қолаверса инсон ҳақида ёмон ўйламаслиги, шошма – шошарлик билан унга баҳо бермаслик керак. Унинг асосий вазифаси - талабани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, уни тушуниш, педагоглик касби ўйламай иш қилишни кечирмайди: талаба қалбига нисбатан самимийлик, уни психологиясини, ички дунёсини англаш педагогга хос.

Дарсда қулай психологик режимни қандай қилиб сақласа бўлади

Биринчи навбатда, талабага халақит бераётган, диққатини бир жойга жамлашга тўсқинлик қилаётган, гуруҳ шароитида, ўртоқлари ёки педагогнинг ҳаракатларида ёки ўзининг мустақил ишида чалғитадиган, ғашига тегадиган нарсаларга барҳам топиш керак:

Ёш педагог талабаларга, дарсда нима иш билан шуғулланишаётгани, лоқайд талабаларнинг бор-йўқлигидан бохабар бўлишлари лозим. Шубҳасиз бундайлар ҳар бир педагогда ҳам бўлади. Бунга сабаб педагогда ҳали етарли маҳоратга, ўқувчига таъсир этиш қобилиятига эга эмаслигидир.

Талабани кўп нарса безовта қилади: тайёрланмаган уй вазифаси, яқинда ўқиган китоби, севимли футбол командасининг мағлубияти ва х.к. Шунинг учун, педагог талабаларнинг юзидан уларнинг кўнглида нима кечаётганини, уларнинг диққатини жалб қила олиши учун махсус психолог бўлиш керак. Шундагина, хатони жуда лоқайд, бефарқ талабани ҳам дарсга қайтариш мумкин.

Қизиқишларни, қобилиятларни, фикрлаш суръатларни, тайёрланиш, талабаларга бўлган муносабат, талабалар характерининг хусусиятларини ҳисобга олиш ижодий дарснинг асосий талаби.

Педагогнинг талабага бўлган талабларининг харакати. Шу нарса маълум бўлдики, ҳар хил дарслар жараёнида педагог ўзининг тарбияланувчиларидан жуда кўп талаблар қилади. Лекин гап қанча талабларни айтишда эмас, уларни қай тарзда айтишда.

Талаб қилишни қандай ўрганиш керак?

Талабаларнинг табиатини, характиристикасини билиш керак.

Шундай метод эгаси бўлган педагоглар ўзининг кўрсатмалари билан талабаларнинг баъзи ҳаракатларини рағбатлантирадилар, буни улар дарс давомидаги айтиладиган алоҳида танбеҳ ёки мақтов, хулосаларда намоён қиладилар. Улар кишига, қандай талаблар билдиришни (талаба) биладилар. Талабалар эса талабларни билиб, уларни бажариб айнан бир феъл-атворга ўрганаидилар.

Талабаларни тўғри танланганлигини аниқлашда педагогик вазиятни, яъни бу талаблар амалга ошириладиган шароитни ҳисобга олиш зарур.

Асосий –педагогнинг талаблари аниқ, ижобий, қўлдан келадиган ва охиригача етказилган бўлиши керак.

Дарсда эмоционал - интеликтуал шароит яратиш. Дарсда талаба атрофдаги оламнинг предмет ва ҳодисаларни билибгина қолмай, унинг бу нарсаларга муайян муносабати шаклланади.

Баъзи ходисалар уни келажакка етаклайди, баъзиларига у бефарво бўлиши мумкин. Бир хил нарсаларни яхши кўриб бошқаларини ёмон кўриш, баъзи педагогларни ёқтириб, бошқаларига фақат тоқат қилиш мумкин. Психологларни айтишича, ижобий тийғулар фаолиятини туғдиришади.

Дарсни эмоционал-интеллектуал шароити турли хил усуллар орқали яратилади.

Биринчидан, ўрганилаётган ёки қўшимча материал таркибида бирор қизиқ информация, ахборот келтириш орқали.

Иккинчидан, дарсга у ёки бу ҳақидаги маълумотларни, олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни, инсоннинг ақл заковати нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи ҳикояларни киритиш.

Учинчи йўналиш, талабаларга қизиқ бўладиган ижодий ишга жалб қилиш усулларидан иборат. Бундай усуллар кўп.Уларни танлаш турли хил муаммо вазиятини вужудга келтириш билан боғлиқ.

Тўртинчи йўналиш, педагогнинг ўқув материалга нисбатан ижобий муносабатда бўлишини билдирувчи ҳис-туйғуларга боғлиқ. Шундай вазиятлар бўладики, педагог дарсга қанчалик тайёрланмасин, дарс кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин.

Эндигина ишга тушган педагоглар шуни эслаб қолишлари керакки, ўргатилаётган материалнинг гўзаллиги, қирралиги, эмационал, тўғри етказа олишда талабаларга ҳам ўтади «юқади”.

Ҳазил-мутойибани тушуниш педагогнинг “қувноқлиги” дарснинг ишчи муҳитини сақлаш билан бирга, талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишларни шакиллантиришга ёрдам беради. Бундай пайтларда педагог уларга озгина танаффус бериб, жисмоний тарбия дақиқасини ўтказиш, воқеани айтиб уларни озгина бўлсада, кайфиятини яхшилаш мумкин. Баъзи педагоглар ҳаттоки қизиқ кулгили бир мавзуни, ўтаётганда ҳам талабаларнинг кулишига, жилмайишига йўл қўймайди. Бундай педагогнинг камчилиги шундачи, у нафақат кулги мутойибани тушунмайди, балки талабаларнинг бундай ҳис-ҳаяжонларини ривожланишига тўсқинлик қиладилар. Талабаларнинг қувноқ руҳига душмандек қараш ёки уларнинг камчилиги деб билиш, бизнинг энг катта ва қўпол хатойимиз.

Дарс суръати педагог учун нафақат меҳнат маданиятининг муаммоси, балки интизом, дарснинг сифати муаммоси. Ўқув ишининг суръатини юқори қилиш учун мутахассислар талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Тажрибасиз педагоглар, улгуролмасликдан қўрқиб, талабаларнинг ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олмай, дарснинг суръатини ошириб боришга ҳаракат қиладилар. Дарснинг турлича бузулиб кетиши, талабаларнинг ишчи кайфиятига, лекин ҳотиржам ишдан кўра кўпроқ салбий таъсир қилади, уларни толиқтиради.

Ишнинг энг қулай суръатини англаш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

- тегишли меъёрда ҳаммага тўғри келадиган, дарснинг ўртача суръатини топиш;

-талабаларнинг индивидуал имкониятини ҳисобга олиш;

- дарсдаги жамоа ва индивидуал форма ишларининг бирлигини танлаб олиш;

-талабалар фаолиятининг турларини янгилаб, хилма-хиллаштириш:-вақтнинг унумсиз ҳаракатларини максимал даражада қисқартириш;

-дарснинг суръатини аста-секинлик билан ошириб бориш зарур.

Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш. Педагог уз-ўзини назорат қила олиши педагогик қобилиятнинг ривожланишини тезлаштиради, тажрибали педагог маҳоратини намоён қилади.

Ўз-ўзини назорат қилишга мурожаат этган педагог, дарсда ўз-ўзини идора қилиш малакасини ошириш билан қуролланади, фаолиятини ўрганади, ўз навбатида бу меҳнатдан роҳатланиш, педагогнинг маънавий куч-қудратини, унинг ижодий ташаббускорлигини вужудга келтиради.

Муваффақиятли касбий фаолиятининг асосий талаби, педагогнинг аҳлоқий камолатга етишишга интилишдир.

Бундай иштиёқнинг йўқолиши билан ижодий сўниш, ўз-ўзидан қониқмаслик, ихлоси қолиши бошланади.

Дарсни назорат қилишда қуйидаги тамойиллар амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсдаги қилиниши керак бўлган ва қилинган нарсаларни таққослаш:

Талабаларнинг олдинга силжиш даражасини (кўникмада, ривожланишда) текшириб бориш, уни олдинги натижалари билан таққослаш:

талабаларни дарсдаги иштиёқини аниқлаш

Дарснинг сифатли томонлари. Дарсда қўйилган масалаларни ечилишини баҳолашда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражаси намоён бўлади. Агар натижалар талабаларнинг максимал имкониятлари даражасида бўлса, эришилган масала ечилиш сифати ва самарадорлигини ижобий деб тан олинади.

Дарснинг сифатли томонларини аниқлаш педагог учун маҳорат. Коллеж машғулотни таҳлил қилишда энг самарали усул ва методларни танлаш ва қўллаш шартидир. У дарсда нимага эришади-ю, нимага эришмайди, муваффақиятсизликнинг сабаби ва уни бартараф қилиш йўлларини кўра олади, кеинчалик йўлларини нимани ривожлантириб, нимани мустахкамлаш кераклигини аниқлайди.

Дарснинг сифатини англаш учун анъанавий схемани қўллаш мумкин: сўроқ-тушунтириш-мустахкамлаш-уйга вазифа. Яна шуни айтиш жоиз-ки, замонавий дарснинг анализини «кенг” ва “тор” ўринда бажариш ва асосий дидактик категориялар ва структурали элементлар асосида ўтказиш керак.

Дидактик категориялар асосида қуйидагиларни аниқлаш керак.

-дарснинг дидактик принципларига ва таълим-тарбия жараёнининг талабларига мос келиши:

-унинг йўли, яъни бориши ва натижалари дарс ва дастур талабларига ҳамда дидактик мақсадларга мос келиши:

-дидактик масалаларнинг ечилганлиги ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадининг амалга ошганлиги:

-таълим методлари ва усулларининг дидактик масалаларига мос келганлиги;

-талабаларнинг мустақил билим олишда юқори даражага эришилганлиги, таълим ва тарбияни ўзаро боғлай олганлиги;

-дарснинг ҳаётий тажрибалар асосида бўлганлиги.

Дарснинг тузилишида ҳар бир мавзунинг муҳимлиги талабаларда янги тушунча ва кўникма ва малакаларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифатини ташкил қилади.

Педагогнинг дарсни ташкил қилишдаги тайёргарлик ва уни ўтказишдаги маҳорати мушкул иш, лекин бунга эришиш ҳар бир мулоҳазали педагогни қўлидан келади.

Ёшларда мустақил равишда билим олишда ва уни ҳаётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳлоқ ва одобни яхшилаш мактабда, олий ўқув юртида шаклланади.

Ёшларни талаба бўлгунга қадар ота-онаси, коллеж талабалари, қариндош-уруғи, маҳалла-куй назорат қилиб олади.Талаба бўлганидан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни талабанинг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялашни бошлаши керак.

Таълим-тарбиянинг бошқарув назарияси. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида қобилияти ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқариш эҳтиёжи мавжуд бўлган. Тарихдан бизга маълумки, давлатни илмий асосда бошқариш натижасида бошқарув назарияси вужудга келди. Бошқарув назариясини такомиллаштиришда ҳамма соҳалар билан бир қаторда таълим тарбия соҳасини бошқариш муҳимдир.

Бу соҳада ҳам илмий бошқарув такомиллашига асосланиш лозим. Бунда таълим-тарбия соҳасининг ҳолати атрофлича таҳлил қилиниб, унинг кўрсаткичлари ижтимоий буюртмага таққослаб кўрилади. Сўнг мақсадга тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган жараёнлар ажратилади.

Ижтимоий буюртманинг кўрсаткичларига мувофиқ келадиганлари ривожлантирилади, мувофиқ келмайдиганлари ўзгартирилади. Бу вақтда бутун таълим-тарбия жараёнинг тизими, унинг босқичлари, ҳар бир босқичда бериладиган белгилар мазмуни, таълим-тарбия билан шуғулланувчиларни ижтимоий муҳофазасининг илмий асосланган лоиҳаси, бажарилиши шарт бўлган ишлар кетма-кетлиги ва бажарилиш муддати, бошқарувни амалга оширувчи мутасаддилар ва бу жараённинг тадбир-чоралари ишлаб чиқилади. Одатда бу илмий асосланган лойиҳа бир неча вариантларда тузилади.

Иқтисодий бошқарув. Таълим-тарбияни мақсадга мос ҳолатга келтириш усули бошқарув босқичида режалаштирилган ишларни бажаришга кетадиган сарф-харажатлар миқдори аниқ ҳисобланиб, молиявий таъминланиш манбаалари ҳамда хуқуқий асослари ишлаб чиқилади.

Бошқарув жараёнинг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан иқтисодий бошқарув босқичининг илмий асосда ҳал қилинишига боғлиқдир.

Талабаларни олган билимларини ҳаётда қўллай олишликка ўргатиш зарур. талабаларга маърифий фикрлашни ўргатиш зарур. Умумий руҳшунослик қонуниятларни бериши лозим. Чунки бугунги ўқувчи эртага ота-она, раҳбар, тарбиячи бўлади. Ундан ташқари ҳар қандай шахс ўзи билан мулоқатда бўлган кишиларга озми-кўпми тарбиявий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир педагог аввалам бор талабаларга қолаверса бошқа кишиларга яхши муносабатда бўлиши, уларга қандай сўзлар билан мурожат қилишни билиши керак.

Кейинги вақтда «муносабат педагогикаси” тўғрисида кўп гапирилмоқда ва кўп ёзилмоқда. Шунинг учун кўпинча у «тадбирлар педагогикаси”га қарама-қарши қўйилмоқда. Ўйлаймизки, биринчи иккинчисига қарама-қарши қўйиш ноурин. Булар тарбияга турлича ёндашув аниқроғи унинг турли пағоналаридир. Айниқса педагоглар ўртасидаги муносабатлар, мулоқатлар, уларнинг иш тажрибаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Меълумки, шахс барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуасидир. Шу сабабли унинг ҳаётда мавжуд кўп қирралигидан фойдалана билиш

лозим. Ҳамма даврларда педагог шахсияти қанчалик эркин ва ўзига хос бўлидиган талабаларга таъсири шунчалик кучли, мехнатнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади, деб ҳисобланган. Педагогнинг ҳақиқий муносабатлари тизимига кирадиган шахси ҳамиша унинг фаолиятида мухим ўрин тутиши керак. Чунки талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш педагогнинг иуносабатига, мулоқатига боғлиқ. Талабаларнинг маънавий бойлиги ўкитувчининг хақиқий муносабатларига боғликдир.

Педагог ўз иши давомида фақат алоҳида ҳар бир ўқувчи шахси билан иш олиб бормасдан, балки ўз тажрибасида талабаларни бирлаштирган турли хилдаги гуруҳлар, жамоа, оила билан бирга иш олиб боришига тўғри келади. Шу муносабат билан педагоггурухлар ва жамоаларнинг асосий ижтимоий психологик қонуниятларини билиши шарт. Педагог ўқув тарбия жараёнида талабалар билан аниқ мақсадга қаратилган ишларни амалга ошириши лозим. Улар билан муносабатда ҳурмат ва ишончга эга бўлиши диққатга сазовордир. Талабага қўйиладиган талаб, илтимос, буйруқ оҳангида бўлмай, балки уларнинг маънавий сифатларини шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур.

Педагогик тарбия вазифаларини амалга ошириш жараёнида тарбияланувчилар ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олишни тақозо қилади. Ҳар бир педагог талабаларга хилма-хил тусда таъсир кўрсатади. Педагогўз таъсирини талабага ўтказа билиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Педагог муносабатнинг тартиби талабаларга дарснинг бошидан бошлаб то дарс тугагунга қадар бўладиган жараёнда амалга ошириш ўз самарасини беради. “Яхши сўз билан илон инидан чиқар. Ёмон сўз билан пичоқ қинидан” деган ҳалқ орасида тарқалган мақол бунга яққол мисло бўла олди.

Педагог талабага яхши муомала билан муносабатда бўлиш ўртоқлари олдида уни ерга урмаслиги, турли лақаблар билан ҳақоратламаслиги муҳим.

Педагог талабаларга ширинсуханлик билан яхши муносабатда бўлади. Натижада талабалар яхши тарбия топади. Ота-онага, ёру-биродарларга бўлган муносабатларни талқин қилиб берадилар. Улардан ибрат оладилар. Педагогларнинг муносабати орқали талабалардан яхши-яхши ширинсуҳан педагог, катта-катта фан арбоблари чиқиши мумкин.

Яхши киши ўз ўрнини ҳар жойда топа олади. Шундай экан педагог аввалам бор актёр бўлиши, талаба талаюалар орасида ўзини яхши тута билиши керак. Талабаларга қандай муносабатда бшлиши, дарсни қандай ўтишни, талабалар олдида ўзини қандай моҳирлигини, усталигини кўрсата олиши керак. Чунки-педагог талабаларни бошидан яхши тарбияласа, улар битириб кетгандан кейин ҳам, устозни яхши кўриш билан бирга ҳурмат билан эслайди.

Педагогнинг одоб қоидалари. Педагог ўз касбини доимо севиши, хурмат қилиши лозим. Ўз ишга, қўл остидагиларга доимо хурмат ва

эхтиромда бўлиши, таълим-тарбия жараёнида камчиликка йўл қўймаслиги ва танлаган касбига бефарқ бўлмаслиги зарур. Педагог ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига хисса қўшиш мақсадида иш олиб боради. Ҳалқнинг анъанасига содиқ бўлиш билан бирга меҳнатсеварлиги, интизомлилиги, муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслиги билан педагогва талабалар ўртасида намуна кўрсата олади. Ўзнинг рост сўзлиги, покизалиги бир ишни қиёмига етказмай туриб, иккинчи ишга ўтмаслиги билан бошқалардан фарқ қилади.

Ўз мансабига маъсулият билан муносабатда бўлиш, иш фаолиятида янгиликлар яратиш, педагогва инсон сифатида яхшиликлар қилиш унинг касбий хусусиятлари ҳисобланади. Педагогдаги сахийлик, одоблилик, меҳр-шафқатлилик, марҳаматлилик, ширинмуомалалик, сабрлилик, талабчанлик, иффатлилик, тўғрисўзлик, поклик, мулойимлик каби фазилатлар маънавий мухитни яратишда мухим хисобланади.

Педагог ўз шогирдларида руҳий оламини яратиш, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, садоқат, меҳр-мурувват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалик, озодалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлилик, ростгўйлик, ор-номуслилик, андишалилик, катталарни хурмат қилиш, соф мухаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилик, миллатларни хурмат қилиш, ҳар бир талабанинг маданиятидан чуқур ўрин эгаллаш лозим.

Педагогнинг тарбиячилик махорати.

Ислом Каримов: “Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг узига хос урни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларпинг орасида энг улуғ ва шарафлиси бу - уқитувчилик касбидир”

Дархакикат юртимиз келажаги булган ёшларни хар томонлама камолга етган баркамол инсон килиб тарбиялашда уларнинг маънавият кирралари:

иймон, эътикод, мехр, ватанпарварлик, дустлик, инсонга чексиз мухаббат, мурувватлилик, каноатлилик, сабр-токатлилик, сахийлик, миллий гурур каби фазилатларни шакллантириш жуда мухимдир. Бу мислсиз тенги йук ишда педагогларнинг, тарбиячиларнинг, таълим сохасида масъул ходимларнинг хизмати бенихоят каттадир.

Тарбия-тарихий ва ижтимоий ходисадир. Тарбия авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос булиб, у комил инсонни вояга етказишда мухимдир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини устиришга хизмат килади. Шу билан бирга, тарбия ижтимоий ходиса булиб, инсоният тараккиётининг турли боскичларида узига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир. Тарбия хакида Шайх Саъдий узининг "Гулистон" асарида шундай деб ёзган эди: "Кимда-ким ёшликдан тарбия олмаса, катта булиб бахтли була олмайди".

Адибнинг юкоридаги сузларига амал килган холда талабаларни маънавий бой, жисмоний жихатдан соглом килиб тарбиялаш максадида дастлаб уларнинг тарбиявий даражасини аниклаш максадга мувофикдир.

Буниинг учун талабалар калбини одоб-ахлок нурлари билан ёритмокчи булган тарбиячи -педагог чукур билим, кенг махорат ва тарбиячилик санъатини эгалламофи керак. Талаба ёшларни тарбиялашда умуминсоний кадриятлар, ислом таълимоти, узбек миллий урф одатларига амал килиш максадга мувофикдир.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият булиб, унда тарбиячи тарбиялсшувчиларни комил инсон килиб етиштиришда унга хар томонлама таъсир курсатади. тарбиячи талабалар жамоасининг тарбиявий даражасини урганиб, унга таъсир курсатиш махоратига эга булиши, тарбиявий тадбирларни талабаларнинг рухиятига канчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши, тарбиявий .ишларни самарадорлигини оширишда уз билимини таркибий равишда бойитиб бориш лозим.

Юртимизда тарбиявий ишларни ташкил килишнинг асосий надсади миллий истиклол талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга каратилган экан, айни пайтда бу ният тарбиячи-педагогларга катта маъсулиятни юклайди. Педагогик фаолият юритиш давр талабига жавоб бермоки лозим. Узбекистан Республикасининг "Таълим тугрисида"ги Конуннинг 5-моддасида худди шу хусусда тухталган: "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлокий фазилатларга эга булган шахслар педагогик фаолият билан шугулланиш хукукига эга.

Тарбия уч нарсага эхтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машкка деган эди улуг олим Арасту. Ана шу гояларга асосланган холда тарбиячилар куйидагиларга амал килишлари лозимдир:

- тарбияда улгаётган инсон шахсини олий ижтимоий кадрият деб тан олиш, хар бир. талаба, усмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва узига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий хукукий ва эркинлигининг эътиборга тутилиши:

- миллийликнинг узига хос анъана воситаларига таяниш, жахон маданиятининг илгор тажрибаларига асосланиш;

- талабалар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил килиш, кизикарли, тулаконли талабалар ёш жихатларига мое хает иклимини яратиш, мехнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кунгилочар ва шунга ухшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада талабалар узлари хохлаган ишга кул урсинлар, муваффакият хиссини тушуниб узларига ишончлари ортсин, ахлокан баркарор булсин.

Педагог узининг тарбиячилик махоратида миллий истиклол рояси, озод ва обод ватанга мухаббат ва инсонпарварлик, маънавий-ахлокий тарбия, иктисодий тарбия, экологик тарбия, нафосат тарбияси, жисмоний тарбия, комил инсонни вояга етказиш кабиларга эътибор бериши лозим.

Демак, педагог жамият хаётида етакчи урин тутувчи, мураккаб шахе структурасига эга булган инсоннинг касбий киёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча сохаларида эришилган ютукларнинг заминида унинг мехнатининг натижалари ётади. Педагогларнинг педагогик, психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, муомала маданияти, психологик

вазиятларни эътиборга олиш кабилар кучли булиши керак. Юксак савияли, зур махоратли тарбиячиларгина халк орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А. Авлоний айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, хаёти, порлок келажаги, рахбари, нажотига айланган". Илм инсон учун роят олий ва мукаддас фазилатдир. Шунинг учун аввалам бор илмли, тарбияли булмок хар бир ёш инсоннинг бурчи.

Шу максадда кунглида энг олий орзуларни жамлаб, педагог тер тукиб ишлайди. Уларнинг мехнатини хурмат килиб, берган билимларни эгалламок керак. Бехбудий айтганларидек: "Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдир". Ибн Сино таъкидлаганидек "Кимга кандай панду насихат килсанг, унга аввало узинг амал кил".

Халкимизда тарбиячилик санъати кадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарк мутафаккирлари, педагогик олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия накадар зарурлигини, унинг мохиятини ва мазмунини асослаб берганлар. Тарбиявий ишларни ташкил килишнинг миллий ва назарий асослари мавжуд булиб, педагоглар узларининг тарбиячилик фаолияти жараёнида;

- мустакиллик туфайли узбек халкининг миллий, диний гояларининг кенг руёбга чикиши;

- маърифатпарварлик ва жкадидчилик харакатининг тарихий асослари;— она тилимиз, унинг софлигини асраш;

- Туркистон халкларининг авлод-аждодлари яратган халк огзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида кулланишини юзага чикариш ва кенг фойдаланиш;

- халкимиз яратган миллий урф-одатлар ва анъаналаримиздан кенг фойдаланиш;

-Куръони карим ва хадиси шарифдаги инсон камолати хакидаги гояларни ёшларга ургатиш;

-маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий кахрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини урганиш, илгор тарбиявий таъсир курсатувчи таълимотларга амал килиш ва бошқалар.

Юкоридаги йуналишлардан бизга маълум буладики, буюк аждодларимиз юксак тараккий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч адолатда» - деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият хаётининг асоси булганини яхши биламиз. Бу гоя одамларга куч берган, уларда инсоф диёнатга, эзгуликка ишонч уйготган.

Чунки жамиятда адолат баркарор булса, миллат хеч качон адашмайди. Эртами кечми фаровон турмушга эришади. Адолат биз кураётган жамият мезони булмоги даркор.

Албатта бунда педагогнинг билими, махорати бекиёсдир. Педагогнинг билим даражаси, шаркона фикр юрита билиши, иш, билан харакатининг бирлиги коллеж талабаларининг ижодий фазилатларини такомиллаштиришда мухим урин тутади. Тарбиянинг етакчи максади сифатида асрлар давомида шахснинг хар томонлама камолатга эришуви

гояси асос булиб колади. Шахснинг хар томонлама камолатга эришиши, бу унинг айрим к.ирралари ёки хислатларининг тула конлилигини, жисмоний, ахлокий, сиёсий, эстетик карашлари йириндисини уз ичига олади. Ёшларни фалсафий дунёкарашга тайёрлаш, хает мазмунини тушуниб олишга кумаклашиш, уз-узини идора ва назорат кила билишни шакллантириш мухим ахамиятга эга, чунки улар уз шахсий турмушида максадли ёндашув режа ва амал бирлигига эришадилар. Талабаларни умуминсоний ва ватанимиз кадриятлари, бой маданияти билан таништириш, уларда маданий ва диний билимларни эгаллашга булган талабларни шакллантириш, малакаларни ошириш, эстетик тушунчаларни камол топтириш педагог фаолиятида чукур урин эгаллаши лозим. Хар бир усмирнинг, йигит ва кизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниклаб уларни ривожлантириш, талабалар ижодкорлиги, иктидорини юзага чикариш ва янада куллаб-кувватлаш учун шарт-шароит хозирлаш, инсон фаолиятини турли сохаларида жорий килиш максадга мувофикдир.

Халкимизнинг "Дунёда илмдан бошка нажот йук ва булмагай" - деган наклини талабалар калбига сингдириш масъулияти педагогга топширилган. Тарбия кандай булмоги керак? Педагогнинг педагогик фаолиятининг самарага эга булмоги учун куп жихатдан шахс хусусиятларининг шаклланганлиги, шахс йуналишини аникланганлигини ва касбий махоратнинг таркиб топганлиги билан характерланади.

Бугунги кунда ижтимсий ва иктисодий шарт-шароитнинг мураккаб тус олиши ёки таълим тизимига нисбатан янги талабларнинг юзага келиши педагогларнинг уз фаолиятларини тубдан узгартиришга хамда изчил, акл-заковатни ишга солган холда иш тутишни такозо этмокда. Бу бир томондан давр талаби эканини, иккинчи томондан шарт-шароитга нисбатан туб бурилиш хосил килиш ёки шахе фаолиятини йуналтиришда янгича муносабатда иш тутиш талаб этилади. Чунки мамлакат равнакини таъминлашда касбий таълим тизимида ижобий узгаришларнинг киритилиши педагогик ходимларнинг психологиясида бурилиш ясашлик билан белгиланади. Педагог талабанинг ички дунёсини тушуниш бошқа одамлар билан алока урнатиш, талабага фаол таъсир утказиш, хамма билан тил топишиб кетиш, вазминлик, одамларни ишонтириш кобилияти, босиклик ва узини тута билиш, талабчанлик, катъийлик, гайратлилик, чидамлилик, рахбарлик ва ташкилотчилик, узи ва бошкаларнинг хулкини бошкариш, мустакил ва ижодий фикрлаши мухимдир. Куп холларда талабалар шахсини ривожлантиришда аник бир мезон улчовини белгилаб олмайдилар. Шу сабабли хам педагог талабаларга касбий махоратини таркиб топишида кийналадилар. Хар кандай холатда -хам фаолият йуналишини акс эттирувчи мезон булиши керакдир.

Бу мезон педагог фаолиятини доимо уз-узини назоратт килиш имкониятини турдиради ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

Педагог шахсий хусусиятларидан ташкари чукур илмий савияга, сузлаш маданиятига, юксак одоб ахлокли булиши керак. Талабалар билан

утказиладиган сухбатларни юкори савияда ташкил килишда, педагог куйидаги маданият кирраларига эга булиши керак.

Рухият маданияти - талабаларнинг маънавии эхтиёжларига тугри таъсир курсатиш.

Махорат маданияти - хар бир тадбирни зур кувонч ра калбдан ташкил килиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мое иктисодий, ижтимоий билимга эга булиш.

Маънавий маданият - талабаларнинг ижодий, маънавий, бадиий фаолиятини ташкил килишдир.

Бундан ташкари, педагог узининг ташки куринишига хам эътибор бериши керак, тоза-озода, ихчам кийиниши керак. Бундан ташкари олий маълумотли, чукур билим эгаси узининг фанини пухта биладиган, юрт равнаки учун жонини фидо килишга тайёр, уз шогирдларидан билими, малакасини аямайдиган, талабаларга азиз, дуст, сирдош, коллежнинг фидокор ходими булмоги лозимдир

Педагог тарбия жараёни янада самаралирок утиши учун турли хил кургазмалардан, техник воситалардан унумли фошдаланиши мумкин. Буюк / мутафаккирларимизнинг ноёб асарлари, уларнинг хикматли сузлари, турли кахрамонлик лавхалари тасвирланган расмлар, одоб-ахлок мавзусидаги фильмлар техник воситалар сифатида тарбияга" таъсир килади. Инсонни маънавий баркамол килиб тарбиялашда узбек халкининг миллий ва маданий кадриятларидани фойдаланиш, манбаашуносликка ургатиш максадга мувофикдир. Тарбиявии тадбирларни режалаштиришда талабанинг У рухияти, кизикиш жараёнидаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериш, тарбиявии тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларидан фойдаланиш санъатига эга булиш педагогнинг педагогик махоратига боглик. Педагогларнинг бу машаккатли мехнатларини кадрлаган холда талабаларнинг узлари хам якин ёрдамчи булишлари керак. Шу уринда Воиз Кошифийнинг "Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига куриладй деб сурасалар жавоб бергил: Ирода ва сабр токат, нимаики устоз истаса, уни жон кулоги билан эшитиб, чин кунгли билан кабул килиш, эътикодли булишдир" деган сузлари уринлидир. Талабалар мехнатининг давлат томонидан муносиб гарзда такдирланиши уларнинг кобилиятинп япада ривожлантиради, уларнинг ижодий фаолияти мукаммаллашади, уз устида олиб бораётган ишлари такомиллашади, узига берилган мукофотга ижобий жавоб беради.

Албатта бу уринда хар бир тарбиячи педагогик ташкилотчилик махоратига эга булиши керак. Тарбия жараёнини тугри ташкиллаштириш, дарсдан сунг талабаларнинг буш вактини таксимлаш керак. Бунда талабаларнинг ота-оналари билан якиндан муносабатда булишлари керак, улар билан сухбатларни куйидаги йуналишларда олиб бормоги лозим:

1. Талабанинг характер хусусияти, оиладаги урни, мавкеи, рухий холатини урганишда.

2. Одоб ва ахлокка доир сухбат. (шаркона урф-одат, расм-русумлар, янги чиккан адабиётлар).

3. Тарбияси мураккаблашган талабаларнинг ота-онасига маслахат бериш, педагогнинг яккама-якка сухбати пухта, асосли ва- мантикан бой булса, ота-онани унга ишончини оширади - натижада эркин дил сузлари, маслахат, узаро ёрдам каби бир хамкорлик холати вужудга келади.

Педагог ота-она ва талабалар билан яккама-якка фаолиятини йулга куйиш учун ота-оналар шахсини, оилавий ахволини билиш керак. Педагог ота-оналар хасида маълумотга эга булгандан кейин уларнинг фарзандлари хакида маълумотни аниклаб олиш мухимдир. Педагогнинг талабаларни тулик урганиши, тарбиявий тадбирларни мукаммал таъсирчан уюштиришга имконият яратади. Педагог уз фаолиятида куйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Талабаларда шаклланиб келаётган ижобий фазилатларни тавсифлаш, уларни билим олишга кизиктириш, ростгуй, маърифатли, мехрли, дустлик, уз-узини бошкариш, мехнатга муносабатини ривожланиш.

2. Талабаларнинг рухий куввати ва темперамент турларини ажрата олиш.

3. Талабадаги ижобий ва салбии узгаришларни кузатиш ва сабабини урганиш.

4. Талабадаги ёлгон гапириш ва бошка салбий сифатларини аниклаш.

Талабалар билан турли саёхатлар уюштириш, кинотеатрларга бориш, уйинлар ташкил килиш, байрамларга багишланган кечалар утказиш максадга мувофикдир. Масалан: "Гуллар байрами" эрталигини утказиш талабаларнинг эстетик хис туйгуларини устиради.

Байрамни утказишдан максад талабаларда йил фасллардаги мавсумий узгаришларни кузатиб бориш, табиатдаги усимликлар дунёси, турли-туман гуллар, уларнинг устириши ва бошкалари хакида тушинчалар беришдир.

Фан педагоглари хар хил мусобакалар беллашувлар утказишлари хам талабанинг билимига билим кушади, дунёкарашини устиради, гурухдошлари билан алокани мустахкамлайди; мустакил фикрлашга ундайди. Коллежларда ташкил килинган хар хил тугараклар хам талабаларнинг тарбиясига яхши таъсир кллади. Кайси педагог ташкилотчи, янгиликларга интилувчан булса, унинг талабалари инок, мехрибон булиб усадилар. Улар дустларининг, ота-оналарининг, педагогларининг, илмнинг кадрига етадиган баркамол инсон булиб усиб улгаядилар. Давлатимизнинг энг буюк максади хам асли шудир.

Педагогик қобилият.

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта ва бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаймиз. Мувафаққиятли ишлаш учун ҳар бир педагог педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат

эгаси оз мехнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, қобилиятни ривожлантириш учун эса лаёқат, зехн, истеъдод яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият ҳам бўлиши зарур. Педагогнинг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларининг шундай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли бўлишини педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан, унинг иродаси, ҳиссиётлари, характерига хос бўлган бир қанча хусусиятларини ҳам таъминлаб беради. К.Д.Ушинский «Фақат шахсгина шахснинг ривожланишига ва таркиб топишига таъсир қилиши мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудга келтириш мумкин», - деб ёзган эди.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик хусусиятлардир.

Кобилият – инсоннинг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, малака, куникма орттириш шу хусусиятларга боглик булади, лекин бу хусусиятларнинг узи бу билим, малака ва куникмаларга тааллукли булмайди.

Ахлок – жамиятда кабул килинган жамоатчилик фикри билан маъкулланган хулк-одоб нормалари.

Билиш кобилияти – фаннинг тегишли сохаларига оид кобилиятдир. Бундай кобилиятга эга булган укитувчи фанни укув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг чукуррок билади, уз Фани сохасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради.

Тушунтира олиш кобилияти – укитувчининг укув материалини талабаларга тушунарли килиб баён этиши, материал ёки муаммони уларга аник ва тушунарли килиб айтиб бериш, талабаларда мустакил равишда фаол кизикиш уйготиш кобилиятидир.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий-хаётий билимлар мажмуаларининг керагини саралаб олиш ва амалиётга куллаш.

Педагогик кобилият турлари

- ***билиш кобилияти***
- ***тушунтира олиш кобилияти***
- ***кузатувчанлик кобилияти***
- ***аудиторияни бошкариш кобилияти***
- ***нутк кобилияти***
- ***информацияни тезда англаб етиш кобилияти***
- ***ташкилотчилик кобилияти***
- ***бошкарувчилик;***
- ***ташкилотчилик;***
- ***новаторлик;***
- ***обру орттира олиш кобилияти***
- ***коммуникатив кобилияти***

Фалсафа тарихида қобилият узоқ давргача «ўзгармас ирсият», наслдан-наслга ўтувчи алоҳида куч сифатида талқин этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз философии Ж.Локк ва французатериалистлари томонидан танқид қилинган. Қобилиятни ривожлантирувчи мумкин бўлган анатомик физиологик хусусиятлар туғма бўлади.

Эмнатия - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилиятидир (биргаликда дардлашмоқ).

Перцептив қобилият – идрок жараёнининг асосий тузулиши биринчи бўлиб, буи дрок объекларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборатдир.

Яъни идрок этиш боғчадаги талабани олдига кубиулари қўйилган расмлари билан қўйиб чиқади. Одамларни солиштириш образи.

Дидактик қобилият – талабалар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим қонуниятини ҳамда методларини ўрганган ҳолда, келишнинг таълим, барс олиш қобилиятидир ва ибратли дарс бериш.

Констроуктив – педагогнинг ўз ишини режалаштира олишидир.

Коммуникатив қобилият – бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик қовушувганликни таъминлайдиган қобилиятдир.

Ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш. Мисол: Фалон домла биз билан самимий муносабатда бўлади ёки бўлмайди.

Билиш қобилияти – билим эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди.

Англаш(тушуниш) қобилияти – айрим ҳаракатларни одам қилади, англанмаган ҳаракат, одам онгли ҳаракат қилади.

Кўп сонли педагог, тарбиячи, мактаб директории, илмий мудири ва интернат ходимларидан қобилият ҳақида: «Шахснинг қайси сифатларини сиз педагогик қобилият деб ҳисоблайсиз?»-деб берилган саволга 82 та ёзма жавоб олинган.

Сифатларни қуйида келтирамиз:

1. Ўз ишига муҳаббат, талабалар билан ишлашга қизиқиш.
2. Юқори маданиятли катта аудирование ишлата олиш.
3. Ўтиладиган дарсга қобилият, уни яхши билиш, унга қизиқиш.
4. Педагогик такт (гўзаллик)ка эга бўлиш.
5. Меҳнатга қобилиятли, меҳнатсеварлик.
6. Талабалар жамоасига киришиб кетиш қобилияти.
7. Талабаларга муҳаббат.
8. Ҳаракатчан (энергиялик).
9. Меҳнатга ижодий ёндашиш.
10. Ташкилотчилик қобилиятлари.
11. Жавобгарликни ҳис қилиш.
12. Тарбия билимларининг бутунлиги.

Кобилиятнинг психологик - педагогик характеристикаси. Кобилият - одамнинг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, малака орттириш шу хусусиятларга борлик булади.

Одамнинг кобилиятлари билим ва куникмаларни эгаллашда мухим хисобланади. Бу билим ва куникмалар эгалландими ёки йукми – буларнинг хаммаси, жуда куп шароитларга богликдир.

Кобилият тараккий этмай, суниб кетиши хам мумкин. Талабада хали

зарур куникма ва малакалар тизими хамда мустакил билимлар ва таркиб топган иш услублари йуклигига асосланаб, жиддйй текширмай шошилинч равишда унда кобилиятлар йук деб хулоса чикариш педагогнинг жиддий хатоси булади. Кобилиятлар билим, малакалар, куникмаларда куринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоен булади, яъни бошкача айтганда мазкур фаолият учун мухим булган билим ва куникмаларни узлаштириш жараёни турли шароитларда канчалик тез, чукур, енгил ва мустахкам амалга оширишингизда намоен булади

Демак, кобилият шахснинг фаолиятини муваффакиятли амалга ошириш шарти хисобланган ва билим, куникма хамда малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чикадиган фаркларда намоен буладиган индивиудал -психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлари йигиндиси одамнинг педагогик жихатдан асослаб берилган вакт оралигида эгаллаган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарса бизга, унда мазкур фаолиятга нисбатан кобилияти бор деб хулоса чикаришга асос булади.

Кобилиятлар тараккиётнинг юксак боскичига истеъдод деб аталади.

Истеъдод деб одамга қандайдир мураккаб мехнат фаолиятини муваффакиятли мустакил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган кобилиятлар уюшмасига айтилади. Истеъдод махоратнинг дастлабки шарти булиб, лекин махоратнинг узидан анча узокдир. Мохир уста булмок учун жуда куп ишлаш керак. Истеъдод мехнатдан озод килмайди, катта ижодий ва зур мехнатни таказо килади. Истеъдодли кишилар шубхасиз мехнат оркали оламга машхур булган махорат даражасига эришганлар .

Педагогик кобилиятнинг асосий турлари. Педагогик фаолиятнинг

самарали булиши, педагогик махоратга эришиш учун педагогда куйидаги

кобилият турлари мавжуд булмоги ва тарбиялаб етиштирилмоги лозим. Билим кобилияти, тушунтира олиш кобилияти, нутк кобилияти, ташкилотчилик кобилияти, обру орттира олиш кобилияти. диккатни таксимлай олиш кобилияти. Бу педагогик кобилиятлар шахснинг ахлокий томонини хам эмоционал - иродавий томонини хам характерлаб беради. Бу

сифатларнинг хаммаси бир-бири билан узаро богланган булиб, бир-бирига таъсир этади ва бир бутунликни хосил килади.

1. Билиш кобилияти - фанни тегишли сохаларига оид (математика, адабиёт, тарих) кобилиятидир. Бундай кобилиятга эга булган педагог фанни укув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чукуррок билади, уз фани сохасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш кобилияти - педагогнинг укув материалини талабаларга тушунарли килиб баён этиш, талабаларда мустакил равишда фаол фикрлашга кизиктиришдир. Педагог зарур холларда укув материалини узгартира олиш, кийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаник нарсани тушунарли килиб талабаларга етказа олиш даркор. Педагог талабани мустакил фикрлашини рагбатлантира олади.

Кобилиятли педагог талабаларнинг билим ва камолат даражасини хисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва хали нимани билмасликларини, нимани унутиб куйганликларини тасаввур этади.

Бундай педагоглар талабаларни эмас, балки узларини назарда тутадилар. Кобилиятни, тажрибали педагог узини талабанинг урнига куя олади. Унинг катталарга аник ва тушунарли берган маълумоти, талабаларга тушунарсиз ва мавхум бир нарса булиши мумкин. Шунинг учун у баён этишни характер ва шаклини алохида уйлаб чикади, хамда режалаштиради.

Кобилиятли педагог материални баён этиш жараёнида турли талабаларнинг кандай узлаштираётганларини катор белгилар асосида тугри аниклаб олади. Ва зарурат тугилган холларда баён килиш усулини узгартиради. У тегишли вазият юзага келмагунча иш бошламайди.

3.Кузатувчанлик кобилияти - педагогнинг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш кобилияти. Талаба шахсни ва унинг вактинчалик рухий холатларини жуда яхши тушуна билиш билан богли^ булган психологик кузатувчанликдир. Кобилиятли педагог талабанинг ички ва ташки холатдаги жуда арзимаган узгаришларни хам фахмлаб олади. Педагог бирор талабани хафа булганини ёки дарс тайёрламаганини кузидан билади.

4. Нутк кобилияти: - нутк ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида уз фикр ва туйгуларини аник ва равшан ифодалаш кобилиятидир. Бу педагоглик касби учун жуда мухимдир.

Педагогнинг нутки дарсда хамиша талабаларга каратилган булади. Педагог янги мавзуни тушунтираётган, талабанинг жавобини тахлил килаётган, маъкуллаётган ёки коралаётган булса хам, унинг нутки хамиша узининг ички кучи, ишончи, узи гапираётган нарса билан кизикаётганлиги билиниб туради. Фикрлар ифодаси талабалар учун аник ва содда, тушунарли булади. Педагог узундан узок жумлалар, мураккаб суз бирикмалари, кийин термин, ибораларни куллашдан кочади. Уринли юмор, хазил, енгилгина истехзо билан яхши муносабатда булади.

Педагогни нутки аник, жонли, образли, талаффузи жихатдан эркин, ифодали, хис-хаяжонли булиб, унда стилистик, грамматик, фонетик

нуксонлар учрамаслиги лозим. Айримлар тез, айримлар секин гапиришга мойил буладилар. Талабаларнинг узлаштиришлари учун уртача, жонли нутк яхши натижа беради.

5.Ташкилотчилик кобилияти - талабалар жамоасини уюштириши, талабалар мухим вазифаларни хал этиш рухлантиришни, уз ишини тугри уюшганлигини назарда тутади.

Уз ишини тугри режалаштира олиш ва уни назорат кила билиш назарда тутилади. Тажрибали педагогларда вактни хис эттириш, вактни тугри аниклай олиш, белгиланган муддатда хусусияти хосил булади.

6. Обру орттира олиш кобилияти - талабаларга бевосита эмационал - иродавий таъсир курсатиш ва шу асосдагина эмас, балки педагогнинг фанни яхши билиши, мехрибонлиги, назокатлилиги асосида хам козонилади. Шунингдек, талабаларга таълим - тарбия бериш маъсулиятини хис этишга, узини хак эканлигига ишонишига, бу ишончни талабаларга етказа олиш кабиларга хам боглик. талабалар куполлик килмайдиган, куркитмайдиган тугри талаб куя оладиган педагогни хурмат киладилар.

7. Коммуникатив - тугри муомала кила олиш, кобилиятли талабаларга якин булиш, улар билан педагогик нуктаи назардан жуда самарали узаро муносаоат урната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

8. Келажакни кура билиш кобилияти - уз харакатларининг окибатларини олдиндан куриши, талабанинг келгусида кандай одам булиши хакида тасаввур билан боглик булган шахсни тарбиялаб етиштириш олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус кобилият.

9. Диккатни таксимлаш кобилияти - педагог учун диккатни барча хусусиятларининг хам хажми, хам унинг кучини идора килина олиш хам ишга тараккиёт этган булиши мухимдир. Кобилиятли, тажрибали педагог материални баён килиш мазмунини ва уз фикрини диккат 'билан кузатади. Айни вактда барча талабаларни уз диккат эътиборига тортади, толикиш, эътиборсизлик, тушуниш аломатларини хушёрлик билан кузатиб боради.

10. Педагогнинг ирода кобилияти, максадга эришиш йулида турган карама-каршиликларни бартараф килиш билан боглик булган онгли хатти-харакатлар иродавий харакатлар деб номланади. Педагогда иродавий сифатларнинг мустакиллик, дидактик, катъийлик, узини тута билиш каби мухим томонлари булиш керак.

Педагогнинг коммуникатив кобилиятлари.

Педагогнинг талабалар билан муомаласи муваффақиятли булиши куп жиҳатдан унда педагогик қобилиятни мавжудлигига, маҳоратига боғлиқ булади. Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида талабаларни хисобланади. Маълумки, шахсининг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва

хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи рол уйнаса, бошқалари ёрдамчи рол уйнайди.

Биринчи навбатда перцентив яъни идрок қилиш соҳасида тааллуқли булган хусусиятлар (улардан энг муҳимроғи кузатувчанликдир) етакчи рол уйнайди, педагогга талабанинг психологиясининг, унинг психик холатини ухшаш тарзида идрок этиш, муайян ҳолда умуман синиф коллективининг аҳволига тугри баҳо бериш имконини беради. Педагог шахсининг узаро фикр алмашув билан боғлиқ ҳусусиятлари таркибий қисми сифатида эмпатия, яъни талабаларнинг психик ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шарти талабаларга болган мухаббатдур. Ниҳоят, Педагог шахсининг узаро фикир алмашув билан боғлиқ хусусиятларининг учинчи таркибий қисми деб ичтимоий узаро харакатда булган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин у билимларни бошқаларга беришга талабалар билан муомала жамоасини ташкил этиш истагида намоён булади. Ташкил этиш қобилияти ҳам педогагик қобилиятларнинг таркибий қисмидир. У барча талабаларнинг ҳар хил фаолият турларига жалб қилинишида, жамоанинг хар бир талабага тасир курсатиш қуролига айланишида, ҳар бир талабага фаолият, вазиятни таъминлаб беришда намоён булади. педагогда ижтимоий узаро харакатда булган, унда мавжуд булган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педогагик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи ҳислатлар ва ҳусусиятлардан айримларини куриб чиқамиз.

Бу, аввало, ақл-идрокнинг муайян хислатлари: ҳозиржавоблик, танқид кузи билан қараш, собитқадамлик ва бошқа бир қатор ҳислатлардир. Педагогнинг нутқи: нотиқлик қобилиятларини мавжудлиги, суз бойлиги ва хоказолар ҳам муҳим роль уйнайди. Табиатда бир қадар артистлик ҳусусиятига эга булиш (ҳаёл, фантазия ишлата билиш) ҳам талабалар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль уйнайди. Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолият самарали булишининг шартигина эмас, балки куп жиҳатдан Педагогнинг муваффақиятли ишлашининг натижаси ҳамдир. Шу муносабат билан Педагогнинг узида педагогик қобилиятларнинг аниқ мақсадини кузлаб таркиб топиш ва ривожланиши катта роль уйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини курсатмоқда.

Масалан шахс перцептив ҳусусиятларининг энг муҳим элементи булган кузатувчанлик Педагогнинг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч-ғайрати натидасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Педагог узининг ижтимоий-психологик кузатувчанлигини, яъни талабаларда турли характер хусусиятлари, майлларини пайқаб олиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо булиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Педагог уз талабаларини, улар муҳитидаги узаро муносабатларини, узининг улар билан узаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай булмасин, худи шундай идрок эти шва куриш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим

Бу эса осонгина қулга киритилмайди. Гап шундаки, педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишига ухшайди, чунки педагог ҳамиша талабаларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан, улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси булса ҳам) узоқлашган булади. Шу сабабли, педагог узи кураётган нарсаларга узининг ижтимоий ривожланиш жараёнида идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда қолиши мумкинки, педагог учун янги булган ҳодисалар унинг узида мавжуд булган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари, педагогнинг муайян масалага жавоб излашга интилиши унда аҳамиятли бирор фактни утказиб юбормаслик учун қулай йуналиш ҳосил қилади. Агар Педагог талабанинг ҳатти-ҳаракатларини фақат туғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кура олсагина, шу билан бирга узида сабот, узини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл-атвор ҳусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифага эришиш мумкин. Педагогнинг уз талабаларини: уларнинг феъл-атвори, тенгдошлари ва атталар билан муносабатларини турли воқеаларга, муаммоларга ва хоказоларга муносабатларини доимо урганиб ва билиб боришга интилиши муҳимдир. Педагог талабаларни қанчалик билиб олса, унда талабалар билан муносабатда хушмуомала булиш имкониятлари шу қадар купроқ булади. Лекин Педагог уз талабалари билан яқинроқ булишга ҳаракат қилар экан, баъзан тегишли дақиқаларда узи эшитмаслиги лозим булган нарсаларни эшитмасдан утиб кетиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик булиши мумкинлиги ёки вазият ноаниқ булиб турганда, эшитиш дархол аниқлик киритиш зарурлигини тақозо қилишидир. Талабалар билан уз муомаласини бақирик вам айда-чуйда нарсаларга аралашишга айлантириб юбормаслик учун кундалик ишларда ниманидир сезмай қолишни ургатиш муҳимдир.

Ниҳоят баъзан бирор нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдадан булади. Буларнинг ҳаммаси педагогларнинг талабалар билан буладиган кичик ихтилофларига бархам беради, унга талабалар билан буладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради. В.А. Сухамлинский таъкидлаб утганидек, педагог талабалар, айниқса, катта ёшдаги талабалар уртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек, зиддиятларнинг шундай соҳаси борки, унда педагогнинг аралашуви ниҳоятда чекланган булиши, ҳамма келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам коллективда муҳокама қилиш объекти буомаслиги мумкин ва лозим деб ҳисобланган эди.

Педагогнинг талабалар билан муомаласи жараёнида икки хил хиссий (эмационал) холат вужудга келиши мумкин. Педагогнинг ижобий хиссиётлари асосида узаро хамкорликни ташкил этиш кобилияти хакикий самара беради.

Педагог талабаларга бирор бир нарсани ургата олиши учун улар билан муносабатга киришиши шарт. Муносабат - одамлар уртасида

биргаликдаги фаолият эхтиёжлардан келиб чикади. Муносабат кишилар уртасида фаолият давомида ахборот айрибошлашни уз ичига олади.

Муносабатнинг иккинчи жихати мулокатга киришувчиларнинг узаро биргаликдаги харакати нутк жараёнида факат сузлар билан эмас, балки хатти-харакатлар билан хам айрибошланади. Учинчи жихати муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини таказо килишдир. Шундай килиб, ягона муносабат жараёнида шартли равишда коммуникатив (ахборот утказиш), интерфаол (узаро биргаликда идрок этиш) жихатларини алохида курсатиш мумкин.

Киши биргаликда фаолият курсатаётганда заруриятга кура, бошка одамлар билан бирлашиши, улар билан муомалага киришиши, яъни алока урнатиши узаро хамжихатликка эришиши керакли ахборот олиши ва жавоб тарикасида ахборот бериши лозим. Муносабат талабаларнинг узаро биргаликда харакат килиши ва фаолият курсатиши жараёнида уларни бирлаштирадиган восита тилдан иборат эканлигини билдиради.

Турли хил тилларда сузлашадиган кишилар бир-бирлари билан муроса кила олмайдилар. Бу эса биргаликдаги харакатнинг амалга оширилишини амри махол килиб куяди. Кулланиладиган белгилар (сузлар, имо- ишоралар ва х.к) замирида муносабатда иштирок этаётган шахсларга таниш булган такдирдагина ахборот айрибошлаш мумкин булади.

Суз белгилари тизими хает кечириш ижтимоий - тарихий тажрибани узлаштириш ва утказиш воситаси сифатидаги тилни топтиради. Кулларида бирор бир мехнат куролини ушлаб, кузлари эса ушбу нарсаларга караб турган вактда, бир-бирлари билан муносабатга киришиш учун аник товушлардан фойдаланиш кишиларга айникса мойиллик турдиради. Тил ёрдамида муносабатга киришиш туфайли борликнинг алохида бир кишининг миясидаги инъикоси бошка одамларнинг миясида акс этаётгани билан доимий равишда тулдирилиб туради - уй фикрларни айрибошлаб ахборот бериш руй беради. Сузлар муайян бир мохиятга эга, яъни ашёвий оламга аллакандай тарзда тегишли булади. Педагог у ёки- бу сузни ишлатганда англашилмовчиликка йул куймаслиги керак. Мохиятлар тизими кишининг бутун хаёти давомида ривожланиб ва бойиб боради. Уни шакллантириш урта таълимнинг хам олий таълимнинг хам марказий бугини хисобланади.

Нутк бу огзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат килиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажриба бирор бир мохиятни англатадиган сузлар огзаки коммуникация воситаси хисобланади. Сузлар эшиттириб, ё овоз чикармасдан айтилиши, ёзиб куйилиши ёки кар, соков кишиларда бирор бир мохиятга эга булган имо - ишоралар билан алмаштирилиши мумкин. Одамлар уртасидаги муносабатни телеграф оркали ахборот беришга ухшатиш мумкин эмас. Одамлар муносабатига алока борловчиларнинг хис-хаяжони хам конуний равишда жалб этилган булади. Коммуникациянинг мазмуни муносабатга киришганларга тааллукли булиб, нуткий фикр мулохазалар билан кушилган холда таркиб топади. Нутксиз коммуникация воситаларига кул бермок ва юз харакатлари имо - ишора,

оханг, пауза, турк тароват, кулгу, куз ёши килиш ва шу кабилар киради. Булар орзаки коммуникация воситалари сузларни тулдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса урнини босувчи белгилар тизимини хосил килади.

Нутксиз коммуникацияни амалга ошириш учун турли хил ёш группаларда турлича воситалар танланади. Масалан: ёшлар йигидан купинча катта ёшдагиларга таъсир килиш ва уларга уз истакларини хамда кайфиятини етказиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Нутксиз коммуникацияда кулланиладиган воситаларнинг ахборотни суз билан етказиш максадларида ва мазмунига мувофиклиги муносабат маданиятнинг таркибии кисмларидан хисобланади.

Педагог битта сузнинг узини талабага гохо буйрук , гохо илтимос, гохо насихат ва х.к маъно бахш этган холда турли охангда талаффуз эта билиш керак. Нутксиз коммуникация имо-ишора, пантомимика, нуткнинг охангдаги рангбаранглик хам ривожлана боради. Коммуникация жараёнида тескари алокалар шаклланади, яъни талаба хам сухбатининг юзларидаги ифодани укишга (нуткнинг), унинг охангида маъкуллаш ёки маъкулламаслик аломатини пайкашга, катта ёшдаги кишининг сузларига илова буладиган ва кучайтирадиган кул - бармоклар ва юз харакатининг маъноси тушунишни урганади.

Педагогларнинг тарбияланувчилар билан муомаласи

Муомала-ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада уз тарбияланувчилари, умуман, жамоа хакида, ундаги ички жараёнлар хакида гоят хилма-хил ахборотга эга булади ва хоказо. Педагог хам уз навбатида муомала жараёнида уз тарбияланувчиларига максадга каратилган ахборотни маълум килади.

Педагог муомала воситаси оркали кандай ахборот олишини караб чикар эканмиз, талабанинг шахси хакидаги ахборотнинг мухимлигини алохида таъкидлаб утиш керак. Муомала шахсни гоят хилма-хил шароит ва куринишларда ургатишга имкон беради. Педагог талабалар билан муомала килар экан жуда майда кисмларни хам англаб олишга кодир булади. Булар сиртдан караганда унчалик ахамиятли булмасада, шахсда содир булаётган, уни тушуниш учун жуда мухим булган зарур ички жараёнлар куринишларининг аломатлари булиши хам мумкин, бунда педагог шахси ката роль уйнайди. Айни хил ходисанинг турли кишилар томонидан талкни унинг шахснинг утмишдаги тажрибасига богликлиги билан изохланади, бу тажрибанинг уч жихати бор: умуман, хаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, талабалар билан муомалада булиш тажрибаси.

Нихоят, педагогнинг талабалар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у талабаларнинг хатти-харакатларидаги чукур маъно ва хақиқий сабабни турли вазиятларда пайкаб олади, бунинг учун намуна сифатида у узи тез-тез кайд килган далиллардан ва талабаларнинг хулк-атвор усулларидан фойдаланади. Педагогнинг талабалар билан муомаласи

тарбияни бошкариш воситасида сифатида каралиб, бирлаштирувчи урнини тулдирувчи вазифасини хам бажаради. Муомала узаро муносабатлар доирасида содир булади. Бошкариш воситаси булган муомала фаолиятидан олдин содир булади. Бошкариш воситаси булган муомала талабаларнинг фаолиятига хамрохлик килади. Нихоят, бошкариш воситаси булган муомала фаолиятидан кейин боради.

Муомала ахлок курки саналади. Хар бир кишининг кандай дунёкарашга эгалиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум булади. Муомала инсонлар уртасидаги узаро алока воситаларидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил алока куроли дейилади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли булса, киска вакт ичида халк орасида обру-эътибор топади. Сузга чечанлик хеч качон инсонга обру келтирмайди. Шунинг учун хам утмишда яшаб утган мутафаккирларимиз тилга, сузга хурмат билан ёндашишларини уктириб утганлар. Улуг бобомиз Алишер Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тугрисида, ширинсузлик хакида нурхикмат фикрлар баён килганки, бугунги кунимиз учун хам уз ахамиятини йукотган эмас. «Тил ширинлиги кунгилга ёкимлидир, мулойимлиги эса фойдали Ширин суз соф кунгиллар учун асал каби тотлидир» дейди А.Навоий. Педагог талабалалрга билим бериш учун бир каторда улар нуткининг ривожланишига ҳам алохида ахамият беради ва бунда у турли педагогик усуллардан фойдаланади.

Талабалар нуткини устиришда педагог (сузи) мухим ахамиятга эга: бир томондан, унинг нутки талабани укитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг мухим омили булиб хисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чикадики, педагогнинг нутки образли, чиройли, жарангдор, намунали булмоги, талаба диккатини узига тортмоғи лозим. Зотан нутк педагогнинг уз мутахассислиги кай даражала лойик эканлигини ифодалайдиган улчов, курсаткич хисобланади. Шунинг учун нутк устида ишлаш, нутк маданиятини такомиллаштириб бориш хар бир педагогнинг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти хисобланади. Таълим – тарбия ичида нуткнинг таъсир кучи нихоятда каттадир. Педагогнинг нутки талабаларнинг узларини тута билишларига, хулк-атвори ва фикр юритишларига хам таъсир этувчи кучли воситадир. Педагогнинг нуткида унинг хисси, интилишлари ирода ва эътикоди акс этади. У нутк ёрдами билан талабаларда хурсандчилик, рухланиш, мухаббат, садокат, газабланиш, нафратланиш хисларини тугдиради. Халк билан бирга туриш, бирга яшаш муошарат деб аталади. Одамларнинг бир-бирлари билан булган муносабатларининг гузаллиги, мулойимлигига «Муошарат одоби» дейилади.инсоннинг энг улуг, лекин мураккаб ва машаккатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда уз урнини топиб яшашида. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, купчиликка кушилиш, улар билан (алоҳида) ахил булиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат булиши керак. Муомала ва муносабат купчиликнинг дилига тугри келмайдиган купол ва дилозор одамни купчилик ёктирмайди.

Инсонлар хушфеъл, ширинсухан, мард, муомаласи ширин кишиларни дилдан ёктиришади ва хурмат-эътибор килишади. Инсонлар орасида муносиб урин топиш, инок, иттифок яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон хеч качон узининг ютуги билан, бой-давлатлилиги билан, илм-хунари билан мактанмайди, хамма вакт камгап, содда булади. Аммо инсондаги камтарлик самимий булмоги зарур.

Суз инсон калбини илитади, суз инсон калбини жарохатлайди. «Тиг яраси кетар, суз яраси кетмас» деган халк маколи бекорга айтилган эмас. Чунки сузнинг кудрати бенихоя катта. Инсон уз сузига, тилига нихоятда эхтиёткор булмоги лозим. Айрим ёшларимизда сузга, тилга эътибор анча суст. Энг аввало, ёшларга муомала маданиятини, катталар олдида махмадоналик килмасликни, катталар гапини булмасликни, ёши улугларга гап кайтармасликни ургатишимиз зарур.

Муомала маданияти хамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда шунинг учун хам биз ким билан кандай муомала килишни билишимиз керак. Инсоннинг канчалик билимли, акл-заковатли эканлигини муомала оркали намоён булади.

Одамлар бутун ички дунёсини, максадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига суз ёрдамида етказади, амалга оширади. Шу туфайли сузлашув муносабатларини ниҳоятда гузал ва мулойим булишини хаёт такозо этади. Сузга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёкимли, иши ҳам юришган булади. Бундайларни одамлар ёктиради, ҳурмат килади. Сузлашув хам узига хос санъатдир. Бу санъатни мукаммал урганиш хар бир инсонга зарур. Шу билан бирга, она тилини мукаммал урганмок хар бир инсоннинг мукаддас бурчидир. Тилни билгач: уни ишлата билиш санъатини эгалламок инсон учун зарурдир.

Ширин сузлик ва гузал нутк хеч качон, хеч каерда сотилмайди. Бунга эришмокликнинг биргина йули бор. Бу хам булса, тинимсиз ширин сузлашни машк килмокликдир. Бу эса, асосан, куп китоб укиш йули билан амалга оширилади. Муомала инсоннинг кимлигини курсатувчи юзидир.

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан бири хисобланиб, у уз ичига шахслараро муносабатнинг энг мухим механизмларини камраб олган. Психология фанида муомала категорияси кенг алокани мужассамлаштириб, одамлар уртасида узаро муносабатни акс эттиради. Муомаланинг энг мухим таркифи мулокот саналиб, мотивацияда мотив кандай ахамият касб этса, у хам худди шундай мухим роль уйнайди. Муомала хамкорлик фаолиятининг эхтиёжидан вужудга келиб куп кирралари жараёнидир. Муомала куйидаги таркибий кисмлардан ташкил топган.

1. Коммуникатив (бир томонлама ахборот узатиш).

2. Муомала уз ичига хамкорлик фаолиятининг катнашчилари билан узаро ахборот алмашинувини камраб олган булиб, коммуникатив жабха сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулокотга киришиши жараёнида муомаланиниг мухим воситаларидан бири тилга ва нутк фаолиятига бевосита мурожат киладилар.

3. Интерфаол (икки томонлама таъсир) -мулокотга киришувчиларни узаро таъсири, уларнинг нутк фаолиятида нафакат суз оркали фикр алмашинуви, балки хатти харакати ва хулк- атвори узаро таъсир утказиш тушунилади.

4. Узаро бир-бирини идрок килиши, англаши. Бунда мулокотга киришувчилар узаро бир-бирини идрок килиши жараёни намоён булади. Яъни, улардан бири иккинчисининг ишончига лойик аклли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок килинади.

Педагогик муомала- бу педагогнинг талабага таъсир утказиш уларнинг бир-бирлари билан хамкорликларининг фаолиятидир.

Хамкорлик узаро ахборот алмашинуви -турлича коммуникатив воситалар ёрдамида педагог томонидан талабалар билан узаро муносабатни ташкил килади. Педагогик фаолиятда муомала муайян дастур асосида максадни амалга ошириш, режалаштириш ва утказиш функциясини бажаради. Яъни муомала:

-Укув фаолиятини якка хол бажаришнинг воситаси;

-Тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоии-психологик тизими;

-Таълим ва тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи педагог билан талабалар узаро муносабатининг муайян тизимини ташкил килишнипг усули;

-Талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдодини карор топшириш имконини берувчи жараён сифатида хизмат килади.

Муаллим педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун хам педагогга, унинг ахлокий сифатларига талабалар билан муомаласига нисбатан алохида юксак талаблар куйилади. Муаллим хаётга эндигина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар -ёш талабалар бплап мулокотда булади. Талабалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоиий ва миллий ахлок нормаларини узлаштиради. Талаба муомала одобини агосан педагог тимсолида англаб олади. Педагоглар жамоасида педагоглар уртасидаги муомала-муносабатлар инсонпарварлик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда, икки хил булиб, бири-расмнй, иккинчиси-норасмий муомала дейилади. Расмий муомала-муносабатлар Узбекистан Республикасининг конунлари, директив хужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик этиканинг конуниятларига асосланади ва жамоанинг хар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Муомала одоби психологик конуниятлар, одоб нормалари, коидаларида талаблари педагоглар жамоасининг фикри асосида бажарилади. Ешларга таълим-тарбия бериш бир кишининг иши эмас. Уни педагоглар жамоаси бажаради. Таълим-тарбияда кузда тутилган максадга эришиш учун укув юрти бутун жамоаси, »хамма педагоглари бирлашиб харакат килишлари лозим. Хар бир муаллимнинг хатти-харакати, хулки, муомаласи педагоглар жамоасининг максади талабларига мос булмоги керак. Жамоанинг айрим педагогга таъсири педагоглар жамоасида шаклланган муомала одоби муносабатларига бог-лик. Хар бир

талабанинг тарбияси учун маъсулиятнинг бирлиги педагоглар жамоасининг талабага нисбатан талабларидан биридир. Дарсда талабаларнинг интизоми педагогик жамоадаги муомала одоби ахлокий муносабатлар даражасини курсатади. Коллежда укув интизомини саклаш бутун педагоглар жамоасининг иши. Педагоглар жамоасида узаро ёрдам ва ишончнинг мавжудлиги муомала одобига амал килишнинг мухим шартидир. Муомала одобига риоя килиш педагоглар жамоасининг максадига педагогларнинг ахлокий савиясига борлик. Педагоглар жамоасида узаро муомала муносабатлар укув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга масъулият ва интизомни саклашга асосланади. Педагогик жамоада соглом аклий-рухий мухит мавжуд булса, ахлокий норма ва йул-йуриклар бажарилибгина колмасдан, балки улар хар бир муаллимнинг эътикодига , одатига айланади. Педагоглар жамоасининг шахе ва жамоа учун фойдали ишларига асосланган таъсири натижасида муаллимнинг маънавий киёфасида чукур сифат узгаришлар содир булади.

Ижтимоий бурчни тугри англаш, хулкини тугри бахолай олиш одати шаклланади. Жамоада узаро муомала яхшиланади. Муомала жараёнида унинг максадга мувофик амалга оширишни таъминлаш учун ижтимрий назорат ва ижтимоий конун-коидалар мухим ахамиятга эга. Бу назоратда учта мухим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъкулламаслик, коралаш, жазолаш.

Муомала жараёнида талаба ёки талаба хулки ижтимоий конун-коидалар маромига зид келса, у холла унинг хатти-харакати кораланади, эътироз, танбех, эслатиш каби воситалар билан таъсир утказилади. Муомала вактида одоб, одоблилик мухим ахамиятга эга. Унинг асосий вазифалари: ахборот алмашув, узаро таъсир, узаро идрок килиш, турри амалга ошишини идора килиб туради. Хар бир фикр билдирилганда, мулокотдош кабул кллаётганини фахмлаб туриш, ташки куринишлари узгаришига эътибор бериш, узр сураш тавозе билан мурожат килиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади. Муомала жараёнида баъзи бир хатти-харакат уйламай билдирилган фикр, ортикча имо-ишора одобсизликка олиб келади. Одобсизлик эса низоли вазият, карама-каршилик, зиддиятли вазиятни келтириб чикаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув узини вазифасини низоли вазиятга бушатиб беради. Педагогик муомалада психологик алока урнатиш алохида ахамиятга эга, чунки талаба билан узаро муносаоат, хурмат ишонч негизида курилади.

Бунда педагог талабанинг хукук мажбуриятини, унинг коллежда, жамоат жойларида, оилада бажарадиган вазифаси нимадан иборат эканлигини эътибордан четга чикармаслиги лозим.

Педагогнинг талабаларга таъсир утказиш самараси унинг принципиаллиги ва талабчанлигида уз аксини топади. Бундан ташкари у узига хам ута талабчан булмоги, шахсий намунаси билан табиий равишда обру-эътибор козонмоги лозим. Муомала жараёнида ва хамкорлик фаолиятида педагогнинг талабаларга таъсир утказиш натижасида уларда: ,

-уз-узини ва узгаларни хурмат килиш;

-уз-узини ва бошкаларнинг фаолияти, хулкини бахолаш;

-уз-узини бошкариш;

-уз-узини назорат ва узгаларни назорат килиш;

-уз -узини такомиллаштириш ва янги фазилатларни эгаллаш шаклланади.

Дустона муомалада талаба билан педагог уртасидаги билимларни пухта узлаштиришни таъминлайди ва мукаммал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат килади. "

Педагогик жараёнда содир. буладиган муомала одоби, муаллимнинг ахлокий маданияти, тарбияланшнлик даражаси акс этади. Муаллимнинг педагогик касб эгаси сифатида узига, уз касбига талабаларга булган муносабати унинг мулокотида яккол намоён булиши мумкин. Педагогик жараёндаги алокалар тизимида педагог билан талаба уртасидаги муомала муносабатлар катта урин эгадлайди. Педагоглар жамоасида ижодкорлик мухити муомала одобининг шаклланишида жамоат ташкилотларининг роли каттадир. Улар муаллимнинг обрусини ошириш жамоат ишларига фаол катнаштириш йули билан педагогнинг ахлокий педагогик маданияти, маъсулияти оширишига кумаклашади. Муаллим хар-бир сузини уйлаб гапириши, бошкаларнинг касбдошларининг сузи, фикри, мулохазаларини тинглай олиши хам педагогик жамоада узаро муомала муносабатларини яхшилашга хизмат килади.

Муомала

Хамкорлик фаолиятининг эхтиёжидан вужудга келиб чикувчи, шахслараро мулокот ривожланишининг куп киррали жараёнидир. Муомала куйидаги таркибий кисмлардан ташкил топади

Коммуникатив

Бир томонлама ахборот узатиш.
Муомала уз ичига хамкорлик фаолиятининг катнашчилари Билан узаро ахборот алмашинувни камраб олган булиб, коммуникатив жабха сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари Билан мулокотда киришиши жараёнида муомаланинг мухим воситаларидан бири тилга ва нутк фаолиятига бевосита мурожаат киладилар.

Интерактив

Икки томонлама таъсир
Мулокотга киришувчиларни узаро таъсири, уларнинг нутк фаолиятида нафакат суз оркали фикр алмашинуви, балки хатти-харакат ва хулк атвори билан узаро таъсир утказиши тушунилади.

Перцептив

Узаро бир-бирини идрок килиши, англаши
Мулокотга киришувчилар узаро бир-бирларини идрок килиш жараёни намоён булади, яъни улардан бири иккинчисиснинг ишончига лойик, аклли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок килинади

Педагогик муомала

Укитувчининг талабаларга таъсир утказиш усулларининг муайян тизимидир

- Хамкорлик иштирокчиларининг узаро ахборот алмашинуви;
- турлича коммуникатив воситалар ёрдамида укитувчи томонидан талабалар Билан узаро таъсир ва узаро муносабатни ташкил килиш;
- муайян максадни дастурий асосда амалга оширишнинг режалаштириш ва утказиш функциясини бажаради;
- укув фаолиятини яккахол бажаришнинг воситаси;
- тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими;
- таълим ва тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи укитувчи билан талабаларнинг узаро муносабатининг муайян тизимини ташкил килишнинг усули;
- талаба индивидуаллигини такомиллаштириш истеъдодини карор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги;
- яккахол фаолиятнинг субъекти сифатида руёбга чикариш асослидир;
- укитувчи ва талабалар жамоасининг узаро таъсир малакаси, усули, тизими англашиниб унинг мохияти, узаро ахборот алмашиши, таълимий ва тарбиявий таъсир утказиш узаро тушунишга эришиш ва уни ташкил этиш;



Педагог ва талаба уртасидаги мулоқот

Талабалар билан муомала килиш педагогнинг уз тарбияланувчилари билан мулокот олиб бориш махоратини такозо этади. Биз учун эса сузлашишни билиши лозим. Сузлашишни, мулокот олиб боришни доимо

ургапиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сузлашишни билиши, сухбат, лекция, хикоя килиш каби усулларидан фойдаланиши, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида талабалар билан мулокотни йулга куя олиши лозим.

Мулокот – юнонча суз, сузлашув, сухбатлашув, шахслараро сухбат ва фикр олишув, огзаки нутк шакли икки ёки ундан ортик шахсларнинг сузлашувидир.

Педагог билан талаба уртасидаги мулокот булиши учун педагогда етарли даражада кобилиятга эга булиши керак хамда уз - узига доимо куйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга харакат килиши керак:

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш.

Нимага ўргатиш:

а) илм – фандаги янгиликларни англаш, Янги Фан терминларини тушуниш, укув предметини тулик узлаштириш;

б) малака, куникма ва кобилиятни шакллантириш;

в) укув предметлари уртасидаги богликликни амалга ошириш;

г) укув мазмунини тушунарли тизим асосида куриш.

Кимни ўргатиш:

а) талабаларни баъзи психик хусусиятларини (эслаб колиш, нутки, фикрлаш...) хамда уларни кай даражада укимишли, тарбияли эканликларини аниклаш;

б) талабаларнинг бир даражадан иккинчисига утишдаги кийинчиликларини олдиндан аниклаш;

в) укув-тарбия жараёнини ташкил этишда талабаларнинг далиллари, фикрларини хисобга олиш;

г) талабалардаги турли психик узгаришлар ва ривожланишни хисобга олиб, уз педагогик мехнатини ташкил этиш;

д) иктидорли талабалар билан хам ишлаш, якка холдаги ишни ташкил этиш.

Қандай ўргатиш:

а) иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вактни хисобга олган холда укитиш ва тарбиялашнинг турли усуллари мажмуини ишлатиш.

Педагогик таъсир курсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик.

Талаб - тажрибада жуда кенг таркалган усул булиб, таълим- тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён булиши йули билан ёки бу хатти-харакатларининг рагбатлантирилиши ёки тухтатилишини таминлайди.

Истикбол-таъсир курсатишнинг жуда таъсирчан усули булиб, у талабаларнинг хатти-харакатларини, улар олдига куйилган максадлар, уларнинг шахсий интилишлари, кизикишларига айланади.

Рагбатлантириш ва жазолаш-талабаларни хулк-атворига кузатиш киритишни, яъни фойдали хатти-харакатларни кушимча

рагбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номаъкул хатти-харакатларини тухтатишни таъминлайди.

Жамоатчилик фикри – тарбияланувчиларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини гоят хар томонлама ва мунтазам рагбатлантириб боришни таъминлайди.

Талаб-педагогик таъсир курсатишнинг бошлангич усули булиб, тарбияланувчиларда узига нисбатан масъулият ва талабчанликни рағбатлантиришда алохида вазифани бажаради.

Узаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш воситалари: ишонтириш, таъсир килиш, узаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш.

Ишонтириш педагогик таъсир курсатиш усули сифатида дарсларда укув ахбороти, ижодий сухбатлар, мунозаралар шаклида кулланилади. Тарбиявий ишда гурухий ва якка сухбатлар, мунозаралар, сийсий ахборотлар шаклида кулланилади.

Таъсир килдириш киши психикасига назоратсиз кириб, унинг фаолиятида хатти-харакатлар, сабаблар, интилишлар билан амалга оширилади. Таъсир килиш-шундай бир психик таъсир курсатишки, киши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этади.

а) Педагогик вазиятларни таккослаш ва умумлаштириш, усулларни куйиш;

б) Талабаларга якка индивидуал холда муносабатда булиш, уларни мустакил ишларини ташкил этиш.

Педагог талабалар билан буладиган мулокотида куйидаги малакаларни эгаллаган булиши лозим: ташки киёфани назорат килиш нуткни эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш, ташкилотчилик махорати, укув тарбия жараёнини бошкариш услубларини эгаллаш.

Муносабатларни бошкариш услублари:

1. Авторитар услуб.
2. Демократик услуб.
3. Либерал услуб.

1. Авторитар услуб.

- Узи якка холда гурух фаолиятини йуналишини белгилайди.
- Узи курсатма-буйрук беради.
- Жавобгарликни уз буйнига олади.
- Сузсиз буйсунишни даъво этади.
- Каттик интизомни талаб этади.
- Айтилган нарсани тулик бажарилишини талаб этади.
- Гап кайтарганни, гап ургатганни ёктирмайди. Айтган ташаккури хам буйрукдай чикади. Сузлари каттик ва купол. Бирон бир масалани тушунтирмайди, лекин талаб этади.
- Мулокотга киришишнинг асосий шакллари: буйрук, курсатма бериш, кулланма билан ишлаш, хайфсан эълон килиш.
- Муомалада купол, дагал, дук-пуписали мажбур этиш, куркитиш, чучитиш оркали киришади.

- Авторитар услубнинг ижобий томони фавкулодда вазиятлар ишлатилиши (ёнгинда, сув тошкинида)

- Муносабатни бу услубда бошкарилиши атрофдагилар учун кийин ёки огир аҳвол.

2. Демократик услуб

- Жамоа фикрига таяниб иш олиб боради.

- Жамоа фикрини, ташаббусини маъкуллайди, ривожлантиради, бошкалар фикрига хурмат билан карайди.

- Бошкалар фикрини узиники килиб олади.

- Мулокотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслахат бериш, самимий муомала.

3. Либерал услуб.

- Ташаббуссиз жамоа ишига аралашмайди, хамма масалаларни юзаки караб чикади. Узининг фикри йук, жавобгарликдан узини четлатади. Иш натижаси билан кизикмайди.

- Талабаларга эътиборсизлик билан, бегам карайди.

- Уз ишига совукконлик билан карайди.

Илмий педагогик адабиётларда куйидаги муносабат турлари курсатилган:

- хамкорликдаги муносабат- устун оркали муносабат
- дустона муносабат - носамимий муносабат
- ораликдаги муносабат- бекорчи муносабат
- куркув оркали муносабат - диалог ва монолог

Инсон узини куршаб олган олам билан узаро биргаликдаги харакати, одамлар уртасидаги ижтимоий хаёти ва ишлаб чикариш фаолияти жараёнида топадиган муносабатлар тизимида юз беради. Кишилар иш жараёнида табиат билангина эмас, балки бир бирларига хам узаро таъсир курсатадилар.

Педагогик мулокот - бу педагогнинг кулай психологик мухитни яратишга харатилган талабалар билан касбий муомаласидир. Нотугри педагогик мулокат куркув, ишончсизлпк тугдиради ва диккат, хотпра, имконият, ишчанлик кобилиятини пасайтиради. Педагогнинг талабалар билан муомиласи унга енгиллик. кувонч олиб келиши, фаолиятида харакатга ундаши керак. Педагог ва талаба муомиласида хар бир марса хурмат ва талабчанликка асосланиши лозим. Педагогик мулокат социал - психологик жараён сифатида куйидаги функциялар билан - характерланади: шахсни билиши, ахборот алмашиши, фаолиятни ташкил зтпш ва маънавий мухитни яратиш кабилар.

Педагогик махоратга педагогик билимлар билан бир каторда педагогик техника сохасидаги малака хам киради. Улар тарбияга озрок куч сарфлаб, Kупрок натижаларга эришиш имконини беради. Хар бир мохир педагог шахсни шакллантириш билан боглик булган, мазкур масалаларни хал килиши лозим. Педагогдан куч - гайратни, катъиятни, тиришкокликни, тадкикотлар олиб боришга интилишини, янги вазиятга, янги жамоага кириш кобилиятини, самимиятни, тутрилик ва халолликни, уткир акл -

идрокни, бир воситани бошкаси билан текшириб куриш малакасини талаб килинади. Педагогик махорат узига талабалар хакидаги, таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари хакидаги кенг билимларни камраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади. Педагог бу маданиятни эгалламаса, хеч вакт чинакам уста була олмайди. Замонавий педагогга биргина умумий маданиятининг узи кифоя килмайди. У талабаларни кузатиш, уларнинг усишидаги мухим нарсаларни жамиятда вужудга келган, асосий ижтимоий гоялар билан таккослаш, уларни ривожлантириш йуллари ва усулларини аниклаш, турли воситалар тарбиявий таъсир курсатиш усулларининг узаро бир бирига утиши диалектикасини чукур тахлил. к,илиш, педагогик изланишлар ва ютукларни илмий жихатдан бир системага солиш малакаларига эга булади.

Педагогик малака билим ва куникмалар фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш кобилиятидир. Педагог фаолиятига оид бундай малакаларга куйидагилар киради.

А) Амалий конструктив малакалар:

1. Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг мухим коидаларини англай билиш.

2. Хар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.

3. Талабаларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятларини хисобга олган холда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари:

1. Талабалар орасидаги фаолларини аниклай билиш, танлай билиш ва уларни идрок килиш.

2. Талабаларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини. билиш.

3. Талабаларга берилган ижтимоий топшириклар берилиши юзасидан назорат урнатиш ва уларга зарур вактда амалий. ёрдам бериш.

4. Узи рахбарлик килган гуруздаги амалий ишларни амалга ошира билиш.

5. Ота - оналар, кенг жамоатчилик уртасидаги ишларни билиш.

Талабаларга талаблар куйиш методлари куйидагилардан иборат: талабанинг ахлок коидаларини, барча предмет буйича билимларни бахолаш, укув юртининг, коллежнинг ички тартиб коидаларини, таълимда тушунтириш жараёнида кулланади. Шуни назарда тутиш керакки, укишдаги бурч ва маъсулиятни билиш, машк килиш, талабаларни мехнат килишга ургатишдан иборатдир. Талаба коллежда яхши укиши, самарали хизмат килиши, яхши дам олиши, хамма вакт кизикарли машрулот билан банд булиши максадга мувофикдир. Бундай фаолиятни уюштириш педагогнинг махоратига боглик. Педагог олдига куйилган талаблар:

1. Фаолиятнинг аник максадларини талабалар жамоаси хам, талаба хам аник хис килсин.

2. Фаолиятни амалга ошириш педагоглар ташаббуси ва ижодий фаолликка боглик. Бунда ишни таксимлаш, режалаш, хисобга

олиш, натижа чикариш кабиларни талабаларнинг узларига хавола килиш керак.

3. Педагог фаолиятга педагогик рахнамолик килади, уларни ижодий одатларини шакллантиради.

4. Фаолият жараёнида хар бир талаба ижрочилик мухакасига эга булади.

5.Иш натижасини муохокама килиш, иштирокчиларни рагбатлантириш.

Инсоннинг ахлокий тарбияланганлигини унинг атрофидаги нарсаларга булган турли-туман муносабатларда намоён буладн. Амалий фаолият кишининг ахлокий тарбия тизимининг мухим томонидир. Шунинг учун талабаларга яхшилик килиш ва мехрибонлик ички кечинмалар билан эмас, балки педагог фаолиятидаги асосий вазифа хисобланади.

Муомала шахс фаолияти учун мухим хисобланади. Шунинг учун педагог укув тарбия жараёнида талаба шахсини шакллантиради. Муомила шахсга узини танишни ургатади. Педагог дарсни режалантирар экан, талабаларнинг факат ахборотни эгаллашлари билан чегараланмасдан, ёрдамга мухтож булганларга шароит яратиш, уларнинг кизикмшини таъминлаши лозим. Муомала жараёнини икки типга булиш мумкин: диалог ва монолог. Монолог муомилада хамкорлик бир томоннинг ижрочилиги асосида курилади. Педагогик фаолият педагогнинг талабалар билан муносабата-жараёнидаги ишни демократик ташкил этади ва биргаликда амалга оширилади.

Педагогик мулокот мавзуси буйича кургазмали материаллар

Педагогик мулокот

Укитувчининг талабалар билан дарсда ва дарсдан ташкари вактда энг кулай психологик мухит яратишга каратилган касбий муносабатдир

Мулоқот

шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

2. Нораёмий;
3. Шахсий;
4. Ижтимоий йўналтирилган;
5. Гуруҳдаги предметга йўналтирилган

Мулоқотнинг вазифалари

1. Суҳбатдошларнинг ўзаро *бир - бирини тушунишларини* таъминлаш;
2.Ижтимоий тажрибага асос солиш;
3.Шахсни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш, руҳлантириш .

Педагогик мулокот функциялари

Педагогик мулокот ижтимоий жараён сифатида куйидаги функциялари билан характерланади:

1. Шахсни билиш;
2. Ахборот алмашиниш;
3. Фаолиятни ташкил этиш;
4. Роллар билан алмашиш;
5. Бошкалар учун кайгуриш;

Педагогик мулокотнинг тузилиши

7. Педагог томонидан гурух билан булгуси мулокотни моделлаштириш (прогностик этап);
8. Дастлабки узаро фаолиятдаги бевосита мулокотни ташкил этиш (коммуникатив алока);
9. Педагогик жараён боришида мулокотни бошкариш;
10. Амалга оширилган мулокотни тахлил эти шва уни Янги фаолият учун моделлаштириш;


Мулокот жараёнида
Педагогик таъсирнинг уч воситаси
- Вербал таъсир – бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъ-сиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлар-дир.
2. Паралингвистик таъсир - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни ку-чайтирувчи ёки сусайти-рувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради
3. Новербал таъс
Бунга суҳбатдошла
фазода бир-бир
нисбатан тутган ўри
ҳолатлари (яқин,
интим), қилиқлари,
ка, пантомимика, к
лар, бир-бирини бе
ҳис қилишлар,
қиёфа ва сигналлар к



Қисқа хулоса

Демак, Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарбиянинг мАқсада, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия

соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шаклларини кўрсатиб беради. Педагогнинг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Демак, укув-тарбия жараёнининг натижалари педагогнинг махоратига, ташкилотчилик фаолиятига ва касб куникмасига боклик экан. Дарснинг самарадорлиги, таълимий, ривожлантирувчи ва тарбияловчи жараёнини ошириш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

-педагогнинг маънавий-ахлокий, сиёсий, илмий назарий ва методик даражасини ошириш;

- педагогик мехнат сифатига, дарсга тайёрланишга масъул муносабатни белгилаш;

- барча укув-тарбиявий ишлар буйича самарали назоратни ташкил этиш;

- талабаларда укишга масъулият муносабатни тарбиялаш буйича улар билан иш олиб бориш, билимларидаги нуксонларнинг олдини олиш, билим, куникма ва малакаларнинг юксак сифатига эга булиши учун курашиш, бу ишга талабаларнинг узини фаол жалб килиши керак.

Бу йуналишларнинг хар бири буйича аник уйлаб чикилган, илмий жихатдан асосланган ишлар режаси, педагоглар жамоаси унинг укув-тарбиявий ишлари даражасидан келиб чикадиган тизими булиши зарур.

Педагогик мулокот - бу педагогнинг кулай психологик мухитни яратишга харатилган талабалар билан касбий муомаласидир. Нотугри педагогик мулокат куркув, ишончсизлпк тугдиради ва диккат, хотпра, имконият, ишчанлик кобилиятини пасайтиради. Педагогнинг талабалар билан муомиласи унга енгиллик. кувонч олиб келиши, фаолиятида харакатга ундаши керак. Педагог ва талаба муомиласида хар бир марса хурмат ва талабчанликка асосланиши лозим. Педагогик мулокат социал - психологик жараён сифатида куйидаги функциялар билан - характерланади: шахсни билиши, ахборот алмашиши, фаолиятни ташкил зтпш ва маънавий мухитни яратиш кабилар.

Назорат саволлари

1. Педагогик маҳорат фанининг максади ва вазифаси нимадан иборат?
2. Педагогик техника хакида тушунча беринг?
3. Педагогнинг уз рухий холатини бошкариш техникаси деганда нимани тушунасиз?
4. Нутк маданияти деганда нимани тушунасиз?
5. Сиз ўз педагогларингиз фаолиятини кандай бахолайсиз?
6. Педагогик адолат хакида нималарни биласиз?
7. Дарс бу- педагогик ижодкорлик деганда нимани тушунасиз?
8. Маданият тушунчасини шархланг?
9. Мимика, пантомимика нима?

10. Педагогик ташкилотчилик фаолиятининг мохияти нимада деб уйлайсиз?

11. Ташкилотчилик рахбар фаолиятида кандай рол уйнайди?

12. Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиз?

13. Муомала маданияти, нутк маданияти деганда нимани тушунасиз?

14. Педагог диккатни жалб кила билиши учун узини кандай тутиши лозим?

15. Сиз уз педагогларингиз фаолиятини кандай бахолайсиз?

16. Педагогик малака нима?

17. Қобилиятни ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Азизхужаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.

2. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат. – Т.:ТДПУ, 2003.

3. Ишмухамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йуллари”. – Т.: ТДПУ, 2004.

4. Очилова Г. “Педагогик махорат” Тошкент,, 2005 йил.

5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. “Олий укув юртларида укитишнинг замонавий усуллари”. – Т.: 2002.

6. Хужаев Н.Х., Ходиев Б.Ю., “Янги педагогик технологиялар. Укув кулланма. – Т.: «Фан», 2002.

7. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.

8. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академіа». 2004

9. www.tgeu.uz.-Тошкент Давлат Иктисодиёт Университети веб сайти.